

63.3

X 78



Хильда
ЕТТИ И
СУЛТ



Хүкхэм

КЛИМ
ОНИ

X-78


ХИЛЬДА ҲУКХЭМ

ЕТТИ ИКЛИМ СУЛТОНИ

Хужжатли-тарихий қисса

73183

Тошкент
«Адолат»
1999



Ҳуққэм Ҳ.

Етти иқлим султони: Ҳужжатли-тарихий қисса/Пер. с рус./.—Т.: «Адолат», 1999. — 320 б.

ББК 63.3(5У)

Ҳильда Ҳуққэм — Англияда яшовчи камтаргина муаллима эди. У жуда ёшлигидан бошлаб Ўрта Осиё тарихи билан шуғулланиб келди. Ҳусусан, Лондондаги Британия музейидаги узоқ йиллар мобайнидә сабот-матонат билан ишлаши натижасида Ватанимиз утмишига бағишланган бир қатор тадқиқотлар яратди. Эндиликда мархұма Ҳ. Ҳуққэмнинг энг асосий асари — «Етти иқлим султони» қиссаси буюк бобокалонимиз Амир Темур Қурагонийнинг ҳәти ва фаолиятига бағишланғандир. Асар тарихий манбалар асосида ҳаққоний, самимий ёзилғанлиги учун ҳам китобхонни бефарқ қолдирмайды.

Русчадан
Ҳасан ТҮРАБЕКОВ
ва Шерали СОКИН
таржимаси

Ҳ 4703010101-017 зылонсиз 99.
(04)-99

© «Адолат», 1995 й.
© «Адолат» (таржима), 1999 й.

I боб

ТЕМУР ВА УНИНГ ДАВРИ

Темурлангинг пойшададир бутун Осиё –
У худонинг офати ва олам кулфати.*

Кристофер Марлоу. «Буюк Темур».

Амир Темур деганда ҳозир Оврупода яшайдиган одамларнинг аксари шунчаки бир исмни тушунади. Гарчи Темур фолияти К. Марлоуни пъеса ёзишга илҳомлантирган ва тарихчи Э. Гиббонснинг «Рим империяси инқирози ва емирилиши»¹ китобида деярли катта бир бобни ташкил этган бўлсада, ҳозирги кунда энг уқимишли одамлар ҳам унинг тарихдаги ўрни ва аҳамиятини аниқ тасаввур қилишлари амримаҳол. Аммо шунга қарамай, у Чингизхон, Искандар Мақдуний, Отилахонлар** билан бир қаторда турадиган буюк шахсdir.

Бизнинг маълумотимиз хусусидаги ушбу танқидий фикр бундан чорак аср муқаддам айтилғаң бўлса ҳам, у ҳануз уз кучини сақлаб келяпти. Бинобарин, буғун бундай қолоқчиликни оқтаб булмайди, зеро эндиликда купгина манбалар, уша даврга доир асарларнинг таржималари ҳамда уларга берилган изоҳлардан фойдаланиш, имконияти мавжуд, маблаги етарли бўлган сайёҳ эса Амир Темурнинг юртига бемаюл бориб келиши мумкин.

Қиролича Елизаветанинг сарой шоири Кристофер Марлоу XVI асрнинг 80-йилларида оқ шеър билан «Буюк Темур» драмасини ёзди. Ўшандан бошлаб Оврупода буюк саркарданинг ҳаёти афсонага айланди. Марлоу фойдаланган манбалар (Педро Мексиа ва Петрус Перондинус³ асарлари) аслида ҳужжатли асар эмас, шунчаки қаҳрамонлик романлари эди. Темир қафасга банди қилинган сulton (Боязид)ни, Темурнинг аравасига от ўрнида қушилган шаҳзодаларни, минглаб кишиларнинг қатлиом қилинишини ҳатойиққа кўрсатувчи саҳна томошалари XVII аср урталарида юз берган пуритан инқилобигача давом этди. Шундан сўнг то 1953 йилга қадар – уша йили «Буюк Темур» Олдвикда қайта тикланди – мазкур асар қайтиб саҳна юзини курмади. Туғри, 1724 йили Гендель ўзининг «Оқсоқ Темур» операсини ёзганди. Бироқ ана шу икки асардан бошқа шу хусусдаги на бир тарих, на бир ривоят китобхонга стиб борди.

* Китобдаги шеърий мисраларни Маъруф Жалил таржима қилган.

** *Отилахон* – V асрда яшаган хунлар подшоси. Фарбда Атилла номи билан машҳур. (Бу ва бошқа изоҳлар таржимонларники).

Хуқъэм X

Етти иқтим сұлтони: Ҳужжатли-тарихий қисса/Пер. с рус./.—Т: «Адолат», 1999. — 320 б.

ББК 63.3(5У)

Хылда Ҳуқъэм — Англияда яшовчи камтаргина муаллина эди. У жуда ёшлигидан бошлаб Үрта Осиё тарихи билан шугулланиб келди. Ҳусусан, Лондондаги Британия музейіда узоқ Йиллар мобайнидә сабот-матонат билан ишлаши натижасыда Ватанимиз үтмишига бағищланған бир қатор тадқиқттар яратди. Эндилікда мархұма X. Ҳуқъэмнің энг асосий асари — «Етти иқтим сұлтони» қиссаси буюк бобокалонимиз Амир Темур Құраганийнинг ҳәеті ва фаолиятiga бағищланғандыр. Асар тарихи манбалар асосыда ҳаққоний, самимий ёзилғанлығи учун ҳам китобхонни бефарқ қолдирмайды.

Русчадан
Ҳасан ТУРАБЕКОВ
ва Шерали СОКИН
таржимаси

X 4703010101-017
(04) 99 әйлонсыз 99.

© «Адолат», 1995 ый.
© «Адолат» (таржима), 1999 ый.

I бөб**ТЕМУР ВА УНИНГ ДАВРИ**

Темурланғыннан пойыздадыр бутун Осиё —
У худонинг оғаты ва олам құлғаты*.

Кристофер Марлоу. «Буюк Темур».

Амир Темур деганда ҳозир Оврупода яшайдыган одамлар-нинг аксари шүнчаки бир исмни тушунади. Гарчи Темур фазолияти К. Марлоуны пьеса ёзишгі илтіомлантирган ва тарихчи Э. Гиббонснинг «Рим империяси инқирози ва емирилиши»¹ китобыда деярли катта бир бобни ташкил эттан булсада, ҳозирғи кунда энг үқимишли одамтар ҳам унинг тарихдаги үрни ва ахамиятини аниқ, тасаввур қилишлари амримахол. Аммо шунға қарамай, у Чингизхон, Искандар Мақдуний, Отилахонлар² билан бир қаторда турадыган буюк шахседір.

Бизнинг маълумотимиз хусусидаги ушбу тақиғиди фикр бундан чорак аср муқаддам айттылған булса ҳам, у ҳануз уз кучини саклаб келяпти. Бинобарин, буғун бундай қолоқчиликни оқталаб булмайды, зеро эндиликда күпгина манбалар, уша даврага доир асарларнинг таржималари ҳамла уларға берилған изохлардан фойдаланиш, имконияти мавжуд, маблаги етарли бўлган сайдек эса Амир Темурнинг юртига бемалол бориб келиши мумкин.

Қиролича Елизаветанинг сарой шоири Кристофер Марлоу XVI асрнинг 80-йилларida оқ шеър билан «Буюк Темур» драмасини ёзды. Үшандан бошлаб Оврупода буюк саркарданнинг ҳәети афсонага айланды. Марлоу фойдаланған манбалар (Педро Мексия ва Петрус Перондинус³ асарлари) аслида ҳужжатли асар эмас, шүнчаки қаҳрамонлик романлари эди. Темир қафасга банди қилинған сұлтон (Боязид)ни, Темурнинг аравасига от урнида қүшилған шаҳзадаларни, минглаб кишиларнинг қатлиом қилинишини халойиққа курсатувчи саҳна томошалари XVII аср урталарнда юз берган пуритан инқилобигача давом этди. Шундан сунг то 1953 йилга қадар — уша йили «Буюк Темур» Олдвикда қайта тикланди — мазкур асар қайтиб саҳна юзини курмади. Туғри. 1724 йили Гендель узининг «Оқсоқ Темур» операсини ёзганди. Бироқ ана шу иккى асардан бошқа шу хусусдаги на бир тарих, на бир ривоят китобхонга етиб борди.

¹ Китоблаги шеърий мисраларни Маъруф Жалил таржима қылған
² «Отилахон» — V асрда яшаган хунлар подшоси. Фарбда Атилла номи билан машхур. (Бу ва бошқа изохлар таржимонларини).

Унинг асли номи Темур эди. Бу ном Осиёда турли шакларда кўп учрайди. Соҳибқирон душманлари уни Темурланг яъни Оқсоқ Темур деб атасалар, Фарбда бу исм Тамбурлэйн ёки Тамерлан номи билан машхур бўлган.

Ҳақиқат кишини ҳар қандай романдан ҳам кўра кўпроқ ларзага солар, саҳнадаги «Оқсоқ Темур» эса шу буюк сиймонинг жуда ҳам аҳамиятсиз нусхасидан бошқа нарса эмасди. Темур ўзининг фавқулодда нодир салоҳияти, фаоллиги ва иззат-нафси туфайли ута толеи кулган шахс эди. Шунчалик улкан муваффақиятлар қозонган, саҳройи оқсуяклар ва кўчманчи қабила бошлиқларига раҳнамолик қилган Саркарда, афтидан, дунё миқёсида бир вақтнинг ўзида ҳам ўтрок, ҳам кўчманчи халқлар устидан ўз ҳукмини ўрнатган сўнгти саҳройи қабила бошлиғи бўлиб қолаверди.

У Оврупо қитъаси уфқида насронийлар учун нохуш соатда пайдо бўлди. Улуғ ихтилоф лотин черковини заифлаштирган, ўлат хуружи ва феодал князликлари ўртасидаги тўқнашувлар бир-бири билан ўрин алмашиб турганди. Ҳолдан тойган Византия империяси эса ўзининг тақдирни узил-кесил ҳал этилишини итоаткорлик билан кутарди. Негаки усмонли турклар ана шу салтанатга тобора кўпроқ ҳавф-хатар солмоқда эди.

Шарқ томондан Болқон ерлари оша тўфондек бостириб келиб, амалда Византияning қолган-қутган мулкларини комига тортган усмонли туркларнинг хунрезлиги бир-бири билан ёвлашган турли-туман насроний гурухларни араз-даразларни бир четга йигиштириб қуйиб, дини ислом таҳдидига қарши сўнгги салиб юришига мажбур қилди. 1396 йили Никополь ёнида рицарлар мағлубиятга учраганда, Фарб давлатлари усмонли турк сultonига асир тушган фарзандлари ва ака-укаларини товон тулаб, кутқазиб қолиш учун ҳатто пул ҳам тўплай олмади.

Бироқ, шунга қарамай, Оврупо осмони узра умид юлдузи чарақлай бошлади. Шарқдан усмонли турклар мулки томон ўзининг беҳисоб сувори лашкарини бошлаб заковатли инсон, моҳир шатранжчи, малакали дин пешвоси ва атоқли саркарда Темур яқинлашиб келарди.

Насроний ҳукмдорларининг элчилари ўз душманлари — усмонли туркларга қарши курашда ёрдам беришни сураб, Темур саройига бош уриб келдилар. Византия императори Мануэль II икки роҳиб — ҳазрат Френсис билан ҳазрат Сандронни Соҳибқирон ҳузурига юбориб, улар орқали шахсан ўз номидан. Перадаги (Константинополдаги савдогарлар маҳалласи) генуялик савдогарлар қасабаси ва Генуянинг олий ҳукмдори Фарангий Карл VI номидан ёрдам кўрсатиш хусусида дўстона илтимос қилди. 1402 йил ёзида Темур Анқара (Анго-

ра) ёнида усмонли туркларни тор-мор келтириб, султон Боязидни асир туширди. Шундан сунг Темур ҳузурига келаётган элчилар ва карвонлар оқими бир зум тұхтамади. Бир оз нафас ростлаган, аммо тинка-мадори қуриган Константинопольғолиб ҳукмдорға тобелик изҳор қилиб, үзининг бўйсунганилиги рамзи сифатида улпон жўнатди. Перадаги генуяликлар Темур салтанати байроғини үрнатдилар. Эндиликда бу байроқ Босфор курфази узра ҳилпираій бошлади. Венециянинг савдо магнатлари Соҳибқиронга уз миннатдорчилигини билдирилар. Ҳенрих III, Кастилия ва Леон қироли элчихонаси совсаломлар, дустона қутловлар келтириди. Инглизистон ва Франгистон қироллари Ҳенрих IV ва Карл VI юз йиллик урушда сулҳ тузилганидан фойдаланиб, уз қутловларини юборарканлар, савдо-сотиқ муносабатларини ривожлантириш хоҳиш-истагини билдирилар. Осиёдан Муғулистон хонининг ва Хитой хоқонининг элчилари етиб келдилар. Машриқ Марби Аллоҳга сажда қиласидиган, аммо ўзи ун минглаб насранийлар, мусулмонлар ва «ғайридинлар»ни қириб юборган саҳройи истилочи олдидә хушомадгүйлик қиласиди.

Ўша маҳалда қарийб етмиш ёшли оқсоқ, бир қули мажруҳ, үзининг тарихдаги тантанали юришини Самарқанддан жануброқда жойлашган водийда унчалик катта булмаган, содиқ навкарларидан иборат гуруҳ билан биргаликда бошлаган Темур XIV асрнинг 60-йилларида Мовароуннаҳр оралиғидаги худуд узра ҳукмдорлигини үрнатганди. Шундан сунг у ўттиз йил давомида үзининг довюрак суворийларини Муғулистондан тортиб, Ўрта Ер дengизигача бўлган давлатларга қарши бошлаб борди, бу давлатларнинг ҳар бирини шиддатли ҳужумлари билан яксон қилди. Эндиликда улжалар ортилган карвонлар Мовароуннаҳрнинг қоқ юрагида жойлашган чўлу саҳролар, тоғ довонлари орқали Самарқандга илдамлаб борарди. Филлар ва туялардан иборат карвонлар ғорат қилинган Панжоб пасттекислиги ва Деҳли сultonлигидан, Волга буйи текисликлари ва Дашиб қипчоқдан хазиналар, Мисрдан олтин ва дуру жавоҳирлар, туяқуш ва заррофа (жирафа) каби аломат ҳайвонлар, Венециядан тилла тангалар, Кастилиядан антиқа гиламлар таширди. Бу карвонлар Дамашқдан уста-хунармандларни, Бағдоддан олиму фузалоларни, Онадулидан асир тушган туркларни, Ўрта Ер дengизи соҳиллари ва Хитайдан тожирларни бу манзилга етказарди.

Усмонли туркларни тор-мор келтирган Темур насронийларнинг сунгги таянчи — Смирнани вайрон қилди, унинг тарсолардан иборат ҳимоячиларини қириб ташлаб, үзининг муқаддас жиҳодини амалга оширди. Черковлар масжидларга аилантирилди, бутхона қўнғироқлари занги муаззинларнинг

намозга даъват этувчи азони билан алмаштирилди. Темур Эгей денгизига етиб бориб, ортига қайтди. У мана шу тушуниб бўлмас, беҳаловат Овруподан, папалар ва папага зид зотлардан, савдойи князлардан, жоҳил, тунг дехқонлардан юз ўғирди. Ислом алломалари каби Темур ҳам Овруподан ҳазар қиласади. Араб муаррихи, Темурнинг замондоши Ибн Халдун узининг умумий тарих ҳақидаги асарига Испаниядан шимолроқда жойлашган мамлакатлардан бирон-бирини ҳам киритмади, фақат унинг қулидаги маълумотларга қараганда, «Оврупода фалсафага оид фанлар гуркираб ривожланди, бироқ ўша мамлакатларда қандай сир-синоатлар юз берадётганлиги ёғиз худога маълум»-лигини мухтасар қилиб таъкидлаганди⁵.

Темур мағлуб мамлакатлардан олиб келинган хунармандлар ва қурувчилар саройлар, боғ-роғлар, масжидлар қурилишида меҳнат қилаётган Самарқандга қайтишга қарор қилди. У ср куррасининг чорак палласича масофа нарида жойлашган Чин, яъни Хитойни забт этишини орзу қиласади. Хитой Оврупо учун амалда мутлақо номаълумлигига қолаётганди Марко Полонинг ҳикояларига ҳеч ким ишонмас, католик элчилари (Карпини, Рабрук)нинг мӯғул хони тасарруфидаги юртларга қилган саёҳатлари ҳақидаги асарлари кўпчиликка номаълум эди. Бироқ Темур учун Хитой диққат-эътиборга лойиқ бирдан-бир мақсад булиб қолди, бу — Ер юзидағи энг бой салтанат эди; буюк Темур узининг нигоҳини ана шу мамлакатга қаратди.

Темурнинг усмонилар устидан қозонган ғалабаси Византия учун турклар ҳамласини ярим аср муддат кечикитиришга имкон берди. Оврупо эса мана шу давр ичида диний бидъат ва мазҳаблар ихтилофидан сунг бир оз ўзига келиб, янги кучларни йиғиб олди. Соҳибқирон эса сарой файласуфлари билан шатранж ўйнаб, суҳбатлар қуаркан, Самовий салтанатнинг бут-санамларини яксон қилишга қарор бериб, Шарққа қараб йўл олди.

Темур Осиёга деярли йигирма аср давомида ҳукмронлик қўлган машхур муҳориблар гуруҳи намояндаси эди. Унинг салтанати милоддан олдинги IV асрда ўтган Буюк Искандар замонидан бошлаб Ҳиндистон шимоли, Эрон, Урусия даштлари ва Хитой каби улкан ҳудудни забт эта олган қудратли давлатлардан бири эди. Бу салтанатнинг умуртқа поғонаси Ўрта Осиё эди. Ўрта Осиёни Буюк ипак ўлидаги фақат қўнимгоҳ аҳамиятига эга булган Узоқ ва Яқин Шарқ ўртасидаги бир равоқ ёки бошқа салтанатлар таркибидаги музофот деб қараш хато эканлиги мутлақо равшандир.

А. Тойнби томонидан унинг «Тарих тадқиқотлари» китобида олга сурилган Темур гўё «чегаралар орасидаги бир одам

эди» деган қараашлар асоссиздир⁵. Унинг «Урта Осиёning инсоният маданиятида тутган ўрни фақат бир халқнинг маданиятини иккинчи бир халққа узатувчи вазифалардан иборат» деган қараашлари ҳам далилсиз ва номақбулдир. У ёзали: «Гарчи Мовароуннахр маданиятлар таъсирини бир-бирига муттасил узатиб турган бўлса-да, бу минтақанинг узи, афтидан, ҳеч қачон турли йўналишларда ўз қувватини таратиб турувчи маданият маркази бўлмаган»⁷.

Бундай қараашлар далилларга зиддир. Темур Урта Осиёдаги аввалги тараққиётнинг сиёсий, иқтисодий ва маданий меросини ўз сиймосида мужассамлаштирган зот эди. У Сичқон йилида — 1336 йили Самарқанд билан Ҳиндикуш тоғ тизмалари оралиғида жойлашган воҳода туғилди. Буюк Искандарнинг ҳарбий юришларига гувоҳ булган бу худудда унинг анъаналари ҳали давом этаётган эди. Темур набираларидан бирига Искандар деб исм қўйганди. Кичик Искандар бундан ўн етти аср муқаддам бу ердан утган ўзининг улуғ адаши жасоратини тилдан қўймасди. Улуғ Искандар ҳам Темур забт этган мамлакатларни эгаллаган, лекин унинг фотиҳлиги тескари йўналишда булган эди. Темур қўшинлари юононлардан фарқли улароқ, Сирдарёнинг шарқида — минглаб миля узоқликда жойлашган Сибирга, шунингдек, Итиль (Волга) дарёсининг шимолий ҳудудларига қадар кириб бора олди.

Темур Урта Осиё тарихида чукур илдиз отган империявийлик ва маданий анъаналарнинг давомчиси эди. У X ва XI асрларда араб ва форс тилларида ёзилган фалсафа, тиббиёт, риёзиёт, фалакиёт, жуғрофия, тарих, адабиётга доир ажойиб асарлар яратилган юртдан чиққанди. Бу асарлар кейинчалик Оврупо Ўйғониш даврининг вужудга келишида рағбатлантирувчи омил, Оврупо илм-фани тараққиёти учун кўп асрлар мобайнода замин булиб хизмат қилди. Ўз даврининг энг қобиљиятли вакили, Чингизхондан мерос булиб утган ҳарбий санъатни ривожлантирган Темурнинг тарих саҳнасига чиқиши тасодифий ҳол эмасди.

Саҳройиларга хос жасур, сабр-тоқатли, жонсарак Темур на чўлу биёбонларнинг жазира мақсади, на тоғ довонларининг ҳаддан зиёд қаҳратон совуғини писанд қиласар, утроқ халқлар учун тушуниб бўлмайдиган чидам билан бу мушкулотларга бардош берарди. Саҳройилар ҳаётдан ном-нишон бўлмаган пасттекисликлар ва тоғ довонларидан осонгина ўтишар, улар тупканинг тубидаги ерларга ҳам етиб боришардик, XIX аср сайёхи бундай ишни улддалай олмаган бўлур эди. Темур муттасил давом этган барча ҳарбий юришларга шахсан ўзи бошчилик қиласар, ҳеч қачон бирон-бир ерда узоқ туриб қолмасди. Унинг аскаргоҳи мавсумга ва ем-хашак захирала-

рига мувофиқ тарзла муттасил ўзгариб турар, саройи, у билан биргаликда, маъмурӣ маҳкамаси, уй-рӯзгори, исталган маҳалда Қурол ушлашга шай турған ўрдаси жойдан-жойга силжиб турарди. У бир неча қунгагина Самарқандга келаркан, дарҳол шаҳар ташқарисидаги ўзининг қароргоҳидаги саропардага — чодирга ошиқарди.

Темур мактаб кўрмаган бўлса-да, уни жоҳил деб бўлмасди. У жисмонан бақувват, маънавий ҳәётнинг юксак қадрияларини эгаллаганди, доимо олимлар даврасида иштирок этар, улардан талайгина фанларни ўзлаштирганди, тарихни яхши биларди. Темур Шарқда Нанкиндан тортиб, Фарбда Кастилиягача элчилар жўнатар экан, улардан ўзлари борган мамлакатларнинг ҳукмдорлари, халқларининг ҳаёти, ҳўжалиги, жуғрофияси, дини ҳақида маълумот келтиришни талаб қиласди. Фикримизча, X. А. Фишер Чингизийларнинг юз йиллик ҳукмронлигидан кейин (1264—1368 йиллар) «Ўрта Осиё парокандаликка учради, Хитой эса қаро зулматга юз тутди» деганида ноҳақ эди⁶. Темур Осиё қитъасини ҳар қандай жуғрофияндан кўра яхшироқ биларди. У давлат ишларидан буш вақтларида, ҳарбий юришлари давридаги ҳордиқ дамларida аркони давлати билан баҳс-мунозараларга киришар, ўз халқи ривоятларини бажонидил тингларди. Темур дини исломнинг етакчи олимлари билан тарих, диний таълимотлар ва имлий муаммолар юзасидан бемалол баҳслаша оларди. У Чингизхон асос солган ҳарбий табия (тактика)нинг энг моҳир устаси эди. Устувор даражага эга, Соҳибқиронга ута содик ўзбек сувориларидан иборат оқсуяклар фавжи (отряди) унинг қудрати асосини ташкил этарди. Муҳорабаларда у ўзининг мақсаларига хизмат қиласиган ҳар қандай имкониятдан, моҳир ҳарбий, муғомбир сиёсатчи сифатида дасисалардан ва турли иттифоқлардан кент фойдаланарди. Зафарлар уруғи ғаним кўшинлари сафларига юборилган хуфиялар томонидан сепилар, ҳосил эса жанг майдонида уриларди.

Инглизистондан тортиб, Хитойгача бўлган ҳужжатасров-хоналар унинг қўшни ва узоқ давлатлар билан моҳирона музокаралар олиб борганини сизлайди. Унинг ҳарбий маҳоратидаги энг асосий қурол жонсараклик ва қуққисдан зарба беришдан иборат эди, бироқ бу ажойиб саҳройи-шатранжчи қачон чекиниш заруриятини, бир зарба билан ҳарбий юришни ниҳоясига етказиш учун сабр-тоқат билан қулай фурсат кутишни яхши биларди. Унинг ҳарбий муҳорабалари қатъий белгиланган режага эга бўлмасдан, агар шарт-шароит кулайроқ имкониятга кафолат берса, ҳарбий юриш йўналишини ёки кўзлаган мақсадини ўзгариши мумкин эди. Фарангий шарқшуноси Груссе Темур муҳорабаларини уларда аниқ жуғро-

фий изчиллик йўқлиги учун танқид қилганди. Эҳтимол, жуғрофий омил тадқиқот китоблари учун бафоят қулай булар, аммо саҳройиларнинг ҳарбий мақсадларини амалга оширишлари учун бундай изчиллик ярамасди. Исломнинг файридинларга қарши уруш — жиҳодга фатво бериши, унинг ҳокимияти эҳтиёжлари, саҳройи оқсусякларнинг талончилик ниятлари Темур ҳарбий юришларининг асосини ташкил этарди. Соҳибқирон уларга бўйсунишга мажбур эди.

Албатта, Темурнинг ҳарбий юришлари чоғида унга қаршилик курсатганлар шафқатсиз жазоланганигини унтиши мумкин эмас. Бироқ шунга қарамасдан, Темурнинг истилоларини ва унинг ҳокимияти фаолиятидаги ижобий оқибатларни ҳам эсдан чиқариш ярамайди. Унинг душманлари устидан бир жойда эришган ғалабаси иккинчи бир жойда вайронагарчиликлар булиши, қурбонлар берилшининг олдини оларди. Бу зафарлар Константинополнинг қулашини ва Византияning улим талвасасини ярим асрга кечиктириди. Сунгги салиб юриши мағлубиятга учраганлиги ҳисобга олинса, бу муҳлатни чузиш насронийлик ва Оврупонинг тақдиди учун ҳал қилувчи аҳамиятга эга булиб чиқади.

Темур кучган зафарлар ўрис князликлари учун ҳам озмунча аҳамият касб этмаганди. Унинг Олтин Ўрда устидан эришган ғалабаси ягона ўрис давлатини вужудга келтириш йўлидаги асосий тусиқни олиб ташлади. Шимол даштлари узра мӯғул ҳукмронлиги синдирилди, жанубга кўчирилган қитъа карvon йули ўрис давлатларига узоқ мамлакатлар билан савдо-сотиқ қилиш учун имкониятлар яратди.

Биродаркушлик урушлари юз бериб турган булишига қарамай, Темур сулоласи Ўрта Осиёда юз йилдан купроқ вақт мобайнида ҳукм сурди. Шунга қарамасдан, бу сулола Хитой, Ҳиндистон, Фарбий Осиё давлатлари билан робиталар урнатди. Самарқанд йирик илмий марказзга айланди. Бу ерда Темурнинг набираси Улугбек расалхона бунёд қилди, юлдузлар ҳараратини ўрганувчи Зиж тузди. Бу Зиждан XVII асрда инглиз қиролининг етакчи мунахжими кенг фойдаланди. XV асрни Темурийларнинг ўйғониш даври деб аташ мумкин. Ҳирот эса ажойиб миниатюрачилар мактаби вужудга келган пойтахтга айланди. Ана шулардан бири булган Беҳзод бу борада энг атоқли мусаввир эди.

XVI асрнинг бошларида барча Темурийлар Ўрта Осиёдан ҳайдаб чиқарилганда, Темурнинг чевараси Бобур дастлаб Кобулни қўлга киритди, кейинроқ эса Дехлини эгаллаб олди. Ү Ҳиндистонда Буюк Мӯғуллар номи остида машҳур бўлган мусулмон шоҳлари сулоласига асос солди.

Темур ва унинг даври ҳамон кўп жиҳатдан, хусусан, Оврупода ўрганилмасдан келмоқда. Шунинг учун унинг фаолиятидаги у ёхуд бу жиҳатлар, унинг тарихидаги салбий ёки ижобий оқибатлар ҳақида аниқ фикр айтиш қийинидир. Унинг ҳаёти ва фаолияти ҳақида гувоҳликларнинг талайгинаси, кўпгина манбалар Темур вафотидан кейинроқ бошланган ва асрлар бўйи давом этган тож-тахт учун узаро талашишлар натижасида йўқолиб кетди, сақланиб қолганлари эса бирбирига зиддир. Сарой солномачилари муҳорабалар тафсилотини форсий насрда ва туркий назмда битар эдилар. Кейинчалик бу қайдлар сарой олимлари томонидан тарихий асарлар ёзиш чоғида фойдаланилганди.

Темур ўз даврида қабул қилинган адабий андозалардан воз кечди ва унинг истилолари тарихи оддий, ҳаммага тушунарли услубда ёзилишини, бироқ шу билан биргаликда, бу ёзувлар маданиятли кишиларнинг таъбини таҳқирламаслик учун зарур даражада ораста бўлишини талаб қилди. Сарой муаррихларидан бири — Фиёсиддин Али томонидан ёзилган Ҳиндистон муҳорибаси кундалиги («Рўзномас газавоти Ҳиндистон») бизгача асл нусхада етиб келган,⁹ шунингдек, Темурнинг умри охирида Низомиддин томонидан тузилган «Зафарнома» ҳам сақланиб қолган¹⁰. Низомиддин сарой солномаларидан ва ўзига тақдим этилган Ҳиндистон кундалиги ва бошқа манбалардан (бунга туркий шеърият ҳам киради) фойдаланган. Муқояса қилиш орқали аслиятда берилган баҳолар бутунлигича сақланиб қолганлигига ишонч ҳосил қилиш мумкин.

Темур вафотидан кейин орадан ўн йил чамаси вақт ўтгач, унинг тарихи набираси Искандар учун олим Мусавий томонидан форс тилида ёзилди¹¹. Орадан яна ўн йилча вақт ўтгач, Темур набираларидан бирининг саройида Шарафиддин томонидан бағоят дабдабали форсий услубда ёзилган унинг тула тарихи тартиб берилди¹². Бу китоб ҳам «Зафарнома» деб аталган бўлса-да, у туркий асарларга, шунингдек, муаллифга тушунарли манбаларга асосланиб ёзилганди. Бу оммабоп асардан кўплаб нусхалар кўчирилган. XV асрнинг иккинчи ярмида Беҳзод ана шу китоблардан бирига суратлар ишлаганди. Ўша асрда, асосан, Низомиддин ва Шарафиддин фойдаланган асарларни ўз ичига олган, бироқ қўшимча манбалар ҳам жалб қилинган бошқа сарой тарихлари ҳам яратилган эди. Уларнинг орасида Ҳофиз Абрӯ¹³, Абдураззоқ¹⁴ ва Мирхондинг¹⁵ асарлари бор. Тўла расмий бўлмаган бу китоблар муаллифларининг ҳикоялари Темурга хушомад қилиш, унинг шахсини илоҳийлаштириш, дини исломга садоқатини ошириб-тошириб кўрсатишга интилиш билан ажralиб туради.

Бирок улар келтирған далилларни ҳамиша мустақил манбалар билан таққослаш мүмкін.

Уларнинг орасидан, энг аввало, Дамашқ эгалланиши чоғида гұдаклигига асир олинган ва Самарқандга келтирилған ибн Арабшоғынг қайдларини алоқида күрсатиш жоиздир¹⁶. Бу қайдлар сарой солномаларига асосланған, бирок бошқалардан фарқлы үлароқ, Темур ҳәётини ғаразгүйларча баҳолаш билан тулиб-тошған. Арабча саж услубида ёзилған бу қайдлар шоирона оғы билан суғорылған ва Темурға қарши кескин ҳуружларга тұла. Бошқа бир қатор замонавий форс ва араб манбаларида ҳам Темурға душманларча баҳо берилған ва уларда Соҳибқирон ҳәётининг айрим фаслларигагина тұхтабиб үтилған. Холис манбалардан Темур билан Сурия мұхорабаси өфіғда күп марта учрашған, наинки тилига, күпроқ ақлига сүянған буюк араб муаррихи Ибн Ҳалдун асарини күрсастиш мүмкін¹⁷.

Холис манбаларга, шунингдек, испан әлчиси Клавихонинг умумлаштирувчи маълумотларини ҳам киритса бұлади¹⁸. Темур саройи билан бирга сафар қилиб, Самарқандгача борған Клавихо Соҳибқироннинг саройида Темур ҳұкмдорлигининг энг самарали даврида у ерда яшаб турды. Шунингдек, үз хұжайини билан салиб юришида иштирок этиб. Никополда Боязид томонидан, сунгра Анқара ёнида Темур томонидан асир қилиб олинған бавариялик зодагон Шильтбергернинг¹⁹ гувоҳликлари ҳам жозибалидір. Унинг асари, ноанық жойлашы күп булишига қарамай, шахсий таассуротлар ифодаси сиғатида қизиқарлады. Шильтбергер Темурға, ундан кейин унинг ўғли ва набирасига садоқат билан хизмат қилди. Билониҳоя, асирлик өфіғда мұлоҳаза билан иш тутиб, дини исломга кирган Шильтбергер Оврупога қочиб бориб, у ерда мазкур диндан юз үгирди ва бошидан кечирған воқеа-ходисаларни езді²⁰. Католик әлчи, архиепископ Жон²¹ ҳам Темур саройидаги ҳәёт түғрисида хотиранома битған.

Мусулмон, лотин ва византиялық олимлар ҳамда савлогоарларнинг хотираномаларыда-да, Темур ҳәёти билан боғлиқ түрли воқеа-ходисалар ҳақида қизиқарлы далиллар топиши мүмкін. Узоқ Шарқда Темур номи мүгүл тарихларыда, Хитойдаги Минь сулоласи манбаларида учрайди. Темур билан булған дипломатик ёзишмалар күргина Шарқ ва Фарб мамлакатлари пойтахтлари ҳужжатасровхоналарыда сақланиб келады. Бошқа бир қатор моддий гувоҳликлар ҳам бор. Булар — Темур томонидан зарб қилинған, унинг уч бурчакли рамзи (ушбу рамз Британия музейи тұпламларыда сақланады), ложувард, олтин ва ганчдан ишланған, қадама нақшлар билан зиннатланған Самарқанддаги мұжассамадир.

Темур ғалабалари моҳияти ва уларнинг тарихга кўрсатган таъсири ҳақидаги масалага Ўрта Осиё тараққиётининг бутун тарихини, у туғилиб-ўслан шароитларни тадқиқ қилмасдан туриб, жавоб топиб бўлмайди.

II боб

ЧЎЛ КЎЧМАНЧИЛАРИ ВА КЎҲНА ИПАК ЙУЛИ

(Антик даврдан Чингизхонга қадар бўлган тарихий шарҳ)

/

АНТИК ДАВР

Осиё қитъасининг жанубидаги поёнсиз тоғ тизмалари Ер куррасининг деярли чорак қисмини кесиб ўтади. Бу тизмаларнинг ғарбдаги учи Қора денгизгача, шарқдаги учи Сариқ денгизга бориб тақалади. Тоғлар инсон қадами етиши қийин бўлган нишаблик ва чўққили тизимлардан ташкил топган бўлса-да, уларнинг этакларида ажойиб яйловлар жойлашган. Тоғ ён бағирларидан оқиб тушадиган дарёлар очиқ денгизгача бориб етмайди: уларнинг бъязилари уз сувини улкан кўлларга қўйса, бошқалари саҳро қумларига сингиб кетади.

Шимолий тоғ этаклари ва водийлардаги серҳосил воҳалар атрофини қум саҳролари ўраб туради; саҳроларнинг шимолида эса Ўруссия чўллари ва Сибирь текисликлари ястаниб ётади. Воҳада туриб, бир томондан, қорли тоғларни, иккинчи томондан, саҳронинг ўркач-ўркач қумларини куриш мумкин.

Бу воҳалар Узоқ Шарқ, Ҳиндистон ва Ўрта Ер денгизи мамлакатлари ўртасидаги катта йўлнинг бекатлари хизматини ўтар, Ўрта Осиё воҳалари эса уларнинг энг муҳим қисми ҳисобланарди. Қадимги маданиятнинг асосий марказлари — Хитой, Месопотамия ва Ҳиндистонга олиб борадиган йўлларнинг қоқ ўртасида жойлашган Ўрта Осиё бундан жуда катта фойда кўрап ва ўз навбатида бу мамлакатлар ўртасидаги савдога ўзларининг салмоқли ҳиссасини қушарди. Тинч тараққиёт йиллари узоқ давом этган даврларда сугориш тармоқлари кенгайиб, шудгорлар кўпайди, уларнинг атрофида эса қучли давлатлар ташкил топди. Бироқ биргина уруш ёки кўчманчилар томонидан қилинган биргина ҳужум бу иншоотларнинг емирилиши ва экинзорларнинг қум босиб, пайҳон бўлиши учун кифоя эди.

Мазкур мамлакатларнинг иккى йирик дарёси — Амударе билан Сирдарё ўз сувларини Орол денгизига қуяди. Каспий

ленизи билан Амударё уртасида Қоракүм саҳроси ястаниб ётади Амударё билан Сирдарё оралиғида эса Қизилқум саҳроси жойлашган. Сирдарёнинг ғарбий соҳилидан Мирзачўл бошланади. Илгарилари Сайхун ва Жайхун номлари билан машхур бўлган дарёларни Ўрта асрлар олимлари жаннатнинг тўрт дарёсидан иккитаси дея ҳисоблардилар. Чиндан ҳам тоф ва чўллардан келган сайёҳлар учун бу воҳа ва водийлардаги ширин-шакар мевалар ғарқ пишиб ётган боғлар салтанати. эҳтимол, Боги Эрам булиб кўрингандир. Бу ерда етиштириладиган олма, узум, ўрик ва қовунлар лаззатини антик даврдан ҳозирги кунга қадар барча эътироф этади. Бу ҳол ҳатто шаҳарлар номида ҳам ўз аксини топган. Олмаота ёки ундан жануброқда жойлашган Олмалиқ шаҳарларини эсланг. Ривоятларга қараганда, май тайёрлаш жараёнини эронлик шаҳзода-мунахжим Жамшид кашф этган эмиш. Кунлардан бирида у узоқ саёҳатдан қайтаётib, уйига катта-катта кўзаларда ажойиб Самарқанд узумларининг аллақайсиям навидан олиб келибди. Кўзаларни очиб, не кўз билан курсинки, узумлар ачий бошлаган эмиш. Шаҳзода кўзаларга «оғу» сузи ёзилган лавҳалар осиб қўйишни буюрибди. Орадан бир неча кун утгач, у узининг суюкли хотини билан уришиб қолибди. Ана шунда малика жаҳл устида уша кўзалардан биридаги суюқликни ичиб юборибди. Қаттиқ ухлаб қолган аёл уйгонганидан кейин кечаги машмашани унутиб, ўзини енгил ҳис этибди. Шундан сунг у ушбу дорилан ҳар куни нуш эта бошлабди. Алқисса, Жамшид хотини сиридан воқиф булибди. Бироқ бояқиши шаҳзода ўзи ҳам май ичишга ружу қўйибди-ю, охир-оқибатда тожу тахтдан маҳрум булибди.

Ана шу икки дарё оралиғида жойлашган ерлар араб дунёсида Мовароиннаҳр, яъни «дарё ортидаги ер» дея аталарди. Бу жойни Ўрта Осиёнинг юраги деса ҳам булади. Бу ҳудудларда, энг аввало, эронликлар яшаганлар. Сунгроқ ҳунлар, гурклар, татарлар, шимолий чўллардан ва Муғулистандан барча кўчманчилар бу ерларга кўчиб келишган. Утроқ ҳалқлар ҳам, кўмансчилар ҳам бошқа ҳалқлардан ёки маданият марказларидан ажратилмаганди. Билъакс, улар ўзларини қуршаб турган чўллар ва тоф тўсиқларини алмисоқдан бери босиб утганлар. Бу тарихий тўсиқларни енгигиб утган Ўрта Осиё ҳалқлари баъзан тарихий воқеалардан четда туриб қолган булсалар-да, кўпинча Осиёдаги тарихий ҳодисаларда фаол иштирок этдилар.

Маданий жамоалар Ўрта Осиёда бундан бир неча минг йил илгари ҳам мавжуд бўлган, улар қишлоқ ҳўжалиги учун сугориш тармоқларини такомиллаштириб, шаҳарлар барпо этишган, савдо-сотиқ ва турли ҳунармандчилик касбларини

ривожлантиришган. Бутун Ўрта Осиё бўйлаб, Ўрта Ер денгиздан то Хуанхэ дарёсигача бўлган ҳудудда тарихдан аввалги даврга доир бунингдек санъатнинг мавжуд бўлиши энг қадимги даврлarda бутун Осиёни савдо йуллари кесиб ўтган, мавжуд савдо карвонлари бутун чўлни бирваракайига босиб утмаган тақдирда ҳам, бир неча босқичини босиб ўтган, деган фикрни тасдиқлайди.¹ Масалан, шумерлар Амударёнинг юқори оқимларидан (Бадахшондан) ложувард олиб кетганлар, улар бу қимматбаҳо тошларни Ур² ҳунармандлари маҳсулотларига алмаштирганлар.

Орол денгизининг жанубида, Амударё дельтасида* ва Хоразм воҳасида олиб борилган қазилма ишлари у ерларда сугориш тармоқлари бундан уч минг йил илгари ҳам мавжуд бўлганлигидан далолат беради. Ўша кезлари бу ҳудудда беҳисоб кўллар бўлиб, улар ўзаро кўплаб анҳорлар (каналлар) билан туташган. Анҳорлардан бири Амударё сувини Каспий денгизига қадар элтиб берган. Дарёларнинг аҳоли кўп истиқомат қиласидиган орол ва қирғозлари Ҳинду-Оврупо шарқ ҳалқларининг тараққий этган марказларидан бири эди.

Милоддан аввалги VI ёки VII асрларда серҳосил Амударё дельтаси атрофида марказлашган катта қулдорлик давлати — Хоразм ташкил топган булиб, у кўп асрлар давомида тарих саҳнасидан тушмай келган.

Олимларнинг айтишича, оташпарастларнинг зардуштилик дини худди ана шу ерларда пайдо бўлиб, уларнинг муқаддас китоби Зинд-Авеста ҳам шу ерда таркиб топган эмиш. Бу дин — Маги дини қадимги Эронда ва Ўрта Осиёда ҳукмрон дин бўлган ва Ҳиндистоннинг шимолида истиқомат қилувчи эронийлар ҳанузгача шу динга сифинадилар. Оташпарастлар дорилбақога риҳлат қилган қавмлари суюкларини сопол хумларга солиб, дағн этишар экан. Бу қўзаларнинг милоддан илгариги VII—VI асрларга мансуб илк нусхалари Хоразмда топилган. Милоддан аввалги VI асрдаги эронийлар истилоси даврида Хоразмдан ташқари яна Ўрта Осиёнинг турли ҳудудларида йирик-йирик жамоалар ташкил топганди. Бундай жамоаларни Зарабшон водийсида, Бақтрияда, Ҳиндукӯш билан Амударё ёйи оралиғида, яна Марвда ва Мурноб соҳилларида куплаб учратиш мумкин⁴ эди. Бу воҳаларнинг аҳолиси уруғдошлиқ жамияти қонунларига амал қиласар, бироқ қуллар меҳнатидан фойдаланаарди. V асрда эронийлар узларининг Юнонистонга қарши юришларида ҳам ҳиндлардан, ҳам хоразмликлардан фойдаланишган. Тарихчи Ҳеродот (милоддан аввалги 483—425 йиллар) Осиё орқали утадиган савдо йўли-

* Дельта — дарёнинг тармоқланган мансаби.

ни биринчи булиб тасвирлаб берганди; ундан икки юз йил илгари Аристид Мраморний ана шу йўл буйлаб саёҳат қилганди. Аристид Ёйик (Ўрол) дарёси ортидаги чўлларда «йил-килар, кўйлар ва уй ҳайвонларига бой булган» бақувват жангчи-кўчманчиларни учратганлигини қайд этганди. Булардан ташқари, «шимол шамоллари ортида яшовчи», денгизга қадар булган ҳудудда истиқомат қилувчи гиперборейлар ҳам бўлган эди. Бундай эскартма, афтидан, хитойликларга тегишилдири⁹.

Македония шоҳи Буюк Искандар милоддан аввалги IV асрда Кичик Осиё, Ироқ ва Эронга бостириб кирди. У эронийларнинг сунгги шоҳи Доро қўшинларини тор-мор этдида, 329 йилнинг баҳорида Ҳиндикуш оша шимолга, Урта Осиёга ҳамла қилди. Бу ерда у икки йил умрини Амударё ва Сирдарё урта оқими оралиғида яшовчи ҳалқларга қарши жанг қилиш билан утказди¹⁰. Искандарнинг ўлимидан сунг орадан беш аср вақт утгач, унинг ҳәётини ёзган муаррих Аррианнинг таъкидлашича, Искандар Амударё бўйида қурган лашкаргоҳида турган пайтда, унинг чодири олдидан иккита чашма — бири сув, иккинчиси нефть, отилиб чиққан. Бу ҳол, албатта, илоҳий нишона деб эътироф этилган ва шу муносабат билан дарҳол ҳудоларга бағишлаб қурбонликлар қилинган. Йигирманчи асрга келиб, совет геологлари айнан ўша тилга олинган ердан (Термез яқини ва водийнинг ўзга ҳудудларидан)¹¹ нефть топишганди. Бу бизгача етиб келган тарихий маълумотларнинг жуда тўғри эканлигидан далолат беради.

Искандар Мақдуний Осиёда қаттиқ қаршиликка учради. Қаршилик курсатайтган ҳалққа Спитамен ва Оксикарт бошчилик қилишганди. Лекин шунга қарамай, у Бақтрияни забт этди, бироқ бунинг учун у бутун бошлиқ лашкаридан ажради. Зоро Зарафшон водийсидаги Мароқанд (ҳозирги Самарқанд) шаҳри ёнида маҳаллий сарбозлар унинг жангчиларини қилич билан қиймалаб ташлаган эдилар. Бу мағлубият учун Искандар Мароқанд қалъасини ишғол қилиш билан уч олди. Асирлар орасида Искандарнинг қалъага киришига қаршилик курсатган жангчилар сардори қизи гўзал Рухшона ҳам бор эди. Аррианнинг ёзишича, Искандар «лутф курсатиб», шу Рухшонага уйланган. Македония шоҳи ҳудди шу ерда кайфи ошган чоғда газаб отига миниб, ўз мушовири ва дусти Клетусни ўлдириб қўйган эди.

Искандар истило қилган жойларда Искандария номи билан талайгина шаҳарлар барпо этилган. Улардан энг йироқдагиси Сирдарё бўйида Македониядан уч ярим минг миля масофада ҳозирги Хужанд шаҳри ўрнида жойлашган эди. Искандар бу ўлкада кучли-кучли гарнizonлар қолдирди, ўз лашкарбошиларидан бири Салавкни барча вилоятларга ҳукмдор этиб тайинлади. Са-

лавкийлар давлати кейинчалик мустақил Грек-Бақтрия қирол-лигига айланды. Бу қироллик Зарафшон водийси ва жанубий Мовароуннахрни ўз ичига олган эди. Бу давлат тарихда минг шаҳар салтанати номи билан машҳур бўлган⁸. Турли воҳаларда шаҳарлар атрофида деворлар тикланди. Бу деворлар Ўрта Осиёда кўчманчилар ҳужумига қарши қурилган биринчи истеҳкомлар эди. Хоразм давлати Искандар ҳужумидан анча илгари эронийлар истилосидан қутулиб олган эди. Бу давлат тахминан бир аср давом этган Грек-Бақтрия салтанати замонида ҳам ўз мустақиллигини сақлаб қолди.

Бу давр ичida Ўрта Осиёнинг Ҳиндистон ва Ўрта Ер денизи шарқий соҳилида жойлашган давлатлар билан маданий алоқалари муттасил давом этиб турди. Милоддан аввалги III асрга келиб, Хитой билан ҳам алоқа ўрнатила бошланди.

2

ХИТОЙ, ХҮНЛАР ВА КЎҲНА ИПАК ЙУЛИ

Ривожланаётган Хитой давлати билан унинг шимолдаги қўшнилари, кўчманчи мўғул қабилалари ўртасида юз берган ўзаро туқнашувлар оқибатида Хитой билан илк алоқалар урнатилди.

Милоддан аввалги III асрда қишлоқ ҳужалиги тармоқларининг равнақ топиши ва умумий тараққиёт давридан сўні Хитойдаги бир-бири билан рақобат қилиб турган майдаги мамлакатлар Цинь давлати ҳукмронлигига бирлашдилар. Оқибатда биринчи хоқон Цинь Шу Хуанг Ти ҳукмдорлигига Хитой хоқоноти барпо этилди. Куплаб иқтисодий ва маъмурий ислоҳотлар амалга оширилди. Минг-минглаб дехқонларни зўрлаб ишлатиш йули билан кенг суғориш тармоқлари ва йўллар қурилди. Ёзув бутун мамлакат буйича битта қонунга буйсундирилди, ягона пул таъсис этилди, узунлик ва оғирлик улчовлари белгиланди. Хитойнинг биринчи хоқони бутун мамлакатдаги майдаги давлатларни бирлаштиргигина эмас, балки утган замонларда аграр истило зуғуми натижасида унумсиз ерларга сиқиб чиқарип юборилган, шимолдаги кўчманчи муҳолифларга қарши муваффақият билан жанг ҳам қиёди⁹. Мамлакат шимолидаги дастлаб ички назорат учун қурилган деворлар ўзаро туташтирилиб. Буюк Хитой девори барпо этилди. Бу девор гарбдаги Хансудан шарқдаги Манжурияга қадар чўзилди, уни қуришда шу мақсад учун сафарбар этилган юз минглаб дехқонлар қатнашди.

Кейинги Ханъ сулоласи ҳам (милоддан аввалги 206 йил — милодий 220 йиллар) кўчманчиларга қарши кураш билан банд

бүлди, зеро Буюк девор қурилганига қарамай, улар ҳамон ўқтинг-ўқтинг Хитойнинг чегара ҳудудларига ҳужум қилиб турардилар.

Хоқонотга қарам булган бу күчманчи халқнинг күпчилиги Муғалистонда яшайдиган хунлар эди. Улар ўз чорва подалари билан шимолда Бойкүл (Байкал) кули ва Энасой (Енисей) дарёсигача, жанубда эса Тибетга қадар күчиб юришарди. Хун галалари «деярли отдан тушмасди. Уларнинг асойи емиши гушт, ичиши қимиз ва асосий яшаш жойи отнинг сағриси булган. Бу күчманчилар ўз уюр ва подаларини ҳайдаб, доим яхши ялов излаган кўйи ёзда шимол, қишида эса жануб томон күчиб юришган. Уларнинг одатий молу давлати йилқилар, қора мол ва сурув-сурув қўйлар булган, уларнинг яна туялари ва хачирлари ҳам бўлган. Хунлар шаҳарлар қуришмаган, гарчи улар деҳқончилик билан шуғулланмаган бўсалар ҳам, қуналғаларда ҳар бир утов ёки ҳар қайси оиласнинг ўзиға тегишли «томорқа»си булган. Хунлар гудаклик чоғларидан қўчқорларга миниб, чавандозликни ҳамда камондан ўқ отишни машқ қилишган. Сал улғайишганидан кейин ўз мерганлик маҳоратларини тулки ва қўёнлар овлаб оширишган. Каттаю кичик барча хунлар гушт ва сут истеъмол қилишган, узлари отиб улдирган ҳайвонларнинг терисидан кийим, бошларига ҳайвонлар жунидан босилган намат қалпоқ кийиб юришган»¹⁰.

Кўчманчи чорвадорларнинг бу ҳаёт тарзи, чорвадан олинидиган маҳсулотлар ҳамда даррандаю парранда овлаш уларни емиш, кийим-бош ва бошпана билан бемалол таъминлаши мумкин эди. Ўзларнинг серҳаракатлиги, қурол ишлатиш маҳоратига кўра, кўчманчилар босқинчилик юришларига доим тайёр эдилар. Улар қамиш ёки дарахт новдаси ҳамда мол шоҳидан бакувват камонлар ясашарди. Хунлар узангидага тик туриб ҳам, отда елиб бораётганда ҳам, тухтаб турганда ҳам истаган томонларига — ён томонга, ортга ёки олдинга қараб, нишонни аниқ мулжалга олардилар.

Бироқ яловларнинг имконияти чекланган эди. Бирон-бир қишки яловда маълум миқдордагина подани боқиши мумкин бўларди. Қишлоқ ҳужалиги эса борган сайин кўпроқ маҳсулот этиширир ва йилдан-йилга кенгроқ майдонни эгаллаб олмоқда эди. Шу боис, кўчманчилар бир томондан иложи борича кўпроқ ва яхшироқ яловларни эталлашта, иккинчи томондан эса деҳқончилик маҳсулотларини қулга киритишга уринардилар.

Шу йўсинда хунлар ўз музофотларини йилдан-йилга кенгайтириб бордилар; Бодур ҳукмронлик қилган даврда (милоддан илгариги 209—173 йиллар) улар ўз қўшнилари — мўгулларни мағлубиятга учратдилар. Оқибатда Хитой шимолидан

Бойкүлгача бўлган бутун қабилалар улар тасарруфига ўтди. Боғдурнинг ўғли Куюк отасининг истилочилик юришларини давом эттириб, мўгулларнинг Юй-Чи уругига мансуб қабилаларни Лубнур ва Кўкнор кўллари орасидаги ерлардан қувиб чиқарди. «Туркийларнинг энг яхши анъаналари руҳида» Куюк мағлуб бўлган қиролнинг калла суягидан қадаҳ ясади. Юй-Чи уруги Хонтангри (Тиёншон) тоғидан ошиб ўтиб, Орол денгизи томон юрди ва Грек-Бақтрия давлатининг шимолий вилоятларини забт этди. Бу ерда улар шу қадар мустаҳкам ўрнашиб олдики, оқибатда Хитой ҳоқонлари умумий душман — хунларга қарши курашда улар билан иттифоқ тузиш пайига тушиб қолдилар.

Шу муносабат билан Ханъ сулоласи ҳоқони Ву-Ти (милоддан илгариги 140—87 йиллар) 138 йили Юй-Чи уруғини топиб, уларга иттифоқ тузишни таклиф қилиш учун маҳсус элчи жўнатди. Бу элчиларнинг олдига қўйилган вазифа кейинчалик «Кўҳна Ипак йўли номи билан машҳур бўлган савдо алоқасини ўрнатиш» ишида катта аҳамиятга молик эди¹. Элчилар гуруҳига Чжан-Кян бошчилик қилганди. Йулда Чжан-Кян хунлар қулига тушиб, ун йил умрини асирикда утказди, ниҳоят, асирикдан қочиб, ўз йўлида давом этди, Урта Осиёга бориб, Юй-Чи уруғи яшайдиган жойни топди. Бироқ мўгуллар унинг иттифоқ тузиш ҳақидаги таклифини рад этди. Ватанига қайтаётганида у яна хунлар қулига тушди, лекин бу гал орадан икки йил утгач, асирикдан қочишга муваффақ бўлиб, омон қолган шерикларидан бири билан уйига етиб борди. Чжан-Кян ҳоқонга ўзининг Урта Осиёга қилган саёҳати ҳақида батафсил аҳборот ёзиб берди. Ву-Ти интиқлик билан савдо йулларини очишга ва шу йўсинда ушбу ҳудудга ўзининг сиёсий таъсирини утказишга уринарди. У Чжан-Кянни яна Урта Осиёга элчи қилиб жўнатди. Бу аснода савдо-сотиқ тараққий эта бошлади ва Ханнинг ҳоқонот саройи бир неча юз сарбозлар соқчилигига фарб томон ҳар йили камида беш маротаба карвон жўнатиб турди. Улар ўзлари билан ипак газлама ва фулуз^{*} буюмлар олиб бориб, ушбу буюмларни Урта Осиё ҳамда Урта Ер дengизи мамлакатларида от, кош (яшм), маржон ва бошқа молларга алмаштиришарди. Бироқ бу карвонлар, эҳтимол, купроқ сиёсий мақсадларга хизмат қиларди: улар Хитой учун қўшни кўчманчи мухолифларга қарши иттифоқчилар топишини таъминлаши лозим бўлган. Савдо-сотиқка иқтисодий эҳтиёж эса, аввалимбор, Фарбда пайдо бўлди, зоро Хитой ипак газламаси у томонларда катта зийнат ҳисобланар, мазкур матонинг бозори чаққон эди.

* фулуз — металл.

Хитойларнинг тинимсиз ҳамласи, қурғоқчилик ва чигирткаларнинг ёпирилиши туфайли ҳолдан тойган хунлар Хитой хоқонига тобе бўлиб қолдилар: уларнинг лашкарлари ҳар томон қочиб кета бошлади. Энди хитойлар учун Урта Осиё томон йўл очилган эди. Элчилар Ўрта Осиё, айниқса, ажойиб Фарғона тулпорларини оғиз купиртиб мақташарди. Чжан-Кян бу саман отларни «афсонавий дулдул наслидан» дея тавсифлади¹². Бундай тулпорларни қўлга киритиш мақсадида Фарғонага юз минг лашкарли карвон жўнатилди. Аммо сафарга пухта тайёрланмаган бу лакшарларнинг деярли ярми тогу тошлар, чулу биёбонлардан утuvчи тўрт минг миля масофали мاشақкатли сафар чоғила очлик ва ташналиқдан қирилиб нобуд булди. Лекин бари бир Фарғона забт этилди, у ҳар йили Хитойга тулайдиган бож ҳисобидан маълум миқдорда айғирлар бериб турадиган булди. Милодий 102 йилдаги бу мағлубиятдан сўнг Урта Осиё бир неча аср давомида Хитой тасарруфида булди. Фарғона аҳли хитойликлардан олтин ва кумуш кузалар, темир қуроллар ясашни ўрганди. Хитойликлар узлари билан қудук қазийдиган пармалар олиб келишганди. Мовароуннаҳр воҳаларида деҳқончилик яхши ривожланган эди. Хитойликлар ерли аҳолидан токзорларни парвариш қилиш ва беда устириш сирларини урганди.

Хитойда ишлаб чиқариладиган маҳсулотларнинг тарқалиши фақат Ўрта Осиё билан чегаралашмасдан, камёб ипак газламага бўлган талаб Эрон ҳамда унинг фарб томонида жойлашган мамлакатларда ҳам кучли эди. Хитойдан йўлга чиққан карвонлар Шенси ва Хуанхэннинг юқори оқими — Кансу томон йўл оларди. Сунгра йўл шимолий Хонтангри тоғларидан ошиб, Мовароуннаҳрни кесиб уталиган бошқа йулларга қушилиб кетарди; баски уларнинг сафар йўли шимолдаги Тяньшань тоғлари ва жанубдаги Кунь-Лун оралиғига жойлашган минг миляли саҳро (Торим ҳавзаси) орқали утаркан, албатта, ҳавзанинг ё шимолий, ё жанубий йўналишини танлар эдилар, зеро бу иуналишлардаги маржонсимон тузилган воҳалар уз дарёларининг суви билан карвонларни таъминлаб турар эди. Ханъ сулоласининг дастлабки йилларида Торим ҳавзаси орқали утган карвон йули энг гавжум йўллардан бўлган. Истеҳкомлар ва қурхоналар, мустаҳкам деворлар ва қузатув миноралари билан жиҳозланган. Хитой лашкаргоҳлари карвонларни ҳавзанинг энг шарқий ҳудудларигача кўчманчи йўлтусарлар ҳужумидан муҳофаза қилиб турар эди¹³. Мовароуннаҳрдан катта йўл Хуросон орқали утиб, Месопотамия ва Ўрта Ер денгизи соҳилига чиқарди. Хитойдаги Шенсидан охирги манзил Тирга қадар иулининг бошдан-оёқ узунлиги олти минг милядан мўлроқ эди. Ипак Йўли дея ана шу йўлни аташарди.

Бу йўл очилганидан сунг ипак газламага булган эҳтиёж ошиб кетди, ипаклик кўйлаклар, айниқса, Румо аёллариға ёқиб қолди. Овруполиқлар ипак дараҳтда ўсади ва уни устириш сирини фақат хитойликлар билади, дея ҳисоблашарди. Октавиан Август ҳукмронлик қилган йиллари Рим Хитой ипак газламаси учун жун матоси, доривор, шиша буюмлар ва тарошланган дуру гавҳар билан ҳақ тұлашарди. Савдогарларнинг биронтаси ҳам бутун Ипак Пулини бошдан-охиригача босиб ўтмаганди. Мол қўлдан-қулга утиб, маҳаллий ҳунармандлар ишлаб чиқарган маҳсулотлар савдонинг талайгина қисмини ташкил этарди. Шу боис, Хоразм, Сўғдиёна (Зарафшон во-дийси) ва Фарғона гуркираган савдо марказига айланди. Ипак йўли утганлиги туфайли Ўрта Осиёда отлар ва ем-ҳашак бозори чаққон булиб қолди. Ўзининг мева-чеваси, айниқса, узум ва паҳтаси билан машҳур булган Фарғона водийсида сугориш тармоқлари кенгайтирилди. Шаҳарларда ҳунармандчиликнинг янгича турларига иштиёқманл ҳунармандлар пайдо бўлди. Ўртаосиёликлар Шарқ мамлакатларидан фулуз буюмлар, Farb мамлакатларидан эса шиша маҳсулотлар ишлаб чиқаришни ўрганиб олгандилар.

Айни шу пайтда ҳунлар томонидан Муғалистон тупроғидан гарбий ҳудудларга қувиб юборилган Ючжи қабиласи ўзларининг кўчманчилик одатларини тарк этиб, утроқ ҳолда яшай бошлияди.

Милоднинг I асрига келиб, Ҳиндикушда жуда катта майдонни ўз ичига олган ва Кушон салтанати деб ном чиқарган Ҳинд-Ўрта Осиё давлати юзага келди. Бу салтанат Юқори Осиёдаги энг йирик давлатга айланди, Хитой ҳамда римликлар билан элчилик алоқаларини урнатди. Масалан, Марк Антоний у ерга ўз элчиларини юборди. Кушонлар эса бунга жавобан Август саройига ўз элчиларини жунатди¹⁴. Шимолий Ҳиндистоннинг каттагина қисми Буюк Кушонлар таркибида Ўрта Осиё билан бирлашди. Милоднинг I асли охирларида бу салтанатга Хоразм ҳам қўшилди. Ҳиндистон билан Ўрта Осиё уртасида кенғ маданий алоқалар йўлга қўйилганди. Хоразмдаги ўлик шаҳар — Тупроқ-қалъала қазилма ишлари чоғида бир сарой топилди. Ундаги толор (зал)лардан бири «Қора танли соқчилар толори» деб аталади. Деворий суратлардаги кишиларнинг шакл-шамойили узларининг жисмоний турига кура жанубий Ҳиндистоннинг дравидларини* эслатарди. Тупроқ-қалъадаги бошқа толорлар «Подшолар толори», «Falaabalар

* *Дравидлар* — асосан, жанубий Ҳиндистонда яшайдиган телугу, тамил, малаяли, каннара, ораонлар, гондлардан иборат ҳалқлар. Улар дравид тили гуруҳида гаплашишади.

толори», «Кийик толори» номлари остида маълумдир. Сарой милоднинг III асрида қурилган. Бу даврга келиб, Хоразм давлати Кушонлардан ажралиб чиқиб, мустақил тарзда фаолият кўрсатадиган эди¹⁵.

Маданият ва савдо-сотиқ карвонлари Буюк ипак йўли орқали ўтарди; бу йўл Ҳиндистонга ва Осиёнинг турли марказларига элтувчи тармоқ йулларга булинниб кетарди. Ҳиндистондан Ҳиндикуш тоғлари орқали кириб келган будда дини Ўрта Осиёда зардуштийлик билан бирга илдиз отди. Милоднинг I асрида буддизм Хитойга Ўрта Осиё орқали кириб келганди. Ҳиндистон билан Хитой ўртасидаги саёҳатлар ҳам куруқлик, ҳам океан сув йўли орқали амалга ошириларди. Буддароҳиби Фа-шиян ва унинг баъзи бир издош-шогирдлари милоднинг 399 йилида Гоби саҳросидан ўтиб, Ҳиндикуш орқали Ҳиндистонга етиб келгандилар; орадан ун йил ўтгач, улар денгиз орқали Хитойга қайтишла ўзлари туплаган Будданинг панд-насиҳатларини олиб келгандилар¹⁶. Бошқа бир буддачи саёҳ-роҳиб Сунь-цинь саёҳат қилиш учун Хитой хоқонидан рад жавоби олгач, саҳро орқали ёлғиз ўзи жұнаб кетар экан, нобуд бўлган туяларнинг сүяқ-салоқларига қараб йулни топган эди (милодий 629 йил). У карвон йули буйлаб Шошга (Тошкент) ва кейин Самарқандга етиб борганди. Роҳиб Ҳиндистонда ўн йиллик умрини Будда таълимотининг мұмтоз асарларини урганиш билан ўтказиб, қўлёзмаларга лиқ тұла жомадон-бовулларини ортмоқлаганича, Хитойга етиб келди. Бу ерда у зўр тантана билан кутиб олинди¹⁷.

Ҳар икки роҳиб ҳам ўз саёҳатлари қайдларини ёзиб қолдирғанлар. «Бу саҳрова жин-ажиналар бижиб ётипти, шунингдек, бу ерда қайноқ шамол (гармсел) бор. Булар билан учрашув инсон ҳаёти учун хавфлидир»,— деб ёзғанди Фа-шиян. Сунь-цин ҳам Хонтангри (Тиёншон) йуллари аждахоларга тұлық эканлигини таъкидлаганди. «Халеганда қутуриб кетганд аждахолар йұлни тұсади, ўзларининг ҳамлалари билан сайёхнинг жонига тегади. Мазкур йул буйлаб саёҳатга чиққан киши қизил либос ва гарчиллама ковуш киймаслиги керак. Бу қоидаларга озгина бўлса-да, риоя қымаслик натижасида аждаҳо довул ва учар құмларни ҳаракатта келтирадики, оқибатда булар сайёхнинг терисини шилиб олади, буткул тинкасини куритади¹⁸.

Агар Марко Поло замонида бу үлканинг тинчи «жин-ажиналар» ёки «аждахолар» билан бузилиб турған бўлса, қадим-қадим замонда бу ерларда динозаврларга ўхшаш аждахолар яшаганлигини қайд қымаслик мүмкін эмас. Гоби саҳросидан жануброқда, қизил құмлардан иборат Немегету дараларида динозаврларнинг қолдиқлари топилмоқда. Динозаврлар-

нинг жуда күп сүяқ-салоқлари орасида фанга маълум бўлган ана шу даррандалар ичиде «терэстриалкарнивор» деб аталувчи энг йиригининг қолдиқлари ҳам бор. Махлуқнинг орқа оёқларидаги тирноқлари жуда кучли бўлган, бир метр кела-диган жағлари ана шу эртаксимон «аждаҳолар»ни эслатади¹⁹.

Кушон салтанатининг беш юз йиллик ҳукмронлигидан сунг Ўрта Осиёга эфталитлар ёки оқ танли хунлар бостириб кирди. Мазкур қабилаларнинг келиб чиқиши ҳанузгача номаълум. Орадан бир асрдан хиёл кўпроқ давр ўтгач, бу қабилалар Мўғалистондан чиқсан туркийлар томонидан қувғин қилинди. Уша туркийлар келиб чиқишига кура хунлардан бўлиб, улар милоднинг I асрида хитойлар томонидан сиқиб чиқа-рилган эди.

Туркий қабилалар ҳамон уруғчилик қоидаларига риоя қилишарди-ю, бироқ ижтимоий ҳаётда табақаланиш кўзга ташлана бошлаганди. Зодагонлар қуролли кучларга қумондон-лик қилиб, чекланмаган ҳарбий ҳокимиятга эга булиб олиш-ганди. Олимларнинг айтишича, VI асрнинг иккинчи ярмига келиб, уларнинг ҳарбий қисмларида доимо ҳамлага шай турган тўрт юз минг камончи бўлган экан. Ижтимоий ҳаётнинг бошқа қутбила эса қулдорлик тузуми тараққий топмоқда эди. Туркий қабилалар кўчманчилар ва утроқ ҳаёт кечирадиган барча қушниларини узларига буйсундириб, шу пайтга қалар кўз куриб, қулоқ эшифтмаган бир кенгликда ўз ҳукмронлиги-ни ўрнатдиларки, бу салтанатга Хитой чегарасидан Эрон ва Византияга қалар барча ҳукмдорлар тобе бўлиб қолди. Туркийлар уз ҳарбий ноиблари ёки тобе булган маҳаллий ҳукмдорлар орқали бошқариб турган бу салтанатнинг вужудга ке-лиши бутун қитъада савдо-сотиқнинг тараққий топишига са-баб бўлди.

Хитой билан Ўрта Осиё орасида савдо карвонлари тиним-сиз қатнай бошлади. От, гилам, кош эвазига хитойликлар нафис ипак газлама, биринж кўзгулар ва чинни идишлар етказиб беришарди. Ўрта Осиё тужжорлари ипак газлама сав-досини бутунлай ўз қулларига олдилар ва асосий Ипак Йўли-нинг уч йўналишида — Тяньшаннинг шимолий қаноти бўйлаб, Торим ҳавзасининг шимолий сарҳади ёқалаб ва Тяньшаннинг жанубий қирғозидан юриб, то Хитойгача бўлган худудларни истило қилиб олган эдилар. Иссиққўлдан шимолроқдаги турк олий хонининг қасри жойлашган Суябга дунёдаги барча та-ниқли мамлакатлардан — Византия ва Хитойдан карвон-кар-вон совға-саломлар билан элчилар келишарди. Суғдийлар (Суғд, яъни Зарафшон дарёси буйида яшовчи халқ) Ўрта Осиёда энг тадбиркор савдогарлар бўлган эдилар; улар Чу ва Талас водийларида гавжум шаҳарлар қурдилар, сугориш тар-

моқларини йулга қүйіб, шоли, узум ва үрик етиштира бошлилар. Үрта Осиё ва Ҳиндистоннинг рақс ва мусиқаси Хитойға қадар кенг тарқалди. Самарқанднинг шарқий дарвозаси «Хитой дарвоза» дея атала бошланди.

Милоддан олдинги иккинчи асрдан то милодий саккизинчи асрғача — ўн аср давомида Үрта Осиё Шарқ билан олиб борилаётган савдо-сотиқ ишларини батамом ўз құлига қаратиб олган эди. Ипак йўлида бұлаётган савдо-сотиқнинг фаолияти хоқонот ва салтанатлардаги иқтисодий ва сиёсий вазиятларга қараб үзгариб турарди. Лекин шунга қарамай, маҳаллий ва махсус молларни ортган карвонлар Ипак Йулининг турли сұқмоқлари ва тармоқлари бүйлаб қатнашда давом этаверардилар. Рим империясининг инқирозга юз тутиши билан у ерда шойи матога бұлган әхтиёж ҳам камайди. Бироқ шуни ҳам айтиш керакки, шойи ишлаб чиқариш Хитойнинг топономияси булишдан чиқыб, милодий биринчи аср давомида Үрта Осиё, Ҳиндистон ва жануби-шарқий Оврупо мамлакатларида тайёрлана бошлагандан кейин ҳам дүнёда Хитой шойисига бұлган талаб сақланиб қолди. Бу ҳолни биз, айниқса, Хитой шойисини дунёда энг аъло мато, деб эътироф этган Эронда кұрамиз. Ҳиндистон орқали, яъни қитъалараро үтадиган (трансконтиненталь) дengiz йўли ўзининг иккинчи йул олдида афзаллигини таъминлай олмасди, у ҳам хатарли йул эди ва күпинча, қитъа ичидаги (континенталь) йўлдан иккى ҳисса узоқроқ булиб чиқарди, қолаверса, бу дengiz йўлида саёчатчилар бошқа хавф-хатарлардан ташқари, яна мавсумий мудхиш шамолларга ҳам дуч келиши мүмкін эди. Шу боис, энг сифатли моллар, одатда, бутун Осиё бүйлаб Ипак йўлидан олиб үтиларди.

Милодий VI асрнинг охирларига келиб, туркийлар ҳукмронлиги ички зиддиятлар түфайли шарқий ва ғарбий салтанатларга ажralди. Үрхун дарёсидан ғарброқда топилған иккита харсанг тошга ўйиб ёзилған ва саккизинчи асрнинг биринчи ярми санаси қайд этилған ёзувлар бундан олдинги асрда туркларнинг мағрибдан — Суғдиёнадан келган ғанимлар билан ҳамда хитойлар билан ҳам жанг құлғанликларидан далолат беради¹⁰. Таркибига Үрта Осиё ҳам кирған Ғарбий салтанат түрк хонларига номигагина итоат этувчи құғирчоқ ҳокимлар құл остидаги беҳисоб ярим мустақил феодал давлатларга булиниб кетди. Бу майда давлатлар орасыда энг құдратлиси Самарқанд ҳокимлиғи эди. Амударё ва Сирдарё оралығидаги ҳудуд бир-бири билан күп йиллар давомида ғанимлик қилиб яшаётган феодал қалъаларига айланғанди. Бир неча бор Хитой хоқонларидан Тань сулоласининг ҳамласига учраган туркийларнинг ғарбий салтанати энди Үрта Осиё устига

бостириб келаётган янги истилочилар ҳужумини қайтаришга ожизлик қилиб қолганди. Бироқ бу гал Искандар Мақдуний давридан бүён орадан минг йил вақт үтгач, истилочилар шарқдан эмас, гарб томондан келишиди.

3

ИСЛОМ

VII асрнинг биринчи ярмида Арабистонда жанговар дини исломнинг тарақкий топиши кўчманчи бадавий қабилаларга Сурия ва Ироқдаги серҳосил ерларда талончилик қилиш эвазига катта ўлжалар келтирди. Бу биринчи муваффақиятдан, шунингдек, қўшни давлатларнинг ҳарбий жиҳатдан заифлиги ва дини исломнинг жанговар шиорларидан руҳланган бадавийлар Эронга бостириб кирдилар. Аср ўртасига келиб, араб сарбозлари Хурросоннинг, Эроннинг шарқий вилоятларини, Ҳиндкуш ён бағридаги Кобулни забт этдилар. «Халифа Усмон, кўхна бақтрийлар салтанати бўлмиш бу катта ва обод мамлакатга қайси лашкарбоши биринчи бўлиб бостириб кирса, Хурросонга ўшани ҳукмдор этиб тайинлайман, деди. Шарт қабул қилиниб, Муҳаммад алайҳиссаломнинг туғи Ҳирот. Балх ва Марв қалъарига ўрнатилди. Омад кулиб боқсан саркарда қўшинларининг кўпик босган аргумоқлари Сирдарё сувларини ичгунга қадар на дам олди, на бирон-бир манзилда тўхтади»²¹.

Хурросонда ўз ҳокимиятини ўрнатиб, Марвни пойтахт қилган араблар VIII аср бошларида Амударёнинг шарқий соҳили — Мовароуннаҳрга бостириб кирдилар. Бу ерда улар қаттиқ қаршиликка учрадилар. Мовароуннаҳдаги водий ва воҳаларнинг деҳқонлари арабларга қарши курашда туркӣ кўчманчиларни узларига иттифоқ қилиб олдилар. Маҳаллий беклар мадад сўраб, туркӣ хонлар ва Хитой хоқонига мурожаат қилдилар. Бироқ 712 йили араблар, бари бир, Самарқандни забт этдилар. Ўттизинчи йилларнинг охирига бориб, туркӣлар Сирдарё соҳилида тор-мор этилдилар. 751 йили эса Талас дарёси ёнида араблар туркӣлар билан хитойлар устидан узилкесил ғалаба қозондилар. Мовароуннаҳрнинг шарқ томонида жойлашган Еттисув ўлкаси — Баласофун туркӣлар салтанатининг эмирилишига қарамасдан, туркӣ халқ ихтиёрида қолдирилди. Мовароуннаҳр, гарчи босиб олинган бўлса-да, бари бир қаршилик кўрсатишни давом эттираверади. Етмшинчи йиллари Муқанна раҳбарлигида қузғолон кўтарилиди. Араблар бу қўзғолонни фақат етти йилдан кейингина бостиришга муваффақ бўлдилар. Орадан кўп ўтмай, Самарқандда

на кўзғолон кутарилганида, Бағдодда Ҳорун ар-Рашид (786—809 йиллар) халифалик қилаётганди. Кўзғолонни бостириш учун халифанинг ўзи Самарқанд томон лашкар тортди. Бироқ у ўз мақсадига эриша олмади. Замондошларининг айтишича, муттасил майхурлик оқибатида оғир дардга чалингган халифа йўлда қазо қиласди ва Хуросондаги Турса шаҳри ёнида дафн этилади. Мовароуннаҳри бутунлай забт этмоқ учун арабларга чорак кам бир аср вақт керак будди.

Истилолар оқибатида араб давлатининг сарҳадлари Атлантика океанидан Урта Осиёга қадар чўзилди. Кўп жойларда араб халифалари маҳаллий хон ва бекларни ўз тобеинлари (вассаллари) сифатида сақлаб қолдилар, бироқ катта шаҳарга ўзларининг ҳокимларини тайинлашар, у ерларда каттагина қўшин сақлашарди. Илгари ўзларининг бек ва хонларига солиқ туладиган деҳқонлар энди ер ва сув учун арабларга ҳам каттагина улпон тулашга мажбур булиб қолдилар.

Ўрта Осиёдаги будда ибодотхоналари масжидларга айлантирилли. Мусулмон дини, гарчи қаршиликка учраб булса-да, кенг тарқала бошлиди. Араб тили давлат ва адабий тил булиб қолди. Ҳар бир мўмин банданинг ўз ҳаётида Маккан мукаррамага ҳаж қилиш мажбурияти бутун Ислом дунёси бўйлаб савдо йўлларининг тараққий топишига, жуғрофий билимларнинг кенг тарқалишига сабаб бўлди. Араб салтанати карvon йўлларининг кучманчи талончилар ҳужумидан муҳофаза қилишда ҳамда шаҳар ҳаётини йўлга кўйишда ёрдам берди. Пойтахт сифатида аввалига Дамашқда, кейинроқ эса Бағдодда манзил қурган салтанат бир томондан Ҳиндистон ва Хитой билан, иккинчи томондан эса славян мамлакатлари, Византия ва Оврупо билан кенг савдо-сотиқ алоқалари ўрнатди. Куруқлиқда ҳам, денгизда ҳам мұҳим савдо йўллари мусулмон мамлакатлари тасарруфида эди. Оврупо билан Ўрта ва Олис Осиё ўртасидаги муносабатлар беш йилгача ислом салтанатининг воситачилиги билан амалга оширилиб турди ва бу салтанат шарқдан бораётган моллардан бож олиб турди. Лекин ҳар ер ҳар ерда юз бераётган сиёсий алгов-далғовлар мусулмон олами ҳудулида олиб борилаётган савдо-сотиқ ишларига ёки маданий алоқаларга асло ҳалал бермади. Мусулмон тужжорлари барча карvon йўлларида ҳаракат қилишарди. Улар салганатларидан анча йироқдаги савдо марказларига ҳам ўрнашиб олишганли. Мусулмон тужжорлар жамоасини Испаниядан тортиб Хитойга қадар ҳудудларда учратиш мумкин эди. Хитой билан Мўғалистон ўртасидаги савдо-сотиқ ҳам бутунлай улар қулига ўтганди. Бутун Осиё қитъасидаги ҳукмдорлар саройларида савдо-сотиқнинг барча турлари, илм-фан ва ёзув-чизув ишларила мусулмон мутахассисларига талаб катта эди. Улар ко-

фирмлар мамлакатларида ҳам ҳарбий маслаҳатчи, савдо гумаштаси ва сүфориш тармоқлари бўйича муҳандис бўлиб хизмат қилишар эдики, бу иш ўзлари учун ҳам, ҳукмдорлари учун ҳам катта фоида келтиради.

Араб халифаларининг Ўрта Осиёдаги ҳокимияти X аср бошларига келиб қулади. Бағдод халифасига номигагина қарам бўлиб турган Сомонийлар (улар Амударё жанубида жойлашган Балх вилоятидаги Сомон үлкаси ҳокимлари эди) Мовароуннаҳр ва Хурросонда уз салтанатини тикладилар. Улар барча майда ҳукмдорларни ўзларига тобе айлаб, Каспий денгиздан Ҳиндкушга қадар кўчманчилар ҳужумига дош бера оладиган марказлашган давлат туздилар. Шу йўсинда қўлга киритилган тинчлик мамлакатнинг иқтисодий ва маланий тараққиёти учун қулай шарт-шароит яратди, Мовароуннаҳр уз нуфузи жиҳатидан баъзи жабҳаларда Бағдодни ҳам ортда қолдира бошлади. Ўрта Осиё ҳалқлари дини ислом ишларида олдинги сафга ўтиб олдилар²².

Буюк Ипак йули орқали амалга ошириладиган Шарқ билан Фарб уртасидаги савдога энди Хоразм воситачилигига Волга бўйи ҳудудлари билан савдо-сотиқ алоқалари ҳам қушилди. X ва XI асрлардаги Мовароуннаҳр ҳаётини ҳақида араб сайёҳларининг ва жуғрофия олимларининг батафсил қайдномалари сақланиб қолган. Уларнинг тасвир қилишларича, чор атрофи беҳисоб ариқлардан сув ичадиган ажойиб узумзорлар, боғ-роғлар ва саройлар билан ўралган Самарқанд Ўрта Осиёнинг энг кўркам шаҳри бўлиб қолган эди. У ерда ҳар қадамда сарв дарахтлари яшнаб турарди. Шаҳар қасабаларидаги бозорлар қитъанинг турли томонидан келган тужжорларга тўлиб-тошарди: бу ерда Эрон, Ҳиндистон ва Хитойдан келтирилган маҳсулотлар, Волга бўйидан олиб келинган мўйналар ва қуллар билан савдо қилишарди. Бошларига қоракўл телпак — чуғирма, эгниларига йўл-йўл банорас чопон кийган хоразмликлар эса бодом қўшиб пиширилган ҳолвалар ва ширин-шакар қовунлар билан савдо қилишарди. Бу қовунларни қўрошин кўвачалардаги қор ичига солиб, халифалар саройига қадар етказиб боришарди. Синъ сулоласи пайтидаги ажойиб Чин усталари ишлаб чиқарган маҳсулотларнинг Ўрта Осиёда бозори чаққон эди. Ипак газлама билан бир қаторда, у ердан бутун дунёга довруғи кетган сопол ва чинни идишлар ҳам келтириларди.

Мовароуннаҳрдаги маҳаллий усталар ишлаб чиқарган ашёлар ҳам бутун қитъада машҳур бўлиб кетганди. Зарафшон во-дийсида тўқиладиган ипак ва ип газламани барча бозорларда жон-жон деб харид қилишарди. Самарқанднинг зарбоғ, банорас ва адрес кийимликлари жуда машҳур бўлиб кетганди. У ер-

нинг мискарлари тайёрлаган чироқ ва дошқозонларнинг довруғи кенг тарқалғанды. Бошқа моллар орасида кигиз ёпинчиқтар, қодирлар, гилам, совун ва турли-туман күзаларни алоҳида таъкидлаш керак булади²³. Айниқса, қофоз ишлаб чиқариш катта аҳамиятга молик эди. 751 йили Талас ёнидаги жангда асир олинган хитойлик хунармандлар Самарқандга ўз қофоз ишлаб чиқариш санъатларини олиб келишганды. Х аср охирiga бориб, Самарқанд қофози мусулмон мамлакатларила папирус* ва пергамент** үрнини әгаллали. Ҳатто кейинчалик қофоз ишлаб чиқариш Farb мамлакатларида гарқалганидан кейин ҳам Самарқанд қофози бекиёс булиб қолаверди.

Сомонийлар пойтахти булмиш Бухоро Самарқанддан Буюк ипак йули буйлаб фарбга томон иккى юз эллик чақирим нарида жойлашган эди. Х асрда шаҳар девор билан уралған булиб, бу деворнинг айланаси, бир араб алибининг таърифлашича²⁴, юз миля узуғлиқда булған. Бу ерда расталар, ҳаммолар ва беҳисоб очиқ майдонлар бўлған экан. Адибнинг ёзишича, Зарафшон дарёсидан сунъий анҳорлар орқали оқиб кирган сув шаҳар ва унинг атрофидаги водийларни сугорган, сунг қумликларга сингиб кетган. Шунингдек, Бухорода машхур тарвузлар етиштирилған. У ерда тайёрланадиган дуолар китоби, заргарлик буюмларининг ҳам донғи оламга танилғанды. Бухоро гиламлари, кийимлилар моллари, ошланган чарми, турли мойлари, наша үсимлиги, арқон, олтингугурт, ёнғоқ ва мисдан ясалған буюмлари экспортда муносаб урин әгалларди. Урта асрлар араб сайёхи Мақдисийнинг ёзишича, Бухоронинг гуштию, аш-шак навли тарвузига, Хоразмнинг пиёзига, Шош (Тошкент)нинг чиннисига ва Самарқанднинг қофозига тенг келадигани йўқ эди²⁵. У яна Фарғонанинг пулат буюмлари ва айниқса, қурол-яроғларининг ҳатто Богдолда ҳам бозори чаққон эканлигини қўшимча қилса янглишмасди.

Шунингдек, Бухоро диний шаҳар-давлатга айланғанды. IX асрга келиб, Мовароуннаҳр ислом динини қабул қиласи ва Бухоро мусулмончиликнинг таянч руқунларидан бири сифатида тан олинади. Диний мактаблар тармоги ривожланади, олий диний уқув юрти — мадраса илк бор Мовароуннаҳрда барпо этилади, исломнинг ғарбий музофотларида эса мадрасалар кейинроқ вужудга келганди. Амударё соҳилидаги Термиз шаҳри XV асрга қадар. Бухоро эса XIX асргача — диний марказ булиб, сунг хурофот ва мутаассибликтнинг таянчига айланди. Мовароуннаҳр аҳолиси уз ичидан қўнгилли ғозийлар — «дин учун газот жангига киравчилар» куронларини ет-

* Папирус — қофоз үрнида ишлатиладиган дараҳт пўстлоги.

** Пергамент — қофоз үрнида ишлатиладиган тери.

казиб бериб турарди. Бундай куронлар (отрядлар) коғирларга қарши «муқадлас уруш (жиҳод)га ва үлжалар сероб жойларга» юбориларди²⁶.

Араб уйғониш даврида Ислом дунёсининг маданий ҳаёти, асосан, Хурисон ва Мовароуннахр худудларида тараққий топди. Олиму фозилларнинг «шайхи ва маликул алломаси» Абу Али ибн Сино фаолияти Бухорода кечди. Табиб, файласуф, табиатшунос ва шоир бўлмиш бу бобаракот зотнинг ёшлигига ёқомади чопганди: Бухорода султон Сомонийни даволаганди, шу боис, машҳур султон кутубхонасидан фойдаланиш имтиёзига эга бўлганди.

Ибн Синонинг рисолалари лотин тилига таржима қилинган бўлиб, нақ XVII асрга қадар Оврупода тиббиёт дарслиги хизматини ўтаб келди. Унинг ғазналик замондоши Абу Райхон Беруний эса мусулмон дунёсида донғи кетган муҳандис, ер илмининг билимдони, мунахжим, риёзиётчи, табиатшунос ва муаррих эди. Мовароуннахрда туғилган машҳур файласуф, мусиқашунос ва риёзиётчи Абу Али Ибн Форобийнинг илм-фан тараққиётига қўшган ҳиссаси ниҳоятда катта бўлган. Абу Али ибн Хоразмий дунёда биринчилар қаторида юлдузлар жадвалини тузиб чиққандики, унинг бу иши Оврупода мунахжимлик илмига асос солди. Марвда сабоқ олиб, кейинчалик ўзи ҳам мударрислик қилган Умар Али Ибн Хайём алжабр илми тараққиётига улкан ҳисса қўшди. Лекин Фитижеральд унинг рубоийларини таржима қилганидан кейин Умар Хайём инглиз китобхонлари орасида май ва муҳаббатни тараннум этувчи ҳурфикр шоир сифатида янада машҳурроқ бўлиб кетди. Ҳолбуки, унинг илмий ишлари шеъриятига нисбат қилинганда анча салмоқлироқдир. Ҳуллас, илм-фан ва адабиёт ҳам форс тилида, ҳам араб тилида беқиёс юксакликка кўтарилди. Фирдавсийнинг эпик достони «Шоҳнома» ҳам шу ҳудудда, шу пайтларда ижод қилинганди²⁷.

Мовароуннахр сиёсий-иқтисодий ва маданий жиҳатдан тараққий топган ислом давлатига айланди. Сомонийларнинг «маърифатли ҳокими мутлақ»лиги маълум давргача маҳаллий хон ва бекларни жиловлаб, кўчманчиларни мамлакат сарҳаларида тинч юришга мажбур қилди.

Бироқ Мовароуннахрнинг бундай гуркираб яшнаши барι бир X асрга бориб жангари кўчманчи қабилалар дикқатини ўзига жалб этмай қолмади. Аслида бу кўчманчилар билан ҳам кенг савдо алоқалари ўрнатилган эди-ю, аммо шунга қарамай, улар қулагай фурсат келганида иқтидорсиз савдо карвонларини ҳамда мудофааси заифроқ шаҳарларни талашдан ўзларини тийиб тура олмасдилар. Ўрта Осиёдаги шаҳар ва қасабаларнинг қалъя деворлари одатда, ҳом фиштдан ё пахса қилиб

күтарилигандарды, лекин бу шунчалик омонат мудофаа эди. Хасрға келиб. Сомонийлар давлати қүшни туркий қабилялар билан бир қаторда, үз құл осталаридаги туркий сарбозлар хамласига учради.

Ислом құлчилик жамияті эди. Лекин бу жамиятта құллар ишлаб чиқаришнинг асосий рукуни ҳисобланмай, улардан, асосан, үй-рұзғор ишларыда ва ҳарбий әхтиёжларда фойдаланаардилар²⁸. Турк қавмидан булган құллар ҳамда Урта Осиёда ёхуд Мовароуннардан шимолроқдаги құлларда асирга олингандан саҳройи күчманчилар узларининг жанговарлық хислатла-ри, болалик чөғидан машқ қилиб урганған чавандозлик ма-хорати, айёрлик ва жасурлық жиҳатлари билан күпроқ қадр-ланардилар. Сомонийлар ана шу туркий құллардан жангари қүшинлар түзған эдилар; бу ҳарбийлардан, бора-бора, маш-хұр саркардалар етишиб чиққан ва улар давлат арбоблари ол-діда катта имтиёзларга зәға бўлғанлар.

Еттисувлик туркийлар шарқ томондан сомонийлар устига бостириб келишганида, сомонийлар уларнинг ҳужумини даф қила олмай, мағлуб бўлдилар; натижада, 999 йилда Самарқанд ҳам, Бухоро ҳам таслим бўлди. Қорахонийлар номи билан тарихга кириб келган бу туркийлар «әгниларига қора кийиб, темир шамширлар таққан ялпоқ юз, бит куз, пучуқ бурун ва сийрак соч»²⁹ одамлар эди. Улар бундан сал олдинроқ үз хо-жалари — хонлар ҳузурида ислом динини қабул қилған эдилар. Қорахонийлар ҳам пойттахт этиб Самарқандни танлади-лар-у, аммо мамлакатни бошқаришда маҳаллий заминдор-ларга эрк бериб қўйдилар. Туркийлар истилоси маданий ва иқтисодий ҳаётдаги фаолликка путур етказмади. Бозорлар ҳамон шаҳарларнинг гавжум марказлари бўлиб қолаверди, шаҳарлар янада кенгайди, баъзи хонлар улуғвор иншоотлар қурдиришди. Ўша кезлари (1127 йил) бунёд этилган Минора ва унинг атрофидаги бинолар ҳозирги кунга қадар сақланган. Қаттиқ шамол туриб, кум кўчған пайтларда миноранинг тे-пасида ёқилған олов карвонлар учун маёқ хизматини ўтарди. XVIII ва XIX асрларда минорадан жиноятчиларни қатл эта-диган жой сифатида ҳам фойдаланишган. Уларни минора те-пасига олиб чиқишишарди-да, пастга улоқтиришарди.

Сомонийлар шарқ томондан Қорахонийлар ҳужумига уч-рагач, мамлакатнинг жанубий сарҳадлари парчалана бошлади. Ҳиндикушда Сомонийларнинг туркий сулоласидан чиққан уруғ раҳбарлигига мустақил салтанат пайдо бўлди. Бу давлат Газнадан (Кобулнинг жануби-ғарб томони) туриб бошқариларди. Бу сулоланинг энг қудратли ҳукмдори султон Маҳмуд Газнавий (998—1030 йиллар) бўлган.

Султон Маҳмуд ниҳоятда художай одам бўлган. Ҳар қалай у гайридинларга қарши бир қанча газавот юришлари қилган ва мамлакат ичкарисида сон-саноқсиз одамларни қатл этган¹⁰. Ҳуқмдорлигининг сўнгги йилларида султон Маҳмуд фақат афғон туманларининг эмас, балки Хурисон ва Ироқни ҳам ўз таъсир доирасига олган эди. Шимолда салтанат сарҳадлари Мовароуннаҳр ва Хоразмга бориб тақалар, мазкур давлат жанубда эса Панжоб. Мултон ва Синданда ҳам ўз ҳукмини утказарди. У буюк шоир Фирдавсийга ҳомийлик қилган. Аллома Беруний эса Хоразмда кўлга олиниб, унинг саройида асир сифатида яшаган.

Қорахонийлар ва Фазнавийларнинг газавотларидан кейин кўчманчи туркйлар истилоси бошланди. Уларнинг лашкарлари X асрда Мовароуннаҳрга бостириб кириб, Сирдарёнинг қўйи оқимигача етиб келди. Кейинги асрда эса улар Эрон томон юриш қилиб, лашкарбошлиаридан бирни бўлмиш Салжуқ раҳнамолигида ўз давлатларини бирлаштирилар. Салжуқийлар Қорахонийларга қараганда маданий жиҳатдан анча пастроқ савияда эдилар, бироқ уларнинг дини исломга эътиқоди ниҳоятда кучли булиб, мусулмончилик учун жонларини жабборга беришга тайёр эдилар. Улар Эрон ва Сурияда ўз ҳуқмларини ўрнатиб, усмонли турклар худудининг каттагина қисмими ва юнон-насроний салтанати бўлмиш Византиянинг талайгина ерларини босиб олишиб. Улар Бағдодин ҳам истило қилиши. Гарчи халифалар иомигагина ҳуқмдор бўлиб қолган булишса-да, ҳақиқий ҳокимият Буюк Салжуқ — Ислом султони қулига утди. Шундан сўнг салжуқий турклар (ёки туркмандар) ортга — шарқ томон бурилиб, Маҳмуд Фазнавий ворисларини ва Қорахонийларни Мовароуннаҳрдан қувиб чиқардилар. XII асрга келиб, Салжуқийлар салтанати Ислом дунёсининг жуда катта қисмини ўз тасарруфига олди. Ислом мулкининг Буюк Султони бу салтанатни Амударёнинг гарбидаги жойлашган Марн шаҳридан туриб бошқарарди.

Худди ана шу даврда салжуқийлар салтанатига шарқдан, Хитойнинг шимолий худудларидан сиқиб чиқарилган кўчманчи кофирлар ҳужум қилди. Тахминларга қараганда мўгуллардан келиб чиққан бу Қорахитой деб аталувчи халқ X асрнинг бошларида Таны сулоласи маглубиятга учрагач, Хитойнинг шимолий музофотларида ҳуқмронлик қилган¹¹. Улар гарбга юриш қилиб, йул-йўлакай туркий қабилаларни узларига тобеъ қиласидар ва тахминан 40 минг утov (хужалик) булиб. Еттисувла ўнашиб оладилар. 1141 йили қорахитойлар ҳоқонининг лашшки Самарқанд шимолида султон Салжуқ қўшинини тор-мор этди¹². Бу пайтда эса насронийлар Суриядаги салжуқий туркларга қарши салиб юришини бошлаган эдилар.

Султон Салжуқнинг шарқдаги мағлубияти ҳақидаги қувончли хабар насронийларнинг дардига малҳам бўлди.

Қорахитойларнинг ҳокимият тепасига келиши Мовароуннаҳрдаги ижтимоий ва иқтисодий ҳаётга деярли таъсир этмади. Маҳаллий хонлар хоқоннинг тобенини сифатида ўз тожтахтларини сақлаб қолдилар. Хоқоннинг нўёнлари эса ушбу худудларга фақат бож йиғиш мақсадидагина келардилар. Савдо-сотиқ тараққий этаверди, карвон йўлларида маҳаллий ҳунармандларнинг ҳам, қитъянинг нариги чеккасида яшайдиган усталарнинг маҳсулотлари ҳам муттасил ташиб туриларди. Қорахитойлар гарчи дини исломни қабул қилмаган булсалар-да, лекин мусулмон мутахассисларидан яхши фойдаланар эдилар. Чу водийсидаги ўзининг мусулмон масжидлари, буддачилар ибодатхонаси, сув қувурлари тармоғи ва улкан бозори билан машҳур Қорахонийларнинг пойтахти бўлган Баласоғун шаҳри энди қорахитойлар пойтахти айланди. Ҳозирга кунда бу шаҳрнинг вайронасию тошдан қурилган минорасигина сақланиб қолган, холос.

Ўнинчи — ўн иккичи асрлардаги савдо-сотиқ ишидаги фоатлик, айниқса, Мовароуннаҳрнинг шимоли-гарбий худуди — Хоразм улкасига қўл келди. Амударёнинг қўйи оқими — Орол дengизининг жанубида жойлашган бу воҳанинг одамлари Волгабўй билан кўчманчи қабилалар орасида савдо-сотиқ ишларида воситачилик қилишарди. Хоразмнинг дорус-салтанаси Гурганж (кейинчалик Хива) шаҳридан йўлга тушган карвонлар Утроргача етиб борарди-да, у ердан Хитой сари борадиган йўлга тушиб оларди ёки Бухородан жануб томон бурилиб, Ҳиндикуш оша Ҳиндистонга ёхуд Марв орқали Ҳуросонга йўл олишлари мумкин эди.

Хоразмликлар Волга бўйларидан ҳайдаб келадиган қулларнинг бозори, айниқса, чаққон эди. Маҳаллий ҳунармандлар билан бир қаторда, бу ерда дехқончилик ва чорвачилик ҳам рағбатлантирилиб туриларди. Хоразм ўзининг мустақил давлат ҳокимиятини яратди ва бир вақтлар салжуқийларнинг тобенини бўлган Хоразмшоҳлар уларга қарши бош кўтариб, XII асрнинг охиirlariда султон Салжуқни топ-мор этдилар. Аввалига мусулмон Хоразмшоҳлар қорахитойлар ёрдамини қабул қилиб, уларга бож тўлаб туришарди. Бироқ кейинчалик улар гайридинларга қарши курашга раҳнамолик қилувчи дини ислом мулкининг султони унвонини ўзлаштириб олишиб. Муҳаммад Хоразмшоҳ 1210 йили қорахитойларни тор-мор этди ва Ўрта Осиёнинг каттагина қисми, жумладан, Мовароуннаҳр, Эрон ва Афғонистоннинг ҳуқмдори бўлиб қолди. Хоразм эса сарҳадлари Ироқдан Сирдегача, Орол дengизидан Ҳинд даресининг соҳилларигача етаган улкан феодал давлатнинг марказига айланди. Муҳаммад

Хоразмшоҳ Гурганждаги ўз саройига Ислом дунёсининг атоқли алломаларини жалб этди. У истилолар ва тижорат ёрдамила бутун Осиё бойликларини тұпладыки, оқибатда унинг доруссалтаси мусулмон Шарқидаги энг буюк шаҳарлардан бирига айланди.

Мовароуннахъ яна бир бор сарҳадлари Осиёning бутун марказини кесиб үтадиган, ўша даврдаги ислом динига мансуб үлкалар ичра энг құдратли давлатта айланди. Бироқ Мұхаммад Хоразмшоҳ Ислом дунёсидан ташқаридаги мамлакатларни ҳам истило қилиш орзусида эди. У бутун дунёға ҳукмдор булишга интилар, Хитойни босиб олишни режалаштирганди. Бироқ шарқдан кутарилған бошқа бир күчманчи фогиҳ — Чингизхон лашкарларининг тұфони унинг орзуларини чиппакка чиқарди.

ЧИНГИЗХОН

Чингизхоннинг күчманчи ўрдалари аввалига шүнчаки подачилик билан шүгүлланишар, уzlари учун мұхим ҳаёттій аҳамиятта молик машгулот — чорвачилик билан бирга, овчилік ҳам қилишардикі, бунинг натижасыда улар тирикчилик үтказиш учун құшимча пул-маблагға зәға булишарди. Дастлаб Чингизийлар уруғ-уруғ булиб яшашди. Биргалашиб яшайдын бир неча уруғ-қабила ёки ўрданы ташкил этарди. Чорва бутун қабилага тегишли булиб, уни биргалашиб боқардилар. Улар молларини оллиндан белгилаб қўйилған яйловга ҳайдаб келишарди-да, душманнинг ҳамласини даф этишга қулай бўлсин учун доира ташкил этиб, утov қуришарди. XI асрга келиб, бу мўгуллар туркийларга ўхшаб, патриархал тузум босқичини босиб үтишди, йирик-йирик ўрдаларга бирлаша бошлашди. Бу ўрдалар буюк жаноб ёки баҳодирга буйсунарди. Уй ҳайвонлари ва яйловлар оиласалар мулки ҳисобланарди. Натижада баъзи оиласалар бошқаларига нисбатан бойиб кета бошладилар. Баҳодирлар эса, одатда, жангларда саркарда бўлсин учун бадавлат оиласалардан сайланарди. Улар кўпинча ҳукмронликни ўз қабилаларida ҳам зўрлик билан тортиб олишар ва беадад чорваю қулларга зәға булишарди. Камбағал ва қашшоқ оиласалар зуравон баҳодирларнинг оиласаларига хизмат қилишиб, уларнинг чорвасини боқишар, йилқиларини соғиб қимиз қилишар, қўйларининг жунини олишар, шундан намат босишар эди. Табақа-табақаларга ажрала бошлаган бундай күчманчи жамоаларда анча қашшоқлашган оиласалар бойбакувват оиласаларга тобе булиб қолишарди. Уларнинг ҳам озми-

күпми уз чорваси, рўзгор ашёлари бўларди-ю, аммо яйлов-лардан қабила бошлиғи — улуг жанобнинг ижозати биланги-на фойдаланишлари мумкин эди. Бундай тобе оиласидар яна баҳодирнинг молларига қаради, гўшт ва сут солиги тулашга мажбур эди³.

Бора-бора, баҳодирлар орасида энг яхши яйлов, энг яхши подалар учун қуролли кураш авжига чиқди. Бу кураш баъзи пайтларда бутун мамлакатни уз комига тортарди. Баҳодирлар атрофида нокодлар (гвардия) ташкил топа бошлиди. Жилдий ҳарбий таълим курган нокодлар уз йулбошчиларига сидқи-дилдан хизмат қилишар ва келажақдаги истилочилик юришларида лашкарбоши булишга ҳозирлик куришарди.

Яхши таълим курган нокодлари билан бу кўчманчи зода-гонлар бора-бора узоқ мудлатли истилочилик урушида қатнашиш лаёқатига эга булган жиддий ҳарбий кучга айланди. Энди улар темир қуролга ҳам эга булиб олишганди.

Темучин (Чингизхон) XII асрнинг 60-йилларида катта қудратга эга булган мўғул баҳодири оиласида туғилди. Отасини душманлар улдириб кетишганида ҳали у успирин йигит эди; оила жуда ночор аҳволга тушиб қолди. Онаси болаларини дарёдан тутган балиқдан, далада усган ут-уланлардан шурва пишириб боқишига мажбур булди. Орадан бир неча йил утгач, Темучин қулай фурсат келгани ва узининг жасорати туфайли оиласи мавқенини тиклаб, яна бемисл мол түёғи ва нокодларга эга булди. Бу ёш баҳодир қушни хонлар ёрдамида Муғули-стоннинг жануби-шарқидаги кучли туркийлар урдасини тор-мор қилди. У кўчманчи сарбозлардан катта лашкар тузиб, 1206 йилга келганда узининг барча муҳолифларини енгиб чиқди. Кўчманчи феодал зодагонлар кенгаши — қурутой Темучинни Чингизхон номи билан «Жумла Муғулистон хоқони» дея эълон қилди. «Чингизхон» номи эса «Денгизхон», яъни бутун дунё ҳукмдори маъносини англатарди.

Чингизхон узининг шахсий гвардияси (нокод)ни қайта тузди ва бу тузилма унинг асосий таянчи булиб қолди. Уз вазифасини ижро этишдаги биринчи муваффақиятсизлик учун сарбоз уттиз калтак билан жазоланган, иккинчи марта эса унга ётмиш калтак урилган. Агар бу ҳол учинчи марта тақрорланса, сарбоз уласи қилиб дунпосланар ва гвардиядан қувиларди Бироқ бундай сарбозни жазолаш ҳақида фармонни ёлғиз хоннинг узи бера оларди⁴. Чингизий сулоласининг кўпчилик лашкарбошилари ана шу шахсий гвардияда тарбия курганди. Шундай қилиб, бутун салтанатдаги ҳарбий кучларга раҳбарлик қилиш шахсан хоннинг узи синовдаи утказган одамлар қулида бўлди. У мўғулларнинг буюк салтанатига ҳукмронлик қиларди. Турклар ва манжур қабилалари ҳам шу салтанат

таркибидә эди. Чингизхон жамики ўтовлар (оилалар) устидан бошлиқ эди, унинг оиласи бошқа ургуф ва аймоқларга худди ўз итоатидаги мулк сифатида қарапди. Салтанатнинг турли ҳудудлари хон оиласи аъзоларига бўлиб берилганди. У ерлардаги қабила бошлиқлари, хон ва беклар эса ана шуларга бўйсунди.

Мўгуллар Хитой ва Ўрта Осиё халқларининг маданият бобида эришган ютуқларидан яхши хабардор эдилар. Шарқ томондан Хитой, гарб томондан эса мусулмон тожирлари Мўгулистонга тез-тез қалам ранжида қилиб турардилар. Савдо карвонларига эргашиб, турли ҳунармандлар ҳам келишарди. Улар кўчманчи хонларнинг қароргоҳида ўрнашиб қолишарди. Чингизхон карвон савдосини рағбатлантириб турар ва ўзи мусулмон тожирларидан Ўрта Осиё ва Яқин Шарқ мамлакатлари ҳақидаги маълумотларни мукаммал сураб, суриштиради. Бу мусулмонлар хоқоннинг гарб томонга қилган юришларida у билан бирга боришган, унинг ишончли маслаҳатчилари бўлишган. Чингизхон, шунингдек, Еттисув яқинидаги шимолий Торимнинг турли воҳаларида яшайдиган туркий халқларнинг алоҳида уруги бўлмиш уйғурлар хизматидан ҳам фойдаланган. Уйғурлар кенг савдо-сотиқ алоқаларига, ўз ёзуви ва адабиётига эга бўлиб, маданияти анча тараққий топган халқ эди. Чингизхон уйғурлар ёзувини ўзининг саводсиз халқи учун қабул қилди. 1211 йили уйғур хони ҳам, Еттисувнинг мусулмон хони ҳам Чингизхонга таслим булишиди.

Хитойни истило қилиш 1211 йилда бошланди. 1215 йили эса Чингизхоннинг қўшини Пекинга бостириб кирди. Мўгуллар мағлуб хитойларнинг ҳарбий ускуналарини тезда ўрганиб олишди ва шундан сўнг гарб томон юришларida палахмон, манжаниқ ва нефть солиб ишлатиладиган ўтпуркагич каби қорураларни ишга солдилар.

Ўрта Осиёни босиб олиш учун уч Йилгина вақт сарфланди 1219—1221 йилларда Мұҳаммад Ҳоразмшоҳ қорахитойларни улкладан деярли буткул қувиб чиқарган бўлиб, бутун Мовароуннаҳр, Хурросоннинг каттагина қисми ва Афғонистоннинг шимоли-гарбини (Бақтрия) ўз тасарруфига киритганди. Тарихчи Жувайнининг³⁵ ҳикоя қилишича, сulton «ўз мамлакатида бутунлай тинчлик ва осойишталик ўрнатиб, эл-юртнинг фаровон ва маъмур яшашига эришган; йўллар ҳавфсиз булиб, ғалаёнларга чек қўйилган. Шу боис, магрибданми, машриқданми — қанчалик олис ердан булмасин, фойданинг иси келиб қолса, тижорат аҳли дарҳол уша ёққа йул олган».

«Мовароуннаҳр,— дея ҳикоя қилишда давом этади у,— жуда куп мамлакатлар, шаҳарлар ва туманларни ўз ичига олганди

Широк унинг дури Бухоро бўлса,, гавҳари Самарқанд эди». Энди араб сайёҳи Еқутга мурожаат қиласайлик: «Бухородан шарқ томон юрсангиз, ажаб бир шаҳри азимга кириб борасиз. Самарқанд дея аташар уни. Жаннат қаерда. Бояни Эрам қаерла десангиз, шу ерда деган булардим мен».— лея ёзди у.

Салтанатга савдо алоқалари ҳақида музокара: олиб бормоқ учун Чингизхон элчилари келиб турарди. Чингизхон хизматидаги уч мусулмон элчи султонга тинч савдо алоқалари ҳақида сулҳ тузишни таклиф қилишди. Хоразмшоҳ бу таклифни маъқуллади. Орадан кўп ўтмай, Мӯгулистондан беш юз тяга юк ортган карвон билан турт юз эллик мусулмон тожирлари йўлга тушди. Улар Муҳаммад салтанатининг сарҳадида жойлашган Сирдарё соҳилидаги Ўтрор шаҳрига етиб келишиди. Бу ерда эса тужжорларни жосусликда айблаб, қатл этдилар. Ёлғиз бир тякашгина қочишга муваффақ булиб, Мӯгулистонга қайтиб борди. Буюк хоқоннинг кейинги элчилари ҳам Хитойни забт қилиш орзусида юрган Муҳаммад Хоразмшоҳнинг фармони билан қатл этилавердилар. Ана шундан сўнг Чингизхон Хоразм томон юришга жазм қилди.

Шунча қилган ишларига қарамай, султон Муҳаммад Мовароуннаҳр халқининг меҳрини қозона олмаган эди. Ўз лашкаридаги туркий зодагонлар билан ораси бузуқлиги устига, султон халифага қарши курашгани ва мусулмон тужжорларни қатл эттиргани туфайли дин пешволарининг ҳам кунглини қоллирганди. Хоразм дорруссалтанаси Гурганж ниҳоятда бой ва султон саройининг шукуҳи жуда баланд бўлса-да, тасарруфидаги узга шаҳарлар гуркираб яшнаган, маданияти тараққий топган, ҳунармандларининг санъати, савдо-согиқ ривожи юксаклигига, лашкарларидаги сарбозларнинг сонжиҳатидан беадад эканлигига қарамай. Хоразмшоҳ душман ҳамласини даф этишга ожизлик қилиб қолди, чунки унинг ҳукмдор доираларида ҳамжиҳатлик йўқ эди, боз устига, халқ султонни ёқтиримай қўйганди. Ваҳоланки Жувайний Муҳаммад Хоразмшоҳнинг сахийтик билан хайр-садақа улашганини юксак баҳолаганди. Муҳаммаднинг ўзи бутун лашкарни бир жойга туплашни истамасди. зеро у ўз лашкарбошиларидан чучирди ва, улар менга қарши бош кўтаришлари мумкин, деб ҳисобларди. Дарҳақиқат. маҳаллий ҳукмдорлар, дин пешволари ва баъзи саркардалар ўз амаллари ва ер-сувларидан ажраб қолишдан кўрқиб, Чингизхонга таслим булиши ва унга тобелик мажбуриятини қабул қилишди. Мӯғул фотихи шундан сўнг қўшинини энг қулай жойларда туплаш ва ёнг қулай маррадан ҳужум қилиш имкониятига эга бўлди.

1219 йили Чингизхон ёнида ўғиллари ва юз эллик минглик лашқари билан Сирдарё соҳилидаги Ўтрорда ўрнашли.

Орадан бир оз фурсат ўтгач, у Бухоро сарҳадига етиб бориб, шаҳарни қамал қилди. Уч кунлик жангдан сунг Мұхаммад Хоразмшоҳ қўшинлари мудофааси яксон этилиб, Бухорога ўт қўйилди. Мўгуллар мағлуб шаҳардан ўлжа олиб, одамларни асирикка ҳайдадилар. Бу асиirlардан бошқа шаҳарларни қамал қилиш чоги хужумга бораётган мўгулларни пана қилиш учун тирик девор сифатида фойдаланишарди. Жувайнийнинг ёзишича, юз эллик минг сарбоз ва йигирмата жанговар фил ҳимоя қилиб турган Самарқанд шаҳри Чингизхон лашкарининг ҳамласига бор-йуғи бир ҳафтагина дош бера олибди. Шундан сунг Бухоро руҳонийларидан фарқли улароқ, Чингизхонга қаршилик кўрсатмаган дин пешволаридан ташқари, бутун ҳалқ шаҳардан қувиб чиқарилибди. Тирик қолган одамлардан ўттиз минг кишилик моҳир ҳунармандлар танлаб олиниб, Чингизхон ўғиллари ва бошқа оила аъзоларига булиб берилибди. Сунг уларни мўгул қароргоҳларида ишлатиш учун ҳайдаб кетишибди. Яна шунча кишини мўгул қўшинига сафарбар этишибди. Қолган аҳолига эса шаҳарга қайтиш учун ижозат берилибди ва жонлари омон қолгани эвазига юз минг динор товон тўлашни талаб қилишибди. Бояқиши шаҳарликлар товон пулини бир неча бор зиёдроқ тўлашга мажбур булишибди. Ана шундан сўнг шаҳарда илгариги аҳолининг фақат чорак қисмигина омон қолибди.

Мўгуллар қароргоҳида осиёлик бўлмаган асиirlар ҳам бор эди. Фарангистон қироли Луи IX нинг элчиси XIII аср урталарида Мункехон саройида Можористонда қўлга олинган лотарингиялик аёлни учратганди. Элчига, шунингдек, асли парижлик бўлган, хон саройида шифокор бўлиб ишлаётган Вильям деган киши ҳақида ҳам сузлаб беришганди.

Ўз лашкарининг биринчи мағлубиятидан сунг Мұхаммад Хоразмшоҳ Амударёning фарбий соҳилига қараб қочди. Чингизхон беҳисоб лашкарига қўмондонлик қилишни ўз ўғилларига топшириб, уларни доруссалтана — Гурганжни қамал қилишга жунатди. Шаҳар аҳолиси бир неча ой давомида босқинчиларга қаттиқ қаршилик кўрсатди. Мўгуллар ҳар бир маҳалла, ҳар бир уй учун қонли жанг қилишларига тўғри келди. Нихоят, катта қурбонлар эвазига шаҳарни ишғол этган мўгуллар тирик қолган барча аҳолини каваклардан ҳайдаб чиқишиди. Юз минг чоғлиқ ҳунарманд ва моҳир косиблар бошқа одамлардан ажратилди. Ёш болалар ва аёллар қулликка ҳайдалди. Қолган эркакларни эса лашкарларга булиб беришли — ҳар бир мўгул сарбози йигирма тўрт кишини қатл этмоғи лозим эди (1212 йил). Бу қирғиндан сўнг, хабар қилишларича, мўгуллар тўғонни бузиб юборишибди. Шаҳарни сув босибди. «Хо-

разм (Гурганж) чиябүрн маконига айланибди ва бу ерга бой-
үғли ҳамда калхат ин қўйибди». — деб ёзади Жувайний.

Султон Муҳаммад Эронга қочади. Кейинроқ у Каспий
денигизидаги аллақайси оролда бошпана топади ва ўша йил-
нинг ўзидаёқ оламдан кўз юмади. Душманга қарши курашни
унинг тўнгич ўғли Жалолиддин давом эттиради. У мўгуллар
 билан Афғонистонда жанг қиласи ва кейинроқ Чингизхон
кўшинининг асосий кучини Ҳинд дарёси соҳилида тор-мор
этишга уринади, бироқ мағлубиятга учрайди (1221 йил).
Шундан сўнг у лашкарининг омон қолган қисми билан
Ҳинди斯顿га қочади.

«Бухоро забт этилганидан кейин бир киши мазкур шаҳар-
дан қочиб, Хуросонга келди,— деб ёзганди Жувайний.— Ун-
дан шаҳар тақдирни ҳақида сўрашганларида ўша киши: «Улар
бало-қазодай кириб келишли, шаҳар девори тагидан лаҳим
қазишли, ут қўйишли, одамларни қириб ташлашли, ҳамма
ёқни талон-торож қилишли ва жунаб кетишли»,— деб жавоб
берган экан.

Бутун Хоразм салтанати Эроннинг талайгина қисми би-
лан бирга, Чингизхон қўлига утади. Шундай қилиб, Моваро-
уннаҳр сарҳадлари шимолий Ҳитойдан Эронга қадар чўзил-
ган улкан мажусийлар салтанатининг бир қисмига айланди.
Бу салтанат мўғул удумлари қонуни асосида қурилган булиб,
Мўгулистон хони номидан идора этиларди. Чингизхон ва унинг
уруғи истилоси натижасида тўрт мўғул салтанати юзага кел-
ди. Улардан бири Мовароуннаҳр ва қўшни ҳудудларни ўз ичига
оларди. XIV асрда худди ана шу салтанатда Темур тугилди.
Бевосита Чингизхон наслидан бўлмаса-да, бу кўчманчи фотих
буюк хоқоннинг ҳарбий истеъдодини ва ана шу тўрт мўғул
салтанати узра ҳукмронлик қилишга бўлган шиддатли инти-
лишни ўзига сингдириб олганди.

III боб

МОВАРОУННАҲРНИИГ ЯНГИ ҲУКМДОРИ

1360-Сичқон ўши — 1370-Ит ўши

1219 йили Чингизхон Ўрта Осиёни забт этмоқ учун юриш
бошлаганида ёши олтмишларда эди. Умри тугаб бораётгани-
ни сезган ҳукмдор узоқ умр куриш сиридан воқиф деб ном
чиқарган. Тао таълимотини тарғиб қилувчи дарвиш-роҳиб
Чан-чунни ҳузурига чақиртиради. Роҳиб тоғлар ва саҳролар
оша юришда Чингизхонга истар-истамас, ҳамроҳ булиб борди.
Лекин Самарқандга етиб келишганда у шаҳарнинг уруш

оқибатида харобазорга айланған булишиға қарамай, узита мақбул бошпана тәнлаб, шу ерда қолишга аҳд қилди. Аммо Ҳинд дарёси ёнила Жалолиддин устидан қозонилған ғала-бадан сұнг Кобул шимолидаги Ҳиндикүш ёнбагрида қароргох қурған ҳукмдор дарвишга дархол ҳузыриға етиб келиши буюрди. Дарвишдан мангу яшаш дорисини талаб қилиши. Бирок дори фойда бермади. Ҳукмдор етти йил умрини жангу жадаллар билан үтказди, бу орала Үрта Осиё билан Хуресонни (Шарқий Эрон) забт этди. Үйига қайтганидан сұнг орадан икки йил үтгач, салкам етмиш икки ёшида дүнедан күз юмди¹.

Чингизхон ҳали ҳаётлигідаёқ салтанатни үз ўғилларига бұлиб берган эди. Эң кенжә үғил Тулуга, қонунга мувофиқ, отасининг бошидаги мұлки — Муғулистон ва мұғул мунтазам қүшинининг асосий қисми ажратиб берилди. Қоңда бүйіча үғил қанча қаттароқ бұлса, уннинг тасарруфыға шунча узокроқ жойлар тегарди. Тұнгич үғил Жүжи Эртүш (Иртиш) дарёсінінг ғарбидаги эң оліс худудларға. Жувайний таъбира билан айтганда, «мұғул отининг туёғи етган барча үлкаларт. Ҳукмдор этиб тайинланди». Бу худудларни ҳали забт этмоқ даркор эди, бирок Жүжи отасидан хиёл әртаратын вафот этди. Уннинг мұлки үғли Ботуга мерос булиб қолди. Учинчи үғил Үқтой улус (яғни мерос) сифатида үз тасарруфыға Муғулистон ғарбіда жойлашған ерларни олли. Отаси Чингизхоннинг үлемидан сұнг қурултой Үқтойни Буюк хон, яғни Хоқон дея зылон қилди. Барча ақа-уқалар энді унга буйсунышлари лозим эди. Қурултой қарорыдан сұнг у үз тасарруфидаги үлкани тарқ этиб, отасининг ватани Муғулистандаги Үрхунга қайтди ва Қорақұрумда саройлар құрдириб, бириңчи доимий пойтахтини барпо этди.

Чингизхоннинг иккінчи үгли Чигатойға мерос тариқасыда Үрта Осиё ерлари — Мовароуннахр, Хоразмнинг жанубий қисми, Афғонистон ва Чу ҳамда Талас чүлларини үз ичига олған Еттисув тегди. Или дарёси водийсіда жойлашған Чигатой қароргохи ёзда шимол томон, қишда эса жанубға қараб силжиб турарди. Чигатой фақат тасарруфидаги ерлар учун тұла-надиган үлпонларнегін оларди. Мамлакатни идора этиш эса хоқоннинг ихтиёрида қолған эди. Мұғуллар қорахитойдардан ва Хоразмдан тортиб олинған үлкан ва мұраккаб салтанатни бошқаришга ожизлик қиласы әдилар, шу боис, маҳаллий зодагонлар ва бадавлат тужжорлар вилюятларға тобеин (вассал) ҳокимлар этиб тайинланған эди.

Мұғул истилоси туфайли содир булған вайронагарчилик тезда бартараф қилинди. Омон қолған тужжор ва ҳұнарманндар үzlари ишлаб чиқарған моллар учун тайёр бозор топиши-

ди. Орадан кўп утмай, Самарқанд яна тикланди. Бухоро қаддини ростлаб олди. Хоразм доруссалтанаси Гурганж қайта қурилди, аммо Марв вайроналигича қолаверди.

Ўқтой Буюк хон дея эълон қилингач, у Чигатой улусига уз ноиби қилиб хоразмлик бадавлат тужхор ва судхур Маҳмуд Ялавочни тайинлади. Уз ихтиёрида доруға (ҳоким) бошчилигидаги мұғул сарбозлари бұлған Маҳмуд қароргоҳ учун Хўжанд шаҳрини танлади. Доруға аслида ҳарбий қўмондон маъносини англатарди-ю, бироқ фуқарони идора этиш ҳамда козиллик вазифалари, шаҳар фуқароларига солиқ солиш ва уни вақтида ундириб, саройга жунатиш, алоқа бекатларини назорат қилиш, маҳаллий йигитларни ҳарбий хизматга сафарбар этиш вазифалари ҳам унинг зиммасида эди. Алоқа бекатлари эса жамоага эмас, хон ва унинг маъмуриятига хизмат қиласарди. Хуллас, доругалар бутун салтанатда мұғул маъмуриятининг негизини ташкил этарди. Маҳмуднинг ўғли Маъсуд Чигатой улусини хон номидан то умрининг охиригача, яъни 1289 йилга қадар идора этиб келди.

Доруғанинг қули остидаги қуролли кучлар Чингизхон томонидан уз үғилларига тақсимлаб берилган мұғул қүшинларидан иборат эди. Гарчи кейинчалик урдаларнинг дастлабки жойлашувлари, афтидан, ўзгарған бұлса-да, ўша маҳалда муғулларнинг оммавий тарзда гарбга кучиши ҳали бошланмаган эди. Бартольднинг маълумотига кура, Чингизхоннинг кенжә ўғли Тулу бир юз йитирма тўққиз минг жангчига эга булган мунтазам қүшиндан бир юз турт минг одамни мұғул мулклари билан бирга, ўзига олганди. Қолган уч ўғилнинг ҳар бирига турт минг кишидан теккан. Қолғанлари эса сулоланинг бошқа аъзолари ўртасида тақсимланган эди. 1251 йили чингизийлар Буюк қурултойида содир бұлған сарой тўнтарилиши оқибатида Ўқтойнинг ворислари таҳтдан олиб ташланди. Шундан сунг тож-тахт Тулунинг ўғли Мунке қўлига ўтди. Бу тўнтаришнинг ташкилотчиси Олтин Үрда ҳукмрони Ботуҳон эди. Унинг Мунке билан тузган иттифоқи Ўқтой ворисларигагина эмас, балки Чигатойга ҳам қарши қаратилғанди. Ўрта Осиё тасарруфи Чигатой ворислари кулидан Ботуҳонга, сўнгра, акасининг ўлимидан сунг Олтин Үрда тахтига утирган укаси Берканинг қўлига ўтди.

1260 йилларда Чигатойнинг набираси Олғуй Тулунинг ўғиллари орасида чиққан низодан фойдаланиб, узининг Чигатой улусидаги ҳукмдорлик мавқенини тиклаб олмоқчи бұлды (1260—1266). У Олтин Үрда намояндаларини қиличдан утказади ва Чигатой набираларидан бирининг беваси муваққат ҳокима — малика Уркинга уйланади. Маъсуд Ялавоч унинг молия вазири булиб қолаверади. Бошқарув санъатини мукаммал эгаллаган бу

оқыл зот турли хұжайинларға қандай хизмат қилишнігіна әмас, балқи улкан қүшинни боқиши учун солиқни қандай үндериш илмини ҳам сув қилиб ичиб юборған зди. Биринчи бор Чигатой улуси шарқдаги хоқон ва шимолдаги Олтин Ырда хони тазйин-қидан қутулыб, мустақил булып олди.

1260 йилга келганды, тұртта мұғул салтанати ташкил топған зди: Чингизнинг набираси Ҳубулай үз отаси Тулудан буюк хон үнвонини мерос қилиб олди. Кейин у Хитой хоқони булыб, пойтахтини Қорақұрумдан Пекинг күчирди. Чингизнинг бошқа бир набираси Берка Олтин Үрданинг Сибирдан то Шарқий Оврупогача чүзилған поёңсиз ҳудудига қокимлик қила бошлади. Ҳубулайнинг укаси Ҳалоку үз салтанатини Яқин Шарқда тиклади ва Эрон, Месопотамия ҳамда Арманистан устидан сұлтон бұлды. Олғұй эса, Үрта Осиёда Чигатой салтанатини бошқарди. Орадан күп вақт үтмай, дастлабки учта салтанатда сиёсий ва маъмурый ҳамкорлик тикланди, истилочилар үzlари забт этганды мамлакатлар билан ҳамжиҳат булып кетишиди ва ҳарбий күчлар түпланған пойтахт шаҳарларға жойлашишиди. Лекин Үрта Осиёда күчманчи истилочилар билан ерли халқнинг тинч-тотув яшаши анча мушкүл бұлды. Мұғул истилоси үз олдига халқларни күчирма қилишни мақсал қилиб құймаган зди. Чингизий шаҳзодалар үлкама-үлка, шаҳарманшаҳар юришганида, уларға фақат ҳарбий зодагонларнинг вакиллари кузатувчилік қилишарди. Лекин бу кузатувчиларнинг шаҳарларда пайдо булиши Үрта Осиёда зиддиятларнинг зұрайишига сабаб бұлды. Истилочиларга тобелик қылған маҳаллий қокимлар, тожирлар ва мусулмон динининг пешволари хондан имтиёзли туғфалар, чунончи, уларнинг үз рутбаларыда қолишига розилик берувчи ёрлиқлар олардилар. Айни чогда, тобе халқлар босқынчилар қүшинини озиқ-овқат, ем-хашак ва почтачи отлар билан таъминлаб туриши шарт зди. Лашкарни боқиши қишлоқ ва шаҳар ахолиси зыммасига түшгап әнгөғир юқ зди. Доруганинг айғоқчилари барча косиб ва ҳунармандларнинг рүйхатини олиб чиқар әдилар — булар белгіланған мұддатларда дақлат ҳазинасига, саройға ва қүшинга үлпон тұлаб туришлари лозим зди. Ҳаммадан ҳам қуролсозлар, тұқывчилар ва күнчилар күпроқ азоб чекардилар.

Иккінчи томондан, бу аснода мұғул ҳұмдорлари үртасыда авж олаётган адсоват, айниқса, Чигатой улусига катта заар етказаётган зди. Зеро бу ердаги фарованиелик күп жиҳатдан бошқа мұғул салтанатлари билан карvon савдосига бөғлиқ зди. Илгари Мовароуннахр орқали үтадиган қытъалараро савдо йүли энди Олтин Ырда тасаруфидаги ерлардан үтиб, Каспий деңгизи шимодидан Волга ва Қора деңгиз томон силжиган зди.

Чигатой улусининг ўзида ҳам ички ихтилофлар кўзга ташланга бошлади: бир томондан Мовароуннахр гарбидаги шаҳарлар ва ўтрок ҳаёт кечирадиган ўзга туманлардаги мусулмон зодагонлар ҳокимииятга даъвогарлик қилишса, иккинчи томондан, Еттисув яловларида кучиб юрадиган мўгул ҳарбий бошлиқлар хукмдор бўлишни орзу қилишарди. Олгудан кейинги Чигатой хонлари эътиборини Мовароуннахрнинг бадавлат ислом шаҳарлари ўзига тортди. Чиндан ҳам, Олгуйнинг вориси Муборак (1266 йил) дини исломни қабул қилган эди. Муборак билан бирга Чигатой улусига содик булган баъзи мўгул ҳарбий қабилалари ҳам келишганди. Уларнинг орасида Хужанд яқинидаги Оҳангарон водийсига даъвогар бўлган жалойирлар ҳамда Самарқанд жанубидаги бадавлат Қашқадарё ҳудудига даъво қилган барлослар ҳам бор эди. (Амир Темур худди ана шу барлос уруғидан чиққан). Ҳалқларнинг бир-бирига сингиб кетиш жараёни жуда тезлашди, аср охирига бориб, бу қабилалар, гарчи аслзода Чигатой унвонидан воз кечмаган булишса-да, дини исломни қабул қилиб, ўзларини туркий дея ҳисоблай бошлишди. Бироқ кучманчи аслзодаларнинг каттагина қисми бундай сингиб кетишга тиш-тирноги билан қарши эди. Улар дини исломни рад этишар ва ўзларининг ҳарбий нуфузларини йўқотиб қўйишдан чучигандари сабабли, утрок ҳаёт тарзига нафрат билан қарашарди. 1269 йили Талас водийсида утказилган қурултойда чўл аслзодаларининг қули баланд келди, тарихчи Рашидиддиннинг ёзишича, қорамолларидан шудгор қилиш ва уруғ сочиш ишларида фойдаланмаслик учун улар шаҳарда истиқомат қилмай, ота-боболарининг анъанасига мувофиқ, тогли яловларда кучиб юришга қарор қилишганди. Муборакни тахтдан ағдариб, ярим асрча вақт хонлар мажусийликда чўлларни кезиб юрдилар.

Лекин бу воқеалар кучманчи чорвадорлар билан ўтрок ҳалқ ўргасидаги ихтилофни бартараф эта олмади. Кучманчи аслзодалар Мовароуннахрдаги Чигатойларга «қурама» — дурагай дея лақаб қўйишганди. Ўзларини эса улар «мўгул» дея аташарди. Шу боис, Чигатой улусининг улар кучиб юрадиган шарқий қисми Муғалистон деб юритила бошланди (бу ном Афғонистон билан Хиндистонда шу қадар мустаҳкам урнашиб қолдики). Темурнинг авлоди Бобур XVI асрга келиб, у ерда «мўгул» сулоласини барпо этди). Шу билан бирга, Мовароуннахр аҳни бўлмиш гарбий чигатойликлар ҳам шарқдаги ўз қондошларига «жети» дея лақаб қўйишгандики, бу сўз муттаҳам, қароқчи деган маънони англатарди.

Оқибатда улус икки қисмга бўлинниб кетди: бу қисмлар арбда «Мовароуннахр», Шарқда эса Мўғалистон дея юрити-

либ, уларда Чигатойларнинг алоҳида-алоҳида уруғи ҳукм-рон-лик қиларди.

Муғалистонда тож-тахт учун узоқ давом этган урушлар ва ички ихтилофлар мамлакат иқтисодиётини хароб аҳволга солди ва қўшни ўлкалар билан савдо алоқаларини деярли тұхтатиб қўйди. Йўллар хатарли булиб қолди, қароқчилар карвонларга ҳужум қилишар, молларни талаб кетишар, ё жуда оғир солиқ солишарди. Дәхқонлар воҳадаги экин-тиқинни ташлаб, тоғ-тошларга қочди. Қишлоқлар вайронага айланди, бир вақтлар шарқдан ҳам, ғарбдан ҳам савдо карвонлари ва элчилар келиб турадиган гавжум шаҳарлар ўрнида қуруқ харобазорлар қолди. Серхосил шудгорлар яйловлар-у, дашт-биёбонга айланди.

Гарчи ички зиддиятлар туфайли ўзи ҳам нотинч бўлса-да, Мовароуннаҳрда аҳвол мутлақо бошқача эди. XIV аср бошларида бу ўлкага Чигатой Кепакхон (1318—1326 йиллар) ҳукмлор булиб қолганди. Кепакхон бу ерда мамлакатни идора этиш бўйича талағина ислоҳотлар ўтказиб, марказлашган давлат пойдеворини яратди. Жумладан, у аҳолининг қаттиқ норозилигига сабаб булаётган солиқларни қайта қуриб чиқди. Кепакхон идора этиш бирлиги сифатида муғул туманини асос этиб танлади. Одатда туман сўзи ўн минг кишидан иборат ҳарбий қушилмагина эмас, балки бу қушилмани моддий жиҳатдан тъминлаб турадиган вилоятга нисбатан ҳам ишлатиларди. У шу пайтга қадар мавжуд бўлган феодал ер-мулқларни туманларга булиб чиқди. Мамлакат ягона пул ўлчови булмаганлиги учун катта иқтисодий зарар кўрмоқда эди, зеро ҳар бир шаҳар ёки феодал ҳукмдор ўз тангасини зарб этарди. Оқибатда пул чайқови авж олиб, савдо-сотиққа зарар етказа бошлади, тижорат савияси пасайиб, оддий мол алмаштириш даражасига тушиб қолди. Боз устига, бу пайтда Мовароуннаҳр энди Волга дарёси сари шимолдан ута бошлаган қитаълараро карвон йўли келтирадиган фойдалан маҳрум бўлганди. Кепакхон танга зарб қилишни ҳам изга солди. У Ўрта Осиёда бутун мамлакат учун чиқарилган тангага ўз номини зарб қилдирган биринчи мўғул хони бўлди. «Кепакхон динорлари» Темур ва унинг ворислари даврида ҳам ўз кучини йўқотмаган эди.

Мовароуннаҳрнинг Чигатой хонлари ўз қароргоҳларини Или дарёси водийсидан аввалига Оҳангарон водийсига, сўнгра эса Қашқадарё водийсига кўчириб ўтказдилар. Кепакхон бу серунум водийни ўз қароргоҳига айлантирди ва у ерда катта сарой қурдирди. Шундан сўнг бу ер Қарши дея атала бошланди. («Қарши» сарой маъносини англатади). Худди ана шу Қашқадарё водийсида, Мовароуннаҳрнинг Чигатой хонлари масканида Кепакхоннинг ўлимидан сўнг ўн йил вақт ўтгач, Темур дунёга келди.

Кепакхон амалга оширган ислоҳотлар утроқ яшайдиган аҳолининг ҳәётини анча енгиллаштири-ю, аммо Мовароуннарда ҳамон катта нуфузга эга бўлган кўчманчи аслзодалар газабига сабаб бўлди. Кепакхоннинг ўлимидан сунг улар 1269 йили Талас қурултойи маъқуллаган сиёсатни тикламоқчи бўлишиди. Янгидан тахтга утирган Кепакхоннинг укаси Тармасирин (1326—1374 йиллар) дини исломни қабул қилиб, уз қароргоҳини Бухороға кучирган эди. Бироқ Чингизхон ань-аналарига риоя қилишдан бош тортгани учун кўчманчи хонлар уни тож-тахтдан маҳрум этишиди. Тармасирин ворисларига қарши кураш Мовароуннарда Чигатой хонлари ҳукмiga бутунлай чек қўйилгунча давом этди. Кўчманчи аслзодалар йўлбошчиси амир Қозогон Қозонхонга қарши бош кутарди. 1347 йили Қозонхон жангда ҳалок бўлди. Амир Қозогон ҳокимиятни қўлга олди-ю, аммо хон унвонини қабул қилмади. Зоро, Чигатой сулоласининг ҳурмати бениҳоя баланд эди ва доимо шу оила аъзоларини излаб топиб, тахтга утказишарди. Бироқ шу даврдан бошлаб хонлар қўғирчоқ ҳукмдор булиб қолишиди. Аслида ҳокимият маҳаллий кўчманчи ҳарбий аслзодалар қулига утди — аввалига Қозогон, кейинроқ эса Темур ягона ҳокими мутглақ булиб қолишиди. Қозогон кўчманчиларга хос ҳаёт кечирап, қишида бир яйловга кучса, ёзла бошқасига кучиб утар ва уқтин-үқтин Хуросон ёки Хоразмга ҳужум қилиб, у ерлардан катта ўлжа олиб қайтарди. 1358 йили Муғулхоннинг фитнаси оқибати улароқ Қозогон ширкор чоғида ўлдирildi. Ундан сунг феодал ҳукмдорларнинг ўзаро нифоқларини назорат қилиб, жиловини төртиб тура оладиан бошқа қудратли хон топилмади.

Турли вилоятларда маҳаллий сулолалар пайдо була бошлиди. Олтин Урда ва Чигатой улуси ўртасида иккига бўлинниб кетган Хоразм туркийлашиб кетган муғул сулоласи Сўфийлар раҳбарлигида яна бирлашиб олди. Балх, Кобул ва унинг атрофидаги туманлар амир Қозогоннинг набираси амир Ҳусайнинг қулида эли. Ҳиндкуш ёнбағридаги бошқа туманларни маҳаллий ҳокимлар идора қилишарди. Жалойир қабиласидан булган беклар Оҳангарон соҳилларида ҳукмрон эдилар. Шашарларни эса турли дин пешволари ёки доруғалар назорат қилишарди. Маҳаллий ҳукмдорлар, амирлар, шайхлар орасидаги низолар ва урушлар мамлакатни ниҳоятда қашшоқластириди, ҳаммаёқда исён ҳамда галаёнлар кутарила бошланди².

Қашқадарё водийсидаги Шаҳрисабз туманида барлослар уруғи ҳукмдор эди. Зарафшон ва Амударё билан ёнма-ён оқадиган Қашқадарё тоғда эриган қор сувини водий томон элтарди. Жанубдаги тоғнинг қуий этакларини ям-яшил яйловлар қоплаган булса, юқорироқда айиқлар дайдиб юрар, бургутлар ин

құярди. У ернинг шикори жуда гаштли бўларди. Худди Зарафшонга үхшаб, Қашқадарё ҳам анор ва бошқа ширин-шакар мевалар етишириладиган серҳосил водийни суғориб турарди. Тоғ ёнбағрида эса туз конлари булиб, чор-атрофда беҳисоб шумтоллар үсіб ётарди.

Темур 1336 — Сичқон йилида савр (апрель) ойининг түққизинчи куни Шаҳрсабз яқинидаги бир қишлоқда туғилди. Унинг отаси Тарагай Мовароуннахрга Чифатойлар билан келиб туркйлашиб кетган барлослар қабиласига мансуб булиб, бу оила қабилада салмоқли нуфузга эга эди. Шаҳрисабз ва атрофдаги туманларни уларнинг қабиладоши Ҳожи Барлос бошқарарди. Темурнинг отаси Тарагай эса ҳам Мовароуннахр, ҳам Мұгулистаннинг аслзодалари билан яқин алоқала эди. Кейинроқ бутун Осиёдаги мұгуллар барчани, Темур Чингизхон авлодидан бўлади, дея ишонтиришга уриндилар. Темур авлодларининг шажараси Самарқанддаги Гури Амирсағанасига қўйилган қорамтири кош — нефритга зарб этилган. Шажарада ёзилишича, Темур ва Чингизхоннинг умумий боббаклони Бузангар деган одам бўлган экан. Ривоятларга кура, Бузангарнинг маъсума онаси Олонқува ой ёғдусидан ҳомиладор бўлган экан⁴. Бироқ расмий сарой тарихчилари ҳеч қачон Темур Чингизхоннинг авлоди, дея таъкидлаган эмас, боз устига, Темурнинг ўзи ҳам бундай қариндошликка даъво қилмаган: у хон эмас, амир унвони билан қаноатланган ва «Кўрагон», «Гургон», яъни қуёв унвонидан фойдаланган, зоро мұгул хонлари оиласига фақат хотини туфайли алоқадор эканлигини күрсатишни истаган.

Темур ўсмирилик чоғиданоқ чўлда яшовчи кўчманчилар анъаналарига ихлос билан қараган, зоро «у каби аслзодалар ҳамиша чўлдаги ҳаётни шаҳарда яшашдан афзал куришган»⁵. У йилқини миридан-сиригача билар, бир қарашдаёқ зотли тулпорни зоти паст отдан фарқлай оларди⁶. У яхши сувори эди, камондан узган ўқи доим нишонга бехато тегарди. Мовароуннахр ҳукмдорларининг ўзаро түқнашувларида иштирок этар экан, у тезда ҳарбу зарб санъати билан ҳам танишиб олди. Кўп ўтмай, у атрофига яхши қуролланган бир туда чобукдаст йигитларни тўплаб, қушни туманларда яғмо билан шуғулланди, савдо карвонларига ҳужум қила бошлади. У қулга туширган ўлжани тўдасидаги йигитларга сахийлик билан булиб берарди. Шу боис, Темур водийда, айниқса, кўчманчи йигитлар орасида машхур булиб кетди. Гарчи кейинчалик унинг туғилиши, болалик йиллари ҳақида турли уйдирма ва афсоналар кўп тарқалган бўлса-да, Темурнинг 1360 йилга қадар фаолияти тўғрисида ҳеч қандай ёзма маълумот йўқ. Агар Темур яғмогарчиликдан ташқари бирор соҳада ўзини кўрсатга-

нида эди, расмий тарихчилар бу түгрида, албатта, ёзган булишарди. Бунинг устига, маълум булишича, Темурнинг ёшликтаги хамма ҳужумлари ҳам муваффақиятли чиқавермаган. Шундай юришлардан бирида у адашиб қолибди, бир ҳафта давомида очлик ва ташналиқдан азоб чекканича, чулда дайдиб юрибди. Ниҳоят, у Қозогоннинг набираси амир Ҳусайннинг подасига дуч келибди. Тарихчилар ҳикоя қилишича, Темур үзининг суворилик санъатини шу қадар үринлатиб намойиш қилибди, оқибатда амир уни чўпонликка ёллади.

Унинг тарафдорлари яна Темур болалигига ниҳоятда художуй булгани ва дин пешволарини ҳурмат қилгани ҳақидағи ривоятни ҳам кўп такрорлашган. Темурнинг успирийлик даврига келиб, дини ислом Мовароуннаҳр шаҳарларида чукур илдиз отганди. Барлослар уруғи ҳам мазкур динни қабул қилганди.

1358 йили амир Қозогоннинг ўлдирилиши ва ундан кейинги ички низолар Муғалистон хони Туғлиқ Темурга Чигатой улусининг бирлигини тиклаш мақсадида Мовароуннаҳрга бостириб кириш имконини берди¹. Туғлиқ Темур ҳам дини исломни қабул қилган бўлиб, ўзининг бир юз олтмиш минглик тарафдорларини суннат қилишга кўндирган эди. Аммо мўғул кўчманчилари бу динни хушламай қабул қилдилар. Муғул хони Қашқадарё томон юриш бошлади. Ҳукмдор Ҳожи Барлос тенгсиз жангга киришни истамай, Шаҳрисабздан Хурсонга қараб қочди. Кейинчалик уни ўлдириб юборишиди. Туғлиқ Темур ҳеч қандай қаршиликка учрамай. Қашқадарёни ишғол этди.

Сарой тарихчилари Темурни худди ана шу даврдан бошлаб (1360 — Сичқон йили) Мовароуннаҳр тарихига киритдилар.

Уша даврда Темур тарафдорлари талайгина булиб, улардан душманга қарши курашда бемалол фойдаланиши мумкин эди. Аммо Темур ўзини жети босқинчиларига қарши курашда Ўрта Осиё аслзодалари йўлбошчиси қилиб курсатишини истамади. Бунинг ўрнига у муғул хони хизматига кирди. Туғлиқ Темур уни хизматга бажонидил қабул қилди; Қашқадарё вилоятига ҳоким этиб тайинлади. Ана шу йусинда 25 ёшга кирган Темур уз қабиладоши ўрнига кичкина бўлса-да, лекин бадавлат улкага ҳукмдор булиб қолди. Шундан сўнг у Афғонистоннинг энг муҳим вилоятларини қулида тутиб турган Балх ҳукмдори, амир Ҳусайн билан иттифоқ тузди. Бу иттифоқ Мовароуннаҳрда ушбу икки оила нуфузини ниҳоятда баланд кўтаришга ёрдам берди. Шунингдек, у никоҳ билан мустаҳкамланди: Ҳусайннинг синглиси Ўлжой Туркон оғо Темурнинг хотинларидан бири булиб қолди.

Темурнинг мұғул хонига хизмати узоққа бормади. Түғлиқ Темур үз үғли Иллесхұжаны Мовароуннарға ҳоким этиб тай-инлаганида тобе ахволга тушиб қолганидан норози бұлған Темур жетилар билан алоқаны узиб, аввалғи қишида Түғлиқ Темурдан мағлубиятта учраб, саҳрода қочғай амир Ҳусайнға бориб құшилди. Улар ҳийла ва шамширлари күчи билан күн күра бошладилар. Темурнинг нақадар абжирлиги ҳақидаги ҳикояларнинг талайгина қисми олтмишинчи йилларнинг бошларыда кечіган унинг ҳаётидаги ана шу әнг оғир паллага түғри келади. 1362 йили Түғлиқ Темур жосуслары таъқибидан чеки-ниб боришар экан, бир түқнашувдан сунг Темур ва Ҳусайн етти нафар жангчи билан қолишиди. Бу етти кишидан учтаси күп үтмай, қочиб кетишиди. Ҳикоятта баён қилинишича, уша түқнашувда отининг оғи синган Ҳусайн үз хотинининг оти-га мингашиб қочишига мажбур булиби. Икки амир бошқа-бошқа йүлдан кетишига қарор қилишиби. Темур хотини ва бир содиқ жангчиси билан йүлга тушиби. Саҳрода улар ҳужум-га шай турған туркманлар тұдасига дуч келиб қолишиби. Бироқ туда бошлиғи Темурни таниб қолиби, унга отлар бе-риб, йүлбошловчи тайин этибди. Темур яна бориб, Ҳусайнға қүшилиби, бироқ орадан күп вақт үтмай, улар бояғи мурув-ватли туркманнинг укаси құлиға тушиб қолишиби ва икки ой умрларини Марв яқинида (1362 йил) асирликда үткази-шибди. Солномачиларнинг ҳикоясига күра, шундан сунг улар-ни озодликка чиқариб, манзилларига этиб олишлари үчун бир қирчанғи от ва битта қары түя беришибди.

Икки амир салдан кейин яна ажралиб кетишибди ва қиши-ни құвғинликда үтказишибди. Темур олти ҳафта Самарқандыа опаси Кутлуғ Туркон оғонинг уйида яшириниб ётибди. Кей-ин Темур билан Ҳусайн яна биргалашиб, юз нафар сарбозла-ри билан Хурсон жанубидаги Сейистон вилояти хони хиз-матига кириби. Бир куни уларға душман галаси ҳужум құлиби-ди. Уша жангда (1363 йил) Темурнинг үнг құли ва үнг оғига камон ўқи санчилиби. Шунинг оқибатида унинг құли фалаж бўлиб қолиби, оғи эса шу қадар қаттиқ жароҳатланибди-ки, бир умр оқсоқланиб юрадиган булиб қолиби. Шу туфай-ли душманлари уни Темурланг дея атай бошлаши. Форс ти-лида бу ном Оқсоқ Темур маъносини англаради. Оврупода эса бу исм Тамбурлейн шаклида машхур бўлди.

Орадан күп йиллар утгач, Темур Сейистонда үзини жаро-ҳатлаган ўша туда сардорини учратиб қолиби ва уни камон-лардан ўққа тутиб үлдиришни буюриби.

Үрта Осиёда ҳанузгача күп тақрорланадиган бошқа риво-ятларга қараганда, Темурнинг үнг құлидан жароҳатланиши унинг ўшлигига юз берган бир воқеа билан боғлиқдир. Эмиш-

ки, бир куни Темур тұдаси душманнинг бир неча бор каттароқ гурухыга дүч келиб қолибди. Умумий қыргынбаротнинг олдунин олиш мақсадыда Темур душман томон от солиб, рақиб галаси йүлбошчисини яkkама-якка жангга чақирибди. Мухолифи унинг даъватини қабул қилибди ва қиличини ялан-гочлаб, ўз қабиласига хос наъра тортганича, Темур сари от күйибди. Бу наъра барлослар наъраси экан — мухолиф Темурнинг ўз отаси булиб чиқибди. Темур унинг қиличини кафти билан ушлаб, отасининг ҳамласини тұхтатибди ва қули шунда кафти томонидан жароқатланибди. (1941 йили Самарқандда Гури Амирдаги сағана очилганида Темурнинг сүякларини күздан кечириб чиққан М. Герасимов бөшқа жароқаттар қатори унинг ўнг қули кафтида ҳам жароқат изларини курди)⁹.

Иккى амирнинг жасорати ва муваффақиятли юришлари бир талай отлиқ ва пиёда сарбозларни, илгари Түглик Темурга тобе бұлган турлы ҳукмдорларни улар томонига үтишга чорлади. Темур жуда күп тарафдорлари истиқомат қиладиган Шаҳрисабзни қайта құлға олди ва Ҳусайн билан бирга, мұғул хонининг үғли Илесхұжага қарши юриш бошлади. Асир булиб тушишига бир баҳа қолған Илесхұжа илдамлық билан Или томон қочди. Амирлар уни Тошкентта қалар таъқиб этиб боришли. Шу зайлда Мовароуннахр жетилар зулмидан озод этилди. Фалаба шарафига уюштирилган катта байрам шикори ва турлы зиёфатлардан сұнг амирлар Самарқанданға қайтишли да тантанавор юриш қилиб, шаҳарға кириб боришли. Тупори жетиларнинг зулми жонига теккан халқ уларни шоду ҳуррамлиқ билан күтиб олди¹⁰.

Бироқ бу иккى амирни, атрофларидаги феодал ҳукмдорларнинг ҳасадидан мутлақо холи эдилар, деб бұлмасди. Күрүлтой ёки оқсоқолларнинг буюк кенгашыда мамлакатнинг күхна удумига кура, Чингизхон сұлоласидан, бирор Чифатой уруғидан булмиш одамни таҳтга үтқазиши қарор қилинди. Оқсоқолларнинг назарида, бу уруғнинг обру-эътибори Ҳусайн билан Темур ҳокимиятини құллаб-қувватлаши, халқ мсҳрини қозонишига ёрдам бериши мүмкін зди. Шундай одам ҳам топила қолди. Бу нотинч сиёсий ҳәётдан воз кечиб, дарвиш жандасини кийган мүмін-қобил шоир Қобулшоқ зди. Халқнинг қувончли ғала-ғовури ичида Қобулшоқ әгнидаги дарвиш жандасини ечиб, хонник либоси кийди. Халқ учун сарой хазинаси ҳисобига түкин-сочин зиёфат уюштирилди. Амирлар тантана иложи борича шукухли үтсін учун ҳеч нарсани аяшмади. Собиқ дарвиш Қобулшоқ таҳтга үтириб, туркий подшолар анъянасига кура, құлиға салтанат асоси — дурбошни тұтди. Шундан сұнг хонлар, амирлар, ҳоким ва беклар унинг

пойига түккиз марта бош уриб, таъзим қилдилар, зеро мугуллар замонида ана шундай түккиз марта таъзим бажо этиш одат тусига кирган эди. Темур Ҳусайн ва бошқа ҳукмдорларга нисбатан үзини мезбондек тутиб, катта сиёсий донолик намойиш этди. Дарвоқе, бундай донолик умрининг охиригача унинг асосий фазилатларидан бири булиб қолди. Темур: «Барчангиз бугун менинг меҳмонимсизлар», — дега ўз ҳисобидан ажойиб базми жамшид уюстириди.

Отаси үлемидан кейин Муғалистон таҳтига ўтирган Илест-хўжанинг Моварооннаҳрдан осонгина воз кечиш нияти Йўқ эди: у 1365 йили улкан қўшин билан гарб томон юриш бошлиди. Ҳусайн билан Темур унинг ҳужумини даф этишга ҳозирлик куриб, ўзлари ҳам шарқ томон лашкар тортишиди. Икки қўшин Тошкент яқинила, Сирдарёнинг шарқий соҳида учрашиди. «Жангу жадал авжига чиқсан пайтда мисли кўрилмаган қаттиқ жала кўйиб берди. Оқибатда жанг майдони бир зумда ботқоқса айланди. Момақалдироқ гумбурулаб, кучли чақмоқ чақар, унинг ўтли наизаларини кўриб, ҳатто энг жасур аскарларнинг ҳам юраги орқасига тортиб кетарди. Муғуллар момақалдироқдан кўрқиб кетиради. Фриар Рабрукнинг ва узга муаррихларнинг ҳикоя қилишларича, момақалдироқ гумбурулаб, чақмоқ чаққанида «улар барча ажнабийларни отдан итариб туширишибди-да, ўзлари қора наматга ўралиб ётишибди, момақалдироқ тинмагунича уринларидан туришмабди». Аммо шу уринда бундай жон сақлашга уринишдан ҳеч қандай наф йўқ эди. Ерни сувдан ажратиб бўлмасди — отлар пишқирганича сувда сузиб юришарди. Солномачиларнинг ёзинича, қиёмат бошлангандек туюларди.

Ўша куни қай томон ғолиб эканлиги аниқланмади. Эрталаб жанг қайтадан бошланди ва Темур бош қўмондон бўлмиш Ҳусайнга қулай фурсатдан фойдаланиб, ҳужумга ўтишни таклиф қилди. Аммо Ҳусайн бу таклифни рад этди. Охир-оқибатда иккала амир ўз сарбозлари жасадларини ботқоқда қолдириб, қочишга мажбур булишиди. Уларнинг талоғати ўн минг кишидан мурлоқ эди; амirlар омон қолган одамлари билан Сирдарёнинг гарбий қирғонига сузиб ўтишиди. Натижада душман учун Самарқанд йули очилиб қолди. Темурнинг тарафдорлари кейинчалик «Жанг лойда» учраган бу мағлубият учун айни Ҳусайнга қўйишиди. Улар Ҳусайнни журъатсизликда ва ҳамкорликдан бош тортганлика айлашди. Бу гал омади чопмаган икки амирнинг тарафдорлари яна душманнинг тилсизмотли «ядо» тошидан фойдаланганлигини важ қилишиди. Гўё душман ўз заифлигидан кўрқиб, ўша «ядо» тош ёрдамида тўфон кутарган эмиш. Авом ҳалқ бу тошнинг ёмғир ёғдириш

кучига ишонарди. Тўфон туришини олдиндан билгани учун душман үзини яхшироқ муҳофаза қила олган эмиш.

Чингизхон истилосидан бўён Самарқанднинг мудофаа де-вори ёхуд қалъя истеҳкомлари йўқ эди. Шаҳар мудофаасини ташкил қилишга қодир ягона куч сарбадорлар булиб чиқди. Асосан майда савдо билан шугулланувчилар ва ҳунармандларни ўз ичига олган сарбадорлик ҳаракати дастлаб Хуросонда пайдо бўлган эди. Бу ҳаракат мұғул истилочилари ва бу вилоятнинг утроқ ахолиси учун оғир юк булиб тушган мұғул тартиботига қарши кураш тариқасида майдонга чиқсан эди. Мустақил Сарбадорлар давлати XIV асрнинг ўттизинчи йиллари Хуросонда барпо этилган булиб, уни сулола аъзоси булмиш хон эмас, балки доруга бошқарар эди. Сарбадорлар ўз қўшинларини ташкил этиб, ўз тангаларини зарб эта бошлашган эди. Ахолидан олинадиган солиқлар ҳам камайтирилган эди.

Сарбадорлар номи «бошини дорга тиккан» маъносини англатарди. Улар мұгуллар олдида бош эгишдан кўра дорга осилганимиз афзалроқ, дейишарди. «Бир гала абллаҳтар ҳалқа зулм айлаяпти,— деган эди бу ҳаракатнинг раҳнамоларидан бири Амир Абдураззоқ Байҳақ — Аллоҳнинг инояти бирла ҳалқни бу золимларнинг зулмидан озод этгаймиз. Магарам бу ишни эплай олмасак, бошимизни дорнинг сиртмоғида «кўргаймиз»!».

XIV асрнинг 60-йиллари Самарқандда сарбадорлар ҳаракати ҳунармандлар, дўкондорлар ва үзини гозий, яъни дини ислом учун курашчи ҳисобладиган баъзи мударрислар орасида, айниқса, кучайган эди. Ҳаракатнинг раҳнамолари — мадраса мударриси Мавлонозода ва наффоф (пахта титувчи) Абу Бакр барча шаҳар аҳлига мурожаат қилиб, ўз ҳимоялари учун жангга отланишга даъват этишибди. Масжид ёнидаги майдонда умумشاҳар мажлиси чақирилиб, турли табақаларга мансуб бўлган ўн мингтacha одам йигилди. Мажлисада Мавлонозода шаҳар ҳокимларини кўрқоқлик ва очкӯзликда айлаб, бошига оғир кун келганида ҳалқни ўз ҳолига ташлаб, қочиб кеттганларини айтди. «Қанчалар катта товон тўламайлик.— деди у,— бари бир Самарқандни қутқариб қола олмаймиз. Шаҳарни омон сақлашнинг ёллиз йули ўз ҳаётимизни ҳимоя қилиб, жангга отланмоқдир». Шундан сўнг у аслзодаларга мурожаат қилиб: «Қай бирингиз дини ислом ҳимоясига бошчилик қилингиз мумкин?» — деб суради. Бироқ улар «чурқ» этиб оғиз очиши мади. Шундан сўнг у ҳалққа мурожаат қилиб, шаҳар

мудофаасини узи ташкил этажагини айтиб, бу ишда уни құллаб-қувватлашлари лозимлигини илтимос қилди. Жетилардан Самарқандни «хукмдорларсиз»¹² халқнинг узи мудофаа қилиши ана шу тарзда бошланди.

Катта йұллар очиқ қолдирилди, бироқ ички тор күчалар тусилиб, устидан занжирлар тортиб қойилди. Энг асосий жойларга камончилар жойлаштирилди, жети суворийларини яқын келтириб, уларга иккі ёндан хужум қилишга келишилди. Еш болалардан тортиб, мұйсафид чолларгача құлиға қурол олди. Шаҳар қамал ичида қолди. Душман бир неча бор шаҳар чега расига тулашган маҳаллаларга бостириб киришга уринди, бироқ катта талафот билан чекинишга мажбур бўлди. Аммо шу асно шаҳарда озиқ-овқат тақчил бўлиб қолди, нарх-наво кутарилиб кетди. Ҳунармандлар ишсиз қолдилар. Шаҳарда аҳвол кундан-кун ёмонлашиб борарди, лекин Илесхўжанинг ҳам аҳволи оғир эди. Унинг лашкари отларига улат тегиб, уларнинг тұртдан уч қисми нобуд бўлди. Шундан сўнг жетилар Самарқанд қуршовидан воз кечиб, орқага чекиндилар. Улар аянчли аҳволда, ҳеч қандай улжасиз, садоқ ва шамширларини ортмоқлаганларича ўз юртларига, аксарияти, пиёда қайтдилар. Самарқандни бир йил давомида сарбадорлар идора этиб туришли.

Ғалаба ҳақидаги хабар тезда Темур билан Ҳусайннинг ҳам қулоғига етди. Улар Қашқадарё ва Амударё водийсидаги қишики яйловларга қайтиши-да, келаси йили бирлашиб, Самарқанд томон юриш бошлаши. Амирлар Шаҳрисабз билан Самарқанд орасидаги Конигил номи билан машхур бўлган яшил масканга келиб, қароргоҳ куришли. Бу даврга келиб (1366 йил) сарбадорлардан чиққан раҳнамолар шаҳарда ўз ҳокимиятларини мустаҳкам үрнатиб, феодал ҳукмдорлар ва шуҳратпаст амирларни бир четга суриб қоя бошлаган эдилар. Амир Темур саройи солномачиларидан бирининг ҳикоя қилишича, давлат ва дини ислом ақидаларини бутунлай смириб, уни қайта тұза бошлаган бу одамларнинг «сурбетлиги»дан қаттиқ даргазаб бўлган амирлар уларни жазолаш учун бир талай тадбирлар кўришибди. Амирлар макр ишлатиб, пуч ваъдалар билан сарбадор раҳнамоларини ўз қароргоҳларига таклиф қилишибди ва бу ерда уларни ҳибсга олишибди. Ҳусайн уларни мудҳишиң жиноятларда айблабди, Абу Бакр сарбадорларнинг бошқа раҳнамолари қатори қатл этилибди. Фақат Мавлоноздага шафқат қилишибди — сарбадорларни дор остига олиб келишганида, Темур унинг гуноҳидан үтишларини сўрабди. Шу иши туфайли Темурға бутун Самарқанд аҳлининг меҳри товланибди. Ҳусайнга эса, аксинча, золим сифатида лаънат ўқишибди. Шундан сўнг амирлар Самарқанднинг сарбадор-

зар йулдан урган ахолиси ўртасида қонун ва тартиб ўрнатишебди¹³. Қозоғоннинг набираси бўлмиш Ҳусайн бош амир, Темур эса унинг тобеини ва унг қули булибди.

Бироқ биргалашиб эришилган галабалар ва қайиноға-қуёвлик муносабатлари ҳам уларнинг орасидаги ихтилофларни бартараф қила олмади. Бари бир улар бир-бирининг йулида тусиқ булиб тураверди. Эҳтимол, Темур сарбадорлар билан, айниқса, улар орасидаги аслзода кимсалар билан яқин алоқа урнатганлар. Ҳусайн билан унинг ўртасида ана шу сарбадорларга нисбатан тутилган сиёsat юзасидан ихтилоф келиб чиққандир¹⁴. Сарбадорлар ҳаракати бостирилганидан сунг орадан кўп утмай, Ҳусайн ҳукмдор сифатида очкӯзлик намойиш этди ва аввалги қарзларини рўяч қилиб, Темур тарафдорларига катта-катта солиқ солди. Жанг лойда кўрилган талафот жуда катта эди, шу боис Темурнинг иттифоқчилари ўша пайтда Ҳусайннинг талабини қондиришдан ожиз эдилар. Темур ўз шахсий бойлиги ҳисобидан солиқни тулашга ёрдамлашди. У ўз ғазнасидан олган отлин ва кумушларни берди ва ҳатто Ҳусайннинг синглиси бўлмиш ўз хотинининг сирға ва била-гузукларини ҳам аямади. Одамлар унинг бу ишини узоқ вақт ёдларида сақладилар. Темур ўз иттифоқчилари учун ҳеч нимани аямайдиган саҳий ҳукмдор сифатида ном чиқарди. Ҳусайн ўз синглисининг дуру жавоҳирларини таниди, албатта, лекин уларни қайтариб бермади. Шу-шу, амир аглаҳ одам сифатида бадном бўлди, илгари у ўзининг таянчи деб ҳисобланган кучманчи беклар ҳам ундан юз үгиришди. Бундай фитна ва ихтилофлар охир-оқибатда Темур билан Ҳусайн ўртасида очиқ тўқнашувга айланди. Бу пайтга келиб, малика Ўлжой Туркон оғо дунёдан кўз юмган эди; Темурга ғанимлик кўзи билан қарайдиган тарихчилардан бири, хотинини ўзи ўлдирган, дея исботламоқчи бўлади¹⁵. Хуллас, амирларни бир-бири билан боғлаб турган сўнгги ришта ҳам узилган эди.

Шундан кейинги тўрт йил ичida (1366—1370 йиллар) Темур «гоҳ Ҳусайн билан жанг қилиб, унинг душманлари билан дўст тутинар, гоҳ у билан яна ярашиб, амирнинг буйруғига кўра, ўзининг яқинидаги иттифоқчиларига қарши жангга отланарди»¹⁶. Бу кураш аввалига Темур учун сира ҳам яхшиликтан далолат бермади. У Қашқадарёни қулидан чиқарди, сунг яна қайтариб олди; Бухорони истило қилди, бироқ уни ўз тасарруфида узоқ тутиб тура олмади. Ҳусайн эса катта куч тўплаб, бутун Мовароуннаҳрда ўз ҳукмини ўрнатди. Шундан сунг душманининг қули баланд келаётганини курган Темур Хуросон томон йул олди. Илгарироқ у бутун оиласини шу ерга жўнатган эди. Темур яна дарбадарликда, қувғинга учраган одам сифатида ҳаёт кечира бошлади. У жетиларнинг

гапи билан Мовароуннахр қароқчилариға қүшилиб, үқтін-үқтін Ҳусайн тасарруфидаги ерларга ҳужум қиялб турди; Мұгулистон томондан пайдо булған янги хавф-хатар Ҳусайнни Темур билан иттифоқ тузишга мажбур қилди. Яраиш маросими өғіда умрбод дүстлик ва дини исломга садоқат ҳақыда тантанағы қасамлар ичили. Қашқадарё яна Темур қулиға үтди. Мұгуллар орасидаги ички низолар туфайли жетилар ҳужуми ҳам амалға ошмай қолди.

Темур фурсатни құлдан бой бермай, дин пешволари, шаҳар ахолиси ва қабиладошлари орасида үзига тарафдорларни күпайтириш тадоригини курди. Барча доираларда үзига ғаним-лик күзи билан қарай бошлашганини сезган Ҳусайн үз туғи-либ-үсган юрти — Балхда мавқеини оширишга киришли. Ҳусайн у ерда қалъа қурилишини бошлаб юборди. Бу ҳол шаҳарларда утроқ ҳаёт кечиришга ва ерли ҳукмдорларнинг томонидан турли истеҳкомлар қуришга тиши-тирноги билан қарши бұлған күчманчи аслзодалар ғазабини құзғатди, зеро бундай қалъа құрган ҳоким уларға қарам бұлмай қоларди. Темур ана шу мухолифлар ҳаракатига раҳбарлықни үз қулиға олди. Доимий ички низолар оқибатида мамлакатнинг хароба-га айланыттырылғандан ниҳоятта норози бұлған утроқ ахоли ҳам уни құллаб-құвватлай бошлали. Тижорат ахли, ҳунармандлар ва деңқонлар феодал ҳукмдорларнинг үзаро нифоқларига чек қуйиш учун етарли қудратта эга бұлған давлат ҳокимиятiga муҳтож әдилар. Темур ана шу табақалар ҳамда дини ислом пешволарини үзига тарафдор қилиб олишга муваффақ бўлди; боз устига, Ҳусайннинг зиқналигидан норози бұлған талай-гина күчманчи ва утроқ беклар Ҳусайнга қарши бўлиб қол-гандилар. Уларнинг орасида Кайхусрав ҳам бор эди. Ҳусайн эса 1360 йили уларнинг ерини босиб олганида Кайхусрав-нинг укасини ўлдирған эди.

Тарихчи Арабшоғнинг ёзишича, «Темур фаол ҳаракатлар қилиб, оддий халқни ва нуғузли кимсаларни хоҳласалар-хоҳ-ламасалар, үз тарафига оғдириб олди. Шу йусинда у Моваро-уннахр вилоятларининг барини ширин сўз билан, баъзан мажбуран, үзига буйсундиришга муваффақ бўлди».

Узининг энг ашаддий мухолифи Ҳусайнни бир ёқли қилиш учун қулагай фурсатни пойлаб юрган Темур 1370 йили Балхға қараб — жануб томон қүшин тортди. У Қашқадарёнинг жану-бида жойлашган тоғлар орасидаги Темир дарвоза дея атал-миш машъум дарадан үтиб, Амударё соҳилидаги Термиз шаҳри томон йўл олди. Араб истилосидан сунг бу шаҳар дини ис-ломнинг муҳим марказларидан бирига айланган ва XV асрға қадар узининг диний нуғузини сақлаб келганди. Донғи бутун Ислом дунёсига кетган бир қанча машҳур имомлар ана шу

ерда ўқиб, вояга етган эдилар. Темур бу ерда Маккан мукарамада түғилиб-ўсган донишманд Сайид Баракани учратиб қолди. Айтишларича, бу одам Мұхаммад алайҳиссаломнинг ашодидан экан. Шайх Барака Мовароуннаҳрга масжидлар вақфини кўпайтириш учун келган экан. Ҳусайн унинг илтимосини рад этибди, бироқ Темур Андхой шаҳри ва унинг атрофидаги ерларни шайхга вақф мулки сифатида инъом килибди.

Бу тақводор мўйсафид эса Темурга ўзи билан олиб келган ва хукмдорлик тимсоли булган түғ ва улкан дўмбира ҳадя этибди. Шу билан бирга, у амирни келажакда буюк зафарлар кутаётгани ҳақида башорат қилибди. Ўзи учун мақбул башоратларни яхши қўрадиган Темур бу кароматни бутун эл-юрга тарқатишни буюрибди ва Сайид Баракага Мовароуннаҳрда обру-эътибори баланд булган талайгина бошқа руҳонийлар қатори ўз саройидан жой берибди. Шу тариқа шайх Барака Темурнинг пири-муршиди ва доимий ҳамроҳи булиб қолибди. Ӯлимидан сўнг уларнинг иккови ҳам бир мақбарага дағн этилган. Темурнинг юзи Сайид Баракага ва Маккан мукарамага қаратиб қўйилганди.

Балх шаҳри қуршовга олинди ва қаттиқ жангдан сунг қатъя деворидан раҳналар очилди. Жанг ярим кечага қадар давом этди ва эртасига эрталаб қайтадан бошланди. Шаҳар таслим бўлди. Сарой солномачиларининг ҳикоя қилишларича, бу юришда Темурнинг ўн олти яшар ўғли Умаршайх катта жасорат кўрсатган. Қальлагча яширингандек Ҳусайн ғалабадан умидини узиди ва агар ҳаётини сақлаб қолишиша, ҳаж знёрати учун Маккан мукарамага жўнашни хабар қилиб, шаҳардан чиқарип юборишиларини сурабди. Темур унга таслим булишни шарт қилиб қўйиб, жони омонлик ваъда қилибди. Ҳусайн қалъадан чиқибди-ю, бироқ собиқ иттифоқдошининг ваъдасига ишонман. Темурнинг қароргоҳига бориши ўрнига масjidга кирибди ва минорага чиқиб яширинибди. Минорага тасодифан чиққан бир одам амирни кўриб қолибди. Уша одам уни сотиб қўймасликни ваъда қилибди-ю, аммо пастга тушган заҳоти Ҳусайннинг қаерда эканлигини Темурга етказибди. Ҳусайн сарбозлар яқинлашиб келаётганини кўргач, минорадан югуриб чиқибди-да, аллақайси кулбага яширинибди. Аммо баҳтга қарши ёпинчифининг этаги эшикка илиниб қолган амир бари бир қўлга тушибди.

Асир олинган амирни Темур хузурига олиб боришибди. Айтишларига қараганда, Темур уни кўргач, бир вақтлар қандай дуст булганларини эслаб, кўзига ёш олган эмиш. Ҳусайннинг тақдирини кенгашда муҳокама қилишганда, Темур ўз мухолифига омонлик ҳақидаги ваъдасининг устидан чиқажа-

гини баён этибди. Юқорида айтганимиздек, Ҳусайн бир вақтлар шайх Кайхусравнинг укасини үлдирган эди. Дини ислом инкор этмаган хун олиш қонуни — дийага биноан Кайхусрав Ҳусайнни бүғизлаш учун йўл олганида, Темур бир четда индамай тураверди; лекин орадан бир қанча вақт ўтгач, Кайхусравнинг ўзи Ҳусайн одамлари қўлида хун олиш қонунининг қурбони булди. Шу тариқа каттаю кичик мухолифатлар ўртадан кўтариб ташланди. Аммо Темур қўлини қонга булғамай тураверди.

Ҳусайннинг икки ўғлини утда кўйдириб, кулини шамолга совуриб юборишиди. Мағлуб амирнинг бошқа иттифоқчилари Ҳиндистон томон қочишиди. Балх қалъасининг бойликларини талон-торож қилишиб, қалъанинг узини емириб ташлашди, амир саройини эса вайронага айлантиришиди.

Темурнинг ҳузурига Ҳусайннинг хазинаси билан бирга, хизматкорлари ва хотин-ҳатажларини олиб келишиди. Ҳарамдаги аёллардан Темур Мовароуннаҳрда ҳукмдорлик қилган сўнгги Чифатой хони Қозонхоннинг қизи булмиш Сарой Мулк хонимни узига танлаб олди. Бу малика Чингизхон авлодидан бўлиб, уни никоҳига олиши туфайли Темур «Курагоний» — Буюк хоннинг куёви деган унвонга эга булдиким, бу рутба кейинчалик барча тантанали маросимлар ва жума намозларида хутбага қўшиб ўқиладиган, у чиқарган тангаларда зарб этиладиган булди. Сарой Мулк хоним Темурдан беш яшар кичик эди. У Темурнинг энг нуфузли завжаси булиб қолди. Гарчи у Темурдан фарзанд кўрмаган булса-да, лекин ҳукмдорнинг ишончини қозона билди, унинг энг севикли икки набирасини тарбиялаб ўстирди. Темур мағлуб мухолифнинг ҳарамидан яна уч аёлни ўз никоҳига олди, қолганларини узиттифоқчиларига бўлашиб берди.

Ҳусайн устидан қозонилган ғалаба Темурни Мовароуннаҳр ҳукмдорлари орасида биринчи уринга олиб чиқди. Чингизхон истилосига қадар Хуросоннинг энг кўркам шаҳарларидан бири Балх таслим бўлганидан кейин қурултой чақирилиб, унга барча бек ва аўёнлар, саркардалар, туман ҳокимлари ва мингбошилар таклиф этилди. Сайид Баракадан ташқари, бу йигинга Термизнинг машҳур шайхлари ҳам етиб келишиди. Улар Темурнинг дини ислом билан яхши алоқасини таъкидлаб, бу алоқа ҳукмдор тасарруфидаги барча ерларда қарор топмоғи кераклигини айтишиди ва ўзлари доим Амир Темурни қўллаб-куватляяжагини эълон қилишиди. Шайхларнинг бундай мадади Темур учун ниҳоятда катта аҳамиятга молик эди.

Қурултой Темурни салтанат ҳукмдори дея эълон қилди. Гарчи улар ўзларини Чифатой салтанатининг ворислари ва

діномчилари деб овоза қилишган бұлса-да, Темур тахтга шунчаки номига бұлса ҳам чигатой хонини үтқазиб, аслзода бекларни жиловлаб туриш зарурлигини тушунарди. Султон Ҳусайн құллаб-қувватлаган құғирчоқ хон Қобулшоқ бартараф этилиб, унинг ўрнига Суюрготмиш хонлик тахтига үтқазилди. Темурға ғанимлік күзи билан қараган, лекин ниҳоятда гапта чечан тарихчи Ибн Арабшоқ шундай ёзади: «Каминанинг устози, буюк аллома, үз даврининг дуру гав-харі ва йулчи юлдузи, жумла-жаҳоннинг мураббийсі, дини исломнинг шон-шуҳрати, барча файласуфларнинг пири-муршиди, доноларнинг доноси, асрнинг йўл кўрсатувчи раҳнамоси дамашқлик Абу Абдуллоҳ Мұхаммад ибн Мұхаммад, Ибн Мұхаммад Бухорий (илоҳим жони жаннатда бўлғай ва унинг руҳи дини исломга қувват, мумин-мусулмонларга қудрат багишағай) шундай демишлар: Амир Темур ҳижрий 771 йилда ушал бадбаҳт султон Ҳусайнни қатл эттирмиш ва шу сониядан эътиборан бутун ҳокимиятни үз қўлига олмиш... Султон улдирилгач, у үз номидан тахтга Чингизхон уруғидан бўлмиш аллақандай Суюрготмишни үтқазиб-диким, ушбу чора бирлан у тұхматчи ва гийбатчилар тилин тийиб қўймиш. Оқибатда Темур номининг ўзи буюк увоннага айланмиш, зеро Буюк Амирнинг иродасига элу юрт ҳам, ҳукмдорлар ҳам бўйсунмиш, хон эса унинг олдидә кумурс-қадек бир нимарса бўлиб қолмиш».

Темурни тахтга үтқазиш маросими кейинроқ, об-ҳаво анча жунашиб кетгандан сунг бошланди. Темур тахтга чиқиб үтириди-да, бошига олтин тож кийиб, белига салтанат ҳукмдорининг камарини боғлади. Маросимда ҳозир булган шаҳзодалар, амирлар ва беклар янги ҳукмдор олдидә юзтубан йиқилдилар. Улар Амир Темурга қимматбаҳо совғалар инъом этдилар ҳамда удумга кўра боши узра олтин тангалар, дуру жавоҳирларни сочқи қилиб сочдилар ва уни Жаҳонгир, Соҳибқирон* дея атадилар.

Темур Ҳусайннинг хазинаси ва шаҳарликлардан бож тарикасида тўплланган бойликларни үз лакшарларининг саркардалари, амирлар ва шаҳар ҳокимларига бўлиб берди. Балхдан ҳайдаб келинган болалар ва аёллар ҳам қул ҳамда чўри сифатида тақсимланди.

* Соҳибқирон — Амир Темурнинг лақаби; «соҳиб» — эга, «қирон» — илми нужумда икки шарофатли сайдера. Зуҳра (Венера) ва Муштарий (Юпитер) ўз ҳаракатида бир-бирига яқинлашган ҳолатни «қирон буржиги» деб атаб, уни баҳт-саодат аломати деб фол кўрилган; соҳибқирон — маъзкур икки сайдера бир-бирига яқинлашган вақтда тугилган баҳтиер подшо демакдир.

Шундай қилиб, Амир Темур ўттис тўрт ёшида Мовароуннаҳрнинг барча жанубий вилоятлари ҳукмлори бўлиб қолди. Уни дин пешволари, шаҳарлардаги тижорат аҳли, ҳунармандлар, қишлоқлардаги деҳқонлар сидқидилдан қўллаб-кувватлашди. Аммо Темур учун энг муҳими у кўчманчи аслзодалар Чигатойларнинг барча тан олган йулбошчиси бўлиб қолгани эди. Ҳукмдор ана шулардан ўзига содиқ булган мунтазам қўшин тузга бошлади. У Мовароуннаҳрдаги ўзининг ягона жиддий рақиби амир Ҳусайндан ҳокимиятни тортиб олди. Ҳусайн эса «хатто мамлакат гуркираб яшнаган пайтда ҳам оч қолган сарбоз учун на бир бурда нон, на сариқ чақа пул берган эди».

IV боб

СОҲИБҚИРОН

Мовароуннаҳрдаги Амир Темур ҳокимиятининг негизини кўчманчи ва утроқ аҳоли манфаатларининг омухталиги, яъни бирикмаси ташкил этардики, ҳукмдор бундай бирикмани доим рағбатлантириб турарди. Кўчманчи ўрдаларнинг талончилик ҳаракатлари ва феодал ҳукмдорларнинг ўзаро низолари Чигатой улусининг нафақат гарбий вилоятлари, балки улуснинг шарқий қисми — Муғалистоннинг ўзида ҳам ҳужалик иқтисодиётини хароб аҳволга солиб қўйди. Бироқ Мовароуннаҳрда аҳолини бошқариб турган қисман кўчманчи, қисман утроқ мўғул-туркий шайхларнинг тижорат аҳли ва карвон йўлларига боғлиқ манфаатлари борган сайин кучайиб борарди. Улар шаҳарларда ер-мulk сотиб оладиган, саройлар қурадиган бўлиб қолишли, мусулмон динини қабул қилишди. Ҳунармандлар ишлаб чиқарган маҳсулотлар ва карвон савдоси пул муносабатларининг барқарорлашишига хизмат қилди. Марказлашган давлат ҳокимияти бир вақтнинг ўзида ҳам тижорат дунёсининг йирик намояндлари, ҳам феодал ҳонлар манфаатларига хизмат қилар, унинг босқинчилик ҳаракатлари эса феодал ҳонларнинг ҳам, кўчманчи аслзодаларнинг ҳам талончилик майлларига мос тушарди. Темурга берилган «Соҳибқирон» («Юлдузлар буржи ҳукмдори») номи заминида катта маъно яширган эди. Зеро, юлдузлар буржи ва ижтимоий муносабатлар ўзаро биргалашиб, унинг фойдасига хизмат қилмоқда эди. Темур бу қулай имкониятдан тула фойдалана билди.

Марказлашган давлат барпо этган ва Темурнинг ҳокими мутлақлик интилишларига хизмат қилган ҳарбий куч аввалига фақат кўчманчилардан таркиб топган эди. Булар, асосан, моҳир суворийлар ва мерган камончилар эди. Бу ҳарбий куч

Чингизхон үрдалари тартибida тузилган булиб, жанговарлик бобида буюк мүгүл хони лашкаридан сира қолишмас эди. Құчманчи лашкарининг ҳарбий тартиботи ва унинг жасорати ҳусусида күргина гувоҳларнинг шаҳодатномалари сақланган. Бұларнинг орасыда Карпини ва Рабрук каби католик мамлакатларнинг элчилари, Марко Поло каби венециялик тужжордар, мүгүл хонлари ҳузуридаги эронлик вазир Жувайний, танжерлик шайх Ибн Баттута, левантиялик^{*} ва овруполик асирлар — Арабшоҳ ва Шильтбергер ҳамда Клавихо каби Farb мамлакатлари элчиларининг эсдаликлари бор.

Темурнинг асосий кучини ташкил этувчи, баъзан туркий, баъзан чигатой дея аталмиш Мовароуннахр лашкарининг асоси мүгүл-туркий қабилалардан иборат булса-да, унинг бутун узаги ва раҳбарлик лавозимлари Темурнинг ўз уруғи вакиллари — барлослар қулида эди.

Темур ҳар доим туркий уруғ сарбозларини бошқалардан устунроқ куради. Зоро, Жаҳонгирнинг енгишга анча қийналған асосий муҳолифлари ҳам Олтин Үрда хони Тұхтамиш ва усмонли турклар султони Елдирим Боязид каби туркийлар уруғига мансуб ҳұқымдорлар эди.

Бу жангчилар «иссиққа ҳам, совуққа ҳам, ташналиққа ҳам бардош бера олишар ва бу борада бирон-бир ўзга миллат уларга тенг кела олмас эди. Егулик сероб бұлганида улар мечкайлык билан овқатланишар, аммо озиқ-овқат тақчил булиб қолса, улар учун қатиққа сув қүшиб тайёрланған айрон ҳам кифоя эди...»¹ Улар донли овқатни жуда кам истеъмол қилишар. узларига зарур маҳсулотларни от, тери ва қул савдоси эвазига ўтроқ вилоятлардаги савлогарлардан харид қилишарди. Бе-хисоб йилқи, түя, қорамол, күй ва эчкиларни боқиши учун улар яйловдан-яйловга күчиб юришарди. «Буларникичалик айғир ва биялар бутун дунёда топилмасди»². Бу күчманчи туркийларнинг отлари чайирлик ва чидамлилик бобида әгаларидан қолишмас, улар ҳатто қиша қор остидан ўзига озуқа топа биларди.

Ҳарбий юришга чиққан кезлари Темур бевосита манглай, яғни авангард ортидан борарди. Унинг лашкаридаги манглай эса баъзан бир неча туман одамдан иборат бұларди. Соҳибқирон ўзининг оқсоқлигига қарамай, юришни деярли ҳамиша згарда үтказарди. Фақат умрининг охирида ва баъзан бетоб булиб қолған пайтларida ҳұқиз қүшилған аравага үтирад өки уни тахтиравонда олиб юришарди. Унинг ортидан суворий-

^{*}Левантиялшылар — Үрта Ер деңгизи соҳилларида жойлашған Сурдия, Ливан, Миср, Туркия, Греция ва Исройл мамлакатларида яшов-
щы аҳолининг умумий номи.

лар, улардан кейин эса пиёда қисмлар борарди. Пиёдалар ортидан ҳукмдорга тегишли ашёлар отларга юкланган ёки араваларга жойланган ҳолда борарди. Ҳукмдор хазинаси — пул, дуру жавоҳир, либослар, қурол-аслача ва узга қимматбаҳо буюмлар, одатда, ана шу карвонга юкландарди. Бу оғир юкларни юриш чогида ҳам, жанг жадал пайтида ҳам чигатойларнинг кучли туманлари муҳофаза қиларди. Гарчи айнан шу ҳазина баъзан қаттиқ ҳамлага учраб турса-да, бу карвон бирон марта бўлсин, душман қулига тушмади.

Карвон ортидан утовларини аравага ортиб, подаларини ҳайдаганича, кўчманчиларнинг оиласлари боришарди. Жанг бўлмаган кезлари, хизматдан буш вақтларида кўчманчи сарбозлар уз хўжаликлари билан машғул булиб, одатдаги оиласвий ҳаётни давом эттираверардилар.

Саҳро ва чулу биёбонларда, шунингдек, жазирама иссиқ пайтларда лашкар, асосан, тунда йул босар, кундузи эса от ва қорамолларини яйловга ҳайдаб, утовларда ҳордиқ чиқарди. Улар сувни чўл ёки саҳродаги чуқур қудуқлардан олишарди, ёқилғи ўрнида эса тезакдан фойдаланишарди.

Темур уз ҳалқини ҳарбий юришга чорлаганида, дея таъкидлайди Клавихо, барча сарбозлар хотинлари, бола-чақалари ва мол-ҳоли билан етиб келишарди. Улар қаерга йул олишмасин, қўйлар, туялар ва отлар одамларни асосий емиш, яъни гүшт ва сут билан таъминлаб турарди. «Ҳеч ким ҳеч қачон уз бола-чақаси, уз моли-ҳолидан ахрамасди. Бутун оила уз подасини ҳайдаганича, оила бошлиғи ортидан жанг жадал сари йулга тушаверарди. Ёш болали аёллар гудакларини беланчакка солиб, от мингандан чоғларида эса, уни эгар қошига осганча олиб кетаверардилар. Одатда бундай беланчак кенг тасмалар билан осиб қуйилар, шу боис она ҳам, бола ҳам ҳеч қандай нокулайлик сезмасди». Юқоридаги гаплардан ташқари, Арабшоҳ кўчманчи аёлларнинг жанговар руҳи ҳақида яна шундай ҳикоя қиласди: «Темурнинг лашкаридаги аёллар ҳам эрларидан қолишмасди. Улар жанг жадал авжига чиққан пайтда майдонга тушишар, найза, шамшир ва камонни моҳирона ишга солиб, душманинг не-не зўр йигитларини мағлуб этишарди. Кунлардан бир куни сафар чоги ҳомиладор аёлнинг тулғори тутиб қолди. У отнинг жиловини бир четга бурди-да, хилватроқ жойга утиб, боласини туғди. Орадан кўп ўтмай, боласини белбоғига йурғаклаб, отига минди-ю, тезда карвонига етиб олди. Қўшинда сафар чоги туғилган, мудом сафарда ўсиб, вояга етган, уйланиб, бола-чақали булган. лекин ҳеч қачон уз бошпанасига эга бўлмаган талайгина одамлар бор эди».

XIV асрнинг охирларида араб тарихчиси Ибн Халдун Да-

машқ яқинида Амир Темур қўшини ва унинг қароргоҳини

Күришга мұяссар бұлған. Шундан сұнг у үз таржимаи ҳолида қүйидеги сүзларни ёзади: «Одамлар шу қадар күпки, уларни санаб саноғига етиб булмайды. Агар сиз бир миллион десантгиз, одамларнинг сони бундан күп бұлса күпки, кам чиқмайды. Агар уларнинг бари үтов тикса, бу үтовлар уфқа қадар бутун бүшилиқни згаллады. Магарам бутун қүшин майдонга чиқса, эңг катта водий ҳам уларга торлик қилиб қолади»³. Улар отда юриш, шароитта мослашиш илмини сув қилиб ичиб юборишган, зеро, болаликданоқ шунинг машқини олишган. Бұ жиҳатдан улар бадавийларға ухшаб кетади.

Савдогар ва ҳунармандлар лашкар ортидан әргашиб боришаради. Саррожлар, темирчилар, куролсоз-чилангарлар, озиқовқат билан савдо қилувчи тужжорлар қүшинни сафар чоги керак бұладиган барча ашёлар билан таъминлаб турарди. Қүшин қулига улжа киритганида ҳам бу үлжалар ана шу боздарға мутахассисларға сотиларди.

Султониялық архиепископ Жон Темурнинг ҳаёт тарзини шундай тасвирлайды: «Соҳибқирон доим очиқ жойда, нафис шоҳи матодан тикилған саропардада (чодирда) яшарди, зеро, унинг одамлари шу қалар күп әдікі, улар биронта ҳам шаҳарға сиғышмасди. Бироқ улар барча зарур нарсаларни худди шаҳар бозоридагидек қийналмай харид қилишлари мүмкін әди. Күпгина озиқ-овқатлар узоқ үлкалардан ҳам келтиріларди. Улар бу бозорларда ұтто одамларни (кулларни) ҳам соғиб олишлари мүмкін әди...

Одамлар таомни ерда үтириб дастурхонсиз тановул этаверарди, лекин озодаликка қаттық риоя қилишарди. Гүшт билан гуруч истаганча топиларди. Гарчи дон-дун сероб булсада, нонни жуда кам истеъмол қилишарди».

Клавихо Темурнинг Самарқанд яқинидеги буюк урла-қароргохини бориб курибди. У ерда әлчи үнбошилар, юзбошилар ва мингбошилар уз одамларини қандай идора этишаётганини, ҳар бири күрсатилған жойда савдо қилаётган ҳунарманд ва тужжорлар бозоридан ташқари күчма ҳаммомларни ҳам курибди. «Ҳаммомлар ҳам талайгина,— дея ёзади Клавихо.— Үтовға туташтириб таҳталан хона тикланған ва унинг ичига темир ҳовузча урнатылған. Ҳовузчага қозонларда иситилған сув қуйилади. Ҳаммомда одамнинг ювиниши учун лозим бұлған ашёларнинг ҳаммаси муҳайё. Ходимгарлар ҳам уз ишини билиб қилишади, барча уз вазифасини уринлатыб бажаради». Қароргохлар ҳам уз шовқинсурони билан шаҳардан қолишимасди — чор-атрофдан ғилдирекларнинг ғижирлаши, устахоналарда темирлар жарангы, гүялар ва ҳуқизларнинг бүйнелаги қўнғироқларнинг жангир-жунгирли, бозордаги одамларнинг ғовур-ғувурию, қарнайларнинг ғаттути эшитилиб турарди.

Темур даврида үрдалар, худди Чингизхон замонасидаги-дек, ҳарбий, феодал жамият сифатида ташкил топган эди. Ҳукмдор уруғга мансуб шаҳзодалар олий ҳукмдордан феода: мулк сифатида катта-катта вилоятларни ўз тасарруфларига олишарди. Катта юриш бошлаш ёки янги хон сайлаш каби муҳим қарорлар қабул қилиш зарур булиб қолган пайтларда шаҳзодалар қурутой ёхуд давлат кенгашига тўпланар эдилар. Энг муҳими, ҳукмдор уруғига мансублик бўлиб, бунда ёшнинг катта-кичиклиги учалик аҳамиятга эга бўлмасди. Темур амир ва шайхларни жанговар юришга қадар ҳам, юриш чори ҳам одатдаги кенгашга чақираверарди. Бироқ умрининг охирида бу қурутойлар сиёсий кенгаш билан бир қаторда, умумхалқ байрамига айланиб кетди. Бу қурутойларда тобе хонлар унга ўз садоқатларини намойиш этиб, қимматбаҳо совғалар инъом қилишар, Темур эса хорижий давлат элчилари олдида ўз фармонбардорлигини кўрсатарди.

Темурга тобе бўлган кўчманчилар барча мажбуриятлар, ҳарбий ва ўзга хизматларни сўзсиз бажармоқлари лозим эди. Эронлик вазир Жувайнин туркийлар қўшинини шундай тасвирлайди: «Бу қўшин ўз моҳиятига кўра, дехқонлар ва чорвадорлар қўшини эди. Одамлар хоҳ муқим солиқлар, хоҳ вақтинча ўлпонлар бўлсин ёки ём (почта) бекатларини от ва емхашак билан таъминлаш бўлсин — барча мажбуриятларни чурқ этмай бажарадилар». Бу қўшин, ташқи қиёфасидан, дехқонлар қўшини эди; жанг пайтида уларнинг бари — хоҳ катта, хоҳ кичик, хоҳ мансабдор, хоҳ қора халқ бўлсин, қўлларига шамшир-у камонлар олиб, хоҳ пиёда, хоҳ отлиқ жанггоҳга отилиб кирадилар. Фанимга қарши хужум бошлаш режалаштирилганда, бу муҳориблар жанг-жадал учун лозим бўлган қурол-аслаҳаларни ҳам, жанговар отларни юк ташувчи уловлар — эшак ва туяларни ҳам зумда шай қилар эдилар.

Бир куни Клавихо солиқ тулаш учун подалаги молларнинг туёгини санаётган кўчманчилар қароргоҳига бориб қолибди. Маълум булишича, йигирма минг туяси, сурув-сурув қўйлари булган ушбу үрда ҳар йили ўн уч минг тuya ва ўн беш минг қўйни ўлпон сифатида тулар экан.

Темур қўшинни ташкил этишда Чингизхон лашкари тартиботига амал қилганди. Бу қонун бўйича ҳар бир худуд ўз аҳолиси сонига қараб, маълум ҳарбий тузилмани — фавжни ташкил этарди. Бу тузилмалар туман, минглик, юзлик ва ўнликлардан иборат эди. Туман сўзи ўн минг маъносини англатар, бироқ мазкур истилоҳ аксарият катта уруғ тудаси ёки катта ҳарбий фавжга нисбатан ҳам ишлатилаверарди. Шунингдек, ноҳиялар ҳам шундай деб аталарди — Темур даврида Самарқанд ноҳияси етти тумандан иборат булган — лекин бу

рақамлар доим ҳам уша ноҳиялар учун белгилаб берилган одамлар сонига түғри келавермас эди. Минг кишилик фавж — ҳазора баъзан ўзи англатган рақамдан күпроқ бўларди, юз кишилик бўлинма — қушун эса Мовароуннахрда эллик кишидан то икки юз — уч юз кишини ўз ичига олган қисмга нисбатан ишлатилаверарди. Ҳар ўн киши ўз зобитига эга эди ва ўнта шундай зобит йигилиб, ораларидан юзбоши сайлар эдилар. Ҳар бир сарбоз, ҳар бир зобит хоҳ юришда, хоҳ қароргоҳда бўлсин, ўз жойи ва ўз вазифасини яхши биларди. Феодал тобелик мутлақ аҳамиятга эга эди: *Хен* кимнинг ўзи тайинланган садожот, ҳазоражот ёки ўнликдан бирон-бир жойга кетишга, бошқа бирон-бир жойдан бошпана қидиришга ҳаққи йўқ эди⁴. Тизим давлат мажбуриятини бажаришни, унга бадаллар ва солиқлар тулашни таъминлаб, барча мӯгул давлатлари ва мамлуклар ҳукмронлик қилган Мисргача бўлган Ислом олами бўйлаб тарқалган эди⁵.

Мӯгул лашкарлари анъанавий тарзда уч қисмга: икки қанот баронғор (унг қанот), жаронғор (чап қанот) ва марказга (магнглай)га булинарди. Туманинг бу қисмларида жойлашиши ҳам анъанага кўра белгиланарди. «Ҳар бир одам ўзининг муйян жойига эга. Баронғордами, жаронғордами ёки манглайдами жойи тайин қилинган одам — ула-ўлгунча шу жойда ҳаракат қиласи ва бу жой отадан ўғилга утади»⁶. Жаронғор, одатда, баронғордан юқорироқ турарди.

Туркийларнинг урф-одатлари ёки ташкилий ишларининг тұла қонуни бизгача етиб келмаган. Қонун Чингизхон томонидан ишлаб чиқилган ва аниқланганди. У «ҳар бир юз берган ҳодиса учун қоида белгилаганди, ҳар бир вазиятни мувофиқлаштирганди; юз берган ҳар бир жиноят учун жазо белгиланганди. Мӯгуллар ўзларининг ёзувига эга бўлмаганлигидан, мӯгул болаларига ёзувни уйғурлардан ўрганишни амр қилганди, ёсоларни ҳамда буйруқларни найча (урам)ларга ёзишни буюрганди». Жувайний ана шундай буйруқлардан баъзи бирларини тавсифлаб беради, бироқ «ёсо» — Чингизхоннинг кўпгина бошқа замонавий манбаларда ўз-ўзидан англашиладиган ҳодиса, яъни одатий ҳуқуқ деб қараларди. Темур ва унинг хонадони «Чингизхоннинг қонунларига муқаддас деб қарашарди. Уларнинг фавжларида, уларнинг хатти-ҳаракатларида Чингизхоннинг қонун-қоидаларига ҳеч қачон қарши саъй-ҳаракат қилинмасди».

Чингизхон замонида ҳам, Темур даврида ҳам ёшларга катта аҳамият бериларди. Мӯгул истилочилари бутун салтанатлари бўйлаб талайгина отлар, одамлар ва ўзга воситалар талаб қилалигандан бундай ёшларни сақлаш қоидаларини пухта ишлаб чиқ-

Темур даврида ўрдалар, худди Чингизхон замонаси даги-дек, ҳарбий, феодал жамият сифатида ташкил топган эди. Ҳукмдор уруғга мансуб шаҳзодалар олий ҳукмдордан феодал мулк сифатида катта-катта вилоятларни уз тасаррүфларига олишарди. Катта юриш бошлаш ёки янги хон сайлаш каби муҳим қарорлар қабул қилиш зарур бўлиб қолган пайтларда шаҳзодалар қурултой ёхуд давлат қенгашига тўпланар эдилар. Энг муҳими, ҳукмдор уруғига мансублик бўлиб, бунда ёшнинг катта-кичклиги унчалик аҳамиятга эга бўлмасди. Темур амир ва шайхларни жанговар юришга қадар ҳам, юриш чоги ҳам одатдаги қенгашга чақираверарди. Бироқ умрининг охирида бу қурултойлар сиёсий қенгаш билан бир қаторда, умумхалқ байрамига айланниб кетди. Бу қурултойларда тобе ҳонлар унга ўз садоқатларини намойиш этиб, қимматбахо совғалар инъом қилишар, Темур эса хорижий давлат элчилари олиди ўз фармонбардорлигини кўрсатарди.

Темурга тобе бўлган кучманичилар барча мажбуриятлар ҳарбий ва ўзга хизматларни сўзсиз баҳармоқлари лозим эди. Эронлик вазир Жувайний туркйлар қўшинини шундай тасвирлайди: «Бу қўшин ўз моҳиятига кўра, деҳқонлар ва чорварлар қўшини эди. Одамлар хоҳ муқим солиқлар, хоҳ вақтинча ўлпонлар бўлсин ёки ём (поста) бекатларини от ва емашак билан таъминлаш бўлсин — барча мажбуриятларни чурқ этмай бажарадилар». Бу қўшин, ташки қиёфасидан, деҳқонлар қўшини эди; жанг пайтида уларнинг бари — хоҳ катта, хоҳ кичик, хоҳ мансабдор, хоҳ қора ҳалқ бўлсин, қўлларига шамшир-у камонлар олиб, хоҳ пиёда, хоҳ отлик җантгоҳга отилиб кирадилар. Ганимга қарши хужум бошлаш режалаштирилганда, бу муҳориблар жанг-жадал учун лозим бўлган курол-аслаҳаларни ҳам, жанговар отларни юк ташувчи уловлар — эшак ва түяларни ҳам зумда шай қилар эдилар.

Бир куни Клавихо солиқ тулаш учун подадаги молларнинг түёгини санаётган кучманичилар қаророҳига бориб қолибди. Маълум булишича, йигирма минг тусси, сурув-сурув қўйлари бўлган ушбу ўрда ҳар йили ўн уч минг тия ва ўн беш минг қўйни ўлпон сифатида тўлар экан.

Темур қўшинни ташкил этишда Чингизхон лашкари тартиботига амал қиласди. Бу қонун бўйича ҳар бир ҳудуд ўз аҳолиси сонига қараб, маълум ҳарбий тузilmани — фавжни ташкил этарди. Бу тузилмалар туман, минглик, юзлик ва ўнликлардан иборат эди. Туман сузи ўн минг маъносини англатар, бироқ мазкур истилоҳ аксарият катта уруғ тудаси ёки катта ҳарбий фавжга нисбатан ҳам ишлатилаверарди. Шунингдек, ноҳиялар ҳам шундай деб аталарди — Темур даврида Самарқанд ноҳияси етти тумандан иборат бўлган — лекин бу

рақамлар доим ҳам ўша ноҳиялар учун белгилаб берилган одамлар сонига тўғри келавермас эди. Минг кишилик фавж — ҳазора баъзан ўзи англатган рақамдан күпроқ буларди, юз кишилик бўлинма — қушун эса Мовароунаҳрда эллик кишидан то икки юз — уч юз кишини ўз ичига олган қисмга нисбатан ишлатилаверарди. Ҳар ўн киши ўз зобитига эга эди ва ўнта шундай зобит йигилиб, ораларидан юзбоши сайлар эдилар. Ҳар бир сарбоз, ҳар бир зобит хоҳ юрища, хоҳ қароргоҳда булсин, ўз жойи ва уз вазифасини яхши биларди. Феодал тобелик мутлақ аҳамиятга эга эди: «Ҳеч кимнинг ўзи тайинланган садожот, ҳазоражот ёки ўнликдан бирон-бир жойга кетишига, бошқа бирон-бир жойдан бошпанга қидиришга ҳаққи йўқ эди»⁴. Тизим давлат мажбуриятини бажаришни, унга бадаллар ва солиқлар тўлашни таъминлаб, барча мугул давлатлари ва мамлуклар ҳукмронлик қиласди Мисргача булган Ислом олами бўйлаб тарқалган эди⁵.

Муғул лашкарлари анъанавий тарзда уч қисмга: икки қанот баронғор (ўнг қанот), жаронғор (чап қанот) ва марказга (манилай)га булинарди. Туманнинг бу қисмларида жойлашиши ҳам анъанага кўра белгиланарди. «Ҳар бир одам ўзининг музайян жойига эга. Баронғордами, жаронғордами ёки манглайдами жойи тайнин қилинган одам — ўла-ўлгунча шу жойда ҳаракат қиласди ва бу жой отадан ўғилга ўтади»⁶. Жаронғор, одатда, баронғордан юқорироқ турарди.

Туркйларнинг урф-одатлари ёки ташкилий ишларининг тўла қонуни бизгача етиб келмаган. Қонун Чингизхон томонидан ишлаб чиқилган ва аниқланганди. У «ҳар бир юз берган ҳодиса учун қоида белгилаганди, ҳар бир вазиятини мувофиқлаштирганди; юз берган ҳар бир жиноят учун жазо белгиланганди. Мўгуллар узларининг ёзувига эга бўлмаганлигидан, мўғул болаларига ёзувни уйғурлардан үрганишни амр қиласди, ёсоларни ҳамда буйруқларни найча (ўрам)ларга ёзишини буюрганди». Жувайний ана шундай буйруқлардан бавззи бирларини тавсифлаб беради, бироқ «ёсо» — Чингизхоннинг кўпгина бошқа замонавий манбаларда ўз-ўзидан англашиладиган ҳодиса, яъни одатий ҳукуқ деб қараларди. Темур ва унинг хонадони «Чингизхоннинг қонунларига муқаддас деб қарашарди. Уларнинг фавжларида, уларнинг саройларида, уларнинг байрамларида, уларнинг хатти-ҳаракатларида Чингизхоннинг қонун-қоидаларига ѡч қачон қарши саъйҳаракат қилинмасди».

Чингизхон замонида ҳам, Темур даврида ҳам ёшларга катта аҳамият бериларди. Муғул истилочилари бутун салтанатлари бўйлаб талайгина отлар, одамлар ва ўзга воситалар талаб қиласдиган бундай ёшларни сақлаш қоидаларини пухта ишлаб чиқ-

қан эдилар. Ёшларни таъмин этиб туриш туманларга — бошқача қилиб айтганда, маҳаллий дехқонлар зиммасига юкландын эди. Жувайний даврида икки туман бирлашиб, битта ёмни (бекатни) таъминлаши лозим эди. Ҳар йили бу ёмларнинг иши тафтиш қилиб туриларди. Чингизийлар замонида ҳам, Темур ҳукмронлик қилган даврда ҳам бу ёмлар ахборот етказиш ва алоқани таъминлаш борасида жуда яхши ишлаб турди. Клавихонинг эсласиша, Темурнинг чопарлари, қандай унвонга эга бўлишларидан қатъи назар, ёмлардан янги от олиб кетиш ҳуқуқига эга эканлар. Улар отни қистаб ҳайдайвериб, ҳолдан тойдиришса тойдиришарди, лекин расмий хабарни вақтида етказишарди. Чопарлар учун от миниб, бир кунда юз, юз эллик миля йўл босиб утиш ҳеч гап эмасди.

Чингизхондан мерос қолган ёсо қонуни талончилик ва улжани булиш тадбирларига тааллуқли булиб. Амир Темур даврида ҳарбий-феодал ўрдалар энди наинки чорвадорлик ва ов қилишнинг кўпгина майларига, балки кўчманчи ҳукмдорларнинг босқинчилик манфаатларига ҳам хизмат қила бошлаган эди. Юришлар натижасида қўлга тушадиган улжалар салтанат даромадининг доимий бир қисми булиб қолганди. Қўлга тушган жамики олтин, қимматбаҳо идишлар, мўйна, дон-дун, қурол-аслаҳа, сурув-сурув қўй ва қора моллар, қуллар — хуллас, сотиши ёки харид қилиш мумкин бўлган барча нарсалар талаб кетилаверарди. Темур қароргоҳи узра қора байроқ тикилиши умумий талон-торожни бошлашга ишора булиб, бошқа пайтда биронта ҳам сипоҳийнинг форат қилишга ҳақи йўқ эди. Арабшоҳ, Темурнинг фармони билан Дамашқда беижозат талончиник қилган сипоҳийлар қатл этилгани ҳақида ёзди. Мигнанеллининг ёзишича, бу интизомга жуда қаттиқ риоя қилинарди. Ҳамонки ижозат берилдими, оддий сарбоз ҳам ўз зобити билан баробар ҳуқуққа эга буларди. Аммо у ўз ўлжасининг бир қисмини бошлиғига беришга мажбур эди. Ўлжаларни, жумладан, аёллар билан болаларни ҳам тақсимлаш фақат қатъий қонда буйича амалга ошириларди. Хитой солномачиси Мен-Уннинг айтишича, шаҳарни забт этишгач, ўлжалар қушиндаги олий ва қуий табакалар ўртасила унвонига қараб булинар, унинг ўндан бир қисми эса бошидаёқ, буюқ хонга ажратиб қўйиларди. Носириддин Тусийнинг таъкидлашича, улуг хон учун ўлжанинг бешдан бир қисми ажратиб қўйилган, қолган қисми лашкар ўртасида тент тақсимланган. Суворийлар билан пиёдалар ўз улушларини мутаносибан иккига бир қилиб олишган. Забт этилган ер, сув ва музофотлар салтанат мулки деб ҳисобланган. Ўлжаларни таомилга риоя қилган ҳолда ва одамларнинг рутбаларига қараб тақсимлаш Темур лашқарлари ичи-

да жуда мұхим амал ҳисобланған. Тарихдан бир нарса яхши маңылардың көзінде оның әртүрлілігінен шынайы да жуда мұхим амал қарастырылады. Қарастырылады да жуда мұхим амал қарастырылады. Қарастырылады да жуда мұхим амал қарастырылады.

Темур ўғриларни, айниқса, от ўғриларни шафқатсиз жазоларди. От ўғриси құлға тушиб қолса, жазодан қутилиш учун ўғирланған от ёнига яна түккізіста от қүшиб бериши кепрек эди; агар бунга кучи етмаса, ўғилларини қулликка бермөгі лозим булар, ўғиллари бұлмаган тақдирда эса қатл этиларди⁵. Туркийлар уртасыда үлім жазосидан каллани күндада чопишга нисбатан дорға осиш анча фахрлироқ ҳисобланарди. Ўғрилар қылғанларнинг камдан-ками калтак билан жазоланаради — ўғри үзи ўғирлаган молни әгасига түккіз ҳисса қилиб қайтара олса, калтак жазосидан қутилиб қолиши мүмкін эди.

Есоларнинг бир қисми бекларнинг имтиёзларини белгилаб берган бўлса, яна бир қисми ҳарбий интизом ва жанг майдонилаги жасорат тұғрисида сұз юритарди. Карпинининг қайд қилишича, «барча фармоналар — хоҳ жангта кириш ҳақида, хоҳ жонни қурбон қилиш ҳақида бўлсин,— ҳаммаси ҳеч қандай монеъликсиз бажариларди...»

Чингизхон жорий қылған ёсо қонунлари ҳам фуқаро, ҳам ҳарбий маъмуриятлар учун дастурламал булиб хизмат қилди ва Амир Темур, гарчи шариат қонунларини муқаддас деб билса-да, узининг амалий ишларида күпроқ ана шу ёсоларни құллашни афзал күрди. У ёсоларни ҳарбий бўлинмаларга, кўчманчилар-у деҳқонларга, зиммасига солиқ тўлаш мажбурияти юкланған шаҳар ҳунармандларига нисбатан қуллади⁶. Чингизий хонлар томонидан тайинланған доругалар зиммасига кўп жабҳадаги масъулиятлар (аҳолини рўйхатга олиш ва туманга раҳбарлик қилиш, кўпинча ёш йигитларни сафарбар этиш, ём бекатларини тафтиш қилиш, солиқларни йигиф сарой ҳазинасига топшириш) юкланған эди. Бундай лавозимларга күпроқ мусулмонлар тайинланарди. Темур, шунингдек, давлат мансабдорлари, тавочи (адъютант)ларнинг хизматларидан ҳам кенг фойдаланарди. Одатда, амир бу тавочиларни юқори мансабларга үзи тайинларди. Бу мансабдорлар қўшиннинг қурол ва аслақалар билан юришга тайёрланиши ҳақида буйруқлар чиқаради. Шунингдек, шаҳзодаларни қурутойга чақириш, жанг чогида ҳалок бўлган душман сарбозларини биттама-битта ҳисобга олиш ва ўзга нозик вазифалар ҳам шу тавочиларга юкланған эди. Темур, шунингдек, ўз саркардала-

ридан ҳар қандай берилган буйруқни ўқигани ва қабул қилиб олгани ҳақида тилхат бериш одатини таъсис этди.

Қўшин юришга отланганида ҳар кимса «қадимги ва бугунги таомилларга кура» бир йиллик ем, камон, садоқ, уттиз дона ўқ ва қалқон олмоғи лозим эди. Ҳар икки сувори битта ортиқча от, ҳар унта сарбоз битта утов, иккита белкурак, кетмон, бигиз, болта, арқон, юз дона игна ва қозон олмоғи керак буларди¹⁰. Карпинининг таъкидлаишича, ҳар битта турк, йуқ деганда, битта қалқон, ўқлар билан тўлдирилган учта садоқ, болта ва қудуқдан сув тортиш учун арқон билан куролланган булиши керак. Бадавлат зобитлар учи хиёл қайрилган шамшир билан куролланиб, чуққиси найзасимон дубулға ва совут кийишарди. Улар минган отларнинг тӯш қисми ва ёли ҳам енгил совутлар (баргустивон) билан муҳофаза қилинган буларди. Баъзи саркардалар сирти майда темир тахтачалар билан қопланган куюк — енгиз камзул ҳам кийиб олишарди. Оддий сарбоз эса фақат чарм камзул кийиб, молнинг шохи ва ёғочдан ясалган кичкина ва қулай камон билан куролланган буларди. У яна кичкина ва думалоқ қалқон ҳам тақиб оларди. Камон уқларининг учи — пайкон эса икки томонлама утқир қилиб чархланган буларди. Сарбозлар вақти-вақти билан уларни чархлаб туриш учун садоқларида эгов ҳам олиб юардилар.

Чингизхон даврида қушиннинг асосини камончи суворилардан иборат кучманчилар ташкил этарди. Босиб олинган ҳудудларнинг утроқ аҳолиси фақат иккинчи даражали ишларни бажариш учунгина мажбурий ёллаб олинарди. Темур ҳам ўз қушинлари учун мұғул лашкари тартиботини қабул қилган эди-ю, бироқ энди утроқ аҳолининг аҳамияти анча юқори күтарилилган. Пиёда ва түпчи қисмлар фақат утроқ аҳоли йигитларидан ташкил топарди. Душман истеҳкомлари қуршовга олинганида манжаниқ ва палахмонлар, ут пуркағич мосламалар — қорураларни ҳам ана шу сарбозлар ишга соларди. Мұғуллар хитойлардан борут (порох)дан фойдаланишни ургандилар, ундан лаҳим кавлашда ва портлатиш ишларida фойдаландилар. Гарчи араблар VII асрдан бошлаб ёнувчи нафт (нефть)ни шу мақсадда ишлатган бұлсалар-да, Оврупо Урта Осиё, Яқин Шарқ орқали XIII ва XIV асрларда борут билан танишди¹¹. Мұғуллар душман мудофаа иншоотларини ёндириш учун оташандозлардан, нафт билан тулдирилган идишлардан ёки гранаталардан фойдаланардилар. Ноvakлар учига секин ёнувчи порохни бириктириш орқали ясалған ёнувчи уқлар ҳар қандай ёнувчан жисмни аланталатиш қобилиятига эга бўлган. Тошларни порох ёндириш орқали отиш мумкин бўлган. Муиниддин Натанзий ёнувчи қуроллар Темур қўшинлари томонидан 1379 йили Гурганж қамал қилингани-

ишилатилганини эслатганди. Низомиддин Шомий 1399 йилда Лехли жангылда қындыларнинг ибтидоий учар үкларини Темурнинг «момақалдироқ гулдирашини эслатувчи раъдлари» (тўплари) билан таққослаган ва Темур тўпларини устун деб ҳисоблаганди. Бу машиналар, эҳтимол, Хитой солнномаларида «момақалдироқ сочувчи» деб қайд этилган, бир тонна ва ундан ҳам оғир тошларни ёхуд ёнувчи бомбаларни отувчи манжаниқлардир.

Лашқар таркибидаги муҳандислар йўлда учраган дарёларда хода ва қамишдан вақтинча кўпприклар қўришарди Ҳолбуғи Темур сарбозлари катта катта дарёлардан ҳам узотларида сузиб ўтишга қодир эдилар. Бунинг учун улар қуроллари, кийим-бошлари ва бошқа анжомларини сув тегмасин учун, тенгиларга ураб, уларни бир-бирига боғлаб қўйишарди. Натижада чўкмандиган сол ҳосил бўларди. Сарбозлар эгар-жабдуқни ана шу сол устига ташлаб, узлари ҳам унга ётиб олишарди. отларнинг бўйнига боғланган арқонларга осилганларича сузиб кетаверишарди. Одатда битта моҳир сузуви отларнинг жиловидан тортиб олдинда сузиб борарли. Душманнинг шаҳар ва қалъяларига ҳужум қилинганида парвон ҳамла гахта пуллардан фойдаланиларди. Душманга яқин жойда қароргоҳ қурилганида эса, шу жойдаги теварак-атрофда зовур қазилар, кўтармалар (саркублар) қуришиб, мудофаа қуроллари ўрнатилар, кузатув нуқталари ташкил этиларди.

Ана шу қўшимча воситалар ва пиёда аскарларнинг мадалига қараман. Темур қудратининг асосини «зарбдор кучманичи суворий мерғанлар ташкил этарди. Улар ишни шу қадар пухта ташкил этишардики, милтиқлар пайдо бўлганита қадар, уларнинг санъати мерғанлик ҳарбий санъатининг энг юқори чуққиси ҳисобланиб келди»¹².

Туркийлар муҳораба санъатининг буюк усталари эди. Уларнинг от миниш маҳорати жанги майдонида усталик билан ҳаралат қилиш санъати-ла қоришиб кетганди. Улар душман эгалаган маррани ва унинг режасини сира эринмай ўрганиб чишишар, заиф томонларини қилириб топишар, кугилмагандан тарба бериб, ғаним кучларини пароканда этишар, узлари эса шин тезлигигида ҳаракат қилиб, баъзан ҳиила билан, баъзан куч ишлатиб, узларидан бир неча бор кучлироқ бўлган аммо каювланиб қолган ганимни енгишга мувваффақ бўлишарди. Насроний элчилар туркийларни «ҳаддан зиёд ёлғончи ва маккор, — деб ҳисоблагандилар. — Гарчи улар аввалбошдан оғизларидан бол томиб гапирсаларда, пировардила чаёндек чақиб олардилар. Улар шу қадар мұғомбирларки.. ичлари тижик ёлғонга тўла; улар инсонга қарши ўзларининг қабих реваларини амалга оширишни мақсад қилиб қўяр эканлар,

бадниятларини гаройиб тарзда сир тутадиларки, бунинг оқибатида ўша одам ўзини бирон-бир тарзда бўлсин, муҳофаза қилолмайди... Туркийлар асосий кучларини ишлатишдан ҳам кўра кўпроқ муғомбирлик билан жанг қиласидар¹³.

Темур ана шундай қўшиннинг муносиб саркардаси эди. У жангу жадал маҳали қўшинлар ҳаракатини қойиллатиб ташкил эта билар, ҳар бир юриш йўналишини шахсан ўзи белгиларди ва бу уринда, албатта, қўшни давлатнинг заиф томони ёки ундаги сиёсий мувозанатнинг бузилганини ҳисобга олар, ҳарбий ва сиёсий ютуқни чамалаб кўради. Темур ўз лашкарининг бекорчиликда вақт ўтказишига йўл қўймас ва ҳеч қачон қўшни давлат бойликларини талаш имкониятини қулдан бой бермасди. Унинг юришлари, гарчи барча икир-чикирларигача жуда пухта тайёргарлик билан уюштирилган бўлса-да, олдиндан белгилаб қўйилган тартибга эга бўлмаган. Бу юришларнинг жуғрофий масофаси Темур учун аҳамиятга эга эмасди. У истаган вақтда душман ҳамласига чап бериб кетиши ёки уни муваффақиятли даф қилиши мумкин эди. Темур шитоб билан шимолга силжир эди-да, кейин бирдан жанубга бурилиб, ҳужум қилар ва катта ўлжани қўлга киритиб, орқасига чекиниб кетаверарди — унинг тезкор ҳарбий санъати ана шундай эди ва бу санъат унинг лашкарига ҳам жуда қўл келарди. Бироқ ўлжа қанча катта бўлмасин, ҳар мавсумнинг охирига келиб, хазина бўшаб қолаверарди, зоро, беҳисоб қўшинни боқиш катта маблағ талаб қиласиди.

Католиклар элчиси Темур қароргоҳида амирнинг ҳийла ишлатишга нақадар моҳирлигидан далолат берувчи бир ривоят ёзиб олган экан. Бутун Мовароуннаҳрга ҳукмдор бўлишидан хиёл илгари Темур валиаҳд хон элчисини қабул қилиби. Элчи унга ўз хонининг ё тобе булиш ёки жанг майдонига чиқиб, ўзини кўрсатиш талабини баён этибди. Ўша пайтда Темур жангга чиқишига тайёр эмас экан. У ўзини хаста қилиб кўрсатибди ва элчилар олдида қаттиқ йўталиб, қон тупура бошлабди. Аслида бу ширкорда отилган кийик қони эди, зоро, у элчилар келишидан хиёл олдин ана шу қондан бир коса ичиб олган экан. Элчилар хон ҳузурига қайтишибди ва унга Темурнинг ўлим тўшагида ётгани ёки эҳтимол, аллақачон жон таслим қилиб ҳам бўлганини хабар қилишибди. Шундан сўнг хон ва унинг сарой аҳли бегамлик билан айш-иширатга берилишибди, кўп утмай, бола-чақалари билан серғайрат Темурнинг қурбонига айланишибди¹⁴.

Низомиддин Шомий 1360 йилларнинг бошида Темур ўзининг ҳали унча катта бўлмаган қўшини билан мўғулларнинг кўп сонли лашкарини қандай мағлубиятга учратгани ҳақида ҳикоя қиласиди. Жетилар Темурни тор-мор этиш учун унинг

Қўшинига қараганда бир неча марта каттароқ лашкар жунатишибди. Ана шунда Амир Темур душманнинг орт томонига ажир йигитлардан бир қисмини юборибди ва уларга барча гепаликларда гулханлар ёқишни буюрибди. Жетилар, бизни куршаб олишибди, деган хаёлга бориб, қоча бошлибди. Шундан сўнг Амир Темур икки юз чоғли суворийлари билан узининг она юрти — Қашқадарё сари от сурибди. Отларнинг бинанига эса у барглари тўкилмаган шоҳларни боғлашни буюрган экан. Осмону фалакка кўтарилиган чанг-тўзон душманга жуда катта лашкар бостириб келаётгандек булиб куринибди. Шундан сўнг жетилар тум-гарақай булиб қочишибди, Темур эса Шаҳрисабзни деч қандай жангсиз ишфол этибди.

Сурияни истило қилишда иштирок этган Мигнанеллининг айтишича, Темурнинг элчихоналари аслида айгоқчилар макони экан. Ҳалабдаги калисола ҳам унинг ўзини яҳудий қилиб курсатадиган ва Тавротни ёддан биладиган тингчилари, яъни жосуслари булган. «Унинг араб, юнон, яҳудий ва дунёнинг барча тилларини жуда яхши биладиган тилмочлари куп эди». — лея ёзди тарихчи.

Темурга ғанимлик кўзи билан қарайдиган Арабшоҳ ҳам Жаҳонгирнинг жангу жадал бобидаги талбиркорлигига тан берали. «Темурнинг ақл-заковати шу қадар теран эдики, — лея ёзди Арабшоҳ, — у тузган режалар уммонининг на тубига, на сиртининг чўққисига етиб бўларди. Тўгри йўл билан ҳам, эгри йўл билан ҳам унинг ниятлари тагига етиш амри маҳол эди. У ўзининг бутун салтанати бўйлаб даракчилар жұнатар, ўзга салтанатларга эса айгоқчилар юборарди. Бу айгоқчилар орасида ўзининг иттифоқчиси бўлган Отилмиш каби амирлар ёки ўзининг бош вазири Маъсуд Коҳижоний каби аллома дарвишлар, турли ҳунармандлар, тужхорлар, фолбинлар, табиблар, азайимхонлар, дайлилар, денгизчилар, хонандалар, майхурлар, қушмачи камнирлар, мағрибдан машриққача кезиб юрадиган сайёҳлар бор эди.

Улар Соҳибқиронга энг узоқ сарҳадлардан янгиликлар олиб келишар, у ердаги гаройиб ҳодисалар, оғирлик ўлчови, нарх-наво ҳақида ҳикоя қилиб, йўллар, шаҳар ва қишлоқтар, савдо бекатларининг тархини чизиб беришарди. Шунингдек, улар ўзлари борган мамлакатларнинг ҳукмдорлари, аркони давлатлари ҳақида, уларнинг бола-чақаси тўғрисида ҳам маълумотлар келтиришарди. Узга юртлардаги илму ҳунар ҳам, бу ҳунар соҳиблари ишлатадиган асбоб-ускуналар ҳам айгоқчилар эътиборидан четла қолмасди. Соҳибқирон бу маълумотларни диққат билан эшитар, ақл-заковат билан таҳлил қиласи ва кўп ўтмай, ўша мамлакатни ўз тасар-руфига кўшиб оларди...» .

Туркийлар беҳал довюрак эдилар ва ўлимдан асло қўрқмасдилар. Лекин шу билан бирга, улар шахсий жасорат анъана-ларини доим эъзозлаб келганлар. Темурнинг ўзи муҳораба пайти танглик пайдо булган жойларга ташланиб ёки душманга қилинган шидлатли ҳамлани бошқариб, барчага жасорат ва абжирлик бобида ибрат кўрсатарди. Унинг шижоат ва матонати кўп ўринларда фаол табияси (тактикаси) камончи-ларининг мерганилик санъати қатори муваффақият қозонишида муҳим гаров бўларди.

Оддий сипоҳийми, юзбошими ёки мингбошими — ким булишидан қатъни назар, алоҳида жасорат кўрсатган одамнинг қаҳрамонликлари, албатта, расмий солномаларда қайд қилинار ви достонларда малҳ этиларди. Афсонавий жасорат кўрсатган ҳалқ қаҳрамони, одатда, баҳодир дея эълон қилинар ва Темур томонидан унга юзбоши ёки мингбоши рутбаси бериларди. Жуда катта қаҳрамонлик кўрсатган сипоҳийлар эса тархон унвонига сазовар бўларди. Чингиз замонидан бери қўлланилиб келаётган бу энг фахрли унвон соҳибига бериладиган имтиёзлар жуда катта эди. У ҳар қандай солиқлардан озод этилар, урушда ва ширкорда олган ўлжаси тўлалигича ўзига қоларди. Тархон түққиз марта жиноят қилганидан кейингина жавобгарликка тортилиши мумкин эди. У расмий байрамларда фахрий жойда ўтирас ва истаган пайтида ҳукмдор ҳузурига кира оларди.

Ҳукмдор ўзи мукофотламоқчи ёки бирор лавозимга тайин этмоқчи бўлган одамга ёрлиқ инъом этгувчи эди. Баъзан ёрлиқлар мерос қоладиган мулкка эгалик қилиш ҳуқуқини, баъзизда эса бошқа имтиёзларни берарди. Ёрлиқлар аксарияти салтанат солиқларидан озод этарди ва ўз тобеинларидан пулни тула олиш ҳуқуқини ҳам тухфа қиласарди. Ёрлиқлар, одатда, олтин ва кумуш билан безатилган ёғоч таҳтачаларга ўйиб ёзилган бўларди.

Темур ҳарбий қудратининг асоси бўлмиш чигатойлар, яъни унинг кучманчи қабиладошлари алоҳида имтиёзларга эга эдилар. Улар Соҳибқирон лашкаридаги сувори камончиларнинг зарбор тудасини ташкил этардилар: ниҳоятда интизомли бу урда жангу жадал чоғи душманни даҳшатга солар ва урушда ўлжанинг энг каттасини кўлга киритарди. Бироқ улар тинчлик пайтида аҳолининг бошига битган балога айланарди. Чигатойлар уз подаларини истаган жойларида боқишлари мумкин эди. Улар қиша ҳам, ёзда ҳам истаган яйловларига истаган пайтда бостириб кираверадилар. Бу қабила аъзолари барча солиқлар ва мажбуриятлардан озод қилинган эдилар. Лекин улар «Темурнинг таянчи эдилар, жангу жадалда ҳам, ҳукмдорни қўриқлашда ҳам шулар биринчи эди»¹⁶. «Дунёда қайси

Күшин туркийлар Қүшинита тенг кела олади? — деги савол берали Жұвайний. — Улар шундай мерған әділарки, осмонда учиб кетаётган лочинни уриб туширишарди, зимистон тунда әса найза санчиб, деңгиз тубицаги балиқни тортиб олишарди. Удар шундай жангилар әдикі, қырғынбарот куни ёр висоли ҳақында үйлашар, душман найзасидан олган жароқатларини әса гүзәл парининг бүсаси дея ҳисоблашарди».

Туркийлар құлига тушган асирлар уларнинг ташқи күри-нишини ҳамиша азозилга үхшатишта интилғанлар. Үрта асрларда яшаб, ижод этган ҳинд шоири Амир Хусрав Дехлавий XIII аср охирларыда уларнинг құлига тушиб, асир сифатида хибс этилғанди: «У ерда гердайганича түя мингдан зиёд ғайридин туркийлар ва бошқа қабилаларга мансуб жангилар, тикдан уст-бош кийган, лахча чүкқа үхашаш қип-қизил юзли, сочи устарала қирдирилган бошларига қүй терисидан телпак құндырылған, пұлатдек мустаҳкам таңын жангуда жадалларнинг буюқ құмандонлари бор эди. Уларнинг шу қадар қисық ва шиддатнок нигоҳи мис идишни тешиб юбориши мүмкін дердінгиз... уларнинг каллалари гавдаларига шундай үрнашғандықи, гүё бүйінлари йүқтедек эди. Уларнинг ёноқлары ажиналарга ва ғурраларга тұла бұлған юмшоқ күн мешларни эслатарди. Уларнинг ялпоқ бурунлари у ёноқдан бу ёноққа, оғизлары у жағдан бу жаққа етарди... уларнинг мүйловлари фавқулодда узун эди... улар күп мингларча оқ азозылларни эслатарди ва одамлар улардан құрқиб ҳамма ёққа қочарди»²². XV асрдаги Farb әлчилари ҳам ана шундай таассуротда әдилар, фақат уларнинг күзига бу туркийлар қора азозил бўлиб қўринганди: «Бу кучманчи чигатой ҳалқининг ҳаммаси бизнинг кўз олдимизда шу қадар юзлари қуёшдан қорайған ҳолда намоён булдиларки, уларнинг бадрўйлигини кўрганларга булаш шундайгина дузахнинг үзидан чиқиб келгандай туюлганди»²³.

Гарчанд Үрта Осиёнинг утроқ ҳалқи ва саҳройи зодагонлар, умуман олганда, дини исломни қабул қылған бўлсалар-да, уларнинг кучманчи тобеинлари күп ҳолларда узларининг қабилавий худоларига сажда қиласидилар. Франциклар роҳиби Жон де Плано Карпини туркийларнинг урф-одагларини қисман мақтоворга сазовор, қисман жирканчли деб ҳисоблаганди. Мусулмон Арабшоҳ әса уларнинг урф-одагларини буткул нафратангиз деб санаганди: «У (Темур)нинг Қүшинларида шундай туркийлар бор әдикі, улар бутга чуқинардилар, баъзилари әса оловга сажда қиласидилар. Бутпаратслар бутларини узлари билан олиб юрадилар, башоратгўйлар шеърий йўлда башорат қиласидилар; туркийлар барча еқмаган кишиларни даҳшатли тарзда пичоқдан утказардилар. Фолбинлар ва раммоллар сўйилған қўйнинг ичакчавоқларига қараб, ҳар бир жойнинг тақдирига тегишли, етти

мамлакатнинг ҳар бир туманида нима булишлиги хусусида аломатлар топардилар.

Туркийлар худди мұғулларга үхшаб ҳарбир күн, ой ва йилларга ном қойиб олғанлар. Йилларни улар бирор жонивор номи билан атаганларким, йил ағдариб, утган йилларни ҳисоблашыверадилар». Тақвим үн икки йилдан иборат булиб, номи Қўйинган жониворлар қўйидаги тартибда жойлашган: Сичқон йили, Сигир йили, Иулбарс йили, Қўён йили, Балиқ йили, Илон йили, От йили, Қўй йили, Маймун йили, Товуқ йили, Ит йили, Тунгиз йили. Бу тақвим буйича йил баҳор мавсумидан бошлини. Қирғизларнинг ривоятига қараганда, йилларга номлари қўйилиши учун жониворлар саф тортиб боришганда, энг санлатли ҳайвон сифатида биринчи булиб түя борган экан. Бироқ унинг бошига чиқиб олган сичқон ўзини биринчи булиб курсатиби, түя эса умуман рўйхатдан тushiб қолибди.

Бошқа бир афсона ҳайвонлар номининг қўйилишини туркий хоннинг шикоргабўлган ҳаваси билан изоҳлайди: шикор чоғи жон сақлаш учун қочиб келаётган ҳайвонлар Или дарёси соҳилида тупланиб қолишибди-да, бирин-кетин даредан сузиб утишибди. Улар сувдан қай тартибда сузиб ўтишган булса, йиллар ҳам шу тартибла аталибди¹¹. Қуёш кутарилиб, тонг отганидан кеч кириб, қуёш ботгунга қадар булган ёруғ күн ҳам бир неча қисмга булинади: қун чиқар, чошгоҳ, пешин ва шом дея аталарди куннинг бу қисмлари.

Туркийлар хатто ўзларининг сурувларида ем-хашак етарли булган ҳолларда ҳам муҳофаза масалаларига катта эътибор берардилар ёки қушиналарга босқинчилик қилиш орқали ўзларини озиқ-овқат билан таъминлардилар. Чингизхон шикорни фақат кунгил очиш воситаси эмас, балки мерғанлик санъатини ривожлантириш, чидамлилик, қушиналар учун машқ сифатида ҳам рағбатлантиради. Темур ўз одамларининг шикорга булган майларини бунга биринчи имконият туғилиши ҳамоно бажонидил рағбантлантиради. Чингизхон, Ҳубилайхон ва Темур томонидан ўтказиладиган шикор юксак даражада ташкил этилган улкан талбирлар эди: «Хон улуғ шикорга жунаб кетар экан, унинг саройи теварагидаги ва урдага яқин турган қушиналар ҳам шикорга тайёргарлик куришлари, фавжларнинг ҳар биридан ўнгадан одамни йўл-йуриққа мувофиқ жунатиш, шикор қилинадиган жойларда асқатадиган қурол ёки бошқа буюм тариқасидаги ўқ-дориларни тарқатиш хусусида буйруқлар чиқарали. Қушиналарнинг ўнг қаноти ва маркази бир-бирига яқинлашиб, улуғ амирлар қули остила бирлашади. Улуғ амирлар эса хоннинг рафиқалари ва канизлари, қўрқут ва сув захиралари билан биргаликда йўлга тушадилар. Бир ёки икки-уч ой давомида улар «шикор ҳалқаси» ҳосил қилиб,

ўзларининг олдиаги ёввойи ҳайвонларни аста-секинлик би-дан ҳайдаб борар эканлар, улардан биронтаси ҳам ана шу ҳалқадан қочиб қутулмаслиги ғамини ейдилар... улар туну кун ёввойи ҳайвонларни қўй сурувларига үхшатиб ҳайдайверади-лар. Ниҳоят, ҳалқа оралиги икки ёки уч фарсангча торай-гач, улар арқонларни бир-бирига боғлаб тортадилар ва улар-нинг устига наматлар ташлайдилар. Қўшинлар елкама-елка турганларича, ширкор «ҳалқаси» теварагида тұхтайдилар. Энди «ҳалқа» куршаб олинган тури тоифадаги ёввойи ҳайвонлар-нинг жон талвасасидаги үкириклари билан тұлади. Доира яна ҳам торайиб, ёввойи ҳайвонлар қимирлай олмай қолгач, би-ринчи булиб хон ўзининг баъзи бир аўёнлари билан бирга отга минади; улар ширкор қилиб чарчашгач, «ҳалқа»га кирган шаҳзодаларнинг ов қилишини томоша қилиш учун «ҳалқа» марказидаги баландликка чиқиб отдан тушадилар. Шундан сұнг тартиб билан нүёнлар, саркардалар ва қўшинлар ширкор қила-дилар. бир неча кун худди шу тахлитда угади, кейин яралан-ган, ҳолдан тойған бир неча ёввойи ҳайвонларни истисно этганда, ҳалқада ҳеч вақо қолмагач, кекса кишилар ҳурмат-эҳтиром билан хоннинг ёнига боришиб, қолган ҳайвонлар-нинг эмну омонлиги ва жони омон қолиши учун дуюи фо-тиҳа қиласидилар, ундан яраланган маҳлуқларни майсага ва сувга яқын жойга жұнатишини илтимос қиласидилар¹⁹.

Туркий тобеинлар ўзларининг қадимий никоҳ аңъана-рини ҳам сақлаб қолган эдилар. Улар полигамия — күп хотинлилук ақидасига амал қиласидилар. Одатда, хотинларнинг сони эркакларнинг молу давлатига bogliq буларди. «Туркий-нинг хотини күп буларди, — деб ёзади муаллифлардан бири, — ҳар бир хотин ўз оиласи, турар жойига эга эди. Эр бугун бир хотинникода тирикчилик қилиб, унинг үтовида ётиб қолса, эртасига бошқасиникига чиқиб кетарди»²⁰. Бундан ташқа-ри, агар ота қазо қилса ўғил унинг хотинини ўз никоҳига оларди (түқкан онасидан бошқасини), агар катта ака вафот этса, унинг тул қолган хотинларини укалари оларди. Бу удум Темур саройида ҳам қулланган. Ҳукмдорнинг тұнғич ўғли Жаҳонгир вафот этганида, унинг беваси — Чингизхон на-слидан булмиш малика Хонзода Соҳибқироннинг иккинчи ўғли Умаршайхга хотин қилиб берилганди.

Олий рутбали аёллар сочларини юқорига қаратиб, пишиқ-пухта турмаклар эдиларки, узоқдан қараган кишига бу тур-мак наизасини юқорига кутариб турған, дубулға кийган ас-карни эслатарди.

Карпини кўчманчилар либосини ифодали тасвиrlаган-ди: «Уларнинг эркаклари ҳам, аёллари ҳам бир хил кўри-нишдаги либос киядилар... камзулчалари қалами буздан.

қирмизи рангли газламадан ёки кимхобдан ғалати тарзда бичилган. Уларнинг тұнлари сирти патли, орқаси очиқ, этаклари соңларига тушиб туради. Улар либосларини ювмайдилар...» «Темурнинг жангчилари мұғулларга ушаб кокиј устирадилар. Унинг набираларидан бири Дамашқда душман томонига үтиб кетганида, улар унинг кокилларини кесиб ташлаб, либосини үзгартыргандилар». Тахмин қилишларича, Темур ўз аскарларини осонлик билан таниб олиш мақсадида улар учун махсус бош кийим — намат қалпоқ ишлаб чыққанди²⁴.

Темур наслидан булган Бобур XVI аср бошларидан күп жиҳатдан үзгармасдан келган мұғул шаҳзодалари либосини тасвиrlайди: зардұзы қалпоқ, чиройли тикилган хитой шойисидан узун күйлак, уларнинг үқдонлари, қиличлар, чүкморлар, найзалар, жанговор ойболталар. «Аларнинг жами хотунлари бамисоли әрқакларға ушаб от минурлар ва алар. чопонлари устидан белларига зангори белбоf бөглайдурлар»²⁵. Хотинлар әрқакларға ушаб, кенг-мұл шолвор киядилар

Мұхим воқеа-ходисалар муносабати билан тақдим этиладиган совға-саломлар ҳокимиятнинг ва ҳурмат-әхтиромнинг күзга ташланиб турувчи рамзлари эди. Хусусан, «туққиз» рақами эъзозланарди, туққиз буюмдан иборат совға-салом тақдим қилиш энг юксак иззат-икром саналарди. Агар бирон мансабдорға қимматбаҳо зарбоf кимхоб либослар совға қилинса, бу ҳол уша кишининг жамиятда тутган мавқеи ва амали эътироф қилинганини билдиради. Аксинча, улуғ кишига совға-салом тақдим этмаслик ҳақорат ва ёвуз ният белгиси ёхуд ташриф буюрган кишининг ҳурматта сазовор бұлмаганлигини курсатарди. Камбағалларға хос либосда саёжат қилған насроний роҳиблар үзларига ва уз хожалари — насроний пана ва Авлиә Людвиг Фарангийга ҳурмат-әхтиром түйғуларини үйғотища қийинчилекларға дуч келгандилар. Роҳиб Жон хон қароргоҳидаги тепаликда совға-салом ортилған, олтину кумушға, кумуш доналари тақиған либосларға лиқ тұла 500 та арава күрганди. Бу совға-саломлар хон ва унинг ағынлари уртасида тақсимлаб берилганди. Бироқ роҳиб улуғ Куюкхоннинг саройда бир ой яшар экан: «Мисли курилмаган очлик ва чанқовда яшаб, улишимизга бир баҳя қолди. Бизга берилған тұрт күнлик овқат зурға бир кунга етарди. Биз бирон-бир егулик ҳам харид қила олмадик, чунки бозор ҳаддан ташқари узоқ эди», — деб ёзади. Айни замонда, мол-дунё масаласида бекаму күст сафарға отланған, олди-берди қила олиши мүмкін бўлған Ибн Баттута туркийларда исломий меҳмондустлик удумларининг йўқлигига шоҳид бўлған эди; у бундан аввал меҳмонга таг-

жой, сарф-харажат учун пул бериш ҳолатларини бошлан кечирғанды, бирок шунга қарамасдан, улар унга этаом пиширишта ишлатиш учун қўй ва отлар, бир мешда қимиз борғандиларки, бу уларнинг хайру эҳсони намунаси эдие. Ибн Баттута Ўрта Осиё буйлаб саёҳат қиласкан, шу ҳадар миқдорда от сотиб олган эдикни, у энг эътиқодли кишилар ҳам уни ғончиликда айблашларидан чучиб, бу отларнинг миқдорини айтишга журъат этмагани.

Түркйлар ширкордан ташқари, базму жамишиллардан ҳам жуда роҳатланардилар. Шуни айтиш керакки, улар ичкитик ичишила мутлақо меъёрга риоя қилмасдилар. Гушт — бунга бугунлигича қовурилган отлар ҳам киради — түркйлар зиёфатларида мул-кул бўларли. Шу жойнинг ўзида ейилмай қолган таомларни меҳмонларнинг хизматкорлари уйга олиб кетардилар. Таомни олмаслик ҳурмагесизлик белгиси сифатида баҳоланарди. Клавихо фақат биргина давлат зиёфатининг ўзидан бутун элчихона ходимларини олти ой мобайнида боқишишга етазиган озиқ-овқат олиб кетганлигини хабар қиласди.

Майхўрлик туркйларнинг наслий иллати, деб ҳисобланади. Кўлгина ҳукмдорлар майга ружу қўйғанликлари сабабли ажалидан беш кун бурун улган эдилар. Мусулмон дини майхўрликни ман қилганлигига қарамасдан, Форс шоири Жоҳир XII аср охирида ўзининг рубоййларидан бирида: «Жаннатда ҳушёр бўлгандан кўра, дузаҳда сармаст бўлмоқ афзалдир», — деб ёзганди. «Куюшқондан чиққунча, яъни ҳаммадан кўп ичкилик ичадиган киши баҳодир саналарди», — деб ёзган эли Клавихо. Карпини эса туркий тез-тез маст бўлсада, унинг маст ҳолида жанжал-туплон қилмаслигини қистириб утганди. Аёллар ҳам эркаклар каби эмин-эркин майхўрлик қиласдилар. Клавихо ўзининг май ичишдан бош тортганилиги зиёфат аҳлиниң гаажжублантирганини, давлат зиёфатларида ва қабул маросимларида маликалар, Темурнинг завжалари кўп май ичганликларини. меҳмонларни тезроқ маст қилишга уринганларини ёзганди.

Темурнинг муғул анъаналарига мойиллиги унинг уз суло-ласига булган муносабатида ҳам яққол кўзга ташланади. У ҳеч қачон хонлик унвони ёки Чингизхон наслига мансубликни даъво қилган эмас. Унинг саройидаги тарихчилар ҳам ҳеч қачон бунлай даъвони илгари суришмаган. У уз ҳукмдорлигининг охириги йилларига қадар таҳтда Чигатои наслидан булмиш Қуғирчоқ хонни сақлаб келган. 1379 йили Қобулшоҳ улемидан сўнг шаҳзода Суюрғотмиш хон дея эълон қилинди. Суюрғотмишнинг ўлемидан сўнг эса, унинг ўғли Султон Маҳмуд таҳтга ўтказилди. Хоннинг мустақиллиги фақат унинг номи масжидлардаги жума намозида хутбага қўшиб ўқилишидаги-

на намоён бўларди. Шунингдек, унинг номи яна Темурнинг номи қаторидаги тангаларга ҳам зарб этиларди. Хонга кўрсатиладиган иззат-икром шу билан чекланарди. Ҳукмдорга кўрсатиладиган барча анъанавий эҳтиромлар фақат Темурга нисбатан намойиш этиларди. Қариндошлиқ ва уруғ-аймоқчилик алоқаларини Темур, асосан, мұгул аслзодалари, Чингизхон уругидан изларди. Амир Ҳусайннинг беваси, Мовароуннаҳрнинг чигатой ҳукмдори бўлмиш Қозонхоннинг қизи Сарой Мулк хоним Темурнинг суюкли хотини бўлиб қолганди. Сарой Мулк хоним Темурдан беш ёш кичик эди, гарчи у Соҳибқиронга бола туғиб бергани ҳақида маълумот бўлмаса-да, ҳукмдор уни жуда ҳурмат қиласади. Бу аёл Темурнинг бир неча набираларини уз тарбиясига олиб, уларни вояга етказди. Темур Буюк хоннинг күёви маъносини англатмиш Кўрагон унвонига ана шу аёлни уз никоҳига олганидан кейин сазовор бўлган. Орадан йигирма йил ўтгач, Темур мұгул хони Хизрхўжанинг қизи Тўқал хонимни уз никоҳига олди. Бу аёл ҳам чигатой уругидан эди. Шу боис, у иккинчи малика бўлиб қолди ва Кичик хоним дея атала бошлади. Араб тарихчиси Ибн Халдун ўз эсдаликларида ёзишича, қўғирчоқ чигатой хони Суюрготмиш қазо қилганидан сўнг Темур унинг бевасини ҳам уз никоҳига олган экан.

Темурнинг тўнғич ўғли Жаҳонгир Жўжи уругидан бўлмиш серғайрат аёл — Хонзодага уйланган эди. Темур бу келинини ниҳоятда ҳурмат қиласади. Шу хотини туфайли Жаҳонгир ҳам Кўрағон унвонига эга булганди. Уларнинг ўғлини эса Темур валиаҳд шаҳзода, яъни уз тожу таҳтига меросхўр, дея эълон қилганди.

Темурнинг бошқа хотинлари ҳақида унчалик кўп маълумот сақланмаган, уларнинг ҳатто нечта бўлганини ҳам айтиш қийин. Клавихо 1404 йили Темурнинг саройида унинг саккизта хотинини кўрган экан. У, айниқса, ҳукмдорнинг кенжা хотини «чехраси тўлин ойни эслатадиган» Чўлпон Мулк оғонинг ҳуснига қойил қолади. Бу аёл тўқсонинчи йиллардаги барча юришларда Темурга ҳамроҳ бўлган экан. Темурга нисбатан мудом адоватда бўлган Арабшоҳнинг ёзишича, бу маликани, сеҳр-жодуси бор, деб тахмин қилишиб, қатл этишган экан. Клавихонинг ёзишича, Темур саккизинчи маликага етмиш ёшларга кирганида уйланган. Соҳибқироннинг кўпгина хотинлари ва канизларининг исми ўқтин-ўқтин солномаларда эслаб утилади. Бу маликаларнинг баъзилари Темурдан анча-мунча йил аввал қазо қилиб кетган. Самарқандда ва ўз музофотининг бошқа хушманзара жойларида барпо этилган боғ ва саройларни амир ана шу хотинларига атаб қурдирган экан. Боғи Беҳишт Чигатой хонининг ўн икки ёшли қизи

Тұман оғога атаб барпо қилинган. Темур уни 1378 йили үз никохига отған эди. Бу аёл ҳам Темур хонадонида катта нұғузға әришган булиб, у Соғибқиронга қызы туғиб берган. Салмандардың хушманзара қасабасыда Темурнинг иккисінің үндісі Тұқал хоним шарафига оромгоҳ барпо этилған да үнде Боги Дилкушо номи берілганды.

Угиллар ва набиралар тарбияси давлат ажамиятига мөлік иш дея ҳисобланарды. Агар угил туғилса, уни онасидан олиб, биронта бошқа малика тарбиясига топширишарды. Болага жуда ешлігідан соқ мұраббий — отабек тайинланарды, бу одам үнде — бұлажак ұқымдорға мұносиб тарбия бермөғи лозим буларады. Зеро тоху таҳтни мерес қолдиришнинг қатый низоми ишлаб чиқылмаганды ва салтанат ұқымдор уруғининг истаган вакилиға насиб қилиши мүмкін эди. Шу боис, шаҳзадалар бир хилда тарбия курадылар.

1360 иили, Темур ҳали чөфроқ күчманчи тұдасининг бошлиғи булиб юрган кезларыда уннан иккі ўғли бор эди. Жаҳонгир үшанды түрт яшар бола булған. Тарихчи Хондамир уннан онаси Нармиш оғо булған, дея таъқидлайды ва бошқа ҳеч қандай маълумот көлтиirmайды. Шарафиддин Али эса Темурнинг бошқа ўғли Умаршайх Жаҳонгирдан иккі яшар кагта эди, деган фикрни айтади, аммо күпчилик замондошлар туғиғич ўғыл деб Жаҳонгирни тан олишган. Учинчи ўғыл Мироншох 1377 иили туғилған. Дастлабки иккі ўғыл оталаридан анча илгари дунёдан күз юмашған. Учинчи ўғыл Мироншох эса, хиёл савдоириқ бүлгани учун отаси уни салтанатта ворислик қилиш ҳуқуқидан маҳрум этған. Тұрттыңчи угил Шоҳрух эса ҳарамдаги каниздан туғилған эди. Шу боис, у Темурнинг катта угиллары ёхуд баъзи набираларидан фарқлы ула-роқ, мустақил қоқимииятта әга бүлған эмас. Шоҳрух шариатни қаттиқ әзәзәлайдын мүмин мусулмон киши булиб, әхти-моя, мұғул анъанааларыға, отаси сингари, садоқат ва ҳарбий абжирлик намойиш эта олмагандыр. Ҳолбуки Темур әркак кишила ҳуди ана шу фазилатларни қадрлар эди. Буннанға Шоҳрухнинг онаси мұғул уруғидан бүлмай, әронийлар авлодидан эди². Темурнинг яна Баҳтбегим исемли бир қизи ҳам бүлған.

Жаҳонгир Темур ҳеч қаңон бир ерда мұқим яшамаган. У бир неча күн ёки бирон ҳафта узи қурған ёки босиб отған саройға құнарды-да, суні яна шаҳар ташқарисидаги қарорғолыға күчиб чиқарды. У бутун саройи ва күчманчи үрдаси билан ёзғы ҳамма қишики яйловларни кезиб юрады. Баъзи маликалар Темурнинг истагига кура, ҳамма еқда үнде ҳамроҳ булашарды. Дұрустроқ жойда қароргоҳ қуришган кезлары эса Соғибқирон Сарой Мулк хоним ва бошқа маликаларға дархол

бозалари билан биргә етиб келишни талаб қилиб, нома йүлларди.

Темур шаҳарларда, қасрларда эмас, уз қароргохининг утв-ларида давлат ишларини бажарар ва элчиларни уша ерда қабул қиласарди. У қаерга бориб қўнса, уша ер унинг давлати марказига айланарди. Саътанатнинг барча вилоятларидан йўлга чиқ-қан чопарлар, турли мамлакатларнинг элчилари узоқ ўлка-лардан келган аркони давлатлар Соҳибқирон ортидан елиб-югуришлари ва у қароргоҳ қурган жойга етиб боришилари шарт эди. У Самарқанд яқинидаги Конигил водийисида, Кобул яқинилаги яйловларда ва Шарқий Кавказлаги Қорабоғ ча-манзорларида қароргоҳ қуришни яхши кўради.

Унинг саройида ўрнатилган қонун-қоилаларга қатъий амал қилинарди. Фақат навбатдаги ғалаба нишонланган пайтдаги на Соҳибқироннинг маҳсус фармойиши билан бир оз Эркинликка ижозат бериларди. «Май масаласига келганда, — дея ёзганди архиепископ Жон, — бутун сарой аҳлига уни ичиш тақиқланганди. Фақат насронийларгина бундан мустасно булиб, тушлик чоги улар май ичишлари мумкин эди, аммо тушлиқдан сўнг улар чанқасалар, сув ёки қимиз ичишлари лозим бўларди. Темур саройида аёл кишининг номусига тегиши қатъий тақиқланган эди. Ҳар бир одамнинг ёнида уз хотини ёки канизаги бўларди. Сарой аҳлидан биронта одам аёлларга қарши гапира олмасди. Соҳибқирон кампир ва чолларнинг ҳурматини жула ўрнига қўяди».

Амир Темур билан кўчиб юрадиган сарой аҳли орасида адлия хизматчилари — қозилар ва ўзга амалдорлар ҳам бор эдики, улар ҳукмдор саройида, бутун ўрдада ва тобе этилган вилоятларда қонуннинг бажарилишини назорат қилиб турардилар. Жиноят ишларини бир қози ажрим қилиб, ҳукм чиқарса, маъмурий ишлардаги қонунга хилоф масалаларни бошқа бир қози ажрим қиласарди. Арабшоҳнинг айтишича, бир гал Эронда Темур «қирмизи либос кийиб», қозилик қилган ва Музafferийлар уруғидан бўлмиш шаҳзодаларни улим жазосига ўзи ҳукм этган экан. Темур маъкуллаган ҳукм, фармон ва қарорларни ишлаб чиқиш, уларни купайтириб қайд этиш ва муҳр босиашда барча қозилар ва амалдорлар иштирок этишлари шарт эди²⁴.

Темур таңгаларга ва муҳрларга зарб этиладиган уз нишони тариқасида бир-бири билан чирмашган уч ҳалқачани танлаган. Бу нишондаги ҳалқачалар тела қаторда иккита ва пастда битта қилиб жойлаштирилган. Клавихонининг наздила, бу ҳалқачалар Темур дунёнинг уч қисми ҳукмдори леган маънони англатар экан. Бошқалар эса уч ҳадқачалан иборат бу учбурчак нишонда Соҳибқирон, яъни уч хайриҳоҳ сайёра

Хукмдори маъноси яширинган, лея ҳисоблашарди. Бу нишоннинг атрофига доира шаклида «Куч-адолатда» маъносини англатувчи «Рости — русти» сўзлари ёзib қўйилган эди. Британия музейларида сақланаётган Темур тангаларига ана шу шиор зарб этилган. Темурнинг Франция қироли Карл VI Валуага йўллаган форс тилидаги номасига босилган муҳрида ҳам шуни куриш мумкин. Клавихо бу шиорни Темур ватани — Шаҳрисабзда қурилган Оқсаной пештоқида ҳам кўрган экан.

Темур қудратининг асосини туркий сипоҳийлар ва чингизийлар удумига таяниб тузиленган ҳарбий ҳамда маъмурий идора услуби ташкил этарди. Унинг салтанатдаги сиёсий кучи эса босқинчлик қилиш учун янги майдонлар ахтараётган қўчманчи ўрдалар манфаати билан Мовароуннаҳрдаги феодал хон ва беклар манфаатининг бирлашиб кетганида эди. Шаҳар ва қишлоқ ҳаётининг тараққиёти ва савдо йўлларини муҳофаза этиш учун марказлашган кучли ҳокимиятга бўлган талаб туфайли утроқ мусулмон аҳолиси ҳам Темурни қуллаб-куватлай бошлади. Боз устига, қўчманчи аслзодаларнинг деярли ҳаммаси дини исломни қабул қилиб, утроқ ҳудудлар билан алоқани мустаҳкамлай бошлаганди. Худди ана шу қобилият, яъни ҳам қўчманчи, ҳам утроқ аслзодаларнинг бир хилда кунглини ола билиш маҳорати феодал хон ва беклар, тижорат аҳли ҳамда дин пешволарини Темурга мойил қилиб қўйганди. Темурнинг уз уруғи унга шаҳар аҳолиси ва дини ислом билан яхши алоқани таъминлаб берди. Чигатойлар билан келган туркий сипоҳийлар бўлмиш бу одамлар Қашқадарё қўчманчиларининг йўлбошчилари эди. Улар шаҳар ҳамда савдо марказларининг хон ва беклари билан яқиндан алоқа ўринатгандилар. Темурнинг отаси, замондошларнинг айтишича, комил мусулмон булиб, аллома дарвишлар билан дуст гутинган экан.

Забт этилган музофотларда дин раҳнамолари дарҳол ҳимоя остига олинар. Ислом дунёсининг алломалари — файласуфлар, тури мазҳабдаги пирлар тарихчилар ва мунажжимлар билан мунозара юритишни яхши кўрадиган Темур ҳузурига олиб келинарди. Уларни мутлақо эркин гапиришга ундашар, агар аллома ҳукмдорда яхши таассурот қолдирса, уни Самарқандга, Соҳибқирон хизматига таклиф қилишар ёки уз мамлакатида қолишта ижозат бериларди. Ҳарбий юришлар чоғида олимлар ва дин пешволарига катта имтиёзлар бериш одат тусига кирган эди. Уларнинг кўпчилиги, чунончи, кейинчалик Темур зафарлари тарихини ёзib қолдирган Низомиддин Шомий ва араб муаррихи ибн Халдунлар бундай имтиёздан кенг фойдаланганлар. Темурнинг Ислом дини қонун-қоида-

ларига содиқ булғанлыги ҳақыда, у тирик эканлигига ҳам үлганидан кейин ҳам күн ёзғандар.

Темур беш вақт намозни канда қилмас, рамазон ойында албагта, рұза тутарды. Ийл Рамазон ҳам Темур саройида катта тантана билан нишонланарды. Муқадлас қадамжоларни бекамиқуст зиёрат қылувчи Темур, айниқса, үз юришларининг ҳал қылувчи онларыда бунга катта ахамият берарди. Соҳибқирон жанг жадал олдидан бутун қүшиннинг күз үнгиде киблага қараганича бошыни саждага қойиб, тұққыз ракаат намоз үқир ва бу билан доим үзи ва бутун лашкари Аллоху субдонаху ва таолонинг ҳимоясина эканлигини намойиши этарди. Жанг олдидан Темурнинг эңг яқын сафдошларидан бұлмиш шайх Барака ҳам лашкарға қаратада ваяз айттар ва зафар тиляб, ибодат қиласынан.

Бұлак мажбуриятлар қатори Амир Темур яна-битта бурчани — хайр-садақа тарқатып вазифасини сира канда қилмай бажаарарди. Айниқса, ғалаба қозонганидан сунг у катта-катта хайр-әхсан қиласынан. Мусулмончилік ақылалари бүйіча Қимор үйнаш, сұлхұрлық билан шүгүлләнеш, май ва чүчқа гүштини истеъмол қилиш гуноҳ ҳисобланарди. Аммо шүнгә қарамай, афкор омма ғалаба нашидасини суріб, байрам қилаётганида ҳукмдор май ичишінде рухсат берарди. Амир Темурнинг ҳар бир ғалабани байрам қилиб нишонлаш одати уннинг үз салафлари — мұғұлларнинг таомилидан фарқ қылмасди. Шаҳрисабзда уннинг шарафига тикланған Оқсарой пештоқига: «Султон Аллохнинг ердаги соясидур», — деган еузлар ёзиб қуииянған.

Темур саройидеги котиблардан айримлари уша пантаа Мовароуннаұрда адабий тил леб әзтироф этилган форс тилини мұкаммал билардилар, ваҳдоланки, күпчилік оламлар. Клавихонинде ёзишича, чигатай тилида ва түркій тилде гапи-рардилар. Лекин саройда яна уйғур хаттолар ҳам бор эди — улар чигатай ва түрк тилилеридеги ёзувларни уйғур алифбосыла ёза олардилар. Улар шошилинч номалар, бүйрүқтар, очиқ ҳатлар, мактублар, ұячов руіхатлари, солномалар, достойлар, тарихий воқеалар, жамоатчиликка тааллуклы ұжжатлар, ғалланиң маъмурият томонидан белгиланған нархи, ҳуллас, ғұқаролик қонунларига, ҳаттоки Чингизхон томонидан чиқарылған қонунларға тааллукты бұлған ҳамма нарсаларни мана шу уйғур ёзувида ёзардилар. Темур узиннинг жанговар юришларыда содир бұлған воқеаларни ёзишини саройдеги маҳсус котибларға топширауды ва уларға воқеаларни әроп ё араб услубында шоирона иборалар билан эмас, бағыт түрі, жимжимадор сұзларни ишлатмай, насрій услубла ёзишини амр этарди. Темурнинг бундан кейинги сарой ҳаётига дахлдор воқеалар айнан мана шу услубла ёзиладиган бўлдики, бундай

китоблардан бири Низомиддиннинг «Зафарнома» асари Темурнинг ўз ташаббуси билан китоб қилиб чиқарилган эди. Бундан ташқари, яна форсийда ёзилган энг дастлабки рўзнома (кундакликлар) ҳам сақланиб қолган. Фиёсиддин Али томонидан ёзилган бу рўзномада Темурнинг Ҳиндистонга юриши тарихи ёзилган эди, аммо бу рўзноманинг туркий тилда биронта ҳам нусхаси қолмаган.

Темур санъатни ҳам жуда юқори баҳоларди. У ҳатто Сармарқанддаги Кўксаройда тўплланган қимматбаҳо ашёлар рўйхатига кирмаган ажойиботларни ҳам алоҳида сақларди. Темурнинг ноёб санъат асарларидан иборат ўз хазинаси бор эди. Унда ўзга нодир нарсалар қаторида жуда ажойиб дид билан безатилган кўхна кулёзмалар ҳам сақланар экан. Шу билан бирга, Темурнинг саройига у забт этган барча мамлакатлардан машвоқлар, нотиқлар, ҳайкалтарошлар, боғбонлар, мусавиirlар ва турли-туман ҳунармандлар ҳам тўплаб келинган эди.

Темур салтанати билан Farb уртасида савдо-сотиқнинг тараққиётидан манфаатдор бўлган архиепископ Жоннинг ҳикоя қилишича, Соҳибқирон, айниқса, оқ, яшил, пушти ва тўқ қизил рангдаги асил газламалар, чармдан ясалган бејирим буюмлар, маржонлар, олтин, кумуш ва дуру жавоҳирлар билан безатилган биллур идишлар, чиройли гиламлар, наслдор отлар, итлар ва Испаниядан келтирилган йирик хачирларни маъқул кўрар экан.

«Истаган ҳукмдорни хоҳ жанг майдонида бўлсин, хоҳ шатранж тахтаси устида мот қилишга уста» бўлган Темур буш вақтининг кўп қисмини ана шу ййинга бағишлар, ўз замонининг энг олди усталари билан бемалол беллаша оларди.

Бизга қадар Темурнинг сурати етиб келмаган. Жаҳонгирнинг шамойили чизилган форс ва ҳинд минётирлари шунчаки шартли суратлар, холос. Уларни ҳужжатли тасвирий санъат асари деб бўлмайди. Соҳибқироннинг ўзи ва унинг зафарли юришларини абадийлаштириш учун чизилган деворий суратлар саройлар билан бирга йўқ бўлиб кетган. Унинг даҳмаси очиб текширилгандан сўнг ёзилган маълумотларга кура, Темур, гарчи юз тузилиши мўғулсифат бўлса-да, лекин буйи мўғулларникуга қараганда анча баланд (таксминан 1 метру 80 сантимер — 5 фут ва 7 дюйм), соч-соқоли хиёл маллатоб, Қадди-Қомати келишган одам бўлган. У озғин, лекин мушаклари пишиқ булиб, ҳафталаб эгардан тушмай юра олар экан. Ким билсин, оқсоқлиги учун ҳам бу ҳолат унга қулайроқ бўлгандир.

Эҳтимол, китобхонга ғалати куринар, аммо Соҳибқироннинг энг батафсил тасвирини унинг ашаддий душмани Ибн

Арабішоҳ ёзіб қолдирған: «Темур қалымги Амалекитлар^{*} глиф тик қоматли, баланд бўйли, пешонаси кенг, боши катта, метин табиат бир одам эди. Унинг юзи оқ-қизил бўлтиб, очиқ ҳавола кўп юрса-да, офтобда қораймаганди. Унинг аъзойи бадани нипшиқ-пухта, елкалари кенг, бармоқлари узун ва ингичка, сөқлари узун бўлиб, қадди-қомати келишган эди. У ўні томонга қараёб оқсоқланарди. Кўзлари худди ёниб турған шамга ўшиаса-да, лекин қаттиқ йилтирамас эди. У ўлимчан қўрқмас, ҳатто умрининг охирида (69 ёшида) ҳам хотираи тиниқ, жисми пишиқ-пухта, жасорати ва метин табиати билан қудратли қояни эслатарди.

Бир қарашдаёқ масаланинг туб моҳиятини илғаб олган, кузатувчан, мунозара қилиш санъатини сув қилиб иборган Темур ҳеч қачон хом хаёлга берилмас, орзулари русога чиқмаса, буни яшириб ўтирмас ва тузган режасини ўзгартирмас эди. У ҳақ суз билан уйдирма гап ўргасидаги фарқни эшитгани ҳамоно аниқ ажратади, шунингдек, у уз муғомбилиги билан самимий маслаҳатгуйни мунофиқ фириб гардан бир қарашдаёқ фарқ қила оларди. Агар у бирон буйруқ беридек булса, ёки бирон ишни бажариш ҳақида ишора қиласа, бу нияти ё буйругини ҳеч қачон ўзгартирмас эди. Ана шунинг учун ҳам у Етти иқлимнинг Музаффар сultonи, соҳибқирон, деб ном олган эди».

У боб ЧИҒАГОЙ ДАВЛАТИ

1370-Ит иши – 1380-Майчун иши

ХОРАЗМ ВА МЎГУЛИСТОНГА ҚАРШИ ЮРИШ

Темурнинг мўгул анъаналарига содиқлиги, мўгуллар салтанатига нисбатан режалари унинг ҳокимият тепасига келиши ҳамоно равшанлашли.

1371 йили Балхда утказилган қурултойда тахтига чиққач, Темур узини Чингизхон томонидан унинг иккинчи ўслига суюргол қилиб берилган Чигатой салтанати вориси ва давомчиси деб ёълон қилганди. Бироқ бу мулклар энли яхлит бир давлат эмасди. Шимоли-ғарбда, Амударё мансабида жойлашган бой воҳа – Хоразм мўгул давлатлари вужудга келган дастлабки йилларлаёқ Олтин Урда ва Чигатой улуси томони.

* Амалекитлар – қадимги юнон асотирида: ўта кучли, девқомат кишилар.

бұлғиб олинғанды. XIV асрнинг иккінчи ярмида бунгача мұғул давлатлари тобеини бұлған Хоразм Сүфийлар салтанаты даврида бирлашиб, мустақиллікка әришли.

Чигатой мұлқарларының қолған қисми Мовароуннаұрнинг гарбий давлатындағы маҳаллай хұммірлар ва Мұғалистаннинг шарқын қисми томонидан булып олинғанды.

Карийб Йигирма йил давомида Темур, асосан, Мовароуннаұр ичкарисидеги ихтилофларни бартараф этиш, бутун шынтақа устидан уз ҳұммірлігінін үрнатыш билан банд бұлды. Илгари бу мұлқар Чигатой улусини ташкил этарди. Темурнинг бу даврдаги юришлари, энг аввало, шимолдагы Хоразмса ва шарқдагы Мұғалистан қарши қаратылған зди.

Мұғалистан Чигатой улусининг шарқын қисми булып, у Сирларедан то Торим ҳавзаси ва Эртүш (Иртиш) таға ястаниб этарди. Улус иккі асосий қисмдан: Шимолий Тангритов (Тиёншон), унга иккі буюк күл — Иссикқұл ва Балхаш киаради; мәзкүр мұлқ Балхашга оқиб түшады Еттисув мамлакаты сифатида машұр зди; иккінчи қисм Торим ҳавзасини үз ичига олган Жанубий Тангритов (Тиёншон)дан иборат зди. Ана шу ҳудудлар орқали тоғлардан Хитойга қадар үчта карвоң йули ўтарди. Бұлар — шимолий йұналишдаги Бешбалиқ ва Олмалиқ йули, жанубий йұналишдаги Қашқар ва Оқсув йули, Торимдан жанубға ўтады Еркент ва Хутан йули зди.

Күчманчилар шахар ҳәётіга мослаша олмадылар. Иирик-мұғул мұлқар қабила бошылқтары уртасыда мажаролар келиб чиқди. Бунинг натижасыда шарқын музофотлардагы шаҳағ тартиботи вайрон этилди. 1306—1370 йиллар уртасыда Чигатой таға түтінде жаңынан қорғалған қаласынан шаҳарлар XIV асрға келиб, номларини сақлаган ҳолда, оддий қароргоҳларға айланып қолғаны. Мұғулларнинг утроқ ҳәётіна нафрат билан қарашы натижасыда ишлов берилады. Ерлар хароб ақволға тушиб қолди Ал-Умарий бир сәйәхнинг қуйидеги сузларыни келтирғанды: «Узоқдан яхши қурилған, күзни күвнатувчи бое-роғлар билан құршаб олинған қасабага күзинг тушади. Бирок яқынлашғаннан қамоно фақат бүм-бүш, ҳувиллаб ёт-тап үйларни курасан. Ахоли фақағ күчманчилар, чупон-чулик-лар, мол ҳаидовчилардан иборат. Улар ерга на ишлов берадылар, на қын-тиқин қылалылар. Фақат дала-даштдаги маисаларғина, ташландик үйлар узра ҳұмронлық қиласы». Сандосынан үйлідегі асосий құнимгоҳлар, гарчи күчманчиларнинг ҳұжумларынан учраса-да, сақланиб қолған».

Мұғалистан хони Илесхужа Мовароуннаұрда сарбадорлар маглубиятта учраб (1365 йил), орадан күп утмасдан, чеки-

наётганида, ўлдирилди. Ҳокимиятни эгаллаган унинг рақиби Қамариддин, ҳар эҳтимолга қарши, собиқ хоннинг ҳамма та-ниқли қариндош-уруғларини қатл эттириди. Темур ана шу тар-тибсизликлардан фойдаланиб, жети қабилалари яшайдиган ҳудудларга қарши бир неча фавжлар юборди. Маълумки, бу ҳудудлар амир Ҳусайннинг собиқ иттифоқчилари — Мовароун-нахдаги бўйсунмас унсурлар ва жалойирлар диққатини торта бошлаганди. Жетилар азалдан барлосларнинг анъанавий душ-манлари эди. Бу юришлар талон-тарож қилиш ва ҳар қандай ҳалқ ғалаёнини босиш хусусиятига зга эди. Гарчи қишлоқлар кучманди қабила бошлиқлари ҳукмонлик қилган поёнсиз даш-тлар ичида кўринмай кетган бўлса-да, уларнинг, айниқса, Хон-тангри (Тиёншон)даги (Торим ҳавзасидан шимолроқдаги) Юл-дуз шаҳрининг теварак-атрофида энг муҳим ёзлик яйловлари бор эди. Жетиларга қарши уюштирилган бу юриш ғолибларни яйловлар ва талон-торож этилган моллар билан таъминларди. Мазкур босқинчилик ҳаракатлари Темурнинг чигатой жангчи-лари учун энг куляй ва одатий машгулот саналар эди. Бироқ Темур ўз қўшинларини үзига тегиши бўлган Шарқий Фарғона музофотининг гуллаб-яшнаган воҳалари орқали эмас, балки Сирдарёдан Еттисувгача бўлган шимолроқдаги йўл орқали жунатганди.

1370 йилдаги биринчи юриш чогида жетилар тумтарақай қочишаркан, Темур қўшинлари кулига йирик ўлжалар қол-дирдилар. Шундан сўнг 1375 ва 1390 йиллар ўртасида бошқа йўналишлар бўйлаб бир қатор юришлар бўлиб ўтдики, бу-нинг натижасида жетилар бўйсундирилган бўлса-да, озодликка эришиш йўлида уларнинг ора-сира ғалаёнлари бўлиб турди¹.

Ўша даврга мансуб Иссиққўлдан шарқда Хонтангри (Тиёншон) тоглари чўққиларидан биридаги Сангтош йўли усти-да қад кутариб турган тош қўрами ҳақида шундай ривоят бор. Муғулистонга қарши юришлардан бири чогида — Темур жангчилари ана шу йўлда жетиларни таъқиб қилар эканлар, Соҳибқироннинг амрига кўра, уларнинг ҳар бири биттадан тош олиб, умумий уюмга ташлаган. Жети қабилаларини тор-мор қилган Темур фавжлари худди шу йўлдан ўтаетганида ҳар бир жангчи биттадан тош олиб, Самарқандга қайтган. Бироқ ўша ерда қолган улкан тош қўрами Соҳибқироннинг ҳар бир ғала-баси нақадар улкан қурбонлар эвазига қўлга киритилганли-гидан ҳамон гувоҳлик бериб турибди.

1374 йил қишида Темур жетиларга қарши янги юриш қилди. Ўша йили қиши ҳаддан ташқари совуқ келганлигидан, аскар-лар отларининг баҳридан утиб, ўзларини кутқаришга мажбур бўлгандилар. Темур Самарқандга қайтиб, совуқнинг пасайи-шини кутди. Шундан сўнг у яна юришни давом эттириди. Би-

роқ бу вактің келиб, күч тұплаган Қамариддиннинг үзи Мовароунаңға қарши құшин тортди. Бироқ Темур «отни олдинроқ қамчилаб», үз құшынларини мұғуллар чиқсан Или дарёсі ёнидеги дарага бошлади. Тор-мор келтирилган Қамариддин қочди. Уни Темурнинг үели Жаҳонгир төг үрмөнлари-та қадар тәъқиб қилиб борди. Мұғул куронлари құлға олиниб, яксон қилинди, бироқ Қамариддин қочиб қутулишга мұваффақ бўлди. Темурнинг фавжлари Хонтангри яйловларида икки ой давомида галаба нашиласини сурди. Мамлакат талон-торож қилинган, голиблар гиламлар, отлар, курол-яроғ, хотигин-халаждан иборат бой улжани құлға киригандилар. Асирилар орасида мұғул хонининг хотини ва унинг қизи Дилшод оғо ҳам бор эди. Темур Дилшод оғога уйланиб, узининг аждадилари таомилига кура, мұғулча удумда даблабали түй қилиб берди. Тўйдә на мусиқа салолари янради, на меҳмонларга май тортилди.

Мовароунаңға қайтган Темур үзи сафардалиги чогида Самарқандни қамал қылган жалойирлар құзғолюни бостириди. Соҳибқирон бу қабиланы уларни бошқа халқлар, туманлар ва минтақалар орасига сочиб ташлаб, узил-кесил яксон қилиб ташлаганди. Жалойирларнинг ерлари Соҳибқиронга содик бўлган бошқа салоқатли саркардалар уртасида тақсимлаб берилди.

Келгуси, 1376 йили Қамариддин Фарғонага бостириб кириш имконига эга бўлди. Бироқ Темур водийга тезлик билан стиб келди. Жетилар гұмтарақай қочган бўлсалар-да, йўл-йула-кай пистирма қўйдилар. Пистирмага дуч келган Соҳибқирон лашкарлари мағлубиятга учрашига бир баҳя қолди. Бироқ Темур охир-оқибатда жангни үз фойдасига ҳал қилишта мұваффақ бўлди. Яраланган Қамариддин қочиб қутулди. Темур Мұғалистонга қарши яна икки марта юриш үюнтириди.

Бу юришилар давомида Қамариддин гарчи асир тушмаган бўлса-да, жиддий зарба ели. Орадан олти йил утиб, Темур уни яна бир марта мағлубиятга учратди. Шу билан Қамариддиннинг құдрати заволга юз тутди. Ҳукмдор сифатида унинг обрусига жицдий зарар етди. 1389 йили тахтга унинг рақиби Хизрхужа чиқиб, Мұғалистон хони деб эълон қилинди. Хизрхужа узини Чиғатой хонининг вориси деб овоза қилдирди. Уни собиқ мұғул хони Түғлиқ Темурнинг үели ва Самарқандда сарбадорлар томонидан мағлубиятга учраган Иллесхужа-нинг амакиваччаси, деб эълон қилдилар. У болалик чогида Қамариддин томонидан подшо оиласига қарши ташкил қилинган қатлиомдан мұтжиза юз бериб омон қолган, вояға етгач эса, узининг қуролли күчларини барпю этишга мұваффақ бўлган эли.

Бу даврда Темур үзининг шимолдаги хавфли ва манфур құшниси, Олтин Үрда сифатида маълум бўлган Жўжи салтнанти ҳукмдорига қарши ҳал қилувчи юришга тайёрланмоқда эди. Айни пайтда, у үзининг шарқий қанотини таъминлаш мақсадида, янги хон даврида жангарилик қилишлари мумкин бўлган жетиларга қарши икки топқир қўшин юборди. Биринчи қўшин Сирдарё бўйларида Олтин Үрда билан муваффақиятли тўқнашувдан кейин 1389 йили юборилганди. Кўчманчиларга қарши ҳарбий ҳаракатлардаги асосий муаммо бепоён даштлардаги душмани (жетиларни) топишдан иборат эди. Темурнинг жангга тайёрланиши талбирлари ичилада турли туманларга бошлаб борадиган йўл курсатувчиларни тайёрлаш ва саркардаларни қулай йўналишлар туғрисидаги маълумотлар билан таъминлаш мухим урин тутарди. Жетилар диёри ичкариси бўйлаб узоқ йўл босган Темур қўшинлари Отган Суригача етиб борди. Эз фасли бўлишига қарамасдан, Отган Сури тевәраклари қор ва муз билан қопланганди. Темур қўшинлари «Айғир ёли» төғ текислигидан утиб, «Айғир сакраган» төғ текислигига етиб келди ва уша ерда Хизрхужа куронларидан бирини тор-мор келтириди. Шу ерда Темур қўшинлари иккичинчи қисмига Соҳибқироннинг ўзи қўмондонлик қилди. Умаршайх жетиларни қувиб етди ва «Ит ичмас» водийси яқинида уларга яна бир зарба берди-да, жуда кўп миқдорда асиirlар ва ўлжалар билан қайтаётган Темур қўшинларига қўшилди. Шундан кейин занжирбанд қилинган асиirlар ва ўлжа Самарқандга жўнатилди. Қўшин эса, тог дарёси — Эмил соҳилидаги мўгуллар қароргоҳида галаба шарафига тантаналар ўтказиб, ҳордик чиқарди. Умумий ҳарбий машваратда жанубий вилоятларци тороҳ қилиш хусусида қарор қабул қилинди. Қўшинлар турли йўналишлар бўйлаб, йўл курсатувчилар ҳамроҳлигига, батафсил йўл-йўриқлар билан жўнатилди. Улар Юлдузда учрашмоқлари лозим эди. Темур Хизрхужа қўшинлари ортидан от сурди. «Сичқон дарвозаси» деб номланган довон ёнида жанг бўлиб ўтди. Жанг Темурнинг кичик ғалабаси билан тугали. Хон үзининг саройи, ҳарамини ташлаб қочди. Хонни таъқиб қилган фавжлар мамлакатни талон-торож қилиб, кўп миқдорда от, түя, қўй, шунингдек, асиirlар олдилар. Бу ўлжа жангчилар ўртасида тақсимлаб берилди. Темур қўшинлари Юлдуз ёнидаги қўшингоҳда бир-бири билан қўшилди. Бу ердаги жилгаларда оқаётган сув шу қадар чучук, майсалар шу қадар тўйимли эдики, ҳатто қовурғаларни саналиб қолган қирчанғи отлар ҳам бир ҳафта ичилада семириб, қувватга эниб кетди. Шоирлар бу жойнинг суви ва майсаларини куйга солиб мақтадилар. Ғалаба шарафига ўтказил-

ди байрамда «парирухсор қизлар ўз қуллари билан олтин қалаҳларда май сунлилар». Темур жадал суръатлар билан Самарқандга қайтиди. Карвон бир ярим минг милядан иборат бу йўлни икки ойда босиб утиши мумкин бўлган ҳолла, Темур уч ҳафтада кузланган манзилга етди. Сарой аъёнлари ва қўшин Бухорода шоҳона ширкор билан кўнгил очдилар.

Амир Қамариддин ҳамон йирик-йирик кучларни қули остида бирлаштирганди. У ўз рақиби Хизрхужа қочиб кетгач, Муғулистон таҳтини қайтариб олмоқчи бўлди. Бунинг натижасида келгуси, 1390 йили Темур яна Муғулистонга юриш қилишга мажбур бўлди. Қамариддин шимол томонга қочли, Эртуш (Иртиш) дарёсидан кечиб утиб, сувсарлар яшайдиган мамлакатда жон сақлади. Темур унинг ортидан уттиз минг кишидан иборат фавж жўнатди. Эртуш соҳилларига етиб келган қўшиннинг ярми дарёдан кечиб ўтди. Жуфтакни ростлаб қолган амирни қилириб топиш мақсадида ҳар иккала соҳил ҳам синчиклаб текширилди. Дарё ортидаги қарағай таналарига бу ерда Темур қўшинлари дарёни кечиб ўтганлиги ҳақидаги битиклар куйлириб ёзилди. Бироқ қидирув ҳеч қандай наф бермади. Қочоқ амирни топиш чўзилиб кегди, одамлар ҳолдан тойиб, овчилик билан, гиёҳ томирларини еб кун кечирдилар. Қидирув ишлари тухтатилди. Қўшин Самарқандга қайтиб келди.

Шундан кейингина Қамариддин ҳақидаги хабар Темурга етиб келди. У қочиб юриш охирида истисқо хасталигига гирифтор бўлган, шу сабабли лашкар билан бирга етарли суръатда йўл боса олмай қолган экан. Уни бир ўрмон ичкарисига олиб бориб, бир неча кунга етадиган озиқ-овқат ва икки жория билан бирга қолдиришган. Колганлар йўлла давом этган. Орадан бир неча кун утиб, Қамариддиннинг одамлари қайтиб келишганда, улар на амирнинг, на жорияларнинг изини топа олишган. Бу воқеа 1393 йили юз берганли.

Хизрхужа эса Темур билан битим тузиб, Муғулистоннинг ҳукмдори сифатида тан олинди. Орадан бир неча йил утиб, 1397 йилла, у үзининг синглиси Тўқал хонимни Темурга хотин қилиб узатди. Тўқалхоним Чигатойлар (яъни хон) авлоидан бўлганлиги сабабли, Соҳибқирон саройида иккичи матика, яъни Кичик хоним мақомини олди. Уша пайт Темур Шош (Тошкент) ёнидаги қўшингоҳда Тўқал хонимни кутаётган, шунингдек, шу ерда Хитой юришига ҳам ҳозирлик қураётган эди. Бу ерда у, айни замонда, Сирларё соҳилларida жойлашган Яссила улуг туркий шайх Аҳмад Яссавий қабри устида мақбара қуриш ишлари билан ҳам шуғулланганли. Шу билан бирга, Самарқандда янги бўғ-роглар барпо этиш ва ишги матика Тўқал хоним шарафига Бони Дилкушо (қаср билан бирга) бунёл қилиш режалаштирилди.

Мұғалистондаги жетиларга қарши шарққа қүшин юбориши баробарида Темур Амударёнінг қуий оқымида жойлашған Хоразмдаги Сұфилар сулоласыга қарши мұхораба ҳам бошлаб юборғанди. Кейинги ҳарбий маъррака натижасыда йирик сиссий ва ҳарбий оқибаттар келиб чиқди.

Чингизхон Мұхаммад Хоразмшоҳ ҳукмронлик қылған Хоразмни забт этганида, мазкур салтанат иккى қысмет — шимолий Хоразм ва жанубий Хоразмға булинниб кетганди. Пойтахти обод шаҳар — Гурганж бұлған Шимолий Хоразм Жүжі улусыға киритилған, кейинчалик Олтиң Үрданинг бир қисметінде айланиб кетганди. Пойтахти Қиёт (Кат) шаҳри бұлған Жанубии Хоразм Чигатай улусыға қушиб юборылғанди. Мұнұл ҳукмлорлари Хитой билан Үрта Ер деңгизи мамлакатлари уртасындағы карвон савдосини ривожлантиришни рағбатлантириб турарди. Бирок бу савдо-сотиқдан келадиган фойда ички ихтилофлар туғайли Урта Осиёға әмас, Олтин Үрдатаға гетарди. Күпгина карвонлар Мовароунағрни четлаб утиб, Каспий деңгизининг шимоли бүйлаб, түпна-түри Волтага чиқар, у ердан эса Қора деңгизге етиб борарди. Ана шу шимол йүйидеги мұхим қысмет бұлған Хоразм мұғул босқинидан тезгина узига келиб, минтақавий ва қытъалараро савдо-сотиқ алмашинуvida үзининг мұхим воситашилик вазифасини үтәй бошлади. Иби Баттута XIII асрнинг уттизинчи йилларидаги пойтахти шаҳар Гурганжнинг таъриф-тавсифини көлтирганди. Үшанды Шимолий Хоразм Олтин Үрда хони Үзбекхон таъсирiga түшиб қолған эди ва шу хон номидан иш күрган құдратли амир томонидан идора қилинарди. Баттутанинг гапларига қараладиган бұлса, бу шаҳар түркійларнинг эң катта, эңг улуғ, эңг ғұзат ва эңг мұхим кенти булыб, сайёх ахолининг зич жойлашғанligидан, бозорларнинг гавжумлигидан ҳайрат бармоғини тишилаган. «Бир куни, — деб ёзған эди у, — мен отда кетаётіб, бозордаги оломон куршонида қолдым, на орқага, на олдинга юра олдым...»

Араб сайёхининг Гурганжни бунчалар күкларга кутариб мақташига, шубҳасиз, шаҳарға камбаға ҳолища келиб, уни бағавлат киши сифатида тарқ этгани, шунингдек, унинг Құтлуг амир даргоғынға ғоятда манфаатлы ташрифи сабаб бұлғандир. Амир ипак гиламда ёнбошлаб ётар, унинг оёқлари ураб қүйилғанди, чунки у түркійлар уртасыда кенг тарқатған никерис хасталигидан азоб чекарди. Иби Баттута шундағы ёзали: «Хонтахташтарға овланған паррандалар гүшти, турналар гүшти, ёш кабутарлар гүшти (буларнинг ҳаммаси қовурилған эди) олиб кириши (Амударё тұқайларыда ёввойи паррандалар се-

роб), қатлама, ширин кулчалар, шакарга беланган мевалар келтирилди. Шундан сўнг мева-чевалар, анорлар, ажойиб қовуналар билан бирга таомлар тортилди. Биз мадрасага қайтганимиздан сўнг, амир бизга гуруч, ун, кўй, ёғ, дориворлар ва бир арава ўтин юборипти. Овруполик сайёҳлар Гурганжни одамнинг жонидан бошқа ҳамма нарсани топиш мумкин бўлган савдо-сотиқ маркази сифатида эътироф этандилар. Шаҳар мусулмончилик илм-фани ва диншунослик маркази сифатида ҳамон мусаввирлар ва хаттотларни ўзига чорлаб турарди. XIV аср бошларида бу ерда кўпгина чиройли бинолар кад ростлаганди.

XIV асрнинг иккинчи ярмига келиб, исёнлар натижасида Олтин Ўрда ҳам Чигатой улуси сингари заифлашди. Ана шу узгаришлар оқибати улароқ, Хоразмда Сүфийлар сулоласи ҳукмронлиги остида мустақил давлат барпо этилди. Сулола асосчиси хон Ҳусайн Сўфий Шимолий Хоразмнинг Жанубий Хоразм билан бирлашувига эришиб, кучли мудофааланган Қиёт шаҳри ва Хивани босиб олди.

Бироқ Темур бутун Чигатой улуси меросига даъво қилаётганди. Бундан ташқари, Сўфийлар фақат хавфли сиёсий ракиблар бўлибгина қолмасдан, улар Мовароуннахри карвон савдо-сотигидан тушадиган ҳамма фойдалардан маҳрум ҳам қилмоқчи эдилар. 1372 йили Темур Ҳусайн Сўфийга элчи юбориб, Хоразмнинг жанубий музофотларини қайтариб беришни талаб қилди. Афтидан, элчи бу қадар адоват билан қилинган талабга кутилган жавобни олганди: Сўфий қилич кучи билан қўлга киритилган мулк фақат қилич кучи билан қўлдан чиқарилиши мумкин, деб айтганди. Темур бу даъватни бажонидил қабул қилди. У дарров қушин тўплади, инъом-эҳсон улашди, шоҳона ширкор утказди, кўплаб совға-салом келтирган элчиларни қабул қилди. Узининг қариндоши амир Сайфиддинни Самарқандни ҳимоя қилиш, давлат ишларини бошқариш учун ўз ўрнида қолдириб, юришга отланди. Темур лашкари Қоракумни жадал босиб утди, қаттиқ қаршилик курсатган Қиёт шаҳрини шиддатли ҳужум билан эгаллади. Қиётлик эркаклар қириб ташланди, хотин-қизлар ва болалар қулга айлантирилди, шаҳар талон-торож қилинди. Зарур даражада мардлик намуналари курсатмагани учун Темур лашкарбошиси Чингизхоннинг ёсо қонунига мувофиқ саваланди, эшак думига boglaniб, Самарқандга жўнатилди.

Қиётнинг қўллан кетиши Ҳусайн Сўфийни Темур билан муроса қилишга мажбур этди. Бироқ Темурнинг саркардала-ридан бири, Балхда Соҳибқироннинг рақиби амир Ҳусайнни ўлдириган, лекин курсатган хизматларини Темур томонидан муносиб даражада қадрланмаган, деб ҳисоблаган Кайхусрав

Мұғалистондаги жетіларға қарши шарққа қүшин юбориши баробарда Темур Амударёнің құйы оқимінде жойлашған Хоразмдаги Сұфилар сулоласыға қарши мұхораба ҳам бошлаб юборғанды. Кейінгі ҳарбий маърқака натижасыда йирик сиссій на ҳарбий оқибатлар келиб чиқды.

Чингизхон Мұхаммад Хоразмшох ҳукмронлик қылған Хоразмни затт әтганида, мазкур салтанат иккі қысметте — шимолий Хоразм ва жанубий Хоразмга булиніб кетганды. Пойтахти обод шаҳар — Гурганж бұлған Шимолий Хоразм Жүхій улусынға кирилтілған, кейінчалик Олттың Үрданынға бир қысметте айланып кетганды. Пойтахты Қиёт (Каг) шаҳри бұлған Жанубий Хоразм Чигатай улусынға құшиб юборылғанды. Мұнда ҳукмлорлары Хитон билан Үрта Ер деңгизи мамлакатлары уртасындағы карвон савдосини ривожлантиришни рәғбәләнтириб тұрады. Бирок, бу савдо-сотиқдан келділгап фойда ичкі ихтилофлар туғайлы Үрта Осиёға әмас, Олттың Үрдагаға гетарди. Күпгина карвонлар Мовароуннаұрни четлаб үтиб. Каспий деңгизининг шимоли бүліл, тұппа-тұғры Волгага чиқар, у ердан еса Қора деңгизге етиб борарди. Ана шу шимол Ыўлидаги мұхым қысмет бұлған Хоразм мұғул босқинненде гезгина узига келиб, минтақавий ва қытъялараро савдо-сотиқ алмашинында узининг мұхым воситачилик вазифасини утай бошлады. Ибн Баттута XIII асрнинг уттисинчи ғилемдердегі пойтахт шаҳар Гурганжнинг таъриф-тавсифине көлтирганды. Үшанды Шимолий Хоразм Олттың Үрда хони Үзбекхон гәсінрига түшиб қолған әди ва шу хон номидан иш күрган құдаратли амир томонидан идора қилинарди. Баттутаниң гапларында қараладын бұлса, бу шаҳар түркійларнинг әнг катта, әнг улуғ, әнг гузат ва әнг мұхым кенти булиб, сайхе ақолининг зич жойлашынғынан, бозорларнинг гавжумлигидан әнірет бармогини тишилдеган. •Бир күні, — деб ёзған әди у, — мен отда кетаётіб, бозордаты оломон құршовида қолдым, на орқага, на олдинга юра олдим....•

Араб сайдендердегі Гурганжны бүнчалар құқыларға күтариб мақташига, шубҳасыз, шаҳарға камбағал қолыча келиб, уни бақалат киши сифатында тарқ әтганды, шунингдек, уннан Күттүлүг амир даргохига ғоятта манфаатлы ташрифи сабаб бұлғанды. Амир ипак гиламда ёнбошлаб ётар, уннан осеклары ураб қүйілғанды, чунки у түркійлар уртасында көнт тарқалған никерис қасталығынан азоб чекарди. Ибн Баттута шундай сезади: «Хонтахташтарға оқланған паррандалар гүшти, турналар гүшти, ёш кабутарлар гүшти (буларнинг ҳаммаси қовурилған әди) олиб киришди (Амударे туқайларыла еввойи паррандалар се-

роб), қатлама, ширин күлчалар, шакарға беланған мевалар иелтирилди. Шундан сүңг мева-чевалар, анорлар, ажайиб қовуулар билан бирга таомлар тортилди. Биз мадрасага қайтганимиздан сүңг, амир бизга гүрүч, ун, құй, ёғ, дориворлар ва бир арава үтін юборипти». Овруполик сайдендер Гурганжнинг жонидан бошқа ҳамма нарсаны топиш мүмкін бұлған савдо-сотиқ маркази сифатыда зәтироф этандилар. Шаҳар мусулмончилик илм-фани ва диншүнослик марказы сифатыда ҳамон мусавиirlар ва хаттотларни үзига чорлаб тұрады. XIV аср болшарыда бу ерда күпгина чиройли бинолар қал ростлаганды.

XIV асрнинг иккінчи ярмуга келиб, исенлар натижасыда Олттың Үрда ҳам Чигатай улусы сингары заифлашды. Ана шу үзгаришлар оқибаты үлароқ, Хоразмда Сұфийлар сулоласы ҳукмронлигі остида мустақіл давлат барпо этилди. Сулола асосчиси хон Ҳусайн Сұфий Шимолий Хоразмнинг Жанубий Хоразм билан бирлашувига әришиб, кучли мудофааланған Қиёт шаҳри ва Хивани босиб олди.

Бирок Темур бутун Чигатай улусы меросига дағыво қилаётганды. Бундан ташқары, Сұфийлар фақат қавфли сиесій рақиблар бұйларына қолмасдан, улар Мовароуннаұрни карвон савдо-сотиғыдан тушадын ҳамма фойдалардан маҳрум ҳам қылмоқчы әдилар. 1372 йили Темур Ҳусайн Сұфийдегі элчи юбориб, Хоразмнинг жанубий музофотларини қайтарып берішні талаб қылды. Афтидан, элчи бу қадар аловат билан қилинганды талабға күтілған жағобни олғанды: Сұфий қилич кучи билан құлға кирилтілген мұлк фақат қылыш кучи билан құлдан чиқарылыш мүмкін, деб айтганды. Темур бу дағыттың бажонидил қабул қылды. У дарров қүшин тұплады, инъом-әхсон улашды, шоқона шикор үткәзді, күплаб совға-салом көлтирган злчиларни қабул қылды. Үзининг қариндоши амир Сайдидинни Самарқандың ҳимоя қылыш, давлат ишларини бошқарып учун үз үрніда қолдирған, юришга отланды. Темур лашкари Қоракумни жадал босиб үтди, қаттық қаршилик құрсаған Қиёт шаҳрини шиддатлы үхүм билан әгаллады. Қиёттік әрқаклар қыриб ташланды, хотин-қызылар ва болалар құлға айланып кетті, шаҳар талон-торож қилинди. Зарур даражада мәрдлік намуналари курсатмаганы учун Темур лашкарбоши Чингизхоннинг ёсо қонуныңа мұвоғиқ саваланды, эшак думига боғланиб, Самарқандға жүнатылды.

Қиёттің құлдан кетиши Ҳусайн Сұфийні Темур билан муроса қылышта мажбур этилди. Бирок Темурнинг саркардарапидан бири, Балхда Сохібқироннинг рақиби амир Ҳусайнни үлдірган, лекін күрсатған хизматларини Темур томонидан мұносиб даражада қадрланмаган, деб қисоблаган Кайхусрав

Хоразм хонини курашни давом эттиришга күнлиаркан. Ганинг ҳал этувчи лаҳзаларида унга ёрдам беринш хусусида жада қилди. Содадил Сүфий Темурга қарши жанг қилди. Таклирнинг найрангини қарангки, ваъла қилинган ёрдам етиб келмади ва хон шаҳар аркida яширинишга мажбур булди. Орадан кўп ўтмай, Сүфий ранж-аламда, вижлон қийногида вифот этди. Тахтни унинг иниси Юсуф Сүфий эгаётади. У Темурга таслим бўлиб, ярашиш белгиси сифатида отаси Ҳусайннинг қизи – жияни Хонзодани Темурнинг ўғли Жаҳонгирга хотин қилиб узатишга рози булди. Малика Олтин Үрда хони Ўзбекхоннинг набираси эди, бинобарин, у Чигатойлар хонадонининг меросхўри бўлишдан ташқари, ўзининг гўзаллиги билан бутун мўгул оламида ном қозонганди.

Сулҳ шартлари имзолангач, Темур ўз қўшини билан Самарқандга қайтиб келди. Кайхусрав ҳибсга олиниб, иши ҳарбий судга оширилди. Унинг хазинаси мўгул удумига кура, тақсимланди, узи эса Балх амири Ҳусайннинг қариндошлари томонидан қонли интиқом қонунига кура, ўлдирилди.

Юсуф Сүфий битимни бузди. У яна бир марта Қиётни босиб олди, қушни қишлоқларни талон-тарож қилди, соҳибжамол малика Хонзодани шаҳзода Жаҳонгирга узатишдан бош тортиди. Натижада, 1373 йилнинг баҳорида Темур унга қарши иккинчи марта қўшин тортишга мажбур булди. Темур аскарлари отлари туёғидан кўтарилган чанг-тӯзонни курган Юсуф Сүфий дарҳол тавба-тазарру қилиб, авф суради. Унинг қилган гуноҳи кечирилди, лекин Хонзода билан Жаҳонгирнинг никоҳ тўйи ўтказилиши шарт қилиб қўйилди. Маликани муносиб тарзда узатиб борувчилар ҳозирлик куриб бўлдилар, соҳибжамол, мўгул гузалларининг гузали Хонзода Хоразмдан хазиналар ортилган карвон билан йўлга тушди. Карвонга тожлар, қимматбаҳо камарлар, тилла тахт, бриллиантлар, қимматбаҳо ва тилла буюмларга лиқ тўла сандиқлар, қоқма қирмизи гиламлар, музайян, юмшоқ нимкатлар, шомиёналар, ўтовлар ва чодирлар ортилганди. Солномачиларнин гувоҳлик беришича, ҳаво муаттар ҳидлар билан тўйинган, ер гул-чечакларга кўмилган эди.

Амалга оширилган икки юриш Жанубий Хоразмни Темур давлати билан бирлаштириб. Чигатой улусининг икки муҳим қисмини бир-бири билан қўшиб юборди.

1375 йили Темур жети қабилаларига қарши юриш тараддуни билан банд булди. Унинг ўғли, отасига уҳшаб мўгул маликасига уйланган ва Курагон унвонига сазовор бўлган Жаҳонгир Мўғулистонга қарши юборилган қўшинларнинг манглайи (авангарди)га олдиндан қўмондон қилиб тайинланган бўлса-да, бетоблиги сабабли Самарқандда қолдирил-

ганди. Темур бу юришдан қайтганида, уни Самарқанднинг барча аъенлари қора ва күк либос кийиб, бошларидан тупроқ сочиб, кўксиларига муштлаб, фарёд билан кутиб олди-лар. Улар оҳ-воҳ қилиб, нола чекиб, Темурнинг суюклиси — тўнғич ўғли Жаҳонгирга аза гутмоқда элилар. Жаҳонгир эндиғина йигирма ёшга кирганди. Унинг матика Хонзода^{тоз} тугилган Мұхаммад Султон исемли ўғли қолганди. Соҳибқирон ана шу набираси Мұхаммад Султонга алоҳида меҳр қўйган, пировард-натижада уни ўзининг вориси деб эълон қилганди. Жаҳонгирнинг иккинчи хогинидан туғилган иккинчи уни Пирмуҳаммад отасининг ғафотидан қирқ кун ўтга, луниёга келганди.

Темур бу ногаёнин жудоликдан узоқ вақт ўзига келолмади. Жаҳонгирнинг устози амир Сайфиддин Барлос шунчалар қайгурудики. у узининг лавозимини ташлаб, Маккан мукаррамага ҳаж қилиш учун рухсат суради. Хонзода, мұғул удумига кура, Темурнинг учинчи ўғли Мироншоҳга хотин бўлиб тушди.

Орадан кўп утмай, 1379 йили Юсуф Суфий яна исен кутарди. Темур энди узил-кесил унинг алабини бериб қумоқчи булди. Гурганж қамал қилинди. Темур жанғичлари ҳар тонгда жанговар наъра торғанларича, шаҳар деңорларига ҳамда қилишар, аммо қаттиқ қаршиликка учраб, ортларига чекинишга мажбур булишарди. Ана шунда Темур теварак-атроғидаги қишлоқларни талон-торож қилиш кусусида фармон берди. Адоли узларининг қизларини, кулларини, отларини, түяларини ва қўйларини беришта мажбур булли. Хуноби чиққан Юсуф Темур билан яkkама-якка жангда ўз тақдирини синаб куришга қарор қилди. У шаҳар девори устида туриб, шундай деб бақири: «Нечун дунё фақат икки кишини деб бузилиб, кунпаяқун бўлмоғи керак? Нечун ургамиздаги низо касоғатига минг-минглаб мўмин мусулмоқлар қирилиб кетиши керак? Ундан кура очиқ майдонда, яkkама-якка жангда богирлигимизни намойиш қилганилигимиз яхши эмасми?!» Темур Юсуфнинг даъватини қабул қилди. У узининг енгил силоҳсовуларини келтиришни буюрди, қилич ва қалқон олиб, деворни қуршаб турган зовур сари от қўйди. Амирлар ва қабила бошлиқлари уни бу йулдан қайтаришта хун уринишиди: на орномус, на ақл-идроқ бундай ишга журъат этиш, ҳаётни қил устига қўйиш яхши эмаслигини уқтиришиди. Маккан мукаррама зиёратидан қайтган кекса амир Сайфиддин Барлос Соҳибқироннинг оти юганига ёпишиб, уни тұхтатиб қолмоқчи булиб, деди: «Агар подшоҳ аъзамнинг узлари яkkама-якка жанг қилишини лозим топибди эканлар, у ҳолда қушинлари сафи-даги довюрак муҳориблардан на фойда?» Темур унинг боши

узра қилич күфариб, оти жиловини бушатиб олди. Зовур ёқасига етиб келган Темур: «Юсуф билан яkkама-якка жанг қилишга тайёрмен!» — деб қичқирди. Бироқ рақиби куриниш бермади. Темур рақибини яна ва яна жангга чорлаб, арслон изидан, йигит сўзидан қайтмаслигини эслатди. Бироқ Юсуф ор-номусдан кўра шармандали ҳаётни афзал кўрди. Темур душманини узоқ кута-кута, қароргоҳига қайтди. Аскарлар Соҳибқироннинг жасоратига таҳсиллар айтиб, унга ҳамду санолар ўқидилар.

Шундан сўнг орадан кўп утмай, Темурга Термиздан эртапишар қовунлар олиб келдилар. Темур қушин билан баҳам кўрмасдан қовунхўрлик қилишни одобдан эмас, деб ҳисоблаб, тилла лаганга бир неча қовун қўйиб, бундай неъматни тановул қилиш баҳтидан маҳрум бўлган Юсуф Суфийга элтиб бериш хусусида соқчиларга фармойиш берди. Хон Юсуф совғани қадрламади: қовунлар шу заҳоти зовурга улоқтирилди.

Гурганжга ҳужум қилиниб, манжаниқлар ва қоруралар ишга солинди. Амалда шаҳар бир кундаёқ яксон этилди. Юсуф қаёққадир қочмоғи лозим эди. Бироқ шаҳар қаршилик кўрса-тишда давом этаверди. Қамал уч ойдан зиёд муддат давом этиди. Юсуф акаси сингари кутилмагандан бандаликни бажо келтирди. Охирги томчи қони қолгунча курашган мағрур шаҳарликлар бошланган умумий қаттиқ ҳужум натижасида мағлуб бўлдилар. Мисли кўрилмаган хазина қулга киритилди. Олимлар ва мусаввирлар Темур туғилган шаҳар — Шаҳрисабзининг донгини дунёга таратиш учун жунатилдилар. Улар орасида, замондошлари берган гувоҳликка қараганда, «дунёдаги энг етуқ аллома, инсон зоти орасида олимлик намунаси» бўлган Саъдиддин Мъясуд ибн Умар ат-Тафтазоний ҳам бор эди. Айтишларича, у үн олти ёшида араб сарфу наҳви буйича шарҳ ёзган экан. Дастреб Темур унинг ўзи туғилиб-усган Хуросонга боришига ижозат берганди, бироқ унинг буюк аллома эканлигидан воқиф бўлгач, Самарқандга жунатди. Шу ерда Тафтазоний улуғ олим сифатида шон-шуҳратга бурканиб яшади.

Орадан үн йил утиб, Шоҳ Сулаймон Суфий ҳукмдорлиги даврида Олтин Ўрда хони Тұхтамишнинг гиж-гижлатиши натижасида Хоразмда яна ғалаён кутарилди. Қаҳр-газабга тўлган Темур 1388-балиқ йилида янги юришга отланди. Бу — Хоразмга қилинган сўнгги босқин эди. Темур Гуржанжни ишғол қилди. Суфийлар сулоласи таг-томири билан йўқ қилиб ташланди. Шаҳар узил-кесил кунпаяқун бўлди. Гурганж үн кун давомида батамом вайрон этилиб, бутун шаҳар буйича биргина масжид ва унинг мезаналаригина омон қолди. Темур қачонлардир гўзал шаҳар жойлашган бу ерга арпа экиш ҳақида

бүйрүк берди. Гурганж ҳақи — ҳунармандлар ва косиблар, мусаввирлар ва хаттотлар Самарқандга жүнатилди. Бу ерда шаҳарни бөзатиши ишларида уларнинг санъатидан фойдаланилди.

Мұғалистон ва Хоразм устидан қозонилған ғалаба Темурнинг Чигатой меросига бұлған дағыосини тасдиқлади. Гарчи Мовароуннахр ва Мұғалистоннинг бирлигини тиклашга ҳеч қачон муваффақ булинған бұлмаса-да, Чигатойнинг Ўрта Осиёдеги мұлқлари ягона ҳоқимият құли остида бирлаштирилғанди. Бу карвон йүлларига ҳукмронлик қилишда хавфли рақиб пайло булған эди. Гурганж бозорлари орқали утаётган карвонлар оқими Энди күн сайин күч туплаётганды. Темур салтанатининг юраги — Самарқандга йўл ола бошлади. Гарчи орадан күп утмай, Темур Гурганж маҳаллаларидан бирини қайта тиклашга рухсат берган бұлса-да, бу минтақа үзининг аввали аҳамиятини ҳеч қачон қайта тиклай олмады. Бу вайронагарчиллик урушидан кейин орадан күп утмай, Ўзбой дарёси үзанини бузиб юборган Амударё Қаспий деңгизига қараб оқа бошлади. Энди унинг сувлари Орол деңгизига тушмай қуиди. «Уруш мамлакатни ҳароб этгач, одамлар тұғонни сақтай олмадилар, сугориш ишларини давом эттиришдан ожиз қолдилар. Амударё ҳамма ёқни бузиб, Ўзбой орқали оқа бошлади». Милодий IV асрда хұнлар бостириб кирганица, XIII асрда (Чингизхон бостириб кирганица) кейин) ва XIV аср охирида (Темур юришларидан сүнг) бу ердаги ақвол ана шундай эди⁶.

Киролича Елизаветанинг деңгиз капитани ва тожири Энтони Женкинсон (Эхтимол, у Ўрта Осиёни биринчи марта күрган биринчи инглиз эди) XV асрда Гурганжда иккى марта бұлғанды. Бу ердаги вайронгарчилкларга қарамасдан, шаҳар ҳамон карвонлар тұхтаб утадыған маскан сифатида хизмат қылмоқда эди. Бу ерда бож солиқлари ҳар бир одам боши, түява от сонига қараб олинарди. У «вайрон этилған ва тартибсиз равишида нароканда булып ётған пахса деворлар ва пахса иншоотлар» ҳақида арзгүйлик қылған эди. У «уларнинг бозори вазифасини бажарувчи «усти ёпиқ узун бир күча» ҳақида ёзғанды. «Илгари, — деб ёзали у, — Хоразмдан чиққан сайдеңдер гурухы Кримга қадар ҳеч құрқасдан сағар қилишлари мүмкін эди. Сағар мұхлати хавф-хатардан холи ҳолда уч ой давом этарди... Бироқ Энди бу жойлар орқали утадыған Хоразмдан Кримгача бұлған йүлда на одамларни, на савдогарларни учратасиз. У ерда Энди Қимир эттан жон зотининг узи йўқ эди, ҳеч ким ҳеч ерда ҳордиқ чиқармасди, бирон-бир бино курилмасди; нукул ғизолларни ва түяларни учратасиз».

XIV аср 70- йиллари охирига келиб, Соҳибқирон Чигатойнинг Ўрта Осиёдеги мұлқлари соҳиби булып қолди.

узра қылыш күбәриб, оти жиловини бүшатиб олди. Зовур ёқасига етиб келган Темур: «Юсуф билан яккама-якка жанг қилишга тайёрмен!» — деб қичқирди. Бироқ рақиби күрениш бермади. Темур рақибини яна ва яна жангга чорлаб, арслон изидан, йигит сүзидан қайтмаслигини эслатди. Бироқ Юсуф орномусдан күра шармандали ҳәётни афзал күрди. Темур душманини узоқ кута-кута, қароргохига қайтди. Аскарлар Соҳибқроннинг жасоратига таҳсиллар айтиб, унга ҳамду санолар уқидилар.

Шундан сўнг орадан кўп ўтмай, Темурга Термиздан эртапишар қовуналар олиб келдилар. Темур қўшин билан баҳам кўрмасдан қовунхўрлик қилишини одобдан эмас, деб ҳисоблаб, тилла лаганга бир неча қовун қўйиб, бундай неъматни тановул қилиш баҳтидан маҳрум бўлган Юсуф Сўфийга эттиб бериш хусусида соқчиларга фармойиш берди. Хон Юсуф совғани қадрламади: қовуналар шу заҳоти зовурга улоқтирилди.

Гурганжга ҳужум қилиниб, манжаничлар ва қоруралар ишга солинди. Амалда шаҳар бир кундаёқ яксон этилди. Юсуф қаёққадир қочмоғи лозим эди. Бироқ шаҳар қаршилик кўрса-тишда давом этаверди. Қамал уч ойдан зиёд муддат давом этиди. Юсуф акаси сингари кутилмагандага бандаликни бажо келтириди. Охирги томчи қони қолгунча курашган мағрур шаҳарликлар бошланган умумий қаттиқ ҳужум натижасида мағлуб бўлдилар. Мисли қўрилмаган ҳазина қўлга киритилди. Олимлар ва мусавиirlар Темур туғилган шаҳар — Шаҳрисабзининг донгини дунёга таратиш учун жунатилдилар. Улар орасида, замондошлари берган гувоҳликка қараганда, «дунёдаги энг етук аллома, инсон зоти орасида олимлик намунаси» бўлган Саъдиддин Маъсуд ибн Умар ат-Тафтазоний ҳам бор эди. Айтишларича, у ўн олти ёшида араб сарфу наҳви бўйича шарҳ ёзган экан. Дастрлаб Темур унинг ўзи туғилиб-усган Хуросонга боришига ижозат берганди, бироқ унинг буюк аллома эканлитидан воқиф бўлгач, Самарқандга жунатди. Шу ерда Тафтазоний улуф олим сифатида шон-шуҳратга бурканиб яшади.

Орадан ўн йил утиб, Шоҳ Сулаймон Сўфий ҳукмдорлиги даврида Олтин Урда хони Тұхтамишнинг гиж-гижлатиши натижасида Хоразмда яна ғалаён кутарилди. Қаҳр-ғазабга тулган Темур 1388-балиқ йилида янги юришга отланди. Бу — Хоразмга қилинган сунгги босқин эди. Темур Гурганжни ишғол қилди. Сўфийлар сулоласи таг-томири билан йўқ қилиб ташланди. Шаҳар узил-кесил кунпаякун бўлди. Гурганж ўн кун давомида батамон вайрон этилиб, бутун шаҳар бўйича биргина масжид ва унинг мезаналаригина омон қолди. Темур қаҷонлардир гузал шаҳар жойлашган бу ерга арпа экиш ҳақида

90

бўйруқ берди. Гурганж ҳатқи — ҳунармандлар ва косиблар, мусавиirlар ва хаттоллар Самарқандга жўнатилди. Бу ерда шаҳарни безатиш ишларида уларнинг санъатидан фойдаланилди.

Муғалистон ва Хоразм устидан қозонилган ғалаба Темурнинг Чигатой меросига бўлган даъвосини тасдиқлади. Гарчи Мовароуннаҳр ва Муғалистоннинг бирлигини тикилаша ҳеч қачон муваффақ бўлинган бўлмаса-да, Чигатоининг ўрта Осиёдаги мулклари ягона ҳокимият қўли остида бирлаштирилганди. Бу карвон йўлларига ҳукмронлик қилишда хавфли рақиб пайло бўлган эди. Гурганж бозорлари орқали ўтаётган карвонлар оқими энли кун сайин куч туплаётган Темур салтанатининг юраги — Самарқандга йўл ола бошлади. Гарчи орадан кўп ўтмай, Темур Гурганж маҳаллаларидан бирини қайта тикилаша рухсат берган бўлса-да, бу минтақа узининг аввалиг ҳаммиятини ҳеч қанон қайта тикилай олмади. Бу вайронагарчиллик урушидан кейин орадан кўп ўтмай. Ўзбой дарёси узанини бузиб юборган Амударё Каспий дengизига қараб оқа бошлади. Энди унинг сувлари Орол дengизига тушмай қўйди. «Уруш мамлакатни хароб этгач, одамлар тубонни сақлай олмадилар, сугориш ишларини давом эттиришдан охиз қолдилар. Амударё ҳамма ёқни бузиб, Ўзбой орқали оқа бошлади». Милодий IV асрда хунлар бостириб кирганди, XIII асрда (Чингизхон бостириб кирганидан кейин) ва XIV аср охирида (Темур юришларидан сунг) бу ердаги аҳвол ана шундай эди⁶.

Киролича Елизаветанинг дengиз капитани ва тожири Энтони Женкинсон (эҳтимол, у Ўрта Осиёни биринчи марта кўрган биринчи инглиз эди) XV асрда Гурганжда иккى марта кўрган биринчи инглиз эди. У «вайрон этилган ва тартибсиз равишида пароканда булиб ётган пахса деворлар ва пахса иншоотлар» ҳақида арзгуйлик қилган эди. У «уларнинг бозори вазифасини бажарувчи «усти ёпиқ узун бир куч» ҳақида ёзанди. «Илгари, — деб ёзали у, — Хоразмдан чиққан сайёҳлар гурухи Кримга қадар ҳеч қурқмасдан сафар қилишлари мумкин эди. Сафар мұхлати хавф-хатардан ҳоли ҳолда уч ой давом этарди... Бироқ энди бу жойлар орқали утадиган Хоразмдан Кримгача бўлган йўлда на одамларни, на савдогарларни учратасиз. У ерда энди қимир этган жон зотининг ўзи йўқ эди, ҳеч ким ҳеч ерда ҳордиқ чиқармасди, бирон-бир бино курилмасди; нукул гизолларни ва туйларни учратасиз».

XIV аср 70- йиллари охирига келиб, Соҳибқирон Чигатоининг Ўрта Осиёдаги мулклари соҳиби бўлиб қолди.

91

VI боб

ҲАЛОКУНИНГ ТОЖИ ВА ЭРОНГА ҚАРШИ УЧ ЙИЛЛИК ЮРИШ

1380-Маймун үши — 1388-Балиқ үши

1227 йили Чингизхон вафот этгандан кейин ҳам мұғулларнинг Ўрта Осиёни истило қилиши барҳам топмади.

Орадан йигирма йил утиб, Муғалистондан Ҳалоку күмөндөнлиги остида жуда катта миқдордаги қүшинлар Эронни бўйсундириш мақсадида олға қараб силжиди. «Бу қурқинчли хабардан тоғларда зилзила бошланди, подшоларнинг юраги ларзага тушди»¹. Ҳарбий юришга, одатдагидек, пухта тайёргарлик курилганди. Улуғ хон Мункенинг шарқий ва гарбий қўшинларидағи ҳар ун жангчининг иккитаси Боту ва Чигатой туманларидан юборилган Ҳалоку лашкарларига қўшилди. Юриш қилиш эҳтимол тутилган йуллар ёқасидаги яйловларни ҳозирлаб қўйиш учун бир мавсум аввал әлчилар юборилганди. «Туркистондан Хурсонгача, то Рум (Кичик Осиё) ва Гуржистонга қадар барча мамлакатларда утлоқлар қатағон қилинган тоифага киритилди: «Ҳеч ким яйловдаги майсага яқинлашмаслиги керак эди»². Амирлар ва маҳаллий ҳоқимлар жангчиларни озуқа билан таъминлаш учун масъул қилинди-лар. Манжаниқлар, қоруралар, ёнувчи ўқ отадиган курилмаларни ўрнатиш учун қамал қилиш ишларида моҳир булган минг-минглаб хитойлик муҳандислар қўшинларга ҳамроҳ бўлдилар.

Орадан бир аср утиб, Темур ана шу муҳорабанинг тарихи, унинг ижобий оқибатлари ва Ҳалоку томонидан асос солинган мұғул подшолигининг шундан кейинги инқирози билан яхши танишган эди.

1253 йилнинг кузида юришни бошлаган Ҳалоку ҳеч қандай расмий қабуллар ва маросимларсиз, ошиқмасдан, мұғулларнинг Осиёдаги мулкларини босиб утди. Чигатойнинг Ўрта Осиёдаги мулкларида унинг келиши бир қатор тантаналар билан нишонланди, унга каттагина қүшин берилди. Ҳалоку Еттисув музофотига етганида Чигатой улуси ноibi Ўркина уни шовқин-суронли байрамлар билан қутлади¹. Ўрта Осиё бўйлаб юрган Ҳалокуга Маъсудбекнинг вазирлари, Мовароуннаҳрнинг амирлари ҳамроҳлик қилдилар. Улар Мовароуннаҳрнинг тоғли яйловларида ёзни ўтказиши, фақат «шафқатсиз иссиқ пасайғанда•гина яна юришни давом эттиришиди. 1255 йилнинг кузида улар Самарқанд яқинидаги Конигил яйловларига етиб келиб жойлашишгандилар. Шу ерда Маъсуд-

бек «зарбоф ва ипак газламалардан тикилған, усти оқ кигиз билан қопланған чолир үрнатди, улар қариіб қирқ кунни шундай құшничиликда муттасил зиёфат ва яхши муносабатда үтказиши»⁴. Орадан бир ярым аср утиб, Темур тескари йұналиша. Хитой юришига отланар экан, Конигилла худи шундай байрам үтказғанди.

Шундан сүнг улар Темурнинг Ватани — Шаҳрисабзда тұхташғанди. Бу ерла Ҳалоку Ҳурносон музофотидаги амадорларни ва уларнинг совға-саломларини қабул қылыш билан яна бир ойни үтказғанди. Кейин юришни давом эттириш ва улкан калтакесаклар, йўлбарслар яшайдиган Амударёдан кечиб утиш учун довуллар чалинди. (Вахш ва Панж қушилиб, Амударёни ҳосил құлувчи субтропик водийларда ҳамон йўлбарслар учрайди. Бу ерда — Полвонтуқайда — табиатни муҳофаза қилиш учун Совет Давлат қуриқхонаси барпо этилған). Амударс Мовароуннаұрнинг туркий тилда ғапиравчы халқлар билан форс тилида сұзлашувчи халқ уртасидаги чегара вазифасини бажаарди. Бу ерда олий мақом меҳмонлар учун йўлбарс ови ташкил этилди. Қўшинлар одатдагидек ов доираси вужудга келтириши, бироқ отлар йўлбарслардан ҳуркканлиги сабабли, бақтрияликларнинг туялари эгарланди. Натижада «ўнта ёввойи йўлбарс қопларга жойланди»⁴.

1256 йилнинг бошларыда Ҳалоку Амударёдан утиб, уша йили ёқ мұгулларнинг ҳар бир ҳужумига қаршилик курсатған жангари исмоилийларни тор-мор көлтириди. Исмоилийлар (уларни қотиллар ҳам деб аташади) XI асрнинг иккinci ярмида мутаассиб мусулмон мазҳаби сифатида Ал-Ҳасан томонидан тузилған эди. Улар турли истеҳком масканларини босиб олдилар. Қаспий денгизидан жануброқдаги тоғларда жойлашған Аламут — «Бургутлар уяси» ана шу истеҳкомларнинг эң мұхими эди. Мазкур маҳфий ташкилотнинг иш услуги душманни үлдиришлан иборат бўлған. «Қотил» (асасин) истилоҳи арабча «хашшашун», яъни «наша» сұзидан олинган. Наша ташкилотнинг содиқ аъзосига унинг ҳис-ҳаяжонини қўзғаш учун берилған. (Бу мазҳабнинг бўлимларидан бири Оғаҳон раҳбарлиги остида XX асргача сақланиб қолган).

Ҳалокунинг Эрон бўйлаб ёйилиб кетган қўшинлари 1258 йили Бағдодни — тикка кесиб чиқилганида Қорақурумдан гарб томонда уч минг миля масофада жойлашған Бағдодни босиб олиб, уни талон-тарож қилди. Ўзининг бор-буд құдратини йўқотган Аббосийлар халифалиги яксон этилди. Қўлға тушган халифанинг үзини кигизга урашиб, уни жон таслим қилғунча савалашди. Айтишларича, мұғуллар шоҳлар қонини том маънода тўкишни исташмасмиш.

Яңи мұғул давлати вүжудің көлтирилди. Унинг таркибига гарбда Ироқ, жанубда Эрон ва Эроннинг шарқшагы Хуресон, шимолда Медея ерлари (хозирги Арманистан, Озарбайжон ва Гуржистоннинг бир қисми) киради. Булар юқори маданиятта эришгән вилоятлар зди. Бироқ шунга қарамасдан, Бағдардан кечираётганди. Дажла ва Фурот дарёлари қуий оқимида суғоришилардың үз қолига ташлаб құйилғанлығы сабабли мазкур мінтақа иқтисодиетидеги инқизорз янада чуқурлашғанды⁵.

Мұғул истилосининг Ўрга Осиё ва Farbий Осиёга келтирған вайронгарчылық оқибатлары қанчалар қаттың бүлганилиғи масаласы бақсайдыр. Барон де Бизон утган асрнинг биринчи ярмидә мұғуллар ҳақида гапириб, улар «гуллаб-яшнаган ерларни саҳрода айлантирган әнг ваҳший ҳалқларни ҳам шафқатсизликда ортда қолдирған», уларнинг ҳукуматини эса «бұзукликнинг танінассы зди», деб бақолаганды⁶. Шунингдек, XX асрда Э. Г. Броун ҳам «нафрлати ва жиркәнчли одатлар... хиенат қилишда орқа-унгига қараб үтирайдиган... қуланса ҳылдар анқиб түрған ертулалар қүренишларыға» ва мұғуллар құли остидеги хотин-қызыларнинг (улимдан ҳам баттар) тақдирита әзтиборни қаратди⁷. Лекин Эронда мұғуллар мамлекатнинг тижорат ва ишлаб чиқарыш жиҳатидан қайта тикланишини рағбатлантирилар.

Савдо ва савдо-сотиқ йүллари Эроннинг жанубий тұманларидан шимолий тұманларыға ёйила бошлади. Озарбайжон Ҳалоку томонидан босиб олинған әнг бадавлат музофот санааларди. Шу ерда мұғуллар маҳсулотларға сероб бүлған бозорларни, айниқса, тұқымачылық маҳсулотлары катта талабға зәға бүлған құнармандчылық саноатини топдилар. Каспий билан Кавказ оралығыда майсаларға бой үтлоқтар мавжуд зди. Шу ерда, орадан юз әззіллік йил үтиб, Темұр үзиннинг әнг яхши қишки құнимгоҳини топғанды. Шу ерда Түркістаннанға әнг гузал ва әнг йирик Табриз шаҳри Ҳалокулар салтанатининг пойтахти булды⁸.

Мұғуллар лаврида Эроннинг жанубий музофотлари ҳамон инқизорзни бошидан кечираётгандың бир вақтда, шимолий музофотлар ғуллаб-яшнастеган зди, зеро. Хуресон, Мовароуннахр ва Хитой орқали, шунингдек, Дарбанд орқали Хитойга, Волга соҳилларыға ва үнлан Олтин Үрда салтанатига борадиган йүл ана шу музофотлардан үтар зди. Маҳаллий ва қытъа бүйлаб ҳаракат оқими ортиши билан бу кейінгінде йүл үлкән аҳамият касб этди. Ҳар қаңондан ҳам жонланған алоқа натижасыда ҳам құруққылдан, ҳам денгиз орқали Яқин ва Узоқ Шарқ маданиятлары үртасыда узаро муносабат йүлгә қойылды. Ҳалокулар салтанатини бошдан-оёқ тинтиб юрувчи сонсиз-саноқ-

сиз солиқ йиғувчилар ва солиқ хизматчилариға қарамасдан, мұғуллар ҳукмронлиги даврида Эроннинг жанубий туманларини истисно қилинганды, шимолий музофотларида иқтисодий ва маданий тараққиётнинг янги даври бошланды. Бу ас-нода Табризда Константинополь ва Сурия, Қохира ва Дамашқ, Ҳиндистон ва Бағдоддан келган савдогарлар, әлчилар ҳамда зиёратчилар йиғилиб қолғанды.

Молларнинг турларига күра расталарга булинган Табриз бозори олинадиган ҳақлар ва божлардан салмоқлы даромад берарди; бу ерда мушк ва анбар, қимматбаҳо буюмлар ва шойи, тафтали газлама ва пахта, упа-элик, Ҳиндистондан келтирилған дориворлар ва Хитой ровоchlари сотиладиган расталар бор эди.

Муставфий 1340 йилда Табриздаги ва унинг чеккасида жойлашған икки даҳадаги ажайиб биноларнинг, дарё суви билан ҳамда бадавлат кишилар томонидан қурилған түққиз юздан ортиқ еости сув иншоотлари — коризлар билан суғориладиган бөг-роғларнинг таърифини келтирғанды. Табриз мевалари бағоят ажайиблиги устига, мұл-күл ва арzon эди, ҳалқы хушрүй, келишган бұлса-да, димоғдор, мақтанчоқ, дұст сифатида ишончни қозона олмайдиган эди. Бойлар ҳам, кам-бағаллар ҳам бир хилда үз ишлари билан банд бўлишар, маст-аласт одамлар «ұят нималигини билмайдиган сурбетлик билан сайр қилиб юришарди». 1341 йилда хазинага шаҳардан тушган даромад қарийб түққиз миллион динорни ташкил эт-ғанды.

Осиё қитъасини кесиб ўтадиган ҳаракат гавжумлашди, гарбға элтадиган йўллар ҳам жонланиб қолди. XIII асрда мұғул ҳукмронлиги Оврупога илгари, асосан, мусулмон давлати тасарруфида булған дориворлар ва бошқа шарқона маҳсулотлар билан савдо-сотиқ қилиш имконини берди. Генуя ва Венеция савдогарлари карvon марказларига ва уларнинг антиқа молларига эга булиш учун ўзларини Элхонлар деб атовчи янги ҳукмдорларга лаганбардорлик қила бошлашди. Шунингдек, Элхонларни насронийлар динига киритиш умидида булған католик папалар ҳам уларнинг күнглиғига йўл топишга интилардилар. Бошқа томондан, Элхонлар ўзларининг умумий душманлари — Мисрнинг мамлук сultonларига қарши курашда овруполик ҳукмдорлар билан иттифоқ тузишдан манфаатдор эдилар. Элхон Арғун (1284—1291 йиллар) худди шундай иттифоқ тузишни таклиф қилиб, насронийлик дини ҳукм сурған мамлакатларга әлчилар юборди. Унинг инглиз қироли Эдуард I саройига юборған элчиси Пекинда туғилған насроний уйғур булиб, у муқаддас қадамжоларни зиёрат құлувчи сифатида Левантта келғанды. Эдуард Элхондан совға тарика-

сила қафасга солинган қоплон олғанди⁹. Бу музокаралар, бундан юз үйлар кейин Темур билан ғарб мамлакатлари уртасыла шаддий душман усмоний түркларга қарши олиб борилган музокара синтари натижасын тұгади.

Халокулар салтанатининг иқтисодий ва маданий тараққындығы XIII аср олирида Қозонхон ҳукмдорлығы даврида эңг юксак чуққига кутарылди. Лекин у Ғарб давлатларини доғда қолдирған, яримойнін хоңдан ағзал билди ва дини исломни қабул еткізу мусулмончилікка үтгап бириңчи әлхоний болды. Үтрең ҳаёт бошланды. Қозонхон молия ислоҳоти утказып: форс, араб ва тибет тилларында ягона белги билан пул чықарди. Бу – кейинчалик Мовароуннахрда Кепакхон ғомонидан қабул қилингандык ягона пул бирлігі (кепаки) әди¹⁰. Кепакхон ерга ишлов беришни рағбаглантириб, деҳқондарни тинкани қуриғадынан солиқ йайғувчилар хуружидан асрашга тиришди. Ана шу лаврдан бошлаб, Табризда шаҳар ҳұснуга хол бұлғып түшгандык бинолар, шүнингдек, бебаҳо қимматтаға әга үшімдік, адабий ва тарихий асарлар яратыла бошлады.

Әлхон узининг вазири Рашилиддинга мүгүллар тарихини ёзиш ҳұсусыда топшириқ берди. Оғзаки ва ҳозирги пайтада йуқолиб кеттеган ёзма манбаларга асосланған болу асар мүгүлларнинг сиёсии ва ижтимоий ташкилотлари, дүнёнинг үмумиций тарихи, айниқса, ислом мамлакатлары ҳақидаги маъмурларның үз ичинде олған әди¹¹.

Қозонхондан кейин ички на ташқи курашлар натижасыда Халокулар салтанаты таназзулға юз тутди. Йирик заминдорлар сонининде үсиши, деҳқондар ва ҳукмрон синфлар уртасындағы зиддиятларнинде кескинлашув ҳоллари күзатылды. Бундан ташқары, Халоку мамлакатны идора қылған вақтдан бошлаб, иккі салтанаттың бир-биридан ажратувчи Озарбайжоннинг музофотлари учун шимолий мүгүл салтанаты ва Олтин Үрда билан можаро шиддатли тус олғанды. Олтин Үрда хони бу ҳудудни Эронни истило қылышда қаңишағанлығы учун үзиге берилген мұкоғот деб ҳисобларды. Бу борада иккі мүгүл давлати уртасындағы музокаралар гоҳо ҳақиқиит жаңгу жадал туғынни оларди. Халокулар ва Олтин Үрда үртасындағы бу кураштар аралашишни истамаган ақа-ука Пололар 1262 йили Олгин Үрда ҳудудларини тарк этиб, Чигатайлар мұлки булмиш Бухорога иүл олдилар. Кейинчалик үлар Эрон Әлхони – Аргунга келин бұлғып жунатиластеган мүгүл маликасини үзатып боришиң ташаббуси билан чиқыш бақонасыда Хубилай хоннинг Пекиндеги саройини тарк этишини фойдалы деб ҳисоблагандылар. Орадан иккі йил үтиб 1264 йилда әлчилар тартибсизликтер ҳукм сурған құруқликтегі йүлдан воз кечиб, дengiz үли орқали Эронга этиб келдилар. Нисбатан осойишталык

хукм сурган вақтда қуруқлик йули күпи билан 8 ойлик фурсатни эгаллар эди. Бу орада Арғун вафот этди, шу сабабли келинни унинг ўёли Қозонхон қабул қилди.

Элхонлар, шунингдек, қушни Сурияга қарши урушлар натижасида ҳам анча заифлашгандылар. Ҳалоку ҳир қанча ҳаракат қылғани билан уни забт эта олмаган эди, зеро бу мамлакатда салибчилар хуружини қайтарған Миср мамлуклари ҳукмронлик қиларди. Бу аснода Арманистондан ва Кичик Осиендан чиққан мустақил туркій қабилалар, Қора құюнли ва Оқ құюнли туркманлар Элхонларнинг аввали тобеинлари бұлған салжуқларға қарши чиқмоқда әдилар. Маҳаллий феодал ҳукмдорларнинг мақсад-интилишлари, сарой дасисалари (70 яшар улуғ вазир Рашидиддин ана шу сарой фисқу фасодининг құрбони булған эди) мүгуллар ҳукмдорлигини янада заифластирды. Бунинг натижасида 1335 йили угыл фарзанди булмаган Элхон Абу Саййид вафот этиши билан мүгул ҳукмдорлиги амалда бархам топған эди. Эрон сиёсий жиһатдан заиф майда-майда феодал давлатларға парчаланып кетди. Бу давлатлар сулолавиіт мажаролар ва диний баҳс-мунозаралдан қаттық азият чекаётганига қарамасдан, ҳали узаро рақобатлашиш үшін қушни босқынчи давлатларнинг иштахасини құзғатиши даражасида бадавлат эди. Темурий тарихчилар мусулмон тақвимига кура, Абу Саййиднинг вафоти Темур туғилған йилтауғри келишини таъкидлашни мұхым деб ҳисоблаганлар.

Амир Темур Мовароуннахрга ҳукмдор булиб қолганилан сунг у үзини Урта Осиёдаги Чигатай салтанати вориси лея ҳисоблай бошлади. 1370 йилларнинг охирила бутун мухолифлар тор-мор этилиб, Салтанат сархадлари шимол ва шарқ томон кенгайгач, Соҳибқиронга Урта Осиё торлық қилиб қолди: у бутун дунёни забт этишини орзу қила бошлади. «Осында ёлғыз бир Аллоҳ бұлғани каби, ерда ҳам ёлғыз бир подшо булмоғи даркор», — дея ёзғанли солномачи. Сунғ у яна бу ҳукмдор учун бутун замин ҳам торлық қилиши мумкин, дея илова қылғанди. Бу даврға келиб, Амир Темур гарбдаги қушнилар — Ҳалоку салтанати қолдиқлари бұлмиш жангари мамлакатларға күз тиккан эди.

Темур Хурсонда құлға киритиш мумкин булған беалад бойликларни үзича чамалаб күрарди. Мовароуннахр ва Хитойни бир-бири билан боғловчы катта карвон йули мазкур вилоятдан үтар, Балхга бориб, бу йўл Ҳиндиистон йулига қүшиларди. Ана шу йул четидаги расталарда ва айниқса, Ҳиротда Урта Ер денигизидан то Хурсонгача бұлған барча мамлакатларнинг маҳсулотларини учратиш мумкин эди. Салла учун ипли ва ипакли газламалар, паранжилар, кўрпацуклар, от жабдуғи, ёстиқлар дейсизми, зарбоф кийимликлар, румоллар, кигиз

ва гиламлар дейсизми, Нишопурдан келтирилган ажойиб феруза тошлар, қозонлар, турли дон-дун ва мойлар дейсизми, қуристилган мевалар, хүшбүй атир-упалар, тегирмон тошлари ва маргимуш дейсизми, анор, узум, хандон писталар, бодом, Ҳиротнинг ажойиб пўлатидан ясалган пичоқлар дейсизми, Хуросоннинг олтин, кумуш ва ёкути, Мовароуннахрнинг ложувард тошлари дейсизми — хуллас, бу бозорларда истаган нарсани топиш мумкин эди. У ерларда от, хачир, қўй ва туяларни сув текинга харид қылса бўларди. Лекин қулларнинг баҳоси баланд эди¹².

Тарихчи Муставфийнинг ёзишича, XII асрда Ҳиротнинг айни гуркираб турган бир пайти бўлиб, шаҳар бозорларида ўн икки минг дўкон ва олти минг ҳаммом бўлган экан. Унинг айтишича, беҳисоб карвонсарой ва тегирмонлардан ташқари, шаҳарда уч юз олтмишта диний ўкув юрти, қаландархона ва масжидлар бўлган. Утроқ аҳоли яшайдиган хонадониларнинг сони тўрт юз эллик мингта бўлиб, шаҳар атрофи баланд қалъа деворлари ва истеҳкомлар билан ўраб олинган.

Элхонлар сулоласи таҳтдан қулагач, Ҳирот афонлар сулоласи бўлмиш Кўртлар (Элхонларнинг собиқ тобеинлари) ташкил этган мустақил давлатнинг доруссалтанаси бўлиб қолганди. Бу мамлакатнинг сарҳадлари бевосита Мовароуннахрнинг гарбий чегараларига туташиб турарди. 1350 йиллар Кўртлар мамлакатига шарқдан ўқтин-ўқтин амир Қозоғон босқин қилиб тургувчи эди. Кўртлар суннийлар мазҳабига мансуб бўлиб, гарбдаги қўшинилари шиа-сарбадорлардан ердаъво қилиб туришарди.

Темур Ҳалокулар музофотини фатҳ этиш учун сиёсий жиҳатдан турли сабаблар топиб, бирин-кетин унинг вилоятларини босиб ола бошлади. «Бу диёрнинг одамлари жуда жангари, улар ёнларида курол олиб юрурлар, табиатан маккор, бебурд эрурлар. Мазҳабларига кўра алар суннийлардур», — деб ёзган эди муаррих¹³.

1379 йили қурултой чақирилиб, унга тобеин сифатида Ҳиротнинг кўрт ҳукмдори Гиёсиддин Пир Али ҳам таклиф этилди. Амир Қозоғоннинг бир вақтлар ул музофотни фатҳ этгани Ҳирот Мовароуннахр ҳукмдорларига хирож тўлаши лозим, деган фикрнинг исботи сифатида рӯкач қилинди. Довюрак Пир Али вақтдан ютиш учун турли баҳоналар қидира бошлади. У агар етарли даражада кучли соқчи юборилмаса ҳаётини хавф остида қолиши мумкинлигини айтиб, сафарга чиқишни пайсалга солди. Шундан сўнг унинг хавфсизлигини таъминлаш учун Ҳиротга амир Сайфиддин Барлос жунатилди. Шундан кейин ҳам Пир Али ҳадеганда сафарга отланавермади. Кекса амир Барлос эса Ҳирот истеҳкомлари мустаҳ-

камланаётганининг шоҳиди билан Соҳибқироннинг тошириғини бажара олмай, Самарқандга қайтди-да, бор гапни Темурга етказди¹⁴.

Масала равшан эди. 1380 йили Темур қушин тортишга қарор қилди. Уша көзлари энлигина ўн тўрт ёшга тўлган унинг иккинчи ўғли Мироншоҳ Хуросоннинг ҳукмдори, дея ёълон қилинди. Болакай машхур амирлар ва кўчманчи қабила беклари ҳамроҳлигига эллик нафар муҳофиз суворий сиподийлар билан сафарга отланди. У ўз қўшини билан Балх яйловтарида қишлоғиди-да, келаси 1381 йилнинг баҳорида отаси Амир Темур лашкари билан қушилди. Амир йўл-йўлакай Андхойдаги дарвиш Бобо Сангунинг мақбарасини зиёрат қилди. Бу ерда Соҳибқирон дарвишларга янги суйисган қўй гўшли улашиб, ҳайр-садақа қилди, улардан оқ фотиҳа олди. Темур бу яхшилик аломати, зеро, мен томондан жумла жаҳоннинг юраги ҳисобланмиш Хуросоннинг фатҳ этилиши бу Аллоҳнинг хоҳиши деган маънони англатади, дея ёълон қилди.

Орадан бир неча кун ўтгач, Амир Соҳибқирон яна бир авлиё-улуғ шайхулислом Мавлоно Зайниддин Абу Бакр ат-Тайободий билан учрашди. Афтидан, таркидунे қилган бу авлиё одам, менинг ҳукмдор билан ҳеч қандай алоқам йўқ, агар амирнинг менла иши бўлса, узи ҳузуримга келсин, деган бўлиши керак. Ҳарқалай, Темурнинг ўзи унинг олдига борган. Орадан бир неча йил ўтгач, Амир Темур Хофизи Абруга: «Менинг дилимда чексиз иззат-икром туйғусини уйготган бирдан-бир дарвиш ана шу шайх Зайниддин бўлган». — дея айтган экан. Ибн Арабшоҳ бу ҳикоятни анча тулдирган. Унинг ёзишича, шайх тавоб қилиш учун тиз чуккан Темурнинг елкасига кулини қуиганида, амирнинг вужудини худди осмон босиб тушгандек туюлибди. Шундан кейинги мунозара чоғи Темур авлиё мўйсафидан: «Нечун ҳалқقا зулм айлаб, фаҳшга берилган Ҳирот ҳукмдорига уз таъсирингизни ўтказмайсиз?» — дея сурабди. Шунда шайх: «Мен унга айтдим, лекин у қулоқ солмади», — дея жавоб бернибди. «Энли Аллоҳ субҳонаҳу ва таоло унга қарши сени юборди», — лебди у яна. Шундан сунг, — ёзди Арабшоҳ. — Темур авлиё шайхнинг ҳужрасидан ташқарига чиққанига қоматини тик тутиб: «Кайбатуллоҳнинг соҳиби — Аллоҳнинг иродаси бирла мен энди Жаҳон ҳукмдори эрурмен», — дея ёълон қилибди¹⁵.

Ана шундай мақбул башорат билан Темурнинг лашкари Хуросон томон йул олди. Бутун чўл чодирлар, туглар, суворийлар, пиёда сарбозлар ва қурол-аслаҳа билан қопланли. Аzonда ҳамма ёқни улкан наққораларнинг дангир-дунгири, карнайларнинг гат-ғати тутиб кетди. Арава гиллираклари ғижирлаши, туялар буйнидаги қўнгироқчаларнинг жаранглар

ши бутун мамлакатда эшитилиб, Хурросон аҳолиси дилигә ваҳима солди. Биринчи бўлиб Ҳиротнинг жанубидаги Фунаж шаҳри кучли истеҳкомлари ва озиқ-овқати сероблигига қарамай забт этилди, лекин туркийлар қўшини ҳам талофот кўрди, зеро, амирлардан бири ва беш-олтига сипоҳий зовурдаги сувга қулаги, фарқ бўлишиди.

Ҳирот ҳукмдори Фиёсииддин Пир Али ва унинг ағфон қўшинлари мустаҳкам қаъла турниб қаршилик кўрсатишга тайёр эдилар, аммо улар худди шундай шинжоатни шаҳар аҳолиси дилига солишда ожизлик қилиб қолдилар. Мудофаани ташкил этишга уринган Пир Али шаҳар аҳолисини тупроқкўргон деворларига чорлаб, жарчилар юборди. Бироқ ҳеч ким келмади. Гўё бутун аҳолининг қулоги том битгандек эди. Авом ҳалқ уз мол-мулкини, ўз хонадонини ҳимоя қилишни афзал кўрди. Зеро одамлар уз дуконлари, яхши жиҳозланган бозорларини сақлаб қолишини исташар ва Соҳибқироннинг, агар ҳиротликлар шаҳарни мудофаа қилишмаса, ҳаётлари ва мол-мулқлари сақланиб қолгай, деб берган ваъласига ишонишарди.

Оқибат, Пир Али узининг синглиси, тунғич ўғли ва амирларидан бирини Темур ҳузурига элчи қилиб жўнатди, ўзининг тобелигини эълон қилди. Темур унинг синглиси билан ўғлини қайтариб юборди, аммо амирни ҳузурида тутиб қолди, зеро, ундан мамлакатдаги аҳволни сўраб-суриштироқчи эди. Бундан ташқари, у Ҳирот ҳукмдорининг ўзи ҳам ҳузуримга келсин, дея талаб қилди. Пир Али кибру ҳавони ичига ютиб, Соҳибқирон қароргоҳига келди ва ҳукмдор таҳти пойидағи гиламни утиб, таъзим бажо келтирди. У билан бирга шаҳар оқсоқоллари, уламолар ва Ҳиротнинг бошқа казо-казо зотлари ҳам келишиди. Шаҳар хазинаси, жумладан, қоп-қоп кумуш пул, дуру жавоҳирлар, зарбоф кийимликлар, олтин таҳтлар түяларга ортилиб, Темур қароргоҳига келтирилди. Келажакдаги қўзғолонларнинг олдини олиш мақсадида Темур шаҳарнинг қалъа девори ва истеҳкомларини бузиб ташлаш ҳақида фармон берди. Фақат шаҳар аркигагина тегилмади. Моли омон тариқасида шаҳарликлардан катта хирож талаб қилинди.

Ҳиротнинг темир билан қопланган жимжимадор ажойиб дарвозаси эса Соҳибқироннинг она-юрти — Шаҳрисабзга жўнатилди. Темур сўнгги пайтларда мазкур кентни безатиш ҳаракатига тушган эди. Ҳиротлик алломалар, жумладан, кўзга кўринган дин пешволари ҳам уша ерга жўнатилди. Пир Али тобенин ҳукмдор сифатида ўз ўрнида қолди.

Туркийлар яна бир неча шаҳарларни талон-торож қилишиди. Шундан сўнг Темур қишлиш учун Бухоронинг файзли яйлов-

ларига қайтди. У ерда илвасин бөхисоб эди ва одатда ғалабалар шу ерда нишонланарди.

Хирот нафақат Ҳурсондаги, балки бутун Ҳалоку салтнатаидаги энг буюк ва энг гузал шаҳарлардан бири бўлиб, уни фақат Табриз ёки Багдод билангина таққослаш мумкин эди. Темур худди кузда пишган олмани узганлек, мазкур кентни осонгина қўлга кирилди. Энди Хирот Самарқанд билан бир қаторда Темур ва унинг авлодлари давлати қурдатининг энг асосий марказларидан бирига айланиши керак эди.

Аммо зафар қувончига қайгули бир воқеа соя ташлади. Темурнинг Чигатой уруғидан бўлмиш аркони давлатлардан бирига турмушга чиқсан қизи Ўгебека тоби қочиб, 1382 йили дунёдан кўз юмди¹⁶. Ундан Султон Ҳусайн исмли бир ўғил қолди. Марҳума Шаҳрисабзга дағн этилди. Темур кейинчалик унинг қабри устига ажойиб сафана қурдирди.

Орадан икки йил ўтгач, Хирот ҳалқи қўзғолон кўтарди. Уларга афғон тудалари ҳам қушилди. Темурнинг ўғли, Ҳурсон ҳукмдори бўлмиш ун олти ёшли Мироншоҳ бу пайтда ўз қушини билан Ҳиротнинг шимолидаги Мурғоб соҳилларида қишлоамоқда эди. У қўзғолон кўтарган шаҳар томон аввалига қушин билан икки амирини юборди, сунг қолган лашкари билан ўзи ҳам у ерга етиб борди. Исён шафқатсизлик билан бостирилди.

Пир Али оиласи аъзолари билан Самарқандга келтирилиб, зиндонга ташланди. Қўзғолонда иштирок этишда айбланган Пир Алига сунгги бор калима келтириш таклиф қилинди. Бу сулоланинг охирги вакили Пир Муҳаммад орадан олти йил ўтгач (1389 йили), Самарқандда Мироншоҳ томонидан қатл эттирилди. Уни Ҳурсон қўзғолонида иштирок этганинда ҳам айблашди. Шу тариқа Қўртлар сулоласи илдизи билан қутилиб, Хирот Темур салтанатининг буюк шаҳарларидан бирига айланди.

Хирот фатҳ этилган уша 1381 йили Ҳурсоннинг ғарбida жойлашган Сарбадорлар давлати Темурга ўз садоқатини таклиф қилди. Сарбадорлар ўзларининг қўрт қўшинлари билан фақат диний мазҳаб юзасидангина эмас, балки Нишопур шаҳри масаласида ҳам ихтилофга бориб юрадилар. Темур Ҳурсон сарбадорлари билан дустона алоқа ўрнатган эди. Сарбадорлар ҳукмдори Имом Али Муайяд ўз ташаббуси билан бутун вилоят ва унинг пойтахти Сабзавор шаҳрини Темур ихтиёрига топширди¹⁷. Орадан бир неча йил ўтгач, Имом Али Темур томонида жанг қила туриб, ҳалок бўлди.

Ҳурсоннинг шимолида Каспий денгизининг соҳили узра Албрус тоғ тизмалари қад кутарган. Бу улка Мозандарон дея аталиб, унинг ҳалқини фақат тик қоялардаги қатъаларгина

Эмас, балки унинг йулларини тусиб турувчи қалин үрмон ҳам муҳофаза қиласади. Каспий денгизининг жанубий соҳилларидаги тоғ этаклари ширин-шакар меваларга бой булиб, Ўрта Осиёдаги энг яхши ипак газламаларнинг баъзи турлари ҳам шу ерда тўқиларди. Бироқ дengiz соҳилига яқинроқ жойлардаги жарликларда оқар сувлар тупланниб, ботқоқликлар ҳосил булар ва оқибатда у ернинг об-ҳавоси заҳарланарди. Шунинг учун бўлса керак, Мозандароннинг баъзи гиёҳлари заҳарли эди ва уни еган от, албатта, уларди. У ернинг қабилалари ўз қатъаларидан чиқиб, Хурросон карвонларига ҳужум қилиб туришар, уларнинг ҳукмдори эса жон-жаҳди билан Темурга қаршилик курсагарди.

1382 йилнинг баҳорида Темур Мозандарон амири Валининг ва унга қушни булган Килат ҳукмдори Али Бекнинг қаршилигини синлириш учун яна Хурросон томон лашкар тортди. Килат Тус шаҳри яқинидаги тоғ устига қурилган бир қалъа булиб, уни забт этиш тоят мушкул эди. Темур қалъани қамал қилди, аммо уни забт этолмади, шунда у ҳийла ишлатиб, гё орқатга чекинган булди. Буни куриб. Али Бек йилқилар уюри, қўйлар суруви ва бошқа жониворларни қалъа атрофилаги яйлоқлар томон ҳайдаб чиқаришга рухсат берди. Темур ортига қайтиб, тоглар оша Килат томон борадиган барча йул ва сукмоқларни тусиб қуиди. Мол-ҳолидан ажраб, озиқ-овқатдан маҳрум булиб қолган шаҳарнинг ҳалоқатга учраши муқаррар эди. Охир-оқибатда Али Бек таслим булди ва бир қулида шамшир, иккинчи қулида кафан тутганича, Темур ҳузурига чиқди. Туркийлар ривоятига кура, бу ўз ҳукмдорим учун ула-улгунимча жанг қилишга тайёрман, деган маънони англатарди. Амир Вали ва унинг Каспий дengизи соҳилларидаги барча вилоятлари ҳам таслим булишдан бошқа чора тополмади.

Темур қишлош учун Самарқандга қайтди-да, Мугулистонга қушин жунатди. Орадан куп утмай, у яна гарб томон лашкар тортишга мажбур булди: Ҳиротдан жануброқда жойлашган Исфизор шаҳрининг мутаассиб аҳолиси қўзғолон кутарган эди. Шаҳар деворлари ва истеҳкомлари тагидан лаҳим қазилиб, емириб ташланди. Икки минг одам асир олинниб, тирик қолганларга сабоқ бўлсин учун, бари қатл этилди.

Туркийларнинг юз минглик лашкари Исфизордан жануб томон, йулда қаршилик курсатганларни қиличдан утказиб, Сейистон сари от қўйди. Сейистоннинг пойтахти Заранж шаҳрини қум кучкилари ҳамласидан баланд девор ҳимоя қилиб турарди. Беҳисоб шамол тегирмонлари қурилган ва хурмо дарахтлари билан қопланган бу шаҳар шилдатли жангдан кей-

иңгина ишғол этилди. Бу жангла Соҳибқирон минган от нобуд булди. Охир-оқибатда шаҳар деворлари пойдеворларигача қупориб ташланди, унинг бутун аҳолиси қиличлан ўтказилди. Мамлакатнинг барча бойликлари — дуру жавоҳирлар ажойиб матоларгача талон-тарож қилинди¹⁹. Заранж вайронага айланди. Темур йўл-йўлакай қирғин қилиб, яна шарқ томон лашкар сурди ва Қандаҳорга етиб борди. Шаҳар бир ҳамла қилишда ишғол этилди. Темур Қандаҳорни ҳимоя қилиб турган қўшин қўмандонини дорга тортириди.

Саксонинчи йиллар ўрталарига келиб, Мовароуннаҳрдан ташқари, бутун Хурросон, Афғонистон, Сейистон ва Мозандароннинг Султонияга қадар катта қисми Темур тасарруфига ўтди.

1385 йили Ҳалоку элхони Абу Сайид қазо қилгач, жалойир қабиласининг бошлиғи (муғуллардан бўлса-да, Чингизхон ургидан эмас) Хурросон билан Буюк саҳро* оралиғида жойлашган гарбий вилоятларга ҳукмлор бўлиб олган эди. Жалойирлар Бадод ва Озарбайжон вилоятларини (жумладан, Табриз билан Султонияни ҳам) фатҳ этишди-ю, бироқ Озарбайжоннинг шимолий ҳудудларида ўз ҳокимиётларини мустаҳкам ўрната олишмади. Саксонинчи йилларда турт ака-ука Жалойирлар ўртасида низо чиқди. Иккинчи ука Аҳмад таҳтда утирган султон бўлмиш акасини улдириб, ҳукмдор бўлиб олди. Аммо қолган ака-укалар ўртасидаги низо баттар авжига чиқди.

1384 йили уларга Хурросон томонидан Амир Темур қўшин тортиб келаётгани ҳақида хабар кела бошлади. Султон Аҳмад тож-таҳтни ташлаб қочди, Султония эса Темур лашкари қулига ўтди. Шундай қилиб, Темур Ҳалокулар салтанати пойттаҳтларидан бирини осонгина босиб олди. Асосий улжа бўлмиш Табризни фатҳ этиш ҳали олдинда эди. У жуда қурдатли бўлиб, бу шаҳарни ишғол этмоқнинг ўзи бўлмасди. Аммо Темур тия карвонларига улжа ортганича, одат тусиға кирган зафар байрамини нишонлаш учун Султониядан Самарқандга қайтди.

Удумга кўра, Соҳибқироннинг боши узра дуру жавоҳирлар, олтин танглар сочқи қилиб сочилди. Бироқ саройдаги қайгули воқеалар яна зафар байрамига бирмунча кўланка ташлади. 1388 йили Темурнинг хотинларидан бири — мўғул амири Қамариддиннинг қизи Дилшод оғо дунёдан ўтди. Соҳибқирон уни саккиз йил муқаддам ўз никоҳига олганди. Буниси ҳам етмагандек, Темурнинг опаси, бир вақтлар у овора-абгашта бўлиб юрган кезлари бошпана берған Кутлуг Туркон оғо ҳам бандаликни бажо келтирганди. Ҳукмдор бу опасини ўз бошига қўйгудек эъзозларди.

* Афғидан Гоби саҳроси бўлса керак.

Темурин ғонилкларига кўз олайтириб юрган ҳукмдорлар талайгина эди. Элхонлар даврида бу вилоятлар улар билан олтинўрдалик қариндошлари уртасида қаттиқ курашга сабабчи бўлганди. Темурнинг кумагида Олтин Ўрдага хон бўлиб олган Тұхтамиш Кавказнинг жаннатмакон вилоятлари ва Табризга даъво қилиб юради.

Темур зафар тантанасини ўтказмоқ учун Султониядан Самарқанд сари йўл олгач, Тұхтамиш Дарбанд дараси орқали Озарбайжонга қўшин жунатиб, Табризни босиб олди. Табриз ҳукмдори унинг ҳамласига бардош бера олмади. Темур солномачилари ёзишича, шаҳар қаттиқ талон-торож қилинди. Тұхтамишнинг каллакесарлари қилган ёвузликларга инсон ақли бовар қилмасди. Шундан сўнг улар шаҳарда узоқ вақт давомида тўпланган бойликларни, шу жумладан, уч юз туман олтинни ўлжа сифатида карвонга ортиб, минглаб одамларни қул қилиб ҳайдаганича, келган Йулларидан, яъни Каспий денгизининг гарбий соҳиллари бўйлаб Олтин Ўрдага қайтишиди. Султон Аҳмад Табризга қайтиб келди²⁰.

УЧ ЙИЛЛИК УРУШ

1386-Йулбарс йили – 1388-Балиқ йили

Бир мавсумли юришлар ортда қолди, салтанат уфқлари кенгайди, лекин талаблар ҳам шунга яраша ортиб борди. 1386-Йулбарс йили Темур биринчи марта узоқ мудлатли юришга чоғланди. Ўз олдига Ҳалоку салтанатини охирига қадар ўз тасарруфига киритиш ва Буюк карвон Йўлининг гарбий қисмларидан олинадиган даромадни узил-кесил ўз фойдасига ҳал қилишни мақсад қилиб қўйган Соҳибқирон айни чоғда яна ўзининг тутинган ўғли, Тұхтамишнинг сурбетларча қилаётган босқинларига ҳам чек қўймоқчи эди. Лашкарбошиларга қўшинни уч йиллик юриш учун сафарбар этмоқлик ҳақида фармон берилди. Темур сафарда бўладиган пайтда Мовароуннаҳрни бошқариб туриш учун амирлар тайин қилинди.

Орадан кўп ўтмай, Соҳибқирон лашкарлари Табризга етиб борди. 1386 йилнинг бутун ёзини Соҳибқирон ва унинг лашкари Табризда ўтказдилар. Темур маҳаллий ҳукмдорларнинг тобелик ҳақидаги баёнотини қабул қилди. Табризнинг пешқадам ҳунармандлари ва кўзга куринган алломалари Самарқандга жўнатилди. Мозандаронда амир Вали раҳбарлигига яна кўтарилган қўзғолон шафқатсизлик билан бостирилди. Амирнинг ўзи ҳибсга олиниб, боши кесилди.

Кузда Табризга Жаҳонгирнинг ўғли, Темурнинг тўнғич набираси, иқтидорли ёш саркарда Муҳаммад Султон ҳукм-

дор этиб тайинланди. Салтанат туғи эса кутилмаганда Кавказдаги коғир гуржиларга қарши уруш әйлон құлмоқ учун шимол томон силжиди. Бу юртнинг мағрур ва жангари халқи осмондаги ёлғиз худо деб Аллоҳни әмас, Исо руҳиллони тан оларди. Чор-атроғидаги күчли мусулмон құшнилар тазійікігә қарамай, бу халқ үз динидан қайтмас ва шу боис, бу музофот ўқтін-ўқтін хоч билан яримой үртасидаги қоңыл жанг майдонига айланиб турарди. Ниҳоят, гуржиларнинг подшоси узининг янглишганини тушунди ёки, тұғрироғи, узини түшунгандек қилиб курсатди. У мусулмон динини қабул қилиб, «Аллоҳдан үзға Аллоҳ йүқ, Мұхаммад унинг ердаги расули» эканини тан олди. Амир Соҳибқирон Багратни озодликка чиқарди, уни яна үз тахтига үтқазиб, қимматбақо совға-саломлар инъом этди. Гуржистон ҳукмдори Темурга бир совут тортиқ қылды. Ривоятта кура бу совутни шахсан Довуд пайғамбарнинг үзи обу тобига келтириб ясаган экан. Гуржистон шу йүсінде олти йил тинчликка эришди²¹.

Каспий денгизининг жанубий соҳилидаги ягона Дарбанд йулини назорат остига олган амир Ширвон үзининг Соҳибқиронга тобеишлигини әйлон қылды. У яна бир валламатлик намойиш этди. Амир Ширвон, одат бүйича, Темурга ҳар бири түккіз донадан ажойиб совғалар олиб келди, лекин негадир у совға қилаётган құллар сони саккизта зди. Унга бу хатони күрсатишганда, амир туққизинчи құл сифатида үзини пешкаш қилиб, Темурнинг оёғига бosh урди. Бу жасорат Темурга жуда хуш ёқди, ҳукмдор амир Ширвонга үз хайрихөхлигини намойиш этиб, унинг тожу тахтини қайтадан тиклаб берди.

Асрлар давомида тоғлардаги қалъалари ва қалин үрмөнләри ҳимоясида үз мустақиллигини сақлаб келаётган Гилон вилюятининг ҳукмдорлари ҳам Соҳибқирон ҳузурига келиб, тобеътик изҳор қылдилар. 1387 йилнинг баҳори келиши билан Соҳибқирон ғарбга — Арманистон орқали Кичик Осиёга юришни давом эттириди. Месопотамия ва Кичик Осиё оралиғидаги бу ерлар бир-бири билан рақобатда бұлған икки туркман қабиласи — Қора қүюнли туркманлар ва Оқ қүюнли туркманлар қулида зди. Қора қүюнли туркманларнинг йүлбошчиси бир вақтлар сұлтон Аҳмад Жалойирга Табризда ҳокимиятни құлға олишда ёрдам берган зди. Аммо кейинчалик улар үртасида низо чиқиб, Табризни талаш ҳүкүқи учун жанг құлиш даражасига бориб қолғандилар. Худди шу пайтда Темур лашкарлари пайдо бұлды. Туркман қабилалари савдо карвонларини талашда ва Маккан мұкаррамага кетаётган зиёратчиларга ҳужум құлишда айланади. Бу ўринда ғазавот учун қулай баҳона топилди. Темур карвон Йұлладаги мұхым ақамиятта молик

шаҳар — Арзиумга ҳужум бошлаб, бир куннинг ўзидаёқ уни фатҳ этди. Арзиумдан кейинги шаҳар — Арзинжон ҳукмдори амир Тахартен дарҳол таслим бўлганини эълон қилиб, тобеълик изҳор этди. Шундан сўнг Темур ўғли Мироншоҳ қўмон-донлигига уч туман сара қўшинини Қора қўюнли туркманларнинг асосий урдаси ва уларнинг йулбошчиси Қора Муҳаммадни таъқиб этмоқ учун жўнатди. Бу ҳукмдор Темур ҳузурига келиб, тобелик изҳор этиш ҳақидаги таклифни рад этган эди. Мироншоҳ бу оромбузар жангари туркман музофотига ҳужум қилиб изма-из борар экан, сарой солномачиларининг ёзишича, от, тuya, куй ва ўзга бойликлардан иборат катта ўлжани қўлга киритибди. Шунингдек, у жуда кўп қиз-жувонларни ҳам қул қилиб ҳайдаб келибди. Аммо Қора қўюнли туркманлар қабиласи тарихида ёзилишича, гўё Мироншоҳнинг биринчи ҳужуми ҳеч қандай натижа бермаган, кейинги ҳужумларда эса Қора қўюнли туркманлар Темур лашкарларига катта талофтот етказган эмиш²³.

Хуллас, Қора Муҳаммад тоф томон чекиниб, бундан буён ҳам қаршилик курсатишга тайёрлана бошлаган. Бироқ у тусатдан вафот этиб, ўрнига ўғли Қора Юсуф тахтга ўтирган.

Бу орада Темур Муш ва Ахлотни фатҳ этиб, Ван қалъасини эгаллади-да, Арманистонни истило қилишда давом этди. Ван қалъаси қул соҳилидаги ниҳоятда тик ва улкан қоя устида жойлашган бўлиб, «ҳали биронта душман олдида таслим бўлмаган эди». Уч томондан қуршаб олинган қалъага ҳужум бошланди. Уч кун деганда Ван амири таслим бўлиб, Темурга тобелик изҳор қилди. Бироқ шаҳар аҳолиси тескари йўл тутди. Улар йулларни тусиб қўйишида-да, қаршилик курсатишни давом эттиришиди. Темурнинг муҳандислари зарбдор манжаниқларни ўрнатиб, тусиқларни вайрон эта бошлашди. Йигирманчи куни туркийлар шаҳарга бостириб киришиди.

Арзиум билан Ван кўлининг қоқ ўртасига жойлашган Авник қалъасини қамал қилиш тўққиз ой давом этди. Бу қалъага Қора Юсуфнинг укаси жойлашиб олган эди. Ёш туркман ҳукмдорини ҳийла билан таслим бўлишга мажбур қилишиди ва асир сифатида оиласи билан Самарқандга жўнатишиди.

Бу юришни бошлашдан сал олдин Темур Эроннинг жанубий ҳудудларида жойлашган бадавлат вилоят ҳукмдори Шоҳшужо Музаффардан бир нома олган эди. Музаффарийлар сулоласи XIII асрда Ҳалокулар хизматида бўлиб, Яздда ҳукмдорлик қилишганди. Элхонларнинг сўнгги вакили Абу Сайиднинг ўлимидан сўнг улар Кермонга қадар музофотни ўз тасарруфларига олдилар ва 1353 йилга келиб пойтатхи Шероз билан биргаликда бутун Эронни унинг собиқ ҳукмдоридан тортиб олишга муваффақ бўлдилар. XIV асрнинг 30-йиллари

охирида амир Шоҳшужо Музаффар Исфаҳонни босиб олиб, жалойирлардан Табризни беришини таълаб қила бошлади.

Умуман, санъатнинг, хусусан, шоир Ҳофиз Шерозийнинг ҳомийси, 1357 йили ўз отаси кўзига мил тортиб, уни зинданбанд қилганидан сўнг таҳтга утирган, аслида иродаси заиф, хиёл қийинчиликка учраса тушкунликка тушадиган, на мамлакат ичкарисида, на ташқарисида тинчлик ўрната олган Шоҳшужо Музаффар Аллоҳдан фақат Темур билан ўзи ўртасида ихтилоф туғилмаслигини тилар эди. Вақти-соати этиб, оғир ҳасталик туфайли улим тушагида ётиб қолгач, у қариндош-уруғлари ва уғилларини туплади-да, ўз салтанатининг вилоятларини уларга булиб берди. Соҳибқиронни ўз ҳукмдори сифатида тан олган кекса шоҳ ўзи дорилғанодан дорилбақоға риҳлат қилгач, мерос қолган тож-таҳтга васийлиҳ қилиши Темурдан суради.

Шоҳшужо улим тушагида ётар экан, «Сулаймон янглиғ доноарнини доноси, Искандар янглиғ буюқларнинг буюги»²⁴ булмиш Соҳибқиронга йуллаган ўз номасида Темурга садоқат изҳор этиб, ундан уғиллари ва тож-таҳтнинг ўзга меросхурларини ҳимоясига олишини илтимос қилган эди. Эроннинг дорус-салтанаси Шероз ўели Зайнилобиддинга, Кермон укаси султон Аҳмедга берилди. Жиянларидан бири Шоҳ Яҳё Язлга, бошқаси — Шоҳ Мансур эса Исфаҳонга ҳукмдор бўлди. Шоҳшужо 1384 йили дунёдан ўтди-ю, тож-таҳт меросхурлари орасида одатлаги низолар бошланиб кетди. Шоҳнинг ўлимидан «қайғуга тушган Темур газабини тийиб, бу низоларга аралашмай турди. Лекин у бари бир қулаӣ фурсат келишини кутди».

Шундай фурсат 1387 йилнинг кузида Темурнинг Арманистонга ҳужумидан кейин вужудга келди. Шоҳшужонинг ўғли Зайнилобиддин тобелик изҳори баён этмоқ учун ҳукмдор ҳузурига таклиф қилинди. Бироқ Зайнилобиддин келмади. Шундан сунг Темур Ҳамадондан жануб томон — Исфаҳон сари йўл олди. Улкан Исфаҳон жула гўзал шаҳар эди. «Унда ажойиб одамлар, насл-насаби қўҳна аслзодалар истиқомат қиласиди». «Бу ерда буғдой ва бошқа дон-дуннинг баҳоси доим арzon булади, — лея ёзган эди Муставфий, — мева-чева эса бозорларда сув текинга согилади. Уларнинг ширин-шакарлигини айтмайсизми? Кузги ва ёзги мевалар бунда бсадал. Айниқса, олма, беҳи, шафтоли, сариқ олхури ва қантак ўриги ажойибdir. Тарвузи ҳам ниҳоятда ширин... Лекин уларни кун истеъмол қилиш соғлиққа зараддир. Бу мевалар Ҳинлистон ва Юнонистонга жунатилади. Исфаҳоннинг яловлари жуда сербарака, бу ерла ўтлаган жонивор бошқа жойлардагига қаранганди икки марта гезроқ семиради... Ҳаммаёқ чаманзор. Шикор учун ёввойи ҳайвонлар беҳисоб».

Темур қүшинларини жанговар тартибда ёйиб, шаҳар рупа-расида қароргоҳ қурди. Шаҳар ҳукмдори ва оқсоқоллари амир Соҳибқиронга тобелик изҳор этмоқни маъқул курдилар ва унинг ҳузурига келиб, шаҳар қалитларини топширдилар. Темур шавкат ва тантана билан шаҳарга кирди-да, у ерда шаҳарга ҳоким тайинлаб ва сипоҳийларидан бир қисмини қолдириб, яна қароргоҳига қайтди. Шаҳардаги бор қурол-аслаҳа ва отларни тортиб олиш ҳақида фармойиш берилди. Дарвозаларни қўриқлаш учун зобитлар тайин этилди. Шаҳарнинг нуфузли зотлари девонга чақирилиб, моли омоннинг миқдори белгиланди. Тўпланиши лозим булган пул амалда Исфаҳоннинг бутун бойлиги билан тенг келарди. Шаҳар туман-туманларга булиниб, ҳар бир тумандан моли омон туплайдиган амир ва сипоҳийлар дастаси тайин этилди. Темур шаҳар оқсоқолларини ўз қароргоҳида тутиб қолди.

Тунда Исфаҳон аҳолиси темирчининг Соҳибқирон соқчилирига қарши жангга чорловчи довул чалишидан уйғонди. Соқчилар ёки ўз юмуши билан шаҳарга кирган одамлардан уч мингга яқин туркий қиличдан утказилди. Шундан сунг исёнчилар Темур лашкарлари асосий қисмининг йўлини тусиши учун шаҳар дарвозалари томон ташландилар. Тонг отиши билан «Темур бу кирдикордан хабар топли. У ниҳоят ғазаб отига миниб, бутун қўшинни оёққа турғазди ва шаҳарга бостириб кирди». У бутун аҳолини қириб ташлашни, уларнинг молмulkини эса сипоҳийларга бўлиб беришни буюрди. Шаҳар оқсоқолларининг хонадонларини қўриқлаш учун соқчилар тайин этилгач, кўчаларда қатлиом бошланди. Ҳар бир туман, ҳар бир минглик ва юзлик дасталарга муайян вазифалар топширилди. Уларнинг ишини кузатувчи маҳсус тавочилар тайин этилди. Кундуз куни яширинишга улгурган баъзи шаҳарликлар тунда кўчага чиқишиди. Ушанда 1387 йилнинг ноябрь ойи урталари бўлиб, кўчаларни қор босган эди. Қочоқларни изидан қувиб, осонгина тутиб олишди-да, уларни ҳам қиличдан утказишиди.

Темур бир йил давомида шаҳарни бошқариб туриш учун икки амирни тайин қилди-да, анвойи атрлар улкаси бўлмиш Эрон томон йўл олди. Эрон Осиё ва Африқонинг узоқ мамлакатларига қадар ўзида ишлаб чиқариладиган муаттар ҳидли мойларини жунатиб турарди. Айниқса, атиргул мойи, нахл (пальма) гули шарбати, жанубда ўсадиган дараҳтларнинг хушбуй мумлари, заъфар, савсан, ёсуман, миরта*, пўртахол (апельсин) ва мажнунтоллардан олинадиган мойларнинг доңғи бутун оламга кетган эди. Эроннинг буюк пойтакти Шероз

* Мирта — доим яшил, хушбуй бута.

ун миллион күмуш тангадан иборат моли омонлик пешкаш қилиб, дарҳол таслим булди. Темур доим «мерхибонлик курсатиб келган» Музаффарий шаҳзода Зайнилобиддин, Арабшоҳ ҳикоя қилишича, Соҳибқироннинг яқинлашиб келаётганини эшитган заҳоти жуфтакни ростлаб қолди. У паноҳ излаб, амакиваччаси Шоҳ Мансур ҳузурига борди. Аммо маккорликда Азозилга дарс берадиган Шоҳ Мансур Зайнилобиддин қушини ўз тарафига оғдириб олди-да, амакиваччасини қалъага занжирбанд этди. Бу ерда, ҳар эҳтимолга қарши, унинг кузига мил тортди. Худи шу пайт Яздаги Шоҳ Яҳё, Кермондаги сulton Аҳмад ва чор атрофдаги бир талай бек ва амирлар Соҳибқиронга шошилинч тобелик изҳор қилдилар. Амир Темур уларни иззат-икром билан қабул қилди ва бу зотларнинг барини ўз тахтила қолдирди. Аммо туркийлар мамлакатни талон-торож қилишда давом этавердилар.

Темур лашкари яна жануб томон йўл олди. Улар мамлакатнинг кӯхна пойтакти Истахр (Персеполь)дан утиб, Шероз ёнида қароргоҳ қурдилар. Шероз эса моли омондан ташқари, Соҳибқироннинг қадам ранжидаси ва муҳорабада қучган зафарлари шарафига ўтказилажак байрам харажатларини ҳам тұламоги даркор эди. Темурнинг номи барча масжидлардаги жума намозида хутбага қўшиб үқилди, унинг шарафига туялар сўйилиб, қурбонлик қилинди.

Янги забт этилган ҳудудларга ҳукмдорлар тайин этилиб, тобеликни бўйнига олган бек ва амирларга ер-мulk ажратиб берилди, уларнинг ёрлиқларига салтанат ҳукмдори мухри босилди. Энг иқтидорли усталар, энг ажойиб хаттотлар асбоб-ускунаси (жумладан, аллома Саййид ал-Журжоний ҳам), оиласи билан Самарқандга жўнатилди. Сарой котиблари Темурнинг жасоратини кўкка кутариб мақташганича, зафарномалар иншо этиллар. Ушбу номалар энг тезкор чопарлар билан икки минг чақиримлан мўлроқ масофадаги Самарқандга жўнатилди. Доруссалтана ва ўзга музофотларга Ҳалокулар салтанати нақ Ироқ сарҳадларига қадар Амир Темур Соҳибқирон томонидан фатҳ этилгани ҳақида хушхабар жунатилди.

Шероз, Муставфийнинг ҳикоя қилишича, ниҳоятда гўзал шаҳар эди-ю, аммо кучаларининг ифлослиги киши таъбини хира қиласди. Бу шаҳарнинг аҳолиси ҳожатхона қурмас экан. Яхшиямки, бу ерда хушбуй гиёҳлар куп үсарди. Аксарияти офтобда қорайиб кетган озғин одамлардан иборат шаҳар аҳолиси табиатан авлиёларга хос қашшоқликда яшашга мойил эди. Умуман, шаҳардаги авлиёларнинг, зиқналарнинг ҳисобига етиб бўлмасди.

Шерознинг ўша даврдаги ажойиб одамларининг биронтаси ҳам машҳурлик бобида шоир Ҳофизга тенг кела олмасди.

«Улмас ва бетакрор» Ҳофиз — унга Шоҳ Шужо ҳомийлик қиларди — ҳали тириклик чөеларидә ёлкан обрү-эътиборга эга бўлганли. Ҳиндистоннинг икки подшоси уни ўз ҳона-доналигига таклиф қилганди. У узи қозонган шон-шуҳрат хусисида шундай ёзганди:

Самарқандлик турк гўзали, кашмирлик қаро кузлар
Шерозий Ҳофиз шеъри, куиларига маст ўйнар.

Шоир уз шеърларидан бирида шундай ёзган эди:

Агар кунглимни ром этса, ушал Шероз жонони,
Қаро ҳолига баҳш этгум Самарқанду Бухорони.

Айтишларига қараганда, Темур шоирни уз ҳузурига ча-қиртирибди-да, ғазаб билан дебди: «Мен доруссалтана Самарқанд билан Бухорони обод қилмоқ учун Ер куррасининг та-лайгина қисмини фатҳ қилдим, минглаб шаҳарларни ва ўлка-ларни вайронага айлантиридим, сен нобакор булсанг, ушал шерозлик жононнинг биттагина ҳолига бу шаҳарларни баҳш этадиган булдингми?» «Онҳазрат, — дебди чексиз ҳурмат билан Ҳофиз, — ҳудди ана шу манишатга учлигим учун ҳам фа-қир-бечорага айланниб қолдим». Шоирнинг жавобига таҳсин уқиган Темур Ҳофизга қимматбаҳо сонга инъом этибди. Агар ривоят тугри бўлса, бу учрашув шоир ўлимидан икки йил аввал, 1389 йилда содир булган.

Чопарлар от қийиб зафар ҳақилаги хушхабарларни сал-танатнинг турли бурчакларига элтаётган бир аснода бошқа бир чопар Самарқандан Шероз томон елдек учиб бора-кан, бу масофани ун етти кун леганда босиб ўтди. У Мовароуннаҳрдан даҳшатли хабар келтирган эди: Темурнинг субутсиз шогирди, Олтин Ўрда хони Тұхтамиш салтанатта ши-молдан ҳамла қилибди. Темур ғарбда Табризни ва Ҳалоку-лар салтанатини фатҳ этиш билан овора бўлиб юрган бир пайтда Кавказ томон ҳужум қилиб бораётган Тұхтамиш бир-дан йұналишини үзгартириб, шарқ томон, нақ Мовароун-наҳрнинг узига лашқар сурибди. Темурнинг ўғли, Фарғона ҳукмдори Умаршайх Сирдарё соҳилидаги Үтгрор шаҳри ёни-да Олтин Ўрла лашқарига қарши жангга кирибли ва асир тушишига бир баҳя қолибди. Умаршайх Соҳибқироннинг омон қолган уғиллари ичилда энг кагтаси эди. Темурнинг уғил-лари орасида фақат ана шу Умаршайх қупроқ умрини юриш-ларда, жанг жалалда ўтказарди. У ҳаёт билан ҳам жанг майдонида видолашган. Бу фожиа бундан бир неча йил кейин юз берганди: У Эронда кутарилган қўзголонни бостириш

асносида камондан узилган ўқ шаҳзодани оғир жароҳатла-
ганди. Лекин у ҳозир ҳаётини қутқариб қолиш учун ўз салта-
натидан қочишга мажбур булганди.

Фарғона водийси Ўрта Осиёнинг энг гузал улкаларидан
бири эди. Фарғонада туғилиб-ўсган Бобур умрбод у ернинг
нони ва мева-чевасини мақтаб ўтган. Баҳор чоги лолазорлар
ва атиргуллардан ҳаммаёқ гиламдек яшнаб кетар, айниқса, у
ернинг бинафшалари нафис бўларди. Сайёҳлар бедазорларда
ҳордиқ чиқаришни яхши куришарди. У ернинг одамлари ҳам
ўз ҳусну латофати билан бошқалардан ажralиб турди, деб
ёзали Бобур.

Энди бўлса, шарқ томондан Мугулистоннинг жетилари
Тұхтамишға қўшилиб, Фарғона воҳасини поймол қила бош-
лаганди.

Хоразмнинг пойтахти Гурганж ҳам исёнга қўшилганди.
Тұхтамиш лашкарлари мамлакатни талон-тарож қилиб, Бу-
хорони қамал қилганди. Улар Темурнинг она-юрти — Қашқ-
адарё водийсини ҳам босиб олишди ва Қарши шаҳридаги
сўнгги Чифатой ҳукмдори Қозонхон қурдирган саройга ут
қўйиб, унинг кулини кўкка совуришиди.

VII боб

ТУХТАМИШ ВА ОЛТИН ЎРДА

1387-Қюён ўили — 1391-Қуёй ўили

1387—1388 йиллар уртасидаги қиши мавсумида яна бир
мўғул салтанати ҳукмдори Соҳибқиронга қарши жанг бош-
лади. Бу Темурнинг собиқ тутинган ўғли ва иттифоқчиси,
Олтин Ўрда хони Тұхтамиш эди.

Темур лашкарларининг ўз зафарли юришларида биринчи
бор бундай жиддий кучга рубарў булиши эди. Бу безбетлик
Темур Ўрта Осиёда барпо этган давлатнинг хавфсизлигига
шафқатсиз зарба бериши мумкин эди. Олтин Ўрда тасарру-
фидаги музофотлар шимол томондан Мовароуннаҳрни ярим
доира шаклида ўраб турарди. Сирдарё соҳилларидан жанубга
— Мовароуннаҳрга бошланган ҳарбий юришлар кучли мар-
казлашган ҳокимият самарасидан баҳраманд була бошлаган
вилоятларга катта зарар етказарди. Ҳолбуки, акс томон: ши-
молга — Олтин Ўрдага ҳафталақ босқин қилган билан душ-
манга бирор сезиларли талофат етказиш амри маҳол эди.

Тұхтамиш ҳамласи шундай бўлдики, Соҳибқирон мазкур
хуружга жуда жиддий эътибор бермоғи лозим бўлиб қолди.
Зоро, бу рақиб куч-қудратда Темурга тенг келар, сипоҳийла-

ри эса жанғоварлық бобида Темур сипоҳийларидан қолиши-
мас зди. У макр-ҳийлаға макр-ҳийла билан жавоб берә олар-
дикі, бундай сабоқни Тұхтамиш Темурнинг узидан олган зди.
Боз устига, Тұхтамишнинг даявоси хийлагина асосли зди. У
Олтин Ырда томонидан XIV асрнинг биринчи ярмида барпо
этілған ва карвон йүллари ҳамда тижорат марказларини на-
зорат қилиб турған буюқ ва қудратлы салтанатны қайта тик-
лашга жон-жаҳди билан уринмоқда зди. Бошида Темурнинг
бу юришдан күзлаган мақсади босқынчилік змасди. Ҳарбий
зарурат уни шундай йул тутишга мажбур қылғанди. Сиёсий ва
иқтисодий жиҳатдан ҳам бу юриш мудофаа аҳамияттыңа зга
зди. Клавихонинг таҳқиилига кура, Тұхтамиш устидан қозо-
нилған галабани Соҳибқирон, узи құчған зафарлар ичиде энг
асосйиси деб ҳисоблаган. Илло Олтин Ырданинг Қора денгиз-
дан то Эртүш (Иргиш) дарёсига қадар Шарқий Оврупо ҳамда
Осиё узра ҳукмронлик қилиши күп жиҳатдан иккала қытъа
учун ҳал қылувчи аҳамиятта молик булиб, Темур учун энг
кетта қавф ҳудди ана шу күч ҳисобланарди.

Чингизхон ўз салтанатини үғилларига булиб берганида
тұнғич үғли Жүжига Мұғалистон сарҳадларининг ғарб томо-
нида жойлашған бепоён даштларни ажратқан зди. Гарчи Мұ-
ҳамчад Хоразмшоғни таъқиб этиш учун жунатилған бир фавж
— мұғул сипоҳийлари Оврупонинг жануби-шарқий чеккала-
рига ва Волга буйидаги ерларга бостириб кириан булса-да,
Чингизхон тириклигіда ғарбий ҳудудларнинг катта қисми ҳали
забт этилмаган зди. Чингизхон үлемидан хиёл олдин Жүжига
Дашти қипчоқни фатх этмоқни буюрганди. Қипчоқлар келиб
чиқиши жиҳатидан туркий ҳалқтарға мансуб булиб, улар Қуий
Волга ва Днепр оралығидаги даштларда күчиб юришарди,
лекин бора-бора, Олтин Ырда салтанатидаги күчманчилар-
нинг бары «қипчоқлар» дея атала бошланди.

Лекин Жүжи отаси Чингизхондан бир оз олдин вафот этди.
Тож-тахт меросхури балқаҳр шаҳзода Боту (1227—1256 йил-
лар) отаси ишини давом эттириди. 1235 йилда Қоракурумда
ұтказилған құрултойдан сүнг Боту үзиннинг бир фавж лашка-
ри билан Даشتı қипчоқни босиб угіб, Волга соҳиилларida
яшайдыған булғорлар юртини, урис князилкleri мулкини
Крим ва Кавказни забт этди. 1240 йилға келиб Киев (Қиов)
фатх этилди ва Боту учун Польша, Можористон (Венгрия)
ва үзға ғарб давлатларига борадыған йул очишли қолди. 1241
йилнинг баҳорида у Карпат тоғидан ошиб угіб, можорлар
қироли Бела IV ни тор-мор қылди. Шу йилнинг ёз ва куз мав-
сумида ҳам мұғул отлари Можористон водийларидаги яйлов-
ларда үтгаб юришди. Ұша йили Буюқ хон Үқтой дунёдан куз
юмди. Боту унинг Қора денгизга қадар бўлған бутун салтана-

тини ўз құл остида сақлааб қолди. Жүжи улуси урис адабиесінде Олтин Үрда номи билан атала бошлады. Эхтимол, Ботунияң үтови олтин рангида булғани учун ҳам шундай ном берилгандыр.

Мұнұлтарнинг шимолдаги бу салтанатида кенг-мұл яиловлар, ғалла етиширилдиган сәрхосил майдонлар ва савдо йүллари сероб зди. Бу йүллар ичидә әнг муҳими булғорлар юртидан Волга ёқалаб жанубға йуналған булиб, у ерда Хитойни Левант билан боғловчи қытъялараро шоҳ йүлга бориб туташарди. Булғорлар ери бутун Волга бүйін үлкаларининг ғаллакор майдони ҳисобланарды. Күчманчи қабилалар томонидан шимолий үлкаларда жанг қылғылар түширилған қулларни ортган улкан кемалар карвони Волга дарёсида пастга сузіб утарды, бу жангари табиат қулларнинг Үрта Осиё ва Үрта Шарқда бозори чаққон зди.

Бир вактлар Мұхаммад Хоразмшоҳ салтанатининг маркази булған шимолий Хоразм ва унинг пойтахти Гурганж ҳам Олтин Үрда тасарруфига тушған зди. Волга бүйін вилюятлари билан Хоразм уртасыда Х асрдан бошлаб кенг савдо муносабатлари үрнатылған зди. Шимолдаги үлкалар Гурганжға Волга буйлаб әнг ноёб мүйналар юборарды. Бу мүйналар билан биргә ул «рутубатли үлка»дан яна мум, камон үқлари, қайнан пустлоги, баланд чүкқили мүйина қалпоқлар, балиқ елими, балиқ тишлири, қаҳрабо, ошланған терилар, асал, ёнғоқ, лочинлар, шамширлар, жанговар советлар, заранг ходалар, сурув-сурув құйлар. Қора мол ва отлар ҳам келтириларды. Минг-минглаб йилқилардан иборат карвонлар Даشت қынчоқдан келтирилар ва Ҳиндистонға жунатиларды, зеро у ерда отларға талаб зүр зди.

Олтин Үрда салтанати сарқадлари жануби-ғарбий йуналишда то Қавказ ва Қора деңгизге бориб тақаларды. Мисрлик мамлюклар касрига Суриядаги карвонсаройларидан маҳрум булиб қолған Faro мамлакатларининг тижорат аҳли уз моллари учун Қора деңгиз соҳиллари ёқалаб жой танлай бошлалилар. Зеро Венеция ва Генея тожирлари қиыншалараро савдо йүлиға беносита шу ердан кириб боришини хоҳлардилар...¹ Олтин Үрда Қора деңгиздан то «күн чиқар» гача булған барча ҳудудларда ҳұмроонлик қылар ва Хитойдан то Тангача құзилған бутун савдо йулида тартиб ва хавфсизликни таъминлаб турарды.

Ботуҳон яхши ривожланған карвон савдосидан оқиб келдиган беҳисоб даромадлар аҳамиятини яхши түшунар ва шу боис уни янада ривожлантириш учун күп ҳаракат қылар зди. Хитой ва мусулмона тожирларига у турли-туман имтиёзлар ва ёрлиқлар бердириди. Шунинде учун беҳад катта ва турлича шак-

лда бўлган солиқ ва ўлпонларнинг ўз халқи бошига жуда оғир юқ бўлиб тушаётганига қарамай, Боту даврида ҳам, унинг вориси шаҳзода Берке (1256—1266 йиллар) ҳукмронлик қилган йилларда ҳам савдо иши яхши ривож топди. Айнан мана шу халқаро савдонинг ривожланиш жараёнини ҳисобга олиб туриб, янги мӯғул салтанатининг пойтахти учун қулай жой танланган эди. Волганинг кўчманчилар қўналғалари ва ўтрок халқининг қишлоқлари учрайдиган қўйи оқимида, яъни дарёнинг сўл қирғогида шундай жой бор эдики, гуё табиат барча мамлакатларнинг савдогарлари учун у ерни мол алмашув маскани этиб атайлаб тайёрлаб қўйганга ўхшарди. Олтин Ўрда хонлари шу ерда ўз салтанатларининг пойтахти — Сарой шаҳрини бунёд этдилар. Асирга олинган моҳир усталар бу шаҳарда қасрлар, расталар, мустаҳкам омборлар ва муҳташам иморатлар қурдилар: мӯгуллар пойтахти — Сарой хитойларнинг Пекинидан аълороқ бўлиши керак эди-да.

Беркеконнинг ўлимидан кейин Олтин Ўрда хонлари та-наззулга юз тутдилар ва ҳокимият, амалан, ер-мулки Ўролдан то Волгагача чузилган туманбошилардан бири Нуғайхоннинг қўлига ўтди. У деярли қирқ йил пойтахтнинг сиёсий ҳаётида энг устун зот бўлиб турди ва уз қулида қўғирчоқ бўлиб қолган иродаси суст хонларнинг бутун фаолиятини назорат қилди. У беклар, киборлар уртасида бўлиб утган эски низоларни атайин пуфлаб шишириб ва янги нифоқларни ўйлаб топиб, уларнинг давлат ишига салбий таъсир курсатаётган адоват ва ихтилофларидан ўз фойдасига усталик билан фойдаланди.Faқат Нуғайхон ўлдирилгандан кейингина Ўрда хонларининг елкасига шамол тегди, Ўзбекхон ҳукмронлик қилган даврида (1312—1340 йиллар) Олтин Ўрда ўзининг аввалинг кўрки ва мавқеига мушарраф бўлди. Ўрданинг энг гуркираб яшнаган пайти ана шу даврга тўгри келади. (Темурнинг ўлимидан сўнг юз йил вақт ўтгач, Олтин Ўрданинг уша хонноми билан ўзини ўзбеклар деб атаган бир неча уруғи Самарқандни забт этиб, Мовароуннаҳда ўрнашиб олди. Энди уша замин Ўзбекистон дея аталади).

Ўзбекхон ўз тобенини — Крим ҳукмдори ва Хоразм ноиби этиб тайинланган амир Қутлуғ ёрдамида энг хавфли мухолифларининг ҳаммасини бартараф этди. У дини исломни қабул қилди, аммо савдо-сотиқ манфаатлари унинг бошқа динларга, масалан, насроний динига ҳам одоб доирасида муомала қилишни тақозо этарди. Савдо-сотиқ ишига яна хон күшойиш тилаб, ёрдам бергач, савдо йуллари тағин тожирларга ва молларга сероб бўлиб қолди: Ўзбекхон атайлаб Каффага келиб, генуялик савдогарлар билан савдо битими тузди. Битим шартларига кўра, генуяликларга Танада ўзларининг савдо факторијасига* эга

булишларига рухсат берилганди, Олтин Урда хони эса йиллик даромаднинг уч фоизини олиши керак эди.

Қалимий шаҳарлар — Кримдаги Каффа, Керчъ, Судак. Хоразмдаги Гурганиж, Волга соҳилидаги Булғор эли узларининг савдо-сотиқдаги аввалини мавқедарини қайтариб олдилар, янги шаҳарлар — иккита Сарой ва Кримдаги Крим шаҳарлари хотиликнинг янги савдо-сотиқ марказлари бўлиб қолди. Тана бозорларидаги ғалла, туз, май, пишлоқ, кул сифатида татар ва ўрис болалари. Хитой шойилари, ҳинд дориворлари билан савдо-сотиқ қилиш авжига чиққанди. Пегалоттининг «Тижорат луғати»га кура, Хитойга етиш учун карвон билан борганда түққиз ой, салтанатнинг ёмхона бекатлари орқали йул босилгандага бундан камроқ вақт сарфланарди.

Ўзбекхон уз пойтахтини Ботунийнг эски пойгахти — Саройдан сал шимолроққа Беркахоннинг Волга соҳилида жойлашган Янги Сарой шаҳрига кучирди. Масжидлар, мадрасалар, қасрлар, устахоналар, савдо-сотиқ расталари, бозорлар, кенг кучалар янги пойтахтнинг ҳуснига-хусн қушарди. 1340-йилларда Янги Саройни бориб курган Ибн Баттута уни «бечал улкан, энг гузал шаҳарлардан бири, аҳоли жуда зич яшайдиган, чиройли бозорлари, кенг кучалари» булган шаҳар сифатида таърифлар экан, ёзганди: «Биз пойтахт акобирларидан бири билан бирга, шаҳарнинг майдонини аниқлаш учун унинг тевараги бўйлаб уззукун йўл босдик. Биз шаҳарнинг бир чеккасида яшардик, отда юриб фақат пешиндан кейингина унинг иккинчи чеккасига етиб бордик... Шаҳарнинг ўн учта жоме масжиди ва жуда кўп бошқа масжидлари бор. Шаҳар аҳолиси турли миллатларга мансуб, уларнинг орасида муғуллар (мамлакат аҳолиси ва ҳукмдорларидан иборат булган бу ҳалқнинг аксари мусулмонлардир), шунингдек, мусулмон осетинлар ҳамда насроний булган қипчиқлар, черкаслар, урислар, юнонлар ҳам яшайдилар. Ҳар бир жамоа алоҳида-алоҳида маҳалларда истиқомат қиласди. Бу маҳаллалар уз бозорларига эга. Ироқ, Миср, Суриядан ва бошқа мамлакатлардан келган савлогарлар, сайёҳлар узларига қарашли мол-мулкни мұхофаза қилиш учун девор билан уралган маҳаллаларда яшайдилар». XIX асрда уткази шан қазилма ишлари пойтахт шаҳарнинг — Янги Сарой энг туркираб ривожланган даврда юз мингдан зиёд аҳолиси булганligини куреатди. 1922 йылда ўтказилган янги қазилмалар бу таҳминларни тасдиқлади². Янги Сарой ҳудуди арк, сарой майлони, бозорлар ва ҳунармандлар яшайдиган маҳаллаларни уз ичига оларди. Унга шаҳар чеккасидаги қаср ва иккى бог ҳам киради.

* Фактория — ажабини савдогарларнинг ўзга мамлакатларда савдо-сотиқ олиб борадиган мағизали.

Дарвоқе. Олтин Үрданинг савдо-сотиқ жиҳатидан айни гуркираб ривожланган ана шу дәврида Флорентино Пегалотти (1340 йилга яқин) узининг «Тижорат луғати»да Хитойга олиб борадиган йўл кундуз ҳам, тунда ҳам мутлақо бехатардир», — деб ёзишга ҳақли эди. У бундай сафарга чиқсан савдогарларга «соқолни ўстириш, соч-соқолни кузамаслик»ни маслаҳат бериб, давом этади: «Танада таржимон ёлланг, фақат яхшисидан бўлсин... Агар савдогар ўзи билан йўлга хотин олмоқчи бўлса, бундай қилиши мумкин, агар у буни истамаса, ~~хеч~~ ким уни мажбур қизмайди...»

Ўзбекхон уз салафлари сингари Мисрдаги мамлюклар билан савдо-сотиқ ва дипломатик алоқани сақлаётган эди, умуман олганда, улар ўртасидаги бу алоқа Олтин Үрдадан Озарбайжонни даъво қилаётган Ҳалокуларга нисбатан адоватли эди.

Ўзбекхоннинг ўғли Жонибек (1340—1357 йиллар) Үрданинг сўнгги қудратли хони бўлди. 1346 йили салтанатнинг жанубий вилоятларида вабо тарқалиб, бу лаҳшатли юқумли касаллик Кримни ҳам уз домига тортиди. Бизгача етиб келган маълумотларга қараганда, бу ерда у саксон минг кишининг ёстигини қуритган экан. Жонибекдан сўнг салтанатда яна ички низолар бошланди. Бир қанча амирлар тож-тахтга даъво қила бошлидилар. Лекин уларнинг биронтаси ҳам тобеин беклар устидан яхши назорат қила олмадилар. Алалхусус, ўрис князлари, бу орада кучайиб кетишиди, уларнинг шаҳарлари мустаҳкам истеҳкомларга айланди ва улар Саройга ўлпон тұлашни тұхтатиб қўйдилар. Савдо карвонлари энди карвон йўлларининг бехатарлигига ишонмай қўйдилар, оқибат, шаҳарлардаги савдо-сотиқ ва ҳунармандчилик инқирозга учрай бошлидади.

Ўзининг мустақил сулоласига эга булган айрим вилоятлар Олтин Үрда тасарруфидан ажralиб чиқа бошлидилар. Дорус-салтанаси Гурганжда жойлашган Хоразмнинг шимолий вилоятлари Сўфийлар сулоласи раҳбарлигига жанубий вилоятлар билан бирлашидилар. Сарҳадлари Мўғалистонга бориб туашган ва Олтин Үрданинг сўл қанотини ҳам ташкил этган жануби-шарқий вилоятларда Жужининг авлоди булмиш Ўрусхон ҳукмрон булиб олганди. Ушбу музофот Оқ Үрда номи билан машхур булиб, Ботунинг тасарруфидаги унг қанот, яъни Кук Үрдадан кескин фарқ қиласарди.

Саройда юз берган тұнтарыш оқибатида тож-тахт Жонибекнинг ўғли Бердібек қулига үтди, шундан сўнг хон Жонибек бүғиб үлдирилди. Аммо амалда ҳокимият Крим ҳукмдори — Бердібекнинг күёви амир Мамайнинг қулида эди. Кейинроқ Мамай тахтга яқин одамини үтқазди-да, уша қўғирчоқ

хон ёрдамида бутун Саройни уз назоратига олли. Бироқ амир ҳам, унинг құғиричоқ хони ҳам Олтин Ўрда бирлигини тиклай олмади. Московия ҳарбий құдратининг күн сайин үсиши ва Москва князи Дмитрийнинг Ўрдага қарши жанг бошлаб, мұгул лашкарига Русия тупроғида бириңчи бор қақшатғыч зарба бериши оқибатида, Мамайнинг ва Ўрданинг мавзеи мушкуллашды. Бу жанг Дон дарёси бүйілдегі Куликово майданыда солир булди. Бу ерда бұлған әнг беаёв мұхорабадан сұнг, рус солномаларида Дмитрий Донской номи билан машхур бұлған буюк князь Дмитрий 1380 йилда Мамайнин жаңғохни ташлаб қочиши мажбур қилды. Бу пайтта келиб, Амир Темур бутун Чигатай салтанатыда уз ҳокимиятini үрнатиб, Эрондаги Ҳалокулар салтанатига күз тикиб турған эди.

Соҳибқирон шимолдаги құшни салтанатда содир булаёт-ған воқеалар ривожини диққат билан күзатиб борди. У Олтин Ўрданинг құдратига птур етказаётған сиёсий ва иқтисодий зиддиятларға бефарқ қарай олмасди, албатта. Темур Моваро-уннарда ҳокимиятни уз қулиға олған 1370 йил билан 1380 йил үртасыда Олтин Ўрда тоғ-тахтига 25 ҳукмдор дағыгарлық қилғанди. Ўрданинг үнг ва сүл қаноти, яъни амир Мамайнинг ихтиёридағи Олтин Ўрда билан Ўрусхоннинг Оқ Ўрдаси орасыда ҳокимият учун асосий кураш кетди. Илгари Жұжи улусининг қолоқ вилоятларидан бири бұлған Оқ Ўрда охирги пайтларда ҳам иқтисодий, ҳам сиёсий жиҳатдан күчға кирган ва Ўрусхон энди фақат Саройда уз ҳокимиятini мустаҳкамлашнугина эмас, балки бутун Ўрданi уз тасарруғи остида бирлаштириш имкониятini излай бошлаган эди.

Вужудға келған вазият Темур учун хавфли эди. Зеро шимолдаги құшни давлатларда ут олған ҳар қандай низо унинг учун фойдали ва лекин уларнинг ҳамжиҳат булиб бирлашиши уни таҳлиқтага соларди. Соҳибқирон бу ишларға аралашып учун қулай имкониятни кутарди.

Бириңчи марта шундай имконият 1376-балиқ йилида вужудға келди. Оқ Ўрданинг арконы давлати орасыда Мамайға қарши юриш хусусида ихтилоф чиқди. Ўрусхонга қарши бұлған Жұжи уруғидан бўлмиш шаҳзодалардан бири үлдирildi. Унинг ўғли Тұхтамиш эса паноҳ излаб, Темур ҳузурига қочиб келди.

Соҳибқирон Ўрусхонга қарши курашда уз тарафида Оқ Ўрда аслзодаларидан иттифоқчи пайдо бұлғанидан фақат қувонди, албатта. Зеро, Ўрусхон сиёсий мухолиф булишдан ташқари, уз ҳузурига қочиб борган исенчі жалойирларға ҳам бошпанға берған эди. Темур Тұхтамишни худди уз үғлидай кутиб олди. У шаҳзодага олтын буюмлар, қимматбаҳо совғалар, отлар, курол-аслаҳа, фахрли либослар, заррин камарлар, бе-

бақо тақинчоқтар, туялар, утов ва чодирлар, құллар инъом этди. Мовароуннаұрнинг Оқ Үрдага туташған сархадилаги Үтровер ва Сигноқ Тұхтамишга ҳадя этилиб, уннинг ихтиёрига лашкар ҳам берилди. Тұхтамиш бир неча бор Үрусхонға ҳужум қилиб күрди, аммо ҳар гал мағлубиятта учради. Лекин Темур ҳар бир мұваффақиятсизликдан сұнг бу тутинган үғли ихтиёрига яна янги-янги лашкар берар ва янада күпроқ соғра-саломлар инъом этарди.

Үрусхон билан Тұхтамиш үртасидаги бириңчи туқнашув Темур үзининг тутинган үғлиға Үтровер билан Сигноқни инъом этганидан сұнг содир бұлды: унга Үрусхон үғиллардан бири ҳужум қилди. Хон үғли жаңға үлдірилди, бироқ Тұхтамиш ҳам чекинишга мажбур бўлди. Шунга қарамай, Темур тутинган үғлиға дадда бериб, уни яна қурол-аслаҳа билан таъминлади. Аммо Үрусхон лашкарлари билан қайта туқнашув яна авватгидек — мұваффақиятсизлик билән тугади. Лашкарлардан ажраб қолған ва бир қўлидан яраланған ярим яланғоч Тұхтамиш үзини Сирдарёга ташлаб, нариги соҳилдаги үрмонга яширинди. Темур уни излаб топиш учун юборган барлос саркарда шаҳзодани уша үрмөндән қидириб топди. Омади чопмаган шогирдваччани уша күнлари Темур қароргоҳи жойлашған Бухорога олиб боришиди. Орадан күп утмай, Оқ Үрдалан етиб келган элчилар Тұхтамишини Үрусхон саройында қайтариб юборишини талаб қилишди. «Тұхтамиш менинг үғлимни үлдирди ва сенинг музофотингдан бошпана топди! Душманимни менга қайтариб бер! Акс ҳолда, жаңгга ҳозирлик куравер!» — дея ёзғанди Үрусхон үз номасида.

Темур Тұхтамишини душман қулиға топширишдан буйин товлади ва бу пайтда Сигноққа құшин суриб келған Үрусхонга қарши үзи лашкар тортди. Аммо бирдан соvuқ тушиб, қишиш бошланди (1376—1377 йиллар), ёмғир қорға айланиб, ҳаммаёқ музлаб қолди. Оқибатда икки құшин деярлы уч ой давомида жойидан силжий олмай, бир-бирининг рупарасида туриб қолди. Сунгра бирон томон ҳам ғалаба қозона олмаган бу жаңгдан сұнг иккала құшин ҳам ортига чекинди. Кейинги — 1377-Илон йилининг баҳорида амир Темур Үрусхонға қарши ҳужум қилиш учун яна Сирдарё соҳилигә қайтиб келди. У құшиннинг манглайига (авангард) Тұхтамишини құмоналон этиб тайинлади. Шу пайт Үрусхон бандаликни бажо келтирғани ҳақила хабар етиб келди. Соҳибқирон уз шогирдини Оқ Үрда хони сифатида таҳтга үтиргомғи учун зарур булған құшин ва қурол-аслаҳа билан таъминлади. Темур ҳатто уз отхонасидан унга «шамолдан ҳам учқұр» тулпор инъом этди. «Бу отни яхшилаб парвариш қил, — дея маслаҳат берди у Тұхтамишга. — Бир күн келиб, у жониннега оро киради». Тұхтамиш Үрус-

хоннинг ўрнига таҳтга ўтирган унинг ўғлидан яна бир бор маглубиятга учради ва яна қочишига мажбур бўлди. Темур со-вға қилган учқур от уни ўлимдан сақлаб қолди³.

Бироқ Оқ Ўрданинг янги хони ҳукмронлик бобида отасиги тортмади. Тез орада Темурга янги хон туну кун вақтини кайф-сафода ўтказаётгани, пешинга қадар ухлаши, халққа зулм қилаётгани ҳақида хабар етиб келди. Темур яна Тұхтамишни кучли лашкар билан таъминлади.

Бу гал Тұхтамиш ғалаба қозонди (1378 йил) ва Оқ Ўрда тож-тахтини құлға киритишга муваффақ булди. Воқеалар йұналишининг бундай үзгаришидан сұнг Темур, чамаси, узининг Олтин Ўрдага қарши сиёсатида, ишончли тобеин ва итти-фоқчига эга бўлдим, деган қарорга келган бўлса керак. Бироқ Тұхтамиш Соҳибқирон ишончини оқламади. У Оқ Ўрда узра ўз назоратини ўрнатгач, үзидан аввалги хоннинг йүлини тутди ва Оқ Ўрда ҳамда Олтин Ўрдаларни бирлаштириш учун юриш бошлади. У ўз қүшинларини Сигноққа түплади-да, Олтин Ўрда амири Мамай билан куч синашмоқ учун шимоли-ғарб томон кўшин тортди. У бир неча йил муттасил жанг қилди. 1380 йили Олтин Ўрданинг Куликово жангидаги маглубиятга учраганидан фойдаланган Тұхтамиш Мамайга жанубдан ҳужум қилиб, уни тор-мор этди. Бу жанг Азов денгизи яқинидаги Калка деган жойда бўлиб ўтди. Тұхтамиш ўша 1380 йилнинг үзидаёқ бирлашган икки Ўрданинг хони бўлиб олди. Жўжи улуси кучли ҳукмдор қўли остида бирлашди. Тұхтамиш, замондошларининг айтишича, сакий ҳукмдор сифатида номчиқарди.

Темур Ҳалоку музофотини Чигатой салтанатига қушиб олиш билан банд бўлган пайтда унинг тутинган ўғли — Жужи улусининг ҳукмдори Тұхтамиш Ўрда ҳокимиютини қайта тиклаш учун ўз доруссалтанаси Саройдан шимол томон юриш бошлади. У ўрис князларидан Ўрдага тобеликни тан олишни ва илгаригидек яна ҳар йили канда қилмай ўлпон тулаб туришни талаб қилди. Бироқ Куликово жангидан руҳланган князлар хирож тўлашдан бош тортисди. Шундан сұнг Тұхтамиш ўрис князлари уйига бостириб борди, уларнинг шаҳарларига ўт қўйиб, талон-тарож қилди. Қипчоқлар ҳокимиюти қайта тикланиб, ўрис давлатлари илгариги пайтдагидек хирож тўлашга мажбур бўлдилар. Тұхтамиш яна бир қанча юришлар қилиб, Ўрданинг қудратини мустаҳкамлади, уни Ўзбекхон давридагидек мавқега кўтарди. Ана шундан сұнг Олтин Ўрда Соҳибқирон учун хавфли мухолиф бўлиб қолди.

1385 йили Тұхтамиш ўз салафлари каби, уша кезлари сulton Аҳмад Жалойир салтанати таркибиға кирган Озарбайжонга даъво қила бошлади. Амир Темур Хуросонга қилган

юришини Султонияда якунлаб, 1385 йили одатдаги зафар байрамини ўтказмоқ учун катта ўлжа билан Самарқандга қайти. Тұхтамиш эса Каспий дегизининг жанубий соҳилларидан хужум қилиб, үз қипчоқ лашкарлари билан Табризга бостириб кирди. Шаҳарда мудофаани ташкил этишга одам топилмади. Табриз худди қанотини патиллатаётган чалажон товуқдек бир ҳафта пала-партиш жанг қилди-ю, душманга таслим бўлди⁴. Босқин ва қирғин ўн кун давом этди. Сунгра Тұхтамиш катта ўлжа олиб, шаҳарни тарқ этди⁵.

Тұхтамиш даврида Олтин Үрда қудратининг қайта тикланиши Темур учун хавфли эди. Шимолдаги қүшниси — бирлашган Олтин Үрда унинг салтанати сарҳадларига хавф солишдан ташқари, Соҳибқирон үзи ва лашкари учун муносиб ўлжа дея ҳисоблаб юрган яйловлар ва савдо марказларига ҳам куз олайтира бошлаганди. Ва ниҳоят, тараққий топган шаҳарлар, деҳқонлар, Даشت қипчоқ кўчманчилари устидан ҳукмронлик қилас экан, айни пайтда, Мовароуннаҳр давлати тараққиётига ҳам хавф сола бошлади. Зеро, бу салтанат деҳқонлари ҳам, шаҳар аҳолиси ҳам бирликка ва низолардан ҳимояга муҳтож эди. Тұхтамиш таъсирининг ўсиб бориши икки салтанат ўртасида ихтилоф туғдирар, Темур давлатига хавф соларди.

Биринчи туқнашув 1387 йили содир бўлди. Бу даврга келиб, Тұхтамиш энди устози Қилган яхшиликларни унугтган, Темурни ўз йўлидан олиб ташлаш пайига тушиб қолган эди. Тұхтамиш яна Дарбанд дарасидан бостириб кирганида Соҳибқирон Қорабоғда қишлоамоқда эди. 1387 йилнинг бошларида Темур музокара олиб бормоқ учун сипоҳийларнинг кичик бир тудаси билан бир неча амирни Тұхтамиш ҳузурига юборди. Йўлда уларга хужум қилдилар. Яхшиямки, сипоҳийларнинг каттароқ фавжи билан Мироншоҳ етиб келди, акс ҳолда, уларнинг мағлубиятга учраши ҳеч гап эмасди.

Темур ўз одати буйича, то хужум қилишга ҳозирлик куриб бўлгунича музокара юргизиб тураверди. Бунинг устига Олтин Үрда амирлари орасида Соҳибқироннинг иттифоқчилари ва хабар етказиб турувчи айғоқчилари бор эди. Шу билан бирга, Темур асир олинган қипчоқларни озиқ-овқат ва от-улов билан таъминлаб, ортига қайтариб юборди. У яна Тұхтамишга нома йўллади. Фазабдан кура кўпроқ маъюс оҳангда ёзилган ушбу номасида Соҳибқирон тутинган кўрнамак ўзи қилган яхшиликларни маломат қилди.

Бироқ Тұхтамиш кўзи кўр, кулоги кар булиб қолаверди. Темурнинг Эрон сари уч йиғлиқ юришига жұнаганидан фойдаланиб, Олтин Үрда хони лак-лак қипчоқ қүшинлари билан Мовароуннаҳр устига ёпирилди. У Шайх Сулаймон Сўфий

Хоразмийни Темурга қарши исён кутаришга кўндириб, 1387 йили мўгул жетилари ёрдамида Сирдарё бўйлаб ҳужумга утди. Ўз қушинларидан ажраб қолган шаҳзода Умаршайх жанг пайтида сал бўлмаса Тўхтамишга асир тушаёзди.

Бу хабар етиб борганида Темур Эроннинг Шероз шаҳрида эди. У янги босиб олинган шаҳар ва вилоятларга ҳокимлар тайин қилди-да, Мовароуннаҳр сари шитоб билан лашкар тортди. Унинг қайтиб келаётгани ҳақидаги хабарнинг ўзидан-ноқ ёғийлар тумтарақай бўлиб, баъзилари Хоразм йўлидан қочишди, баъзилари эса Йулларини Дашиб қишлоққа қараб буришиди. Бироқ Қаршидан фақат култепа қолган, Бухоро эса вайронага айланганди.

Ўн беш йил давомида фақат қўшни салтанатларни босқин қилиб, муттасил ўлжа билан қайтиб келишга одатланганлар учун ўз мамлакатининг бундай босқин қилиниши манзарасини кузатиш жуда оғир бўлди. Зеро, бу даҳшатларнинг барни Мовароуннаҳрда содир бўлганди. Мовароуннаҳр эса босқинга учраш эмас, балки турли-туман ўлжа ортиб Эрондан ва Темурнинг ғарблаги музофотларидан келиб турган беҳисоб тяялар ва ҳар хил ҳунарманд ҳамда усталардан иборат карвонларни қабул қилишга одатланниб қолган юрт эди. Аммо Темурни ҳали унинг ўзи тайёр булмаган юришга мажбур қилиб бўлмасди, у сабр-тоқат билан кулаг фурсат келишини кутарди. Шаҳзода Умаршайхнинг Ўтрор ёнида мағлубиятга учраши сабабларини тафтиш қилиш учун маҳсус амирлар ҳайъати тайин этилди. Соҳибқироннинг ўғли Умаршайх «ўз жасорати ҳақида тўла далилу исбот келтириб», номини оқлай олди. Унинг саркардаларидан бири, бир даста сипоҳийлари билан Ҳўжанд ёнида уч юз нафар душманни қувиб соглан Куч Малик мукофотланди. Унга катта ер-мulk инъом этилиб, Тархон рутбаси берилди. Ўз жасоратини исботлаб бера олмаган бошқа бир саркарданинг эса соқоли қириб ташланди. (Соқолни қириб ташлаш ўша кезлари энг катта шармандалик ҳисобланарди). Унинг юзига қизил сурма суртиб, бошига улама соч кийгизиши ва сазойи бўлиб, бутун Самарқандни ялангоёқ югуриб ўтишга мажбур қилишиди.

Кейинги навбатда исён яна такрорланмасин учун Хоразм жазоланди. Қочиб кетган Сулаймон Суфий Тўхтамиш қароргоҳидан паноҳ топди. Темур Гурганж аҳолисининг барини молмулки билан бирга Самарқандга кўчиртирди, шаҳарнинг ўзини эса ер билан яксон этиб, ўрнига арпа септирди⁶.

Темур ўша Йилнинг кузида (1388 йил) Самарқандга қайтгач, Муҳаммад алайҳиссаломнинг ҳар бир мўмин-мусулмон уйланмоғи, ўзидан зурриёт қолдирмоғи даркор, деган таълимотига амал қилиб, ўғиллари ва набираларининг никоҳ тўйла-

рини ўтказди. Бутун шаҳар ва айниқса, Бори Беҳиштга ажой-иб гиламлар тӯшалди, баланд-баланд кӯшклар қурилиб, уларга дуру жавоҳирлар билан безатилган пардалар осилди. Фарғона ҳукмдори шаҳзода Умаршайх, шаҳзода Шоҳруҳ (у үн бир ёшда эди) ҳамда Жаҳонгирнинг икки ўғли Маҳаммад Султон ва Пирмуҳаммадлар жаннат ҳурлари мисол соҳибжамол маликаларга йўландилар. Тўй зиёфатларидан сунг қушин тарқатиб юборилди, шаҳзода Мироншоҳ ўзининг Хуросон музофотига, шаҳзода Умаршайх Андижонга (Фарғона сарҳадлари Оқ Ўрда сарҳадлари билан тутатшиб турарди) жунаб кетишиди. Амир Темур эса Олтин Ўрда хонига қарши муҳорабага ҳозирлик кўрмоқ учун Самарқандда қолди.

Аммо Тўҳтамиш ҳам қараб турмади. У Даشت қипчоқ, Волга буйидаги Булғор музофоти ҳамда Кримдан тўплаган қўшини билан йил охирида ҳужум бошлади. Соҳибқироннинг саркардалари унга қарши ҳужумга ўтишга шошилмасликни маслаҳат бердилар, зеро, уша йили қишина қаттиқ келиб, лашкар ҳали тўла жамланмаган эди. Темур, ишни пайсалга солиш — душманни мағлуб этиш умидини пучга чиқариш билан баробар, дея жавоб қилди. У Самарқанд ва Шаҳрисабздан тўплangan лашкари билан қор босган дала-туз орқали қоронги кечалари олға ташланди. Унга Фарғонадан қўшин тўплаб келган ўғли Умаршайх қўшилди. Улардан қаттиқ зарба еган душман Сирдарёning нариги соҳилига улоқтириб ташланди. Бу жангда Тўҳтамиш кенгашининг аъзолари ҳамда бир талай тавочилари асир олинди. Қишиңдан ҳам жуда қаттиқ келганди, шу боис, қипчоқларни дарё ортида таъқиб қилиб ўтирмадилар.

1389 йилнинг баҳорида амир Соҳибқирон салтанатнинг турли музофотларидан чақиртирган қўшинлар бирин-кетин этиб келиб, унга қўшила бошлади. Ҳужанд ёнида Сирдарё узра кўпrik қурилди ва қўшин душманни таъқиб этмоқ учун дарёнинг бу соҳилига ўтди. Ҳировулға^{*} Кутлуғ Үглон қўмондон этиб тайинланди. У Ўрусхоннинг ўғли, демакки, Тўҳтамишнинг душмани булиб, отасининг ўлимидан сунг Темур саройида паноҳ топган эди.

Тўҳтамиш бу пайтда шимоли-ғарб томондаги чегарада жойлашган Саброн шаҳрини қамал қилиб, бошқа шаҳарларда босқин ясад юрган эди. Темурнинг лашкар тортиб келаётганини эшигтгач, у ўзи туғилиб-ўсган Даشت қипчоққа қочиб, кўздан фойиб бўлди. Темур лашкарлари Тўҳтамиш қўшинларининг фақат сўнгти фавжини тор-мор этишга муваффақ бўлди. Бироқ Темур бошқача ғалаба ҳақида орзу қилганди. Моваро-уннаҳрга шимолдан душман қутқу солиб турар экан, Соҳиб-

* Ҳировул — разведка ишлари билан шугулланадиган ҳарбий қисм.

қиғон бошқа бирон-бир юриш бошлай олмасди. Шу билан биргә, у үз Салтанати зачинила мудофаа уруши ҳам олиб бора олмасди. Бундай уруш үтгрөң аҳоли яшайдыган жойларни ҳаробага айлантиради. Бунинг устига, Темур сипохийлари доим ҳужум қилишга одатланған булиб, бу жабхада катта тажрибага эришган әдилар. Темур дүшманға ҳужум қылмоққа жазм этди. Аммо бу режани у барча тайёргарлик ишлари ниҳоясига етганидан кейингина амалға оширмоқчи эди.

Бириңчи навбатда у Салтанат ичкарисини тинчитди. Тұхтамышнинг босқини ҳақидаги хабар Хуросонда исөн кутарилишиға сабаб бұлғанди. Бу исөнни бостириш учун Мироншоқ бөшічилигіда қүшин юборилди. Йул-йұлакай шаҳзода Самарқандға кириб. Хуросондаги тартибсизліктерге умуман чек күйиш ниятида асирлікда ётған сұнгги құрт шаҳзодасини қатл эттиреди. Темурнинг үзи эса жетиларға қарши қүшин юборди. Бундан бир неча йил мұқаддам Соҳибқирандан мағлубиятта учраган жетилар Тұхтамиш билан тил бириктириб, уни ҳар жиҳатдан құллаб-құвватлашға тайёр әдилар. Улар 1389 йили хон деб әзілон қилинған ҳукмдор Хизрхұжа раҳбарлығыда үз лашкарларини тузышғанди, Темурнинг яхши ташкил этилған лашқары яқынлашиб келаётганини әшитған Хизрхұжа тұмтарақай қочди. Туркийлар Муғалистоннинг тоғ ва үрмөнләридаги барча паррандаю даррандаларни қириб, үлжасифатида олиб кетишиди. Юлдуз деган жойдаги тоғ яйловларыда зафар байрамини үтказғач, Темур катта юришга ҳозирлик куришни ниҳоясига етказмоқ учун Самарқандға қайтди⁶.

Шаҳрисабзда құрултой чақириш ҳақида Салтанаттің ҳамма тұманларига фармон жунатилди. Барча амирлар ва сардарлар, тұманбоши, мингбоши, юзбоши ва ҳатто үнбoshiлар, вилоят ҳокимлари ҳамда шаҳзодалар бу құрултойға даъват этилған эди. Одатда бундай пайтларда үтказиладын анъянавий базми жамшид ҳар доимдагидан даблабалироқ үтди. Эзілон қилинған фармонардан бири лашкар сонини күпайтиришни талаб қыларди. Фармон бу мақсадға қандай әришиш йулинин ҳам изоҳлаб берғанди: мавжуд тұманлар күчайтирилиши лозим эди. Солномачиларнинг ҳикоя қилишларича, күргина юришларда иштирок этған сипохийлар үзләри құлға туширган үлжалар әвазынан ниҳоятта бойиб кетишиғанди: шу боис, зобитлар күпроқ үз бойликларини күпайтириш дардига мұбтало булиб қолғандылар. Улар келажақда үз ҳукмдорлары буладын шаҳзодаларнинг күнглини олишга уринишиб, үзаро низолар қиллар. Отлар, курол-аслақа ва қүшиннинг моддий ахволи бүйіча масъулиятта келганды, тұман ва қүшин бошлиқтары үз құл остидаги хизматта яроқты сипохийлар сонини иложи борича камайтиришга ҳаракат

рини ўтказди. Бутун шаҳар ва айниқса, Боги Беҳиштга ажойиб гиламлар түшалди, баланд-баланд кўшклар қурилиб, уларга дуру жавоҳирлар билан безатилган пардалар осилди. Фарғона ҳукмдори шаҳзода Умаршайх, шаҳзода Шоҳрӯҳ (у ўн бир ёшда эди) ҳамда Жаҳонгирнинг икки ўғли Маҳаммад Султон ва Пирмуҳаммадлар жаннат ҳурлари мисол соҳибжамол маликаларга ўйландилар. Тўй зиёфатларидан сўнг күшин тарқатиб юборилди, шаҳзода Мироншоҳ ўзининг Хуросон музофотига, шаҳзода Умаршайх Андижонга (Фарғона сарҳадлари Оқ Ўрда сарҳадлари билан тутатшиб турарди) жұнаб кетишиди. Амир Темур эса Олтин Ўрда хонига қарши муҳорабага ҳозирлик кўрмоқ учун Самарқандда қолди.

Аммо Тўхтамиш ҳам қараб турмади. У Даشت қипчоқ, Волга бўйидаги Булғор музофоти ҳамла Кримдан тўплаган кўшини билан йил охирида ҳужум бошлади. Соҳибқироннинг саркардалари унга қарши ҳужумига ўтишга шошилмасликни маслаҳат бердилар, зоро, ўша йили қишина қаттиқ келиб, лашкар ҳали тўла жамланмаган эди. Темур, ишни пайсалга солиш — душманни мағлуб этиш умидини пучга чиқариш билан баробар, дея жавоб қилди. У Самарқанд ва Шаҳрисабздан тўплangan лашкари билан қор босган дала-туз орқали қоронги кечалари олга ташланди. Унга Фарғонадан кўшин тўплаб келган ўғли Умаршайх кўшилди. Улардан қаттиқ зарба еган душман Сирдарёнинг нариги соҳилига улоқтириб ташланди. Бу жангда Тўхтамиш кенгашининг аъзолари ҳамда бир талай тавочилари асир олинди. Қиши чиндан ҳам жуда қаттиқ келганди, шу боис, қипчоқларни дарё ортида таъқиб қилиб ўтирадилар.

1389 йилнинг баҳорида амир Соҳибқирон салтанатнинг турли музофотларидан қақирирган кўшинлар бирин-кетин этиб келиб, унга кушила бошлади. Ҳўжанд ёнида Сирдарё узра кўпприк қурилди ва кўшин душманни таъқиб этмоқ учун дарёнинг бу соҳилига ўтди. Ҳировулга* Кутлуғ ўғлон кўмондон этиб тайинланди. У Урусхоннинг ўғли, демакки, Тўхтамишнинг душмани бўлиб, отасининг ўлимидан сўнг Темур саройида паноҳ топган эди.

Тўхтамиш бу пайтда шимоли-гарб томондага чегарада жойлашган Саброн шаҳрини қамал қилиб, бошқа шаҳарларда босқин ясад юрган эди. Темурнинг лашкар тортиб келаётганини эшитгач, у ўзи тугилиб-устган Даشت қипчоққа қочиб, кўздан гойиб бўлди. Темур лашкарлари Тўхтамиш қушинларининг фақат сўнгги фавжини тор-мор этишга мувваффақ бўлди. Бироқ Темур бошқача галаба ҳақида орзу қилганди. Мовароуннаҳрга шимолдан душман кутқу солиб турар экан, Соҳиб-

қирон бошқи бирон-бир юриш бошлай олмасди. Шу билан бирга, у ўз Салтанати заминила мудофаа уруши ҳам олиб бора олмасди. Бундай уруш утроқ аҳоли яшайдиган жойларни харобага айлантиради. Бунинг устига, Темур сипоҳийлари доим ҳужум қилишга одатланган булиб, бу жабқада катта тажрибага эришган эдилар. Темур душманга ҳужум қилмоқча жазм этди. Аммо бу режани у барча тайёргарлик ишлари ниҳоясига етганидан кейингина амалга ошироқчи эди.

Биринчى навбатда у Салтанат ичкарисини тинчтиги. Тўхтамишнинг босқини ҳақидаги хабар Хуросонда исён кутарилшига сабаб бўлганди. Бу исёни бостириш учун Мироншоҳ бошчилигига кўшин юборилди. Йул-йулакай шаҳзода Самарқандга кириб. Хуросондаги тартибсизликларга умуман чек қўйиш ниятида асирилкда ётган сўнгги кўрт шаҳзодасини қатл эттириди. Темурнинг ўзи эса жетиларга қарши қўшин юборди. Бундан бир неча йил миқадам Соҳибқирондан мағлубиятга учраган жетилар Тўхтамиш билан тил биритириб, уни ҳар жиҳатдан қўллаб-куватлашга тайёр эдилар. Улар 1389 йили хон деб эълон қилинган ҳукмдор Ҳизрхужа раҳбарлигига ўз лашкарларини тузишганди, Темурнинг яхши ташкил этилган лашкари яқинлашиб келаётганини эшитган Ҳизрхужа тумтарақай қочди. Туркйилар Мугулистаннинг тоғ ва ўрмонларидаги барча паррандаю даррандаларни қириб, улжа сифатида олиб кетишиди. Юлдуз деган жойдаги тоғ яйловларида зафар байрамни утказгач, Темур катта юришга ҳозирлик куришини ниҳоясига етказмоқ учун Самарқандга қайтди⁶.

Шаҳрисабзда қурутой чақириш ҳақида Салтанатнинг ҳамма туманларига фармон жунатилди. Барча амирлар ва саркардалар, туманбоши, мингбоши, юзбоши ва ҷатто унбосилар, вилоят ҳокимлари ҳамда шаҳзодалар бу қурутойга даъват этилган эди. Одатда бундай пайтларда утказиладиган анъанавий базми жамишил ҳар доимдагидан даблавалироқ утли. Эълон қилинган фармонлардан бирин лашкар сонини кўпайтириши талаб қиласарди. Фармон бу мақсадга қандай эришиш ўйлани ҳам изоҳлаб берганди: мавжуд туманилар кучайтирилиши лозим эди. Солномачиларининг ҳикоя қилишларича, кўпгина юришларда иштирок этган сипоҳийлар ўзлари қулга туширган ўлжалар эвазига ниҳоятда бойиб кетишиганди: шу боис, зобитлар купроқ ўз боилликларини кўпайтириш дардига мубтало бўлиб қолгандилар. Улар келажакда ўз ҳукмдорлари буладиган шаҳзодаларнинг кўнглини олишга урининишиб, ўзаро низолар қиллилар. Отлар, қурол-аслаҳа ва қушиннинг моддий аҳволи бўйича масъулиятга келганда, туман ва қушин бошиқлари ўз қўл остидаги хизматга яроқти сипоҳийлар сонини иложи борича камайтиришга ҳаракат

* Ҳировул — разведка ишлари билан шуғулланадиган ҳарбий қисм.

қилишарди, зеро, ҳар бир туман ёки қүшиндаги сипохийлар сонини күпайтириш зобитларга ортиқча лаҳмаза булар, уларнинг сарф-харажатини күпайтириб юборарди. Худди ана шу сабабларга кўра, туманлардаги сипохийлар сони бир оз камайиб кетганди.

Ҳар бир саркарда фармонни қабул қилиб олар әкан, Соҳибқирон олдилада юз тубан йиқилиб таъзим қилар ва айтилган жойга, белгиланган миқдорда қўшин етказиб бериш ҳақида тилхат ёзиб берарди. Янги сафарбар этилган сипохийларга Ҳужа Сайфиддин, Шамсиддин Аббос ва Жаҳоншоҳ Еқуб каби энг жанговар амирлар бошлиқ этиб тайинланди. Курултой шаҳзода Умаршайхнинг никоҳ тўйи билан якунланди.

1390 йил кузидаги амир Соҳибқирон Тошкентда қишиламоқ учун Самарқанддан лашкар суриси, Сирдарёни кечиб утди. Пиёдалар ҳам отга миндирилиб, уларга керакли қурол-аслаҳа берилди. Иул-йўлакай Темур мұқаддас қадамжоларни зиёрат қилди ва Аллоҳ йўлида ун минг кепаки динорни эҳсон қилди. Аммо шунга қарамай, Соҳибқироннинг тоби қочиб, у бир ойдан мулроқ вақт курпа-тушак қилиб ётиб қолди. Амир ва шаҳзодалар оми одамлар орасида исён кутарилишидан кўрқиб, ташвишга тушиб қолдилар, лекин ҳар қалай уларнинг тоатибодати Аллоҳ-таоло даргоҳида мустажоб бўлди, шекилли, орадан қирқ кун утгач, ҳукмдорнинг соғайиб кетганлиги ҳақида Мовароуннаҳр бўйлаб хушхабар тарқалди.

Темурнинг набираси Пирмуҳаммад Жаҳонгир ва ўғли Шоҳруҳларга ҳукмдорнинг йўқлигига Салтанатни бошқариш топширилиб, улар машҳур амирлар ҳамроҳлигига Самарқандга жунатилди. Соҳибқирон саройидаги аёлларни ҳам дорус-салтанага қайтариб юбориши. Фақат юришлар чоғида Соҳибқирон жуда ардоқлайдиган соҳибжамол мугул маликаси Чулпон Мулк оғогина ҳукмдор ҳузурида қолди.

Лашкар куздан кечирилди, вазифалар аниқланди, урда бошлиқларига ғажарчилар, яъни йўл курсатувчилар тайин этилди. 1391 йилнинг январь ойидаги Соҳибқирон иккиси юз минг кишилик лашкари билан Тошкентни тарқ этиб, Оқ Үрда, Мирзачўл ва Сарисув водийиси томон юриш бошлангани ҳақида бурғу чалишни буюрди.

Салтанат туғи, Соҳибқирон, сарой аҳли, амирлар ва туманлар қор ва ёмғир оралаб, шимол томон йўл олди. Лашкар йўлга тушганидан сунг бир оз вақт утгач, Темурни Тўхтамиш элчилари кутиб олиши. Элчиларга одатдаги иззат-хурмат намойиш этилиб, Темур уларни қабул қилди. Элчилар бир қошиқ қонларидан утишни илтимос қилганларича, унга тўққизта учқур от ва битта ажойиб лочин совға қиласилар ҳамда «ёмон одамларнинг гапига кириб» босқин қилган, ҳозир уз

қилмишидан афсулланиб, хижолатдан үзини қаерға қўйишни билмай ўтирган ҳукмдорлари Тұхтамишнинг гуноҳидан ўтишни сўрадилар. Агар Соҳибқирон афв қаламини қулига олиб, унинг гуноҳлари рўйхатини бирма-бир учирив чиқса, Тұхтамиш унга тобелик изҳор этиб, умрбод хизматини қилишга тайёр эмиш⁷.

Соҳибқирон лочинни қулига олди-ю, аммо элчиларга нисбатан одатдаги хайриҳоҳлигини намойиш этмади. У шундай жавоб қилди: «Сизнинг ҳукмдорингиз Тұхтамиш яраланиб, душман таъқибидан қочиб келганида мен уни ўз ўғлимдек қабул қилдим. Унинг ҳолига ачиниб, Ўрусхонга қарши уруш эълон қилдим. Уша қаҳратон қишида Тұхтамишни деб мен ажойиб суворий сипоҳийларимни қурбон қилдим, қурол-аслаҳаларимдан маҳрум булдим, лекин шундан кейин ҳам мен уни қўллаб-куvvатлашда давом этдим ва охири ана шу мамлакатни унинг қулига топширдим. Мен уни шундай қудратли қилиб қўидимки. Тұхтамиш Даشت қипчоқнинг хони, дея эълон қилинди ва Жўжининг тож-тахтини эгағлади. Аммо шундай омади келганидан сунг у менинг қилган яхшиликларимни унугди. Эронни фатҳ этиш билан овора булиб юрганичдан фойдаланиб, ҳукмдорингиз менга хиёнат қилди. Салтанатим сарҳадларига бостириб кириши учун қушин юборди. Кейин укиниб, афсулланар, деган умидда унинг бу қилмишларига эътибор бермасликка ҳаракат қилдим. Аммо кибр-ҳаво уни шу қадар маст қилиб қўйған здики, ҳукмдорингиз яхшини ёмондан ажратолмай қолибди. У менинг мамлакатимга яна қушин юборди. Туғри, биз унга қарши қушин сурган заҳотимиз, сипоҳийларингиз отларимиз туёғидан кутарилган чангни курибоқ, тумтарақай қочишиди. Энди булса, Тұхтамиш бизнинг яқинлашиб келаётганимизни эшитиб, узи мустаҳик булган жазодан кутулиб қолиш учун бошқа чора топа олмай, кечирим сураш йулига ўтиби. Бироқ у берган сўзидан шу қадар кўп қайтиб, келишилган шартномани шу қадар кўп буздики, унинг лафзига яна инонмоқ ақли донишликка кирмайди. Лекин у чиндан ҳам рост гапираётган ва сидқидилдан сулҳга талабгор булса, ҳузуримизга вазири Алибекни юборсин, токи ул зот бизнинг вазири аъзамларимиз билан музокара юритсан». Шундан сунг Темур элчиларнинг ҳурматини бажо келтиришни ва айни пайтда уларнинг рафтторини кузатишини буюрди. Бироқ, Низомиддиннинг ёзишича, элчилар барни бир асир сифатида тутқунликда сақланибди.

Ҳамал, яъни март ойининг бошларида Темур шаҳзода ва амирлар билан машварат қурди-да, сунг қароргоҳидаги чодирларни йигишириб, юриш бошлади. У Ясси (Туркистан) ва Сабронни босиб ўтиб, Тұхтамиш қушинини учратиш мақ-

садида Мирзачулга кириб борди. Улар уч ҳафта давомида отирий ўйлни босиб ўтишди. Ниҳоятда ҳолдан тойған отларнинг талайгина қисми сувсизлик ва очлиқдан ҳалок бўлди. Лашкар бу юришдан кўзланган биринчи мақсадга эриша олмади. Душман думини тутқазмай қочди, шитоб билан юриш эса қўшинни анча заифлаштириб кўйганди. Ниҳоят, улар Сарисув дарёсига етиб боришли. Чанқаган отлар қониб сув ичишли. Одамлар Аллоҳга шукrona келтиришли. Дарё айни тўлиб оқаётган пайт бўлгани учун кечув уларни анча овора қилди. Аммо саёзроқ кечув жойи топилиб, лашкар дарёнинг нариги бетига ўтиб олди. Ўша куни кечаси қароргоҳдан икки одам Тұхтамиш томонга қочиб кетди. Уларнинг оргидан қувишиди, аммо қочоқлар кўздан ғойиб бўлишган эди. Лашкар йўл-йўлакай қудуқлар бор жойда тұхтай-тұхтай, яна дашт оралаб йулида давом этди.

Савр, яъни апрель ойида улар Улугтонга етиб бордилар. Соҳибқирон поёнсиз уммон янглиғ ястаниб ётган Дашиб қипчоқни томоша қилиш учун тоғ чўққиларидан бирига кутарилди. У ўз сангтарошларига минора янглиғ баланд тоштопиб, уни чўққига үрнатишни ва тошга Темур ўз лашкари билан бу ердан утган пайдаги сананни зарб этишни буюрди. Тошга: «Тарих етти юз туқсон учда, қўй йили, кўкламнинг ўрта ойида (милодий 1391 йил 28 апрелга түғри келяпти) Турон сultonни Темурбек икки юз минг лашкар билан, ислом дини учун Тұхтамиш хоннинг хонлигига юрди. Шу ерга етиб, белги бўлсин деб, ушбу битикни ёздирди. Тангри нисфат бергай, иншоолло. Тангри эл кишига (фуқарога) раҳм қилгай, (фуқаро) бизни дуо била ёд қилгай» дея ёзилган эди.

Бу яхлит тош 1930 йили Қозогистоннинг Қарсакпой туманида, Сарисув дарёсининг чап соҳилида топилди. Матнинг уч қатори араб алифбосида, саккиз қатори эса уйғур алифбосида ёзилган экан. Гарчи уйғур алифбосидаги ҳарфлар тепадан пастга қараб ёзилса-да, бу уринда ҳарфлар қаторга тизиб ёзилган эди⁶.

Юриш давом этди. Лашкар зарур озиқ-овқагни фақат шикор билан топарди. Қўшин Тошкентни тарқ этганига уч ой бўлди. Улар чулу саҳроларни кесиб ўтишли, тоғ довонларидан ошишли, аммо Тұхтамиш ва унинг қипчоқ урдаси ҳамон думини тутқазмасди. Озиқ-овқат тугаб бормоқда эди, овнинг ҳам кундан-кун баракаси уча бошлаганди. «Қаёққа қараманг, — дея ёзади Шараффидин, — ҳаммаёқ чулу биёбон. Етти ой йул юрсангиз ҳам на биронта тирик инсонни, на бир парча экинзорни учратасиз». Кўп утмай, бор қур-қут тугали. Лашкаррига эргашиб келаётган бозор ҳам ҳувиллаб қолди. Нарх-наво очарчилик йилларилагидек осмонга кутарилиб кетди. Битта

Қўйнинг баҳоси юз динорга чиқди, унни эса ҳеч қанча пулга сотиб олиш мумкин бўлмай қолди.

Темур ўзининг муҳофизларига, туман амирлари, мингбoshi, юзбоши ва ўнбошиларга гўшт пиширишни тақиқлаб қўйишини амр этди.

Бутун қўшин илгари фақат қулларгагина раво кўриладиган суюқ атала билан кун куриши керак эди. Амирларнинг узлари шу аталадан ичиб, қўл остиларидағи сипоҳийларга ибрат кўрсатишиди. Бошбалмоқ ўти қўшиб пиширилган бир қопчиқ уннинг аталасини олтмиш киши баҳам куради. Ҳар бир сипоҳийга бир кунда бир товоқ атала бериларди. Ҳатто ана шу бир товоқ аталанинг ҳам борган сари чуғи уча бошлиди. Қўшин озгина бўлса-да, егулик — ёввойи қушлар тухуми, турли майда ҳайвонлар ва ейишга арзидиган ўт-ўлан излаб, саҳрони кеза бошлиди.

Ана шунда амир Соҳибқирон катта шикар ўтказиш ҳақида фармон берди. Тавочилар жаронфор ва баронфор амирларнинг улкан доира ҳосил қилмоқ учун сипоҳийлар ажратиб беришлари ҳақида фармон эълон қилдилар. Доира бора-бора торайиб, барча жониворлар уртага ҳайдаб келинди. Икки кун деганда доиранинг ичи турли-туман ҳайвонларга тулиб, Темур бошчилигида шикор бошланди. Кийиклар ва ғаззоллар, ёввойи буқалар бирин-кетин камондан узилган ўқларга учиб, қулай бошлиди. Темур аzonдан то пешингача шиддат билан ов қилди. Ниҳоят, у чарчаб, чодирга қайтгач, уртага сипоҳийлар тушишиди. Лашкар бир қанча вақт ана шу шикор натижасида гамланган гўшт билан кун кечирди.

Шикор тугагач, амир Соҳибқирон ўз қўшинларини кўрикдан ўтказишни буюрди. Кўрик, гё Самарқанд яқинидаги Конигил воҳасида ўтказилганидек, барча қоидаларга амал қилинган ҳолда, ростмана тартиб билан ўтказилди. Темур шундай ҳолларда урф бўлганидек, лашкар олдинга шоҳона либосларини кийиб чиқди. У бошига оқсувсар телпак ва ёқутлар билан безатилган олтин тож кийиб, қулида фил суюгидан ясалган ва тепасига буқанинг боши шаклида олтин даста ўрнатилган дурбуш — ҳукмдорлик асосини тутган эди. Ҳар бир туман учига от думи боғланган ўз туғини кўтариб ўтди. Тепасига ўроқой шакли ўрнатилган бу туғларнинг аксари туркийлар лашкарида туман сипоҳийларининг тўпланадиган жойини, яъни миодни белгилаш учун хизмат қиларди. Темурнинг ўз туғи ҳозирга қадар Гури Амир сафанасида сақланниб келади. Барча фавжлар дикқат билан кўздан кечирилди. Амир Соҳибқирон кўрикни жаронфор (сўл қанот)дан бошлаб, Бердивек тумани саф тортган туман олдидан ўтди. Темур ҳар бир сипоҳий ўз найзаси, гурзиси, ханжари, чарм қалқо-

ни, камони ва уттиз дона ўқ солинган садоғига эга эканлиги
ни қайд этди. Ҳукмдор сипоҳийларнинг отлари устига йўлбарс
гериси ёпилганини ва ҳар бир жангчи камарининг чап томо
нига эгри қилич, ўнг томонига ёса шоп осиб олганини куради
Соҳибқирон яқинлашиб келгач, туман беги қоидага мувофиқ
отдан сакраб ерга тушди ва сипоҳийларнинг қурол-аслаҳаси
ни намойиш этиб, уларнинг жанговар руҳи, чидамлилиги в
чаққонлиги ҳақида ахборот берди. Шундан сўнг Бердивек амир
Соҳибқирон отининг жиловидан тутиб, тиз чукди, ер упио
анъанага мувофиқ, ҳукмдорнинг қудратига ҳамду сано ўқиди
ва ўла-ўлгунча унга садоқат сақлаяжаги ҳақида онт ичди. Тे
мур сипоҳийларининг жанговар руҳи ва бардамлигини мақ
тали-да, бундай азamat жангчилар билан Салтанат ҳеч қаҷон
хор бўлмаслигини айтди.

Шундан сўнг Соҳибқирон навбатдаги туман олдига ўтди
ва уни ҳам дикқат билан кўздан кечирди. ҳар бир туман ами
ри Соҳибқиронга уз лашкирини кўрсатаркан, сипоҳийлар
нинг жанговар руҳи, интизоми ва силоҳ-совутлар билан му
каммал қуролланганликларини намойиш қиласди. Амир Ҳу
дойлод Ҳусайнин тумани ҳам сипоҳийларининг қурол-ас
лаҳаси мукаммаллиги ва сафларнинг текислиги билан
мақтовга сазовор булди. Навбатдаги жанговар сафга Сулдуз
урда мингликлари тизилган эди. Бу сипоҳийлар камон ва
пайконлар, сиртмоқли камандлар, эгри шамширлар ва най-
залар билан қуролланган эдилар. Мингбоши мақтовга му
шарраф булди.

Шундан кейин Темурнинг угли Умаршайх қўмондонлик
қилган Андижон қўшини қўриқдан утказилди. Туғлар шамол-
да ҳилпираб турарди. Соҳибқирон бу ерда узоқ қолиб кетди.
зоро қушин жуда катта эди. Умаршайх ҳам барча амирлар каби
ҳукмдор отаси олдила тиз чукиб, «Хитой сарҳалидан Каспий
денгизига қадар чузилган» улкан Салтанат фатҳ этигани би
лан падари бузрукворини табриклиди. Темур углининг қўши-
нидан қаноат ҳосил қилди-да, сulton Маҳмудхон тумани ёнига
утди. Сulton Маҳмуд Чигатой хони Суорғатмишнинг угли
бўлиб, отаси вафотидан сўнг (1388 йил) Чигатой улуси хо-
ничалик шон-шараф ва обру-эътиборга сазовор бўлолмаган
бўлса ҳам, ҳар ҳолда, хон унвонига мушарраф булганди*. Сул-
тон Маҳмудхондан кейин амир Сулаймоншоҳ туманининг гали
келди. Амир Сулаймоншоҳ ҳукмдорни тиз чукиб олқишлигач,
унга ажойиб совғалар топширди. Темур совғаларни қабул қилди.
Шундан сўнг Соҳибқирон ўша кезлари эндиғина ўн беш ёшга
тўлган навқирон шаҳзода, Жаҳонгирнинг ўғли, ўз набираси
Муҳаммад Сultonнинг қўшинини қўриқдан утказди. Шаҳзо-
да барча қатори тиз чукиб, таъзим-тавозе қилди ва ўз қуши-

и ҳақида ахборот берди. Шунда бобоси набирасига қараб
еди: «Сендең үғлонлар бор экан, авлодимиз шаң-шавкати
шаргиз сұнмағай!»

Кейин муҳофизлар тумани күрикдан үтказилиб, унинг
ачирлари ҳам Соҳибқиронга қутловлар айтдилар. Ана шундан
сұнг күрикдан үтиш гали Темурнинг үғли Мироншоҳ Қўмон-
донлигидаги ўнг қанот — баронгор қўшингага... ва узга қўшин-
ларга келди. Барча саркардалар фахр билан Соҳибқиронга ўз
қўшилларини намойиш этишди. Амир Темур туман, ҳазора
(минглик), хошуна (юзлик) ва үнлик дасталарини диққат
билан куздан кечирди. Бутун Мовароуннахр ва Хуросонни фатҳ
этган мана шу катта қўшин куздан фойиб булган душманни
қувиб, улкан Даشت қипчоқни шитоб билан кесиб утган эди.

Курик икки кун азондан то шомгача давом этди. Соҳиб-
қирон ўз лашкарининг қурол-аслаҳаси ва жанговар руҳидан
ҳаноат ҳосил қилди. Курик маҳобатли наққораларнинг гум-
бур-гумбури билан тугади. Бунга жавобан барча туманларнинг
наққоралари чалиниб, бепоён дашт узра туркийларнинг
«Урҳо, ур! Сурҳо, сур!» дея тортган наъраси янгради. Лашкар
қароргоҳни тарқ этиб, одатдаги жанговар тартибда Сибирия
томон йўл олди. Улар кесиб ўтаётган ўлка ҳамон бепоён чуллар-
дан иборат эди. Кунлар қисқара бошлади. Ҳаво рутубатли ва
туманли эди. Улар «Зулумот ўлкаси»га (Сибирияга) яқинла-
шиб қолишганди. Ибн Баттута бу ўлка ҳақида шундай ҳикоя
қилади: «Магарам Булғордан йўлга чиқсангиз, бу улкага қирқ
кун деганда етиб боргайсиз... Унга етиб боришнинг ягона йули
итлар қўшилган чанада юришdir, зеро, бу кенглик муз би-
лан қопланган булиб, унда инсон ҳам, булак бир ҳайвон ҳам
ёғи тоймасдан юролмайди. Фақат итларгина утқир тирноқ-
лари туфайли муз устидан қўйналмай юраверади. Бундай саё-
хатга камида юзта чанаси булган бадавлат тужжорларгина бора
олади. Чаналарга одатда озиқ-овқат, егулик ва ичкилик ҳамда
тигин ортилган булади, зеро, у ерда дов-даражат ҳам, тог-тош
ҳам, аҳоли ҳам йўқ. Йўл курсатувчилик вазифасини у ерда ит
ажаради, чунки у бу ерларга кўп марта келиб кетган... Шу
бонисдан таом пиширилганда одамдан ҳам олдин итга овқат
берилади. Сайёҳлар қирқ манзилдан утганларидан сұнг зул-
мат қаърига кириб борадилар. Тужжорлар узлари олиб келган
молларни ерга қўядилар-да, уч-тўрт чақирим наридаги қарор-
гоҳларига қайтадилар. Эртаси куни улар яна ўша моллар қол-
дирилган жойга борадилар ва у ердан сувсар, оқсуvsар ва
олмаҳон мўйналарини топадилар. Бу ерга келган тужжорлар
ким билан — инсон зоти биланми ёхуд инсу жинс биланми
— савдо қилаётганларини билмайдилар, зеро, улар ҳеч қачон
бир-бирларини кўрмайдилар»⁹.

Бирор хабар топиб келиш учун юборилган ҳировул сипоҳийлари ҳаммаёқни кўздан кечириб чиқдилар, аммо одамлар ёки инсу жинс ҳақида бирон-бир маълумот қўлга кирита олмай, қайтиб келдилар.

Темурнинг навқирон набираси Муҳаммад Султон ҳировул дастаси билан яна бир марта ўша ерларни кўздан кечириб келишга ижозат суради. Унга ижозат берилли. Шаҳзода абжир сипоҳийлар дастаси билан сарой мунажжимлари мақбул топган пайтда олга жўнадилар. Икки кун утгач, Муҳаммад Султон йигитлари қандайдир изларни топишди-да, шу из бўйича бориб, ҳали сўниб улгурмаган беш-олтита гулхан устидан чиқиши. Шаҳзода ва унинг амирлари бу янгиликни Темурга етказдилар. «Бу гулханларни ёузимизнинг ҳировулимиз ёки душман ёқсан булиши мумкин», — дея хабар қилганди улар. Темур ўша жойни бир бор кўздан кечириш учун изқувар мутахассисларни жўнатди. Изқуварларга душманнинг дафъатан ҳужумига учрамаслик учун эҳтиёт чораларини кўрган ҳолда унинг қаердалигини аниқ билиб келиш буюрилди. Улар бир кечаю бир кундуз от суриб бориб, Арктика томон оқувчи Эртуш (Иртиш) ирмоги булмиш Тобол дарёси соҳилига чиқиши. Дарёни кечиб утган ҳировул сипоҳийлари беҳисоб гулханлардан қолган кул ўюмларини кўриши. Аммо теваракатрофда инсон зоти кўринмасди.

Темур қароргоҳини йифиштириб йўлга тушди, дарахт кестириб, ёғоч ва шоҳ-шаббалардан кўпrik қурди-да, лашкарини дарёнинг нариги соҳилига утказди, зеро ем-ҳашаксиз қолған отлар дарёдан сузиб утишга ожизлик қиласди. Лашкар ҳировул кутиб турган жойга етиб борди. Душман ҳамон думини тутқазмас эди. Шундан сўнг нима қилиб бўлса ҳам асир тутиб келтириш учун бир даста сипоҳий билан туркман амири Шайх Довуд жўнатилди. Деярли бутун умрини далаю даштда утказган матонатли ва тажрибали Шайх Довуд икки кечаю икки кундуз отдан тушмай йўл юргач, бир неча ғарифна кулбаларни куриб қолди. У кулбалардан нарироқда пистирма қуриб, туни билан кутиб ётди ва ниҳоят, эртаси куни от миниб келаётган бир одамни кулга туширишга муваффақ бўлди. Уша одам дарҳол Темурнинг ҳузурига жўнатилди.

Бу одам Тухтамиш ва унинг ўрласи ҳақида ҳеч нима билмас экан. У шериклари билан ўз қабилаларини тарқ этиб, ўша ғариф кулбаларга кучиб келганига бир ой булибди. Яқинда эса тиш-тироғигача қуролланган ўн нафар отлиқ уларнинг устига бостириб келибди-да, бор-будини тортиб олиб, яна ўрмонга кириб кўздан гойиб булибди. Дарҳол қишлоқни ўраб олиш ва у ерда яшайдиган барча одамларни бу ёқса бош-

лаб келиш учун сипоҳийлар дастаси юборилди. Бошқа бир даста эса ўрмонни тинтиб, уша ўнта босқинчини тутиб келтириш учун жұнатылди. Даста мазкур қуролланған одамларни тезда қидириб топди. Қаршилик күрсатған ана шу кишиларнинг баъзилари жанғда үлдирилди, баъзилари эса ушланиб, құллари боғланди. Асиrlарни Соҳибқирон ҳузурига олиб келишиди. Ана шундан сунг ҳукмдор душман тұғрисида биринчи бор муайян маълумотга эга булди.

Улкан лашкар ғарб томон бурилди-да, бу ерларни яхши биладиган душманнинг дағыатан ҳужумига учрамаслик учун барча әхтиёт чораларини курган ҳолда құл ва дарёлар оша олға интилди. Улар шитоб билан юриб, Ейік (Урол) дарёси соҳилига чиқишиди. Пистирмага дуч келишдан чүчиган Темур йүл бошловчи күрсатған кечувдан утмасликка қарор қилди. У оқим бүйлаб яна бир оз юқорироққа юрди-да, лашкарни нариги соҳилга үтказди. Улар яна бир ҳафта йүл юриб, Самара дарёси соҳилларига етиб боришиди. Ана шунда олдинга юборилған ҳировуллар душман қүшинининг шовқин-суронини эшитганлари ҳақида хабар олиб келишиди. Орадан күп вақт утмай, Мұхаммад Султон Тұхтамишнинг қипчоқ сарбозла-ридан бұлмиш бир асиrни ҳайдаб келди. Асиr Тұхтамиш үзининг беҳисоб лашкари билан шу яқын уртада турғанини, би-роқ у Темурнинг яқынлашиб келаётганини эшитиши билан оқ қароргохини тарқ этиб, ортга чекинганини айтди. Темур қүшинни жанговар ҳолатға келтиришни буюрди, биронта ҳам одам үз фавжини тарқ этамаслиги, тунда олов еқмаслиги тұғрисида фармон берли. Қүшин күн бүйи душман наққора-ларининг олисдан эшитілдәётган садоси томон юрди.

Яна уч нафар асиr тутиб келинди. Энли манзара анча ой-динлашиб қолғанди. Асиrlарнинг айтишича, Тұхтамиш аввал Темур қүшини ҳақида ҳеч қандай маълумотга эга бўлмаган. Аммо бирмунча вақт илгари унинг ҳузурига икки қочоқ келиб, Соҳибқироннинг қүшини дараҳт япроқлари еҳуд саҳ-родаги күм зарралари янглиг беҳисоб эканини хабар қилишибди. Шунда Тұхтамиш ғазабдан тұтоқиб кетиб, қүшини сонини икки баробар күпайтиражагини айтibди. У нойибла-рига Олтин Үрданинг барча вилоятларидан қүшин туплаб келишини буюрибди.

Темур үз қүшинининг барча фавжлари етиб келишини кутиб турди ва шундан кейингина ҳужумни давом эттиреди. Катта ва кичик қалқонлар билан қуролланған жаронғор, ма-нғлай ва баронғор құшинлари жанговар тартибда олға интилдилар. Ҳар кеча душманнинг кутилмаганда қилиши мүмкін булған ҳужумига қарши әхтиёт чоралари қурилиб, кузатувчи қоровуллар тайин этилар. Қароргоҳ атрофида ҷоҳлар қази-

ларди. Темур ҳам, Тұхтамиш ҳам үз рақибининг күч-қудрати-ни яхши билишарди. Соҳибқирон амири лашкарлардан тортиб, юзбошиларгача барча ҳарбий бошлиқларини ҳарбий машваратга чорлади. У барчага ҳарбий ҳолат ҳақида, бұлажак жаңғ мушкулотлари ҳақида очиқ-оидин гапириб, уларни мәрдү майдон булишга илхомлантириди. Шундан сұнг Соҳибқирон ҳарбийларга сарпо-сурүқ инъом этди. Темур бутун қүшинга маҳсус қалқонлар, темир наизалар, отлар ва сарбозлар учун советулар, шамшир, камон ва үқлардан иборат қүшимча қороласлаша тарқатишни буюрди.

Улар ҳамон дүшман билан бевосита тұқнашмай олға борышарди, зеро Тұхтамиш қүшини ҳали унча толиқмагани, бу жойларни яхшироқ билиши боис, Темурнинг бостириб келиш суръатига нисбатан илдамроқ чекинмоқда эди. Қипчоқлар бу ерларда йиғиб олиш мүмкін бұлган барча ем-хашакни үзлери билан олиб кетишиганди. Тинимсиз ёмғир ёғар, ҳаммаёқ лой бўлиб, отлар ботқоқларни аранг кечиб утарди. Туман кун сайин қуюқлашиб борарди. Қўлга тушаётган асиirlар сони ҳам кундан-кун күпая бошлади. Буларнинг орасыда Тұхтамиш қүшининг мададға келаётган, аммо белгиланған жойга етиб боришга улгурмаган бутун-бутун қипчоқ фавжлари ҳам бор эди. Бу орада Темур ҳировуллари фавжи пиистирмага дуч келди. Үндаги сарбозларнинг талайгина қисми ҳалок булди. Ҳалок бўлғанлар орасыла Темурга хабар беріш учун жұнатылған сарбозларни дүшман ҳужумидан тұсиш учун қолған бир неча зобитлар ҳам бор эди. Гарчи туман ва лойгарчилик қүшиннинг олға силжиш суръатларини анча сусайтириб қўйған бўлса-да, Темур уттиз кишилик жазо фавжи билан олға ташланиб, дүшман пиистирмасини қиличдан утқазди. Темурнинг қатый қоидаси бор эди: у сарбозларини ҳалок этган ҳар қандай дүшманни дарҳол беаёв жазолар, шу билан бирга, жаңғ майдонида мәрдлик намуналарини намойиш этган ҳар қандай жангчисини шу заҳоти мукофотлар эди. Дүшман билан уша биринчи тұқнашувда матонат курсатған барча жангчилар бутун қүшин олдода шарафланди. Жангдан омон чиққан құмандонларга тархон рутбаси инъом этилди. Моддий мукофотлардан ташқари, бу одамлар ва уларнинг болалари тўқиз марта такрорланғунга қадар ҳар қандай жиноят учун жазодан халос қилинди. Бу имтиёзлар уларнинг етти пуштига қадар үз күчини сақлаб қоларди. Ҳалок бўлған амирларга ҳам вафотидан сұнг бўлса-да, турли унвонлар ва нишонлар берилди, оиласаларига эса муруват курсатилиб, катта мол-дунё инъом этилди.

Соҳибқирон туғи муҳораба сафаридә ҳилпирай бошлаганинга деярли беш ой бўлғанди. Шаррос ёмғир ёғар, пага-пага

қора булутлар ер багирлаб сузарди. Уламоларнинг махсус фатвоси билан вақтинча шом ва хуфтон намози ўқилмайдиган бўлди. Булутлар пасайгандан-пасаявериб, уч қадам наридаги нарсани ҳам кўриш мушкул бўлиб қолди. Қўшинлар ҳамон тўқнашганича йўқ эди. Темур ҳировулининг йўлини тусиш учун туда-туда камончилар қолдириб кетаётган Тұхтамиш ҳамон думини тутқазмай чекинарди.

Олти кун деганда об-ҳаво бир оз жұнашиб кетди. Бу пайт 1391, яъни Кўй йилининг июнь ойи урталари эди. От қўйиб келган чопар иккала қўшиннинг қоровул фавжлари бир-бири билан тўқнашганини хабар қилди. Темур қўшиннiga жанг бошлаш ҳақида фармон берди. Бироқ бу гал у қўшиннинг жанговар тартибини анъанавий жаронгор (сўл қанот), манғлай (марказ), баронфор (унг қанот) тартибида эмас, хиёл бошқача тузди. Тўғри, бу гал ҳам уша учта асосий қанот сақланиб қолди, аммо энди жаронфор ҳам, баронфор ҳам уз илфор язакига (авангардига) эга бўлиб, манғлай эса, ҳам язак, ҳам захира фавжи билан кучайтирилган эди. Язакка Чигатой хони Султон Муҳаммад қўмондоғлик қилди. Унинг амири Сулаймон Шоҳ эди. Энг кўп сонли фавж бўлмиш манғлайга қўмондонлик қилиш навқирон шаҳзода Муҳаммад Султонга топширилган бўлиб, унга бир талай тажрибали саркардалар ёрдамчи этиб тайинланган эди. Учинчи қанот, яъни қўшиннинг орқа ва захира қисмига Темурнинг ўзи қўмондонлик қиласидиган бўлди. Бу сара туман ва жанг қиласевириб кўзи пишган тажрибали жангчиларнинг йигирмата фавжидан иборат эди. Бу фавжлар шундоққина манғлай ортида жойлашган бўлиб, жанггоҳнинг бирор жойида танглик содир бўлса, дарҳол ёрдамга этиб боришга шай турарди. Умаршайх қўмондонлигидаги Андижон қўшини сул қанотга жойлашган булиб, унинг жаронфорига амирлар Бердивек ва Худойдод Ҳусайннийлар бошчилик қилишарди. Ўнг қанот — баронфорга Мироншоҳ қўмондон бўлиб, унинг язакини амир Ҳужа Сайфиддин бошқарарди.

Солномачиларнин ҳикоя қилишларича, сувори ва пиёда қўшинларнинг жанговар тартибида бундай бостириб келиши кучли довул пайтидаги уммонни эслатаркан. Жангчилар қилич ва қалқонлар, камон ва новаклар, ойболта ва найзалар билан қуролланган эди. Уларнинг кўпчилиги кукракларига зирҳ тутиб олгандилар. Шаҳзода ва амирлар эса совут кийиб олишганди. Сарбозларнинг бошларидағи дубулғалари шу қадар ялтиратиб тозаланган эдикি, одамнинг кўзини қамаштиради.

Душман ҳам ўзининг одатдаги жанговар тартибида — сўл қанот, марказ, унг қанот бўлиб, яримой шаклида саф тортганди, сарбозлари ҳам ниҳоятда тўқис қуролланган эди. Қўшинга Жўжи уруғидан бўлган шаҳзодалар ва олиймақом

амирлар қўмондонлик қилишарди. Ниҳоят, икки қушин бирбирига рўбарў турди.

Ана шунда Темур душманинг куз олдида, гўё қароргоҳ қурмоқчи бўлгандек, шоҳона утовлар тикиб, ерга гиламлар тўшаши буюрди. Бундай совуққонлик душманни саросимага солиши керак эди.

Шарафиддиннинг ёзишича, Тұхтамиш қушинидаги жангчилар сони Темурниг қараганда анча купроқ экан. Темур бу ўринда жангчилари сони ва қурулди кучидан ҳам кура, Аллоҳнинг мададига купроқ ишонган экан.

Жанг бошланадиган куни (18 июнь) эрталаб Соҳибқирон бутун қушин кузи ўнгида отдан тушиб, Аллоҳдан фатҳу нусрат тилаганича, икки ракаат намоз уқиди, сунг ўрнидан туриб, яна отга минди. Ана шунда жангга киришга шай турган бутун қўшин қўл очиб, дини исломнинг жанговар наъраси янғлиғ, бараварига: «Аллоҳу акбар!» — дея такрорлади.

Темурнинг Балхдаги ғалабаси арафасида унинг буюк истиқболини башорат қилган ва шундан бўён Соҳибқироннинг доимий ҳамроҳи булиб қолган имом Саййид Барака ҳам азтаҳидил адо этаётган ибдатини тугатиб, ердан бир сиқим тупроқ олди-да: «Илоҳим, мағлубиятдан юзларинг қаро бўлсин!» — дея қичқирганича, душман томон отди. Сунгра Темур томон ўгирилди-да: «Истаган томонигга боравер, сен, албатта, зафар күчтайсан!» — леди. Байроқ ва туғларни юқори кутарган туркийлар «Урҳо-ур, сурҳо-сур!» — дея наъра тортишганича, нақдора ва карнайлар садоси остида жанг бошлади.

«Ушанда икки муҳолиф қушин бир-бирига рўбару булди-ю, жангчиларнинг кузига қон тулиб, бутун борлиқни уруш олови ўз комига ютди. Ҳаммаёқ айқаш-уйқаш булиб кетди, бўйинлар худди шамшир зарбасига ҳозирлангандек чўзилди, оғизлар катта очилиб, уларга найза санчилди, ажал қашқирлари тишларини иржайтириди, гўё қоплонларнинг ғазаби жунбушга келди, шерюрак сарбозлар бир-бирига ҳамла қилди, бутун гавдасига камон уқлари санчилган жангчилар найзаларини диккайтирган жайрага ухшаб қолди. Оддий жангчидан тортиб, амирзода лашкарбошиларгача қонсираб олға интилар, инсон қони дарёдай оқар, ҳаммаёқни чанг-тўзон тутган булиб, тўзон ичра гўё иблис қушинини яксон этиш учун юборилган юлдузлар янғлиғ камон уқлари визиллаб учарди. Шамширлар булут орасида чақнаган чақмоқдек ярқираб, амир ва сultonлар бошини танасидан жудо қиласар, не-не аргумоқлар жон талвасасида гир-гир айланниб, рўбарўдан ҳамла қилаётган душман суворийларига кўксини қалқон қиласарди. От туёқиаридан кутарилган чангданми, шамширлардан тўкилаётган қонданми, ниҳоят, замин кутириб кетгандек бўлди», —

уша жангу жадаллар ҳақида Ибн Арабшоҳ ана шундай ҳикоя қилган эди.

Аёвсиз жанг паллаларидан бирида Умаршайх қумондонлик қилаётган баронғор фавжида танглик содир бўлди. Тұхтамиш унинг сафини ёриб ўтиб, орқа томондан ҳужум қилди. Бу пайт қипчоқларнинг асосий ҳазоражотларини таъқиб қилиб бораётган Темур дарҳол уз баронғорига ёрдамга шошилиб, душманни пароканда қилиб юборди. Сулдуз сафини ёриб ўтган душман ҳам тор-мор келтирилди. Имкони борича Темурнинг ҳарбий муваффақиятларини қамситиб тасвирашга уринган Арабшоҳнинг ёзишича, Тұхтамиш қүшинининг бир қисми гүё унинг икки лашкарбошиси уртасида чиқкан низо туфайли қочиб кетган эмиш. Аммо иккала томон қутуриб жанг қилган бу муҳорабада Темурнинг құли баланд келди. Темурнинг душманга айланган собиқ тутинган ўғли қочиб кетди. Амирлари, лашкарбошилари ва қүшинининг омон қолган қисми ҳам унинг ортидан эргашди. Темур, ниҳоят, отдан тушиб, зафар ато этгани учун Аллоҳга шукроналар келтириди.

Ушбу жангу жадал Итиль (Волга) дарёсининг чап соҳида, Самара ва Чистополь уртасида жойлашган Қундузча деган жойда содир бўлган эди. Темур ҳар ун суворийсидан етти нафарини душманни таъқиб қилишга жунатди. Туркийлар билан Азим дарё (Волга) уртасида сиқувда қолган Олтин Ўрда жангчилари қиличдан уtkазилди ёки асир олинди. Волга уртасидаги оролларга утиб, жон сақламоқчи булган қипчоқлар ҳам занжирбанд қилиниб, Темур хузурига ҳайдаб келинди. Уларнинг хотин-халажи, бутун мол-мулки ва бениҳоя катта ўлжа ғолиблар қулига ўтди. Фақат энг катта ўлжа — Тұхтамишнинг ўзигина қочиб, жон сақлашга улгурди.

Ўлжа йиғиши учун жунатилган сарбозлар қароргоҳга уюр-уюр от ва туялар, пода-пода қора мол, сурув-сурув қўй, саф-саф эркагу аёл асирларни ҳайдаб келишди. Шарафиддининг ёзишича, Темурнинг қүшинидаги кунини аранг утказадиган энг қашшоқ одамлар ҳам шунча от ва қўйларни қўлга киритишдик, юртларига қайтиш вақти келганида шунча мол-ҳолни ҳайдаб кетишига ожизлик қилиб қолишди. Пиёда сарбозлар ватанига камида унлаб отларни, суворийлар эса бутун-бутун уюрларни ҳайдаб кетишли.

Асирлар жуда кўп эди. Уларнинг орасидан келажакда Соҳибқирон саройида хизмат қилувчилар тайёрлаш учун беш минг ўғил болани саралаб олишди. Темур Волга соҳилига етиб келиб (одатда Жужи уругининг хонлари шу ерда қароргоҳ Қургувчи эдилар), бу жойларда кўз кўриб, қулоқ эшитмаган базми жамшид ташкил этишни буюорди. Бу базмда таомлар олтин ликопчаларда, май эса олтин қадаҳларда тортилди. Да-

Сүрхон тепасида сарвиқомат асиralар хизмат қилиб туришди. Мусаннифлар қипчоқлар устидан галаба қозонилиб, буюк Чингизхоннинг уғли Жўжи асос солган салтанатнинг тобе этилганини шарафловчи маҳсус мусиқа асарлари ёзишган эди. Солномачилар қайд этишича, бу базми жамшидда Соҳибқирон ҳарамидаги энг гузал аёллар ҳам меҳмон булишган, саркардалар эса, ёнларида завжалари билан утиришган экан. Бу байрамда бутун қўшин иштирок этибди. Улар деярли бир ой давомида жанг жадалсиз дам олишибди.

Чамаси, Темур бу давлатни уз тасарруфига олишдан ҳам кўра кўпроқ Олтин Ўрда қудратини емириб ташлашга интилган кўринади. У қипчоқлар ҳудудини Чингизхон уруғидан булган ва доим Тухтамишга қарши курашиб келган шаҳзодалар: Идегей, Кутлуғ Үғлон (окўрдалик Үрусхоннинг набираси) ва Кунчи Үғлонларга тобелик шарти билан булиб берди. Темур уларга тобелик эвазига жуда катта имтиёзлар берувчи ёрлиқ топшириб, уз фуқароларини йифиб келишни буюрди. Аммо улар Темурнинг қўлидан қутулгач, шу заҳоти ўз ваъдларини унугиб, тўплашга ултурган одамлари билан чўл-биёбон орқали қочиб кетишли. Фақат Темурнинг яқин дусти Кунчи Үғлонгина ваъдаси устидан чиқиб, баъзи одамлари билан Соҳибқирон ҳузурига қайтиб келди. Аммо Кутлуғ үғлоннинг қилган ишидан хабар топгач, у ҳам қоронғи тунларнинг бирида имкониятдан фойдаланиб, қочиб қолди. Темур уни таъқиб қилишни ўзига эп курмади. Бениҳоя катта улжа ва беҳисоб асиrlардан кунгли тулган Соҳибқирон уз ватани томон йўл олди.

Темур қўшинининг қолган қисмини ва мол-дунё ортилган карvonни бошлаб келишни амир Хўжа Сайфиддин билан бошқа саркардалар зиммасига юклаб, узи саҳро орқали энг қисқа йўл билан уйга қайтди. У шитоб билан юриб Сарбонга, сунгра Ўтрорга етиб келди-да, Сирларёни кечиб ўтиб, Самарқандга кириб борди. Унга пойтахтда қолган шаҳзодалар ва сарой хонимлари пешвоз чиқишли. Самарқандла бир неча кун давом этган галаба байрамини утказгач, Темур Тошкент яқинидаги яйловларга қайтди. Тухтамишга қарши юриш ҳудди ана шу ердан бошланган эди. Юриш бошлангандан бўён ўн ойдан мўлроқ вақт ўтгач, Хўжа Сайфиддин қўшин билан карvonни Соҳибқирон ҳузурига бошлаб келди. Бутун водийни қушин, асиrlар ва мол-ҳол тутиб кетди. Темур қўлга киритган бойликларидан унга юришда ҳамроҳлик қилолмаган сарой аъёнлари ва мамлакатни идора этиш учун қолдирилган аркони давлатга улуш тақсимлаб берди.

Соҳибқирон ўз сарой аҳли билан бутун қишини (1391—1392 йиллар) ана шу ерда ўтказди. Кунгил очиш учун шоҳона

шикор ташкил этилди. Баҳор кириб келгач, Темур яна ўз до-
руссалтанаси — Самарқандга қайтди.

1392 йилнинг баҳор кезлари Конигил яйловларида Умар-
шайхнинг ўғиллари Пирмуҳаммад билан Рустам ва Мирон-
шоҳнинг ўғли Абу Бакрларнинг никоҳ туйлари утказилди.
Темур уларни машҳур чигатой амир ва тархонлари қизларига
уйлантириди.

Мироншоҳ ўз пойтахти — Ҳиротга қайтди. Жаҳонгирнинг
иккинчи ўғли Пирмуҳаммад бир вақтлар Маҳмуд Фазнавий
тасарруфида бўлган ва Хуросон билан Ҳиндистон оралигида
жойлашган бепоён Ҳиндикуш ҳудудига ҳукмрон этиб тайян-
ланди. Қанлаҳор, Фазна ва Кобул музофотлари ана шу ҳудуд
таркибиға киради.

Олтин Ўрда томонидан келадиган хатар, гарчи бутунлай
йўқ қилинган бўлмаса-да, ҳарқалай маълум бир муддатга бар-
тараф этилган эди. Йигирма йиллик юришлар Буюк Темур-
нинг энг ҳал қилувчи ғалабаларидан бири билан яқунланди.

VIII боб

ЭРОН, МЕСОПОТАМИЯ ВА ДАШТИ ҚИПЧОҚҚА ҚИЛИНГАН БЕШ ЙИЛЛИК ЮРИШ

1392-Маймун иши — 1396-Сичқон иши

Мовароуннаҳр янги-янги воқеалар юз беришини сабрсиз-
лик билан кутмоқда эди. 1392 йилнинг май ойи. Қуёш олов
сели пуркайди. Олтин Ўрда фатҳидан кейин орадан бир неча
ой ўтиб, ғарбга юришни давом эттириш учун яна йўлга чи-
қишига шай турган юз минглаб сипоҳийлардан иборат қушин-
лар Бухоро ёnidаги текисликларда тўхтатилди.

Темур жуда оғир бетоб булиб, ҳаёти қил устида туради.
Шаҳзодалар ва ворислар Соҳибқироннинг муваққат қарорго-
ҳига шоша-пиша йўл олдилар. Қаловуз (авангард) билан Аму-
дарёни кечиб ўтган Жаҳонгирнинг ўғли Муҳаммад Султон ўз
қушинларини ора йўлда қоллириб, Темурнинг чақириғига
кура, қайтиб келди. Соҳибқироннинг фарзандлари ва наби-
ралари билан бирга маликалар — Сарой Мулк хоним ва Ту-
ман оғо ҳам шу ерда ҳозир эдилар. Энг машҳур турк ва араб
табиблари амир Ҳожи Сайфиддиннинг кузатуви остида бе-
морни муолажа қилмоқда эдилар. Бироқ амир ҳам, унинг са-
ройи аҳли ҳам фақат Аллоҳнинг иродаси билан дори-дармон-
лар кор қилиши мумкинлигини тушунардилар. Боз-боз Қуръ-
они карим суралари ўқиб турилди, улуғ шайхларнинг мозор-

ларига хайри-эҳсон жўнатилди, етим-есирларга иона улашилди, энг яхши тулпорлар қурбонликка сўйилиб, уларнинг гўшти бева-бечораларга тарқатилди.

Ниҳоят, ўқилган дуолар мустажоб бўлди. Июнь ойига келиб, саломатлиги тикланган Соҳибқирон июль ойида Эрон ва Ироққа, Ҳалокулар салтанатига қарши ўзининг энг узоқ давом этган ҳарбий юришларидан бирига бошчилик қилди. Ўшанда Темур эллик олти ёшдан ошганди.

Олтин Урдага қарши қилинган огоҳлантирувчи урушдан кейин Мовароуннаҳр ўзининг шимолдаги ёки шарқдаги қўшнисидан хавотирланмай қўйди. Узил-кесил тор-мор этилмаган бўлса-да, қаттиқ мағлубиятга учраган Тўхтамиш энди Жўжи авлодидан бўлган шаҳзодалар Идегей ва Кутлуғ Ўғлон сиймосида рақобатга дуч келганди. Тўхтамишга қарши Темур томонидан туриб жанг қилган бу рақиблар ўлпон тুлаш шарти билан улуснинг бир қисмини қўлга киритгандилар. Гарчи улар ўз ўрдаларини тобенилар сифатида Темур ҳузурига келтирган бўлмасалар-да, Олтин Урданинг Мовароуннаҳр учун етарли хавф-хатар соладиган даражада бирлашиши эҳтимолдан узоқ эди. Мўгулистонга қилинган икки юриш (1389 ва 1390 йиллар) натижасида жетилар Эртуш (Иртиш) ортига улоқтириб ташланди. Жетилар хони уша ёқларда гумдон бўлди. Хоразмнинг мустақил ҳокимиятига ҳам қақшатқич зарба берилганди.

Шу соатдан бошлаб, энди барча ҳарбий ҳаракатлар ёғий ҳудудида олиб борилмоғи лозим эди. Мовароуннаҳр хавф-хатардан холи бўлганди. Доруссалтана Самарқанд «ҳимоя қилинган» деб ҳисобланар, Темур ўзининг Фарбга томон юришларини қайта бошлиши мумкин эди.

Ҳалокулар салтанати ўзининг бошига тушган кургулика тан бермагани сабабли, Темур бошқа ёқларда бўлган тўрт йил давомида улкада нотинчлик ҳукм сурди. 1389 йили Хуросонда юз берган қузғолон Мироншоҳ томонидан бостирилган бўлса-да, Каспийдан жанубда, шимолда дengиз билан, шарқда ботқоқликлар, қалин ўрмонлар билан ҳимояланган қузғолончиларнинг инсон қадами етиши мушкул бўлган таянч масканлари ўз ҳукмронлигини сақлаб келаётганди. Қузғолончилар ана шу мустаҳкам қальялардан туриб, Буюк ипак йули буйлаб Самарқанддан Табриз орқали Бағдодга ўтадиган карvonларга ҳамла қилишлари мумкин эди. Эроннинг жанубидаги Темурнинг тобениларига айланиб қолган Музаффарийлар сулоласидан бўлган шаҳзодалар бир-бирларига ҳужум қилганликлари сабабли, мазкур минтақа доимий тартибисизликлардан азият чекарди.

Бу ишларга Темур аралашадиган фурсат етиб келди. Қипчоқларга қарши шиддатли юришлардан сунг унинг ғолиб қушин-

лари Эроннинг яқин ва құл етиши мүмкін булған вилоятларига юриш қилиш учун шай турарди. Темур қүшинлар узра янги туғини күтарди. Бу туғда ажлақо тасвири акс этганди. Тавочилар қүшинларни тайинланган жойға түплагач, уларға беш йиллик юришга тәнәрәгарлик күриш хусусида буйруқ бердилар.

Мұхаммад Султон бошчилигидаги қаловуздан иборат фавжлар ва Темур бошчилигидаги асосий қүшинлар 1392 йил май ойида Самарқанд ғынағы яйловлардан олға қараб силжишиди. Худди шу кезларда Темур Бухоро ғынаға хасталикка чалинганди.

Июлга келиб, ҳарбий юриш қайта тикланғач, сарой ма-ликалари Темурнинг кенжә үғли шаҳзода Шоҳрух ҳамроҳлигіда Самарқандға жүнатилди. Хуросон орқали құзғолончилар катъаси жойлашған соҳилларға қараб йүл олған Соҳибқиронни шаҳзода Жаҳонгирнинг беваси, эндиликла Мироншоҳнинг завжаси Хонзодабегим қутлаб, унға иззат-хурмат курсатди. Чингиз уруғидан чиққан малика Хонзода қонуний таҳт вори-сининг онаси сифатида Темур саройида алоҳида мавқега эга эди.

Астрободдан утилгач, юриш қийинлашды. Қүшинлар үрмөн орқали үзларига йүл очиш учун дарахтларни кесишігэ мажбур булдилар. «Бир найза үчиб борадиган кенглиқда» учта йүл очилиб, уларнинг бири қүшинларнинг асосий фавжлари учун, қолған иккитаси эса үнг ва сүл қанот учун мүлжалланғанди. Қүшинлар ботқоқлик орқали бир кунда базур бир лиға (4,83 километр) йүл босарди. Бироқ бу уруш жиҳод хусусиятига эга эди. Темур мазкур миңтақада катта таъсир күчига эга булған, шиалик мазҳаби пучмоқларida туғри йүлдан озған билъатчиларга қаңиқий суннийлик таълимотини жорий этиш учун бу ерга қадам ранжила қылғанди. Куршаб олинған қаль-алар таслим булди, шаҳарларға ҳам құруқлиқдан, ҳам дең-гиздан ҳужум қилинди. Амударёда турған кемалар алангала-нувчи қатронлар билан ёндирілиб, шаҳарнинг деңгизге ту-таш деворларига йұналтирилди. Каспий деңгизи бамисоли олов ҳалқасида қолған эди.

Шиалар тағлим бўлганидан сунг, илоҳий мавзудаги баҳс-мунозаралардан сабоқ олған Темур уларнинг акобирларига мазкурлар тутган йүл хато эканлигини кўрсатиб бераркан, нажоткор суннийлик таълимотига қайтишга даъват этди. Мўътабар асирлардан бири Саййид ва уннинг үғли сув йўли воситасида (эҳтимол, ушанда Каспийга қўйиладиган Амударё ариғи орқалидир) Хоразмга, қолған атёнлар Самарқанд-га, у ердан Тошкентга жунатилғанди.

Бу ҳудуд, шунингдек, исмоилий мазҳабидаги тирик қолған одамларга ҳам паноҳоҳ бўлған эди. Шу тариқа, қўлга ту-

ширилганларнинг ҳаммаси асир олинди, фақат Мұхаммад пайғамбар авлодларидан булган мўйсафидларгина бундан истино эди.

Кузга келиб, Мозандарон таслим бўлди. Темур Самарқандага хазинадаги жавоҳирлар ва минтақанинг нодир маҳсулотлари намуналари илова қилинган галаба мактуби — фатҳнома йўллади. Айни замонда, у Шоҳрухни, набираларини ва маликаларни ўз ҳузурига — Каспий денгизи жануби-шарқий соҳилида жойлашган Журжонга чорлади. Соҳибқрон ана шу ерда қаср қуриш учун фармон беріанди. Бу музофот дарёларга бой бўлиб, унинг қир этаклари ва далалари пуртакхол (апельсин), узум ва хурмо етиштириладиган мевали боғлар билан қопланганди. Бу ерда яна аъло сифатли анорлар, зайдун меваси, тарвузлар, патинжонлар етиштириларди. Кўп миқдорда ипак ишлаб чиқариларди. Дараҳтлар йилда икки марта ҳосил берарди. Бироқ бу ўлканинг катта нуқсони — ёз фаслининг ута даражала иссиқлиги эди. Ҳашаротлар одамларни жонидан бездириб юборарди. Қандалалар шу қалар катта эдикӣ, уларни ҳамма жойда «бури» деб аташарди¹. Чингизхондан қочган Мұхаммад Хоразмшоҳ орадан кўп ўтмай, худди шу ерда, Журжон дарёси Каспийга қўйиладиган жойда вафот этганди.

Зарафшон водийсидан эсиб келган бурон ва ёқсан қорга қарамай — воқеа содир булаётган ноябрь ойида бу худудларда тез-тез довуллар бўлиб турарди — сарой аҳли йўлга чиқиб, Бухорога этиб келди. Шу ерда улар Темур томонидан ҳожатманделар учун қурилган манзилгоҳда бир неча кун дам олишлари зарур эди. Шу ерда уларга сабр-тоқатли ҳукмдордан чоповул хабар келтириди. Хабарда сарой аҳлининг жомадон-бовулларни қолдириб, олға шошилиш лозимлиги айтилганди. Лекин кўзи оғриб қолган Шоҳрух тез юролмасди, шунинг учун аъёнлар у билан аста-секин йўл босишга мажбур эди. Марвда хасталик ортга чекиниб, аркони давлат муттасил ўн кун йўл босди. Ун учинчи куннинг тунида, Темур меҳмонларни кутиб олиб, Журжондаги қасргача уларга ҳамроҳ булиб борди.

Бу воқеадан кейин сал вақт утар-утмас, Темур Журжонни тарқ этиб, Гуржистон, Эрон ва Ироққа қайта юриш бошлади. Бу гал Шоҳрух ҳарбиј юришда қатнашши. Жаҳонгирнинг уғли Мұхаммад Султон ўзининг укаси Пирмуҳаммад билан биргаликда Султонияга жунатилди. Музаффарийлар сулоласидан бўлган ҳукмдор Темур лашкари яқинлашиб келаётгани ҳақидағи хабарни эшитибоқ, қочиб қолди. Султония Буюк Хурросон йулидаги ажойиб шаҳар бўлиб, у ўзининг маҳобати жиҳатидан Табриздангина кейин турарди. Султонияга мугул Элхонлари томонидан асос солинган бўлиб, кейинчалик бу шаҳар

уларниң пойтахти булиб қолганди. Бу ҳудудда, шунингдек, күп сонли мұғул қишлоқлари ҳам барып этилганди. Бу қишлоқлар улкан яйловлар билан таъминлаш имконига эга эди. Темур Эронга юриш қилиш билан банд булиб турғанида, доруссалтана худди мана шу ерда қолганди.

Иккала шаҳзода Султонияда бир ҳафта туришгач, құшинлари сафини тұлдириб, шаҳарда бир гарнizon лашқар қолдиришли-да, жануб томонға йўл олиши да бепоён тоғли ўлкага етишди. Бу ўлкани юнонлар Мидия, яъни Мелеяниң мамлакати деб атардилар. Бу диёрнинг гарбидә жойлашган тоғтизмаларида жасур курд халқи яшарди. Ҳурисон — Бағдод йўли ана шу ўлка орқали ўтарди. Курдларни буйсундириш хусусида буйруқ олган шаҳзодаларга омад кулиб боқди: улар маҳаллий руҳоний Шайх Али Баҳодир билан ҳамкорлик қилишга эришдилар. Шайх йул курсатувчи булишга ва элчилик қилишга рози буларкан, бунинг эвазига фотиҳлардан мукофот тариқасида бутун музофотни ўлпон тұлаб туриш шарти билан құлға киритишдан умидвор эди. Бир куни сафардан қайтаётган Шайх Али Баҳодир маҳаллий беклардан бириనикига тушлик қилиш учун тушганида уни хоин деб ҳисоблаган бир курд чавақлаб ташлади. Қотил Шайх одамлари томонидан ушланиб, қаттиқ азобларга дучор қилинди, кейин оловла ёндирилди.

Темур ҳар үнликдан уч киши танлаб олинган сара жангчилардан иборат ҳазоражот билан Рай шаҳрига қараб юрар экан, Астрободдан келаётган Мироншоҳни зил-замбил жомадон-бовулларни орқадан етказиб бориш учун қолдирди. Темурга унинг жуфти ҳалоли Чүлпон Мулк оғо ва салтанат ҳарамига қарашли бұлған бошқа икки хоним ҳамроҳлик қилдилар.

Гуржилар Темурнинг олти йил бадалида бу ерда булмағанлигидан, Соҳибқиронга буйсунмай қўйгандилар. Дастрлаб Тұхтамишнинг дадиллик билан Темурга қарши қылған ҳамлаларидан, сунг унинг ана шу душман билан овора бұлғанлигидан илҳомланған гуржилар узларини мустақил деб зълон қылгандилар. Подшо Улуғ Баграт вафот этди, таҳтга чиққан унинг ўғли Георгий VII туркниларга ён беришни ўйламасди ҳам. Аксинча, Темур гуржиларнинг қочоқ Тұхтамиш билан алоқаси бор, унинг жанубға қочиши учун йўл очиб берганлар, деб гумон қиласы. Шунинг учун Темур Гуржистонга қарши иккинчи марта юриш қиласы экан, икки мақсадни кузлаган эди, яъни «осойишталиқни бузғанлар»ни жазоламоқчи, яна ўз тарафдорларини тұплай бошлаган Тұхтамиш ҳақида маълумот йигмоқчи бұлғанди. Йўл-йулакай қаттиқ қаршиликтарни енгіб үтган Темур яна Тифлисга кириб борди, орқага — шарқий Кавказга, ундан сунг Эроннинг жанубига юриш

қилиш олдидан у ерда бир неча муддат булди. Темур Луристон қабилаларини — улар қүшнилари бўлган курдлар каби ашаддий исёңчилар эди — шафқатсиз жазолади. Бошқа қүшинлар билан учрашув Дужайл дарёси (мазкур дарё Форс курфа-зидан жанубда Дажла ва Фурот дарёлари энламасига юз милядан зиёдроқ масофада оқарди) ёнидаги Шустар деган жойда юз берди. Темур Дизфулда, Шустарнинг шимол томонидаги, отлиқ киши бир кун йўл юрадиган манзилда жойлашган, ўзлари ҳозиргина кечиб утган кечикни завқ билан томоша қилиш учун тұхтади. Бу кечик бундан үн бир аср муқаддам бунёд этилган, бир-бири билан алмашиниб турадиган эллик олтита катта ва кичик равоқлардан иборат эди. (Айтишларича, Рим императори Валериан милодий учинчи асрда Эрон подшоси Шопур қулида етти йил асир булиб турганида, уни туғон иншоотининг худди мана шу жойида ишлашга мажбур этишган экан).

Темур Музаффарийлар сулоласидан бўлган бекликлар ҳудудига етиб борди. У марҳум Шоҳ Шужо томонидан ана шу бекликлар устидан ҳомий этиб тайинланганди. Саркарда йўқлиги пайтида бу беклар ўзларининг ичидан чиқсан сергайрат шоҳ Мансурни ҳукмдор деб тан олгандилар. Мансур Темур яқинлашиб келиши ҳамоно ўзи билан биргаликда бошпана қидирган амакиваччаси Зайнилобиддинни ҳибсга олиб, унинг кузларига мил тортган, амакиси Яҳёни эса Исфаҳон ва Шероздан сиқиб чиқарганди. Маълумки, Яҳё Шерозни босиб олган, уни ўз пойтахтига айлантирганди.

Шустарда эса, Шоҳ Мансур томонидан тайинланган беклар Султониядаги ўзларининг ҳамкасларидан ибрат олиб, қочишаркан, шаҳар аъёнларига туркӣларга бўйсуниш учун имкон яратиб бердилар. Темур уларнинг тобе бўлганликлари ни инобатга олиб, моли омонлик тариқасида туплаб берган ўлпонларини қабул қилди, шаҳар ташқарисида қүшинларини туплаб, Мансурни жазолаш учун жанубга шошилди.

Йул-йулакай, у забт этиб булмайди, деб ҳисобланган Қалъаи Сафедга ҳужум қилди. Қалъа тоғ чуққисига қурилган булиб, у ерга ўрнашиб олган бир ҳовуч одамлар пастан утган йўулларни назорат қилишлари ва бутун қүшин зарбасини қайтаришлари мумкин эди, зоро бу қалъага на манжаниқлар ва на қоруралар билан ҳужум қилиб бўларди. Қалъага кун буйи чор тарафдан бесамар ҳужум қилинди. Тун қуюлиб келди ҳамки, қатгиқ ҳужум мудофеларнинг пинагини буза олмади. Эртаси куни эрталаб мудофелар ҳужумкорлар устига яна найза ва тош ёчирини ёғдиришли. Бу ҳол Оқбуго исмли бир сипоҳий қояга тирмашиб чиққунига қалар (бу қояда биронта таянич нуқтасини топиш амримаҳол эди) давом этди. Оқбуго

фақат ўзининг қалқони билан ҳимояланганича ҳужумга ўтганди. Бошқалар ундан ибрат олиб, байроқларини ёйдилар, от думи боғланган туғларини бошлари узра баланд кутардилар. Улар қалья ҳимоячиларини тоғдан улоқтириб ташладилар. Қалья забт этилди. Ўзининг амакивачаси томонидан кўзла-рига мил тортилган ва қамоқхонага ташланган Зайнилоби-дин озод этилди. Темур у чеккан азоб-уқубат учун Мансурдан ўч олишга ваъда берди. Сипоҳийлар қўлга туширган хотин-хатаж ҳам озод этилди.

Қальян Сафедга биринчи булиб чиқиб борган Оқбуғога дурустроқ турмуш кечирсин деб, пул, ҷодир учун газлама, қанизаклар, йилқилар, туялар, хачирлар ва бошқа буюмлар инъом қилинди. Илгари у фақат биргина отга эга эди.

Темурнинг Шерозга қайтаётганини эшитган Шоҳ Мансур пойтахтдан қочди. Орадан бирмунча фурсат ўтгач, ўзининг уч-тўрт минг кишилик фавжи билан Патили текисликларида Темурнинг кўп сонли қўшини билан учрашиш учун қайтиб келди. Мансур қўшинларининг кучи ва сифати хусусида олинган маълумотлар Темурни жиддий хавотирга сололмасди. Бироқ унинг ўттиз минг сара суворийлардан иборат асосий қушини шаҳзода Шоҳ Мансур бошчилигидаги бир неча минг кишилик отлиқ аскарларнинг байроқларини ёзиб, кутимаганда қилган шиддатли ҳужуми натижасида пароканда булиб кетганди. Эроний шаҳзода бошчилигидаги душман туркий сафларини тикка кесиб ўтиб, ҳайратга тушган Темур ва унинг бир неча амирлари турган жойга интиларди. Шарафиддининг ёзишича, Мансурнинг узи Соҳибқироннинг муҳофизлари орасини ёриб ўтиб, Темурнинг олдига ўйл очган. Бу ҳолни курган Темур уз найзасини олмоқ учун қўл чузган, vale бу аснода унинг яроқбордори қочиб кетган эди. Мансур Темурнинг дубулғасига шамшири билан икки зарба туширади. Бироқ Шоҳ Мансур қувиб юборилади, унинг қўшинлари пароканда қилинади. Бошидан ва ягринидан яралangan Шоҳ Мансур Шерозга қочади, бироқ йулда туркий қўшинлар томонидан ушланиб, Темур ҳузурига юборилади. Унинг тор-мор этилган қўшинлари ҳам Қизил Қалья деган жойда қўлга туширилиб, қиймалаб ташланади. Ибн Тахри Берди уз тарихини ёзаётганида, бу түқнашув тарихи афсонага айланиб кетганди: Шоҳ Мансур Темурга қарши курашган ҳукмдорларнинг ичидаги энг жасур суворий булиб қолди, чунки у «икки минг кишилик қўшини билан деярли юз минг кишилик қўшинга эга булган Темур билан жанг қилиш учун дадил борганди».

Шарафиддин уз китобида, Мансур ўлимига ўшанда энди ўн олти ёшга тўлган ва бу ҳарбий юришда қатнашган Шоҳ-

рухнинг мардлиги сабаб бўлди, деб қайд қилади. Шоҳруҳ Шоҳ Мансурнинг бошини отасининг оёқлари остига ташлаб, шундай деган экан: «Илоҳим, душманларингизнинг боши мана бунинг калласидек оёқларингиз остида юмалайверсин». Кейинроқ Шоҳруҳ ўзининг бу жасоратини инкор этганди (Шарафиддин тарихни Шоҳрухнинг ҳомийлиги остида ёзган). Ибн Арабшоҳ, Темурнинг иттифоқчиларидан бири Мансур қүшинлари сафида ниқбланиб, жанг бошланиши ҳамоно ўз қүшинлари билан Соҳибқирон томонига ўтган эди, деган тахминни олға суради.

Темур иккинчи марта Шерозга тантана билан кириб келди. Шаҳарнинг тўққизта улкан дарвозасидан саккизтаси ёпик эди. Темур салтанати байроғи ҳилпираб турган тўққизинчи дарвоза очиқлигича қолганди. Ана шу дарвозадан кирган аъёнлар, хизматчилар ҳамда шаҳар туралари мактуби билан жунатилган кишилар шаҳар ҳазинасини, шунингдек, Шоҳ Мансур ва унинг саройи ҳазинасини ҳам бир жойга тупладилар. Тайёр буюмлардан, ҳачир ва йилқилардан иборат бу улжани Темур амирлар уртасида тақсимлаб берди. Аҳоли ҳам ҳаёти омон қолганлиги учун катта-катта хирож тулади.

Сарой дабирлари — котиблар битган фатҳнома бутун Салтанат бўйлаб тарқатилди. Келаси ойни Темур ва унинг қүшинлари айш-ишратда ўтказарканлар. Шерознинг қирмизи майдан, чилтор ва арганун куйларидан, гузал қизларнинг висолидан баҳраманд бўлдилар. Эроннинг баъзи бир олимлари, купгина ҳунармандлари — чунки Музаффарийлар санъат ҳомийлари эди — Самарқандга жўнатилди. Ал-Ферузободий каби қолган машҳур олимлар ўзларининг Темурга булган ҳурмат-эҳтиромини ифодалашга шошилиб, иззат-икром билан қарши олиндилар.

Шоҳ Мансур тор-мор этилганидан кейин Музаффарийлар сулоласидан бўлган бошқа шаҳзодалар дарҳол қимматбаҳо тошлар, йилқилар, ҳачирлар ва нодир буюмлардан иборат совға-салом келтириб, Темур қаршисида ер ушиб таъзимтавозе қилдилар. Бироқ бу қулай фурсатдан фойдаланган аслзода вакиллар Темурга арзнома топшириб. «давлатни, шубҳасиз, вайрон қилишга олиб боргувчи» урушқоқ Музаффарийлар ҳукмдорлигини мамлакатда қайтиб тикламасликни илтимос қилдилар. Темур улар келтирган далиллар ва уларнинг ният-мақсадларини инобатга олажагини айтди, Музаффарийларнинг барча вакиллари ҳибсга олиниб, уларнинг молмулки талон-торож этилди. Темурнинг тирик қолган ўғиллари ичиди энг каттаси саналган, бунгача Фарғонада ҳоким булиб турган Умаршайх улпон тулаб туриш шарти билан Эронни ўзига мулк қилиб олди. Шаҳзода ана шу воқеани нишон-

лаш юзасидан Темур ва унинг саройи аҳли шарафига дабдабали зиёфат берди.

Шундан кейин Темур қүшинларини жойидан кўчириб, шимолга — Исфаҳон томон буриларкан, йўл-йўлакай широр жозибасидан кўнглини чоғ қилди. У Музafferийларни қатл этишга фармон берди, улардан олти нафари «Чингизхоннинг ёсо қонуни асосида одил судловдан ўтиб, ўлим жазосига ҳукм этилди. Ҳукмни подшолик фуқаролари зўр мамнуният билан кутиб олдилар. Фақат икки кишигагина — кузи ожиз Зайнобидинга ва унинг укаси — уз отаси Шоҳ Шужо томонидан кўзига мил тортилган сўқир шаҳзодагагина шафқат қилинди. Бу икки шаҳзода Самарқандга жунатилдилар. Улар уша жойда ўзларига берилган мулкда «тинч-хотиржам» кун кечириб, оламдан ўтдилар².

Темур Исфаҳондаги подшо саройида бир неча кун булиб, сўнг шимол томонга йўл олди, йўлда у дуч келган ва қаршилик кўрсатган бир ҳовуч кофириларни тор-мор келтириди. У Сарой Мулк хоним ва бошқа маликаларни Ҳамадоннинг шукуҳли ўтлоқларида учратди. Аркони давлат мажлисида «Ҳалокулар подшолиги»ни бошқариш Мироншоҳ зиммасига юклатилди. Бу ҳудудлар шимолда Эрон ва Озарбайжондан, жанубда Ироқдан (Месопотамия) иборат эди. Бироқ Ироқ музофотини тобе этиш ҳали якунланмаган эди. Жалойирлар уругининг сўнгги вакили, Ҳалокулар қулаганидан кейин Ироқдаги ҳокимиятни қўлга киритган сulton Аҳмад Жалойир Бағдодда юраги така-пука булиб, Темурни кутар эди. Эндиликда Озарбайжонни қўлдан бой берган Сulton Аҳмад Жалойир табаррук зот, улуғ муфти Абдураҳмон Исфаҳонийни элчи қилиб, Соҳибқиронга қимматбаҳо совға-саломлар юбораркан, ул зотнинг ҳузурига шахсан ўзи етиб бора ололмаганилиги учун узр сўради. Алпқад кийиклар, қоплонлар, арабий аргумоқлар, тилла эгарлар (ҳаммаси тўқиз донадан) ва муфтининг ўзи самимий кутиб олинди. Бироқ табаррук зот — муфти ўз хожаси ҳузурига жавобсиз қайтиб келди.

Кутилмагандага Темурнинг ўзи сара қўшинлардан иборат туман билан жадал юриш қилганича, туну кун йўл босиб, Бағдоддан йигирма етти лига нарида жойлашган қишлоқда пайдо бўлди. Кундуз кунлари Темур отда юрди, тунлари сипоҳийлар уни улкан машъаллар ёруғида таҳтиравонда олиб юришди. Дарҳол қишлоқ аҳли сурок қилинди. Улар: «Темурнинг яқинлашиб келаётганлиги хусусида қабутар-чопар орқали Бағдодни огоҳлантирганидинелар?» — деган саволга: «Ҳа», — деб жавоб бердилар. Маълум бўлдики, уфқда туркӣларнинг отлари туёқлари остидан чиқсан чанг кўриниши билан, улар қабутар-чопар орқали сulton Аҳмадга хабар юбор-

ган эканлар. Шу муносабат билан Темур уларни бошқа кабутарни юборишга мажбур қилди. Кабутар орқали юборилган янги мактубда аввалги хабар хато эканлиги, улар күрган чанг Саркарда билан тұқнашмаслик учун қочиб кетаётган туркман отлиқ аскарларига тегишли эканлиги баён этилди. Бироқ бириңчи хабарни олган султон Ахмад узининг күпгина қиммат-баҳо буюмларини Дажла дарёсининг нариги соҳилига үтказыш чораларини курғанди. Темур намоз үқиб бұлғач, бевабечораларга хайр-садақа улашди, нафасини ростлаб улгурмасидан, Бағдодга йул олди.

Султон қочганди. У дарёдан үтгани ҳамоно қуприкни ва қайиқларни яксон қылғанди. Туркий қүшинлар дарёға ташландилар, оқим кучли булишига қарамасдан, дарёдан кечиб үтган уларнинг отлари бутун мамлакатни мур-малахтай болып кетди. Аҳоли бу қүшиннинг беададлигини куриб, эсанкираб қолли. Темур Бағдодга қайтди. Шаҳар қаршилик күрсатмади. Ибн Тангри Бердининг таъкидлашича, Темур мустабид Ахмаднинг юргизган ошкора сиёсатидан азият чекаётган Бағдод учун халоскор сифатида ҳамда шаҳар оқсоқолларининг тақлифига биноан келгәнлигини айтған. Темур таслим бұлған шаҳарни қабул қылаётган бир пайтда унинг амирлари султонни таъқиб қилиб, от қүйдилар. Таъқибчилар Фурот дарёси ортидаги Карбало шаҳри ёнида қочоқларга етиб олдилар, бироқ султон Ахмад талай бойликлари, узининг хотинлари ва фарзандларини қолдириб, чақиртошлардан иборат саҳро орқали Дамашқа қочишига улгурған эди. Мисрнинг мамлук султони Барқұқ саройда паноқ топтан Ахмад у ерда самимий кутиб олинди. Арабшоқ бир неча марта қочиб жон сақлаб қола олган султон Ахмаднинг тадбир билан иш тутадиган ақл-идрокига оғули мисралар бағишилаганди:

Агарчи Қулим жанг-жадалда синди.
Оғим синмади қочқин-чопқында.

Яна боши-кети күринмайдиган асирлар карвони Самарқанд сари турнақатор булиб йүл олди, бу асирлар орасида энг яхши усталар, илм-фан ва санъят арбоблари, шунингдек, Ахмаднинг үғли ва хотинлари бор эди. Асир мусаввирлар ичида подшо устахонасидан олинган, құләзмаларга зеб-зийнат бериш бүйіча замонасиянинг энг яхши рассомларидан бири Абдул Ҳайяни күриш мүмкін эди. Үндан Темурнинг саройларини безатиши ишларидан фойдаланиш назарда тутилғанди. Яна бир асир бастакор Хужа Абдулқодир Марогий эди. Етарлы даражада ақл-идрокли бұлған ва Темур қаршиисида ер ұпған таъзим бажо қылған айрим олимлар имкон туғилиши ҳамоно

Самарқандга юборилдилар. Шундайлардан бири Низомиддин эди. Бироқ кейинроқ, Темур юришлари тарихини дарж қилиш учун у яна Соҳибқирон ҳузурига чақиртириб олинганди.

Фатҳномалар салтанат пойтахти ва узга шаҳарларга энг сўнгги хушҳабарни етказиб турарди, бу ҳабарлар шарофати билан ҳамма ерда тантанавор намойишлар утказиларди.

Темурнинг узи ҳам муттасил икки ой Бағдод саройларида ғалаба нашидасини сурди. Бу саройлар узидан муаттар ҳид таратиб турувчи дарахтлардан, оқ ва қора кош (нефрит)дан бунёд этилганди. Ўзининг ширинликлари ва шарбатлари билан машҳур бўлган Бағдодда, шунингдек. Дажла дарёсининг икки соҳили бўйлаб қурилган ишратхоналарда кўнгил очиш масканлари бор эди. Шу аснода фуқаролар жони ва моли омонлиги учун улпон йигиб туладилар. Пуллар Темурнинг амирлари ва қўшинлари уртасида тақсимланди.

Бу ерда Темур ўзининг набираси Муҳаммад Султонни қабул қилиб, унга Курдистон тоғларини ғалаёнчилардан тозалаш ва карвон йўллари бехатарлигини таъминлашни топширди. Шарафиддин бу юришлар муваффақиятли ўтганилиги хусусида шаҳодат беради. Унинг узи Мовароуннаҳрики каби бехатар булиб қолган ана шу йўллар бўйлаб неча-нечча марта сафар қилганди. Ҳолбуки, авваллари карвонлар ҳатто кучайтирилган соқчилар кузатувида сафарга чиққанида ҳам, қдроқчилар тудасига чап бериш учун айланма йўллардан юришга мажбур бўларди.

Гарчи Бағдод Эрон ва Ироқ шаҳарлари уртасида ўз афзалигини йўқотган булса-да, бу шаҳар дарвозаларидан бошлиганинг карвон йўлларини сақлаб қолганди. Буюк Хуросон йўли Бағдоднинг шарқидан бошланиб, шимоли-шарқда Ҳамадонга, Райга, Хуросон орқали Самарқандга, у ердан эса Хитойга борарди. Ана шу чорраҳадан йул айрилиб, шимол томондаги Султония ва Табризга, жануб томондаги Исфаҳон ва Шерозга элтарди. Шимолий йул эса Бағдоддан бошланиб, Дажла дарёси бўйлаб Мосулга ва Амидга, ундан Кичик Осиёга олиб борарди. Шимоли-ғарбий йул Фурот дарёси бўйлаб, Сурия оша Ўрта Ер денизига чиқарди. Зиёратчиликларнинг икки Буюк йўли Бағдоддан жануби-ғарбий йуналиш бўйлаб бири Вия орқали, иккинчиси Басра орқали утиб, Форс курфазининг чеккасига бориб қадаларди. Темур Мирониюҳни жанубга, Басра устидан назоратни қўлга олиш учун юборди.

Миср султони Барқуққа элчи юборилиб, унга дўстлик ва савдо-сотиқ муносабатлари ўрнатиш таклиф этилди. Темур ўзининг Барқуққа юборган мактубида утмишда Ҳалокулар Миср султонларининг салафларига қарши урушлар олиб борганиларини, Миср султонлари Сурия халқига ёмон муно-

сабатда бұлғанликларини, бироқ кейинчалик икки салтанат үртасида самимий муносабатлар үрнатылғанлыгини эслатғанди. Абу Саййид вафот этганидан бүён Эронда мамлакат устидан назорат үрната оладиган ҳукмдор булмаганди. Эндилиқда Эса ҳудудлари Миср билан чегарадаң булған Эрон ва Ироқ Темурнинг ғолибона қиличига бүйсундирилгач, умумий осойишталиқ манфаатлари, савдо йүллари эркін бўлишини ва икки мамлакат савдогарлари ҳанф-хатардан холи шаронтда учрашишларини тақозо этади. Бу омил уларнинг мамлакатларини равнақ топтирган, шаҳарларига түкин-сочинлик ва ҳалқларига тинчлик-омонлик келтирған булур эди, деб ёзганди Темур.

Шундан сўнг у Дажла дарёсидан юз миля нарида жойлашган Такрит қалъасини бүйсундириш учун ҳазоражот билан Бағдоддан чиқди. Бағдодлик савдогарлар берган маълумотларга кўра, Такрит қалъасида уя қўйиб олган фалаёнчилар қиммат-баҳо юклар ортилған карвонларга, айниқса, Сурия ва Бағдоддан чиққан карвонларга ҳужум қилиб, уларни талардилар. Савдогарларнинг тасвирашича, дарё узра қад кутарған бу машъум қалъага на манжаниқлар, на аррадалар ва на қоруалар ҳамла қила олар эдилар.

Темур ўз саёҳатининг биринчи қисмини Дажла дарёси буйлаб қайиқда сузиб утказди. Ҳадемай у қайиқдан тушиб, соҳил ёқалаб юриб кетди, фақат йўлбарс ови учунгина тұхтади. Шикор давомида бешта йиртқич үлдирилди. Такритга етиб келгач, у қандай қилиб булса-да, қалъани забт этишни буюрди. Шаҳар қамал қилиниб, деворларни бузиш ишлари бошланиб кетди. Тавочилар деворларни қушиналар уртасида тақсимлар эканлар, ҳар бир ҳазоражотнини чекини қизил чизик билан белгилаб чиқдилар. Ҳазоражотлар ана шу жойдан лаҳим кавлашлари лозимлиги хусусида ёзма фармойиш олдилар. Егмиш икки минг кишидан иборат бугун қушиннинг күчкүвати деворлар тагидан лаҳим кавлашіга сафарбар этилди. Темурнинг саропардаси қалъа рупарасига үрнатылғанди, шу боис у ишнинг қай тарзда боришини кузатиши мумкин эди. Қисқа фурсат ичиде илнор қисмлар қояни ун беш-йигирма ярд* чукурликда қазиб чиқдилар.

Такритнинг мустақил ҳукмдори султон Ҳасан узининг успирин укасини Темур ҳузурига жунатиб, унга таслим булишга рози эканлигини билдириди. Темур Ҳасандан шахсан узи таслим булишини талаб қилди. Қуршов бошланғанига уч кун булғанида, Ҳасан Темур билан гаплашиш учун онасини юборди ва ўз үғилларини гаров сифатида қолдиришга рози булди.

* Бир ярд — 91.44 сантиметрга тенг узунлик ўчнови.

Бироқ Ҳасаннинг ўзи таслим бўлиб келмади: у охирги томчи қони қолгунча қаршилик қўрсатишга қарор қилганди. Ҳужумчилар томонидан деворларга етказилган шикастrexтлар тузатилди, баъзи бир тирқишлар сувалди. Ана шунда Темур қоя остидан очилган лаҳимлардаги тиргакларни олиб ташлаш, уларнинг оғзини ўтин ва қатрон билан тўллиришни ҳамда уларни ёқиб юборишни буюрди. Бунинг натижасида улкан деворлар қулаб тушди. Такрит ҳалқи ҳаёт-мамот жангига кириши. Ҳасан тогдаги пистирмада яширинишга мажбур бўлди, Такритда мағлуб бўлган қўшинлар раҳм-шафқат сурали. Темур рад жавоби берди. Ҳасан қўлга олиниб, ўз тарафдорлари билан Темур ҳузурига келтирилди. Қатъа аҳолиси аскарлардан ажратилди. Тинч аҳолига тегмаслик, асиirlарни эса Темур қўшинлари туманлари ўртасида тақсимлаб, асиirlарни сифатида ҳибсга олиш хусусида буйруқ берилди. Тавочилар бир минора қурдилар. Унга: «Жиноятчилар тақдиридан қўрқ», — сўзлари ёзилган эди. Темур қатъа деворларидан фақат биттасини, келажак авлодлар учун унинг кучи-қудратига гувоҳ сифатида, омон қолдири.

1393 — Товуқ йилида бўлган юришлар барча қўшинларнинг Дажла дарёсидан гарб томонда жойлашган Такрит билан Бағдод оралиғидаги утлоқларда учрашуви билан якунланди. Дарёнинг қуий оқимини ғалаёнчилардан тозалаган Мұхаммад Султон ва Мироншоҳ қайтиб қолдилар. Улар Вазит ва Басра шаҳарларида гарнizonлар қолдирдилар. Мазкур гарнizonлар Маккаи мукаррамага — ҳажга борадиган зиёратчилар йулини назорат қилиб турадилар. Қўшинлар шикордан завқланниб, ҳордиқ чиқараётган бир пайтда маҳсус чоповуллар музофоглар ва шаҳарларнинг bekларига, ҳокимларига; ҳукмдорларига, барча шайхларга, туркман bekларига уларнинг буйсуниши талаб қилинган фармони олий олиб, йулга тушдилар. «Сизлар хўжасиз ва ҳукмдорсиз яшадингиз, таъбингиз тилаган даражала тириклик қиласдингиз. Бироқ энди бизнинг буйругимизга буйсунишингиз зарурдир. Иулларда босқинчилик, қароқчилик билан шугулланишни бас қилинг. Агар бизнинг буйругимизга итот этмасангиз, бунинг оқибати учун гуноҳкор булғайсиз», — деган сўзлар ёзилганди ушбу фармонда.

Шундан кейин Темур уз таҳдидини тасдиқлаш ва Месопотамиянинг шимолий текислигини кесиб ташлаш учун шимоли-гарбга, Дажла ва Фурот дарёсининг юқори оқими томон жунаб кетди.

Бундан бир неча ой муқаддам буйсунган Мосул шаҳзода-си Соҳибқирон ва унинг сарой аъёнларини дабдабали зиёфат билан сийлади. Темур пайғамбарлар — Юнус ва Журжис қаб-

рларини зиёрат қилиш учун дарёни кечиб утиб, Ниневия ха-
робазорларига борди. У мазкур пайгамбарларга муносиб мақ-
баралар қуриш учун ўн минг кепаки динор иона қилди, етим-
есирларга хайр-садақ улашди. Орадан икки-уч ҳафта утиб,
Темур Сурияга қилајак юриши олдидан энг сунгги шаҳар-
лардан бири Руя (Эдесса) қаршисида пайдо булди. Маҳаллий
хукмдор Темурнинг яқинлашиб келаётганлиги ҳақидаги ха-
барни эшишиб, шаҳарни тарк этганди. Туркийлар ажойиб ғиши-
тин иморатларни завқ-шавқ билан кўздан кечирдилар, шу
ердаги муқаддас мозорларни зиёрат қилдилар, икки-уч ҳаф-
талик вақтларини кўнгилхушилик билан утказдилар. Темур қулга
киритилган ҳазинани уз қўшинларига тақсимлаб берди.

Туркийларнинг Суриядаги асосий йуллар бўйлаб шимоли-
ғарбий томонга ҳаракат қилиши сulton Барқуқни қаттиқ хаво-
тирга солди. У Багдод қулаганидан кейин сulton Аҳмадни уз
паноҳига олган ва Бағдоддаги ҳокимиятини қайта тикилаши учун
унга қўшинлар берганди. Барқуқ Аҳмаднинг асир тушишдан омон
қолган бир қизига уйланиб, урталаги иттифоқни яна ҳам мус-
таҳкамлаганди. Бунинг устига, Бағдод қулаганидан кейин Ба-
рқуқ Темурнинг элчиларини қабул қилганди. Бироқ мамлуклар
сultonи, дини исломнинг илгор ҳимоячиси, халифанинг Қо-
ҳиралаги ҳомийси (Ҳалокулар хукмронлик қитъан кунларда ха-
лифалар оиласининг сўнгги вакили чингизий фотиҳлардан ана
шу шаҳарга қочиб келганди) шарқдан чиқсан бу жўжаҳуроз
билан бирон-бир муносабатга киришмоқчи эмасди. Темурнинг
Қоҳиралаги элчихонаси бошлиғи Отилмиш асир тариқасида
қулга олиниб, элчихонанинг қолган аъзолари қатл қилинди.
Отилмиш Темурнинг хотинларидан бирининг узоқ қариндоши
ҳисобланарди.

Темурдан Қоҳирага яна бир мактуб келди Ибн Тангри
Бердининг берган гувоҳлигига қараганда, назмда битилган
бу мактубда огоҳлантириш ва таҳдид оҳангни мавжуд эди.
«Хўрланғонинг ва шармандаи шармисор бўлғонинг ҳаққинда
пайғом олғонинг заҳоти шодлан, эй, осий ва исёнкор авлод!
Сизнинг орангизда биз иймон соҳибларидурмиз, демиш бир
фикр ҳукм суради. Вале сизларнинг кофир, иймонсиз экан-
лигингизга Аллоҳ субҳонаҳу ва таолонинг ўзи бизни инон-
тириди. Ва биз Яратғон томонидан устингиздан ҳукм юрги-
зишга йиборилғанмиз. Худованди каримнинг амри жамики
мушкулотларни осон қилур, фармони эса барча орзу-ният-
ларни рӯёбга чиқарур... Биз элчиларимизни мамлакатингизга
йиборганимиздан бери сизга нисбатан қилишимиз мумкин
бўлғон юмушларнинг ҳаммасини амалға оширдук, бас, уш-
мундоқ эркан, энди йиборатурғон элчиларимизни, аввалги
қилмишингизни тақрорлаб, ҳузурингизга ташриф буюргон

бириңчи кишиларымиз янглиғ үлдирманг. Сизнинг мунофика на одатингиз ҳар қандай расму ойинларни ва ақоидларни бузишға ва ўн саккиз минг олам устидан ҳукмрон бўлғон Парвардигорга шак келтиришга рухсат берур...»

Барқуқдан келган ва Темурни сафсатабозликда айبلاغан жавоб мактуби кишининг жигига тегадиган оҳангда ёзилганди: «Сен олов эдинг, сени жаҳаннам бунёд этган, дўзахда ёнгин, теринг куйиб, кул бўлсин. О, мъужизаларнинг мъужизаси? Ҳеч замонда ахта чўчқа реза мевалардин, ботирлар омондин қўрқанми? Бизнинг аргумоқларимиз яшиндай учқур, найзаларимиз арабий, шамширларимиз Яманники, зирҳимиз Мисрники... Агар биз сени үлдирсак, қандоқ ажойиб зафар бўлур эди-я! Мабодо сен бирон-биримизни шаҳид этсанг, лаҳза ўтмай, ўшул киши жаннатга кирур»³.

Барқуқ бундай сўзларни ёзишдан олдин ўз қушинларини қўриқдан ўтказди, сипоҳийларига пул улашди. Қўриқ ўтказиляётган пайтда Бағдоддан бадарга қилинган Аҳмад ҳамон Қоҳирала эди: «Муқаввийлик, улуғворликнинг қудратли на-мойиши, расму ойин ва либос бўйича ҳашамат ва латофат. Маросимга султон табласиға қарашли, тўла ҳарбий аслача-анжом билан таъминланган жамики рангни, шакл-шамойилни ўзида мужассамлаштирган кўпдан-кўп тилла, кумуш ва кимхобдан иборат безаклар билан мұнаққаш этилғон икки юз аргумоқ бошчилик қилдиким, уларни кўрган одамнинг ҳуши бошидан учарди. Шундан сўнг султон уларнинг тасав-вуридаги энг кўркам ҳисобланмиш ҳазоражотларига^{*} тунқ-ол^{**} берди. Бутун ҳазоражотнинг аслача-анжоми бўйича ҳар бир амир иккинчиси билан рақобат қилгудек эди, уларнинг ҳар бири қўриқдан утаркан, ўзидан олдингисига нисбатан янала савлатлироқ булиб кўзга ташланарди». Шундан сўнг Темур хужумининг йуналиши унинг элчиларига нисбатан шафқатсиз мұомаласи учун қасос булишидан хавотирланган Барқуқ шимолга — Дамашқ томон юриш бошлар экан. Фурор дарёси соҳилларига ҳам ҳарбий қушилмаларни жўнатди.

Барқуқ Дамашқда бўлган чоғида Кичик Осиё чегарасида Сивасдан келган элчиларни қабул қилди, Темур ҳамласидан хавотирланган Сивас ҳукмдори Барқуқдан ёрдам кутарди. Олтин Үрда хони Тухтамишнинг бу ерга етиб келган хуфиялари Темурга қарши иттифоқ тузишни таклиф қилдилар. Таклиф қабул қилинди. Ундан сўнг Кичик Осиёдан усмонли турк султони Боязиднинг элчилари ташриф буюрдилар. Боязид ҳам Барқуқнинг Темурга қарши тадбирларига ёрдам тариқасида

* Ҳаюражот — батальон.

** Тунқол — бўйрук.

маблағ юборган эди. Шундай қилиб, Миср султони үзининг шон-шавкатига қарамасдан, Боязид олдида қарздор булиб қолганди.

Темур, ҳақиқатан ҳам, Мисрнинг мамлуклардан чиққан султонига қарши ҳарбий ҳаракатларни амалга оширишини на- зарда тутган бўлса-да, ҳали бу ишга тайёр эмасди. У Мардин вилояти бекига, үзининг Дажла ва Фурот дарёларининг юқори оқими оралиғидаги лашкаргоҳига етиб келишини амр этди: бу бек Темурга ўз садоқатини намойиш этиш учун Суря ва Мисрга ҳужум қилишда лашқари билан қатнашиши лозим эди. Лекин бек ҳам, унинг Қүшини ҳам келмади. Аксинча, Мардин беки Исо үзининг қандай аҳволга тушиб қолганилиги хусусида Барқуққа нома юборди. Бу ҳақда хабар топган Темур кутилмаганда бемулоҳаза иш тутган жасур бекни жазолаш учун «қушдек учиб», ўз қүшинларини Руадан шарқ томонга қараб бурди.

Унинг қүшинлари Мардин ёнида саф тортиб ҳужумга шай турган бир пайтда Темурга унинг катта ўғли, Эрон вилояти ҳокими, шаҳзода Умаршайхнинг вафот этганлиги ҳақида ха- бар келди. Темур қароргоҳига чақирилган Умаршайх Курдистон орқали утадиган йулда бир қалъани қамал қилган чогида, душман наизасига учиб, жон таслим қилган эди. У тил тортмай ўлганди. Бу шум хабарни Соҳибқиронга етказиш осон эмасди. Аммо, айтишларича, Темур бу хабарни юзида бирон- бир ҳис-ҳаяжон зоҳир қилмасдан тинглаган. Эрон вилояти Умаршайхнинг ўғли Пирмуҳаммадга инъом этилди. Шаҳзода- нинг жасади Шаҳрисабзга келтирилди. Темур бу ерда ўзининг отаси, ўғли Жаҳонгир ва оиласининг бошқа аъзолари учун муҳташам мақбара қурдирган эди.

Темур Мардинни тарк этди. Бек Исо ваъдасини яна так- рорлали, аммо уни бажармади. Туркий қүшинлар учун бағоят ноқурай вазият вужудга келганди. Шаҳарда Темур жангчиларини ҳақорат қилишарди. Киш охирлаб бораётганди. Яйлов- лар бунчалик кўп отларни боқа олмай қолди. Темур анча-мунча қурбон бериб, Дажла водийсига қарашли Мосул ёнидаги энг яхши яйловларга етиб келди. Йулда қаттиқ бурон бўлиб, бу- тун водий жалада қолди. Туялар ва хачирлар балчиқ ва сувга шу қадар ботиб қолдиларки, уларнинг қулоқларигина кўри- нарди. Кўпгина ҳайвонлар изсиз йўқолди. Қүшинлар узларининг чодирларини ташлаб чиқдилар, суворийлар йулда давом этдилар. Ниҳоят, март ойига келиб, Темур ва унинг илғор қүшинлари сув ҳамда балчиқлардан қутулиб, булиқ май- саларга бой қаттиқ ерга чиқдилар. Уларнинг ортидан йулга чиққан аскарлар кигизлар, бўйралар ва чодирнинг қоплама- ларини ерга ётқизиб, шулар устидан юриб ўтдилар.

Темур нобуд булган отлар сафини тўлдириди, жангчилари кучини тиклади, қушинларини тартибга келтириди. шундан сўнг Султонияга унинг рафиқлари ва келинлари учун совғасалом олиб бораётган карвонни талашга журъат қилган кичик бир мулк ҳокимига қарши юриш бошлади. Сунгра у Мардинни ҳужум билан эгаллаш учун йўл олди, чунки шаҳар аҳолиси унинг йўқлигидан фойдаланиб саркашлик қилган, бўйсунишни хоҳламаган эди. Шаҳарликлар раҳм-шафқат сўрасиб, жуда катта миқдорда жони омонлик таклиф қилдилар. «хамир учидан» ажойиб тулпорлар ва хачирлар юбордилар.

Уларга баҳт кулиб боқди. Ўша кунлари Сарой Мулк хонимдан чоповул келиб, хукмдорга Султонияда, худо унга набира ато этганлигини, яъни ун етти яшар Шоҳруҳ үғил курганлигини хабар қилганди. Ана шу муносабат билан Темур Мардинга раҳм-шафқат курсатиб, ҳатто жони омонлик пулидан ҳам воз кечди. Янги набира Улуғбек булиб, у кейинчалик оламга донги кетган мунажжим, санъат ва илм-фанинг ҳомийси булди. Шоҳруҳ ун бир ёшида уйланган бўлсада, Улуғбек унинг иккинчи хотинидан туғилганди. Чигатой маликаларидан булмиш Улуғбекнинг онаси Гавҳаршод оғо иродаси бақувват, мислсиз шахсий фазилатларга эга аёл эди. Таомилга кура, бола Сарой Мулк хонимнинг тарбиясига берилди. Бу воқеа 1394, яъни Ит йилида содир булганди.

Темур Мардиндан Дажла дарёси юқори оқимида жойлашган Амид шаҳрига йўл олди. Гарчанд Темур қушинлари шаҳарнинг муazzам деворларини вайрон қилишни уддалай олган булмаса-да, Амид таслим булди. Қалин қор ёқсан бўлишига қарамасдан. Ван кулидан шарқий томонда жойлашганди Арманистондаги бир қатор баланд тоғликларда жойлашган қалъалар ҳам бўйсундирилди. У ерларда қушин одамлардан, отлардан, туялардан иборат улкан талофат кўрди. Уларнинг кўпчилиги жарлардан қулаги, қор кучкилари остида ҳалок булди.

Темур эсанкираб қолди: маънисиз ва оқлаб бўлмас қурбонларни кўриб, қалби жароҳатланганди. Узининг хонадони аҳли даврасида ҳордиқ чиқармоқчи бўлган Соҳибқирон оила аъзоларини Султониядан чақиртириди. Уларни кутиб олиш учун Шоҳруҳ жўнатилди. Учрашув Арманистоннинг хушманзара Карс водийсида булиб утмоғи лозим эди. Ҳамма белгиланган жойга эсон-омон етиб келди. Шу ерда, кузнинг дастлабки кунларида Шоҳрухнинг иккинчи ўғли (бошқа хотинидан) туғилди. Болага Иброҳим Султон деб исм қўйдилар. Унинг тарбияси Соҳибқироннинг бошқа рафиқаси — Туман оғога топширилди.

Ўша йилнинг кузида Дажла ва Фурот дарёларининг юқори оқимидағи ҳудудлар бўйсундирилди. Қора қуюнли қабила-

маблағ юборган эди. Шундай қилиб, Миср султони ўзининг шон-шавкатига қарамасдан, Боязид олдида қарздор бўлиб қолганди.

Темур, ҳақиқатан ҳам, Мисрнинг мамлуклардан чиққан султонига қарши ҳарбий ҳаракатларни амалга оширишни назарда тутган бўлса-да, ҳали бу ишга тайёр эмасди. У Мардин вилояти бекига, ўзининг Дажла ва Фурот дарёларининг юқори оқими оралигидаги лашкаргоҳига етиб келишини амр этди: бу бек Темурга ўз садоқатини намойиш этиш учун Сурия ва Мисрга ҳужум қилишда лашқари билан қатнашиши лозим эди. Лекин бек ҳам, унинг қўшини ҳам келмади. Аксинча, Мардин беки Исо ўзининг қандай аҳволга тушиб қолганлиги хусусида Барқуққа нома юборди. Бу ҳақда хабар топган Темур күтилмаганда бемулоҳаза иш тутган жасур бекни жазолаш учун «қушдек учиб», ўз қўшинларини Рудан шарқ томонга қараб бурди.

Унинг қўшинлари Мардин ёнида саф тортиб ҳужумга шайтурган бир пайтда Темурга унинг катта ўғли, Эрон вилояти ҳокими, шаҳзода Умаршайхнинг вафот этганлиги ҳақида хабар келди. Темур қароргоҳига чақирилган Умаршайх Курдистон орқали ўтадиган йўлда бир қальъани қамал қилган чоғида, душман наизасига учиб, жон таслим қилган эди. У тил тортмай улганди. Бу шум хабарни Соҳибқиронга етказиш осон эмасди. Аммо, айтишларича, Темур бу хабарни юзида бирон-бир ҳис-ҳаяжон зоҳир қилмасдан тинглаган. Эрон вилояти Умаршайхнинг ўғли Пирмуҳаммадга инъом этилди. Шаҳзоданинг жасади Шаҳрисабзга келтирилди. Темур бу ерда ўзининг отаси, ўғли Жаҳонгир ва оиласининг бошқа аъзолари учун муҳташам мақбара курдирган эди.

Темур Мардинни тарк этди. Бек Исо ваъдасини яна тақрорлади, аммо уни бажармади. Туркий қўшинлар учун бағоят ноқулав вазият вужудга келганди. Шаҳарда Темур жангчиларини ҳақорат қилишарди. Қиши охирлаб бораётганди. Яйловлар бунчалик кўп отларни боқа олмай қолди. Темур анча-мунча қурбон бериди, Дажла водийсига қарашли Мосул ёнидаги энг яхши яйловларга етиб келди. Йўлда қаттиқ бурон бўлиб, бутун водий жалада қолди. Туялар ва ҳачирлар балчик ва сувга шу қадар ботиб қолдиларки, уларнинг кулоқларигина кўринарди. Кўпгина ҳайвонлар изсиз йўқолди. Қўшинлар ўзларининг чодирларини ташлаб чиқдилар, суворийлар йўлда давом этдилар. Ниҳоят, март ойига келиб, Темур ва унинг илғор қўшинлари сув ҳамда балчилардан қутулиб, бўлиқ майсаларга бой қаттиқ ерга чиқдилар. Уларнинг ортидан йўлга чиққан аскарлар кигизлар, буйралар ва чодирнинг қопламаларини ерга ётқизиб, шулар устидан юриб ўтдилар.

152

Темур нобуд бўлган отлар сафини тўлдириди, жангчилари кучини тиклади. қўшинларини тартибга келтирди, шундан сўнг Султонияга унинг рафиқлари ва келинлари учун совғасалом олиб бораётган карвонни талашга журъат қилиган кичик бир мулк ҳокимига қарши юриш бошлади. Сўнгра у Мардинни ҳужум билан эталлаш учун йўл олди, чунки шаҳар адолоси унинг йўқлигидан фойдаланиб саркашлик қилган, бўйсуниши ҳоҳламаган эди. Шаҳарниклар раҳм-шафқат сурашиб, жуда катта миқдорда жони омонлик тақлиф қилдилар. «хамир учидан» ажойиб тулпорлар ва ҳачирлар юбордилар.

Уларга баҳт кулиб боқди. Ўша кунлари Сарой Мулк хонимдан чоловул келиб, ҳукмдорга Султонияда, худо унга набира ато этганлигини, яъни ун етти яшар Шоҳруҳ ўғил курганлигини хабар қилинди. Ана шу муносабат билан Темур Мардинга раҳм-шафқат курсатиб, ҳатто жони омонлик пулидан ҳам воз кечди. Янги набира Улуғбек бўлиб, у кейинчалик оламга донги кетган мунажжим, санъат ва илм-фанинг ҳомийси бўлди. Шоҳруҳ ун бир ёшида уйланган бўлсада, Улуғбек унинг иккинчи хотинидан туғилганди. Чигатой маликаларидан бўлмиш Улуғбекнинг онаси Гавҳаршоҳ оғо иродаси бақувват, мислсиз шахсий фазилатларга эга аёл эди. Таомилга кура, бола Сарой Мулк хонимнинг тарбиясига берилди. Бу воқеа 1394, яъни Ит йилида содир булганиди.

Темур Мардиндан Дажла дарёси юқори оқимида жойлашган Амид шаҳрига йўл олди. Гарчанд Темур қўшинлари шаҳарнинг муассзам деворларини вайрон қилишини уddyалай олган бўлмаса-да, Амид таслим бўлди. Қалин қор ёқсан бўлишига қарамасдан, Ван кулидан шарқий томонда жойлашган Арманистондаги бир қатор баланд тоғликларда жойлашган қалъалар ҳам бўйсундирилди. У ерларда қушин одамлардан, отлардан, туялардан иборат улкан талофат кўрди. Уларнинг кўпчилиги жарлардан қуляб, қор кучкилари остида ҳалок бўлди.

Темур эсанкираб қолди: маънисиз ва оқлаб бўлмас қурбонларни куриб, қалби жароҳатланганди. Ўзининг хонадони аҳди даврасида ҳордик чиқармоқчи бўлган Соҳибқирон оила аъзоларини Султониядан чақирилди. Уларни кутиб олиш учун Шоҳруҳ жўнатиди. Учрашув Арманистоннинг ҳуশманзара Карс водийсига булиб ўтмоғи лозим эди. Ҳамма белгиланган жойга эсон-омон етиб келди. Шу ерда, кузнинг дастлабки кунларида Шоҳруҳнинг иккинчи ўғли (бошқа хотинидан) туғилди. Болага Иброҳим Султон деб исм кўйдилар. Унинг тарбияси Соҳибқироннинг бошқа рафиқаси — Туман оғога топширилди.

Ўша йилнинг кузиди Дажла ва Фурот дарёларининг юқори оқимидағи ҳудудлар бўйсундирилди. Қора қўюнли қабила-

153

сининг бошлиги Қора Юсуфга қарши маҳсус жазо фавжи юборилди: Темур Қора Юсуфнинг ўғли Мисра мулкига қарашли, Арас дарёсининг юқори оқимида жойлашган туркманларнинг Авник қалъасига қаттиқ хужум қилди. Қалъа ишгол этилди, Мисра эса асир олиниб, Самарқандга жұнатылди. Мисрага қарши курашда Темурнинг Эронга қилган биринчи юриши чоғида бүйсундирилган Арзинжон беки яқындан ёрдам берди. Темур уни ана шу мұлк беки қилиб тайинлади. Эндилікда Темур салтанатининг ғарбий чегаралари Сурия ва Кичик Осиёга қадар етган эди ва уннинг пойтахти билан ғарбдаги янги сарҳадлар үртасидаги масофа қарийб беш минг километрни ташкил этарди. Ана шу улкан ҳудуд доирасидаги ҳамма йүллар карвонлар билан тұлыб кетганди, ҳар бир юришдан кейин Самарқандга үлжалар ва асирларнинг чексиз оқими етиб келарди. Бироқ Соҳибқироннинг рафиқалари, фарзандлари ва аъёнлари Султонияда жойлашган әдилар ва фақат күзға борибина улар Қорабоғдаги Кавказнинг шукуұлғы үтлоқларыда қишини биргаликда үтказиш учун Ҳукмдор билан қүшилдилар.

Шундай қилиб, Темур ва Миср султони Барқұқ бир-бирлари билан учрашмадилар. Султон Темур билан куч синашишни жуда-жуда истарди. Шунинг учун у үзининг улкан қүшинлари билан Дамашққа етиб келди. Темурнинг шимол томон силжиганини эшитган султон у билан учрашиш учун Ҳалабға қараб йүл олди. Бироқ у беҳуда күтди. Ноябрь ойига келиб, Темурнинг у билан учрашишдан құрққанлигига ишонч ҳосил қилган Барқұқ қүшингөхини күчириб, Қохираға қайтиб борди.

Темур ҳақиқатан ҳам Миср ва Сурияning мамлуклардан чиққан султони билан рұбару келишдан үзини четга оларди, чунки күчлар нисбати бүйіча қули баланд келмаслигини яхши биларди. Ваҳоланки, у үз қүшинларининг кучи ва құдратини тиқлаб олғандан кейин ҳам уларни Мисрга қарши эмас, балки үзининг эң құркыншылдығы — Олтін Үрда хони Тұхтамишга қаратди.

Темур Кавказдалик чоғида Гуржистонга қарши учинчи юришни бошлади. У Гуржистоннинг шаҳарларига қарши юборған бир неча фавжлар ғалаба наъраларини тортиб, мұл-құл улжа билан қайтган бұлса-да, асосий мақсаддаға эриша олмаганди. Мақсад гуржи шаҳарларини талаш эмас, балки тоғ доғонларидан үтиб, жанубда ястанған ҳудудлар томон шошилаётгандың Тұхтамишнинг қипчоқ фавжлари йүлини түсіб қолишидан иборат әди (1394 йил). Туркийларнинг қүшинлари уларға бевосита дүч келгани ҳамоно қипчоқлар Дарбанднинг Темир дарвозаси орқали яна жуфтакни ростлаб қолишиганди.

Бундан уч йил мұқаддам Тұхтамиш Қундузча ёнида мағлубиятга учраганди (1391 йил), аммо Олтин Үрда тор-мор этилмаганди. 1393 йилга келиб бу бекарор хон үз кучини шу даражада тиқладики, Танадан буйсунишни, Польша қироли Ягеллодан анъанавий үлпон тұлашни талаб қилди. Узоқни күзілаб сиёsat юргизган Олтин Үрда хонлари үзларининг умумий душманлари — Эрон ҳукмдорларига қарши Миср сultonлари билан иттифоқ тузишиңа эришдилар. 1394 йилда Тұхтамиш Темурға қарши иттифоқ тузиши хусусида музокаралар олиб бориши учун Мисрга әлчилар жұнатди. Темурнинг маҳсус әлчиси мамлук сultonни томонидан үлдірилди. Соҳибқирон Суря ва Мисрга қарши юриш қилишни дилига туғиб құйған зди. Бироқ у Тұхтамиш қүшинларининг Кавказ тоғларидан ошиб үтгандығы ҳақидағи хабарни эшишиб, дархол шимол томонға қараб бурилди. «Итнинг үлгиси келса, масжиднинг меҳробини булғатар». У сурбет қипчоқларни тезроқ қидириб топиш учун уларнинг изидан тушиди. Бироқ душман қочиб қолған зди. Темур үз қүшинлари қишлаши учун Каспийнинг Арас деган еридан жануброқ томондаги жойда аскарғоқ куришга амр қилды.

Темур үз хазинасидан қүшинларға ҳақ тұлашни ниҳоясига етказганида қиши тұгаганди. Сарой маликалари қайтадан ортга жунатилдилар: уларнинг баъзилари Султонияга, Сарой Мулк хоним ва Туман оғо Самарқандға йул олдилар. Үтган йил күзде Шоҳрух ана шу шаҳарға ҳоким этиб тайинланғанди. Қиши давомида Темур ва унинг собиқ тутинган үғли үртасида әлчилар алмашинди. Үтмишни ёдға олар экан, Соҳибқирон Тұхтамишдан буйсуниш ҳақида шартнома тузишиңа талаб қилди, аммо хон бу талабни рад этди. Шу тариқа Темур қүшинларини жанговар қолатға келтириб, манғлай орқасида яширингандың ва сүл қанот билан Тұхтамиш ҳамла қипчоқларни излаб, үлгә түшди.

Икки томон ҳам тангу тор водийда қулай маррага зға булиш учун жой излаб, ҳаракатта келди. Тұхтамиш яна құлдан чиқиб, жангга чап берди. Бироқ 1395 йилнинг апрель ойида қүшинлар Дарбандан шимолроқда Терак (Терек) дарёси соҳилларида, бари-бир юзма-юз келдилар.

Темур саройида Кастилия әлчиси булиб турған Клавихо орадан түккіз йил утиб, түткіч бермас Тұхтамишнинг таъқиб қилиниши ҳақидағи ҳикояни эшиптеганди. «Гарчи Темур суворийлари Тұхтамишнинг отлик аскарларига нисбатан сон жиҳатдан озчиликни ташкил этған бұлса-да, Соҳибқирон жуда шошилинч тарзда уни таъқиб қила бошлади. Душманни изманиз қувиб борар экан, у Таратар ёнида оқаётған улуғ дарё — Терак соҳилінде қипчоқ галаларига дуч келди. Темур дарёдан

кечиб ўтиш учун дарҳол кечувни құлға олишга интилди. Бу — дарёдан кечиб ўтиш мүмкін бұлған ягона кечув жойи эди. Бироқ дарё соҳилига етиб келган Темур Тұхтамишнинг аллақачон нариги қирғоққа кечиб үтганини күрди. Тұхтамиш эса Темур уни изма-из қувиб келаётганини билиб, узи ёғоч түсінлар билан мустақамлаш лозим, деб ҳисоблаган кечувни ҳимоя қилмоқ учун дарҳол тұхтади. Бу ерга етиб келган ва кечувни душман томонидан назорат қилиб турилганини күрган Темур Тұхтамишга ўз элчиси орқали, нечун бундай қилмоқdasan, ахир мен сенинг ҳақиқий дүстингман-ку, сен билан жанг қилгани келганим йүқ бу ерга, худо шоҳид, менинг сенга қарши ҳеч қандай хусуматим ҳам, тажовузкорлик ниятим ҳам йүқ, деган мазмунда нома юборди. Бироқ Тұхтамиш Темурнинг сұзіда турмаслигини яхши билганидан, унинг панд-насиҳатларига қулоқ солмади. Шунинг учун эртаси күн Темур қүшинларини жойидан күчириб, тезлік билан дарёнинг жаңубий соҳили томон йүл олди. Буни күрган Тұхтамиш ҳам худли шундай қилди: дарёнинг шимолий соҳили ёқалаб, қүшинларини олға йұналтируди. Шу тариқа икки тараф қүшини бир-бирини күзатған ҳолда юқори оқим томон бораверди ва тунда улар қарама-қарши икки соҳилда рұпарама-рупара аскаргоқ қурдилар. Үртани фақат дарё ажратыб турарди. Бу иш уч күн давом этиб, қүшинлардан биронтаси ҳам бири иккинчисини қувиб үтмади. Бироқ учинчи күни тунда аскаргоқ тай-ёр булиши ҳамоно Темур сипоҳийлар билан бирга юрган барча хотин-халажга дубулға кийиб, шоп-шалопларни тақиб, сипоҳийлар қиёғасига киришни буюрди, узи эса барча суворийларни отлантириб, улар билан орқага, кечув сари қуюндаид үчди, ҳар бир суворий узи билан яна биттадан отни етак-лаб олмоғи зарур эди. Шу қабилда аскаргоқ хотин-халаж назорати остида қолди. Улар қуллар ва асиirlарга ҳам қараб тұрадын бўлди. Темур эса шидлат билан орқага, уч күнлик сафарга, дарёдан кечиб ўтиш мүмкін бўлған жойга қушдай үчди. Кечувга етиб келган қүшин шу ерда тунади, эртаси күн эрталаб эса дарёни кечиб ўтиб, унинг нариги соҳили ёқалаб ҳаракатланди. Түққиз күн деганда, улар ғаним қүшинлари қаршиисида пайдо бўлдилар. Низомиддин шундай ёзади: «Икки томоннинг қүшинлари бир-бирига рупара турғанларича, тунни үтказдилар. Эртаси күни ҳарбу зарб бошланди. Шафқатсиз қул жанг бўлиб ўтди. Лаҳзалардан бирида қипчоқлар захирадаги қүшинларга қўмондонлик қилаётган Темур турған жойга ёриб ўтдилар. У қўлидаги шамшир билан жанг қиларди, унинг кичик найзаси синган, садоқдаги уқлари тугаганди. Шайх Нуриддин ва унинг эллик нафар жангчиси Соҳибқироннинг олдида саф тортиб туриб, уни камон ўқлари ёмғиридан ҳимоя

қилардилар. Бир неча фавж лушман сафлари қаршисида ғов ҳосил қилган араваларни құлға кирилди. Фавжлар душман сафларини ёриб утди. Темурнинг муҳофизлари құлларидан ҳил-пираган байроқлар тутғанларича, наққоралар ва карнайлар садолари остида етиб келғанларига қадар, узға фавжлар муҳофизлик вазифасини үтаб турдилар. Улар жанг үзлари учун ижобий томонга узгаргунинг қадар лушманнинг қутириб қилған ҳужумини қайтариб турдилар. Мұхаммад Султон жаронғор (чап) қанотдан ҳужум қилиб, қипчоқларнинг сафларини ёриб утди. Душман «фарор булиб» (қочди). Темур учун ҳамиша ардоқлы бүлған бу набира энди минг карра ардоқлироқ булди. Қипчоқларнинг сафлари қайта-қайта гурухланиб, яна ва яна ҳужумга үтарди, бироқ Темур қүшинидаги турли қүшилмаларнинг бир-бирини узаро самарали құллаб-қувватлаши ва ҳамкорлик қилиши унинг ҳал қылувчи ғалабага эришишини таъминлади. Олтин Үрда қүшинлари тор-мор келтирилди, унинг қүшингоҳи ва үгруқи (юк ортилған карвони) Темур қулига тушиб қолди.

Темур ҳамиша айнан мана шу ғалабасини узи құчған зафарлар ичіда энг мислсиз деб ҳисобларди⁵.

Бу ҳақиқатан ҳам унинг энг мислсиз зафари эди. Темур учун энди шимолға, Олтин Үрданинг юрагига ва унинг энг балавлат шаҳарлари марказыға бевосита йўл очилганди. У Олтин Үрданинг собиқ хони бўлмиш Уруснинг уғлини қипчоқ хони қилиб тайинларкан, құлға тушган үлжани ҳам, ўғруқни ҳам унга қолдириб, яна Тұхтамишни таъқиб қилишга тушди. У Итиль (Волга)нинг ғарбий соҳили бўйлаб елдай учди, сунг шарқий қирғоққа утиб олди. Тұхтамиш булғор ўрмонларига кириб ғойиб бўлғанди. Темур уни анча муддат таъқиб қилиб борди, сунг яна дарёнинг ғарбий соҳилига утди, у ғарбда Днепргача, шимолда Елецгача, Дон дарёси водийси бўйлаб Қипчоқ хонлиги ва үрис князларлари чегараларидаги ҳудудларни вайрон-толқон қилди. Август ойида Темур ҳудди мана шу маскандан туриб жанубга бурилиб, яна ҳисобсиз үлжалар билан қайтди. Аммо Тұхтамиш құлға тушмаганди.

Темур Москвагача етиб бормади. Ермола солномачилари-нинг таъкидлашларича, етти яшардан етмиш яшаргача бўлған Москва ҳалқи шаҳарни ҳимоя қилишга тайёрланаётган бир пайтда Москванинг Улуг князи Василий I үзининг барча қүшинларини тўплаб, Ока дарёси томон юриш қилди. Владимир шаҳридан мўъжизалар кўрсатишга қодир биби Марьямининг бути — иконаси келтирилди. Шу муносабат билан тантанали маросим ўтказилди. Үрис солномачилари, Темур үрис қүшинлари қаршисида қўркувга тушганлиги ва биби Марьямининг берган мадади сабабли Елецдан жанубга қараб бу-

рилди, деб талқин қилдилар. Амалда эса Темурнинг мақсади бундан-да муҳимроқ эди: у ўз олдига Олтин Ўрдани узилесил тор-мор келтириш вазифасини қўйган эди.

Темур Дон дарёси мансабидаги Танагача етиб борди. Генуя ва Венеция, Каталония ва Бискай ҳамда Фарб давлатлари савдогарлари жамоаларининг савдо-сотиқ масканлари шу ерда жойлашганди. Савдогарлар жонларини омон сақлаб қолиш учун унга совға-саломлар билан ўз вакилларини юбордилар. Темур уларнинг барча илтимосларини қондиришга ваъда қилди, савдогарлар вакилларига жавоб бераркан, қуриқчи сифатида уларнинг ёнига амирларидан бирини қушиб юборди. Кўпчилик Темурнинг дўстона ваъдаларига ишонди. Бошқалар эса венецияликтарнинг ҳар йили мунтазам тарзда бандаргоҳга кирадиган олти-саккиз чогли галерадан^{*} иборат флотидан фойдаланишиб, шу билан кемалардан узлари учун паноҳ топдилар. Темур қўшинлари шаҳарга кирганида, аҳолининг мусулмон қисми ғайридинлардан ажратилиб, уларга жавоб бериб юборилди. Бошқалар, айниқса, насронийлар Темурнинг чин мақсадидан анча кеч хабардор булдилар. Улар қул қилинди. Уларнинг банклари, черковлари ва омборлари ёқиб юборилди. Асир олингандар орасида венециялик магистр Мианининг уч ўғли бор эди. Улардан бири Темур ҳузурига вакил булиб келгандардан эди. Учала угил ҳам йигирма минг дукат тұлаб, озодликка чиқишига эришдилар, молмұлклари эса туркійлар қулида қолиб кетди⁶.

Саркарда Танадан Дон дарёсини ва Кубан даштларини кесиб ўтди. Черкаслар босқинчиларни озиқ-овқат ва ем-хашиқдан маҳрум қилиш учун мазкур даштларни ёқиб юборгандилар. Айниқса, отлар оғир шароитга тушиб қолдилар ва күплари очликдан қирилиб кетдилар. Қиличини қайраб қишилди. Соҳибқирон қўшинлари Волганинг қўйи оқимиғача утиб, Ҳожи Тархон (Астрахань)га кириб борди. Аҳоли муз палахсаларидан иборат деворлар билан шаҳарни мустаҳкамлаганди. Девор ягона жисмга айлансан ин учун одамлар муз пахсаси устидан сув қуйиб, уни қотирадилар. Бироқ бу тадбир ёрдам бермади. Шаҳар ҳокими таслим булди. Халқ ва ҳайвонлар шаҳардан ҳайлаб чиқарилди. Шаҳар кунпаякун қилинди. Ҳоким муздаги ўйиқдан сувга чўктириб ўлдирилди.

Навбатдаги марра — қитъалараро қатновчи одатдаги карвонлар қуниб утадиган Олтин Ўрданинг пойтахти Сарой шаҳри эди. Қисқа жангдан кейин шаҳар буйсундирилди. Бу ганиумнинг бундан саккиз йил муқаддам Қашқадарё водийсига қарашли Қарши шаҳридаги саройни вайрон қылганлиги учун

* Галера — күп эшкашли кема.

интиқом эди. Қақшатқыч зарба еган Олтин Үрда хонларининг бу пойтахт шаҳри шундан кейин ҳеч қачон үзини ўнглай олмади. Пировард-натижада Волгадаги бошқа шаҳарлар унинг урнини босди. Фалокат кутитмаган ва яксон қиласидиган даражала эди. XIX асрда олиб борилган қазилма ишлари натижасида молларга лиқ тұла ертұлалар топилди. Булар: шиша идишларнинг синиқлари, ганч аралаш лой қүшиб тайёрланған (фаянс) буюмлар, идиш-товоқ, сиёхонлар, пойабзал тикиш учун тайёрлаб қойилған күн ва тери уюmlари, яъни танаворлар, ипакдан ишланған газламалар булып, уларнинг ҳаммасида олов үз асарини қолдирғанди. Бу ердан яна пичоқлар, қиличларнинг тиғлари, болталар, белкураклар, диний мағосимлар муносабати билан пойи таҳорат қилиш учун ишлатыладиган қозонлар, ёғочға күйдіриб нақш бериладиган асбоблар, чақмоқ учқунидан туtab ут оладиган пиликлар ва пиликдөнлар, турли сифимдаги туvakлар, мис товоқлар ва қалағлар, шамдонлар ва игналар — буларнинг бириңчилари бириңждан, иккінчилари сұяқдан ясалған — исқаналарнинг қоллиқлари ва бошқа күп буюмлар эди. Шунингдек, тошдан тикланған учта қазноқдан қорамтир-мөвий, сариқ, ложувард, яшил, қизил ва оқ рангли бүёвчи ашёларнинг күп миқдордаги кукунлари, от буйинчаси қисмлари, сувлиқлар, юғанлар, темир занжирлар, нағаллар, темир ҳалқачалари солинган қутилар, қатрон, күн тасмалари, қайроқлар, тошқаламлар, ҳовончалар, пишитилған лойдан ясалған чиллик ва соққалар, мисдан ясалған сим, сабур, олтингугурт, аччиқтош, селитра то-пилганди⁷.

Бу — буюк Сарой шаҳри эди. Бу ерда мусулмон сайёхлари фавқулодда күп миқдордаги ажнабий савдогарларни учратар-дилар⁸. Ибн Арабшоҳнинг ёзишича, «улар ана шу шаҳардаги йирик боёнлардан бириңнинг кули қочиб, шундайгина йүл еқасида үзига бошпанға қуриб олғанлигини, савдо-сотиқ билан күн кечирғанлигини, үша одам шу ерда үн йил қолиб кетғанлигини, бироқ унинг хужайини бу қулни ҳеч қачон учратмаганлигини, ҳеч қачон топмаганлигини ва ҳеч қачон курмаганлигини ҳикоя қиласидилар, чунки шаҳар үтә улкан эди, унда ҳаддан зиёд күп ахоли истиқомат қиласиди».

Терак дарёси буйидаги мағлубият ва Саройнинг вайрон этилиши шундай зарба булдикі, Олтин Үрда бундан кейин қайтиб үзини ўнглай олмади. Унинг карвон йұллари йүк қилиб ташланди. Марко Поло ва Ибн Баттута саёҳат қилған қитъалараро йүл ёпилди. Үрда мағрибу машриқдаги савдогарлар учун үз аҳамиятини йўқотди. Нафақат Қора денгиздан Үрта Осиё ва Хитойга элтувчи йұлдардың дастлабки иккиси бекат — Сарой ва Ҳожи Тархон (Астрахань), балки Каффа ва Тана бандар-

гоҳлари ҳам йўқ қилинди. Тана бандаргоҳи шимолий мамла-катлардан келтирилган маҳсулотлар ва айниқса, қуллар билан таъминлаб турувчи Саройдаги бозордан маҳрум бўлди Тўғри, ҳатто шундай даҳшатли вайронгарчилклардан кейин ҳам у ерда ўз омборларини сақлашга уриниш, Генуя ва Венеция учун Осиё билан савдо-сотиқни давом эттириш ғоят даражада жозибали ва мароқчи эди. Бироқ венециялик сайдхлар Барбаро ва Контарий XV асрга келиб, Тана ва Ҳожи Тархонда савдо-сотиқ инқизотга учраганлиги, мазкур шаҳарлар хароб ҳолга келганлиги ҳақида ёзалилар. Женкисон эса, 1558 йилда Ҳожи Тархонни «ночор ва қашшоқ», Бухоро йулини эса хатарли деб баҳолаганди.

Темурнинг Яқин ва Узок Шарқни бир-бири билан боғлаб турувчи шимол савдо йулини бузиб ташлаб, бу йулни Ўрта Осиё орқали ўтадиган қилиш нияти борлиги аниқ-равшан булиб қолганди, зеро мазкур йул Чингизхон давридан олдин ҳам қитъалараро савдо-сотиқда ҳукмрон мақомга эга булган эди. Шимол йулидаги наъбатдаги бекат Гурганж (Урганч) 1388 йилда вайрон этилди. Сарой қулагандан кейин шимолий қитъалараро йўл амалда ташландиқ булиб қолди. Карвонлар Тана, Сарой, Гурганж, Утрор ва Талас орқали ўтадиган йўл ўрнига яна Султония, Ҳирот, Балх ва Самарқанд орқали қатнайдиган, бинобарин, даромадлар ҳам Темур ва унинг тобеинлари чўнгагига тушадиган булди. Шундай қилиб, Темурнинг Ҳалокулар ва Олтин Ўрда салтанатларига нисбатан юргизган сиёсати бир-бирига тескари бўлса-да, айни замонда, бир-бирини тулдиради. Биринчи ҳолатда у Мовароуннаҳрдан бошли-надиган ва уни ўзга мамлакатлар билан боғлайдиган савдо йулларининг ҳимоячиси булиб чиққанди. Бу йулларни у, шунингдек, улпон тулаб туриш шарти билан ўғилларига булиб берганди. Олтин Ўрдада у ўз мулқларининг иқтисодий тарақ-қиётига ҳалал бераётган савдо йулини вайрон қилди, бу ерда эса бир-бири билан рақобат қиласидаган хонлардан бирига ҳомий сифатида майдонга чиқиб, можараларни шундай кескинлаштириди, бу можаролар ҳолдан тояётган Ўрдани баттар птурдан кетказди. XV асрда Олтин Ўрда Қозон, Крим ва Сибирь каби учта мустақил хонликка булинниб кетди.

Темур томонидан Ўрданинг хони этиб тайинланган Ўруснинг ўғли мамлакатни бошқара олмади. Ўрмондан чиқиб келган Тұхтамиш ўз тахтини тиклаб, орадан бир йил ўтгач, Кримдаги Генуя савдогарларига ҳужум қилди. Темур ўз ҳимоясига олган иккинчи хон Ўрдада ҳукмдор булишга ҳаракат қилиб курди, аммо узининг аввалги кучларидан бир қисминигина тўплай олди, холос. Учинчи рақиб Қутлуғ ўғлон кемтик булиб қолган ўрданинг хони сифатида муваффақият қозонди. У Со-

ҳибқирон билан дустона робита бөглай олмаса-да, ҳар ҳолда, ҳоңлиқда тинчлик үрнатди. Клавихо ҳам, архиепископ Жон ҳам такрорлаб дейдиларки, Олтин Үрда беклари, айниқса, Идигу бамисоли Саркарданинг кузига тушган чўп эди, гарчи Соҳибқиронга қарши жиддий хавф-хатар сололмасалар-да, у билан донишмандликда беллашмоққа уриниб, Саркарданинг кунглини мудом хира қиласарлар. Тож-тахтдан маҳрум бўлған Тухтамиш Литва князидан бошпана сўради. Қутлуғ ўғлоннинг қаршилигига қарамасдан, князь уни қабул қилди. Теракдаги мағлубиятидан сунг орадан туққиз ийл утгач, Тухтамиш Ўтрорга қайтиб, Соҳибқироннинг ҳусн-таважжухини қозониш умидида Темур саройига жунаб кетган уз элчиларини кута бошлади.

Ибн Арабшоҳ Олтин Үрда ерларининг кемтилган чегараларини қўйидагича тасвирлайди: «У ерда сайёҳларнинг карвонлари Хоразмдан йўлга чиқиб, уз саёҳатларини уғруқларда (от-араваларда) Кримга довур даҳшат ва қўрқув нималигини билмай, уч ой деганда ниҳоясига етказади, йўлда бамисоли етти уммон янглиғ поёнсиз қум саҳроси ястаниб ётади, ҳар қандай моҳир кузатувчи ҳам бу ерларда йўл курсатишига ожизлик қиласи. ҳатто энг чиникқан сайёҳнинг ҳам бу йулни эсономон босиб утиши амири маҳол ва мазкур карвонлар ўзлари билан на озиқ-овқат ва на ем-хашак олади. на улфатларга кушилади, чунки йўлда ҳалқ куп. хавф-хатардан эмин, аҳоли ўртасида озиқ-овқат. ем-хашак мул-кул». Арабшоҳ мағлуб этилган Үрдада Тухтамиш билан Идигу ўртасида борган ҳокимият учун курашни тасвирлаб, давом этади: «Шу боис, мана шу сабабларга кура. Даشت қипчоқдаги дәхқончилик қилинадиган ерлар саҳрога айланиб, куриб қолди, аҳоли қочиб, тумтарақай булиб кетди. Борди-ю, бирон-бир киши ана шу ҳудудиар орқали кузатувчисиз ёки ҳировулсиз утмоққа ният қилса, ҳатто ёз фаслида ҳам йулни йуқотиб, улиб кетган булур эди, унки қумларни осмону фалакка кутарувчи ва уларни бир койдан иккинчи жойга кучирувчи шамоллар йулларни кўздан пана қилган, уларни супуриб, учирив юборган».

1395—1396 йилларнинг қиши жуда совуқ келди. Темур қүшинларининг аҳволи забун эди. Озиқ-овқат етишмас, аскаргоҳда нарх-наво баландлашиб кетганди. Отлар пашшадай қирила бошлади. Соҳибқирон тавочиларга Ҳожи Тархон ва Саройда қўлга олинган улжани барча лашкар ўртасида тақсимлашга, эҳтиёжмандларни отлар билан таъминлашга амр қилли. Қушин шип-шийдам қилинган қипчоқлар юртини тарқ этиб, Гуржистоннинг қишики яловларига қайтиб келди. Бу ҳарбий юриш уч ярим йил давом этди. 1396 йилнинг баҳор фасли келиши билан (Сичқон йили) қүшинлар байроқлари-

ни ёзиб, ҳамон муз қоплаган Терак дарёсидан үтди, сунг Дарбанд йули орқали жанубга қараб силжиди.

«Беш йиллик ҳарбий юриш» Темур қудратига қатъий қаршилик курсатишга қолир булган ягона рақибни амалан тўрт мавсум давомида кунпаякун қилди ва Левантнинг савдо йўлларидағи ҳаёт учун энг зарур марказ ва бекатлар хавфсизлигини тъминлади, қолаверса, Кавказдан то Форс кўрфази ва Ҳиндистон соҳилларигача булган ҳудудни Темурга буйсунишга олиб келди. Бу юриш Темурни Онадули (Анатолия) чегарала-ригача етаклаб борди, шу тариқа уни усмонли турклар султони Боязиднинг мулкларига қарши қўйди. -

Бироқ Соҳибқирон Самарқандга қайтиб келиб, ўз ҳукмронлиги давомидаги ҳарбий юришлар оралиғида энг узок муддат — икки йил давомида шу ерда булди. Шу икки йил мобайнида у жидду жаҳд билан ўз ҳаётини пойтахт Самарқандни ривожлантириш ва куркамлаштиришга, шунингдек, навбатдаги ҳарбий юришларга тайёрлик куришга бағишилади. Вале бу галги юриш қай йўналишда булишини Соҳибқироннинг шахсан узи ҳал қиласр эди.

IX боб

САЛТАНАТ ПОЙТАХТИ

1396-Сичқон иили — 1398-Йўлбарс иили

Менинг азиз Самарқандим ўшанда мағур,
Гузал бўлар ўз шоҳона келбати билан.
Олис-алис сарҳадларга довруги кетар,
Чунки унда бўлар менинг шоҳона қасрим.

Кристофер Марлоу. БУЮК ТЕМУР.

Қипчоқлар устидан фатҳу нусрат қозонгандан сунг Темур Эронда қола олмасди, чунки Арабшоҳнинг таъкидлашича, у улкан улжа ва ҳисобсиз асиirlарни қўлга киритғанди. «Шу сабабли ўз салтанати Самарқандга қайтиди ва у ерда хуржунларини қоқиб, қопларини бўшатди».

Темурнинг уйга қайтиши 1396 йилнинг ёзига қадар қолдирилди, чунки у Озарбайжон ва Эрондаги қаршилик курсатувчи уяларни тугатиши лозим эди. Яздда (Эрон подшолиги), Нишопурдан Шерозгача булган карвон йўлидаги бекатларда қўзғолон юз берди. Қўзғолончилар шаҳарда тартиб сақлаш учун қолдирилган бир зобитни тутиб олдилар ва у халқдан йигиб олган ўлпонларни ҳамда Сарой Мулк хоним учун аталган бир даста тайёр матоларни мусодара қилиб, улардан узларига бе-

жирим либослар бичиб кийдилар. Буни эшитган Темур кучга түлгән хүросонликлардан иборат қүшин билан шаҳарни қамал қилди. Құзғолончилар, уларнинг күпчилиги очдан үлгунга қадар үзларини ҳимоя қилиб турдилар, сүнг уларнинг бошликлари шаҳар деворлари тагидан қазилган лаҳим орқали қочмоқчи булдилар, аммо құлга олиндилар. Язд қашшоқлашиб, кимсасиз уйлар ҳувиллаб қолди, дүконлар вайрон этилганди. Темур шаҳарликларни қатағон қилиш ёки талашни ман этди. У шаҳарни ва унинг савдо-сотифини тиклаш учун чоралар күришга амр қилди (буни шаҳар фуқароси Шарафиддин ўз хожасига ёқиши учун ёзғанди).

Фавжлардан бирига Эроннинг шимолидаги Луристон йулини қароқчилардан тозалаш учун Шустарга бориш буюрилди. Шундан сүнг улар Ҳиндистон билан денгиз савдоси қилишда муҳим бандаргоҳ ҳисобланған Ҳурмузгача бўлган шаҳарларни тобе қилиш учун жанубга, форс кўрфази ёқалаб кетдилар. Шайх Нуриддин ҳазинага тушаётган солиқларни назорат қилиб туриши учун Эроннинг пойтахти Шерозга жўнатилди.

Темур рамазон ойини Ҳамадон ёнидаги текисликларда рӯза тутиб, тоат-ибодат қилиш билан ўтказди. Бу пайтда Соҳибқирон олтмиш ёшга яқинлашиб қаганди.

Турт йиллик ҳарбий юришларда олдига қўйган мақсадни бажарган Соҳибқирон қушиналарини одатдагидек ёзги қўним-гоҳларга жўнатиб, ўзи июль ойида Самарқандга йўл олди. У уйи томон шитоб билан елиб борди ва Омулда Амударёни кечиб ўтди. Бу ерда уни оила аъзоларидан бир гуруҳи: малик-и муazzзама Сарой Мулк хоним, Туман оғо, бошқа маликалар, Соҳибқироннинг қизи Султон Баҳт бегим, бошқа таникли хонимлар ва шаҳзодалар кутиб турардилар. Улар Самарқандда ҳоким бўлиб турган Темурнинг кенжә ўғли Шоҳруҳ билан биргаликда етиб келгандилар. Салтанат ҳукмдори устидан тилла тангалар ва қимматбаҳо тошларни сочқи қилиб сочдилар, унга қимматбаҳо эгар-жабдуқлар урилган минг бош от, бир хил рангдаги мингта хачир совға қилдилар. Хачирлар Темурга манзур бўлди.

Шундан сүнг Темур ўзининг ота-боболари яшаган водийда бунёд этилган мақбара томон йўл олди, бу ерга дафн этилган падари бузруквори Тарагай Баҳодир, икки ўғли — Жаҳонгир ва Умаршайхларни эсга олиб, уларнинг пок руҳларига Куръони карим сураларини бағишилади. Ҳар куни мақбара ёнидаги соя-салқин боғда йигирмата қўй сўйилиб, барлос уруғидан ўтган, Соҳибқиронга қарашли марҳумлар хотира-сига хайр-худойи улашиб турди.

Темур силкитган хуржунлардан ва бушатган қоплардан ўлжалар ва беадад даромадлар сочилди. Бу ўлжалар ва даро-

Мадларни у Самарқандни Осиёдаги энг улуғвор шаҳарга айлантириш учун сарфлаш ниятида эди. Левантдан Самарқандга бўлган йўл буйлаб уч асосий манбадан салтанат хазинасини тўлдириб турувчи пул оқиб кела бошлади. Булар: савдо-сотиқдан тушадиган солиқлар ва божлар, тобеинлардан оли-надиган улпонлар ва соғ қароқчилик йули билан топилган маблағлар эди.

Савдо-сотиқдан ва шаҳар ҳунармандларидан солиқ унди-Риш дини ислом томонидан ман қилинишига қарамасдан, бундай солиқлар мунтазам йигиб туриларди. Эрон элхонлари Вазири Рашидиддин подшолиқдаги энг осон ундириб олина-диган бу солиқлар (ғамға солиги) ҳақида мақтаниб гапирган-ди. Савдо-сотиқдан келадиган тушумлар Темур даромадала-Рининг муҳим қисми саналарди. Шилтбергер Темурнинг ўз Мулклариға қарашли карvon йўлларида күчларни бирласти-риш ва уларни ҳимоя қилиш борасида қилган ғамхурлиги унга Улкан молиявий тушумлар келтирғанлигини қайд этганди.

Клавихо XV асрнинг бошларида Трапезунддан то Самарқандга қадар тўрт ой мобайнida саёҳат қилганди. Унинг айти-цича, маҳаллий ҳокимларнинг тамагирлиги сайёҳни безовта Қилган дастлабки бир неча босқични истисно этганди, «бу-тун мамлакат Темурнинг идораси ва бошқаруви остида эмну омонликда эди». Табриздан бошлаб, бутун Ҳурсон йўли бўйлаб ҳамма бекатларда подшо элчилари учун доимо алмаштиришга тайёр отлар сақлаб туриларди. Бу Кастилия элчиси Арманистондаги Аракат тоглари этакларида жойлашган қалъа ёнидан утар экан, шундай қайд қилганди: «Қалъага бир хоним соҳибалик қиласиди. Хоним Темурга ана шу қалъани ва Теварак-атрофдаги ерларни эгаллаш ҳукуқини берадиган ўлпон тўлар экан. Илгари бу қалъа учига чиқсан қароқчи ва ўри-ларнинг маскани булиб, улар сайёҳларнинг молларини та-лон-торож қилиш ҳисобига кун кечирад эканлар. Қалъани жанги билан эгаллаган Темур ўрибошини ўлим жазосига ҳукм Қилибди (ўрибоши юқорида тилга олинган хонимнинг зав-жаси экан, эндиликла унинг беваси). Темур бу ерда қароқчи-лар яна ўрнашиб олмасликлари, эшик-дарвозаларни ичкари-дан қулфлаб олмасликлари, ўзларининг иблисона машгулот-лари билан қайта шугулланмасликлари учун қалъадаги барча эшикларни олиб ташлаш, ҳеч қачон уларни тикламаслик ва очиқ ҳолда сақлаш хусусида амру фармонлар берибди... Биз у ерда бўлганимизда барча кириш йўллари ҳануз дарвозасиз Эканлигини кўрдик. Қалъа улкан тоғ этагида қад кутарган эди. Нух пайғамбарнинг кемаси шу тоғ чўққисида тўхтаган эмиш... Ӯша оқшом қаср бекаси бизни саҳиylарча зиёфат қилди, за-Рур нарсаларнинг ҳаммаси билан таъминлади. Элчиларни,

уларнинг жомадон-бовулларини, отларини туну кун қўриқлаш учун қўриқчилар юборишиди».

Элчи асосий карvon йўли бўйлаб қилган сафари чоғида ва Самарқандда бўлганида Темур ўз пойтахтини дунёning энг бадавлат шаҳарларидан бирига айлантириш мақсадида савдо-сотиқни ривожлантирганлигига ишонди. Ҳар йили бу ерга Хитой, Ҳиндистон, Даشت қипчоқ ерларидан ва кўпгина бошқа мамлакатлардан турли-туман тоифалаги тожирлар келишарди. «чунки Самарқанд теварагидаги мамлакатларда савдо-сотиқ ривожланган эди». У Табризда тожирлар, карвонсаройлар, қойилмақом ҳаммомларнинг кўплиги, «овқатлар яхши тортиладиган» жамоат боғлари, фавворалар, ҳориб-чарчаган сайёҳларга мис кузаларда муздай совуқ сув берилиши, шаҳар доирасида икки юз минг уй эгаси борлиги ҳақида хабар қилганди. Йўлнинг навбатдаги босқичи бўлган, Соҳибқироннинг қароргоҳи жойлашган Султонияда Аффонистон, Гилон, Сурия, Генуя ва Венеция, Каффа, Трапезунд, Туркия, Багдод ва Ҳурмузддан келган савдогарлар тўпланишганди. Шундан кейин Ҳурросон йули бўйида Рай ва Нишопур каби ажойиб шаҳарлар жойлашганди. Нишопурдан сунг элчилар Ҳиротнинг жануб томонига юриш урнига, Машҳаднинг муқаддас жойларига, Тусга, саҳро орқали Андхой ва Балхга йўл олардилар. Балхда улар Амударёни кечиб, Мовароуннахрга ўтардилар.

Карвонлар ана шу йўл бўйлаб Самарқандга Каспий бўйи музофотларидан аъло навли ипак газламалар, Султониядан етти иқлимга донги кетган бриллиантлар, олтин ва кумуш буюмлар, Ҳиндистон ва Хитойдан денгиз йули орқали Ҳурмуздга келтирилиб, у ердан шимолга туяларда етказиб бериладиган маҳсулотлар таширди. Сурия ва Кичик Осиёдан кўпгина газламалар, ойна ҳамда металл буюмлар келтириларди.

Куруқликдаги йўл билан Ҳиндистондан Ҳиндикуш тофвали орқали Балхга зираворлар — мушк ёнғоғи, қалампирмунн-чоқ, мушклак, занжабил, долчин олиб келинарди. Мўйна, чармдан ишланган буюмлар, канопдан тўқилган матолар Дасти қипчоқдан етказиб бериларди. Олти ойлик масофада жойлашган карvon йули орқали шарқдан, Хитойдаги Ҳуанхэ дарёси бўйидан Торим ҳавзасининг чеккаси бўйлаб Олмалиққа ва Қашқарга хорижий молларнинг энг қимматбаҳоси: аъло навли ипак газламалар («гул босилмасдан тўқилгани энг яхшиси ҳисобланарди»), ақиқдан то инжугача бўлган қимматбаҳо тошлар, тиббий ровоч, дориворлар ва мушк — чунки чинийларнинг бу маҳсулоти машҳур тибет мушкидан кейин энг яхшиси саналарди — ташиб келтириларди. Клавихо Темур қасрида Хитой чиннисини курганди. Ҳақиқатан ҳам бу

чиннилар Хонбалиқдан (Пекин) саккиз юз түядан иборат карвонда Самарқандга келтирилганди.

Гарчанд бож солиқлари олиш мусулмон мамлакатларида диний ақоидларга зид ҳисобланса-да, солиқлар ва фоизлар давлат даромадининг муҳим манбан ҳисобланарди. Бож солиқлари ва тушумлар карvon йўлларида йигиб олинарди. Кўп ҳолларда мусулмонларга қараганда номусулмонлардан икки баравар кўп бож солиги олинарди. Темур учун, айниқса, иккита маскан сердаромад жой эди: шулардан бири Дарбанддаги «Темир дарвоза» булиб, у ердаги Кавказ тизма тоғларининг шарқий тармоқлари Каспийгача тушиб борарди, иккинчи шунлай маскан Шахрисабздан чиққан отлиқ икки кунда стадиган масофада Самарқанд ва Балх оралиғидаги тоғ тизмаларидан ўрин олганди. Бу маскан ҳам «Темир дарвоза» ёки Дарбанд деб аталарди. Клавихо уни «Доруссалтана қоровулхонаси»дир, — деб атайди. Шундан сўнг у ёзди: «Дарбандни кесиб ўтган жой тангу тор равоқдир, бениҳоя юксакликка тик кетган бу тоғ деворлари инсон қўли билан тарашланганга ўхшайди. Ҳиндистонда Самарқандга борувчи барча сайёҳлар фақат шу йўлдан ўтишлари мумкин, Салтанат пойтахтидан Ҳиндистонга саёҳат қилмоқчи бўлган кишилар ҳам шундан бошқа йўлдан бора олмайдилар».

Мовароуннаҳрдаги Дарбанд, шунингдек, XVII асрда ўтган буда роҳиби Суан-Тан томонидан ҳам худди шу йўсинда тасвиirlанганди. Чан-Чун ҳам Чингизхонни айнан шу «Темир дарвоза» орқали олиб ўтган экан. Икки Дарбанд оралиғидаги масофа кам деганда бир минг беш юз лига* эканлигини ҳисоблаб чиққан Клавихо шундай ёзганди: «... ва Темур ана шу икки дарвоза оралиғидаги улкан ҳудуднинг эгасидир... Темур мазкур икки темир дарвозанинг ҳам, Ҳиндистондан келадиган барча савдогарлардан олинадиган беҳисоб бож солиги тушумларининг ҳам ягона эгасидир».

Архиепископ Жон, шубҳасиз, ўз мақсадларини назарда тутиб, тоҷирларга бериб қўйилған имтиёзларни қайд этганди: «У (Темур) ажнабий савдогарларни мақсадга мувофиқ деб ҳисоблади, уларга ўзининг бутун мулкида қулагай шартшароитлар, ҳавф-хатардан эминлик инъом этади... борди-ю, унинг ерларида бирон-бир савдогар карвони таланса, талонторож юз берган жойдаги мамлакат у йўқотган мол-мулкни икки ҳисса қилиб тўлаши, Темурга эса тилга олинган маблағни беш ҳисса зиёд миқдорда қайтармоги лозим».

Агар бавариялик асир Шильтбергер Эрон шоҳи биргина Табризнинг ўзидан насронийлар оламидаги энг қудратли под-

* Лига — 3 миляга тенг узунлик ўлчови.

шодан кура күпроқ даромад оларди, деб ёзган булса, Клавихо Султония шаҳрининг савдо-сотиқ туфайли салтанат хазинасига ҳар йили биргина бож солигининг ўзидан шунча улкан даромад беришини қушиб қўйганди. Кастилия элчиси Темур салтанатидаги аҳволни икир-чиқиригача ўрганиб, баъзи бир маъдан манбаларини ишга солиш ҳам фақат Соҳибқироннинг тасарруфида бўлганлигини таъкидлайди. Амударё бошланадиган Ҳиндикушдаги Бадаҳшон конлари Темур ихтиёрида эди. Бу конлардан ёқут, ложувард, гулоби рангдаги лаъл қазиб олинарди. Конлар пухта кўриқланарди. Тошлар баҳоси уларнинг бозорга чиқариладиган миқдорига қараб, муттасил узгариб турарди.

Савдодан келадиган тушум давлат захираларининг биргина қисми эди, холос. Бекликлардан нақд пул, фалла тариқасида олинадиган ва бўйсунган ҳалқларнинг бажариши лозим бўлган турли мажбуриятлари яна бир манба ҳисобланарди. Темур истило этган давлатлар феодал давлатлари эди. У мазкур мамлакатларни идора этиш учун тобеинлари ёки уз уруғига мансуб бўлган мирзолар — шаҳзодаларни, садоқат курсатган маҳаллий йирик заминдорларни (Темур уларни тақдирлашни истарди), унга бўйсунган ва садоқат исбот қилган аввалги хукмдорларни ёки Олтин Ўрда ва кейинчалик Кичик Осиёда булганидек, эҳтимол тутилган рақибларини ёки ҳақиқий душманларини (мазкурлар ҳам Соҳибқиронга садоқатларини исбот этгандилар) қўйиб, улар устидан ўз хукмдорлигини ўрнатганди. Хоҳ катта, хоҳ кичик бўлсин, феодал ер-суви мерос тариқасида қулдан-қулга ўтарди. Бу ерларнинг ҳокимлари узлари бошқараётган мулк учун ҳам, йиғиладиган солиқ ва улпонлар учун ҳам тўла масъул эдилар. Улар давлат хазинаси қанча талаб қилса, шунча маблағ тулаб, қолганини ўзларига олардилар.

Тархон даражасига кутарилган йирик мулк эгаларининг имтиёзли гуруҳи қўшимча тарзда анъанавий солиқ ва тушумларни тুлашдан озод этилиш ҳуқуқига эга эди. Бироқ деҳқонлар, шаҳар аҳолиси ва савдогарлар ҳамон жабр-зулм тортиб, аввалгидек миқдорда солиқ тўлайверардилар, йирик мулкдорлар эса бутун даромадни ўз хусусий мулкига айлантиради. Темур даврида пул ва солиқ тизими ҳам мўгуллар анъанасини давом эттириди. Клавихо Самарқанддалик пайтида салтанатга қарашли зотли отлар парваришгоҳидан боқиб бериш учун уч минг бosh олган, аммо уларни аввалги миқдорда қайтариб бера олмаган бир ҳарбий саркарда қатл этилганди. Агар муҳлат берилса, уч мингта отни олти мингта қилиб қайтарардим, деб берган ваъдаси ҳам уни дордан олиб қололмабди.

Ҳайдалта ерлар майда дәхқон хұжаликлатынгы үргасида тақсамланғанды. Заминдор дәхқонға құш, уруғлик ва ҳұқыз бешришдан ташқари, одатда сув таъминотини ҳам күзатиб турарди. Асосий ҳисобланған ер солиги (хирож) пул билан, ғалла ёки мол тарзидә тұланаар ва баъзан етиширилған маҳсулоттинг ярмини ташкил этарди. Ўтрок туманлардан олинадиган хирож уч асосий тур бүйіча даромад келтирады. Булар — ишланадиган майдонлардан, ҳосил миқдоридан ва әкін майдонининг катта-кичиклигидан, ҳосилнинг қай миқдорда унишидан қатын назар, хазинага топшириладиган йиллик соликдан иборат эди. Туланадиган маблағ қатый белгиланмасди. Солиқ ҳосил турига ва суғориши үслубига мувоғиқ, ўзгарып турарди. Сув Осиёда күпинча ер ёки олтиндандан анча қиммат туралы, чунки сув бу ерда ҳаёт демакдир. Гарчи мусулмон мамлакатларыда сув назарий жиҳатдан Аллоҳнинг тұхфаси ҳисобланса ҳам, унға ҳеч ким әгалік қилиши мүмкін бўлмаса ҳам, амалда у йирик заминдорларнинг якка ҳоқимлиги тасарруфида эди. Ҳосил униши ёғингарчылық миқдорига боғлиқ бўлган лалми майдонлардан энг паст баҳода солиқ ундириларди, табиий оқимлардан сугориладиган вилоятларга эса, нисбатан баландроқ солиқ солинарди, ваҳоланки қудуқлардан ва ариқлардан сув ичадиган майдонлар энг катта миқдорда солиқ тулардилар.

Архиепископ Жоннинг ёзишича, Темур узининг ҳамма шаҳарлари ва қишлоқларидан солиқ тариқасида даромаднинг ўндан бир ҳиссасини, барча турдаги ижараптардан чорак ҳисса миқдорида ҳақ оларкан. Бу омил унга ҳисобсиз камончилар ва пиёда аскарларни сақлаб туриш имконини берарди. Баъзан жон солиги ҳам олинарди (айниқса, ғайридинлардан). Бошқа солиқлар мусулмонларнинг анъанавий хайрия солиқлари, шунингдек, конларга үхашаш корхоналардан олинадиган солиқлардан иборат эди. Бу солиқлар ва мажбуриятлар шаҳарликлар, дәхқонлар ва чүпонларнинг елкасига оғир юқ бўлиб тушарди (имтиёзли чигатойлар бундан мустасно бўлган). Ҳовузларни сув билан сақлаш күшимча мажбуриятлардан бири эди. Аҳоли ариқ-зовурлар қазиши, шунингдек, қурғоқчылық мавсумида сув учун солиқ тұлаши зарур эди. Шаҳар деворлари, бошқа истеҳкомлар, сарой, масжидлар ва мактаблар қурилишида құллар ва дәхқонлар меңнатидан фойдаланиларди. Йўллар ва кўприклар ҳам шу одамларнинг меңнати билан сақланар ёки қуриларди. Уруш юз берган ҳолларда халқ ўзининг шахсий асбоб-ускунаси ва озиқ-овқати билан жанггоҳға отланиши керак эди. Клавихо юртига қайтадиган бўлганида, Қазвий деган кишига элчининг гуруҳи учун йўлни қордан тозалаш вазифаси топширилғанды. Кейин уларнинг иши навбатдаги

қишлоқ ахолиси томонидан давом эттирилган эди. Улар ҳам қор кураб, йўл очишган эди.

Халқдан йигилган солиқнинг анча-мунчаси, одатда, маҳаллий беклар, имтиёзли аъёнлар, солиқ йиғувчиларнинг кисса-сига тушса-да, умуман, давлат хазинасига бориб тушадиган ақча ва молнинг миқдори foятда салмоқди эди. Муҳаммад Султон 1397 йилда Форс курфазидаги Хурмуздни тобе қилиб қайтганида, мағлуб бўлган ҳоким олти юз минг динор миқдорида улпон тўлашга ваъда берганди. 1398 йили Шайх Нуриддин бу пайтда Кобулда турган Темурга тақдим этиш учун Эрондан улпон келтирганида, сарой назоратчилари бу ўлпонни сурункасига уч кечашю уч кундуз санашган эди. Усмонли турклар мағлубиятга учраганидан кейин Рум (Кичик Осиё)нинг музофотларини энг чекка чегараларигача кўздан кечириб чиқиши, у ерлардаги захираларнинг аник бешдан бир қисмини одоб билан ундириш мақсадида» зобитлар жўнатилган эди².

Ўша давр солномаларида шундай бир ҳодиса қайд этилган: Темур ўз иттифоқдоши бўлмиш Кашмир султонидан жуда катта миқдорда улпон ундиromoқчи бўлган ўз амалдорларига танбех берган. Афтидан, Соҳибқирон келгусида Хитойга юриш чоғида бу султонни ўзига тарафдор қилиш ниятида бўлган. Баъзида дарҳол бўйсуниш ва ўлпон ҳамда совға-салом тўлашга шошилиш ҳавф-хатардан кутулиб қолишига кафолат бўлган: «У (Темур)нинг итоат эттан ва буйруқларини бажарган кишиларга зулм қилмаслигини билган Исфандиёр унга ўзини таниширишга, ҳузурига етиб боришга шошилди, кўзни қамаштирадиган, ҳаддан зиёд қиммат турадиган совға-саломлар келтириди, Темур уни самимий қабул қилди ва у билан дўстона муносабатда бўлди... шунда у (Темур) Исфандиёрга Карамон шаҳзодаларига ҳамда Соҳибқиронга тобе булишига ва бўйсунишга тайёр бўлган ўша мамлакатларнинг амирларига жума намозларида Маҳмудхон билан улуғ амир Темур Кўрагон номларини хутбага қўшиб ўқишни ва тангаларга уларнинг номларини зарб қилишни амр этди. Ва улар Темурнинг амру фармонларига бўйсунишли, у ман этган ишлардан узларини тийдилар ҳамда шу қабилда талончилик ва вайронгарчиликлардан омон қолдилар².

Бироқ бундай қабилда ҳавф-хатардан холилик имтиёзи фақат беклар-у уларнинг мол-мулкига даҳлдор эди, аммо халқ учун ўлпон йиғувчилар бояги-боягидек талончилар бўлиб қолавергандилар.

Салтанат даромадининг учинчи манбаи — ўлжалар ҳар қандай савдо-сотиқдан ёки заминдорлар ўлпони тушумидан кўп бўлса кўп эдики, кам эмасди. Ҳарбий юришлар давомида йигилган ўлжалар ўз тарихига эга бўларди: Олтин Ўрданинг

тор-мор этилиши Тұхтамиш томонидан Москва, Табриз ва бошқа шаҳарлардан үлпон тариқасида тұпланған дуру жаво-хирларни келтири; Ҳиндистондан Деҳли султонларининг бир неча авлоди йиққан хазинаю дафиналар етиб келди; усмонли туркларнинг султони тор-мор келтирилиши чогида Темур салиб юришлари иштирокчиларининг — бу юришда мингминглаб рицарлар Никополда турклар ҳужумидан ҳалок бұлғанди — ёдгорлық буюмларини мусодара қилди.

Айниқса, Мовароуннаұрга келтирилған құллар баҳоси ба-ланд эди. Ҳар бир мағлуб бұлған подшолик ва шаҳар хотин-қызылар ва қуллардан ташқари — қүшин шу манбадан таъминланарди — Темурға үз олимларини, мусаввирларини, эңг яхши усталарини берарди. Мингга яқын ҳунармандлар ўзларининг асбоб-ускуналари ва оила аъзолари билан тобе этилған мамлакатлардан Самарқандга олиб кетилғанди. 1379 йили Гурганж босиб олинғанда, бу ердаги ҳунармандларнинг бары Темурнинг Ватани — Шаҳрисабхзга келтирилғанди. Эрон ҳам узининг мусаввирларини, хатtotларини, созандаларини, муаррихларини, мәйморларини, қурилиш ишлари бүйіча ҳунармандларини, күпгина илмli кишиларини ва дин арабблари-ни берғанди. Темур Суриядан пиллакашларни, камон ишлаб чиқарувчи усталарни, қуролсозларни, шиша идишлар ва чинни ишлаб чиқариш бүйіча мутахассисларни олиб чиқиб кет-ғанди. Кичик Осиёдан қуролсозлар, тұпчи-муҳандислар, күмушға ишлов берувчи усталар, ғышт терувчилар, арқон эшувчи усталар етиб келгандилар. Темур Мовароуннаұрда арқон ишлаб чиқариш учун зигир ва каноп эктира бошлади. Клавихо берган маълумотларга қараганда, илгари бу ерда каноп етиштирилмасди.

Ҳиндистондан эңг малакали гишт терувчи мәйморлар, қурувчилар, металл бүйіча усталар ва заргарлар етиб келдилар. Арабшоқ амирлар ҳамда сарой амалдорлари «фақиҳлар, илоҳиётшунослар. Қуръони каримни ёддан биладиган қори-лар, алломалар, усталар, ишчилар, құллар, үғыл ва қыз болалар оммасини йиғиб олгунларига қадар мағлуб бұлған шаҳар-ни талон-торож этиш ман қилингандығини, бундай қоиданы бузғанларға үлім жазоси құлланған»ини таъкиллайди.

Самарқанд ақолиси бу келгінди асирлар ҳисобига шунчалар күпайиб кетдікі, шаҳар ва уннинг атрофи доирасида яшаш учун жой топилмай қолди. Клавихо вактінча горларда, шаҳар атрофидаги дараҳтлар тағидаги чодирларда яшовчи ана шу асирларни күрганди. Булар мусулмонлар — турклар, араблар, марокашликлар, насронийлар — юнонлар, арманлар, като-ликлар, яковитлар, несторианлар, ҳиндлар, зардуштийлар эдилар.

Темур бу билан икки мақсадни: бир томондан үз пойтахтини безатиш учун Осиёнинг энг яхши усталарини туплашни, иккинчи томондан, воҳалар ва шаҳарларни кенгайтириб, Мовароуннаҳр аҳолисини кўпайтиришни кўзлаганди. Клавихо Амударёдан кечиб ўтгач, бу ерда наинки тил (форсийдан туркийга) ўзгарганини, шунингдек, йўл ҳаракати ҳам бир томонлача бўлиб қолганлигини таъкидлаганди. Гарчи ҳар қандай кишининг алоҳида рухсатномасиз мамлакатга кириши мумкин бўлса-да, ҳеч ким, гарчанд у эркин фуқаро бўлса-да, маҳсус амру фармонсиз мамлакатни тарқ эта олмасди. Дарё узра ўрнатилган куприкнинг бир қисми бузиб ташланган, саёҳатнинг қолган қисми кенг дарё орқали қайикда амалга ошириларди. Кечиб утиш билан боғлиқ барча воситалар соқчилар томонидан назорат қилинарди.

Дайдилар ва етимларни туплаш учун Мовароуннаҳр чегарасидан ташқарига юборилган амалдорлар уларни яна дарё ортидаги ерларга ҳайдаб келтиришарди. Улар бошқа асиrlар каби турли юмушларда ишлатиларди.

Темурнинг гайрат билан амалга оширган истилочилик юришлари унинг Мовароуннаҳрдаги бунёдкорлик фаолияти билан ҳам боғлиқ эди. Тугри, баъзи бир лойиҳалар Салтанатнинг жуда чекка вилоятларида амалга оширилди. Бойилкон (Байлакон) шаҳри қайта тикланди ва уни сув билан таъминлаш учун ариқ ўtkазилди, Хуросонда Мурғобнинг юқори оқими бўйлаб суғориш ишлари амалга оширилди. Ко-бул ҳавzasida ариқ ўtkазилиб, у билан боғлиқ иншоотлар қурилди. Шунга қарамасдан, Темурнинг асосий фаолияти бевосита Мовароуннаҳрнинг узига (гарчи Саркарда у ерда камдан-кам бўлса-да) қаратилганди. Сирдарё билан кеси-шадиган Самарқанд йўли Тошкентга яқинлашган жойда бир вақtlар Чингизхон томонидан вайрон этилган Бинокент шаҳри, унинг кўпприклари ва юқ ташувчи яликлари^{*} қайта тикланди. Бу шаҳар Темурнинг ўғли Шоҳруҳ замонида кенгайтирилган ва Шоҳруҳия номи билан танилган. Шаҳар яқинида Сирдарёгача бўлган ерларнинг сўнгги милярини суғориш мақсадида канал қазилганди. «Туркистон» газетаси (1886 йил, декабрь) каналнинг ўзанини ҳали ҳам куриш мумкинлигини ёзганди².

XIV асрнинг 30-йилларида Ибн Баттута Балхни «батамом вайрон этилган ва ҳувиллаган» ҳолда кўрган бўлса, келгуси аср бошларида у ердан Клавихо ўтиб бораётган маҳалда, Балх «жуда катта шаҳар»га айланганди. Унинг ички деворлари «аҳоли зич жойлашган ҳудудни ажратиб турарди; биз шу ноҳиядан

* Ялиқ — тўрт ёки олти эшқакли қайик.

үтиб бораётганимизда кўрганимиз,— очиқ ҳолда ястаниб ётган бошқа шаҳарлардан фарқли ўлароқ,— Балхнинг икки ичке девори фавқулодда бақувватдир». Мовароуннахрнинг шарқий қисмида жойлашган, XIII асрнинг охиrlарида асос солинган Андижон XIV асрнинг охирига келиб, Фарғонанинг гуллаб-яшнаган пойтахти булиб қолди.

Шарафиддиннинг ёзишига қараганда, Темур аҳоли яшамайдиган ташландик ҳайдалма ерларни ёмон кўради. Деҳқоннинг утроқ ҳаётита анъанавий тарзда нафрат билан қарайдиган, қишлоқ хўжалигининг зарурий меҳнатини эътироф этмайдиган инсон учун бу ғайритабиий ҳол эди. Ҳолбуки, Темур қушинлар эҳтиёжи таъминотига катта эътибор берарди. У кўпдан бери Хитойга юриш қилишни кўнглига туғиб қўйганди, шуни назарда тутиб, у Мўғулистон (Еттисув) билан чегарадош бўлган ерларга ишлов беришни амр қилди. Сирдарёнинг шарқий томонида жойлашган Ашпарада (Исфара) қалъя ва қишлоқ вужудга келтирилди. Бу ерларда деҳқончилик қилиш, етиштирилган ҳосилни қушинлар эҳтиёжини таъминлаш учун омборларга топшириш хусусида фармон берилди. Бу вазифани амалга ошириш учун амирлар тайинланиб, уларнинг ихтиёрига ёрдам тариқасида тourt мингта от берилди. Темур, шунингдек, Самарқанддан Ашпарагача бўлган оралиқда далаларда ёки токзорларда ишлаётган ҳамма миришкор-у галлакорлар, каттадир-кичикдир, уз ишини ва савдо-сотиқни қолдириб, узларини тула равишда деҳқончиликка багишласинлар, деб буйруқ берди: зарурат туғилган ҳолларда бу деҳқонларнинг одатий намозни қазо қилиришлага ижозат берилган эди, аммо дала ишларини канда қилишман этилганди⁴.

Бошқа салтанатлардан фарқли ўлароқ. Мовароуннахр булиб юборилмаган ва бошқа шаҳзодаларга улпон тулаб туриш шарти билан мулк қилиб берилмаганди. Сирдарёнинг урта оқимидаги серунум ерларда жойлашган Фарғона подшолигини истисно этганда, Темур бутун Мовароуннахрни ўз қўлида тутиб турарди. Мовароуннахр фақат Салтанатнинг босқинчилик сиесатидан, шунингдек, маҳаллий амалдорларнинг узаро урушларига чек қўйган марказлашган давлатдан ҳам фонда оларди. «Самарқандда фавқулодда қаттиқ-қўллик билан яхши тартиб-интизом сақланган, ҳеч ким бошқа бирор билан жанг қилишга ёки қушнисини куч билан буйсундиришга журъат эта олмайди»,— деб ёзган эди Кастилия элчиси. «Сирасини олганда,— деб қайд қиласи зийрак элчи урушлар ҳақида гап очар экан,— Темур талайгина муҳорабалар қилди. Бироқ у бу урушларни фақат ўзга юртларда олиб борди». Самарқанд музофотининг ўзи етти ту-

манлан иборат эди. Темурнинг шахсан ўзи Мовароуннахр туманларини бошқаришга, улардан талаб қилинадиган солиқтарни ундиришга катта эътибор берарди.

Темурнинг пойтахтга қайтиб келиши халқ орасида байрам қилиниши билан бирга, жамоат жойларида дорлар ўрнатилиб, қонунни бузган ва Салтанат учун хавфли шахслар устидан суд ўтказилиши билан пишонланди. «У ўзи Салтанатда йўқлигига бу ерда ва аҳоли ўртасида юз берган можаролар устидан тергов ўтказиб, катта ва кичик ишларни кўриб чиқа бошлади, камбағал ҳамда бойлар ишини мувофиқлаштиришга ўз эътиборини қаратди... У шаҳзодаларга ҳусн-таважжӯҳ билдириди, саркардаларга ҳурмат-эҳтиром кўрсатди, иззат-икромга сазовор зотларни сарафroz этди, олиму уламоларни кўкларга кутарди, аъёнларни рағбатлантириди, иккюзламачиларни эгаллаб турган мансабларидан четлаштириди, ихтилофчиларни қирди, хиёнаткор эр-хотинларни бүғди, ўгриларни ўлдирди. Темурнинг фамхўрлиги туфайли то Салтанат аҳволи тула тартибга тушмагунча ва ҳукumatнинг асосий низомлари Чингизхон қонунларига мувофиқлаштирилмагунча бу иш давом этди»⁵. 1404 йили Темур Самарқандга қайтиб келганида шаҳар ҳокими эгаллаб турган вазифасини сунистемол қилганлиги ва аҳолига зулм ўтказганлиги учун қамоқ жазосига ҳукм этилиб, ҳоким булиб турган йилларида туплаган бойликлари Салтанат ҳазинасига ўтказилганди.

«Ҳамма жойда адолатга қатъий амал қилган амалдорлар учун ҳеч бир кулфат ёхуд қўрқув йўқ, у (Темур) энг арзимас айби учун ҳам улуг мақомдаги ўз зобитларини ўлдирарди...», — деганди архиепископ Жон.

Утроқ аҳоли ва савдогарларнинг манфаатлари чигатой кўчманчиларникуига зид келган ҳолларда албатта кўчманчилар манфаати ҳимоя қилинарди. Қўшинларни отлар, озиқовқат, ем-хашак, қурол-яроғ билан таъминлаш иши ҳамиша биринчи ўринда турарди. Агар бозордаги нарх-наво ҳаддан ташқари баланд деб ҳисобланса, савдогарлар қозихонага чақириларди. Гўштга ошиқча нарх қўйиб сотган самарқандлик қассоблар ўлим жазосига ҳукм қилинарди. Ҳудди шундай гуноҳ содир этганлиги учун этикдўз ва ковушдузлар жарима ҳамда жазога тортиларди. Темур қўшинлари Самарқанддан четда, лашкаргоҳда турганида савдогарларга ўз молларини ҳарбийларга сотиш учун шаҳарни тарқ этиш ҳақида буйруқ бериларди. Бу чорани савдогарлар уларнинг тирикчилик воситаларига қилинган таҳдид деб ҳисоблардилар.

Бироқ Мовароуннахр шаҳарларида, айниқса, Самарқандда ярим қул ҳолатида кун кечирган маҳаллий усталар ва савдогарларнинг аҳволи XIV асрнинг 90-йилларига келиб, анча

утиб бораётганимизда курганимиз,— очиқ ҳолда ястаниб ётган бошқа шағарлардан фарқли үлароқ,— Балхнинг икки ийни девори фавқулодда бакувватдир». Мовароуннахрнинг шарқий қисмида жойлашган, XIII асрнинг охирилари асос солинган Андижон XIV асрнинг охирига келиб, Фаргонанинг гуллабяшинаган пойтакти бўлиб қолди.

Шарафиддиннинг ёзишига қараганда, Темур аҳоли яшамайдиган ташландик ҳайдалма ерларни ёмон кўради. Деҳқоннинг утроқ ҳәстига анъанавий тарзда нафрат билан қарайдиган, қишлоқ хужалигининг зарурий меҳнатини эътироф этмайдиган инсон учун бу гайритабии ҳол эди. Ҳолбуки, Темур қўшинлар эҳтиёжи таъминогига катта эътибор берарди. У купдан бери Хитойга юриш қилинши кунглига тушиб куйганди, шуни назарда тутиб, у Мугулистон (Егтисув) билан чегарадош бўлган ерларга ишлов беришни амр қилди. Сирдарёнинг шарқий томонида жойлашган Ашпарада (Исфара) қатъ ва қишлоқ вужудга келтирилди. Бу ерларда деҳқончилик қилиш, етиширилган ҳосилни қўшинлар эҳтиёжини таъминлаш учун омборларга топшириш ҳусусида фармон берилди. Бу вазифани амалга ошириш учун амирлар тайинланниб, уларнинг ихтиёрига ёрдам тариқасида тўрт мингта от берилди. Темур, шунингдек, Самарқанддан Ашпарагача бўлган оралиқда далаларда ёки тоқзорларда ишләётган ҳамма миришкор-у ғаллакорлар, каттадир-кичиклар, ўз ишини ва савдо-сотикини қолдириб, узларини тула равиша деҳқончиликка бағишиласинлар, деб буйруқ беради: зарурат туғилган ҳолларда бу деҳқонларнинг одатий намозни қазо қилдиришлага ижозат берилган эди, аммо дала ишларини канда қилишман этилганди⁴.

Бошқа салтанатлардан фарқли үлароқ, Мовароуннахр бўлиб юборилмаган ва бошқа шаҳзодаларга ўлпон тұлаб туриши шарти билан мулк қилиб берилмаганди. Сирдарёнинг урта оқимидағи серунум ерларда жойлашган Фаргона подшолигини истисно этганда, Темур бутун Мовароуннахрни ўз қулида тутиб турарди. Мовароуннахр фақат Салтанатнинг босқинчилик сиёсатидан, шунингдек, маҳаллий амалдорларнинг узаро урушларига чек қўйган марказлашган давлатдан ҳам фойда оларди. «Самарқандда фавқулодда қаттиқ-қўллик билан яхши тартиб-интизом сақланган, ҳеч ким бошқа бирор билан жанг қилишга ёки қўшиносини куч билан бўйсундиришга журъат эта олмайди»,— деб ёзган эди Кастилия элчиси. «Сирасини олганда,— деб қайд қиласи зиёрак элчи урушлар ҳақида гап очар экан,— Темур талайгина муҳорабалар қилди. Бироқ у бу урушларни фақат узга юртларда олиб борди». Самарқанд музофотининг узи етти ту-

172

мандан иборат эди. Темурнинг шахсан узи Мовароуннахр туманларини бошқаришга, улардан талаб қилинадиган солиқларни унилиришга катта эътибор берарди.

Темурнинг пойтакти қайтиб келиши ҳалқ орасида байрам қилиниши билан бирга, жамоат жойларида дорлар ўрнатилиб, қонунни бузган ва Салтанат учун хавфли шахслар устидан суд ўтказилиши билан нишонланди. «У ўзи Салтанатда йўқлигида бу ерда ва аҳоли ўртасида юз берган можаролар устидан тергов ўтказиб, катта ва кичик ишларни кўриб чиқа бошлиди, камбагал ҳамда бойлар ишини мувофиқлаштиришга ўз эътиборини қаратди... У шаҳзодаларга ҳусн-таважжуҳ билдири, саркардаларга ҳурмат-эҳтиром кўрсатди, иззат-икромга сазовор зотларни сафароз этди, олиму уламоларни кўкларга кутарди, аъёнларни рагбатлантириди, иккюзламачиларни эгаллаб турган мансабларидан четлаштириди, ихтилофчиларни қирди, хиёнаткор эр-хотинларни бугди, угриларни улдириди. Темурнинг ғамхўрлиги туфайли то Салтанат аҳволи тула тартибга тушмагунча ва ҳукуматнинг асосий низомлари Чингизхон қонунларига мувофиқлаштирилмагунча бу иш давом этди»⁵. 1404 йили Темур Самарқандга қайтиб келганида шаҳар ҳокими эгаллаб турган вазифасини сунистъемол қилганлиги ва аҳолига зулм ўтказганлиги учун қамоқ жазосига ҳукм этилиб, ҳоким бўлиб турган йилларида тўплаган бойликлари Салтанат ҳазинасига ўтказилганди.

«Ҳамма жойда адолатга қатъий амал қилган амалдорлар учун ҳеч бир кулфат ёхуд қўркув ўйк, у (Темур) энг арзимас айби учун ҳам улуг мақомдаги ўз зобитларини ўлдириарди...»,— деганди архиепископ Жон.

Утроқ аҳоли ва савдогарларнинг манфаатлари чигатой кучманичиларнига зид келган ҳолларда албатта кўчманичилар манфаати ҳимоя қилинарди. Қўшинларни отлар, озиқовқат, ем-ҳашак, қурол-ярг билин таъминлаш иши ҳамиша биринчидан ташқари баланд деб ҳисобланса, савдогарлар қозихонага чакириларди. Гўштга ошиқна нарх қўйиб сотган самарқандлик қассоблар ўлим жазосига ҳукм қилинарди. Ҳудди шундай гуноҳ содир этганилиги учун этикдўз ва ковушдўзлар жарима ҳамда жазога тортиларди. Темур қўшинлари Самарқанддан четда, лашкаргоҳда турганида савдогарларга ўз молларини ҳарбийларга сотиш учун шаҳарни тарк этиш ҳақида буйруқ бериларди. Бу чорани савдогарлар уларнинг тирикчилик воситаларига қўлинган таҳид деб ҳисобладилар.

Бироқ Мовароуннахр шаҳарларида, айниқса, Самарқандда ярим кул ҳолатида кун кечирган маҳаллий усталар ва савдогарларнинг аҳволи XIV асрнинг 90-йилларига келиб, анча

173

яхшиланган бұлса керак. Карвонлар қатновининг үсиши ма-халлий күндалик әхтиёж молларига ва зеб-зийнат буюмлари-га талабни ҳаддан ташқари ошириб юборди. Самарқанд ахолиси Салтанат яғомларидан маътум бир улуш оларди: Темурнинг беш йиллик ҳарбий юришлардан қайтиши ва қипчоқларнинг тор-мор келтирилиши муносабати билан ахоли уч йиллик солиқлардан озод қилинганди. У 1404 йили ҳарбий юришдан қайтганида ҳам худди шу қабилда солиқ ва қарзлар буткул кечиб юборилганди.

XIV асрдаги Самарқанд үзининг шакл-шамойили билан Урта Осиё воҳаларидаги атрофида боғ-роғлари ва қишлоқ-лари бўлган уша пайтдаги бошқа шаҳарлардан унчалик фарқ қиласди. Асосий дарвозалардан бошланадиган йўллар ша-ҳар марказида кесишарди. Бу ердаги бозор расталари баланд гумбазли тимлар билан ёпилган эди. Самарқанд дарвозала-ридан шаҳар марказига элтувчи йўллар олтита эди. Сув ан-ҳорлардан, гоҳо қувурлар орқали, гоҳо майда тошлар узра жилдираши қулоқча хуш еқадиган ариқчалар орқали келти-риларди, бу ариқлардаги сув Зарафшон дарёсидан оқиб ке-ларди. Анҳорлар Бухоро ҳисобидан Самарқанддаги жамоат ҳовузларини сув билан тулдириб, хонадонлар ва боғларнинг обиҳаётга бўлган әхтиёжини қондиради. Жуда қадимги давр-да Зарафшон Амударёнинг шоҳобчаларидан бири булиб, Бу-хородан оқиб ўтгач, қуриди. Ўша ерда сув ариқларга айла-нарди. Араб жуғрофиюнлари қадим замонларда Самарқанд-даги олий ҳимматли, шубҳасиз, Урта Осиёга хос «Инсон ё қуш каби парвоз қилиши ёхуд дараҳтдай қуриши лозим» деган ҳикматни күнглига жо қилиб олган кишилар узларига тегишли фаввораларда ёхуд мис бирмилларда* сақланадиган муздай совуқ сувни бепул тарқатувчи икки мингга яқин маскан бўлганлигини қайд этганлар⁷. Йуллар кесишган хиё-бонларда жамоат бинолари туркуми-бозорлар, карвонсарой-лар, чойхоналар, масжидлар, мадрасалар, муқаддас қадам-жолар ва юқори мансабли зотларнинг кошоналари жойлаш-ган бўларди⁸.

Асосий кўчалардан ҳисобсиз қинғир-қийшиқ, фақирона, гувалалардан наридан-бери тикланган ва деворлари нураб бораётган, бир-бирига қапишиб кетган ғарип кулбалар бош-ланарди, бу ерда косибларнинг устахоналари ва тураржойла-ри жойлашганди. Косиблар айрим ҳудудлар буйича марказ-лашганди, ҳар бир соҳанинг ўзига қарашли бозорга эга экан-лиги «мұъжизавор-ораста шаҳарнинг ўзига хос хусусиятла-ридан бири эди. Бобур XV аср охирида қисқа фурсатга

* Бирмил — бир томони очиқ бочка.

Самарқанд ҳукмдори булганида ҳаммадан ҳам кура мазкур шаҳар унга манзур булган эди. Ҳунармандлар — камонгарлар, заргарлар, темирчилар, тұқыувчилар ва шу кабилар үзларининг машғулотларига күра жамоа-жамоага ёки ширкатларга бирлашишганди. Бу ширкатлар үзларининг маҳсулотларини күргазмага қўйиш. Темурнинг ғалаба байрамларида ўз санъатларини намойиш этиш учун Соҳибқирон томонидан сафарбар қилиниб турарди.

Тор кўчаларнинг тартибсиз равишда айқаш-уйқаш булиб кетганига қарамасдан, Самарқанд, ҳатто қатъа деворлари ичкарисидаги қисми ҳам дов-дараҳтларга бой эди. Уйлар, чойхоналар, карвонсаройлар, хиёбонлар ва ҳовузлар узра қад кутарган серсоя чинорлар, оқ тераклар, мевали дараҳтлар теварак-атрофга файз бағишлиб турарди. Клавихоннинг сузларига қараганда, шаҳар қуюқ дараҳтзор билан қуршаб олинганди. XV аср бошларида сайёҳлар кўзини қувонтирган яшил япроқлар Темур замонида унчалик нодир сифат ҳисобланмасди. Жуда қадим замонларда ер юзилаги турт беҳиштнинг бири ҳисобланган Зарафшон водийси Сомонийлар даврига келиб (Х асрда), «дунёда тенги йўқ унумдор ва бой музофот»га айланганди.

Ёқутнинг ҳикоя қилишича, XIII асрда уйлар қувурлар орқали сув билан таъминланган шаҳар кўпгина бозорлари ва ҳаммоллари ила фахрланган. Бозорлар савдогарлар ва моллар билан тўлиб-тошган. Шаҳардаги ва шаҳар ташқарисидаги ҳар бир уй ўз боғи ва мевали дараҳтларига эга булган. Таолик роҳиб Чан-Чун шаҳар Чингизхон томонидан эгалланиб, вайрон этилганидан сунг ҳам ҳамма ерда мевали боғларни, дараҳтзорларни, чаманзорларни, осма қувурларни (гулбаларни), суви жилдираб оқаётган булоқларни, ҳовузларни, тўғарак ҳавзаларни кўрган. Булар бир-бири билан чексиз равишда тақрорланиб турган. «Ажойиб жой: бу ерда тарвузлар отларнинг боши қанча бўлса, шунча... ҳамма ёқда кўллар, мевали боғлар, кўшклар, миноралар ва чодирлар... Ҳатто Хитой боғлари ҳам Самарқанд боғлари билан беллаша олмайди»⁹.

Темур узининг пойтахти учун айнан мана шу ерни танлаб олганди. Дунёнинг сайқали булиб қоладиган бу шаҳарда Соҳибқироннинг энг шуҳратпарастлик истак-майллари ҳам амал жомасини киимоги, қолган барча пойтахтлар Салтанат шаҳри билан таққосланганда, унга буйсунувчи қишлоқлар булиб қолмоғи лозим эди. Шу мақсадга кура, Самарқанд теварагида йирик исломий шаҳарлар — Бағдод, Дамашқ, Қоҳира, Шероз ва Султония номлари билан аталувчи бир қатор қишлоқлар, қасабалар барпо этилганди.

яхшиланган бўлса керак. Карvonлар қатновининг ўсиши маҳаллий кундалик эҳтиёж молларига ва зеб-зийнат буюмларига талабни ҳаддан ташқари ошириб юборди. Самарқанд ахолиси Салтанат яғомаридан маълум бир улуш оларди: Темурнинг беш йиллик ҳарбий юришлардан қайтиши ва қипчоқларнинг тор-мор келтирилиши муносабати билан аҳоли уч йиллик солиқлардан озод қилинганди. У 1404 йили ҳарбий юришдан қайтганида ҳам худди шу қабилда солиқ ва қарзлар буткул кечиб юборилганди.

XIV асрдаги Самарқанд ўзининг шакл-шамойили билан Ўрта Осиё воҳаларидаги атрофида боғ-роғлари ва қишлоқлари бўлган уша пайтдаги бошқа шаҳарлардан унчалик фарқ қилимасди. Асосий дарвазалардан бошланадиган йўллар шаҳар марказида кесишарди. Бу ердаги бозор расталари баланд гумбазли тимлар билан ёпилган эди. Самарқанд дарвазаларидан шаҳар марказига элтувчи йўллар олтига эди. Сув ан-ҳорлардан, гоҳо қувурлар орқали, гоҳо майда тошлар узра жилдираши кулоққа хуш еқадиган ариқчалар орқали келтириларди, бу ариқлардаги сув Зарафшон дарёсидан оқиб келарди. Анҳорлар Бухоро ҳисобидан Самарқанддаги жамоат ҳовузларини сув билан тўлдириб, хонадонлар ва бояларнинг обиҳаётта бўлган эҳтиёжини қондиради. Жуда қадимги даврда Зарафшон Амударёнинг шоҳобчаларидан бири бўлиб, Буҳорадан оқиб утгач, қурирди. Ўша ерда сув ариқларга айланарди. Араб жуғрофионлари қадим замонларда Самарқанддаги олий ҳимматли, шубҳасиз, Ўрта Осиёга хос «Инсон ё қуш каби парвоз қилиши ёхуд дарахтдай куриши лозим» деган ҳикматни кўнглига жо қилиб олган кишилар ўзларига тегишли фаввораларда ёхуд мис бирмилларда^{*} сақланадиган муздай совуқ сувни белуп тарқатувчи икки мингга яқин маскан бўлганлигини қайд этганлар⁷. Йўллар кесишган хиёбонларда жамоат бинолари туркуми-бозорлар, карvonсаройлар, чойхоналар, масжидлар, мадрасалар, мұқаддас қадамжолар ва юқори мансабли зотларнинг кошоналари жойлашган бўларди⁸.

Асосий кучалардан ҳисобсиз қинғир-қийшиқ, фақирона, гуваллардан наридан-бери тикланган ва деворлари нураб бораётган, бир-бирига қапишиб кетган гариф кулбалар бошланарди, бу ерда косибларнинг устахоналари ва турархойлари жойлашганди. Косиблар айрим ҳудудлар буйича марказлашганди, ҳар бир соҳанинг узига қарашли бозорга эга эканлиги «муъжизавор-ораста шаҳар»нинг узига хос хусусиятларидан бири эди. Бобур XV аср охирида қисқа фурсатга

Самарқанд ҳукмдори бўлганида ҳаммадан ҳам кўра мазкур шаҳар унга манзур бўлган эди. Хунармандлар — камонгарлар, заргарлар, темирчилар, тўкувчилар ва шу кабилар ўзларининг машгулотларига кўра жамоа-жамоага ёки ширкатларга бирлашишганди. Бу ширкатлар ўзларининг маҳсулотларини қўргазмага қуйиш, Темурнинг галаба байрамларида ўз санъатларини намойиш этиши учун Соҳибқирон томонидан сафарбар қилиниб турарди.

Тор кучаларнинг таргисиз равишида айқаш-уйқаш булиб кетганига қарамасдан, Самарқанд, ҳатто қалъя деворлари ичкарисидаги қисми ҳам дов-даражатларга бой эди. Ўйлар, чойхоналар, карvonсаройлар, хиёбонлар ва ҳовузлар узра қад кўтартган серсоя чинорлар, оқ терақлар, мевали дарахтлар теварак-атрофга файз багишлаб турарди. Клавихоннинг сузларига қараганда, шаҳар қуюқ дарахтзор билан қуршаб олинганди. XV аср бошларида сайёҳлар кузини қувонтирган яшил япроқлар Темур замонида унчалик нодир сифат ҳисобланмасди. Жуда қадим замонларда ер юзидағи турт беҳиштинг бири ҳисобланган Зарафшон водийси Сомонийлар даврига келиб (Х асрда), «дунёда тенги йўқ унумдор ва бой музофот»га айланганди.

Ёкутнинг ҳикоя қилишича, XIII асрда уйлар қувурлар орқали сув билан таъминланган шаҳар купгина бозорлари ва ҳаммомлари ила фахрланган. Бозорлар савдогарлар ва моллар билан тўлиб-тошган. Шаҳардаги ва шаҳар ташқарисидаги ҳар бир уй ўз боги ва мевали дарахтларига эга бўлган. Таолик роҳиб Чан-Чун шаҳар Чингизхон томонидан эгалланиб, вайрон этилганидан сунг ҳам ҳамма ерда мевали боғларни, дарахтзорларни, чаманзорларни, осма қувурларни (ғўлбаларни), суви жилдираб оқаётган булоқларни, ҳовузларни, тўғарак ҳавзаларни кўрган. Булар бир-бири билан чекисиз равишида тақрорланиб турган. «Ажойиб жой: бу ерда тарвуздар отларнинг боши қанча бўлса, шунча... ҳамма ёқда кўллар, мевали боғлар, кўшклар, миноралар ва чодирлар... Ҳатто Хитой боғлари ҳам Самарқанд боғлари билан беллаша олмайди»⁹.

Темур узининг пойтакти учун айнан мана шу ерни танлаб олганди. Дунёning сайқали бўлиб қоладиган бу шаҳарда Соҳибқироннинг энг шуҳратпарастлик истак-майллари ҳам амал жомасини киймоғи, қолган барча пойтактлар Салтанат шаҳри билан таққосланганда, унга буйсунувчи қишлоқлар булиб қолмоғи лозим эди. Шу мақсадга кўра, Самарқанд теварагида йирик исломий шаҳарлар — Бағдод, Дамашқ, Қоҳира, Шероз ва Султония номлари билан аталувчи бир қатор қишлоқлар, қасабалар барпо этилганди.

* Бирмил — бир томони очиқ бочка.

Гарчи туркийлар мудофаа урушларидан нафратлансаларда, 1370 йилда ҳокимият тепасига келган Темур кейинчалик пойтахт бўлиб қоладиган шаҳарнинг мудофаа воситаларига уз эътиборини қаратганди. Самарқанд Чингизхон истилосидан бери деворсиз турарди. Темурнинг буйруғига кўра, 1371—1372 йиллари XI ва XII асрларда мавжуд бўлган ички мудофаа деворлари қайта тикланди. Клавихо чуқур зовурлар билан ҳимояланган бу деворларни саддлар ёки лойдан бунёд этилган кутармалар, яъни саркублар деб ҳисоблаганди, уша аср охирида Бобур: «Кургонини фаслининг устидин буюрдимким. қадам урдилар. Ун минг олти юз қадам чиқти», — деб таъкидлаганди. Бугунги кунда бу ҳудуд «ҳисор» (қатъа, арк) номи остида маълумдир. Элчининг таърифлашича, бу шаҳар бир юз эллик минг кишилик аҳолиси булган Севилья шаҳридан анча катта эди. Бироқ шаҳар девори ортидаги 5—6 чақиримга чўзилган ерларни аҳоли зич жойлашган қасабалар банд этганди: «Хуллас, шаҳар ташқарисида яшайдиган одамларнинг сони шаҳар ичидаги аҳолидан ҳам кўп эди».

Айни замонда Темур, шунингдек, Самарқанднинг ғарбий қисмидаги, асосан, хазинахона ва давлат қамоқхонаси вазифасини утовчи қадимий арк — Куксаройни қайта тиклали Бурчакларида миноралар қад ростлаб турган Куксарой деворларини ғиж-ғиж ҳовлилар, тикув устаҳоналари ва омборлар қуршаб олганди. Бу ерда яна ҳужхатасровлар, зарбхона, хазина, катта миқдордаги нодир ва қимматбаҳо буюмлар, силоҳхона, қүшинларнинг ҳужалик таъминоти ишларини бошқарувчи ҳарбий муассаса жойлашганди, Темурнинг шахсий буюмлари ҳам уша ерда сақланарди. Давлат мансабдорларининг маъмурий бинолари шу саройнинг ёнгинасига жойлашганди. Хазинахона ва зиндонлар ертулалардан ўрин олганди. Юқори қаватларда Темур вақти-вақти билан уз аъёнларини қабул қиласр ёки маҳаллий аҳамиятга эга суд мажлисларида иштирок этарди. Сарой ортидаги ҳовлиларда Салтанатнинг барча ҳудудларидан келтирилган сон-саноқсиз моҳир устаҳунармандлар меҳнат қиласрдилар. Бу ерда улар қурол-аслаҳалар ва дубулғалар, ўқлар ва камонлар ясашарди, бу ерда яна этикдўзлар, танга зарб қилувчилар, мўйнадузлар, Самарқанднинг нодир, тўқ-қизил ва қирмизи духобаларини туқувчилар, қарробачилар, яъни шиша идишлар тайёрловчилар, жуда нафис олтин ва кумуш ришталарни туқувчилар ҳам ишлардилар; ишлардилар ва шу ерда асоратда улиб кетардилар. Бу ердаги омборлар, хазина ва асиirlарни қуриқлаш учун аркда юзлаб аскарлар сақланарди.

Куксаройдаги усталардан ташқари, сарой қошида ҳам қолган бошқалари Самарқанддаги мутахассис заҳматкашларнинг

маҳоратини оширишга ёрдам беришарди. Умуман, асиirlарнинг бу ўринда кўрсатган таъсири янги ҳунар ёхуд янги дастгоҳларни жорий қилишдан ҳам кўра, усталар сонини кўпайтиришдан иборат эди. Масалан, эронлик усталарнинг сопол ва қоплама сир ишлаб чиқариш санъати Самарқандда юксак тараққий этган айнан шу турдаги санъат билан омухта бўлиб кетганди. Баъзи бир соҳаларда самарқандлик усталар илгари-гидек устунлик қилишарди. Уларнинг темирчилари ўзлари ишлаб чиқарган узангилар, юғанлар, игналар билан машҳур эдилар. Самарқанд қоғози дунёдаги энг сифатли қоғоздир, деб ҳисоблаганди Бобур. Бу ердаги дастгоҳларда қимматбаҳо сатин, тафта шоҳиси, кимхоб, зарриштали газлама, қирмизи духоба тўқиларди. Бу ажиб матолар сотиш учун кўп мамлакатларга чиқариларди. Самарқанд бозорлари, шунингдек, гилем ва жойнамозлар, эгар-жабдук, пичоқлар, кўзалар, мушк, қаҳрабо ва Ҳиндистондан келтирилган дориворлар билан савдо қилувчиларга тулиб-тошиб кетарди.

Зарафшон водийси ва унинг ортидаги яйлов ва далалар шаҳарни озиқ-овқат билан мул-кўл таъминларди. Уй ҳайвонлари булуқ, овланадиган қушлар ва уй паррандалари эса зотли эдилар. Машҳур ҳисори қўйларнинг думбалари камида йигирма қадоқ тош босарди. Қўйлар шу даражада кўп эдики, Темур лашкарлари аскаргоҳда турган маҳалларда бир дукатга* ҳатто иккита қўй харид қилиш мумкин эди. Водий жуда катта микдорда ғалла ҳосили етиштирас, бир неча пенсга** бир ярим бушель*** арпа сотиб олса буларди. «Нон ҳамма ерда сероб, гуручни ҳар қанча микдорда арzon-гаровга сотиб олиш мумкин». Бутун шаҳар буйлаб очиқ дуконларда қовурилган ёки димлаб пиширилган тайёр гўшт сотилади, тановул қилишга тайёрлаб қовурилган товуқлар, ғозлар ва умуман, ёввойи паррандаларни харид қилиш мумкин эди. Бу нознеъматлар ва озиқ-овқатлар «дид билан ва покиза шароитларда сотиларди, савдо-сотиқ кун буйи ва ҳатто тунги вақтда ҳам давом этарди»¹¹. Бобур бу ердаги ажойиб нонвойхоналар ва ошхоналар шуҳратини оламга ёйди. Самарқанднинг ширин мусалласи ва майи ноблари ҳанузгача узининг юксак обруэътиборини сақлаб келяпти, бироқ XVI асрда Бобур ёзганди: «...Мовароуннаҳрда Бухоро чоғирларидин тундроқ чоғир бўлмас. Мен Самарқандда аввалиари Бухоро чоғирларини ичар эдим». Самарқанднинг кўча-кўйлари, боғларидан ва шаҳартеварагидаги боғ-роғлардан шилдираб оқувчи ариқлар экин-

* Дукат — итальянларнинг олтини ё кумушдан зарб қилинган қадимиий пул бирлиги.

** Пенс — инглизларнинг 1/12 шиллингга тенг майдо чақаси.

*** Бушель — инглизларнинг 36,4 л. ё кг.га тенг оғирлик бирлиги.

зорларни, полизлар ва пахта майдонларини сугорарди. Йилнинг мавлуди Масиҳ байрамига тұғри келган күнларда Самарқандда шунчалар күп қовун ва узум пайдо булардикі, бу «хайратомуздир» деб ёзғанды Клавихо. «Хар куни теварак-атрофдан түяларда қажава-қажава юқ етиб келарди, бозорда ҳайратомуз даражада күп нарса сотилар ва истеъмол қилинарди». Қовунқоқилар үн икки ой давомида сақланарди.

XIV аср охирига келиб, Самарқандда савдо-сотиқ шунчалик гуркираб ривожландырылған, бунинг натижасыда бозорлар ва расталар торлық қилиб қолды. Энди бу қабилдаги савдо Амир Темурнинг курдатини тұла акс эттиришга ожиз зди. 1404 йили Темур қисқа муддат билан ўз пойтахтига ташриф буюрганида, шаҳарнинг бир чеккасидан иккінчи чеккасига кенг йул үтказишины амр қылғанды. Бу — асосий бозор булиб қолмоғи лозим зди. Унинг ҳар бир томонида дүкөнлар күші қатор булиб жойлаштирилиши, үтиш жойлари, айвонлар, тимлар қурилиши режалаштирилғанды. Бозор Дарвозаи оқанын (Темир дарвоза)дан бошланиб, Чорсу дарвозасынан бориши ва шаҳар марказидан үтиши керак зди. Асосий йүлнинг бир қисми кесилиб, бозор бинолари қурилиши Клавихо Самарқандда турганида бошланғанды. Одатта күра, икки амир бу ишга мұтасадди этиб тайинланған булиб, улар бир-бири билан мусобақалашиб ишлашарди. Темур белгилаган бутун йүл бүйлаб мавжуд үйлар ва тор күчалар бузиб ташланғанды.

Фишт терувчилар ва қурувчилар үйлар бузиб ташланиши ҳамоно етиб келишиб, навбатма-навбат ишлашғанча, дарқол янги күчаларға асос солишарады, улар ҳар бири күш хонали (олд ва орқа хонали) дүкөнлар қуришга киришдилар. Ҳар бир дүкөннинг олдига баланд-баланд тош курсилар қуйилди. Күча гумбазсимон тим тагида булиб, ёруғлик тушиб түрсін учун унинг шифтиға деразалар үрнатылғанды. Ҳар ер-ҳар ерда ҳовузлар бор зди. Дүкөнлар тайёр булиши ҳамоно үнга савдогарлар күчіб кирадилар. «Бутун кун давомида ишлаган фишт терувчилар тунда үй-үйларига кетишарди, уларнинг үрнігі, қанча киши кетген бұлса, шунчаси ишга тушарди. Булар тонг от-гунча ишлардилар... бу ерда туну кун шунчалар ғала-ғовур ҳукмрон эдики, гүё жағаннамнинг барча азозиллари шу ерда йиғилғандай туюларди»¹¹. Йигирма кун деганда шаҳарнинг у бошидан бу бошигача бұлған бутун масофада бозор тайёр бүлди. Уни бунёд қилиш билан бөглиқ харажатлар шаҳар зимасига юклатылғанды.

Темур Самарқандни ислом дини маркази сифатида ортиқ даражада иззат-хұрмат қилишни, уни муқаддас қадамжолардан бирига айлантиришни одамлар онгига сингдириш-га интилди. У Самарқандга келтирилған илоҳиёт бүйича мұ-

таксисисларга ҳомийлик қилиш билан бирга, энг машхур зиёратгоҳлардан бири Шоҳи зиндага сиғинишни рағбатлантириди. Самарқанднинг шимолидаги тепаликда, қадими Афросиёб ўрнидаги жойда, ривоятларга қараганда, Мұхаммад пайғамбарнинг амакиваччаси Кусом ибн Аббос дағы этилган экан. Айтишларича, ана шу авлиё Самарқандга биринчи бўлиб дини исломни олиб келган. Шаҳар аҳли уни адоват билан кутиб олади ва бир коғир унинг бошини та-насидан жудо қиласи. Ривоят қиладиларки, боши кесилган авлиё калласини қулига олиб, тепаликнинг бу томонидаги қудуққа сакраганмиш. Авлиё хотирасига қурилган даҳма ташқарисида — даҳма ҳозир ҳам бор — Кусом ибн Аббос гой-иб бўлған қудуқ ҳам сақланиб келади. Ривоятларга кўра, у, аслида ҳеч қачон ўлмаган эмиш. У, яъни Шоҳи зинда (Тирик шоҳ) яна қайтиб келиб, ўз ҳуқуқини талаб қилиш пайтини кутиб ётганмиш. Бошқа бир ривоятда айтилишича, уч араб мубаллиғи (миссионери) шу тепаликка келиб тўхташипти. Улар қўй сўйишиб, қуръа ташлаш орқали бундан кейин кимнинг қай томонга йўл олиши хусусида бир битимга келишибди. Уларнинг бири қозонга қўл солиб, қўйнинг калласини чиқарибди. Калла унга биринчи бўлиб қаерни танлаш ҳуқуқини берар экан. Мубаллиғ Самарқандда қолишига хоҳиш билдирибди. Иккинчи араб қозондан қўйнинг юрагини чиқарибди ва Маккан мұкаррамага қайтиш истагини билдирибди. Учинчи мубаллиғ қўйнинг думбасини қозондан чиқариб, Бағдодга йўл олишни афзал кўрибди. Шу-шу, Самарқанд дини исломнинг боши, Маккан мұкаррама эса — қалби бўлиб қолаверибди. Бағдод хусусида эса...

XIV асрнинг иккинчи ярмида Кусом ибн Аббоснинг муқаддас даҳмаси йирик беклар ва заминдорлар дағы этиладиган жой сифатида машхур бўлли ва бу даҳма атрофида пири бузрукнинг ҳимоятига мушарраф булиш баҳтига эришган марҳумлар ҳисобига мақбаралар купайиб борди. Темурнинг бир талай қариндош-уруғлари ва амирлар шу муқаддасгоҳга дағы этилиш ҳуқуқига сазовор бўлгандилар. Темурнинг опаси Кутлуғ Туркон оғо (1382 йилда вафот этган) шу ердаги мақбараға дағы этилди. Бу мақбарани Кутлуғ Туркон оғо уз қизи Шоди Мулк учун (1372 йилда вафот этган) қурдирганди. 1385 йилда вафот этган Темурнинг бошқа бир опаси Ширин Бег оғо ҳам шу ердаги мақбараға дағы этилганди. Мақбарарадаги чиннипӯш гишталардан иборат безакларда эронлик устарнинг таъсири сезилиб турали. Қабрлардан бири саркарда Бурундуққа тегишли, иккинчиси 1376 йилда Мўғулистандаги жети қабилаларига қарши ҳарбий юришда ҳалок бўлган амир Ҳусайнникидир. Темурнинг умр йўлдоши Туман оғо мақ-

баранинг бу томонида бир гурӯҳ даҳмалар қурдирганди. Пишқишиштдан бунёд этилган бу биноларда ёғоч кам миқдорда ишлатилган, бино деворлари уймакорий ёки нақшинкор ғиштлар билан қопланган. Бундай шакл, асосан, эронлик мусавиirlар томонидан жорий этилганди. Биноларга безак беришда феруза ва мовий ранглар асосий урин тутар, диний руҳдаги нақшу нигорлар оқ бүёқда бажарилганди. Қабрлар устига оч мовий рангдаги гумбазлар қўндирилганди. Мақбаралардан бирининг (айнан Ширин Бег оғо мақбараси) ички деворлари, арклари ва гумбазлари сопол билан эмас, оқ сатҳга чизилган деворий сурат билан қопланган. Шулардан ун беш гурӯҳи сақланиб қолган, айримлари яхши ҳолда етиб келган. Ширин Бег мақбарасидаги деворий суратлардан эса фақат бир парчагина сақланиб қолган. Унда эроний услубдаги довдараҳтлар, дарё, гуллар ва паррандаларни ифодаловчи манзара акс этган¹².

Шоҳи зинда зиёратгоҳи зиёратчилик маркази сифатида Самарқанднинг аҳамиятини ошириди. Бироқ кейинроқ Темур томонидан бунёд этилган улкан жоме масжиди бундан мустасно эди. Бу аснода Соҳибқироннинг асосий зътиборини зодагонлик меъморчилиги узига жалб қилганди. Бу меъморчилик уни тирикларнинг тасаввурига таъсир курсатувчи, авлодларга унинг қудрати кучини етказувчи восита сифатида қизиктирганди. Самарқанд теварагидаги жойларда у ўзининг баъзи бир энг ажойиб боғларини ва қасрларини қурдирди. Томошабоғлар каби улкан боғлар ҳам лойиҳалаштирилганди. Ўйқоч шаклидаги тўрт ёки олти хиёбонга булинган бу боғларда хиёбонлар кесишган жой ёнида қасрлар қад ростлаб турарди. Бу боғлар майсазорларга, соя-салқин йўлкаларга, мевали боғларга, ҳовузларга, анҳорларга ва шийлонларга бой эди. Шулардан энг биринчиси Боги Беҳишт 1378 йилда ун икки яшар Туман оғо шарафига барпо этилганди. Кейинчалик Темур ана шу Туман оғога ўйланганди. 1388 йили худди мана шу Боги Беҳиштда унинг ўғли Шоҳрухнинг ва набиралири (Жаҳонгирнинг ўғиллари) Муҳаммад Султон билан Пирмуҳаммадларнинг тўйлари ўтказилганди. Темурийлардан чиққан бу куёвлар жаннат ҳурлари каби гузал қизларга ўйлангандилар.

1396 йили беш йиллик ҳарбий юришдан сунг Салтанатга қайтган Темур пойтахтда узоқ муддатга қолишга қарор қилар экан, кўпгина қурилиш лойиҳалари билан шуғулланди.

Худди ана шу маҳалла Мироншоҳнинг қизига атаб Боги Шимол (Боги Шамол)га асос солинади. Мазкур боф Соҳибқироннинг ўзи танлаб олсин учун меъморлар томонидан бир неча хил андозада лойиҳалаштирилганди. Темур ишнинг бо-

ришини шахсан назорат қилиб туриш учун ўзининг чодирини қурилиш майдончаси ёнига урнатган эди. Боги Шамолдаги саройнинг пойдевори Табриз мармаридан кутарилганди. Шунингдек, ҳовлиларга ҳам мармар тушалганди. Ташқи деворлар эса ложувард билан қопланганди. Бинонинг ички қисми Эрон ва Ироқдан келтирилган мусаввиirlар томонидан безатилганди. Бу ишлар устидан Эрон рассомлари мактабининг вакили, Бағлод биринчи марта истило қилингандан сulton Аҳмад Жалойирнинг санъат мактабидан олинган мусаввир Абдул Ҳайя бошчилик қиласи. Гарчанд тирик жонзотлар суратини чизиш дини ислом анъаналарига зид келса-да, Темур деворий суратлар орқали замондошлирга ва келажак авлодларга шундай суратлар орқали уз муваффақиятларини кўрсатиш ниятида эди. Саройларда у «ўзининг мажолиси ва ўзининг қиёфасини гоҳ кулиб, гоҳ чимирилиб турғон ҳолинда, анинг муҳорабалари ва қучғон зафарлари манзараларин, анинг қайсарлар, амирлар, ҳукмдорлар, ақл соҳиблари ва йирик боёнлар ва султонлар ила мулоқотларин тасвирлади, аларнинг ҳаммаси анга ўз хурмат-эҳтиромлари хусусинда арз қилиб турурлар ва анга ҳар жонибдин совға-саломлар келтирурлар. Анинг матрапи (овчилик тури), пистирмада туриши, Ҳиндистон, Даشت Қипчоқ ва Эрондаги жанг жадаллари, анинг қандоқ зафар қучгони, ёгийлари қандоқ қилиб тариқдек тирқираб кетгони ва қочиб қолгони, анинг ўғиллари ва набиралари, амирлари, сипоҳийлари шаклу шамойили, анинг ҳалқ орасинда ийд қилиши, май қадаҳлари ва соқийлари, базмларида санторда куй чалаётғон навозандалари, ишқий саргузаштлари, ул жаноби олийнинг жориялари ва пошшо-ойимлар ва ул тириклик чоғида анинг салтанатида юз берғон талай воқеа-ҳодисотлари, мазкур туркумда кўрсатилғон жамики нимарсалар янги ва булиб утғон ҳодисотлардир, ул ана шундай ҳодисотлардин бирон-бирина на куздин қочирғон ва на муболаға қилғон ва бунда у анинг юмушлариндин бехабар кимарсалар аларни кўришларини, гўё бу юмушлар аларнинг кўз ўнгинда содир этилғондек булишин истарди»¹³.

Абдул Ҳайянинг ўз беғуборлиги, нағислиги ва иқтидори билан ҳар қандай санъат асаридан аъло турувчи на деворий суратлари ва на бошқа ишлари бизгача етиб келган. Афтидан, деворий суратлар тез йўқолган булса керакки. Уларни Бобур эсга олмайди. Қартайиб қолган мусаввири диний шубҳалар қийноққа сола бошлаган ва у ўзининг бир талай ишларини йўқ қилиб ташлаганди¹⁴. Бу гузал боғдаги бунёдкорлик ишларининг якунланиши муносабати билан «Чигатой шоҳларининг хузур-ҳаловати»га багишланган шоҳона байрам ўтказилди.

Мана шу икки йил давомида Самарқанд билан Шаҳри сабз оралигидаги Тахти Қароча боғига ва бу улкан боф ҳудудида муazzам бир саройга асос солинди. Арабшоҳнинг ёзишича, қурувчилардан бири мазкур улкан боғда узининг отини йўқотиб қўйганда, ана шу йилқи олти ойгача топилмай, ўтлаб юрган. Эҳтимол, Темур узунилиги бир юз йигирма минг қадам деб мақтанган боф шудир. Темур мӯғуллар маликаси, Хизрхўжанинг қизи Тўқал хоним (Кичик хоним)га йўланишни дилига туғиб қўйганди (1397 йил). Бу воқеа уни Боги Дилкушони барпо этишга илҳомлантириди. Боф Самарқанддан жаҳнуброқдаги Конигил ўтлоқларида бунёд этилди. Шаҳардаги Дарвозаи Ферузадан бошланган қарағайзорлардан иборат кенг хиёбон ана шу боғга элтарди. Сарой қадама нақшлар билан қопланган гумбазга эга эди, унинг уч қавати қатор устуналар билан қуршаб олинганди. Йўлкалар ёқалаб чинорлар қад ростлаб турар, боғнинг ҳар бир гўшасига турли хилдаги дараҳтлар (баъзилари мевали, баъзилари манзарали) ўтқазилганди.

Худди мана шу Боги Дилқушода элчи Қлавихо биринчи марта Темур билан юзма-юз учрашганди. «У ер юзида пайдо бўлган энг гузал қасрга кираверишдаги пештоқ тагида ерга қўйилган таҳтасунпода савлат тўкиб утиаркан, қаршисидаги фаввора ҳавога сув пуркаб турарди. Фанвора ҳовузида эса қирмизи олмалар сузиб юради». Богнинг теварагида талай чодирлар ва айвонлар саф тортган эди. Орадан бир неча кун утиб, Темур бошқа бир бокқа, ҳали қуриб битказилмаган Боги Чинорга кучиб утганди. Ҳар бурчагида минора қад кутарган учинчи боғни испан элчиси, умри бино булиб кўрган энг гузал оромгоҳ леб ҳисоблаганди. Бу Боги Нав эди. Темур ҳар уч-түрт кунда боғни алмаштириб турарди, шунинг учун элчилар шоҳона зиёфатга таклиф этилганларида, доим мутлақо янги боғни кўрап эдилар. Шу ерда Қлавихо саройнинг майданчайда қисмларини кўришга, кумуш тангачалар билан безатилган пуштиранг деворий шокилаларни тасвиirlашга муваффақ булган. Ҳар бир тангачанинг марказида қимматбаҳо тош товланиб турарди. Бу ипак шокилалар ва попуклар шабадада кўзни қувонтириб хилпиарди. Кираверишдаги икки олтин хонлардаги* турли ўйиқларда еттига олтин машрафа турар, уларнинг иккитаси марварид, зумрад ва феруза каби қимматбаҳо тошлар билан мунаққаш этилганди, бу машрафаларнинг бўғзига ёқут тиқин урнатилганди. Бироқ бу ерда элчилар таҳқирлангандилар, чунки улар тилмоч кутавериб, байрам тантанасига жуда кеч етиб келгандилар.

* Ҳон — стол.

Соҳибқирон бу ерда бўлмаган кезларда, ҳузур-ҳаловат кўрсин, мева-чевалардан татисин деб, боғлар самарқандликлар ихтиёрига очиб қўйиларди. «У (Темур) жўнаб кетган чоғларда... бадавлат ва камбағал шаҳарликлар сайд қилиш учун бу ерга келишарди, бундан-да ажойиброқ, бундан-да гўзалроқ масканнинг топилмаслигига иймон келтирадилар, зеро бундан-да ёқимлироқ ва бехатарроқ ҳордиқ маскани йўқ эди. Бофнинг ширин-шакар меваларидан ҳамма бирдай татиб куриши мумкин эди».

Арабшоҳ, шунингдек, Боги Нақши Жаҳон ва Боги Жаҳонномаларни ҳам тилга олади. Бобур юқорида эслатилган боғлардан ташқари, Боги Мураббани унинг икки ошиёнали қирқ устунли (чиlustунли) саройини тасвирлайди. Устунлар «қайрилма» усулида ўймакорий тошлардан тарошлаб ясалганди. У, шунингдек, боғлардан биридаги, атайлаб Хитойдан келтирилган чинни билан қопланган Салтанат кўшк-айвони — Қасри Чинийни ҳам тилга олади. Ҳуллас, XV асрдаги замондошлар Самарқандда қасрлари ва кўшк-айвонлари бўлган ўн бешта ёки ўн олтита ана шундай боғлар бўлганлигини тилга оладилар.

Бунёдкорлик ташаббуси Темурнинг сарой аҳлига ҳам етиб борганди. Маликаи муazzзама Сарой Мулк хоним Самарқанднинг шимолида маҳобатли мадраса қурдирди, бошқа бир маълика Туман оғо Шоҳи зинда яқинида дарвишлар учун қўналға бунёд эттирди. Валиаҳд Муҳаммад Султон шаҳарнинг жаҳнуби-шарқий томонида қаср ва мадраса солдирди. Ўзининг салмоғи жиҳатидан Самарқандга тенг бўлган Бухоро шаҳри ҳам Темур тириклигига қисман безатилди.

Темур ўз қасрларида узоқ турмасди. Бу қасрлар унга шахсий ҳузур-ҳаловат бағишлашдан ҳам кўра кўпроқ сиёсий аҳамиятга молик қадриятлар эди.

Шаҳрисабздаги Оқсарой ҳам худди шундай сиёсий мақсадларга хизмат қилганди. Темурнинг Ватани — Қашқадарё Самарқанд ва Балх ўртасида, яъни Хуросон ва Ҳиндистонга злтадиган асосий карvon йули бўйида жойлашганди. Савдо-гарлар шу ерда анорзорлар билан қуршалган карvonсаройларда тўпланишарди. Темур шу ерда, падари бузруквори ва фарзандлари мақбараларига яқин жойда ўзининг улугвор саройини бунёд этганди. Сарой ўзининг тузилиши жиҳатидан кейинчалик Самарқандда қурилган масжидга уҳшаб кетсада, ҳажми жиҳатидан ундан жуда катта эди. Саройларда, одатда, масжидларда бўлгани сингари, ҳаёт асосан ҳовлида кечарди. Ҳовлилар бинолар сингари муҳим аҳамият касб этганди. Бунинг устига, иморатларнинг қурилишига камроқ эътибор қаратилгани ҳолда, уларнинг пештоқларига катта аҳамият берилди.

ларди. Мұхташам пештоқлар Қорахонийлар давридаги қурилиш услугида тан олинган үнсур, деб ҳисобланарди. Темур Оқсаройнинг пештоқлари ва унинг бошқа бинолари Ўрта Осиёдаги ёки истило этилған мамлакатлардаги худди шундай пештоқлар ва биноларга қараганда ҳашаматлироқ бўлишини қатъй талаб қилганди. Сарой қурилиши 1380 йилда бошланди. Гурганж забт этилганидан кейин бу ерга олиб келинган, қизил либос кийған хоразмлик уста қурилишга саркорлик қилди. Орадан йигирма түрт йил ўтса ҳамки, гарчи қурилиш учун дунёнинг кўпгина мамлакатларидан усталар ҳайдаб келинган бўлса-да, Оқсарой ҳамон битмаганди. Қурилиш чоғида баъзи бир тахтатошларда бу ерда ишлаган усталар номи дарж этилганди. Баъзи ёзувларда: «Али — Аллоҳнинг ҳабиби» сўзлари учрайди. Бундай ёзувни, шубҳасиз, шиа мазҳаби тарафдорлари қолдирган бўлишлари мумкин¹⁵.

Муассам пештоқлар ортида — у ерда қутиш толорлари* ҳам бор эди — узунлиги деярли юз метр келадиган түгри бурчакли ҳовли жойлашганди. Ҳовлининг гумбазсимон том билан ёпилған ва силлиқ қилиб ишланған йўлкалари қабулхоналарга, тавочилар хоналарига ва Салтанат девонига олиб бораарди. Дарвоздан бошланған бошқа бир йўл қабулхонага бошлаб кетарди. У ерда «деворлар олтин ва мовий сополлардан ясалган кошинлар билан қопланғанди. Шифт эса бошдан-охир тиллакорлик ишидан иборат эди, — деб ёзди Клавихо.— Бизни ана шу хонадан пешайвонга бошлаб чиқишиди. Бу ердаги деворлар ҳам зарҳал берилған сополдан иборат эди. Биз бу мовий ранг ва олтин ҳалли сополлар билан зийнатланған, бошқа кўпгина нақшу нигорларга эга бир талай толорларни ва хоналарни кўрдик... биз зиёфат бериладиган улкан толорда бўлдик. Темур томонидан қурилған мазкур толор дабдабали қилиб безатилған, унга жуда кўп одам сиғади. Унинг орқасида жуда катта мевали боғ бор. Боғда ҳисобсиз мевали ва соядор дарахтлар ўтқазилған. Бу дарахтлар сув тұла ҳовуз атрофини ўраб турарди. Боғнинг ортида чим босилған чиройли майсазор ястаниб ётарди. Бу боғ шу қадарли кенг-мұл эдик, унда кўп сонли улфатлар йиғилиши, ёз иссиғида ана шу сув атрофида ва ана шу дарахтлар соясида салқын ҳаводан баҳраманд бўлишлари мумкин эди»¹⁶. XV аср охирида Бобур ушбу саройни деярли шу қабилда мадҳ этганди.

Оқсаройга кираверишдаги асосий пештоққа шундай сўзлар дарж қилинганди:

Аллоҳ подшо ва
Султон Аллоҳнинг ердаги соясидир.

* Толор — зал.

Бинонинг олд томонидаги вайрон этилган қисмida мино-расимон иккита унсур сақланиб қолган, булар Оқсаройнинг ложувард, яшил ва қорамтири-мовий чинни билан безатилган пештоқи қисмлариdir.

Темур ҳеч қачон ўз доруссалтанасида бунчалик кўп вақти-ни ўтказмаган эди. У 1396 йилнинг ёзидан то 1398 йилнинг ёзига қадар, икки йил давомида, фақат қурилиш ишлари билан банд бўлибгина қолмасдан, балки узининг Шарққа, Хитойга қарши юришидек йирик режаларидан бирини амалга оширишга тайёргарлик ҳам кўрди. Мана шу мақсадда, шунингдек, сулолавий мулоҳазаларга кўра, у бошқа бир мўғул маликаси Тўқал хонимга уйланиш хусусида келишиб олди ва мулклари Хитой йўлида жойлашган мўғул хони билан битим тузди. Темур ўз қайлигини кутиб, қишини Тошкентдан узоқ бўлмаган шарқий чегара яқинидаги музофотларда утказди. Бунинг устига, Яссидаги (Сирдарё яқинидаги Туркистон) авлиё* қабри устига мақбара қуриш учун Сирдарёдаги паром йўлини қайта тиклади. Шаҳзода Муҳаммад Султон (Фарғона ҳукмдори Жаҳонгирнинг тунғич ўғли ва валиаҳд) чегара ту-манжарида мудофаа истеҳкомларини мустаҳкамлаш, қишлоқ хужалиги инқирозга юз тутган йўл ёқаларидаги ерларга кенг ишлов бериш хусусида топшириқ олганди. Ана шу тайёргарлик ишларини бажариш учун унинг ихтиёрига баъзи бир энг таникли амирлар, анчагина ҳарбий кучлар бериб қўйилганди. Ашпарада, ундан сўнг шарқ томонда — Иссикқўлда қалъалар бунёд этишига киришилди.

Шу ерда, Мовароуннахрнинг шарқий чегараларида Темур кўп миқдорда нодир совфа-саломлар билан Хитой хоқонидан келган бир неча вакиллар ҳайъатини қабул қилди. Элчилар анъанавий маросимлар билан кутиб олиндилар, аммо уларнинг ватанига қайтиб кетишига рухсат берилмади.

1398 йил баҳорида Доруссалтанага қайтиб келган Темур қурултой чақирди. Бу гал Соҳибқироннинг садоқида бошқача ўқ бор эди. Кулай имконият яратилиши билан унинг туркий лашкари шарққа эмас, жанубга, Ҳиндистонга қараб йўл олди.

X боб ҲИНДИСТОН

1398-Йўлбарс ўши — 1399 — Қуён ўши

«Мовароуннахр,— деган эди Ибн Баттута,— дунёдаги қудратли етти подшоликдан биридир ва шулардан турттаси —

* Аҳмад Яссавий назарда тутилмоқда.

Олтин Ўрда, Эрон, Хитой ва Ҳиндистон подшоликлари уни қуршаб туради». (Қолган икки подшолик Миср ва Марокаш булиб, Ибн Баттута асли марокашлик эди). Гарчи Ҳиндистон Чингизийларга қарам подшоликлардан бўлмаган бўлса-да, у азал-азалдан туркий қароқчиларнинг диққатини ўзига жалб қилиб келарди: улар Ҳиндикуш тоғ йўллари орқали ўтиб, шимолий текисликлар ва Панжоб останаларида яғмо қилиб, ўзлари келган йўлдан қайтиб кетардилар: Ҳиндикуш ёки Улуғ қорли тоғлар (сайёҳлар уни шундай аташарди) қадим-қадим замонлардан бери Ҳиндистон ва Ўрта Осиё оралиғидаги асосий йўл булиб келганди. Тоғнинг Амударё сувлари бошланадиган шимолий этаклари, Ваҳон ва Бадахшон вилоятлари булиқ майсали яйловларга, кенг водийларга бой эди. Ваҳондан кумуш қазиб олинар, дарёлар тагидан олтин топиларди, Бадахшон тоғлари ўзининг лаъллари, ложувардлари ва соғ биллурлари билан машхур эди.

Милоддан аввалги IV асрда Искандар Мақдуний қўшинлари Ҳиндикушдан ошиб ўтди. У ва ундан кейин эса Салавийлар бир томони Афғонистонгача чўзилиб ётган салтанатни бошқардилар. Шунингдек, Салавийлардан кейин тарих майдонига чиққан Бақтрия салтанати худудлари Ҳиндикуш тоғининг орқи томонигача чўзилиб кетган эди, кейинчалик, насронийлар дини энди дунёга келган пайтда Кўшонлар салтанати ҳам шу худудларга ҳукмронлик қилганди.

Милодий I асрда Ҳиндистондан Ўрта Осиё орқали Хитойга тарқалган Будда таълимоти Улуғ қорли тоғларнинг шимоли ва жанубидаги туманлар ўртасида алоқани фаоллаштириди. VIII асрда мусулмонларнинг Ўрта Осиё орқали Ҳиндистон шимолига бир неча марта бостириб кириш ҳоллари юз бериб, бунинг натижасида, ислом чегаралари Кобул, Синд ва Панжоб музофотларигача кенгайди. Сомонийлар X асрда Мовароуннаҳрда ҳукмронлик қилган даврда Афғонистондаги Фазнавийлар сулоласи уларнинг тобеинлари сирасига киради. Сомонийлар ҳукмронлиги қулаши билан Фазна беклари Амударёдан жануброқдаги худудларда ҳокимиятни қўлга киритдилар. Фазнавийларнинг энг қудратли ҳукмдори Султон Маҳмуд ўз салафларига уҳшаб, тоғларни тусиқ деб билмасди, XI аср бошларида у Афғонистон, Хурросон, Мовароуннаҳрнинг баъзи бир музофотлари устидан ҳукмронлик қилди, шимолда Хоразмга, жанубда Ҳиндистон ва Кашмирга қарши уюштирилган талайгина талончилик юришларига бошлилик қилди. Гарчи тақводор сифатида бўлмаса-да, сиёсатчи сифатида ном қозонган ана шу оламгирнинг саройида кўпгина йирик олимлар ижод қилгандилар. Файласуф-муаррих Ал-Берунийни Султон Маҳмуд Хоразмдан Фазнага келтирганди,

форсларнинг миллий қаҳрамонлик достони — «Шоҳнома» муаллифи Фирдавсий билан ҳасис ҳомийсидан қалам ҳақи учун ваъда қилинганд тилла дирҳамлар ўрнига кумуш тангалар олган экан. Ҳафсаласи пир бўлган шоир ҳаммомга тушитти-да, у ердан чиққач, шарбат ҳарид қилиб, ана шу пулларни ҳаммом хизматчиси ва шарбат сотувчига тақсимлаб берипти. Фазнавийлар ўрнини Балх ва Кобул ўртасидаги Фур беклари — Фурийлар эгалладилар, улар Банголияни босиб олдилар, XIII аср бошларида Дехли султонлари сифатида ҳарор топдилар.

Шундан кейинги сулолалар уларнинг мулкларини Банголия, Декан ва узоқ жанубнинг баъзи бир қисмларигача кенгайтириб, Дехлини Ҳиндистоннинг мусулмон пойтахти сифатида қўлдан чиқармадилар. Ҳинд султонларининг, хусусан, Туғлуқ сулоласининг қудрати бутун ислом оламида машҳур бўлди. Ўз отасидан бепоён салтанат ва улкан ҳазинани қўлга киритган султон Муҳаммад Туғлуқнинг (у қиблагоҳини 1325 йили ўзи ўлдирганди) меҳмони бўлган Ибн Баттута юксак қоялар тепасида бунёд этилган унинг аркини таърифлаганди. У ерда «Туғлуқнинг ҳазинаси, саройлари ва тилла суви юритилган гиштлардан курилган улкан қасри бор эди. Қуёш балқиган чоғда бу гиштлар шундай кучли ярқирадики, ҳеч ким уларга узоқ вақт тикила олмасди. У ўзининг улкан ҳазинаси ни шу ерга жойлаганди, айтишларига қараганда, у «қозон қуриб, унга эритилган тиллаларни қўйган экан, натижада бу тиллалар ёмбига айланибди». Султон ҳаммадан ҳам кўра совға-салом улашишни ва қон тукишни хуш кўрарди. Унинг хонадони йўқсил булиб келиб, бой булиб кетадиган ҳамда у қатл этадиган одамлар билан ҳамиша гавжум бўларди».

Султон Муҳаммад Туғлуқ ҳам Хоразмшоҳ каби оламгирлик ғоясини қалбida ардоқлаб юрарди, у ҳатто Непал ва Ҳимолай орқали Хитойга қарши катта қўшин юборганди. Юз минг кишидан иборат бу қушиндан уйга фақат ўнга яқин киши қайтиб келган, улар ҳам қутуриб кетган султон томонидан ўлдирилганди. Муҳаммад Туғлуқ салтанати унинг ўлими арафасида (1351 йил) инқизорзга юз тута бошлади. Банголияда, Кашмирда ва Деканда мустақил подшоликлар вужудга келиб, унинг ворислари ҳукмдорлиги замонида ҳам Дехли салтанатининг парчаланиш жараёни давом этди. Улкан-улкан музофотлар унга бўйсунишдан бош тортиди. Муҳаммад Туғлуқдан кейин таҳтга чиққан унинг амакиваччаси Ферузшоҳ нисбатан илтифотли феъл-атворга эга киши эди, у ариқлар қазитди, қасрлар, масжидлар ва мақбаралар қурдирди, бироқ у 1388 йили шарти кетиб, парти қолган bemажол мўйсафид сифатида дунёдан куз юмганида ҳам Дехли музофотининг ўзи бир-бири билан ёвлашган султонлар ўртасида низо

учоғи булиб қолаверганди. «Ҳиндистон коғирлари жон солиғи ва ўлпон туламасдан күч йиғиши ва мусулмонларнинг қишлоқларини ғорат қилишга тушдилар»².

«Темур Ҳиндистон султони Ферузшоҳнинг дорилбақога риҳлат этганини билиб, у ерда вужудга келган можаролардан фойдаланишга қарор қилди...»³

Жангари бекларни Ҳиндистонга қарши талончилик юришларига ортиқча даъват этишнинг ҳожати йўқ эди. XIII аср бошида Афғонистондан чиққан мусулмон беклари Деҳли султони сифатида қарор топгач, Ҳоразмшоҳнинг уғли Жалолиддинни таъқиб этган Чингизхон суворийлари Ҳинд дарёси соҳилларida пайдо булгандилар. Қушини тор-мор қилинган Жалолиддин Деҳли султони қасрига қочганди. Бироқ Чингизхон Ҳиндистон томон юриш қилмали. Чингизхоннинг уғли Чигатойга мерос қилиб берилган улус Ҳиндикуш-у Афғонистон музофотларигача ястаниб ётарди. Шу боис, Фазнавийлар ўзларининг шимолий музофотлари билан видолашибга мажбур булгандилар. Кейинчалик, туркийларнинг Ҳиндистон шимолига қилган босқинчилик хуружлари худди шу музофотлардан бошланганди. Темур ҳам ўз салафлари сингари, Панжобни Чигатой бекларининг қонуний шикор майдони деб тасаввур этарди.

Темур, юқорида эслатилганидек, Ҳиндикуш шимолий тизмаларидан бирининг этакларида жойлашган Шаҳрисабзда туғилганди. Бу ерда Панж дарёси водийси буйлаб (Аму-дарёнинг юқори оқими) Хитойдан бошланган қадимий карvon йўли ўтиб, мазкур жойда йўл гарбга — Эронга, жанубга — Ҳиндистонга тармоқлаб кетарди. Темур амир Ҳусайнни тор-мор этгач, Балхни, Кобулни ва Ҳиндистонга ўтиш ўйларини ўз дастлабки мулкларининг бир қисми сифатида кўлга киритган эди. Туглуқийларнинг бойлиги, ўзаро низода бўлган бекларнинг заифлиги Истилочининг муттасил ўлжа дардидада юрган қўшинлари учун қулай имкониятлар яратиб берганди. Бундан ташқари, Деҳли султонининг саройи Темур томонидан қувғин остига олинган кўпгина ғаним беклар учун бошпана булиб қолганди. Саркарданинг Ҳиндистонга муттасил хуруж қилиш ёки уни босиб олиш нияти йўқ эди. Ҳиндистонга юриш қилишдан мақсад — ўлжалар, олтин-кумушлар ундириш ва бу мамлакат уйида номигагина ҳукмрон бўлишдан иборат эди. Бироқ бу пайтга келиб, Темур гарбдаги қудратли Мисрға қарши отланган, шарқда Хитойга қарши ҳарбу зарбга тайёргарлик кураётганди. Ҳарбий юриш учун қулай фурсат вужудга келганди. Бу қулайликнинг бир қатор манфаатларидан бири шу эдики, Соҳибқироннинг асосий қўшинлари бошқа ерда йирик тўқнашувлар билан банд

бүлгән бир пайтда, унинг салтанати жанубий сархадлари-нинг хавф-хатардан омон сақланишига кафолат буларди. Яна, шунингдек, Дөхлиниң бетавфиқ султонлари ўз ерларидә коғирларга узоқ вақт тоқат қилиб келаётганлиги ҳам маълум эди.

Темур дин йулида жиҳод бошлашга қарор қилди. Дастрлабки тайергарликлар куриб қўйилганди. Темур 1392 йили биринчи қипчоқ юришидан қайтиб келгач, шаҳзода Пирмуҳаммад Жаҳонгирга (У отаси вафотидан кейин орада қирқ кун ўтгач туғилганди) «султон Маҳмуд Фазнавий тахти»ни инъом этган, девони ва саройи шаклланиши учун кўпгина таниқли амирларни унинг фармойишига берганди. Бу гаройиб подшолик Ҳиндикушдан Ҳинд дарёсигача бўлган жанубдаги ва жануби-ғарбдаги музофотлар: Кундуз, Кобул, Фазна, Қандаҳорни ўз тасарруфига киритганди, 1397 йил кузида Темур Самарқанд теварагида қасрлар қурилиши билан берилиб шуғулланастган, узининг шарқий чегараларида қушинлардан илгарироққа қўйилган соқчилик масканларини, яъни аванпостларни мустаҳкамлаётган, Хитойга қарши юриш режасини ўйлаб қўйиб, бу ниятини таъкидлаш мақсадида, муғул маликасига уйланган бир пайтда у, шунингдек, ўз набираси Пирмуҳаммад Жаҳонгирга Ҳиндистонга юриш бошлаш ва адоватли ҳинд бекларига қарши ҳамла қилиш хусусида буйруқ берди. Шаҳзода Ҳинд дарёсини кечиб ўтиб, Панжобга бостириб кирди. 1397-сигир йили охирида Мўлтон қамал қилинди.

Темур қишини Тошкент яқинида — Мовароуннаҳрнинг шарқий музофотларида ўтказди. Ўз қайлиғи билан учрашиш учун бу ерга келган Соҳибқирон 1398 йилнинг дастлабки ойларида Самарқандга ва Қашқадарёга қайтди. Қушинлар тайёргарлиги ниҳоясига етганди. Курултой чақирилди. Унда Темур аҳволни баён этиб, ўз азму қарорини эълон қилди.

Дөхли тахтига Ферузшоҳнинг набираси ўтқазилганди. Лекин ёш султон Маҳмуд унга қарши бош кутариб, узаро курашаётган аъёнлари устидан ҳукм юргиза олмаётганди (султон Маҳмуднинг думбулхўжалигидан ҳатто Дөхлидаги ҳарам аҳли нафрлатланарди)⁴. Ана шундай аёйнлардан бири, дипалпурлик Сорангхон Саййид Хизрхондан қўшни Мултонни тортиб олганди. Бироқ ҳозир унинг ўзи ана шу шаҳарда шаҳзода Пирмуҳаммад томонидан қамал қилиб олинган ва ҳар куни иккитадан хуружни қайтарарди. Дөхлида Сорангхоннинг акаси Маллухон ўз рақибларини тор-мор келтириб, шаҳарни ишғол қилган ва султон Маҳмуд номидан ҳукм юргизаётганди: «Бу тартибсизликлар бизнинг ғолиб қушинларимизни ўзига чорламоқда эди».

Бунинг устига, чин дин бўлгандини исломга Ҳиндистоннинг кўпгина жойларida амал қилишса-да, подшоликнинг

кatta қисмida бутпaрастлар яшардилар. Дeхли султонлари динни ҳимоя қилиш учун ҳаддан зиёл заиф эдилар. Мусулмон ҳукмдорлар ана шу гайридинлардан фақат солиқ (жузъя) йиғиб олиш билан қаноатланаётган эдилар. Қуръони карим инсон фақат динимиз душманларига қарши урушдагина энт олий мақомга эришиши мүмкин, деб таълим беради. Мұҳаммад пайғамбар саллаллоху алайҳи васаллам ҳам үз Ҳадисла-рида шундай қилишни суннат деб атайдилар. Бундай муқад-дас урушда шаҳид бўлган мусулмон жангчisi дарҳол жан-натга кириш ҳукуқини берадиган шарафга эга бўларди. «Бу-гунги кунда Эрон ва Турон салтанатлари, Осиё қитъасининг катта қисми бизнинг ҳукмимиз остида эркан, сал қимирла-шимиз ҳамоно ер юзи титраб турар экан, каромат — олдин-дан башорат қилиш бизга энг қуай имкониятларни яратиб берди. Қушиналар шарққа эмас, жанубга қараб йўл олади. Ҳин-дистон ўзининг тус-туполони билан бизга үз эшикларини очиб берди».

* * *

Март ойида қарийб туқсон минг жангчидан иборат — унинг таркибида кўпгина бўйсунган ҳукмдорлар ва златлар бор эди — қушин Ҳинди斯顿га қарши юриш бошлади. Бироқ қушиналарнинг энг сара қисмини мұҳим мансабларга сазовор булган Чигатойлар ташкил этарди, кўпгина саркардалар ва беклар Темурнинг Қашқадарё буйича эски дўстлари эди. Мироншоҳнинг угли шаҳзода Умар Самарқанд ҳукмдори сифатида қолдирилганди, Темурнинг энг кенжә ўғли, Хуросон ҳукмдори, художкүй Шоҳруҳ үз отаси вафотига қадар Ҳиротда ҳукмдорлик қилди, кейинчалик эса мазкур шаҳар унинг доруссалта-наси — пойтахти булиб қолди. Мироншоҳ Эронга жўнати-либ, Ҳалоку тожини олди.

Қушиналар Термиз ёнида вақтинчалик қурилган кучма күпприк (жиср) орқали Амударёдан утиб, Ҳиндикуш тоғи-нинг асосий тиизмаси этакларидаги Андаробда манзил қурди. Шу ерда Темур үз қушиинини ва оғир юкларини қолдириб, маҳсус фавжи билан Ҳавоқ йули орқали гайридинларни, қароқчиларни ва уларнинг қалъаларини излаб, Кофиристонга йул олди. Бундаги овлоқ тоғ чуққилари шу қадар қурқинчли эдик, ривоятларда айтилишича, ҳатто Буюк Искандар Мақдуний ҳам шу ерда яшайдиган ёввойи қабилаларни топа олмаганди. Бу кофир қабилалар, оташпаратлар афсонавий шакл-шамойил касб этган эдилар — айтишларича, улар дев-қомат булиб, чулчутчасига гаплашармиш, қора либос кийишармиш, юраклари ҳам қалблари каби қоп-қора эмиш. Бош-

қаларнинг гапларига қараганда, улар мутлақо қип-ялангоч юришармиши.

Қалин қор, жарликлар кўп ҳолларда отларнинг юришига имкон бермасди. Баъзи жойларда фақат тунда, қор юзаси музлагандагина юриш мумкин эди. Тез ҳаракат қиласидан «учкур» фавж ва унинг бошлиқлари баъзи бир нишабликлардан арқон ёрдамида ўтишиди. Кекса Соҳибқирон эса, жарликлардан бири устидан, дунгликтан-дунгликка кажава воситасида туширилди. У ана шу йулда минг футдан* ортиқроқ масофа-ни босиб ўтди, жарлик тагида узининг сипохийларига ухшаб, пиёда юришга мажбур булди. Отларни ҳам худли шундай усулда пастга туширишга уриниб куришди, аммо уларнинг кўпчилиги йиқилиб, мажаҳланди, оқибат, хизматга яроқли иккитағина от омон қолганди. Соҳибқирон ана шу отлардан бирини миниб, йулга тушди. Қолганлар унга пиёда эргашиши.

Бироқ шунга қарамасдан, тоғлар забт этилди. Қаттиқ қаршилиқ курсатган кофирлар ўзлари яшаб турган жойлардан ҳайдаб чиқарилиб, қириб ташланди, хотин-халаж, бола-бақра ҳайдаб кетилди, тоғдаги осилиб турган қоялардан бирига илгари бўйсунмаган ҳалқарнинг бўйсундирилишини шарафловчи ўйма ёзув битилди. Темурнинг асосий қўшини учун ўтиш жойи тозаланди. Тоғлар, шунингдек, Мовароуннаҳрнинг эҳтимол тутилган ғанимларидан ҳам тозаланганди. Йўл-йўлакай гарнizonлар ва қалъалар қолдирган Темур август ойида Кобулни ишғол қилди, унинг теварагидаги яйловларга аскаргочини жойлаштирди.

Бу ерда Темур бир муддат уз Салтанатининг ҳамма бурчакларидан ва хорижий мамлакатлардан келган элчиларни қабул қилиб, давлат ишлари билан машғул булди, у икки қипчоқ шаҳзодаси Идигу ва Кутлуғ ўғлонни ҳам шу ерда қабул қилди. Шаҳзодалар ўзларнинг ўтмишдаги хатти-ҳаракатлари боисидан тавба-тазарру қиларканлар, бунга ўзларнинг манманлик балосига берилганлигини ва нодонликларини важқилиб курсатдилар. Улар, агар гуноҳлари кечирилса, Соҳибқиронга астойдил хизмат қилишга, унинг зобитлари буйруғига бўйсунишга ваъда бердилар. Шунингдек, Муғулистон хони Хизрӯжадан ҳам элчи етиб келди. Хон қипчоқ қўшнилари ифодалаган ҳиссиётга қушилишини баён қилган эди. Кобулга, яна мўғул хонидан ёхуд Хитойдаги Минъ сулоласидан чикқан хоқонлардан қочган Тайзи Уғлон ҳам келганди. У Темур томонидан зўр меҳмоннавозлик билан қабул қилинди. (Хубилай томонидан асос солингган мўғул Юань сулоласи 1368 йили Хитойдан ҳайдаб чиқарилган ва хитойларнинг Минъ сулола-

* Фут — инглизларнинг узунлик ўлчови, 0,3048 метрга teng.

си билан алмаштирилганди). Бироқ Ғиёсiddин Али Тайзи Үғлонни Хитой элчиси деб тилгә олганди.

Кобулда беш йиллик муҳораба охирида солиқлар йиғиш учун Эронда қолдирилган Шайх Нуриддин Темурга келиб қүшилди. Бу хазинанинг тақдима маросими учун бир кун сар фланди, назоратчилар уларнинг ҳисобига етиш учун уч кечава уч кун ишладилар. Булар: қоплоңлар ва ов қушлари, ким хобдан тикилган ва зардузий либослар, барча ранг-тусдаги куйлаклар, туялар ва күп миқдордаги ҳачирлар, бежирим ҳарбий қуроллар, тилла эгарлар урилган арабий аргумоқлар, чодирлар, дўконлар, яримкатлар ва оромкурслар, турли-туман идиш-товоқлар ва қимматбаҳо буюмлар эди. Эртаси кун Нуриддин томонидан шахсан Темурга ҳадя қилинган буюмларни кўздан кечириш билан утди. Шайх шарафига зиёфат берилди, кўпгина совға-саломлар беклар ва элчилар уртасида лутфан тақсимланди.

Соҳибқирон қароргоҳи Кобул яқинида мувакқат турган пайдада сувсизликлан ҳансираф ётган водийни сугориш учун ариқлар ўтказилди. Бу иш турли амирлар ва уларнинг лашкарлари уртасида булиб берилди. Янги қазилган анҳорларнинг ёқалари да қишлоқлар вужудга келтирилди, боғлар барпо этилди.

Бу юмушлар ниҳоясига еггач, кекса малика Сарой Мулк хоним тўрт яшар севикли набираси, ўзининг васийлигидаги Улуғбек билан биргаликда яна Самарқандга жунатилди. Темур, Ҳиндистоннинг иссиқ иқлими боланинг саломатлигига салбий таъсир курсатади, деб чучиган, аммо у билан ажралишга кунгли булмаганди. Улуғбекнинг отаси Шоҳруҳ узи 1397 йылдан бери ҳукмдор булиб турган Ҳурсон пойтахти Ҳиротга аллақачон жунаб кетганди. Темур, қушиналар ва оғир юклар бошқа пошшоийимлар билан биргаликда Ҳиндистонга, юришнинг иккинчи босқичига йул олдилар. Султон Маҳмудхон (Чигатойнинг қуғирчоқ хони) чап қанот — жаронгор билан Деҳлига шимолий йул орқали жунатилди. Темурнини ўзи Мўлтон яқинидаги Сутлеме дарёси соҳилларида Пирмуҳаммад билан учрашиш учун жанубга йул солди. Қаттиқ қаршиликни енгган Темур сентябрь ойида Ҳинд дарёси соҳилларига чиқиб олди, икки кун ичиди қайиқлардан ҳамда қамишлардан тикланган купприк орқали уни кечиб утди. (Бу воқеа Ҳоразмшоҳнинг ўғли Жалолиддин Чингизхонга қарши жанг қилиб, мағлубиятга учраган жойда юз берганди. Чингиз ҳам Искандар Мақдунийга ўхшаб, Ҳиндистон ичкарисига кирмаганди).

Йўл-йўлакай Темур кўп сонли шаҳзодалар ва элчиларни — булар орасида Маккан мұкаррама ва Мадинаи мунавварадан келган элчилар ҳам бор эди — шунингдек, тобелик изҳор

этган Кашмирнинг мусулмон подшоси Искандар юборған вакилни қабул қилиш учун фурсат топди. Кашмир подшосига ўз лашкарлари билан Соҳибқирон қўшинларига қўшилиш хусусида бўйруқ берилди.

Темур Желум дарёси соҳилларида бир маҳаллий ҳукмдорнинг қаттиқ қаршилигига дуч келди, уша ҳукмдор оролдаги пухта мудофаа қилинган қальъада туриб, унга қаршилик курсатишга журъат этганди. Қальъа қаттиқ ҳужум билан забт этилди. Ҳукмдор оила аъзоларини дарёда фарқ қилиб, сўнг узи ҳам сувга чукиб улди. Муаррих Фаришта келтирган маълумотларга кура. Муборак ҳукмдори ўз ҳазинасини ва аҳли байтини қирқта қайиқقا юклаб, гарнizonнинг таслим булишини кутиб ўтирасдан, улар билан биргаликда дарё бўйлаб, қўйига қочганди.

Ченаба ва Рави дарёлари туташалиган жойдан қўйироқда Талумба деган қадимий шаҳар бор. Таслим бўлган ана шу шаҳардан Соҳибқирон жуда катта миқдорда товон (жони омонлик) олиб, эвазига раҳм-шавқат кўрсатмоқчи бўлди. Бироқ жони омонлик миқдори ва уни ундириш борасидаги қийинчиликлар бу ерда талончилик қилишга сабаб бўлди. Бундан ташқари, озиқ-овқат кам, сипоҳийлар эса оч эди. Фаллани тортиб олишга жўнатилган қўшинлар жойларни тинтуб қила бошлалилар, уйлар ёндириллди, аҳоли асир олиниб, қириб ташланди, фақат шаҳар оқсоқлларигагина шафқат қилинди. Темур Мултон ёнидаги учрашув жойига етиб келишидан олдин унинг захиралари маҳаллий рожалар омборларидаги молудон билан тўлдирилди. Душман қаршилигини камайтириш учун ейиш ва олиб кетиш мумкин бўлмаган нарсалар ёқиб юборилди.

Темур октябрь ойида Сутлем соҳилига ўз чодирини үрнатди. Шу ерда унга Пирмуҳаммад келиб қўшилди. Мултон муттасил олти ой давомида қуршовда бўлди. Айтишларича, қуршов ниҳоясида аҳоли ўликларни еган эмиш. Июнь ойига келиб, Сорангхон таслим бўлди. Бироқ шу зайлда шаҳарни ишғол қилған ғолибларнинг аҳволи мағлубларницидан яхши эмасди. Муссон ёмғирлари ва сув тошқинлари чогида туркийларнинг ҳайвонларда кенг тарқалиш тусини оладиган касалликка чалинган отларидан жуда кўпчилиги қирилиб кетди. Илгари тобелик изҳор этган маҳаллий рожалар келгинди лашкарларнинг оғир аҳволга тушиб қолганини куриб, исён кутардилар ва Пирмуҳаммад ҳамда унинг қолган-кутган суворийлари яширинган Мултон дарвозасига яқинлашиб келдилар. Лекин Темурнинг етиб келганини курган душман тумтарақай бўлиб қочли. Шаҳзода бобоси билан қўшилди. Гарчи валиаҳдининг қўшинлари саросимага тушган, баъзи бир қисмлар

Мултондан ҳұқыз миниб ёки пою пиёда кетишига мажбур бұлған эса-да, Темур набирасини илиқ қарши олди. Ишғол қилинган шаҳардан жуда катта миқдорда үлжа ташиб кетилди. Салтанат назоратчилари бу үлжани иккі күн мобайнида зұрға ҳисоблаб чиққандилар. Шаҳзода даблабали зиёфатда үлжага олинған буюмларнинг ҳар бир турини аңынавий миқдорда намойиш қылды, сұнг бу буюмлар аєнлар ва зобитлар үртасыда уларнинг күрсатған хизматларыға яраша тақсимланған. Соҳибқирион ўз томонидан суюкли набирасига унинг қүшинлари учун үттіз мингта от инъом этиб, бутун юриш давомида унга лашкарнинг үнг қаноти — баронғорға құмон-донлик қилишни топшириди.

Қувонч устига қувонч қүшилди: Соҳибқирионнинг яна бир набираси — Мироншоҳ ва Хонзоданинг ўғли Халил малика-лар ҳамда Салтанат ҳарами канизларини ортган араваларда етиб келди. Бундан жуда мамнун бұлған Жаҳонгир, солнома-чининг таъқидлашича, Қуръон тиловат қилишга ва әлга хайр-садақа улашишга амр қылды.

Декабрь ойида Темур «турли-туман моҳир ҳунармандлар ва санъаткорлар жамулжам бұлған, тохирлар панохгоҳи, қимматбаҳо буюмлар ва ифор бүйлар хазинаси бұлмиш улуғ шаҳар, қамалда булиш учун ҳаддан ташқары үлкан...»⁵ Дөхли бұсагасыда турар эди. Бу ерга Кобулдан келган асосий қүшин (хировул, манглай, шиқовул, чоповул) йүл-йүлакай учраган қальяларни ишғол қилиб, талаганидан кейин чап қанот (жаронгор) билан қүшилғанди. Темурнинг шахсан үзи үн минг кишидан иборат шиддатли ҳужум құлувчи қүшинни олиб, улар билан яқын-атрофдаги ерларни босиб үтаркан, Пирмуҳаммадға қарши бөш күтартған жойлар ақолиси-ни күпроқ жазолади. Аксарият ҳолларда, у ой ёруғида ҳужум қылғанлиги сабабли, қишлоқлар у бостириб кириши араfa-сида кимсасиз, ҳувиллаб қоларди, ақоли саҳроларга, урмон-ларга, мудофааси мустаҳкамланған шаҳарларға қочиб, жон сақларди. Ана шундай жойлардан бири Бхатнир эди. Бу шаҳар Дипалпур ва Пак-Паттанадан қақыр-қуқури ва мол-ҳоли билан етиб келған қочоқларға тұлиб-тошиб кетған эди. Күпгина одамлар унинг деворлари ортида паноҳ топдилар. Темур шаҳарни қаттық ҳужум билан әгаллади, қалъя таслим бўлди. Дипалпур қочоқлари янчиб ташланди, зеро улар Пирмуҳаммадға қарши құзғолон күтартған ва унинг лашкарини қиличдан үтказғандилар. Пак-Паттана қочоқлари саваланиб, қул қилинди.

Темурнинг жадал ҳужум қилиши — «у гайрат билан олға юаркан, ҳатто учиб бораётған қушларни ҳам қувиб үтарди» — рақиб сultonлардан бирини ҳайдаб чиқариб, бошқаси ор-

қали ҳукм юргизаётган Дөхли ҳукмдори Маллухоннинг юрагига даҳшат солди. Мудофелар таркибида ун мингта от ва йигирма мингта пиёда аскар бор эди⁶, бангуствон, яъни соют билан ҳимояланган, белларига қажавалар үрнатилган ва бу қажаваларга найза, лахча чўғ отувчилар ва арбалетчилар* жойлашиб олган бир юз йигирма жанговар фил уларга мадад бериб турди. Бу филларнинг тишларига уни заҳарланган шамширлар үрнатилганди.

Декабрь ойи бошларида Темур қушиналари Дөхлидан бир неча чақирим шимолроқда жойлашган Лони деган жойни ишғол қилди ва булиқ майсали яйловларни куриб, у ерга аскаргоҳ қурди. Темур, аввало, бу жойларни куздан кечириб чиқди, сунг улуғ машварат чақириб, Дөхлини қамал қилиш режасини баён этди. У теваракдаги қишлоқлардан ғалла ва озиқ-овқатни тортиб олиш хусусида фармон берди. Темур аҳли шикорни ва озиқ-овқат гамловчи гуруҳларни ишга жунатиб, узи бутун кунни атрофни кузатиш билан утказди. У Дөхлига қарши шиддатли ҳужум бошламоқчи бўлганлигига қарамай, бу шаҳар яқинидаги Бхатнирга бостириб киришдан олдин, шу атрофга дағн этилган муслим азиз-авлиёларнинг қабрларини зиёрат қилишни унутмади, ҳозир эса у Жамму дарёси узра юксалиб турган қояда сulton Ферузшоҳ томонидан қурилган Қасри жаҳоннамо (Жаҳон кузгуси қасри)ни томоша қилиб, шу жойдан теварак-атрофни куздан кечираркан, айни чогда, булажак жанг майдонини ҳам белгилаб қўйганди. У ҳийла ишлатиб, душманни ана шу майдонга чиқаришга мажбур этмоқчи эди.

Темурнинг етти юз суворийдан кўп бўлмаган ҳировул (разведка) фавжи Маллуни васвасага солиб, ҳужум қилишга қизиқтириди. Темур Лонига қайтиб келганида, унинг соқасига (аръергард) ҳинъа филлари ҳамла қилганди. Ҳамла қайтарилди, Маллу Қаттиқ шикастланган филларидан бирини жанг майдонида қолдириб, яна Дөхлига чекинди. Қўққисдан қилинган бу ҳужум ҳинъа асиirlари учун кутнамаган оқибатлар келтириб чиқарди. Туркйларнинг қулида, улар Ҳинъл дарёсини кечиб утган пайтдан бошлаб, аёллар ва болалардан ташқари, эркак жинсига мансуб булган юз минг нафардан ошиқ асиirlар булиб, уларнинг купчилиги бутпарастлардан иборат ҳинклар эди.

Қўшин ичиди бошқа мушкул ҳолатлар ҳам юз бериб турди: жанговар филлар туркйлар қалбига таҳдид соларди. Узунқулоқ гапларга қараганда, филлар камон ўқи ва қилич зарбаларини писанд қилмас эканлар, уларнинг фақат ҳаракат қилишидан пайдо булган шамол дараҳтларни илдиз-пил-

* Арбалетчи – ёнга ухашаш қалимий қурол билан қуролланган аскар.

дизи билан қупориб ташларкан. Филлар ўз хартумлари билан отларни ҳам, суворийларни ҳам тутиб олиб, осмонга улоқтириб юбориши мүмкін эди. Ҳировуллик сафаридан қайтиб келган Темур ўзининг саркардалари ва зобитларига мурожаат қилди. У душман сафларини суворий аскарларнинг ҳамласи билан ёриб үтиш ва унинг отлиқ аскарлардан иборат булинмаларини тор-мор келтириш воситалари хусусида гапирди. У ҳамла қилиш услубини ургатибгина қолмасдан, балки душманнинг сиккуви ҳаддан ташқари кучли бўлган чоғда қандай қилиб орта чекиниш ва қай тарзда тўпланиб, янги ҳамлани бўшлашни ҳам ургатди.

Умумий хавф-хатарни камайтириш мақсадида Темур қўшинлар сафлари олдида хандақлар қазиб, фовлар билан мустаҳкамланған тупроқдеворлар — саркублар вужудга келтириш ва ҳамма ерларга қозиқлар қоқиб куйиш хусусида буйруқ берди. Мавжуд хўқизларнинг ҳаммаси бир-бирига маташтирилиб, қўшин олдига саф қилиб қўйилди. Уларнинг ортида кучли қуриқчилар турарди. Ҳар ўн нафар сипоҳийдан бири улжалар ортилган, асир олинганд хотин-қизлар ва болалар ўтқазилган тұялардан иборат уғруқни (карвонни) қўриқлаш учун ажратилганди.

Тайёргарлик ишлари олиб борилганига қарамасдан, сайёralарнинг ҳарбу зарб учун қулай жойлашганлигини тасдиқлашда иккиланиб турған сарой мунажжимларининг шубҳаларини назар-писанд қилмаган Темур ҳаммани намоз ўқишига даъват этди. Хайрли юлдузлар султони — Соҳибқирон кавоқибларнинг қулай жойлашувидан фойдаланғани каби, уларнинг нокуладай жойлашувины инкор қилиши ҳам мүмкін эди. «Инсон омади ҳам, кулфати ҳам юлдузларга боғлиқ эмас. Мен ўзимни Аллоҳ-таолонинг паноҳига таваккал қилдим. Худованди карим шу чоққача мендан юз ўғирмаған. Сайёralарнинг ундоқ ёки бундоқ жойлашиши қандай аҳамиятқа эга? Ҳамонки зарур тадорик күруб, лозим бўлғон эҳтиёт чоралари ғамини еган эканмен, ўз мақсадимни амалга оширишни бир сонияға бўлса-да, кечиктиրмасмен». Қўшин муҳораба қилиш учун жанггоҳ сари юрди. Темурнинг ўзи марказий қўшин — манғлайга қўмондонлик қилди. У Қуръони каримни келтиришларини буюрди ва тусмоллаб, унинг бир саҳифасини очдида, у ердағи матнни кўрсатди. Бу хайрли калима эди, унда катта куч-ғайрат билан қурдатли душманнинг тор-мор этилиши ёзилганди. Темур ўз қўшинларига, бу музafferиятдан ишончли нишона, деб эълон қилди, чунки Аллоҳ-таоло уни ўз паноҳига олганди.

Деҳли ўз дарвозаларини очди: Маллу ва Мұлтон ҳокими

дан отилиб чиқдилар. Темур ёғийнинг ана шу рафторини кутаётганди. У шаҳарни узоқ муддат қамал қилишни истамасди. Темур тепаликда туриб, иккала томон қүшинининг хатти-ҳаракатини кузатарди. Улар юзма-юз тұқнаш келишгач, Соҳибқирон отдан тушиб, үз одатига күра, құлларини кенг ёзиб, ерга ётди ва Аллохдан фатху нусрат сұради.

•Хар қандай ўта довюрак одам ҳам, бир-бири билан тұқнашган қүшинларнинг бу мұдхиш суронидан үзини хотиржам тута олмасди.— деб ёзганди солномачи.— Ҳеч қаңон бунчалар қаттол жаңг булмаган, ҳеч қаңон бунчалар даҳшатли алоло құлмаган эди. Құш наққоралар ва карнайларнинг қулоқни қоматга келтирүвчи ғавғоси, филлар яғринига үрнатылған улкан дұмбиралярнинг сурони, филларнинг жанговар наъралари ва қазоражотлар (батальонлар)нинг «Аллох акбар!» ҳайқириқлари бир-бири билан омухта булиб кетдикі... ер ларзага келди.

Туялар ва буқалар устига ортилған шох-шабба болгламлари филлар ҳужуми бошланиши ҳамоно ёқиб юборилди. Аланғани күрган филларнинг бир қисми құрқувдан орқага тисланыб, үз қүшинини топтай бошлади. Қолғанлари туркийлар томонидан ерга қоқылған қозықлардан ва уч тишли дандоналардан майиб-мажрух бұлды. Пирмуҳаммад қилич яланғочлаганича, ҳужумға бошчилик қилди. Үнинг сиқуви остида ҳинд қүшинларининг чап қаноти ортга чекинди. Темурнинг илғор мэрраларига қилинған ёғий ҳужуми мұваффақиятсизлик билан тугади, ана шунда туркийларнинг алоҳида фавжи ҳинд қүшинининг орқа томонидан зарба берди. Туркийларнинг чап қаноти — жаронғори ҳиндларнинг сабот-матонат билан қилған ҳужумларини улоқтириб ташлаб, Дехли дарвозасыға ҳамла қилди. Султон Маҳмуд ва Маллу шаҳарға қочдилар, чекиниш өғида күпчилик аҳоли ва аскарларнинг талай қисми «топтаб ташланди ва ҳамма ёқда тоғ-тоғ жасадлар қолди». XVI аср охирларидә Ҳиндистон тарихини ёзған, мусулмонлардан чиққан муаррих Фаришта кези келгандა ҳиндларға бұлған үз адватини ifодалади. «Зоти паст ҳиндлар үз мамлакати, үз ҳаёти ва үз келажаги учун бирон-бир ботирлик намунасини күрсатмасдан бирварақайыға қочиши». Филлар ярағанған, уларнинг хартумлари қилич билан кесиб ташланғанди. Баъзи бир филларни подадаги «сигир янглиғ ҳайдаб кетиши». Шаҳзода Халил ҳам (ҳали у үн беш ёшға ҳам тұлмаган эди) қилич билан филға ҳамла қилиб, филбонларни чопиб ташлади, жаңг охирда бу улкан ҳайвонни бобосига тортиқ этиш учун, уни Темур қошиға миниб келди.

Кейинчалик Соҳибқирон үз лашкари амирларидан үнинг сипохийлари, құмандонлари ва шох наасабидан бұлған шах-

юдалар курсатган жасорат намуналари ҳақида күп ҳикоялар тинглади. Кайфияти жуда чоғ бўлган кекса Темур ана шундай ботир одамлари, Халилга ухашаш шаҳзодалар (уни султонлик рутбаси билан сарафroz этганди) учун худованди каримга шукроналар айтиб, куз ёш қилди ва ер упди.

Эртаси куни Темур тантанали вазиятда Дехлига кириб келди. Тунда султон Маҳмуд ва Маллухон узларининг хотин-халажлари, бола-чақаларини ташлаб, қочгандилар. Уларни таъқиб қила бошладилар; Маллунинг икки ўғли, шунингдек, унинг зобитлари ва мўл-кўл ўлжа қўлга олинди. Дарвозалардан бири ёнида Соҳибқироннинг кўшки қад кутарди. Темур шаҳарнинг таслим бўлганлиги ҳақидаги эътирофни қабул қилди. Шаҳарнинг шарофатли зотлари, яъни саййидлар, аҳли девон, шунингдек қозилар, алломалар Темурнинг пойига бош уриб тавозе қилдилар, уларга ўз ҳовли-жойлари туҳфа этилди. Катта товон эвазига уларга ҳимоя ваъда қилинди. Фалаба кўйлари янгради, мадҳия ашъорлари ёзилди. Дехлининг омон қолган филлари ўз янги ҳукмдорлари олдидан тантанали юриш билан ўтдилар. Шунингдек, улар Соҳибқирон қаршисида гиз чўқтирилиб, гўё улар ҳам шафқат-марҳамат сўраётгандек, узларига хос наъба тортишга мажбур қилинди. Боз устига, каркидонлар ҳам тантанали юриш билан ўтдилар. Бироқ тиз чўкмаганликлари ва буйруқقا итоат этмаганликлари сабабли, улар кучли таассурот қолдирмалилар.

Чопарлар салтанатнинг барча гўшаларига музafferият ҳақида хабар етказдилар.

Келаси жума намозида ҳурматли ва жасур Назириддин Умар енгилмас Темур номини хутбага қўшиб ўқиди.

Сарой амалдорлари, хазиначилар, муфаттишлар ва маъмурлар дехлийлардан уларнинг бойлиги ва ҳол-аҳволига қараб, шаҳар дарвозалари ёнида моли омонлик ундириш учун иш бошладилар. Шаҳарни талон-торож қилишга фармон берилмади, vale туркӣ аскарлар унинг ҳамма ёгини мур-малаҳдай босиб кетганди. Шакар ва фаллани мажбурий равища давлат ихтиёрига олиш учун у ерда бир неча минг киши қолдирилганди. Моли омонлик ундиришга масъул бўлган амалдорлар ва муфаттишларга қушимча равища хонадонларга кириш ҳуқуқига эга бўлган кўп сонли кишилар ҳам қўшиб берилганди. Масалан, улар таркибида бошқа шаҳарлардан келган қочоқларни дехлийлардан ажратиб берувчи одамлар ҳам бор эди, негаки фақат дехлийларгина афв этилишга молик этдилар. Шаҳар таслим бўлгандан кейин орадан бир ҳафта утиб, шоҳ хонадони хонимлари шаҳарнинг диққатга сазовор жойларини куздан кечириш истагини билдирилар. Ташириф буюрувчилар шарафига дарвозалар очиқ қолдирил-

ди, улар билан бирга қўшичча тарзда шаҳарга яна кўп миқдорда аскарлар ҳам кирди. Ҳар қалай, ўн беш мингга яқин сипоҳийлар Дехли ичида түпланишга рухсат олишиди. Оқибат, талончилик йўли билан ундирилган моли омонлик ва имтиёзлар хусусидаги баҳслар юзасидан муқаррар тартибсизликлар келиб чиқди. Фазабланган шаҳарликлар босқинчиларга қарши курашга қўзғалдилар, уларнинг кўпчилиги умидсизланиб, уз уйларига ут қўйдилар ва уз оила аъзолари билан бирга оловда кўйиб, кул бўлдилар. Бир соат давомида туркий қўшинлар Дехлига кирди, уларни тұхтатиб қолиш ҳеч кимнинг қўлидан келмасди. Амирлар шаҳарга бегона сипоҳларни киритмаслик учун дарвозаларни ёпдилар, аммо ичкарида булган туркийлар ташқаридан қолган уртоқлари учун дарвозаларни очишига ёрдам бердилар. Қушин шаҳарга ёпирилиб кирди. Уч кун давомида шаҳарга ут қўйилди. Бу воқеалар хусусида Фаришта баҳтиқаро дехлийларнинг жидду жаҳд билан кўрсатган жасоратлари ҳақида •ниҳоят, улар уз қонлари билан ҳовурдан туширилди. Улар қуролларини ташлашди, бамисоли қассоб олдидаги қўйлар каби тақдирга тан бердилар... Шаҳарда ҳиндлар сони уларнинг душманларига қараганда ўн баравар ошиқ эди ва агар уларнинг жони бўлганида, ҳар бир шаҳар кўчаси, уйи ва бурчагига сочилиб кетган, хизмат билан банд булган туркийларнинг уларга қаршилик курсатишлири мумкин бўлмасди. Гарчи ҳиндлар узларининг қулларини уз хотин-халажлари ва фарзандлари қони билан бўяшга ваҳшийларча қарор қилган бўлсалар-да, ҳар ҳолда биз уларни қўрқув қуллари сифатида курамиз...» деб гайри одил фикр айтган эди.

Уша даврда Дехли учта тумандан иборат эди, уларнинг иккитаси — Шири ва Жаҳонпаноҳ биринчилардан булиб бўйсундирилди. Тирик қолган ҳиндилар учинчи туман — Эски Дехлига қочиб, жоме масжидида тўпландилар.

Шарафиддин амирларнинг ҳаддидан ошган туркийларни тизгинлашда ожиз бўлганликларини тавсифлар экан, шаҳарликларнинг ёмон хулқ-атвори ва хиёнаткорликлари натижасида Дехли жабру ситам кўри, деб важ кўрсатади, талончилик ва қотилликларни эса, қуюшқондан чиқмаган жарима, деб ҳисоблади. Ҳикоялари солномачилик нуқтаи назаридан илк манба бўлган Фиёсиддин Али: «Сипоҳийлар қўйлар сурувига ташланган оч бўрилардай ёки заифроқ қушларга ҳамла қилган бургутларга уҳшаб, аҳоли устига ташланишга шошилишди», — деб ёзганди. Келиб чиқиши Темурийлардан бўлган шоҳ Акбарнинг тарихчиси Низомиддин Аҳмад: «Темур шаҳар аҳолисига афв инъом этиб, моли омонлик солиги ундириш учун кўп кишиларни тайнинлади. Солиқчиларнинг шафқатсиз-

лигидан ғазаби жүш урган баъзи шаҳарликлар қаршилик курсатиб, уларни ўлдириллар. Бу мардонаворлик Темурнинг қаҳрини келтирди, бироқ охир-оқибатда Темур раҳм-шафқат қилди ва афв түгрисида буйруқ чиқарди», — деган эди.

Бу ҳодисалар атайлаб халқ ичига қутқу солиш учун Соҳибқирион томонидан уюштирилганлиги хусусида исбот-далил йўқ. Темур ҳеч қачон ҳеч бир шаҳарни муттасил назорат қилишга интилмаган. Бироқ унинг бойлик ва захираларини, ёгийлар фойдаланмаслиги учун, жанг майдони ортида қолдирадиган одати ҳам йўқ эди. Унинг биринчи талаби қушинларнинг эҳтиёжини қондиришдан иборат эди, шунинг учун у қулидан келган тақдирда ҳам, машаққатли ғалабадан кейин одатий ҳол ҳисобланмиш, аскарларни рағбатлантирумай қўймасди — бундай дейишга ҳеч қандай асос йўқ.

Ҳар ҳолда туркийлар ўлжа масаласида ўз ниятларида со-бит турдилар. Баъзи бирорлар шаҳардан бир юз элликталаб қул олиб кетдилар, ҳатто энг камбағал сипоҳийлар ҳам кам деганда йигирматадан қулга эга булдилар. Улар жавоҳирлар, либослар, олтин ва кумуш идиш-товоқлар, кўп миқдорда танглар йиғдилар. Ўз бойликлари: билагузуклар, маржонлар, исирғалар, оёққа тақиладиган зеб-зийнат буюмлари ва бошқа олтин тақинчоқларини сақлаб қолган ҳинд аёлларининг баҳоси, айниқса, ошиб кетди. Султонларнинг бир неча авлоди туплаган бойликлар бир неча кун ичидаги туркийлар қулига ўтди.

Бу давр мобайнида Темур ва унинг саройи аъёнлари зиёфатлар ҳамда базми жамшидлар билан кўнгил очдилар. Қушинлар қуюшқондан чиққанлиги ва Деҳли олов ҳалқасида қолганилиги ҳақидаги хабар билан ҳазрати ҳумоюн байрамини тухтатишга ҳеч кимнинг имкони бўлмади ёхуд бундай қилишга журъат этолмади.

Шундан сунг бир неча кун бу ерга шаҳардан олиб келинган асиirlарни тоифаларга ажратиш билан ўтди. Темурнинг буйругига кура, ҳунармандлар, хусусан, гишт терувчилар Соҳибқирион ихтиёрида Самарқандда маҳсус ишларда ишлашлари учун танлаб олиндилар. Темур Деҳлида бўлган беш кун давомида шаҳарнинг таслим булганлиги ҳақидаги далолатномага имзо чекди, тобе булишдан узга иложлари қолмаган ҳинд рожаларидан ўлпонлар қабул қилди. Ўлпонлар орасида узоқ йиллар мобайнида Ҳиндистон султонларининг оромини қўриқлаб келган иккита оқ тутиқуш ҳам бор эди. Темур бу совғани, айниқса, кўнгилга хуш келадиган деб ҳисоблади ва уларни хушбахтлик белгиси сифатида баҳолади. У Деҳлига қанча тез келган бўлса, бу ердан ҳам шунча тез жунаб кетди.

Шимолий Ҳиндистон текисликлари Искандар Мақдуний ёки Чингизхон қўшинлари учун қанчалик жозибасиз куринган бўлса. Темур сарбозлари учун ҳам шундай совуққина диёр бўлиб туюлди. Ҳатто Ҳиндистонда мўғул сулоласига асос со-лган Бобур ҳам ёзган эди: «Ҳиндустон кам латофат ер воқе булубтур. Элида ҳусн йўқ ва ҳусни ихтилот ва омизиш ва омаду рафт йўқ ва таъб идрок ва адаб йўқ ва карам ва муруват йўқ ва ҳунарларида ва ишларида сиёқ ва андом ва режа ва гўния йўқ ва яхши от йўқ ва яхши ит йўқ ва узум ва қовун ва яхши мевалар йўқ ва ях йўқ ва совуқ сув йўқ ва бозорларида яхши ош ва яхши нон йўқ...»

Темур ўз йўлида Дехлидан бир неча миля шимолда, Жамуна дарёси соҳилларида сulton Феруз томонидан ойнадай силлиқ мармардан бунёд этилган ажойиб масжидда бир соатга тұхтади. Шу ерда у Аллоҳ йўлида икки ракаат намози шукронда адо этиб, кофирларни жазолашдек мұқаддас вазифани бажариш (жиҳод) учун яна йўлга тушди.

Темур январь ойи бошларида адирлар ёқалаб шимол томон юрди. Таслим булишдан буйин төвлаган Мейрутга Темур томонидан қаттиқ ҳужум қилинди. Шаҳарга ут қўйилди, қаршилик кўрсатган ҳиндлар тириклай ёқиб юборилди. Темур амир Жаҳоншоҳ қўмондонлиги остидаги фавжларга Жамуна дарёси соҳилидаги қишлоқларни талаш хусусида буйруқ берди, ўзи эса, Ганга дарёси томон йўл олди. Дарёда булиб утган жангда ҳиндларнинг қирқ саккиз кемаси чуктирилди. Шунингдек, Темур бу мавзеда узларининг машҳур мақбарасига эга бўлган кўпгина оташпарастларни (зардуштийлар) сувға гарқ қилди⁹.

Темур Кашмир томонга тоғ этаклари бўйлаб шимоли-гарбий томонга, куп ҳолларда ой ёргугида юриш қилар экан, бир ой давомида аввалдан тайёргарлик курилган талай жанглар утказли, етти қалъани забт этди, жуда куп майда-чуйда тўқнашувларда ғолиб чиқди. Бу тўқнашувларда унинг сара қушинлари оз сонли бўлганлиги учун, куп ҳолларда мушкул аҳволларга ҳам тушдилар. Жангу жадаллар билан утган бу пайтда отлмиш уч ёшга кирган Темурнинг қулида аламли шиш пайдо бўлди. Лекин бу дард тез тузалди. Амирлар Соҳибқиронга ғаним билан юзма-юз туриб жанг қилмасликни маслаҳат бердилар, лекин кекса Темур уларга жавоб бериб айтдики, дини ислом учун олиб борилган урушнинг иккита энг олий имтиёзи бордир. Биринчи имтиёз шундаки, уруш жангчини зоҳирлан шон-шуҳратга буркайди ва дорилбақода унинг түғри жангнага киришини гаъминлайди. Иккинчи имтиёз шундан иборатки, у жангчига бу дунёнинг жавоҳиротларини беради. Темур ана шу имтиёзларнинг икковига сазовор бўлишини хоҳлагани учун ҳам бу даъволарни оқлашга интиларди.

Ҳимолай тоғлари этаклари бүйлаб жойлашган музофотлар таланди, қаршилик курсатганлар шафқатсиз жазоланди. (Баъзи бир туманлардаги маймунлар бўйсун масликада одамларга ибрат бўлди. Улар тунда туркийлар аскаргоҳига келиб, сипоҳийларнинг уст-бошларини ўғирлаб кетарди). Темур ҳамиша бўлганидек, сергак эди, у ўз лашкарининг ҳар жабҳада маъмур ва мамнун бўлишини кузатиб борарди. Агар бирон-бир туркий фавж бирон босқиндан қуруқ қайтгудек бўлса, Темур мўлкўл ўлжалар билан қайтган бошқа фавжларга, ўз ўлжаларини уша фавж билан баҳам куришни амр этарди.

Деярли икки ой давом этган қонли ҳужумлардан кейин Дехлидан Кашмирнинг мусулмон подшоси Искандар ҳузурига юбориилган элчилар Соҳибқирон ҳузурига қайтиб келдилар. Шоҳ юборган номада, унинг Темурга бўйсунишга ва Саркарданинг хизматига киришга тайёр эканлиги ёзилган эди, бироқ йўлда у Темурнинг элчиларидан бошқа бирига рубару келади, бу элчи унга уч мингта от ва юз минг дерест тилла танга (Кашмирнинг пул бирлиги) тўлашни буюради. Шунда шоҳ Искандар солиқни тўплаш учун уйига қайтган ва уни йигиб бўлгач, Темур ҳузурига олиб келишга ваъда берган. Темур буни эшитиб, солинган солиқдан норози бўлган ва уни ундириш кичик мамлакат учун оғирлик қилишини айтган. У Искандар ҳузурига элчи юбориб, унинг ўлпон йигилишини кутиб ўтирмасдан, ун кун ичида Ҳинд дарёси соҳилига етиб келишини тайинлаб, у билан учрашмоқчи эканлигини айтган.

Туркийлар уйларига қайта туриб, йўлда дуч келган қаршиликларни қувлик ва қилич билан снгдилар. Масалан, Жаммудаги ҳинд рожаси ўзига қарашли ҳудудни Темур қўшинларидан тозаланди, деб уйлаган бир пайтда пистирмада қўлга туширилди. Асиirlар занжирбанд қилиндилар, аммо рожага шафқат кўрсатиб, унинг жароҳатларини даволадилар, чунки Жамму вилоятидан катта миқдорда ўлпон ундиришдан умидвор эдилар. Рожа уларнинг умидини куттганларидан ҳам зиёда қилиб оқлади: ўлпонга қушимча тарзда «Ла илоҳа иллаллоҳ» деб калима келтириб, мусулмон бўлди. Бу ҳам камлик қилганидай, сигир гўштини еб, дини исломни қабул қилганлигини исботлади.

Айни чогда, Лаҳорга қарши фавж юборилди. У ерда илгари Темурга бўйсунганди, бир маҳаллари Саркардага унинг ҳарбий юришларида йўл кўрсатувчилик қилган калтабин валиахд Шайха ўзининг ҳордиқ чиқарган қўшинлари билан Темурга қўшилишдан бош торттанди. Бунинг ўрнига у Лаҳорда ўз вақтини айш-ишратда ўтказаётганидан, устига-устак, Соҳибқирон ҳузурига қайтаётib, Лаҳорда тўхтаб ўтган Салтанат

хазинабони Ҳиндү шоҳ¹⁰ ва Ҳукмдор хонадонининг бошқа аъзоларини етарли даражада таъзим ва тавозе билан кутиб олмаганди. Лаҳор ишғол қилиниб, шаҳарга катта миқдорда солиқ солинди, валиаҳд Шайха қатл этилди.

Март ойи бошларида Темур шаҳзодалар ва қўшин зобитлари билан хайрлашиш ҳамда уларни ўз музофотларига жўнатиш учун девон йигини чақирди. Уларнинг уйга қайтиш иштиёқлари баланд эди. Саркарда Дехлини ҳукмдорсиз қолдириди, бироқ тобе этилган мусулмон шаҳзодаларидан бирини Панжоб билан Юқори Синд устидан ноиб қилиб тайинлади. Бу Муҳаммад пайғамбарнинг авлодларидан ҳисобланган шаҳзода Хизрхон Сайийд эди. Хизрхон бундан сал аввалроқ Сорангхон томонидан Мултондан ҳайдаб чиқарилган булиб, ўзини Темурнинг Дехлидаги тобени деб тан олганди. Шундан бери у ватанига қайтаётган туркийларга ҳамроҳлик қилаётганди. Темур уни «сайийд ва — яхши одам» сифатида биларди.

Темур саройида яшаб турган ва Ҳинди斯顿 буйлаб сафар қилишга хоҳишманд бўлган венециялик савдогар Николо де Конти «ҳамма ёқда осудалик ҳукм сурарди, чунки уша даврда Темур давлати Ҳинди斯顿дан Кизил денгизга қадар ястаниб ётарди» деб ҳисоблаганди.¹¹ Хизрхон ҳамон Темурнинг устунлигини тан олар, унинг номини тангаларга зарб этар ва жумъа номозларида хутбага қушиб ўқитарди. Мунтазам ўлпон тুлаб туради. Бу орада сulton Махмуд, Маллухон ва бошқалар Дехлига қайтиб келишиб, яна ҳоқимият учун кураш бошлаб юборишиди. Охир-оқибатда Маллу Хизрхон Сайийл билан бўлган жангда тор-мор қилинди. Орадан бир неча йил ўтиб, Хизрхоннинг ўзи Дехлини ишғол қилиб, Сайийлар сулоласига асос солди.

Салтанатнинг турли қисмларидан кафолатланган киримларга эга бўлган кекса Темур шошилинч тарзда Самарқандга қайтди. Фарбдан муҳим хабар келганди: Миср ва Сурия султони Барқуқ бу фоний дунёдан риҳлат қилганди. У чавгон уйинидан кейин ширинликлар ва қовурма қарқара гуштидан тановул қилиб, безгак хасталигига чалинган экан. Барқуқнинг -ҳали ўспирин бўлган ўғли Фарож унинг саройидаги шуҳрат-параст, бадният аъёнлар устидан ўз ҳукмронлигини ўрнатиш учун таҳтга чиқибди. Темур уйга шошилинч жунар экан, қаршилик курсатган фанимларни жазолаш учун ҳам фурсат ва куч топарди. Бироқ қушин ҳолдан тойғанди. Бир талай сипоҳийлар касал эдилар. Отсиз қолган сипоҳийлар эса кўпприксиз дарёлардан кечиб утолмасдилар. Ҳинди斯顿нинг иссиқ иқлим шароити, айниқса, отлар учун оғат булди. Темур бундан кейинги талафот пайини қирқиши мақсадида сарбозлар учун ўз

уюридан күп от ажратишига ва дарёдан утиш учун күприклар қуришига мажбур бўлди. Бундан ташқари, аскарлар шу қадар күп ўлжа билан қайтаётган эдиларки, бир кунда тўрт милядан ортиқ юра олмас эдилар.

Лекин Темурнинг ўзи чарчашиб нималигини билмасди. Саркарданинг қайтиб келаётганидан огоҳлантириш учун Мовароуннаҳрга чопарлар юборилди. Темур қушинларнинг манғлайида (авангارد) йўл танобини тортарди, Кобулга етиб келиб, у ерда соҳибжамол малика Чулпон Мулк оғони отлари ва хачирлари ёмон аҳволда бўлгани учун, фақат кучи тиклангач, йўлга тушиши лозим бўлган лашкар билан бирга қолдирди. Темур Кобулдан Амударёга элтадиган, баҳор келганига қадар отлиқлар ҳаракати учун ёпиқ бўлган йўл бўйлаб, ҳаммадан олдинда борарди.

Соҳибқироннинг оёқлари ва қулларида пайдо бўлган чипқонлар уни ухлатмас, эгарга минишига монелик қиласди. У бир неча кунга тухтаб, манзил қурди, кейин даҳшатли оғриқдан юзларини бужмайтириб, хачирларга ортилган тахтиравонга ўтирганича, яна йўл босди. Оғриқазоби кундан-кунга кучайиб бораверди. Энди Соҳибқиронни ўша тахтиравонда Ҳиндикуш даралари орқали хизматкорлар елкаларида кутариб борардилар. Шу қабилда тоғ дарёларининг илонизи водийлари босиб ўтилди. Худди шунингдек, Бобур ҳам Ҳиндистонда чипқонлардан ва бел оғрифидан азоб чекканди: бунга у, Ҳиндистоннинг ёмғирлари ва рутубатли об-ҳавоси сабаб деб айтганди.

Ойнинг охирида Темур ўзига яқин бир гуруҳ одамлар томонидан қарши олинди. Кутиб оловчилар орасида «маҳди улё» — малиқи муazzама Сарой Мулк хоним, Темурнинг энг ёш қайлифи Туқал хоним, кенжা малиқа Туман оғо ва саройдаги бошқа хонимлар, шаҳзодалар бор эди. Уни кутиб олгани Темурнинг ўспирин набираси Улуғбек ҳам чиққанди.

Темур ўз саломатлигини тиклади, у сарбаланд қорли тоғлар орқали чопарлар юбориб, у ердан шошилинч равишда филлар билан қайтиб келишини амр этди. Самарқанд янги тантанали учрашувга ҳозирлик кўрмоқда эди.

XI боб

СУЛОЛАВИЙ МУАММОЛАР

Темур саломатлигининг тикланиши, унинг Мовароуннаҳрга қайтиши доруссалтана — Самарқандга тантанали юриш

* «Маҳди улё» — Соҳибқироннинг энг катта умр йулдоши унвони.

билан нишонланди. Турли манзилларда уни фарзандлари ва набиралари қарши олдилар. У ўн беш кунга Шаҳрисабзда, ўзининг Оқсаройида тұхтади, сұнг у ердан Тахта Қароча қасрига йўл олди. Мазкур қаср Соҳибқирон бундан бир неча йил аввал асос соган улкан боғ қўйнидан жой олганди. Шундан сұнг Саркарда Самарқанднинг шундай биқинида жойлашган Боги Дилкушога етиб келди. У опа-сингиллари, завжалари ва амирлари дағн этилган Шоҳизинда мажмусини зиёрат қилди, қисқа фурсат ичидә ўзининг завжаларидан бири — Туман оғо томонидан барпо этилган мискинлар уйи — дориложизинни бориб курди, шу ердан Сарой Мулк хоним қурдирган мадрасага йўл олди. Шундан сұнг у Боги Чинорга, ундан Боги Жаҳоннамога, сұнгра Боги Беҳиштга, ундан чиқиб, Боги Баландга қадам ранжида қилди. Ҳиндистондан чиқсан филлар ва угруқ (юқ ортилган карвон) ана шу Боги Баландга етиб келганди. Асиirlар, филлар ва үлжалар шаҳар аҳолисига на мойиш этилди. темур набираси, Фарғона ҳукмдори Муҳаммад Султонга асир олинган валиаҳд Сорангхонни (у Мултонни топширганди), бир неча филлар ва Ҳиндистоннинг бошқа ажойибот-ғаройиботларини совға этиб жұнатди.

Кекса Темур дориладолат (суд) ишларини куриб чиқиш ва навбатдаги юришга фармойиш бериш билан бир қаторда, ўзи эришган зафарларга муносиб ҳайкал бўлиб қоладиган муazzам жоме масжиди қуриш хусусида амр қилди. Шу чоққача Темурнинг асосий қурилиш лойиҳалари зодагонларга хос виқор билан тузилган эди. У, эҳтимол Жамуна дарёси соҳилидаги Ферузобод масжидини куриб хавас қилган бўлса керак, энди қурдирмоқчи бўлган масжид ишига асир тушган энг моҳир гишт терувчилар ва усталарни дарҳол сафарбар қилиш хусусида буйруқ берди, уларга филлар ва мажбуран ёлланган мардикорлар дастёрлик қилишлари керак эди. Шошилинч тарзда Озарбайжон, Эрон ва Ҳиндистондан икки юзта мармар тахта етказиб келиш хусусида амр қилинди. Масжид учун танланган жой Дарвазаи Оҳанин ёнида, Сарой Мулк хоним мадрасасининг рупарасида эди. Икки таниқли амир — Хўжа Маҳмуд Довуд билан Муҳаммад Жалот қурилишга саркор этиб тайинландилар. Темур ҳар куни ишнинг қандай бораётганлигини суриштириб турди. Шарафиддиннинг «Зафарнома» сига ишланган Беҳзоднинг минётиларидан бирида жоме масжиди қурилишида ишләтган усталар ва филлар тасвирланган. Асарнинг қизиқарли тафсилотларидан бири ана шу масжиднинг митти нусхасидир, чунки уша маҳалларда иншоотлар олдиндан ишланган режалар асосида тикланмасди.

Шу билан бирга, Темур узининг навбатдаги ҳарбий юришига тайёргарлик кура бошлаган эди, зеро кўчманчи ва ўтрок

халқларнинг бекларини ички низолардан чалғитиш мақсадида уларни бирон-бир иш билан банд қилмоқ лозим эди. Бунинг устига, Чигатойлардан чиққан қабила бошлиқларининг талончилик майлларини муттасил қондириш зарурияти Темур учун ортиқча үлжа билан енгил-елпи ҳаёт кечириб келган сафдошларининг боқи-бөгамлик ва сусткашлик қилишга бўлган рағбатларини даф этишини тақозо қиласади. Темур ҳар қандай душманнинг бирон-бир оқизлигидан фойдаланиб қолиш учун турли томонлардан ахборот олар, кутилмаганда қўшин суришга тайёрланар экан, бу режаларини ҳаммадан маҳфий тутарди.

Соҳибқирон, шунингдек, сулолавий муаммолар билан ҳам банд эди. У Мовароуннаҳр сарҳадига жойлашган Фарғона мулкидан валиаҳд Муҳаммад Султонни чақиририб олди. Темурзода Жаҳонгирнинг тұнғич фарзанди Муҳаммад Султон мұғул хонининг қызига уйланиб, Темур қонини Чингизхон қони билан қушганди. Катта нуғузга эга булган ҳарбий саркарда Муҳаммад Султон валиаҳд этиб тайинланғанди. Темур уни үзидан кейинги таҳт соҳиби деб танлаган ва бу гап күпдан бери ҳаммага маълум эди. Темур юз бериши мүмкін бўлган баҳс-мунозараларга үрин қолдирмаслик учун, шаҳзоданинг номини жума намозида хутбага қушиб үқитиши, тангаларага исмини зарб қилдириши буюрганди. Сулолавий изчиллик тасдиқланган ва қабул қилинган эди.

Сирасини айтганда, Темурий шаҳзодалар кекса Соҳибқироннинг ҳафсаласини тез-тез пир қилиб туришарди. Иккى ўғли аллақачон боқий дунёға риҳлат қилган, Тұнғич ўғли Жаҳонгирнинг пуштикамаридан бўлган Муҳаммад Султон тирик қолган иккى амакисидан мұхим бир устунликка эга эди; улар тохик канизакларидан туғилгандилар. Чамаси, Темурнинг уларга нисбатан ҳусн-таважжухи йўқ эди. Темур мұғул завжалиридан ўғил кўрмаганди. Унинг кенжә ўғли Шоҳруҳ комил мусулмон булганидан, ҳарбу зарб илми ва Чингизхоннинг кўчманчилик ҳаёти тарзидан ҳам кура, купроқ шариат қонунлари мажмуига амал қиласади. Шоҳруҳ меъёр билан иш туладиган босиқ табиатли ҳукмдор сифатида обру сақлаб келган. кейинчалик Ҳиндистон ва Эроннинг подшоси булиб қолганди. У, архимандрит^{*} Томас Ментопскийнинг берган гувоҳликларига қараганда, «сулҳпарвар киши эди». Шоҳруҳдан кейин Мироншоҳ мерос тариқасида Хуросон ҳукмдорлигини олган эди. Бироқ у мустақил тарзда бирон-бир ҳарбий юриш қилишга эҳтиёж сезмади.

* Архимандрит — насроний диннің роҳибларининг олий унвони, одатда, дайр бошлиғи.

Темурнинг тирик қолган ўғилларидан каттаси Мироншоҳ бошқа бир муаммони келтириб чиқарди: Ҳиндистонга қилингандын юриш охирида Темурнинг қулогига Ҳалокулар мулки — шимолий Эрон, Озарбайжон ва Бағдоддан келган ташвишли хабарлар чалинди. Биринчидан, Мироншоҳ ташқи душманларнинг таъзиини бериб кўйишга ожизлик қилганди. 1393 йили Бағдоддан қочиб, Миср ва Сурия сultonни ҳузурига паноҳ истаб борган сulton Аҳмад Жалойир келгуси йили яна ўз пойтактига қайтиб келганди. Мироншоҳ уни ҳайдаб юбориш учун қушин тортиб борди, бироқ ўз салтанатида унга қарши фитна уюштирилгани ҳақидаги хабарни эшишиб, шоша-пиша Табризга чекинди. Фитнада иштирок этганликда айблангандар ва хоинлиги учун қатл қилингандар орасида Табриз шайхулисломи ҳам бор эди. Темур, одатда, атоқли дин арбобларнинг гуноҳини кечиб юборарди. Шимолий ҳудудларда ҳам Мироншоҳнинг омади чопмади. Озарбайжондаги Оланжиқ қалъаси туркйлар томонидан узоқ вақт қамал қилиб турилди. Ана шу Оланжиқда Аҳмад Бағдодийнинг ўғли Тоҳир бор эди. Гуржилар фавжи шаҳарни озод қилиш учун жидду жаҳд билан ташланди. Улар туркйлар ҳужумини қайтариб, шаҳарни ҳам, Тоҳирни ҳам озод қилдилар.

Бу мағлубиятлар давлатда тартибсизликларни келтириб чиқарди. Бу тартибсизликлар, айтишларича, оқсуяқ табақалардан иборат ҳукмдорларнинг ахлоқсиз ҳаёт тарзи, ҳалққа ҳадлан ташқари жабр-зулми натижаси эди. Валиаҳд тинимсиз майхурлик қилар, қимор уйнарди. Давлат хазинаси (бунга Салтанат хазинасига тушадиган солиқ ва ўлпонлар ҳам кирарди) совурилди. Хабар беришларича, Мироншоҳ Сultonиядаги яшил гумбазли масжидга дағн этилган элхон ўлжайтунинг* қабрини таҳқирилаган, шу шаҳардаги ва Табриздаги бошқа талай биноларни вайрон қилганди. Бу вайронгарчилик хатти-ҳаракатлари, кейинчалик Клавихо аниқлаганидек, Мироншоҳнинг ёмон от чиқаришга учлиги билан боғлиқ экан: умрида ҳеч вақо бунёд қилмаган Мироншоҳни, жилла қурса, у вайронага айлантирган улуғвор ёдгорликлар туфайли ёдга олсалар, шояд. «Баски мен, дунёдаги энг улуғ зотнинг фарзанди эканман, вафот этганимдан кейин донғи етти иқлимга кетган бу машхур шаҳарларда мени ҳамиша эслаб туришлари учун нима қилсан экан?» Давлатшоҳнинг ҳикоя қилишича, Мироншоҳ Табризда дағн этилган Рашидиддиннинг қабрини бузиб ташлаб, уннинг хокини яхудийлар қабристоннига кучириш хусусида буйруқ берган. Рашидиддиннинг келиб чиқиши яхудий қавмида булган.

* Ўлжайту Сulton — 1304—1317 йилларда Эрон ва Озарбайжонни идора қилган ҳукмдор.

Эхтимол, шаҳардаги бинолар ўлжа ва яширилган ҳазина-ларни излаш натижасида вайрон этилгандир. Бироқ адовар руҳи билан сүфорилган манбалар бу номатлуб ҳатти-ҳаракатларни Мироншоҳнинг ичкиликка ружу қўйиши оқибатида қузийдиган беҳад ғазабнок ва қабиҳ феъл-хўйи ҳамда унинг бадфеъл улфатлари қилган фаҳш ишлари оқибати, деб изоҳлайдилар. Ҳар ҳолда Мироншоҳнинг бу феълхўйи кўпгина мұгул шаҳзодалари умрига зомин бўлди. Сарой солномаларида шаҳзоданинг ақлан ноқислигига унинг шикор чоғида отдан йиқилиши сабаб бўлган эди, деб курсатилади. Арабшоҳ ҳам Мироншоҳнинг ақлий жиҳатдан занфлиги ҳақидаги фикрни қўллаб-қувватлаб, отасининг Ҳиндистонга юриши чоғида унга ёзган бирмунча жиртакилик оҳангидаги номасини бунга далил қилиб келтиради. Тахмин қилишларича, номада Темурнинг ёши бир жойга бориб қолганлиги, унинг жисмоний заифлиги, шунингдек, энди Салтанат туғини кутаришга қодир эмаслиги хусусида гап борганди. Мироншоҳ отасига, ҳамма тақвodor кишилардек масжид гўшасида утириб, то худованди карим жонини отгунига қадар унинг йулида тоат-ибодат қилишни маслаҳат берганди. «Ҳозир Сизнинг фарзандларингиз ва набираларингиз орасида шундай иқтидор соҳиблари борки, улар Сизнинг фуқароларингиз ва қушиналарингиз устидан мақбул ҳукм юргизишга, салтанатингиз ва ҳудудларингизни муҳофаза қилишга қодирдирлар». ...Номада пайғамбарларнинг шон-шуҳрати фотиҳларнинг шаън-шавкатидан улуғвороқдир дейиларди. «Сиз раийят устидан адолатсизларча ҳукм юргизасиз, шунингдек, чиқарган ҳукмларингиз адолатли эмас; Сиз туқсиз, аммо раийятнинг бойлиги ва ғалласи эвазига насибангиз бутун; Сиз узингизни ҳимоячи сифатида курсатасиз, айни чоғда, элнинг бағрини хун қиласиз, қовурғаларни синдирасиз; Сиз пойдеворлар тиклайсиз, аммо бу пойдеворлар азоб-уқубат тагзамиллариdir; Сиз олга томон юрмоқдасиз, аммо бу фирромлик билан босилган йулдир...» Бу фикрларни Арабшоҳнинг ўзи ифодалашга интилганди.

Мироншоҳнинг ақлий ноқислигими, исрофгарчилигими — нима булганда ҳам оқибати Салтанат ва савдо йуллари учун заррарли булиб чиқди. Бундан ташқари, Мироншоҳ ғалаёнчи гуржи, арман, озарбайжон, туркман ва бошқа тоғли қабилалар яшовчи исёнкор туманларни назорат қилишга ноқобил булиб чиқди.

Темур Ҳиндистондан қайтгач, орадан бир неча ҳафта ўтиб, Жаҳонгирнинг беваси (эндиликда Мироншоҳнинг никоҳида булган малика) Хонзода кутилмаганда Султониядан Самарқандга ҳеч ерда тұхталмасдан; кечаю кундуз йул босиб етиб келди. Маликани Темур Боги Чинорда қабул қилди. Машхур

малика Ҳалокулар подшолигида юз бераётган тартибсизликлар хусусидаги баёнга ўз шавҳарининг исёнкорлик ниятлари ва ўзининг ундан эшитган ҳақоратларини ҳам илова қилди; бунга ортиқ чилад бўлмасди.

Темур 1399 йил май ойида Самарқандга қайтиб келган бўлса, октябрь ойида чарчоқ нималигини билмайдиган, қарийб олтмиш тўрт ёшга кирган, неча-нечча марта бобо ва бобокалон бўлган Соҳибқирон раҳбарлигига унинг қўшинлари яна етти йил давом этажак ҳарбий юришга отланганди.

Темурнинг биринчи галда бажарадиган вазифаси — ўғлини жазолашдан иборат эди. Бироқ бу фақат кейинги истилоларнинг муқаддимаси бўлиши мумкин эди. Ҳалокулар подшолиги нарёғига дунёдаги машхур етти подшоликнинг бири ястаниб ётарди, бу — Эрон ортида жойлашган Сурия ва Миср подшолиги булиб, у давлатнинг сultonни Темур билан илгари ҳам бир марта куч синашганди. Бағдод ишғол қилинганидан кейин дўстона савдо-сотиқ муносабатлари ўрнатиш хусусида таклиф билан Барқуқ ҳузурига юборилган Соҳибқироннинг элчилари ҳисб этилиб, ўлдирилди. Сulton Баракуқ Темурнинг душмани Тұхтамиш элчиларини самимий қабул қилди, Бағдоднинг қочоқ ҳукмдори Аҳмад Жалойирни асъаса-дабдаба билан кутиб олди; уни яна Бағдод тахтига ўтқазмоқчи эди. Бироқ сulton Барқуқ энди йўқ. У бол еб, қарқара гуштидан енгил тамадди қилиб, оғриб қолган ва боқий дунёга, ўз аждодлари ҳузурига рихлат қилганди. Унинг ўғли Фарож Коҳира тахтига бўлган ўз эътиrozларини олга суришга уринарди.

Темур қўшинлари ғарбга қараб силжиганда, Муҳаммад Сulton Мовароуннаҳрининг ҳукмдори булиб қолди. Амир Сулеймоншоҳ ва бошқалар Мироншоҳга қарши қўйилган айбларни тафтиш қилиш учун олдинроқ йулга чиққандилар. Улар ҳеч қандай қаршиликка учрамадилар ва Салтанат ҳазинасига тушган бойликлардан қутқариш мумкин бўлган қисминигина асраб қола олдилар, шаҳзоданинг суюқоёқлиги уни қуршаб олган сарой аъёнлари томонидан рағбатлантирилиб турилгани ҳақида Темурга хабар бердилар. Унинг шаҳзватга берилишида айбор деб ҳисобланганлар орасида талайгина алломалар; илм-фан, санъат ва наzmнинг барча соҳаларида танилган, ажойиб суҳбатдош мавлоно Муҳаммад Кўҳистоний, таниқли созанда, моҳир уdnавоз Қутбиддин Мосулий ва бошқалар бор эди. Уз даврининг машхур зотлари бўлмиш бу арзанда ҳабиблар ўлим жазосига ҳукм қилинди. Улар саройдаги ахлоқсизлик иқлимини ҳатто дорга бораётган чогларида ҳам намойиш этишди: Муҳаммад Кўҳистоний ўз улфатига бурилиб қарапкан, уни биринчи булиб сиртмоққа бош суқишига

даъват қилди: «Тақсир, ҳукмдор даврасида Сиз ҳамиша мендан пеш эдингиз, шу сабабли энди ҳам мендан кура пешлик қиласкеринг»; унинг дорга тортилиши олдидан айтган энг сўнгги сўзлари шеърий шаклдаги тажnis эди.¹

Сулаймоншоҳнинг даъвати билан Мироншоҳ отасини кутиб олгани Султониядан чиқди. Уни эртаси кунгача куттириб қўйишиб, шундан сўнг Соҳибқирон ҳузурига киритишди. Шаҳзода эгаллаб турган рутбасидан туширилди. Темурнинг шахсан ўзи мамлакатдаги ғалаёнларни бостириш хусусида фармойиш берди. Темур «бу хавфли одамларни, Азозидан тарқаганларни ўлимга маҳкум этди, аммо юксак мансаб билан сийлаган ўз фарзанди Мироншоҳга тегмади, улар ўртасидаги муносабат ниҳоятда чигал эди, бу чигалликларни Аллоҳнинг ўзидан бошқа ҳеч ким еча олмасди»². Ана шундай сабоқларга қарамасдан, Мироншоҳ шоирларга ва олимларга ҳомийлик қилишни давом эттириди.

Мироншоҳ телбалик тутқаноги дардига чалинганд бўлишига қарамасдан, кейинги беш йил давомида (1399—1404 йиллар) ҳарбий юришларда ўз отасига ҳамроҳлик қилди. Бу даврнинг охирига келиб, Мироншоҳ Самарқандга ташриф буюрган испан элчиларини қабул қилганда, бирон-бир тарзда унинг ақлий жиҳатдан заифлиги кўзга ташланмаганди. Ӯшанда у Клавихо ёзганидек, «ёши қайтиб қолган, қирқ ўшлардаги, басавлат ва йўғон гавдали, никрис хасталигидан азоб чекувчи бир одам эди». Ҳақиқатда эса, Мироншоҳ 1366 йили туғилганди. Клавихо уни 1404 йилда, Мироншоҳ ўттиз саккиз ёшга кирганида курганди.

Шунингдек, Оланжиқ иши Шоҳруҳ раҳбарлиги остида Салтанат девони амирлари томонидан тергов қилинди. Арз-гузоришдан кейин Чингизхоннинг ёсо удуми буйича ҳукм чиқарилди. Зиммасига масъулият юкланган икки ҳарбий бошлиқ дарра билан саваланли. Учинчи ҳарбий бошлиққа ўлим жазоси берилди, аммо шаҳзодалар томонидан афв этилди — олий жазо саваланиш билан алмаштирилди. Уларнинг ҳар бири жарима тарикасида ўттизтадан от беришга ҳукм этилдилар. Айбор деб топилган бошқа зобитларнинг ҳар бирига элликтадан уч юзтагача от тўлаш шарти билан жарима солинди. Шу тариқа йигилган отлар уловсиз қолган сипоҳийларга тарқатиб берилди. Бошқа томондан, Оланжиқ ишида қатнашган Мироншоҳнинг тўнгич ўғли Абу Бакр, далолатномаларда кўрсатилишича, диловарлик кўрсатгани учун бобоси томонидан тақдирланди. Кузголоннинг муваффақият қозонишида айбор деб топилган гуржилар шафкатсиз жазога мустаҳиқ этилди.

Гарчи иккинчи авлод биринчисига нисбатан Темурнинг ишончини кўпроқ оқлаған бўлса-да, у ҳам Соҳибқирон ол-

дига бир талай муаммолар қўиб, унинг ҳафсаласини пир қилди. Уларнинг баъзилари тезда замонга мослашиб, утроқ ҳаётга, «тожикча ҳаёт»нинг роҳат-фароғатларига ўрганиб кетишиди. Масалан, Умаршайхнинг ўғли Пирмуҳаммад Эронда ҳарбий юришлардан кўра подшо саройи ҳаётини афзал кўрди. Отасидан мерос тариқасида Эрон ҳукмдори рутбаси билан сарафроз этилган бу шаҳзода ўз иниси Рустамнинг қўшинлари билан султон Аҳмад томонидан қўлга олинган Багдодга ҳужум қилиш тўғрисида Соҳибқироннинг буйругини олганди. Бироқ Пирмуҳаммад ўзининг бетоблигини баҳона қилиб, ҳужумни ҳадеб пайсалга солаверди. Кейин эса Багдодга юриш урнига Шероз томон бурилди. Натижада, шаҳзода ўзини касалликка соляпти, деб ундан гумон қилишиди, устига-устак, у фош булишдан сақланиб қолиш учун заҳар тайёрлаганликда айбланди. Амир Саид Барлос тергов олиб бориш хусусида топшириқ олди. Бунинг натижасида, шаҳзода ва унинг шериклари ҳибс қилинди. Заҳар тайёрлашда ёрдамлашган бъэзи бир тожик мутахассислари ва маслаҳатчилари қатл этилди, уларнинг айримлари қамоқхонага ташланди, битта жиноятчининг сёқ-куллари чопилди. Пирмуҳаммад авахтага солинди, Салтанат девони қарорига қўра, дарра билан саваланди. Рустам эса акасининг урнини эгаллаб, Эрон устидан ҳукмронлик қила бошлиди.

Агар набиралардан бирида ҳарбий истеъод етишмаса, бошқасида бу истеъод керагидан ортиқча топиларди. Темур гарбга томон, ўзининг еtti йиллик ҳарбий юришига отланганида, шаҳзода Искандар (у ҳам Умаршайхнинг ўғли) Мовароунинарнинг шарқий музофоти бўлмиш Фарғона қўшинлари устидан қўмондон этиб тайинланганди. Хитойга қарши юриш қилинишини олдиндан сезган бу ўн беш ёшли шаҳзода ўз пойтахти Андижонни ташлаб, Муғулистон ичкарисига уюштирилган ҳарбий юришга бошчилик қилди. Бу аснода мұғул хони Хизрхўжа ёруг дунёни тарк этганди, тож-тахт учун ўзаро курашлар билан банд бўлган мұғуллар парокандаликка учрагандилар. Бу — ёш шаҳзода учун қулай вазият бўлиб тујолди. Мазкур ҳарбий сафарда Самарқанддан этиб келган Муҳаммад Султон ва Искандар қўшинлари ўртасида биргаликда жангу жадал амалиётӣ ўtkазиш назарда тутилганди, бироқ ёш шаҳзода ўзининг чегара қўшинлари билан олдинга ҳамла қилиб, Ёркентни талади, теварак-атрофни ёғийлардан тозалаб. Оқсув қалъасини қуршаб олиб, унга бир ой давомида қорура, туғанғ, манжаниқ ва аррадалардан муттасил ҳужум қилди. Қалъя таслим булди. Шу маҳалда шаҳарда бўлган бадавлат хитойлик савдо гарлар яраш-яраш қилиш учун совфасаломлар олиб, таслим бўлиш ва моли омонлик пешкаш

қилиш шартлари тұғрисида музокаралар олиб бориши учун шаҳзода Искандар ҳузырига жұнатылды. Хон ҳарами құлға олинди. Торим шаҳри ғорат қилинди. Шундан сүнг Искандар шарққа — Хонбалиқдан (Пекин) чиққан уловли йұловчи олтиетти ойда етадиган шаҳар — Хұтанга черик сурди. Шаҳар таслим бўлди, аҳолининг кўпчилиги тоққа қочди. Ўтиб бўлмас тоғ чўққиларини курган, бунинг устига ҳужумни давом эттириш учун мавсумнинг ҳам жуда ноқулай эканлигини сезган ёш шаҳзода қишини Қашқарда ўтказиб, ортига қайтди. Мазкур мамлакат ёввойи туяларни широр қилиш учун жуда қулагай эди. Ўз ютуқларидан фахрланган ёш шаҳзода бобоси Темурга совға-салом жұнатди. Совгалар орасида тұққизта аргумоқ ҳам бор эди. Искандар худди шундай совға-салом билан Самарқандга қайтиб келган Мұхаммад Султонни ҳам йўқлади. Мұхаммад Султон шиддаткор амакиваччаси Искандарни қувиб ета олмаганидан, ғазаб алансасида ёнаётганди. Шу боисданми ёки бошқа сабабданми, икки шаҳзода бир-бири билан аразлашиб қолди. Искандар бирмунча қаршилик кўрсатгач, ҳибсга олинди. Унинг отабеги ва хизматкорлари ўлдирилди. Оралан ўн саккиз ой ўтгач, Мұхаммад Султон Мовароуннахрдан янги черик тұплаб, Салтанат аркоңларига қушилмоқ учун олға қараб юрганида, Искандар ҳам... асир сифатида борганди. У ҳам бошқа серхархаша шаҳзодалар каби жазоланди: Чингизхоннинг ёсосига мувофиқ, дарра билан саваланди.

Кексайиб қолган Соҳибқирон шаҳзодаларнинг интизоми билан жуда-жуда қизиқар, Чингизхон каби ўз зурриётларидан бўйсунишни қаттиққуллик билан талаб қиласарди. Саркарда ўзининг кўчманчи аждодларига ўхшаб, ўз уруг-аймогининг эҳтиёжларига катта аҳамият берарди. Улар учун широр ҳудудлари, ёзги ва қишки яйловлар, улжалар, йиллик ўлпондан ва савдо йўлларидан тушадиган даромадлар тақсимлаб бериларди. Эҳтимол, аслзода шаҳзодалар уруғ бошлигининг меъеридан ошиқ чўзилиб кетган ҳукмронлигига ғижиниш билан тоқат қилишгандир. Клавихоннинг сўзларига қараганди, Темур амирлар ва шаҳзодаларнинг кайфиятини билиш учун бир неча марта ўзини атайлаб жон таслим қилаётгандай курсатган, бироқ бунинг оқибатида не ҳоллар ёки натижалар юз бергани ҳақида ҳеч нарса маълум эмас.

Ҳар қандай ҳолда ҳам муқаррар үлім ҳақидаги мулоҳазалар чолни борган сари купроқ изтиробга соглан бўлса ажаб эмас. Ер юзининг турли гушаларидан унинг эски ганимлари фоний дунёни тарқ қилиб, боқий дунёга юз ўғирғанликлари ҳақида кувончли, аммо ибраторумуз хабарлар келарди. Уша 1399 йили — Қуён йилида ҳукмдорларнинг кўплаб үлиши, айниқса, яққол кўзга ташланганди; Муғалистон хони Хизрхұжа

Азроилга омонатини топширди, хон ўзидан кейин түрт ўғил ва улар үртасыда низою нифоқлар қолдирди. Шарқдан Минь сулоласи вакили, Чингизхон қонунини ислоҳ қилган Хитой хоқони Тұнғизхоннинг оламдан үтгандылық ҳақида хабар келди. Бутпараст хоқоннинг вафотидан кейин у ерда ҳам тартибсизликлар бошланды.

Бундай янгиликлар шимолдан ҳам келаётганды. Бир маҳаллари Темур билан биргаликда Тұхтамишга қарши жанг қилган, кейин эса ўз бурчини унуган, заиф қипчоқ бекларидан бири Күтлүг Үғлон Аллоҳнинг даргоҳыга равона бўлди. Бу янгиликлар қипчоқларнинг иши ҳамон мувофиқлаштирилмаганлиги ва Олтин Урдани кучсизлантирувчи исёнкорлик чақириқлари каби мамнун этувчи хабарлар билан биргаликда олинарди.

Азроил мағриб узра ҳам ўзининг машъум қанотини ёзганди. 1399 йили Барқұқ Мисрий жон таслим қилди, унинг ўғли Фарож ун ёшида султон деб зълон қилинган булса-да, унинг обру-эътибори ҳам, ҳукми ҳали кемтик эди. Миср ва Сурия тартибсизликлардан азият чекарди, мухолифлар узаро баҳслашишарди. Дамашқ боши-оёғи күринмайдиган исёнлар марказига айланиб қолганди.

Темур Салтанатида сулолавий ихтилофларга қарши кафолат гүё таъминланғандеқ эди. Мироншоҳ ва художүй Шоҳрух Соҳибқироннинг набираси Мұхаммад Султон билан алмаштирилди. Бир неча йил давомида бу шаҳзода муттасил таҳт вориси деб ҳисобланиб келди. Энди у Мовароуннаҳр ҳукмдори, Улуғ амир ноиби сифатида хизмат қилмоқда эди. Шаҳзода күпчилик орасида, хусусан, ҳарбий доираларда катта обру-эътибор қозонғанди. Унинг хизматлари ҳатто Арабшоҳ томонидан ҳам тан олинганди: «Ажойиб ҳусн-латофат соҳибаси Хонзода,— деб ёзган эди у,— Жаҳонгирга туғиб берган шаҳзода Мұхаммад Султон ўзининг олижаноблиги ва жасурлиги билан мұжизалар намойиш этди». Темур бу шаҳзоданинг тийнатида алоҳида яхши тақдир аломатларини, унинг истеъодиди жилвасида ўзининг қолган үгиллари ва набиралари устидан устунликни куриб, уларнинг ҳаммасини рад этди, ўзининг бутун диққат-эътиборини шу набирасига қаратди ва уни ўз вориси деб тайинлади...»

Темур Мироншоҳ билан боғлиқ ишларни бирёкли қилиб, 1399—1400 йиллар қишини Қорабоғдаги узи хуш курган яйловларда үтказди. Шу ерда Соҳибқироннинг сарой аъёнлари ва оила аъзолари унга келиб қүшилдилар. Лекин оиласи юмушлар Мироншоҳга қарши кутарилган құзғолонни құллаб-қувватлаб, Озарбайжонга бостириб кирган, у ерда туркийларни тор-мор келтирған, сунгра Оланжиқ қалъаси-

ни озод қилиб, ул қалъада ушлаб турилган шаҳзода Тоҳир (султон Аҳмаднинг ўғли)ни ҳалос этган гуржилардан ўчишида Темурга халал бермадилар. Гуржилар наинки ерпарчин қилиниши, балки, тұла ва узил-кесил тор-мор этилишлари лозим эди.

Туркийлар ўтиб бораётган йўл ёқасидаги урмонлар кесилди. Сурункасига йигирма кун қор ёғди, аммо туркийлар жидду жаҳд билан олға босишарди. Уларнинг йўлида учраган жамики борлиқни қор бостанди: шаҳарлар ва қишлоқлар оппок қор тагида қолганди, гуржиларнинг Аллоҳга хуш келмайдиган йўсинда ибодат қиласиган черковлари тамоман қор билан кўмилганди, ҳосилни совуқ урган, боғлар ва дов-дараҳтлар илдизи билан музлаб қолганди. Сипоҳийлар орасида бўлиб берилган токзорлар илдиз-пилдизи билан қупориб ташланиши лозим эди, чунки май коғир гуржиларнинг ҳаётий зарур озуқаларидан бири ҳисобланиши маълум эди, эрқаклар, аёллар ва ҳатто болалар бу куфр ичимликка шунчалар ружу қўйгандиларки, ўлганларидан сунг уларнинг жасадларини фассол май билан юварди. Бу халқ у дунёда мадал бериб турсин учун ўзларини май билан бирга кўмишни илтижо қиласидилар. Бироқ ғайритабиний равишда қаҳрли-қировли қишдан келгиндилар ҳам бу сабр-матонатли тоғ хилқига қарши навбатдаги — тўртинчи муҳорабада қаттиқ азият чекаётгандилар. Туркийларнинг отлари дараҳтларнинг пустлогини ейишга мажбур бўлди. Ҳарбий юриш иштирокчилари Салтанат қўшингоҳига ва шарқдаги нисбатан илиқ ўтлоқларга қайтди. Шу ерла улар Халил Султоннинг ўғли — Темурнинг эвараси туғилганлигини нишонлашди.

Қорабоғдаги тантаналар, асосан, Темурнинг иттифоқчиси. Ширвон подшоси ҳисобига дабдабали ўтди. Шунчалар кўп қўйлар ва отлар сўйилдики, уларни пиширишга сарой ошпазлари камлик қилиб, тавочилар таомлар пишириш учун нимталанган гүштларни сипоҳийлар орасида тақсимладилар. Темурга қилинган совга-саломлар курол-яроғлардан ва олти мингта аслзот аргумоқлардан иборат бўлди.

Баҳор кириши билан (1400 йил) уруш қайтадан бошланди. Темурнинг қурутойи яна Гуржистонга юриш ҳақидаги хабарни зълон қилди. Султон Аҳмаднинг ўғли Тоҳир Гуржистонда паноҳ топганди. Темур уни топширишни талаб қилди. Лекин подшо Георгий VII бундай қилишдан қатъий бош тортиди. Туркийлар Гуржистонга қарши бешинчи юришни бошладилар. Коғир гуржилар тоғлар оралиғидаги қоронғи даралярга чекиндилар, ўша ердаги тик қояларда жойлашган ғорлардан туриб, туркийларга ҳужум қилдилар. Темур маҳсус тўқилган саватларга камончиларни утқаздириди, уларни қоялар

устидан ғор саҳнигача туширтириди ва шу тариқа ёғийларни яширинган жойларидан ҳайдаб чиқартириди. Туркийлар улар устига камондан ўқ ёғдирдилар, қаршилик кўрсатиш давом этган ҳолларда ғорга ёғ шимдирилган ёнар ўқлар (қоруралар) учиб кираради. Ўзининг иссиқ булоқлари билан машхур Тифлис яна бир марта, бу гал сараланган хуросонлик ҳазоражотлар (батальонлар) томонидан истило қилинди. Черковлар масжидларга айлантирилди, қўнгироқлар муаззинлар билан алмаштирилди: энди муаззинлар мезанага чиқиб, аzon айтиб, диндор мусулмонларни намозга даъват этадиган бўлди. Шунингдек, талай арқлар қулади, кўпгина феодал-лордлар таслим бўлиб, ӯзларининг туркийларга бўйсунганиклиарини изҳор қилдилар. Дини исломни қабул қилганлар ер-сув олдилар, бу ишдан буйин товлаганлар ӯзларининг азалий жойларидан ҳайдалдилар.

Бироқ подшо Георгий асир тушишдан қутулиб қолди. У Тоҳирни усмонли турк Боязид даргоҳидан паноҳ топиш учун жанубга юборди. (Тоҳирнинг отаси сulton Аҳмад ҳам Боязид паноҳига қочиб борганди). Ўзи эса гарбий Кавказга утиб кетди. Шу ердан туриб, у Темур билан музокаралар олиб борди. У Саркарданинг черикларига қўшилиш учун лашкар юборишга, оғир ўлпон тулашга ва мусулмонларга ҳомийлик қилишга рози бўлди.

XII боб

СҮНГГИ САЛИБ ЮРИШИ

1399 йил кузизда Темур гарбга, ўзининг етти йиллик ҳарбий юришига жўнаб кетар экан, Мисрни тиз чуктириш, узоқ замонлардан бери дини исломнинг асосий устуни булиб келган бу қурратли давлатнинг бойлиги ва савдо-сотик фаолиятини тасарруф қилишни уз олдига мақсад қилиб қўйганди.

Бироқ келгуси 1400 йил, яъни Балиқ йилининг ёз фаслига келиб, бу қадимий салтанат муаммоси эмас, балки усмонли туркларнинг ҳукмдори, тирранча Боязид томонидан қўйилган бошқа муаммо келиб чиқди. Бу муаммо бирон-бир мусулмоч давлати ёки бирон-бир туркий мустабид зот билан боғлиқ эмас эди, бу маҳалда насронийлар дунёси умид ва қўрқувдан зир титраб турганди. Ҳа, тарсолар олами туркларнинг Оврупога бостириб кириши даҳшатидан ларзага келаётган, ўзининг орзу-умидларини Темур билан тузилажак иттифоқ билан боғлаган эди.

Бундан тўрт йилча муқаддам мавлуди Масиҳ байрами — Рождество кунлари сэр Жеймс де Ҳелли фаранглар қиролига

насронийлар дунёсининг шаҳзодалари ва папалари томонидан уюштирилган янги салиб юриши Дунай дарёсининг қуи оқимида, Никополь ёнида тор-мор этилгани, бу шафқатсиз муҳорабала Фарангистон, Бургундия, Можаристон (Венгрия) ва яна бир қатор қиролликларнинг рицарлари ҳалок бўлганилиги ҳақида даҳшатли хабарни етказди.

Насронийларни Византия салтанатига қарийб етмиш беш йил давомида таҳдид солиб турган усмонли турклар тор-мор этигандилар. Урта Осиёдан Кичик Осиёга кўчиб келган, кейинчалик ўзларига қонқардош бўлган салжуқийларни ана шу Кичик Осиёдан сиқиб чиқарган бу ҳалқ туркий қавмлардан эди. XIV асрга келиб, турк амирлари Онадўлининг (Анатолия) унта музофоти устидан ҳукм юргиза бошлагандилар. Фарбий Онадўлидаги Усмон (Оврупода уни Оттаман деб атайдилар) ҳукмдор бўлган бир амирлик ўша маҳалларда ҳали Кичик Осиёда таянч масканларга эга бўлган Византияга қарши урушда муҳим галабага эришганди. 1326 йили турклар яrimоролнинг шимоли-гарбida жойлашган Бурсани (Бруса) босиб олиб, уни ўзларининг пойтахтига айлантиридилар. Улар ўз мулқларини қўшни турк амирлиги — Караси ҳисобига кенгайтирдилар, у ерда қатъий урнашиб олганларидан кейин Византияга қарши ҳужумларини қайтадан бошладилар.

XIII аср бошларида туртинчи салиб юриши чоғида етказилган зарба натижасида Византия узини ҳеч қайта унглай олмади. Ўшанда Константинополь (Истамбул) талон-торож қилиниб, Венеция бошлигидаги лотин қушинлари томонидан забт этилганди. Гарчанд юнонларнинг Палеологлар сулоласи 1261 йилда салтанатни қайта тикилаган бўлса-да, унинг тинкаси қуриган, феодал дасисалари ва ўзаро низолар натижасида бу жараён янада чуқурлашган эди. Шунинг учун ҳам XIV асрнинг иккинчи ярмида усмонли турклар Оврупо қитъасига ўз ҳужумларини бошлаганларида Византия тузуккина қаршилик кўрсата олмади. Византия императори Иоан V Палеолог (1341-1391 йиллар) эса, узини Туркия сultonи Муроднинг тобенини деб эътироф қилди.

Турклар Андриаполь (Эдрин) шаҳрини босиб олиб, у ерда ўзларининг Овруподаги пойтахтини қарор топтиридилар. 1389 йили улар Косово (Сербия) ёнидаги жангда сербларнинг ва бошқа славян ҳалқларининг қаттиқ қаршилигини енгдилар. Шу тариқа жанубий славянлар туркларнинг тобениллари булиб қолдилар. Бироқ ҳамиша зафар қозониб келган Мурод бу муҳорабада бир серб ватанпарвари томонидан ўлдирилганди. Унинг ўғли, Йилдирим номи билан машҳур бўлган Боязид Кичик Осиёning ундан кейин, Косовода ўзи билан биргаликда жанг қилган акаси ҳалок бўлгач эса, Болқон яrimород

лининг каттагина қисмiga ҳукмдор булиб олди. Орадан бир йул утиб, Византия императори узил-кесил таслим булди, унинг ихтиёрида пойтахт шаҳри Константинополь ҳудудидан бир озгина катта бўлган ерлар қолдирилганди. Константинополь халитдан қуршаб олинганди. 1390 йилда Боязид серб маликасига уйланиш билан Косово ёнидаги ғалабасига якун ясади ва Кичик Осиёга қайтиб келди. У беш амирлик — Кармиан, Такка, Сарухан, Ойдин ва Ментенага бир йула шиддат билан ҳужум қилди. Бир юришдаёт ularнинг ҳаммасини босиб олди. Ҳамид амирлигини эса уйланадиган чогида ўзига тегишли бўлган маҳрнинг бир қисми сифатида тасарруфига киритган эди. 1393 йилда унинг мулкига икки марказий амирлик — Қизил Аҳмад ва Қаҳрамон қушилди. Тож-тахтдан маҳрум этилган шаҳзодалар ёрдам сураб, шарққа — Темурга мурожаат қилдилар. Боязид Осиё устидан қуюндеқ босиб ўтди ва болгарларнинг бошига ҳам сербларнинг кунини солди.

Византияning куни битай деб қолганди: Константинополь қуршаб олинди. Бутун насронийлар дунёси узра ҳавф-хатар қазои музаллақдек осилиб қолди. Мажористон қироли Сигизмунд ғарбдаги насронийлар дунёсига мурожаат қилди. Боязид Мажористоннинг Дунайдаги тобе давлатларидан бирини босиб олиб, энди унинг бутун қироллигига ҳавф-хатар солаётганди. Таҳликали вазият вужудга келди. Бири Римда, иккинчиси Авиньондаги икки папа уртасидаги Улуғ ихтилоф Лотин черковининг силласини қуритмоқда эди. Инглизистон билан Фарангистон уртасидаги юз йиллик уруш сулҳ тузилиши билан кейинга сурилган бўлса-да, у исталган маҳалда қайтадан бошланиши мумкин эди. Феодал урушларидан омон қолган одамлар улат қурбони булдилар. Ричард II уз баронлари устидан зурга хукм юргизаётганди. «Инглизистоннинг ишлари кундан-кунга баттарлашиб бормоқда», — деб изоҳлаганди Фруассар¹. Француз қироли Карл VI ўқтин-ўқтин ўз мулклари устидан назоратни қулдан бой бериб қўймоқда эди. Католик папаси сингари папанинг душманлари Бонифаций IX ва Бенедикт Авиньоний ҳам салиб юришига даъват этишарди. Уларнинг мурожаатлари Фарангистон ва Бургундияда қизғин акс-садо берган булса ҳам, Инглизистондан мулоҳазали, сипо жавоблар келарди.

Шунга қарамасдан, Бургундия ҳерцогининг ўғли сергайрат, аммо оз тайёргарлик курган, ҳали йигирма турт ўшга ҳам кирмаган Наварра графи Жоннинг қўмондонлиги остидаги ўн минг жангидан иборат лашкар Дијон шаҳридан йўлга чиққанди. Олмонияда уларга олти минг олмон аскари ва инглиз қиролининг амакивачаси, ҳерцог Хантингтон қўмондонлиги остида яна мингта инглиз қушилди². Буда шаҳрида улар

қирол Сигизмунднинг олтмиш минг аскардан иборат қуши-ни билан қүшилдилар. Валахиядан ўн минг киши келди, ун уч мингга яқин таваккалчилар Польша, Богемия, Италия, Испания каби турли мамлакатлардан йиғилдилар. Умуман олганда, юз мингга яқин жангидан иборат улкан қўшин тўпланганди. Бу эса аввалги салиб юришларида қатнашган қўшинлар сонидан анча кўп эди. Насронийлар ўз кучларига шунчалик қаттиқ ишонгандиларки, агар осмон йиқилиб тушганда ҳам, уни найзаларимиз билан ушлаб қолардик, дея мақтангандилар...³

Мажористонда салиб юришига тўпланганлар ҳакида Боязид Йилдиримга хабар келганида, у Константинополни қамал қила бошлаганди. Қамал кейинга сурилиб, турк сultonни сон жиҳатдан салиб рицарлари қўшинларидан хийла кўп черик билан шимолга қараб юрди. Саличилар туркларнинг Дунайдаги муҳим истеҳкоми бўлмиш Никополгача етиб бордилар, қўлларида қамал қуроллари бўлмаганлигидан, шаҳарни очликка маҳкум қилиш орқали эгаллаш мақсадида унинг деворлари ёнида жойлашиб, вақтларини зиёфат, кайф-сафо билан ўтказа бошладилар. Орадан ўн беш кун ҳам ўтмай, туркларнинг илгор кучлари пайдо бўлди.

Ғайридинларга биринчи булиб ким ҳужум қилиш шаррафига эга бўлади, деган масала юзасидан Farb ва мажор рицарлари ўртасида баҳс кутарилди. Сигизмунд фарангийларни ҳал қилувчи ҳужумга тайёр туришга ишонтириб турган бир маҳалда туркларнинг ҳарбу зарб услублари билан таниш бўлган мажорлар ёвга дастлабки зарбани беришлари керак эди. Бироқ «уч юз Йиллик тажриба Farb рицарларини ҳеч нарсага ўргатмаганди»⁴. Фарангийлар ўз ҳужумлари чоғида асири тушган туркларни қиличдан ўтказиб, «Худо ва авлиё Денис учун!», «Худо ва авлиё Георгий учун!» деб қичқирганларича олга ташландилар. Туркларнинг номунтазам отлиқ аскарлари қочди. Рицарлар қозиқлар қоқиб ташланган сангарлар⁵ олдида отлардан тушишиб, жангни тоғ қияликларида давом эттирапканлар, туркларнинг пиёда қўшинларини қозиқлар нарёғига улоқтириб ташладилар; шундан сунг жангу жадал ва вазмин қуроллардан тинкалари қуриган бу қўшин қирқ мингга яқин суворийдан иборат туркларнинг асосий кучларига дуч келди. Саличилар кунпаякун қилиб ташланди. Сигизмунд қўшинининг ўнг ва сўл қанотидаги куронлари ўз суворийларининг отлари эгасиз орқага ўқдай учиб келаётганларини қуриб, улар ҳам чекина бошладилар. Қирол ва унинг мажор иттироқчилари Farb рицарларини қутқаришга ташландилар. Аммо улар кечиккандилар. Қўшин тор-мор келтирилганди. Сигизмунд қочганди.⁶

Бу орада ўз пойтахтида қамал қилинган Византия императори Мануэль Палеолог ҳам Farb мамлакатларига ёрдам сураб мурожаат қилганди. Бу ишни у шахсан узи бажармоқчи эди, бироқ уни Константинополда мұхим концессияга** эзға булган Венеция магнатлари айнитдилар. Тихорат билан шуғулланувчи бу князлар ҳар иккала томондан ҳам манфаатдор эдилар: бир жиҳатдан, улар Қора дengizga кираверишда ўз үринларини сақтаб қолишига интилиб, шарқий пойтахтдаги ўз фуқароларини ҳимоя қилмоқчи бұлсалар, иккінчи жиҳатдан, сұltон Боязидан имтиёзлар хусусида олинган кафолатларнинг құллаб-куватланишидан умидвор эдилар, чунки венециялық табаалар туркларнинг илгариги ҳукмдорлари даврида ана шундай имтиёзлардан фойдаланыб келардилар. Шу билан бирга. Қирол Сигизмунднинг урушга тайёргарлик кураёттани муносабати билан (салибчилар Дунай дарёси водийси буйлаб ҳужумға утган күнларда) венециялықтар денгизда құпорувчилик ишлари олиб бориши мақсадида бир флотни шайлашга рози булдилар. Афтидан, Мануэль ҳам Эгей денгизидеги генуялықтар ва Родос оролидеги рицарлар билан иттифоқ тузишга эришган эди. Ана шу иттифоққа күра. Ролос ва Лесбос оролидеги кемалардан барпо этилган флот венециялықтар байроби остида сафга тизилганди. Бироқ улар үзларининг құпорувчилик ҳаракатларини тайёрлаб, Босфор буғози орқали сузар эканлар, салибчилар қүшини тормор этилди. Күп эшқакли кемалардан (галера) бири қочоқ маҗор қироли Сигизмундни ўз канорига олиш учун Қора дengизга сузид кирди.

Ғалабадан кейин Боязид Йилдиirim жанг майдонини күздан кечирди. У үзининг талайгина күчларидан жудо булғанлигини куриб, қаҳри келди ва катта миқдорда товон пули ундириш мүмкін булған асирлардан ташқари ҳамма асирларни қириб ташлаш ҳақыла буйруқ берди. «Не-не асилзода рицарларни, Фарангистон дворянларини ва бошқа миллат вакилларини күйлакчан бирин-кетин Боязиднинг күзи олдиндан утказдилар. Сұltон уларга бирров назар соларди, имо қилиши ҳамоно, шай турған жаллодлар дарқол уларни чопиб ташлардилар».⁶

Тирик қолдирилғанлар орасида Бургундия ҳерцогининг үғли Наварра графи ва Артуа мулки графи Филипп бор эди. Шунингдек, сэр Жеймс де Ҳелли ҳам афв этилди ва Farbga бориб жони омонлик пулинини ундириш ҳақида келишиш учун

⁶ Сандар — баррикада.

^{**} Концессия — лавлатта тегишли табиии бойлуклар, корхоналар ва бошқа хұжалик обьектларининг маълум муддатта ажнаабиylарга беріб қўйилиши ҳақидаги шартнома.

уни чопар этиб тайинладилар. Насроний шаҳзодаларни икки юз минг олтин флорин миқдорида баҳоладилар. Бу пуллар, асосан, Бургундия херцоги ва Сигизмунд томонидан тұланды. Пулларни Венеция ва Генуя магнатлари, уларнинг ороллардаги ҳамда Левантедаги банклари ажратғанды. Курилган заар насроний мамлакатлар халқларига солиқ солиши орқали қолланди. Бироқ ҳамма асирлар ҳам тирик қолмадилар. Артуа графи Филипп вафот этиб, Константинополдаги дайрда^{*} дағы этилди. Кастилия элчиси Клавио Самарқандга бораётіб, унинг қабрини зиёрат қылғанды.

Тирик қолған насронийлар орасида үн беш яшар бавариялик қоролбардор Иоханнес Шильтбергер ҳам бор эди. Унинг лорди (хожаси) Никополда үлдирилган, узи эса асир қилиб олинғанды. Асирларни қатл этиш ҳақида буйруқ келганида «бир арқон билан маташтириб боғланған уч кишидан биттаси мен эдим,— деб ҳикоя қылған эди у,— Мени бизни ушлаган кишининг ихтиёрига беришди... Ҳар кимга үзининг асирини үлдириш буюрилғанды. Бундай ишни бажаришни истамаган кишиларнинг урнига султон бошқа одамларни жаллод этиб тайинларди. Шунда улар менинг улфатларимни ушлышыб, уларнинг бошини танасидан жудо қылышыди. Менинг нағватим келганда, султоннинг үғли мени күриб қолиб, тирик қолдиришни буюрди. Мен бошқа бұз болалар қаторида омон қолдым, чунки йигирма ёшта тұлмаганлардан биронтаси ҳам үлдирилмади».⁷

Түрклар салбичиларнинг қолған-қутған қүшини қолдиқла-рини Суриягача таъқиб қилиб бордилар ва вақтінча (1397 йыл) Афинани босиб олдилар, Улар шундан сүнг Оврупо ичкарисига бориб үтирадилар. Ҳолбуки «ғалабадан кибру ҳавога берилған Боязид бир-бирига туташ мамлакатлар — Олмония ва Италияни бүйсундириш учун Буда шаҳрини қамал қиласман, Римдаги Авлиә Пётр черкови меҳробида отимни сули билан боқасман, деб таҳдид қылғанды. Унинг бу ҳужумини узоқ вақт давом этған, оғир никрист хасталиғи хуружи тұхтатиб қолди».⁸

Шу боисданми ёки бошқа сабабга күрами, ҳар ҳолда, Боязид Иилдирим Константинополь шаҳрини яна бир марта қамал қилди. Византияning ахволи noctur күринарди. Император Мануэль пойтахтдан қочишига мажбур булишини сезиб, шаҳарни әгаллашни венециялыklарга таклиф қилди. Венециялыklар усмөнли турк султонининг худудида концессиялари борлигини назарда тутиб, бундай таклифни рад этишини маъқул күрдилар. Шунға қарамай, улар эхтиёт чораси күриш та-риқасида үзларининг фуқароларини ҳимоя қилиш учун тұртта

* Даир — монастырь.

күп эшкакли кема юбордилар. Перада (Олтин Шох соҳилининг гарбига, Константинополнинг яқинида жойлашган Фалата) кучли таянч марказига эга бўлган генуяликлар ҳам худди шундай қилишиди. Мануэлнинг элчилари яна гарбдағи насронийлар мамлакатларига мурожаат қилдилар ва яхудийлар хонадонларига бориб кирдилар. Гарчи бу гал файридинлар хавфи анча кучли бўлса-да, бу мамлакатларнинг ҳукуматлари даъватларни жавобсиз қолдирдилар. Фақат, 1396—1409 йилларда Генуянинг сюзерени* бўлган ва шу сабабли Перадаги Генуя фуқароларини муҳофаза қилишга мажбур бўлган фарангийлар қиролигина ўзининг тирик қолган саркардаларидан бири Муршал Бусикони тахминан ўн минг кишилик қушин билан Никополга жунатди. Улар Константинополь яқинида майда-чуйда тұқнашувлар билэн шуғуландилар, бироқ бунинг эвазига на озиқ-овқат, на пул олдилар, талонторож қилиш учун имкониятлар ҳаддан ташқари кам эканлигини куриб, орқаларига қараб сузиб кетдилар. Император Мануэль Византийский улар билан бирга жұнаган эда (1399 йилнинг декабри).

XIV аср охирида Фарбий Оврупо мамлакатларининг сарой аъёнлари юонон насронийлари ишлари билан шахсан шуғулланиш учун келган таникли меҳмон, император Мануэль II Палеологни шу қабилда кутиб олгандилар. Унинг кишини ачинтирадиган, ночор аҳволда пайдо булиши қайсаларнинг** ворислари юрагини ақалли «жиз» эткизмади. Милан ҳерцоги унинг мавқеига яраша кун кечириши учун маблағ ажратиб турди. Папа Бонифаций эса, фақат ваъз айтиб, Муқаддас урушни тарғиб қилишга ваъда берган бўлса-да, амалда Шарқий черковлар тақдиди уни кам қизиқтиради. Мануэль Инглизистонга етиб келди. У ерда уни ҳозиргина амакиваччаси Ричардни ағдариб ташлаб, таҳтни эгаллаган Ҳенрих IV икки ой давомида Лондонда саҳоват билан қабул қилди, бироқ иш шундан нарига ўтмади. Фарангистонда Мануэль икки марта яшади, яхши қабул қилинди, аммо ёрдам ололмади.

Фақат Шарқдагина истиқбол нури «йил» этиб курингандай бўлди. Боязид Йилдирим аллақачон Темурнинг йулини кесиб қўйган эди. Бу турк Рум сultonни сифатида Барқуқ Мисрий билан биргаликда Темурнинг душмани булиб танилганди. Бироқ Боязид исломнинг чекка музофотларидаги мулклар ва Овруподаги қашшоқлашиб бораётган қиролликларнинг майда-чуйда бўлаклари билан қаноатланмасди: Никополдаги

* Сюзрен — Ўрта асрлардаги Фарбий Оврупода тобсинлар устидан ҳукм юргизган герцог, қирол.

** Қайсар — цезарь (подшо маъносида).

ҳарбу зарблардан олдин у шарққа — Онадули орқали Арманистонга ва Темурга бўйсунган музофотларга силжиб борган эди. Боязид Қаҳрамон музофоти, кейин Қайсария, Тукат ва Сиваш устидан ўз хукмронлигини үрнатди. XV аср бошларига келиб, у Арманистонга ва гарбий чегараларни мудофаа қилиш вазифаси топширилган Темурнинг иттифоқчиси, шаҳзода Тахартенга чинакамига хавф сола бошлади.

Боязид томонидан ағдариб ташланган салжук ва турк амирлари бир кун келиб, қудратли фотиҳ ёрдамида ўз мулкларини тиклаш умидиди Темурнинг поноҳига қочиб боргандилар. Улар ноумид булиб қолмадилар.

Агар Темур Румнинг ағдариб ташланган бекларини ўз поноҳига бебадал олган бўлса, Боязид унинг ашаддий ғанимлари-султон Аҳмад Жалойирга, унинг шу чоққача Гуржистонда яшириниб юрган ўғли Тоҳирга ва туркманларнинг Қора қуюнли қабиласи бошлиғи Қора Юсуфга бошпана бериб, уларни қўллаб-қувватлаш орқали Темурнинг ҳокимиятини масхара қилмоқда эди. Уч йиллик ҳарбий юриш чоғида, 1387 йили Темур Қора қуюнли қабиласининг Арманистондаги асосий таянч масканига ҳужум қилган эди. Бироқ Соҳибқирон бу ерларни тарқ этганидан кейин улар яна тоғ дараларидан чиқиб келгандилар. Темур беш йиллик ҳарбий юриши чоғида қора қуюнлиларни яна бир марта тирқаратиб қувганида, улар 1393 йили Бағдоллан қувилган султон Аҳмад Жалойир билан биргаликда яна бир карра Соҳибқиронга қарши чиқдилар. Улар Миср қўшинлари билан биргаликда султон Аҳмаднинг ҳокимиёт тепасига келишига ёрдамлашдилар. Султон Аҳмад ўз амири лашкарларидан бир нечаси унга хиёнат қилганига ва шаҳзода Мироншоҳнинг таҳдидларига қарамасдан. Бағдоцда қарор топди — Темур шаҳзодани ҳалокулар мулкига ҳукмдор этиб тайинлаган эди. Мисрдан ёрдам олган Аҳмад турк султони Боязид билан мулоқотга киришиб, Темурга қарши курашда ёрдам беришни илтимос қилди. Боязид Аҳмадга хайриҳоҳлик билдириб. Темур масаласида у Византия императори билан шартнома тузганлигини ва диққат-етибори Кичик Осиёга қаратилганини, яна у, Боязид, Темур лашкарларини тұхтатиб қолиш мақсадида Тукатга бостириб борганини айтганди. Боязид, шунингдек, Шоҳ Мансурдан келган номага жавоб бераркан. Темур яғмосидан қаҳр-ғазабда эканини из-ҳор қилганди. Бу турк султони Темурнинг йулига ғов солиш учун Константинополни қамал қилиб турган қўшинларини олиб чиқиб кетишга ҳам тайёр эканлигини айтганди.

Бу ишлардан яхшигина хабардор булган, узининг янги иттифоқчилари, яъни Кичик Осиёнинг аввали ҳукмдорлари ваъдаларидан руҳланган Темур қўл қовуштириб утирмади.

Туркий билан түрк уртасыда қызғын ёзишма бошланди. Темур Боязиддан Қора Юсуф ва Султон Аҳмадга мадад беришни тұхтатишина талаб қилиб, босқынчилік хатты-харакатларига чек қуишина маслағат берди. Темур унға, яғни Боязидге шундай деб ёзған эди: «Сени шу қоққача жазоламаган эканман, бунга сабаб сен ғайридинларға (Оврупо насронийларига) қарши жанг қилиб келдинг, қолаверса, сен билан менинг уртамизда пайдо бұладыған нифоқ ғайридинларни қувонтириб, мусулмон аҳлиниң диленни ранжитишидан құрқидим. Илло сени огохлантириб айтаманки, фууруга берилиб, панжанғни үз давлатинг ҳудудидан четта құзаверма. Сен ниҳояти бир чумолидирсан, бас, шундоқ экан, филга қарши жанг қилишга жүръят этишинг ақлдан әмас. Боязидга үхашағақиры ҳақыр бир бекнинг Саркарда билан қилич уриштириши телбалик, илло Соқибқироннинг қаҳру газаби унға ҳеч қандай яхшилик көлтирас, зеро туркнинг ақли ноқислиги Аллоға ҳам, бандасыга ҳам яхши аёндир». «О, қонхұр күппак Темур...» — үз жағобини шундай бошлаган Боязид уни шу қабилда давом эттиришга жүръят этди.⁹

Бу даврда Farb мамлакатлари турли-туман йұллар орқали Темур билан алоқа үрната бошладилар. Мұғул әлхонлари ҳұмронлиги даврида насронийлар Эронни истило қылған мұғуллар билан иттифәқ түзишга, уларни Ислом оламининг раҳнамоси — Мисрга қарши курашда салибчилар томонига тортиб олмоқчи бұлған әдилар. Шу мақсадда учта епархия^{*} түзилганди. Булардан бири Олтин Үрдада, иккінчеси Хитойда ва үчинчеси (1318 йили) Ҳалокулар салтанатида иш олиб бориш учун Султонияда түзилганди. Насронийларнинг умиди пучга чиқди: Элхоннинг таклифидан фойдаланыб қолиши учун Farbнинг ҳаддан ташқары парчаланиб кетғанлиги ишнинг белига тепди. Насронийликни қабул қилаётғанлар сони кам эди, чунки бу пайтда Элхонларнинг узи ҳам дини исломни қабул қылғандилар. XIV аср охирида насронийлар Шарқда кучли иттифоқчи давлат пайдо бўлганини ҳис этадилар, уларнинг наздида, айнан шу давлат насронийлар ёнини олиб, усмонли туркларга қарши кураша олур эди.

1398 йили папа Бонифаций IX нинг буйруғи билан Нахичевон (Озарбайжон) епископи Шарқнинг ва Ҳабашистоннинг архиепископи қилиб тайинланди. Маълумки, бу епархия Султонияда, Темурға қарашли ҳудудда вужудда келганди. Доминикан роҳибларидан бўлмиш бу епископ Султониянинг архиепископи Иоан II деб эълон қилинди. Иоаннинг шахси

* Епархия — православ черковида епископ бошчилигидаги черков-маъмурлар бирлик.

шубҳалар қобиғига бурканган манбалардан бирининг таъкидлашича, францисканлар масҳабида бўлган Иоан Гриилоу деган кимса мазкур мансабга 1400 йилнинг октябрь ойида папа Бонифаций томонидан тайинланган.¹⁰ Бошқа бир манба уни фарангий эди, деб кўрсатади. Бироқ ўша замон хужжатлари Иоан II ни доминиканчилар мазҳабидан деб тахмин қиласидар. Битта лотин солномасида эса у италиялик деб аталган.¹¹ Бу епархияга тайинланган биринчи архиепископ Италиядан чиққан доминиканчи эди, лекин архиепископ Иоаннинг кейинги чоғларда Венеция ва фарангий қироли саройи билан мулоқотда бўлиши уни италиялик эди, деб тахмин қилишга асос беради.

Нима бўлганда ҳам XV аср янги мубаллиглар (миссиялар) билан бошланди. Эзгу ниятлар ёзилган номалар билан тажхиз этилган ва умумий душман Боязидга қарши урушга даъват этувчи масалалар битилган бу мубаллиглар шарққа томон оқиб бораради. Миссиялар кекса шатранжчи Темурни (гарчи Гуржистон ва Танадаги насронийларни ўзига душман деб билган бўлса-да), қора тортиб келарди.

Мануэль Константинополни тарк этаркан, ўз жияни Иоан билан гапни бир жойга қўйиб, уни ўз сафари чоғида пойтахтга ноиб қилиб тайинлади. Иоан ҳам Шарқнинг ҳукмдорига ёрдам сўраб мурожаат қилди. Ноиб Иоан ва Пера ҳукмдори доминиканчи элчилар — ҳазрат Фрэнсис ва ҳазрат Сандрон (Александр) ҳамда насроний император Мануэль Трапезундийнинг воситачилигида ўз бошларига тушган мусибатларни баён қилишиб, Темурни туркка қарши уруш қилишга қайрашди. Улар ўзларининг Темурга тобеин бўлишга тайёр эканликларини билдиришиб, илгари Боязидга тулаб турган ўлпонларини энди унга тўлашга суз бердилар. Улар бу умумий душманга қарши курашда темурга одамлар ва кемалар билан кўмаклашишга, шунингдек, Оврупо қитъасида Боязидни унинг қўшинларидан ажратиб қўйишга, турк қўшинларини Оврупо қитъасидан Кичик Осиёга киритмасликка ва Боязидни мададсиз қолдиришга ваъда бердилар.

Айни замонда, Иоан бир томондан Боязиднинг ўзи билан, агар Иоан турк мустақиллигини қабул қиласа, нимадандир воз кечиши ҳақида савдолашиб, иккинчи томондан, Фарангистон қироли билан келишиб, Византия таҳтини сотиш, ҳар йилги рентага ва фарангистонда хавф-хатардан холи бошпанага эга бўлиш хусусида қўшимча музокаралар олиб боришини лозим деб билди.¹²

Темур усмонли туркка қарши ҳужум қилиш учун на насроний доираларнинг ва на ўз қасрида яшаб турган таҳтларидан жудо бўлган Онадўли амирларининг ортиқча илтимосига

муҳтож эди. Туркийларнинг жазо фавжлари 1399—1400 йилларнинг қишида Гуржистондаги қўзголончиларни қириб ташлаётган бир маҳалда, Боязид ўз ўғли, шаҳзода Сулаймонга Арманистонга қарши юриш қилиш, бу юришда бундан бир неча йил муқаддам узи босиб олган Сивашибдан фойдаланиш хусусида буйруқ берди. Темурнинг иттифоқчиси, шаҳзода Тахартен саросимага тушиб. Фурот дарёсининг юқори оқими-даги водийларда жойлашган Малатийя ва Камах каби муҳим марказларни уз ихтиёри билан душманга топширди. Тахартен Камах шаҳрининг таслим булишига қаршилик курсатди, аммо шаҳар қулади. Ағидан, шаҳзода Тахартен учун улпонни кимга — туркларгами ёки Темур сарбозларигами тулашнинг фарқи йўқ эди, бироқ усмонли турклар унинг ҳазинаси ва ҳарамини босиб олганларидан кейин у Темур ҳузурига бош уриб боришга мажбур бўлди.

1400 йил ёзига келиб, Гуржистон юришининг қаттиқ шароитларига қарамасдан, Темур урушга тайёргарлик куриб бўлганди. Кексайган Сарой Мулк хоним ва бу юришда иштирок этишлари шарт бўлмаган, Темур хонадони аъзолари Султонияга жунатилдишар. Саркарда шиддат билан гарбга томон йўл олди, йўл-йўлакай унга шаҳзода Тахартен, шунингдек, Эрверум ва Арзинжон қўшинлари қўшилдишар.

«Эсини еб кўйган турк» ҳамон узоқ гарбда, Оврупо қитъасида эди. Туркий қўшинлар Онадули чегарасидаги муҳим истеҳкомлардан бири, Сурия, Месопотамия ва Онадулининг тижорат маркази бўлган Сиваш томонга йўл олдилар. Сиваш тупроқ деворлар, билан эмас, балки мустаҳкам тош деворлар ва сув тўлдирилган хандақлар билан қуршаб олинганди.

Шаҳзода Сулаймон қўмондонлиги остидаги турк қўшинлари бѓэзи бир муваффақиятли тўқнашувларга қарамасдан, ортга чекинишини мақбул деб билиб, Бурсадан мадад чақирдилар, чунки узунқулоқ гапларга қараганда, Темурнинг қўшинлари сон жиҳатидан туркларницидан ортиқ эди. Сиваш мудофааси ҳоким Мустафога топширилганди. Унинг гарнizoni, — бунга турт минг нафар суворийлар ҳам киради, — қаттиқ қаршилик курсатишга ҳозирлик курди. 1400 йил август ойида қамал қилиш бошланди. Темур девор теврагида ҳавозалар қуришга буйруқ берди. Ана шу ҳавозаларга ўрнатилган манжаниқлардан отилган тошлар ва ёнувчи суюқ моддалар тики шаҳарга етиб бора олсин. Кўчкорбошлар, яъни таранлар ўрнатилди, хандақлар бўлмаган жойларда деворларни купорув ишлари бошланиб кетди. Бу ишларни бажараётган сапёrlарга саккиз минг нафар асир ёрдам берарди. Лаҳим қазишлар, оловли ўқлар отишлар уч ҳафта давом этгач, деворларда рахналар пайдо бўлди, миноралар қулади.

шубҳалар қобигига бурканган манбалардан бирининг таъкидлашича, францисканлар масҳабида бўлган Иоан Гриилоу деган кимса мазкур мансабга 1400 йилнинг октябрь ойида папа Бонифаций томонидан тайинланган.¹¹ Бошқа бир манба уни фарангий эди, деб кўрсатади. Бироқ уша замон хужжатлари Иоан II ни доминиканчилар мазҳабидан деб тахмин қиладилар. Битта лотин солномасида эса у италиялик деб атаган.¹² Бу епархияга тайинланган биринчи архиепископ Италиядан чиқсан доминиканчи эди, лекин архиепископ Иоаннинг кейинги чолгарда Венеция ва фарангий қироли саройи билан мулоқотда булиши уни италиялик эди, деб тахмин қилишга асос беради.

Нима бўлганда ҳам XV аср янги мубаллиглар (миссиялар) билан бошланди. Эзгу ниятлар ёайлган номалар билан тажхиз этилган ва умумий душман Боязидга қарши урушга даъват этувчи масалалар битилган бу мубаллиглар шарққа томон оқиб борарди. Миссиялар кекса шатранжчи Темурни (гарчи Гуржистон ва Танадаги насронийларни ўзига душман деб билган бўлса-да), қора тортиб келарди.

Мануэль Константинополини тарк этаркан, ўз жияни Иоан билан гапни бир жойга қўйиб, уни ўз сафари чоғида пойтахтга ноиб қилиб тайинлади. Иоан ҳам Шарқнинг ҳукмдорига ёрдам сўраб мурожаат қилди. Ноиб Иоан ва Пера ҳукмдори доминиканчи элчилар — ҳазрат Фрэнсис ва ҳазрат Сандрон (Александр) ҳамда насроний император Мануэль Трапезундийнинг воситачилигига ўз бошларига тушган мусибатларни баён қилишиб, Темурни туркка қарши уруш қилишга қайрашди. Улар ўзларининг Темурга тобеин бўлишга тайёр эканликларини билдиришиб, илгари Боязидга тўлаб турган улпонларини энди унга тўлашга сўз бердилар. Улар бу умумий душманта қарши курашда темурга одамлар ва кемалар билан кумаклашишга, шунингдек, Оврупо қитъасида Боязидни унинг қўшинларидан ажратиб қўйишга, турк қўшинларини Оврупо қитъасидан Кичик-Осиёга киритмасликка ва Боязидни мададсиз қолдиришга ваъда бердилар.

Айни замонда, Иоан бир томондан Боязиднинг ўзи билан, агар Иоан турк мустақиллигини қабул қилса, нимадандир воз кечиши ҳақида савдолашиб, иккинчи томондан, Фарангистон қироли билан келишиб, Византия таҳтини сотиши. ҳар йилги рентага ва фарангистонда ҳавф-хатардан холи бошпанага эга бўлиш хусусида қўшимча музокаралар олиб боришини лозим деб билди.¹³

Темур усмонли туркка қарши ҳужум қилиш учун на насроний доираларининг ва на ўз қасрида яшаб турган таҳтларидан жудо бўлган Онадўли амирларининг ортиқча илтимосига

муҳтоҷ эди. Туркийларнинг жазо фавжлари 1399—1400 йилларининг қишида Гуржистондаги қўзғолончиларни қириб ташлаётган бир маҳалда, Боязид ўз ўғли, шаҳзода Сулаймонга Арманистонга қарши юриши қилиш, бу юришда бундан бир неча йил муқаддам ўзи босиб олган Сивашдан фойдаланиш хусусида буйруқ берди. Темурнинг иттифоқчиси, шаҳзода Тахартен саросимага тушиб. Фурот дарёсининг юқори оқими-даги водийларда жойлашган Малатийя ва Камах каби муҳим марказларни уз ихтиёри билан душманга топшириди. Тахартен Камах шаҳрининг таслим булишига қаршилик курсатди, аммо шаҳар кулади. Афгидан, шаҳзода Тахартен учун улпонни кимга — туркларгами ёки Темур сарбозларигами тулашнинг фарқи йўқ эди, бироқ усмонли турклар унинг ҳазинаси ва ҳарамини босиб олганларидан кейин у Темур ҳузурига бош уриб боришига мажбур булди.

1400 йил ёзига келиб, Гуржистон юришининг қаттиқ шароитларига қарамасдан, Темур урушга тайёргарлик кўриб бўлганди. Кексайган Сарой Мулк хоним ва бу юришда иштирок этишлари шарт бўлмаган, Темур хонадони аъзолари Султонияга жунатидилар. Саркарда шиддат билан гарбга томон йул олди, йул-йўлакай унга шаҳзода Тахартен, шунингдек, Эрверум ва Арзинжон қўшинлари қўшилдишлар.

«Эсини еб куйган турк ҳамон узоқ гарбда, Оврупо қитъасида эди. Туркий қўшинлар Онадўли чегарасидаги муҳим истеҳкомлардан бири, Сурия, Месопотамия ва Онадўлининг тиҳкорат маркази бўлган Сиваш томонга йўл олдилар. Сиваш тупроқ деворлар, билан эмас, балки мустаҳкам тош деворлар ва сув тулдирилган хандақлар билан куршаб олинганди.

Шаҳзода Сулаймон қўмандонлиги остидаги турк қўшинлари бўзи бир муваффақиятли тўқнашувларга қарамасдан, орта чекиниши мақбул деб билиб, Бурсадан мадад чақирдилар, чунки узункулоқ гапларга қараганда, Темурнинг қўшинлари сон жиҳатидан туркларницидан ортиқ эди. Сиваш мудофааси ҳоким Мустафога топширилганди. Унинг гарнizoni, — бунга тўрт минг нафар суворийлар ҳам киради, — қаттиқ қаршилик курсатишга ҳозирлик курди. 1400 йил август ойидаги қамал қилиш бошланди. Темур девор теварагидаги ҳавозалар куришга буйруқ берди. Ана шу ҳавозаларга ўрнатилган манжаниқлардан отилган тошлар ва ёнувчи суюқ моддалар токи шаҳарга етиб бора олсин. Кучқорбошлар, яъни таранлар ўрнатиди, хандақлар бўлмаган жойларда деворларни купоров ишлари бошланиб кетди. Бу ишларни бажараётган салёrlарга саккиз минг нафар асир ёрдам берарди. Лахим қазишлар, оловли ўқлар отишлар уч ҳафта давом этгач, деворлarda рахналар пайдо булди, миноралар кулади.

Шаҳар оқсоқоллари раҳм-шафқат сұраб, Темур қошиға пешвоз чиқдилар. Мусулмонларга жони омонлык тұлаш әвазига ағв ваяда қилинди. Арманлар ва насронийлар асир олинмоқлари лозим эди.

Шаҳзода Сулаймон құмандонлиги остидаги мадад күчлари жуда кеч етиб келди. Шаҳар күнпаяқун қилинган, Темур лашкари кетиб бұлған эди. Онадұлиға үтиш имконини берадиган чегара масканлари чизиги энді Темурнинг қулиға үтганди. Малатийя ҳам унга үз дарвозаларини очганди. Темур Оңадұли останалари устидан үз ҳұммини үрнатди ва икки ислом давлатлари үртасига «пона урди». Унніг ҳужуми иккі салтанат үртасидаги равоқни шу даражада торайтириди, сұлтон Ахмад жалойир Қора қыюнли таркман бошлиғи Қора Юсуф билан биргаликда яна бир марта Бағдодға қочди. Улар ҳадемай үз чекини什 йұллари түсилишини фақмлаб, Онадұлиға — усмонли турклар паноғыға қочиб боришли. Қора Юсуфнинг завжаси, сұлтон Ахмаднинг қизи ва опаси Темур қулиға тушиб қолиши. Шаҳзодалар, ҳар ҳолда, бундай күргуликка чап бера олдилар. Қора Усмон (Амида амири ва ағдариб ташланған Сиваш бекининг үғли) Малатийя җокими этиб тайинланды, унга Румнинг жанубий қисміда жойлашған чегара масканларини назорат қилиш топширилди.

Буларнинг ҳаммаси усмонли турклар билан олдиндан қилинган майди-чүйда туқнашувлар эди. Темурнинг үзи ҳам фақат сұлтон Боязиднинг бошини қотирмоқчи бұлғанлигини қайд этганди.¹³ Ҳозирча, асосий душман — Мисрни бир ёқли қилиш лозим эди.

XIII боб

СУРИЯ ВА МАМЛУКЛАР: ДАМАШҚНИНГ ҚУЛАШИ

1400- Балиқ йили — 1401- Илон йили

Гарчанд сиртдан қараганда Темур аввал усмонли туркнинг адабини бериб қўйиш керакми ёки Миср мамлуклари сұлтоннинг тухумини тошга ёйиш керакми, деган масалада иккиланаётгандай қўринса-да, унніг үзи охир-оқибат, Мисрга қарши ҳужум қилишга қарор берди. Нил дарёсидан Сурия орқали Кичик Осиёга қадар чўзилиб кетган Миср салтанати Коҳира ва Дамашқнинг савдо-сотиқ, хунармандчиллик салоҳиятини, Хиндистон билан боғлиқ тижорат марказларини. Маккан мукаррама ва Мадинаи мунавварага элтувчи зиёрат йұлларини, Куддуси шарифдаги мусилмонларнинг муқадлас

қадамжоларини ўз назорати остига олганди. Миср мусулмон давлатлари ичида энг улкани эди. XII асрда үтган султон Салоҳиддин замонидан бери у дини исломнинг Farb салибичи-ларига қарши курашида етакчилик қилди. Салоҳиддин фран-кларни деярли тұла равиша Сирія музофотларидан ҳайдаб чиқарып, бу музофотларни Миср билан бирлаштириди.

«Фидойилар» деб аталмиш мамлуклар аввал бошда султонларни құрықлаш учун сотиб олинган құллар әдилар. Волга туманлари ва Левант үртасидаги савдо-сотиқнинг салмоқли қисми келиб чиқиши жиҳатидан, асосан, Даشت қипчоққа мансуб болған шу мамлуклар ҳиссасига тұғри келарди. Мсҳир ёйандоз, довюрак чавандоз болған бу күчманчилар одамларнинг қалбига құрқұв солувчи улкан ҳарбий күчга айлантирилганди. Ҳукм юргизаётган султондан дархон қилинған мамлуклар мутлақо ҳарбий ҳұмронға айланиб, мамлакат идора тизимининг асосий таянчи булиб қолғанди. Алал-оқибат, улар Салоҳиддин (Айюбийлар) сулоласидан бўлған султон үрнига ўз сафларидан чиққан одамларни султон қилиб кутардилар. Ҳар бир султон ўзи сотиб олган, ўқитган, озод қилған ва имтиёзлардан баҳраманд эттан содиқ мамлуклар томонидан кўллаб-қувватланарди.

XIII асрнинг охирига келиб, атоқли мамлук султон Бойбарс (асли-таги қипчоқлардан) ва унинг ворислари, ниҳоят, салибичиларни Сиріядан ҳайдаб чиқарди. Дарҳақиқат, султон Бойбарс ва мамлук лашкарлари мӯғулларнинг гарбга томон — Сиріяга ва Ўрта Ер денгизи соҳилларига ҳужумини тұхтатиб қолишига қодир бўлған әдилар. Ҳақиқатан ҳам, мӯғуллар 1260 йилда мамлуклардан биринчи маротаба жиддий мағлубиятга учрадилар ва Элхонлар салтанати Фурот дарёсининг шарқий соҳиллари бўйлаб қисқарди. Озарбайжон музофотлари билан Олтин Ўрта уртасида низо аланга олганида Элхон Ҳалоку сафарда эди, мамлуклар эса икки мӯғул салтанати ўртасидаги ихтилофни рағбатлантира бошладилар. Бойбарс билан Олтин Ўрда хони Берка уртасида олий даражада элчиноналар айирбошланди.

Миср Ҳиндистон билан савдо-сотиқда етакчилик қилиб, бундан жуда катта фойда оларди. Олтин Ўрдага күзни қамаштириш учун юборилаётган совға-саломлар мамлук султонларининг нақалар бой эканлигидан гувоҳлик бериб турарди.

Султон Бойбарс Ҳалокулар Багдодни босиб олган чоғда ҳацок бўлған ҳалифанинг қариндошини Қохирада қабул қилди ва шу вақтдан эътиборан, Қохирадаги қўғирчоқ ҳалифа мамлуклар ҳұмронлигини расмийлаштириб қўйди. XIII асрда бир қатор сулолавий ихтилофлар натижасида не-не истеъдодли султонлар тожу тахтдан маҳрум этилмади, дейсиз? Аммо

бу ихтилофлар, асосан, мамлукларнинг мутлақ хукмронлиги билан чекланган эди.

1382 йили черкаслардан чиқсан қул Барқұқ Миср ва Суряяниг мамлук султони бўлди. Дарвоҷе, султон Аҳмад биринчи марта худди ана шу Барқұқ паноҳига қочиб борганди. Айнан шу Барқұқ савдо-сотиқни ривожлантириш борасидаги Темурниг таклифларини рад этибгина қолмасдан, Соҳибқирон элчиларидан бирини улдирган, иккинчисини эса ҳисб қилганди. Темур Барқұқнинг бу беш кунлик дунёдан кўз юмганини эшигач, Коҳира саройини заифлаштирган рақобат энди унинг душман сафларидаги пинҳона иттифоқчиси бўлиши мумкинлини тушунди.

Барқұқнинг ун яшар ўғри Фарож Миср султони сифатида қарор топиши учун ёрдамга муҳтож эди. У усмонли турклар ҳукмдори Боязидга мурожаат қилганида, султон уни қўллаб-кувватлади. Боязид ана шу ёрдам эвазига Суряяниг шимолидаги чегара бекати — Малатийяни босиб олди. Бироқ Боязид ғолиблик нашидасини узоқ суро олмади — Малатийяни Темур ишғол қилди.

Ҳадемай Коҳира га Боязиддан элчилар келди ва улар Темурга қарши биргаликда ҳужум қилиш учун Миср ва турк султони ўртасида иттифоқ тузишни қатъий суратда талаб қила бошладилар.

Мазкур талаб Фарож амирлари томонидан рад этилди: улар Боязиднинг ўзи Малатийя шаҳрини босиб олиш учун Барқұқнинг ўлимидан фойдаланганлигини рукач қилдилар. «У бизга дўст эмас, ўз ерларини ўзи ҳимоя қиласерсин. Биз ўзимизни ва ўз одамларимизни ҳимоя қиласиз».

Темур Суря ва Кичик Осиё остоналарига олиб борувчи йўлларни назорат қилиб турувчи Малатийядан туриб, Фарожга нома йўллади. Соҳибқирон ўз номасида Барқұқ томонидан қамоқقا ташланган элчи Отилмишни қайтариб беришни талаб қилган эди. Бироқ ана шу номани олиб бораётган чаповул султоннинг Дамашқдаги ноиби Мудун томонидан ушлаб олиниб, чопиб ташланди.

Ўз номасига жавоб ололмаган Темур, күшинларини ҳужумга тайёрлай бошлади.

Темурниг зарбалари остида илгари, забт этиб бўлмайдиган, деб ном чиқарган Бахасна қалъаси биринчи булиб қулади. Шундан кейин жанубдаги Ҳалаб узра бевосита хавф-хатар пайдо бўлди. Шаҳар ҳокими бир томондан ёрдам сўраб султон Фарожга мурожаат қилди, иккинчи томондан Темурга зарба бериш учун Суря кучларини олға сурди. Ҳалаб ўз аҳамиятига кўра Дамашқдан кейин турадиган савдо маркази ҳисобланарди. Унинг бозорлари қимматбаҳо ҳинд маҳсулотлари

билин ҳамиша тұлиб-тошиб ётғанлиги учун мазкур шаҳарни «**Кичик Ҳиндистон**» деб атар әдилар. Сурия амирлари Хом ва Хомсдан, Антиохия ва Балбекдан, Агре ва Триполидан, Куддус да Фазодан үз қүшинларини тұпладилар.

Шундай қылеб, Темур қүшинлари Ҳалаб деворлари ёнида пайдо бұлғанида, у ерда салоқияти жиҳатидан унга тенг келдиган күч тұпланды.

Сурияликларга илохий ёрдам кулиб боқмади: уларнинг мудофаа истеңкөмлари ҳаммаёқни шип-шийдам қилиб ташланған жанговар филлар ва туркий қүшинларнинг сиқуви остида қулади. Дамурдаш ва бөшқа саркардалар шаҳарға қочиб кирдилар. Уларнинг қүшинлари үз құмандонларидан ибрат олиб, пароканда булды. Баъзи биревлар Дамашққа қоча бошлади, күплар йүлда үлдирилди. Қолғанлар очиқ дарвоза томон бурилиб, шаҳарда яширинишга ҳаракат қылдилар.

Низомиддин берган маълумотларга күра, улар бир-бирларига халақит бериб, бир-бирларини босиб-янчиб, дарвозага қараб ташландылар ва дарвоза оғзини тушиб қўйдилар. Ҳеч ким шаҳарға кира олмади.

Сурия амирлари Дамурдашнинг раҳбарлиги остида шаҳарни топширдилар. Дамурдаш яхши қабул қилинди. Қисқа муддатли қаршилик кўрсатганидан сўнг қалъа ҳам таслим булди. Темур ундаги омборларни, ҳукмдорларнинг бир неча авлоди томонидан тұпланды бойликларни, шаҳар боёнлари омонат тариқасида бериб қўйған олтину кумуш, зумраду забарждарни үзида мужассамлаштирган хазинани қўлга олди. Ноиб Садун асир олинди.

Темур үз үлжасининг асосий қисмини ва уғруқнинг зилзам бил юкларини арқда қолдириб, уни қўриқлаш учун саккизта амирни қўйди.

Үз одати бўйича, у шариат пешволарини ҳузурига чорлаб, илохиётга доир мунозара ўтказаркан, айниқса, сунний ва шиа мазҳаблари ўртасидаги зилдиятлар хусусидаги уларнинг фикрлари билан қизиқди. Темурнинг: «Мусулмонларнинг қайси бири — мудофаа қилгани шаҳид саналиб, жаннатга кирадими ёки ҳужум қилгани?»— деган саволига бир руҳоний мuloҳаза билан: «Қаломи Аллоҳ учун жиҳод қылувчи шаҳид ҳисобланади»,— деди. Жавоб Соҳибқиронга мансур булди, шариат пешволари ундан Ҳалаб ҳалқига раҳм-шафқат қилишни сураганларida, у «ҳаммага жони омонлик инъом этди ва шу хусусда онт ичди, шундайки, баъзи биревлар үзларининг бөшқаларга лутф-марҳаматли булғанликларини ҳис қилдилар». Ҳалабни фатҳ этиш учун қилинган қаттиқ ҳужумга Табриз яқинидаги Шомдан етиб келген мавлоно Низомиддин гувоҳ бұлғанды. 1393 йили туркийлар Бағдодга ҳужум қилғанларida уша шаҳарда турған бу эътиmod-

ли адид Фотихга ўз ҳурмат-эҳтиромини биринчилардан булиб билдирганди. Мавлоно 1400 йили Ҳалаб орқали ўтиб бораётганда, суряликлар уни, шубҳасиз, душман билан тил биритирган деб шубҳатаниб, қамаб қўйишди. У арк дарвозаси олдидаги уй томида туриб, шаҳар ва қалъага қаттиқ ҳужум қилинини кузатиб ўтирган эди. Кейинчалик олимни ўша жойдан олиб кетишиб, Темур билан таништириши. Соҳибқирон уни самимий қабул қилди.

Минанелли берган маълумотларга кура, сурялиларни суроқ қилгани олиб келишган. Темур бу мамлукларни, қулларни ўзининг аслзода амирлари билан қиёслар экан, уларни таҳқирлаган; уларнинг зиммасига ўз қушиналари учун галла, ун, пичан ва бошқа моллар етказиб беришни юклаган.

Темур бир ой давомида Ҳалабда қолди, сунг ҳамма ишларини битказиб, шаҳарни тарк этди.

Ҳалабдан чиқсан қочоқлар Дамашққа «афтода ва жирканч қиёфада» кириб келарканлар, жануб аҳлини яқинлашиб келаётган хавф-хатардан огоҳ этардилар.

Жануб йулида Темурга учраган Хама шаҳри шошилинч таслим бўлди ва хазина қалитлари унга дарҳол топширилди. Фолиблар бир неча ҳафтани шаҳар атрофида вақтихушлик билан ўтказдилар, қушиналар дам олди, Салтанат саройи аъёнлари учун ажиб кошоналар, Девон аҳли учун эса ҳашаматли бино бунёд этилди. Амирлар юришни кечикитириш маъқулигини айтдилар, бунга Ливан тоғларининг денгизига яқин этакларидаги қўл еггулик жойда ястаниб ётган қишки яловларни далил қилиб кўрсатдилар. Бироқ Темур ёғий ҳали кучини тиклашга улгурмасидан зарба бериш лозимлигини исботлади.

Қўшин жанубга ҳужум қилишни давом эттириди. Хомс таслим булиб, ўлпон пешкаш қилди. Баалбек енгилганлигини бўйнига олди. Туркийлар шаҳар донгини дунёга таратган фарқ пишган мева ва сабзавотлардан, хусусан, гилосдан, шунингдек, кесилган харсантошлардан ясалган айвонлар ва деворлардан завқландилар. Шу ердан Темур ўз туркий суворийларини Сидон ва Байрутни буйсундириш учун Ўрта Ер денгизи соҳилларига юборди.⁷

Қишининг қантар оқсан пайти эди. Баалбек ҳавоси совук эди. Шунинг учун Темур юришни янги, 1401 йил бошларида давом эттириди. Йўл-йўлакай у Нуҳ пайғамбарнинг муқаддас мозорини зиёрат қилди. Ниҳоят, у жанубга, Дамашққа қараб юрди.

Дамашқ Сурияning энг асосий шаҳри эди. Ўрта Ер денгизидан отда йўлга чиқсан суворий икки-уч кунда етиб боралиган бу шаҳар Бағдод. Форс кўрфази ва Хуросон йўлларидан келган карвонлардан ташқари, Маккан мұкаррамага отлан-

ган зоирларни ҳам қабул қиласынан да жеткізгендік. Бу ерда пұлатни обитобига келтириш, шиша, ипак ва бошқа түқимачилик буюмлари ишлаб чиқариш буйынса етти иқтимимга кетген устаптар яшардилар. Дамашқ дини ислом жорий этилған дастылабки асрда халифалар пойтахты булиб турды. Шундан кейин пойтахттағы Баттутаннинг сузларига қараганда, «хеч қандай бино унинг олдига туша олмасди, уни ҳеч қандай иншоот билан таққослад бүлмасди».

Қохирада Ҳалабнинг таслим бүлгани ҳақидағи хабарга ишонмадилар. Шу хусусда шум хабар келтирған чопар ҳибс қилинди. Шунга қарамасдан, мазкур хабарларни текшириб күриш учун иккі амир тұяда Қохирата жұнаб кетди. Фақат узоқ иккиләнешлардан сұнгина Фарож қаршилик күрсатышта қарор берди. У үз қүшинлари билан шимолға — Фазога қараб йўл олди. дамашқ ҳокими Темурга қарши иккі зарбор күчга эга бўлиш учун, асосий қүшинни сұлтон билан биргаликда Фазода қолдилар, шаҳар мудофаасини кучайтиришни таклиф қилди. Бироқ мамлук амирлари бу режани рад этилар. Қүшинлар Дамашқ теварагида жойлашиш учун шимолға қараб сильжили.

Сурияликлар ва мисрликлар баҳс-мунозаралар билан овора этилар. «Баъзи бирорлар, енгиб бўлмас азозилдан қочинглар дердилар ва ишларини йигиштириб қочишга тушардилар. Башқалар, Ҳалаб ҳокимлари заиф эди, улар фаросатсизлик қилдилар, дердилар. Миясида сотқынлик ҳақидағи фикр жойлашиб олган яна бир гурӯҳ кишилар эсанкираб қолгандилар. Бироқ Миср қүшинлари кучли, пухта қуролланган эди. Одамлар саросима гирдобида этилар. Баъзи бирорлар Муқаддас, Заминга*, айрим одамлар Мисрга томон йўл олдилар, бошқалар чиқиб бўлмас қоялар чуққисига тирмашдилар, бир гурӯҳ кишилар эса кўздан пана ва овлоқ жойларга яшириндилар...»¹

Ибн Тангри Берди дамашқликларнинг ишини йулга күйишига киришди. У шаҳар ахолисига пухта қуролланиш, озиқовқатни ғамлаб олиш ва Темурга қарши «охиригача» жанг қилишни таклиф этилди. Унинг таклифи ҳам, маслаҳати ҳам рад этилди. Шунингдек, Қибрис (Кипр) ва Фамагуста ҳокимларидан денгиз йўли орқали ёрдам бериш хусусида таклиф келди. Аммо бу таклифларга ҳеч ким эътибор бермади. Сарой аъёнларининг бутун куч-куввати рақибларга қарши курашга қаратилган эди.

* Муқаддас Замин — бу ерда Маккан мұкаррама назарда тутилмоқда.

Бироқ шаҳар мустаҳкамланиб, манжаниқлар ва қоруралар арк девори устига урнатилди. Фарож томонидан олиб борилган машқаратлар оқибатсиз қолмади. Туркийлар қүшингоҳига дарвиш хирқаси кийган бир қотил икки ёрдамчиси билан жұнатилди. Уларға Соҳибқирон чодирига киришга эришиш топширилганди. Бироқ қүшингоҳда улар одамларда шубҳа туғдирди. Тинтүв пайтида уларнинг пойабзалига яширилган тифи заҳарланган ханжарлар топилди. Сохта дарвишни ўз ханжари тифи билан үлдирдилар. Ёрдамчиларининг эса қулоқлари ва бурунларини кесиб, яна мамлук сұлтони ҳузурига қайтариб юбордилар. Ҳалабда асир олинган ҳоким ва ҳарбий бошлиқтар қасос сифатида үлдирдилар.

Темур Дамашққа күчли зарба бериш мүмкін бўлган масофага яқынлашиб келиб, шу ерда аскаргоҳ қурди, баландлиги бир одам бўйи келадиган тупроқ девор — сарқуб барпо этди. Айни маҳалда сулҳ тузиш ҳақидаги Темурнинг таклифи билан Фарож ҳузурига яна бир киши жунатилди: «Элчимиз Отилмишни қўйиб юборгайсен. Буйсунганилгингни маълум қилиб, исмимизни жума намозида хутбага қўшиб ўқитгайсен. Номимизни тангаларга зарб қилидирурсен. Ана шундагина сенга шафқат курсатурмиз. Бильъакс, фуқароларинг афт-ангордин дабдала қилурмиз ва салтанатинг кулин кўкка совурурмиз. Билурсенким, ҳasad ва шуҳратпараматлик сени менга қарши қилич кўтаришга мажбур қилмоқда. Сен кутарган шовқин-сурон ва ҳовлиқишилардан шон-шуҳратга сазовор бўлолмассен ва бу рафторинг ила хазинангни ҳаргиз купайтира олмассен. Бундан ташқари, инсон қорнини тўйғазиш учун яримта нон кифоядур. Сен учун икки йўл бор — уруш ё тинчлик йўли. Истаганингни танла».

Мамлук амирларидан кўпчилиги Темурнинг таклифи савимий эканлигига ишондилар. Улар Соҳибқироннинг таклифини ўзларининг ҳарбий жиҳатдан заифлиги сабабли эмас, балки ўз ўрталарида юз берадиган ихтилофлар оқибатида келиб чиққан заифлик сабабли қабул қилишни маслаҳат бердилар.

Бу сафар элчилар Фарож томонидан қабул қилинди. Улар Темурга олиб келган жавоб муроса-мадора оҳангида эди: биз Сизга ҳурмат-эҳтиром ва итоаткорлик изҳор қилурмиз; биз Отилмишни жұнатиш ҳақида қарор қилдик, бу ишни беш кун ичика бажарурмиз.

Орадан үн кун утиб, Темур қүшинларини күздан кечирди. Шундан сунг ажойиб утлоқлари бўлган машриқ томон силжиди. Дамашқ ахолиси Соҳибқироннинг бу саъй- ҳаракатини қувонч ва енгил тин олиб қаршиларкан, буни Темурнинг заифлиги сифатида баҳолади ва душман қўшинига орқа то-

мондан зарба бериш учун фурсатдан фойдаланиб қолмоқчи бўлди. Шаҳар дарвозалари очилиб, Сурия қўшилмалари гурзилар, ханжарлар, ҳаттоки тошлар, калтаклар билан қуролланган шаҳарликлар билан бирга отилиб чиқиб Темурнинг чағдовули (аръергарди)га зарба бермоқчи бўлдилар. Атрофда пиёда ва суворий сарбозлар мўр-малаҳдек эди. Бунинг устига Темурнинг набираларидан бири дамашқликлар томонига қочиб ўтганлиги шаҳарликларнинг ўз кучига булган ишончи-ни янада мустаҳкамлади. Бу — «ботирлик, енгилтаклик ва овсарликни ўзида мужассамлаштирган» шаҳзода Султон Ҳусайн эди.⁹ У аскаргоҳда уюштирган муштлашув натижасида жазодан қочиб қолган исёнчи унсурлар суряликлар хизматига кириш учун шаҳзодани Дамашққа қочиб ўтишга кўндиргандилар. «Тожик» қабилида кийинтирилган, кокиллари кесилган шаҳзодани бутун шаҳар буйлаб сазои қилиб олиб ўтдилар. Дамашқликлар шаҳар дарвозаси ортида шавкатли отлиқ аскарларни, Миср ва Суриядан йиғиб келинган ва шаҳар ташқарисида жойлашган қушинларни куриб, уларнинг ишончи янада ошди. Тунда ёқилган олов уфққа довур тулашиб кетганди. Яхши ҳордиқ чиқарган Фарож қушинлари Коҳирадан етиб келди. Туркийлар чарчаган эди. Улар билан булган бир қанча туқнашувларнинг муваффақиятли ўтгани хусусида хабарлар келиб турди, Гермон тоги ёнида туркийларнинг минглаб суворийлари қочгани, туркманлар томонидан уч мингдан ортиқ киши ўлдирилгани ҳақида хабар олинди. Қоноқлар мамлуклар томонига ўта бошладилар.

Темурга дамашқликларнинг ҳужумга ўтгани ҳақида хабар етказганларида, у ўз қушинини ортга бурди, бир тепаликка чиқиб, одатига кура, чукка тушганича, Аллоҳдан фатҳу зафар тилаб, намоз ўқий бошлади, сунгра совутини кийди, наққоралар чалишни буюриб, ҳужумга ўтишга даъват қилди. Суряликлар куп талафот бериб, орқага — шаҳарга улоқтириб ташланди.

Шундан кейин туркийлар қушини Дамашққа ҳужум қилиш тадоригини кура бошлади. Улар шаҳар атрофида халқа шаклида сафланиб, шимолдан, шарқ ва жанубдан Коҳира дарвазасига хавф туғдира бошладилар. Айтишларига қараганда, туркий қушингоҳларида ёқилган гулханлар шуъласи бир юз эллик миля масофагача ёйилган эди¹⁰. Темур Фарождан нома олди. Унда: «Кечаги иш — Қуққисдан қилинган чиқиш — халқ Қузғолони эди. Бунга бизнинг ҳеч қандай алоқамиз йўқ. Биз Ваъламизнинг устидан чиқамиз. Нима бўлган тақдирда ҳам афв этишингиздан умидвормиз», — деган сўзлар ёзилганди.

Туркийлар қушини тунда лашкаргоҳ қурдилар. Мамлук қушинлари ўртасидаги ихтилофлар ҳақидаги миш-мишлар

борган сари қулоққа қаттиқроқ чалина бошлади. Темурнинг Дамашқдаги беҳисоб тингчилари (жасуслари) уни рўй берадиган воқеалардан яхши хабардор қилиб туришди.¹⁰

Эртаси кун эрталаб Дамашқ аҳолиси Миср қўшинлари билан тўлган қалъя олдидағи майдон бўм-бўш бўлиб қолганини кўрдилар — Фарож жўнаб кетган эди. Қоҳирада кўтарилган ғалаён ҳақидаги янгилик баъзи бир амирларнинг бир кун аввал тунда кутимагандаги қочиб кетишига сабаб булганди. Уша амирлар «шундай важ-корсон топган эдиларки, уларнинг узр-баҳоналарини на бу дунёда, на у дунёда қабул қилиб буларди». Амирлардан кейин Фарожнинг Дамашқни тарқ этиши ҳал қилувчи аҳамиятга эга булди. Миср қўшинлари ҳар хил йўл билан жон сақлашга уриниб, булиниб-булиниб кетдилар: «Ҳаётини қутқазган одам ҳамма нарсани қутқазади».¹¹

Тонг отиши билан Темур ҳужум бошлаш ҳақида фармон берди. Султон Фарожни топиш учун ортидан фавж юборилди. Қочиб кетаётган мамлуклар жонларини сақлаб қолиш учун юк ортилган хачирларию, туяларини ҳамла қурол-яроғларини ташлаб, жуфтакни ростлаб қолдилар. Улар фақат ўз отлари ёрламида туркийлар таъқибидан қочиб кутула олдилар. Фарож «мисоли абжир илондек пилдираб» қочди, аммо унинг аъёнлари юлан қўпчилиги қўлга тушди. Арабшоҳнинг маълумот бернишича, бу асиrlарни филлар топтаб ташлаганди. Шу ҳудудда яшовчи қабилалар қурай имкониятдан самарали фойдаланишта интилиб, аянчли аҳволга тушган дайди мамлукларни тўнаб, ўлдирадилар. «Мисрликлар саркардасиз қўшин ва қўшинсиз саркарда эдилар».

Дамашқликлар ўзларининг раҳбарсиз қолганликларини билиб, шаҳар дарвозаларини ёпдилар, муқаддас уруш — ғазавот эълон қилиб, деворлар устига қўриқчилар қўйдилар. Етарли қўр-кут гамлаган, кучли истеҳкомга эга бўлган шаҳар аҳолисининг туркий қўшинларга мардонавор қаршилик қўрсатилиши бу курашнинг узоқ вақт давом этиши мумкинлигини кўрсатди.

Темур ўз элчиси орқали шаҳар оқсоқолларига таслим булиш шартларини, шунингдек, Дамашқнинг ҳар бир фуқаросидаи олинадиган товои миқдорини курсатди. Шартлар қабул қилиниб, товои пулинни ундириш учун тайинланган амирлар шаҳарнинг очиқ қолган ягона дарвозаси орқали ўз вазифалари ни дарҳол ижро этишига киришилар.

Шаҳар қуршаб олинган бўлишига қарамай, қалъя кутволи қаршилик қўрсатишга қарор қилди. Яқин масофага келган туркийлар камондан ва қоруралардан ўққа тутилди. Темур Мироншоҳ ва Шоҳруҳ қўмондонлигидаги ўнг қанот қўшинни —

баронғор лашкарларини дам олдириш, отларни мүл-құл ем-хашак билан таъминлаш мақсодида, жанубдаги қишки қарор-гоҳларга юборди. Қүшинларнинг қолган қисми қалъани яксон қилиш учун жұнатилди. Бажариладиган ишлар амирлар Үртасида тақсимлаб берилди. Деворлар тагидан лаҳим кавлаш ва истеҳкомларни портлатиш юмушларини бажаришдан ташқари, манжаниқлар, аррадалар, қоруралар ұнратилди. Уларнинг сони олтмишга яқын эди.

Шундоккина қалъя девори рўпарасига ұнратилған ёғоч миноралардаги қоруралардан арк ичига алангаланувчи нафт ўқлар улоқтирила бошлади. Бунинг натижасида алангадан чўғдек қизиб кетган деворлар сирка воситасида дарҳол совутила бошлади, шундан кейин тошлар босқонлар зарбидан осонгина майдаланиб кетаверди. Гарнizon қаршилик курсатишида давом этди. Бир жойда арк минораси тагидан лаҳим кавланганида, девор қулаб тушди. Шунда Темурнинг хурсонлик ва сейистонлик лашкарларидан анчагинаси девор тагида қолиб, ҳалок бўлди. Мудофелар деворнинг шикаст-рехтини тузатдилар.

Қалъя бир ойдан зиёдроқ қаршилик курсатди. Шундан сұнг калитларни топширган ҳокимнинг боши танасидан жудо қилинди. Айтишларига қараганда, қалъани қирқ нафардан камроқ киши мудофаа қилған экан. Гарнizon аскарлари қул қилиб олинди. Улар мамлук жангчилари — турклар, черкаслар ёхуд ҳабашлар эди, улар орасида Занжибардан чиққан бир неча сипоҳ ҳам бор экан. Бу модофелар, асосан, эндигина ҳарб илмини эгаллаган ёш-ёш йигитлар эди. Темур ўзининг шаҳар ташқарисидаги саройидан суряялик йирик боёнлардан бирининг данғиллама уйига кучиб кирди.

Темур арқда сақланиб келәтгандын битмас-туганмас хазинани, шунингдек, Маккан мұкаррама ва Мадинаи мунаvvара шаҳарлари учун үлпон сифатида сақланаётгандын галла омборини құлға кирилди. Шарафиддин, Темурнинг художүйлигини таъкилдаб, бу фалла Куддуси шариф орқали иккى мұқаллас шаҳарга жұнатилғанligини ёзған эди. Худди шу маҳал фалла үғирлаб сатаётгандын тавочи құлға тушиб, жиноий жазога тортилғанди. Айни замонда, шаҳарнинг қозилари Темурға тұланиладиган товон миқдори — бир миллион динор булиши хусусида битимга келдилар. Бу маблағ тұпланғаннан сұнг, Темур келишилған товон миқдори үн минг туман динор — бөшқача қилиб айтғанда, үн миллион динор эди, деб туриб олди. Афтидан, у Дамашқдек бадавлат шаҳардан шунча миқдордаги үлпонни үндирмоқчи булғанди. Шаҳарлардан бунчалик катта маблағ үндирілаётгандын маҳалда товон миқдорини қоплаш учун зарур булған молларни сотишни истисно этганды.

да, шаҳардаги барча мұтасил амалиёт тұхтаб қолғанди. Да-
машқ қозиларининг ўзлари күч ишлатыб, фүқарони бу улкан
товонни тұлашга мажбур этдилар. Темур яна зарур миқдорда-
ги маблаг тұланмаганлигини айтди: унинг ҳисоб-китоби буйи-
ча атиги уч милион динор тұпланған эмиш. Бунчалик улкан
миқдордаги маблагни қоплаш учун у шаҳардан қочиб кетган
тожирлар ва ашрофларнинг ҳамма бойлиги ҳамда мол-мұл-
кини, шаҳардаги ҳамма йилқилар; хачирлар, әшаклар ва түя-
ларни, шунингдек, ҳамма қурол-ярголарни талаб қылды. Му-
садара қилиш ишлари шаҳарнинг түрли маҳаллаларини узаро
булишиб олган Темур амирлари томонидан амалға оширил-
ди.

Темур номи ёзилған олтин ва кумуш тангалар зарб қили-
ниб, құшин орасыда тарқатилди.

Түркійлар Дамашқда шунчалик күп қул ва молларга эга
бұлдиларки, буларнинг қиймати ҳаққы-хұрмати, юришнің
дастлабки чөгларыда құлға киритилған үлжаларни ташлаб юбор-
дилар. Ҳатто ана шундай ҳолда ҳам Гуржистондан ва Кичик
Осиёдан йигиб олинған түялар, хачирлар ҳамда юқ тортадиган
отлар буларнинг ҳаммасини ташиб кетиш учун озлик қылды. Олиб
кетиш мүмкін бұлмаган моллар жин күчаларға ташланди ёки
ёки юборилди.

Шаҳар ҳунармандларини Самарқандға жұнатыш учун
тұплашди. Уларнинг орасыда малакали туқувчилар ва либос-
дүzlар, заргарлар, ҳарротлар, ҳижобдүzlар, темирчилар, ой-
насозлар, қуролсозлар, миришкор қүш ови амирлари, олим-
лар, моҳир құллар ва барча тоиғадаги усталар бор эди, улар
харбий бошлиқлар үртасыда тақсимланди. Энди ҳарбий бош-
лиқлар уларни Салтанат пойтахтига олиб кетишлари лозим
эди. Венеция консули Пасло Зана то Темур келгүнің қадар
ўз ҳамюрлари билан биргаликда олиш мүмкін бўлған бу-
юмларини олиб, Дамашқдан қочишига муваффақ бўлғанди.

Дамашқнинг таслим бўлиши ҳақидағы музокараларга ало-
қалор олимлардан бири мұаррих Ибн Халдун эди. У түркій
фотиқ қаршиисида шаҳарнинг таслим бўлишини маслаҳат бер-
гандардан бири эди. Ваҳоланки, бу музокараларнинг амалға
ошишида унинг тутған ўрни бирмунча шубҳалидир.

Ибн Халдуннинг үзи тавсифлашича, у үттіз беш күн да-
вомида Темурнинг қароргоҳыда турған ёки унинг ёніда бўлған,
ҳар куни әрталаб ва кечқурунлари Соҳибқирон томонидан
қабул қилиниб турған.

Халдун ўз таржимаи ҳолининг ана шу қисми охирида шун-
дай қизиқарли бир далилни келтиріди: у Қоҳирага етиб кел-
ганидан кейин Темурнинг номасини Фарожга келтирған элчи.
шунингдек, Ибн Халдуннинг хачири учун ҳақ ҳам олиб кел-

ганди. Соҳибқирон ана шу ҳақни султондан. Ибн Халдунга бериб қўйишни илтимос қилганди.*

Фарож Қоҳирага етиб келганида, шаҳар аҳли Дамашқ-нинг тақдиди ҳақидаги янгиликдан ваҳимага тушган эди, одамларнинг ақлдан озишига бир баҳя қолганди, ҳамма султон мағлубиятга учрабди. Темур уни таъқиб қилиб келмоқда, деб ўйлаганди. Шаҳарликлар мол-мулкларини сотиб, қочиш талоригини кўрмоқда эдилар. Ўй ҳайвонларининг баҳоси одатдагига қараганда бир неча баробар ошиб кетганди.

Темурнинг элчи Отилмишни қайтариб бериш ҳақидаги султонга ёзган такрорий талабномасига дарҳол жавоб қайта-рилди. Асирни озод қилиб, мұтабар кишилар ҳамроҳлигига Темур ҳузурига жунатишлари керак эди. Айни замонда, Мисрда туркийларга қарши курашни қайта бошлаш учун қүшинларни янги күчлар ва захиралар билан тулдириш мақсадида ёшларни аскарликка сафарбар қилиш бошланди. Тұрт мучаси соғ бўлган ҳар бир киши ҳарбий хизматни ўташи учун рўйхатга киритилмоғи ёки бунинг эвазига пул тўлаб, бошқа бир одамни юбормоғи ёхуд етиштирилган йиллик ҳосилнинг ярмиси миқдорида солиқ тулатомоғи лозим эди, сотиш учун кемаларда келтирилган молларга солинадиган бож солиғи миқдори оширилди.

Сурия билан Миср сарҳалидаги музофотларнинг аҳолиси кўркув ичиди яшарди, Қоҳирада бўлгани сингари, бошқа шаҳарларда ҳам кўпгина одамлар, айниқса, боёнлар қочиш тарапдудига тушиб қолишганди, аммо Темур жанубга ҳужум қилиб бормади. Унинг ўлжалар билан бойиган қўшини шимолга қараб йўл оларкан, йўл-йўлакай ҳали вайрон этилмаган туманларни талон-торож қилди. Араб саҳросига қараб

* Манбаларда Халдун билан суҳбатдан қониқиши ҳосил қилган Соҳибқирон унга Дамашқда азоб чекаётган ҳамроҳлари билан учрашиб туриш ҳуқуқини берганлиги қайд қилинган. Кунларнинг бирида Темур уни қўйиб юборишга рози эканлиги хусусида шама қилган, аммо буни ўзига хос тарзда, мутлақо кутилмаганда баен этган:

— Бу ерда сенинг ҳачиринг борми?

— Ҳачирми? Бор!

— Яхши ҳачирми?

— Ха.

— Уни сотиб олмоқчийдим.

— Мендек одам Сиз каби Соҳибқиронга ҳеч нимасини сотолмайди. Аммо мен ҳачирни Сизга эҳтиромим юзасидан инъом этишга тайёрман.

... — Сен ўз мамлакатингга, ўз оиласангга қайтасан!

Ибн Халдун Қоҳирага қайтиб келгач, орадан кўп ўтмай. Темур юборган чопар ҳачир учун бир оз пул олиб келипти. Бу пул ҳачирнинг баҳосидан анча кам экан, лекин чопар қасам ичиб, унга айни шунча пул беришганини айттипи.

қочишга мажбур бўлган туркман қабилаларининг катта миқдордаги қўй сурувлари ва йилқи уюрлари қўлга киритилди.

Туркий қўшилмаларидан бири ботқоқликлар орасига жойлашган Антиохияни бўйсундириш учун жўнатилди. Буйруқ бажарилди, шаҳар таланди. Бу фавжга Соҳибқироннинг дамашқликлар томонига қочиб ўтган набираси Султон Ҳусайн бошлиқ эди. У қўққисдан қилинган ҳужум чогида мағлубиятга учраб, ушлаб олинганди. Бу айби учун у Чингизхон жорий этган ёсо қонунига кўра, чуби ёсоқ қилинганди, яъни дарра билан саваланганди. Шаҳзодани бу жазо эмас, амакиваччалирининг таънаси ранжитган эди. Уни Соҳибқирон ҳузурига киритишмади, ўзи эса бобоси қабулига киришга юрак ютиб, ботинмади. Фақат Антиохия юришидан кейингина у ўзига бўлган ҳурмат-эътиборни тиклай олди.

Бу пайтга келиб, Темур яна чипқонлардан ва елқасининг жиддий еликишидан азоб чека бошлади. Соҳибқироннинг қаттиқ бетоблиги сабабли, шаҳзодалар ва амирларни, хусусан, широр билан банд бўлган Мироншоҳ ва Шоҳрухни чақиририб келтириш учун чоповуллар жўнатилди. Эҳтимол, Темур ана шу хасталиги сабабли бир арава оқ пиёз келтиришларини (гарчи бундай пиёз бутун Сурия ҳудудида топилмаса-да) талаб қилгандир. Ибн Арабшоҳ йирик тожир ва Сафада (Акрадан жануброқда жойлашган шаҳар) ҳокими ҳақида ги воқеани ҳикоя қиласи. Ҳоким қандай йўл билан бўлмасин, Темурнинг кўнглини олиб, ўз тақдирни ва дўстлари ҳаётини сақлаб қолишга қарор қилган экан: у катта миқдорда совға-салом жунатиб, Темурнинг талабларини қондирибди. Шунданми ёки бошқа сабабданми, у бир арава эмас, балки уч арава оқ пиёз жунатиш хусусида фармойиш берибди. Соҳибқирон тузалибди.

Темур Ҳалабдан олинган ҳазинани бир жойга туплади. Самарқандни бошқариш учун қолдирилган Саркарданинг набираси ва валиаҳд Муҳаммад Султонга Салтанат руқъаси* жунатилди, у бобосининг ҳузурига етиб келиши ва Ҳалокунинг тожини қабул қилиб олмоғи лозим эди. Маълумки, Ҳалокунинг мулклари аввалроқ унинг фаҳш йўлига кирган амакиси Мироншоҳга суюргол қилиб берилганди. Шаҳзода Муҳаммад Султон Соҳибқирон юришга чиққанидан кейин Моваро-уннаҳдан тўплланган ва қурол-аслаҳа билан шайлантрилган, яхши ҳордиқ чиқарган қўшин фавжларини ўзи билан бирга олиб келмоғи лозим эди. Иккинчи бир мактуби билан Темур ўз аҳли оиласини ёнига чақирапкан, шимолга, Қорабог яйловларига жўнаб кетмоқчи эканлигини билдирганди.

* Руқъа — мактуб.

Темур 1401 йилнинг март ойи ўрталарида Дамашқни тарк этди. Жанубий Сурия ва Миср аҳолисининг кўнгли тинчиidi. Туркийларнинг қўшинлари жануб ва ғарбга эмас, шимол ва шарқ томон бурилди. Ҳамма уларни уйига жунаб кетди, деб ўйлаганди.

Кекса Соҳибқироннинг не сабабдан шимол томон бурилганлиги сабабини фақат тахмин қилиш мумкин. Бироқ унинг амирлар ва сарой аъёнлари таъиси остида шимолга юрганлиги шубҳасиз эди, чунки мазкур амирларнинг фавжлари Ҳиндистон муҳорабасидан сунг кетма-кет яна икки мавсум юришда иштирок этиб, жуда чарчаган эди. Бундан ташқари, Темур, афтидан, Мисрнинг куч-қудратини ҳолдан тойдираётган Фарож саройидаги ихтилофларни ҳам ҳисобга олганди.

Темур аллақачон улкан галабага эришганди. Икки улуг мусулмон давлати — мамлуклар ва усмонлилар ўртасидаги иттифоқ Темурнинг режаларини барбод этиши мумкин эди. Ана шундай иттифоқ жанг санъати нуқтаи назаридан мумкин бўлгани ҳолда у Коҳира саройидаги аъёнларнинг ўзаро зиддиятлари ва ақлсизлиги оқибатида рад этилди. Энди бундай имконият бой берилган, Темур уларнинг ўртасида адомат уруги сочганди; у мамлукларни янчib ташлади ва усмонлиларни уларнинг бутун шарқий чегаралари бўйлаб иҳотасиз қолдириди.

Султон Фарож ўзича ҳеч кимга таҳдид сололмасди. Лекин Боязид Йилдирим хусусида бундай деб бўлмасди, у Темур салтанатининг гарбий чегараларидаги якка-ягона қудратли ёғий эди. Эндиликда Боязид бағдодлик султон Аҳмадга, Қора қўюнлилар беги Қора Юсуфга ўз саройидан бошпана берган эди. Улар Бағдоддан иккинчи бор қочганларида, шаҳарни туркийларга топширишмаган, шаҳар ҳокимини бир гарнizon билан қолдириб, нима қилиб бўлса-да, шаҳарни қўлдан чиқармаслик хусусида бўйруқ бергандилар.

Боязид Темурнинг Сивашга қылган ҳужумидан кейин Румга қайтиб келиб, Бурсада яна қушин туплади, аммо ўғли, шаҳзода Сулаймонга ёрдам бериш учун вақт ўтган, гишт қолипдан кўчган эди. Константинополни қамал қилиш ишлари тухтатилган ва Боязид Темур билан ҳал қилувчи тўқнашувга тайёргарлик кўра бошлаганди. Боязид Аҳмад ва Қора Юсуфнинг маслаҳатларига учиб ва туркийларнинг Сурия билан банд эканлигига умид боғлаб, Сивашнинг қулашида айбордor деб саналган Тахартенга қарши жазо кучларини юборди. Бироқ Темур фавжлари Сиваш музофотида турк қўшинларини тирақайлаб қочишига мажбур қилди. Соҳибқироннинг қолган фавжлари ҳозир шимолга бурилганлигини билган Боязид тўқнашувни кейинга қолдиришни афзал кўрди. Темур девони

билин сиёсий музокаралар қайта тиқланды, шаҳзода Тахар-төндән воситачи сифатида фойдаланилди, Боязид унинг бола-чақасини Бурсада гаров тариқасида ушлаб қолди. Музокара-лар муваффақиятли якунланған тақдирдагина унинг оила аъзо-лари қайтариб берилдиган бўлди.

Темур ҳам музокара олиб боришдан манфаатдор эди, ле-кин фақат Боязид билан эмас. У турк султонининг орқа қис-мидағи Оврупонинг насроний давлатлари билан музокаралар олиб борди. Қорабоғда утказилдиган қишидан Темур, энг ав-вало, Боязидга қарши ҳал құлувчи жанг учун фойдаланажа-ғига шубҳаланмаса ҳам булади. Самарқанддан шаҳзода Му-ҳаммад Султон қумондонлиги остида яхши ҳордиқ чиқарған қүшинлар чақирилди. Бу қүшинлар Хитойга қарши юришга тайёр турсин учун Мовароуннаҳрда қолдирилган бўлса, эх-тимол.

Бу ургада, шарқий Кавказ томон бораётib, йул-йулакай юқори Месопотамияда бир оз ҳордиқ чиқармоқчи ва майшат қилмоқчи булган Темур бу ниятидан воз кечди, зеро у Бағ-додни энди узил-кесил маҳв этиш пайти келганлигини бил-ганди. Темур шаҳарни қулга киритиш учун йигирма минг ки-шилиқ қүшин юборди, лекин бу натижа бермади. Шунда кекса Соҳибқирон сараланған қүшинлардан иборат манғлай билан биргаликда жануб томонга бурилди, манғлай ортидан бундан олдинроқ Табриз ва Қорабоғ томон йуналтирилган асосий қүшинни юборди.

Авжи ёз чилласи эди (1401 йил). Ҳаводан нафас олиб бўлмасди. Иssiқ кишини ҳалок этадиган даражала эди. Қамал қилиш ишлари олов сели пуркаб турган қүёш нурлари тиғи остида олиб борилди. Совут кийган сипоҳийлар жизганак булиш даражасига келган эдилар. Ҳарорат шу даражада ба-ланда эдикни, учиб бораётган қушлар ерга ўлик ҳолда тап-тап тушарди. Бироқ шаҳарликлар деворда ҳар қандай раҳна пайдо булиши ҳамоно уни ямаб-яскаб, телбоворий мудофаа қилар-дилар. Азоб-уқубатларга, иссиқ ва очликка қарамасдан, ша-ҳар қарийб олти ҳафта давомида қамалга бардош берди. Ана шунда Темур энг нокулай пайтни пойлаб, чошгоҳда умумий тарзда қаттиқ ҳужумга ўтиш хусусида буйруқ берди. Бу палла-да мудофаа мэрралари кимсасиз қолган, ҳимоячилар урнида шаҳар деворлари бўйлаб таёқларга кийгизилган дубулғалар қўққайиб турарди.

Раҳмдиллик ва меҳр-шафқатдан ном-нишон ҳам кўрин-масди. Жангда ҳаддан ташқари кўп миқдорда туркийлар ҳалок булган эди. Шаҳар мағлуб этилганда жасаллар шунчалар кўп эдикни, ҳатто тавочилар уларни санаб битказа олмадилар. Шаҳар ҳокими ўз қизи ва бир қисм хазина билан қочишига ултурған-

ди, уни дарё соҳили бўйлаб таъқиб қилдилар ва ўлдирилар. Ҳокимнинг уғруқидаги хазина қулга олинди, арз-гузориша Фурот дарёсининг тагидан қимматбаҳо буюмлар билан лиқ тулдирилган қайиқ қирғоққа чиқарилгани курсатилганди. Ана шу буюмлардан бири турли ранг-тусдаги қимматбаҳо тошлар билан безатилган, соф олтиндан ишланган дараҳт эди.

XIV боб

БОЯЗИД ЙИЛДИРИМ: АНҚАРА ЁНИДАГИ ЖАНГ

1402-От ўши

1400 – 1401 йиллардаги Сурия муҳорабаси даврида Темур билан Оврупо давлатлари уртасидаги дипломатик алоқалар давом этди. Константинополь ноиби Иоаннинг элчилари са-мимий қабул қилиндилар. Трапезунд орқали ўз уйларига жуна-тилган бу элчиларга Боязид билан музокараларни тұхтатиш ҳақидаги муқобил таклиф тавсия қилинди. 1401 йилнинг ав-густ ойи охирларида етиб келган бу элчилар доминиканчи роҳиблар Фрэнсис ва Александр бүлганликлари әхтимолдан холи эмас, зеро бу роҳиблар Фарб давлатларининг Темурға жұнатылған элчиларидан бири сифатида архиепископ Иоан Султонлининг ёзишмаларида тилга олинади.

Юнонларнинг насроний императори Мануэль III Трапе-зундий усмониллар таҳдидини туркйларнидан хатарлироқ деб ҳисоблаганидан, үзининг Темурға буйсунғанлигини из-ҳор этиб, унга совға-салом жұнатышга шошилди. Юнонлар-нинг насроний қыроллиги — Трапезунд тұрткынчи салиб юри-шидан кейин Константинополда лотинлар ҳукмронлигига чек қўйиш мақсадида Византия императори томонидан барпо этилганди. Бандаргоҳ мұхим аҳамияттаға эга эди. Элхонлар дав-рида Трапезундда савдо-сотиқ ишлари ривожланды, чунки бандаргоҳ Табриз учун мол сотиши буйича мұхим бозор булиб хизмат қилганди. Генуяликлар бу ерда энг құдратли жамоага эга эди.

Перага юборилған Темур элчилари янада күпроқ номалар ва совға-саломлар олиб борди. Саркарда ўз тобени Мануэль III Трапезундийдан унинг ихтиёрига йигирмата күп эшқакли кемани, Константинополь ва Перадан ҳам худди шундай ке-малар туркумини унинг ихтиёрига юборишни талаб қилди. Венецияликлар Хиос ва Родос ороллари билан туркйларга қарши иттифоқ тузишга уриндилар, бироқ дипломатия ҳамда концессиялардан фойдаланишини афзал куриб, ҳар икки то-мон билан музокараларни давом эттирилдилар.

Бу аснода Йилдирим ва Соҳибқирон уртасидаги муносабатлар заифлашмади. Сивашни босиб олганидан кейин, Темур ўз рақибини масхара қилди, бироқ, айни замонда, у билан битим тузишга тайёр эканлигини билдириди, чунки у мусулмонлар ўртасида низо келиб чиқишини зарарли ҳол деб ҳисобларди. Темурнинг навбатдаги номалари унинг Бағдодни ишғол қилишига бағишиланганди, шунингдек, у номаларда Боязиднинг даргоҳида паноҳ топган сulton Аҳмад ва Қора Юсуфни тутиб бериш талаб қилинганди, айниқса, Қора Юсуфтирик ёки улик ҳолда унинг ихтиёрига берилиши қатъий талаб қилинганди, чунки Қора қүюнли туркманлар Маккан мукаррамага кетаётган зоирлар карвонини тунаған эдилар. Агар Қора Юсуф тутиб берилганида, Темур насронийларга қарши урушда туркларга ёрдам берган булур эди.

Темур 1401 — 1402 йилларнинг қиши фаслида баланд тоғ текисликларида жойлашган Қорабоғдаги қишики қароргоҳида бўлди, унга Султония ва Самарқанддаги завжалари келиб қўшилдилар. Бошқалар қатори асиirlар карвони билан Самарқандга қайтиб келаётган амир Аллоҳаҳад Салтанатнинг шарқий вилоятларини тараққий эттириш, Хитойга қарши жангу жадаллар утказиш учун ҳужум таянчлари вужудга келтириш хусусида йўриқнома олганди.

Қорабоғда қишлоғ Темурнинг Олтин Ўрдалаги қолган-кутган кучларга қарши юриши учун бир баҳона бўлиши мумкин эди. Бироқ шимолга қилинажак юришлар ҳақидаги мишишлар ўзларининг бўйсунганикликтарини изҳор қилиш учун келишлари лозим бўлган қипчоқ ҳуфияларигагина мўлжалланган эди. Темур бунинг ўрнига Гуржистонда жанг бошлаб юборди: у ерда қўзғолон кўтарган қальъалар аҳолиси Темур ҳокимиyатини оёғости қилаётган ва ҳануз ўлпон ҳам, қўшин ҳам бермаётган эди.

Қорабоққа бир туркум кема билан ёрдам кўрсатишига тайёр эканлигини исботловчи ҳужжатлар билан Константинополь ва Перадан элчилар ташриф буюрдилар. Генуя вакили ҳам Темурни кўллаб-куватлаш ҳақидаги ваъдасига содик эканлигини тасдиқлади. Шунингдек, Қорабоққа Боязиднинг ҳуфия кишилари ҳам келдилар. Улар келтирган жавоб аввалиларига нисбатан «анча ҳовуридан тушган», муросали оҳангда эди. Шунга қарамасдан, у усмонли туркларнинг меҳмондорчилик таомили сulton Аҳмад ва Қора Юсуфни ушлаб беришга йўл қўймаслигини изҳор этиб, Темурдан Сивашни қайтаришни талаб қилган эди. Турк элчилари алоҳида меҳмоннавозлик билан қабул қилиндилар. Уларга атаб тантанали байрам ва шоҳона шикор ўтказилди. Темур ҳамон Боязид билан музокара олиб боришни ва Қора Юсуфни ушлаб бе-

риши талаб қилиб туриб олганди. Лекин айни шу пайт шаҳзода Мұхаммад Султон тож-тахтини қабул қилиш учун Сармәнддан йұлға чиққан ва үзи билан бирга, Салтанат қүшинлари учун мадад кучи олиб келаётган эди. Булар Темурнинг Боязидга қарши урушга тайёргарлик күраётгани ҳақида фикрлашга имкон беради; музокаралар эса вақтдан ютиш учун керак эди.

Темур то Боязиднинг жавобини эшиитмагунича Константинополь ноиби Иоанга берадиган жавобини юбормай турди. Шундагина у 1402 йил 15 май санаси билан мактуб жүнатти. Мактубнинг лотинча таржимаси Венеция хужжатасровларида сақланиб қолған². Темур ўз мактубида роҳиб Фрэнсис, шунингдек, мактубни етказған Исак ҳамда Александр (Сандрон) ларнинг бундан аввалғы ташрифини далил қилиб келтирғач, үзига билдирилған иззат-икромни қабул қилишини айтиб, агар Боязид Византия императорига етказилған заарни қопламаса, унинг адабини бериб қуяжаги хусусида таҳдид қылғанди. Мактуб Константинополь ҳокими томонидан йигирмата жиҳозланған күп эшкакли кеманинг Трапезундга юборилиши лозимлігі ҳақидаги аниқ талаб билан тугаган эди.

Бу пайтда, шунингдек, Farb католиклари әлчиси архиепископ Иоан Султонли фаранг қироли Карл VI дан тақлиф билан етиб келди. Иоан туркийлар билан насронийлик олами ўртасидаги савдо муносабатларини рағбатлантиришдан ва, әхтимолки, кейинчалик Темур салтанатини католик черкови маскания айлантиришдан умидвор эди.

Темурнинг амирлари аввалига унинг Боязид Йилдиримга қарши чинакамига юриш бошлашга қарор берганлигини маъқулламадилар. Қүшин уч йиллик мاشаққатлы ҳарбий юришни бошидан кечирғанди. Боз устига, Боязид қүшинининг улкан кучга эга эканлиги, қурол-аслаха билан яхши шайлантанлиги маълум эди. Амирларнинг мулоҳазалари Соҳибқиронга ёқмаслиги мумкин эди, шунинг учун улар ўз фикрларини айттириш учун әхтиёткор одам — шайхни топған эдилар. Үша шайх Соҳибқиронга бундай юришлар учун юлдузларнинг ноқулай жойлашганлиги хусусида сұздади. Темур бунга жавобан ўзининг зулмкорни жазолаш учун худованди карим томонидан юборилған қилич эканлигини исботлади. Турк Боязид насроний қызы — серб маликаси Мария Оливерага уйланиб, дини исломни таҳқирлади, устига-устак, Аллоҳнинг ғанимларига бошпана берди. Юлдузлар устидан ҳукм юргизмаса ҳам одамлар қисматига таъсир ўтказа олишини билған Темур етакчи мунажжимлардан бирини ҳузурига чақириб, юлдузларнинг қандай жойлашганлигини тушунтириб беришни ва бу ҳақда

хулосалар чиқаришни сұрады. У ана шу хулосалардан қай бирини бажариш мүмкінлегини билмоқчи эди. Мавлоно мұнажжим сайёралар ҳаракати талқынинг күра, Темур мавқеининг құдрати айни қиёмда эканлигини тушунтириди. Демек, Онадұлы забт этилажак. Ўз навбатида, Боязид Тахартенниң хотинлари ва фарзандларини гәров сифатида ҳамон ушлаб тураркан, Оврупо қытъасидан ва Румнинг барча музофотларидан қүшинлар түпледи. Айни пайт, ҳар қанча ишонтишларига қарамасдан, Константинополнинг шаҳзода-ноиби ва Перадаги генуяликлар түрк қүшинлари Овруподан олиб чиқиб кетилишининг олдини олиш учун чора күрмадилар. Улар ұсмонлиларнинг кетғанлигидан мамнун әдилар.

Түркій қүшинлар ҳам ҳаракатта кирди. 1402 йыл февральда пошшоойимлар Султонияга қайтариб юборилди. Мовароуннардан мадал күчларининг илғор қисмлари билан етиб келган Мұхаммад Султон Дажла дарёсидан ғарброкда қад кутарған буйсунмас қатъа — (мазкур шаҳарни Боязид Тахартендан тортиб олғанды) Камаҳа ҳужум қилиш учун ўзи билан бирға, бир фавжни олиб жүнади. Солномачиларнинг ёзишлирига қараганда, Камаҳ байни ердаги жаңнатнинг ўзи эди. Баҳор фаслида баландликдаги инларидан тушиб кетған қүшларнинг фиж-фиж мой полопонларини шаҳар ақолиси йиғиб, күзаларда сақларди. Шаҳарни сув билан таъминлаб турувчи ариқ четга буриб юборилди. Туркийларнинг тунғы ҳужуми қайтарилди. Улар бирмунча талафот күрдилар. Лекин бир ҳафта давом этгандын сунг қатъа таслим бұлды ва шаҳзода Тахартенга қайтариб берилди.

Темур Авниқда бир муддат қолиб, Боязид әлчиларини күтди: сұнг тезлик билан ғарбга йўл олди ва ўз қүшинларини Сиваш ёндидеги текисликларда түпледи. Шу ерда уни ўз хожасидан жавоб келтирған түрк әлчиси кутиб турарди; афтидан, улар Соҳибқиронни шарқроқда учратишни күтгән әдилар. Ибн Тангри Бердининг ишонтиришича, жавоб «дағалроқ» эди. Ибн Арабшоҳнинг ёзишига қараганда, мактуб үта даражада иғворгарлик руҳи билан сугорилғанды. Үнда Темурнинг Боязид ҳузурида ҳозир булиши лозимлиги ҳақидаги талабдан ташқари, Темурнинг завжаларига нисбатан «улар уч талоқ бұлсın» деган ҳақорат сұzlары ҳам қүшилғанды.

Темур бу жавобни үқиб чиқиши ҳамоно ҳаяжонланиб, деди: «Усмоннинг үғли ақддан озибди. Вайсақи. Хотинларнинг номи тилға олинған номаға мұхр босипти-я». Мусулмонларда аёллар номини тилға олиш жиноят, мұдхиш ҳақорат сана-ларди. Заифалар номи тилға олинмасди. Жуда зарур бұлғандағына, улар ҳақида «хижобдаги» деб, ёхуд шу каби йұсундагына ғапириш мүмкін эди.

Темур әлчилар олдидә ўз қүшинларини назардан үтказди. Улар бирғаликда яқын ва узоқ Осиё: Ширвон ва Сейистондан, Гилон ва Бадахшондан, Арманистан, Эрон, Хуресон ва Мовароуннардан келган күпдан-күп шаҳзодалар бошликтар қылған тұманотлар, ҳазоражотлар, қүшнотлар — үн мінг, мінг, юз кишидан иборат қүшилмалар сафларини бирғаликда айланиб чиқдилар. Ҳар бир қүшин бошлиғи ўз фавжларини таништириб, Соҳибқиронга содиқлары хусусида онт ичдилар. Ҳисобсиз отлиқ қүшилмалар жуда пұхта дейиши мүмкін бұлмаса-да, яхши қуролланған эди. Булар суворий ёдан-дозлардан иборат, иккінчи даражада ишларни бажарувчи пиёдалар қүшилған қүшинлар эди.

1399 йилдан бүён Темур билан бирғаликда етти йиллик юришда иштирок этган фахрий аскарлар ёнда Мұхаммад Султон томонидан ҳозиргина Самарқанддан бошлаб келингандын мадал күчлари турарди. Темур, айниқса, шулардан күпроқ фахрланарди. Башанғ кийинган, яхши қуролланған ҳар бир қүшилманиң ўз жиғаси бұлиб, фақат ўзигагина тегишли бұлған рангда қуролланған эди: тұқ қызыл рангдаги байроқлар тұқ қызыл рангдаги жуллар, қалқонлар, садоқлар, камарлар ва тұқалар билан үйғуналашиб кетғанды. Үндан сұнг яшил, оқ, қырмизи ва бошқа рангдаги фавжлар турарди. Баъзи бир фавжлар жавшан* ва бошқалари эса зирх** кийиб олғанды. Самарқанддаги асир усталарға ҳам байрам татиганды. Католиклар әлчиси архиепископ Иоан ҳам, афтидан, Темурнинг қүшингоҳыга, таҳминан Сивашда етиб келған бұлса керак. Фарангистон қироли Карл VI тағпилилар мактубда шундай имзо бор эди: «Сивашда топширилди».

Усмоний түркларнинг әлчилари узларининг ҳукмдорлары ҳузурига қайтариб юборилди: уларнинг совға-саломлари рад этилди.

Султон Боязид Константинополь айни таслим булай деб турған пайтда қүшинларини қамалдан олди ва құлдаги мавжуд барча күчларни Онадулида түпледи. Үннинг үтган йыл күзіде венециялықлар, генуялықлар ва византиялықлар билан, хусусан, кемаларни мадал күчлари билан таъминлаш борасыда олиб борған музокаралари, асосан, Темур юргизған тескари сиёсат туфайли чиппакқа чиққан эди. Қүшинлар ортини мустаҳкамлаш мақсадыда Боязид Галлиполида үзининг тұққизта галераси ва кемаларини, Эгей деңгизи соҳилларидаги турли бандаргоҳдарда эса, яна йигірмата кемасини қолдирди. У Бурсада фақат Оврупо қытъасидан келған түрк қүшинлари-

* Жавшан — оддий темир совут, симдан түқилған.

** Зирх — симдан түқилған, үк ва тиғ үтмас уруш кийими.

нигина эмас — бунга Константинополни қамал қилган ва Галиполидаги гарнizonлар ҳам киради — балки сербларнинг, бошқа Болқон ҳамда насроний тобеинларнинг қүшинларини ҳам тўплаган эди. Қипчоқ туркийлари фавжи Молдавия орқали Румга етказилди; бошқа усмонли ва туркий ёлланма аскарлар Румнинг шарқий чегараларидан келтирилганди. Боязид, шунингдек, Мисрнинг ўзи ҳам ишончли қўшинларга эга эмасди. Бундан ташқари, унинг бу туркка ёрдам бериш хоҳиши йўқ эди, чунки Боязиднинг шарққа қараб силжиши Суриядаги чегара қалъаси Малатийянинг аллақачон қўлдан чикишига сабаб булганди.

Ёз кириб келди. Боязиднинг қулогига Темур қўшинлари Онадўлига бостириб киришга тайёргарлик курмоқда, деган гаплар чалинди. Боязид душманнинг янада ичкарига киришига йўл қўймаслик мақсадида тезлик билан шарқ томонга силжиди. Амирларнинг бир-бирига зид бўлган маслаҳатларидан Боязид Темурни Анқара ёнидаги яхши таъминланган қўшингоҳ маррасида кутиб олиш керак, деган фикрни рад қилди. Бунинг ўрнига, у ўша ерда ўзининг захирадаги қўшинларидан бир қисмини гарнizon билан қолдириб, Темурнинг ҳужумини тұхтатиб қолиш учун шарққа қараб силжишда давом этди.

Темур ўз ҳировуллари — разведкачилари орқали усмонли туркларнинг саъи-ҳаракатларидан хабардор эди. У Сивашдан зудлик билан ҳамла қилиб. Тукатга йўл олиш ўрнига, Қизил Иromoқ (Холис) дарёсининг чап соҳили бўйлаб, жануби-ғарбга қараб юрди.

Олти кунлик жадал юришдан сунг туркий қўшинлар усмонлилар томонидан ҳеч қандай қаршиликка учрамасдан, Қайсарияда пайдо бўлди. Шу ерда улар тўрт кунга тўхтар эканлар, отларнга дам бердилар, етиширилган бутун ҳосилни йигиб олдилар. Ҳировул гуруҳлари жойларни ҳозирлаш ва сув етарли бўлмаган масканларда қудуқлар очиш учун Анқара йуналиши бўйлаб олға босдилар. Қўшингоҳ учун мулжалланган жойлар зич қоқилган қозиқлардан иборат деворлар ва хандақлар билан ураб олинди, кутилмаган ҳужумга қарши эҳтиёт чоралари курилди. Яна тўрт кунлик юришдан сунг туркий қўшинлар Кир шаҳрига кириб келдилар. Шу ерда улар биринчи марта усмонлиларнинг майда-майда гуруҳлари билан тўқнашиши, биринчи марта Шоҳ Малик қўмондонлиги остидаги лашкар билан туркларнинг ҳировул гуруҳлари уртасида қонли жанглар булиб ўтди. Шунга қарамасдан, туркийлар дам олишда давом этиш учун имкон топдилар. Яна уч кунлик жадал юришдан сунг улар пухта ҳимояланган Анқара (Ангора) шаҳрига етиб келдилар.

Темурнинг фавжлари Анқара шаҳри ёнидаги шарқий ва шимоли-шарқий ҳудудлар бўйлаб қўшингоҳларда жойлашилар. Бу ерларни яқинда Боязид Тукатга ҳужум бошлаш ниятида ташлаб кетган эди. Бу ерда мўл-кўл сувдан ташқари, серўт яйловлар ҳам бор эди. Анқара ҳокими Боязид томонидан қолдирилган гарнizon билан биргаликда охирги томчи қони қолгунча қаршилик кўрсатишга ҳозирлик кўрарди. Темур Сурия ва Арманистон йуллари чорраҳасида жойлашган Бурса ва Константинополь йўналишини назорат қилувчи бу шаҳарни қамал қилиш ишларини дарҳол бошлаб юбориш хусусида буйруқ берди. Шаҳарни сув билан таъминлаб турувчи ариқлар четга буриб юборилди. Ҳандақлардаги сувни қутиши ва деворлар тагидан лаҳим кавлаш ишлари бошлаб юборилди. Темурнинг бошқа фавжлари отларини яйловларда сугориш учун Анқаранинг жануби ва ғарбига жунатилди.

Темур аскарлари эндиғина қалъа деворига ҳужум қилиб кутарилган эдилар ҳамки, Соҳибқирон қароргоҳидан орқага чекиниш ҳақида буйруқ келди. Айни чоғда, Боязид ҳам ўз лашкарлари билан Сивашдан қайтди ва Темур сарбозлари билан бирбирига зарба берарли масофада тўқнашди. Шошилинч тарзда чақирилган туркий фавжлар Соҳибқироннинг асосий кучи билан кент сайҳонлиқдаги қароргоҳда бирлашди.

Ва лекин Боязид қўшинининг асосий қисмини пиёдалар ташкил қиласади, шу боис, у дарҳол жангга киришга қодир эмас эди. Гарчи усмонли асиirlарнинг айримлари, ҳозир Темур лашкарлари тарқоқ бўлган пайтда, уларнинг орқа томонидан ҳужумга утиш қулай, деб маслаҳат берган бўлсалар ҳам, Боязид бу маслаҳатни инобатга олмади. Натижада қулай имконият қулдан бой берилди. Жадал юришлар йирик пиёда қўшиннинг тинка-мадорини қутиган бўлса-да, улар ҳордиқ чиқариш ва ўз кучларини тиклаш имкониятига эга эмасдилар. Боз устига, туркийлар биринчи бўлиб ўзларига қулай жой танлаб олдилар ва сув манбаларини эгаллаб олдилар. Усмонли қўшинлар қароргоҳида уларни сув билан таъминлайдиган ягона қудуқ бор эди. Ўша қудуқ ҳам Темур буйруғига кўра, ифлослантирилганди. Ибн Арабшоҳнинг сўзларига қараганда, Темур қўшинлари Туркиянинг серунум ерларида етиширилган ҳосилдан, соя-салқиндаги муздай булоқларнинг сувидан, сара меваларидан куч йиққан ҳолда Анқарага етиб борганди. Усмонли туркларнинг қўшинлари эса, миод ерига* «азоб-уқубатдан ҳалок булаёзган ва чанқовдан ўлар ҳолга келиб» етиб борганди.

* *Миод ери* — олий бош қўмондоннинг буйруғига кўра, аскарларнинг жангга шай ҳолда белгиланган жойда тупланиш ери.

Темур Анқарани қамал қилиш ишларини бошлаб юборди. Туркий қүшиннинг ўнг қаноти, яъни баронфорига шаҳзода Мироншоҳ ва амир Шайх Нуриддин қўмондонлик қилаётган эди. Манғлай (авангард) фавжларига Абу Бакр билан амир Жаҳон Шоҳ саркардалик қилди. Чап қанот, яъни жаронфор амир Сулаймон Шоҳ мадади остида Шоҳруҳ ва Халил Султон бошлилиги остида эди. Жаронфорнинг манғлайига Темурнинг набираси, бобосининг хусн-таважжуҳини қайтадан қозонган Султон Ҳусайн етакчилик қилмоқда эди. Ўрта Осиё зодагонлари бошлилигидаги фавжларга валихаҳ шаҳзода Муҳаммад Султон етакчилик қиласарди. Унинг боши узра Соҳибқироннинг салтанат белгиси — тўриқ от думидан ясалган, тепасига олтин ҳилол қўндирилган туғ кутарилди. Бахтли юлдузлар буржи ҳукмдори Темур аслзода шаҳзодалар Пирмуҳаммад, Умаршайх ва Искандар ҳамда бир талай амирлар билан биргаликда, захирада турган қирқта қушунот — полк устидан қўмондонликни уз зиммасига олди. Муҳорабада қўшинлар олдидা яна улуғвор ва даҳшат соловчи жанговар филлар сафга тизилди.

Никополь галиблари ҳам, жадаллаб юрганларига қарамасдан, жангга катта куч билан ҳозирлик кўрганди. Уларнинг сафларида бошдан-оёқ зирҳли либос кийган йигирма минг серб отлиқ аскарлари, мунтазам пиёда қўшинларнинг ибтидоси, асир тушган қуллардан ўргатилган, кўпчилиги насронийлардан бўлган янничарлар (янги чериклар), сипоҳийлар деб атальмиш отлиқ аскарлар, мунтазам бўлмаган отлиқ ва пиёда аскарлар, Кичик Осиёнинг музофотларидан йигилган турклар ва туркийлар бор эди.

Ҳар икки томон ҳам ичига ёнувчи модда солинган шиша отувчи тўплар — қорураларга эга эди. Уришувчи қўшинларнинг ихтиёридаги лашкарлар сони турли манбаларда турлича баҳоланганди. Кейинчалик эришилган ғалабанинг улуғворлигидан қаттиқ лол бўлган купгина юон ва лотин солномачилари туркийлар сонини олти юз мингдан саккиз юз мингтагача деб кўрсатган эдилар. Бечора Шильтбергернинг ваҳима босган қўзларига туркий қўшинлар сони қарийб бир миллион турт юз минг киши булиб куринганди. Шунингдек, усмонли қўшинлар сони ҳам турлича, икки юз мингдан яrim миллионгача деб таҳминланганди. Ҳақиқатда эса, Боязид қўшинлари Никополь ёнидаги жангда қарийб юз минг кишидан иборат бўлган булса, Темурга қарши курашиш учун яна Онадули ва Болқон яриморолидан қўшимча тарзда йигилган аскарларни ҳисобга олинса, ҳаммаси булиб, унинг аскарлари сони икки юз мингга яқинлашарди. Унга қарши қўйилган туркий қўшинлари сони ҳам, афтидан, худди шунча булиб чиқади, чунки Темур фавжлари Мовароуннаҳдан катта мадал

олганди. Соҳибқирон қўмондонлиги остидаги жанговар захиралар қарийб қирқ қушиндан иборат эди (ҳар бир қушин эллик мингдан юз минггача ёки ундан ҳам купроқ аскардан тузилиши мумкин эди), баъзи бир мутахассислар бундай қушин ихтиёридаги кучларни ўттиз мингга яқин деб баҳолагандилар. Шунча миқдордаги захираға эга туркӣ лашкарлар сони икки юз минг бўлиши эҳтимолдан узоқдир. 1402 йил 28 июль, жума куни бўлиб ўтган жанг ўша замондаги энг улуф муҳорабалардан бири бўлди.

Жанг санаси ҳақидаги маълумотлар ҳам бирбирига зид. Одатда, мусулмонча матнларда курсатилган 20 июль санасини туғри деб ҳисоблайдилар. Бироқ Арабшоҳ ва бошқа муаллифлар исбот тариқасида келтиришган сана (28 июль) ҳақиқатга анча яқиндир. Архиепископ Иоан ўша жангдан кейин орадан кўп ўтмасдан, Парижда ёзган ўз хотираномаларида жанг санасини 28 июль, жума куни деб курсатади. Бу маълумот Муҳаммад Султон жангдан кейин ўз қушилари билан етиб келган куни — 3 августда Бурсада бўлган венециялик Жерардо Сегредо томонидан ҳам тасдиқланади. Агар сарой солномачисининг маълумотларига ишонилса, Муҳаммад Султон жадал суръатлар билан йул босиб, беш кунда Бурсага етиб келган бўлиб чиқади. У жанг тугагани ҳамоно жўнатилганди. Агар у Анқарани жангдан кейинги куннинг эрта тонгига тарқ этган бўлса, муҳорабанинг эҳтимол тутилган санаси 28 июль бўлиб чиқади.

Усмонли турк қушиnlари Темурга қарши Анқарадан шимоли-шарқда жойлашган Чибуқобод водийсида тупланганди. Қачонлардир худди шу ерда Рим генерали Помпей Митридатни тор-мор келтирганди. Онадули қушиnlари унг қанотига Боязиднинг сербиялик қайниси ва тобеини Лазаревич қўмондон эди. Бу қушин ёнар ўқ отувчи қоруралар билан қуролланган сербларнинг мадал кучларидан иборат эди. Боязиднинг ўғли Сулаймон Чалабий қўмондонлик қилган чап қанот Македония лашкарларидан иборат бўлиб, унга Кичик Осиёдан суворий туркманлар мададга келганди. Қарийб беш минг кишилик қўшиннинг марказини ташкил этувчи яничарларга Боязид Йилдиримнинг ўзи ва унинг уч ўғли Мусо, Исо, Мустафолар қўмондонлик қиларди. Уларга отлиқ аскарлар мадад бериб турарди. Отлиқ аскарлардан иборат захира кучларига Боязиднинг яна бир ўғли Меҳмед Чалабий қўмондонлик қиларди.

Жанг арафасидаги 26 июль туни намозхонлик ва дуюю такбирлар билан ўтди.

Эртаси куни эрталаб, ҳамиша жанг олдидан бўлганидек, Темур отдан тушиб, ғалаба учун жам бўлиб намоз ўқишни

таклиф қилди. Бу воқеа әрталаб соат ўнга яқын юз берганди. Шундан сұнг карнайлар, наққоралар, чанглар ҳужум қилиш хусусида бом чалдилар. Серб отлиқ аскарлари, сипохийлари ва яничарлар мардонаворлик билан жанг қилдилар. Туркийларнинг сиқувга бардош беролмасдан, ортга чекина бошлаган чап қаноти ҳужум қылувчи серблар томонидан таъқиб этилди. Сербларнинг құршовға тушишидан чүчиган Боязид уларға олдинги мэррасига қайтишни буюрди. Худди шу маҳалда туркий отлиқ аскарларидан ташкил топған усмониллар үзларининг ҳужуми йұналишини ўзгартириб, суюкли аслзода Сулаймон Чалабий құшинларига ҳужум қилди. Бундан аввалги ойларда Темурнинг айгоқчилари вақтни беҳуда үтказмагандилар. Улар Онадули музофотларидан йиғиб олинган ёлланма туркий аскарлар ва рекрутлар орасыда ташвиқот ишларини олиб боргандилар. Онадулилар үзларининг янги ҳукмдори Боязиддан норози әдилар. Чunksи у халқ бошига тинкани қури тувчи солиқлар солған, мамлакатни бошқариш ишларida уларни аралаштирган, ёлланған аскарларға ҳақ тұламай, уларни жадал суръатлар билан юришга мажбур қилған зди. Иккінчи томондан Темурнинг ўлжа булашиша үз қүшинларига нисбатан бағрикенглиги уларға яхши маълум зди. Ана шу түрк фавжларидан күпчилиги — Сарухан, Ойдин, Ментег, Кирмиёндан келған фавжлар туркийлар томонига үтиб кетдилар. Манбалардан бирининг курсатишича, бундай фавжлар сони қарийб ўн бештага етған экан. Бошқа манбалар эса Боязид қүшинларининг янаям күп қисми Темур томонига үтганигини таъқидлайди.

Туркийларнинг чап қаноти — жаронфорида оғир жанглар давом этарди: Мұхаммад Султон үз ихтиёридаги захира кучларни сербларға қарши ташлади. Сербларнинг жанговарлик сифатларидан Темур қойил қолғанди. Бутун жанг чизиги бўйлаб қилинган шиддатли ҳужумларни ва қүшин орқасида уюштирилган хоинларнинг ҳужумини қайтаришга курби етмаган шаҳзода Сулаймон Чалабий жангни бой берилган, деб ҳисоблади. У македон қүшинлари ва Боязид аъёнларидан бўлмиш баъзи бир амирлар билан бирғаликда қочди. Турк қүшинларининг ўнг қанотида Лазарович ва унинг серблари то умид ҳаддан ташқари кам қолганини күргунларича саботматонат билан жанг қилдилар, сұнг чекинаётган Сулаймонни муҳофаза қилиб, Бурсага тислана бошладилар. Исо ва Мусо Чалабийлар асирга олиндилар. Уларнинг акаси Мустафо Чалабий қочаётган қүшинлар сели орасида ном-нишонсиз фойиб бўлди. Фақат Боязид, унинг яничарлари ва жасур Мөхмед Чалабий қўмондонлиги остидаги захира кучлар жанггоҳда қолдилар.

Боязид Йилдирим тунга қадар ҳужумларга бардош берди. Сүнг ўзи билан қолган уч юзтаса жангчиси билан қочишга қарор қилди. Чигатой султони Маҳмудхон уни таъқиб қилиб қувди. Усмонли турк султони мингтан от улдирилди. Асирга олинган Боязид Йилдирим құлоәқлари боғлиқ ҳолда Темур ҳузурига келтирилди. Соқибқирон мағлуб султонни ҳурмат-әхтиром билан қабул қилди. Асиirlар орасида кейинчалик узоқ йиллар давомида Темур ва унинг ўғиллари орасида қолган бавариялик Иоҳаннес Шильтбергер ҳам бор эди. Боязиднинг насроний завжаси, малика Оливера ҳам асир тушганли.

Ибн Тангри Берди жангга якун ясар экан. Боязид Темурнинг Кичик Осиёга бостириб киришига йул қўймаслик учун у билан Сиваш ортида учрашмоқчи эди, дейди. Бироқ Темур «ҳали ҳеч ким ўтмаган вилоят орқали юриб», бошқа йулдан борди. Улар бир-бирига яқинлашганларида, Боязиднинг бошига тушган биринчи кулфат шу булдики, туркийларнинг ҳаммаси битта қолмасдан, хиёнат қилди. Туркийлар Боязид қушинларининг асосий қисмини ташкил этганилиги учун унинг лашкарлари жуда заифлашиб қолди.

«Унинг ўели Сулаймон ҳам шундан сўнг уларга эргашди ва қолган-қутган қўшини билан Бурсага қайтиши лозим бўлган қиблагоҳини тарқ этди». Боязид Темур қушинлари томонидан куршаб олинганида, у минг чоғли отлиқ аскар билан ўзининг мудофаа маррасини ушлаб турганди. Шамшир ва жанговар ойболта билан қуролланган Боязид шиддат-ла ҳамла қила бошлади, у қоронғи тушгунинг қадар жанг қилишда давом этди.

Фарбдаги насронийларни қон қақшатган ҳукмдор Ўрта Осиёдан чиққан файридин томонидан шундай тор-мор этилганди.

Анқара ҳокими ёқуб таслим булишга мажбур этилди. Темур аёёнлари жони омонлик солиғи — «хунолуд» пулларни йиғишига киришдилар. Шаҳзода Муҳаммад Султон амирлардан Шайх Нуриддин ва Жаҳон Шоҳ билан ўттиз минг отлиқ аскарга бosh бўлиб, қочаётган усмонли турк қушинларининг қолган-қутганини таъқиб қилиш учун уларнинг ортидан тушишиди. Жумладан, улар жангнинг боришини кузатаётган, кейин фарбга, пойтакт шаҳар Бурсага қараб қочган Боязидзода Сулаймон Чалабий ортидан қувишди. Бироқ Сулаймон Чалабий шаҳарга Муҳаммад Султондан аввалроқ етиб олиб, отасининг хазинасидан қўлига илинган бойликлар билан шаҳарга яширинди. Амир Шайх Нуриддин қатъадаги жамики молмulkни ва усмонли турк шаҳзодаси олиб кетишга улгурмаган хазинанинг бир қисмини — Византиядан, насроний мамлакатлардан ва Кичик Осиёдан йиғиб олинган, кўз кўриб, қулоқ

Эшитмаган бемисл ўлпонни босиб олди. Соҳибқироннинг ха-
зинаси қўлга киритилган бу ўлжадан қониқиши ҳосил қилгач,
шаҳар талон-торож қилиш учун аскарлар ихтиёрига берилди.
Ўлжа мўл эди; Бурса Табриздан келиб Кичик Осиёни кесиб
ўтган карвонларнинг асосий тухташ маскани, айни замонда,
Туркия салтанатининг Осиё қитъасидаги маркази саналарди.
Шаҳар ўзининг ипаклари, қимматбаҳо буюмлари, марварид-
лари, пахта хом ашёси ва совун билан машҳур бўлган иккита
бозорига эга эди. Бурсадан Авліё Пётр ва Авліё Павелнинг
тасвири туширилган муҳташам дарвоза олиб кетилди; дарво-
занинг нақшу нигорлари қадама олтин ва ложувард билан
зеб берилган нозик безаклардан иборат эди. Бу дарвоза кекса
малика Сарой Мулк хонимга совға қилинди ва у маликанинг
Самарқанд бодидаги күшкига олиб борадиган энг чиройли
кириш йўли бўлиб қолди. Шунингдек, айтишларича, Визан-
тиянинг Боязид қулига тушган кутубхонаси ҳам Темурийлар
ихтиёрига ўтганди.

Шаҳзода Абу Бакр Сулаймон Чалабийдан олдинроқ етиб
бориш учун Ниқеяга елдай учиб борарди, бироқ Чалабий ўз
тарафдорларининг баъзи бирлари билан генуяликларга қараш-
ли галерада (кўп эшқакли кемада) Мармара денгизи орқали
қочишига муваффақ бўлди. Унинг хотини ва аъёнлари туркий-
лар қулига тушди. Бошқа турк қоюқлари ўрмондан чиқиб,
шоша-пиша либосларини ечишида-да, сузуб кетишга чоглан-
дилар. Мармара денгизининг гарбий соҳилларидаги кўрфаз-
ларни усмонлилар назорат қилаётгандилар, бироқ денгизнинг
шарқий соҳилларни кўрфазлар Константинополь ва Перанинг
кемалари ҳамда венецияликларнинг галералари муҳофазаси-
да эди. Константинополь ва Перадаги насронийлар кемаларда
сузуб бораётган ва Босфорга сиқиб қўйилган туркларни қириб
ташламадилар, билъакс уларни музд эвазига Осиё қирғоғи-
дан Оврупо қирғоғига сузуб ўtkазиш учун кемалар юборди-
лар. Жерардо Сегредо томонидан Венецияга юборилган маъ-
лумотда айтилишича, Венеция галералари бир неча кун да-
вомида жойларида туриб, ҳеч кимнинг сузуб ўтишига йўл
қўймаганлар. Бироқ генуяликларнинг буйруқларга буйсунмас-
дан, бўғоз орқали одамларни ташиётганини кўрган венеция-
ликлар ҳам шундай қила бошлиганлар. «Лекин, — дейди Сег-
редо, — венецияликлар фақат насронийларни олиб ўтгандилар.
Аммо бошқа кемалар — улар қаторида юонон. Крит ва
Каталония кемалари ҳам — бир ўрин учун катта миқдорда
ҳақ тӯлаган ҳар қандай одамга хизмат курсатавергандилар». «Худди ана шу хоинликлари учун, — деб ёзганди Клавихо, —
Темур ўз тасарруфидаги юртларда яшовчи барча насроний-
ларни шафқатсиз таъқиб эта бошлади».

Түрклар гарчи бұғоздан ўтиш учун катта миқдорда ҳақ тұлаған бұлсалар-да, үзларининг жон сақлаб қолғанلىкларига кафолат бера олмасдилар. Айтишларига қараганда, генуяликтар айрим қочоқларни құл сифатыда ушлаб турғанлар, баъзи бир номатлуб йоловчилар соҳил күрениши ҳамоно ечинтирилиб, кемадан сувга улоқтирилғанлар. Константинополь ахолиси ҳам вужудға келган бу вазиятдан фойдаланиб қолғанди. «Ана шунда Франклар шиддат-ла ташланиб, мусулмандарни бир зұмда қонға гарқ қылдилар, уларнинг хотинларини, буюм-бағалларини тортиб олдилар, зероки Ибн Усмон (Боязид) шаҳарни қамал қылғанида, ахолини қаттиқ үкебат чекишига маңкум этған, шаҳар атрофидаги үйларни вайрон қылған, далаларни топтаб, чулу биёбонга айлантирган эди»⁴.

Бу орада Темурий фавжлар, Арабшоқ тизгінсиз әхтиросла баён этганидек, шафқатсизлик билан улжаларни ииғиб, Ҳеллеспонтта, яғни Эгей деңгизига ва Кичик Осиёнинг жаңубий соҳилларига интилардилар. Бурсада Шайх Нуриддин хазинанинг бошқа қисмидан олтын ва қимматбақо тошларни ажратиб, уларни кучайтирилған соқчилар воситасида Темурга жұнатди. Хазинанинг қолған қисми хачирларга, туяларга ортилиб, Боязиднинг оила аъзолари, шунингдек, құллар, соңдалар, раққосалар ва хонандалар билан биргаликда Салтанат қароргоҳыға жұнатилди. Шаҳзода Абу Бакр Темурнинг розилиги билан Боязиднинг тұнғич қизига үйланди. Шаҳзода Султон Самарқандға қайтариб юборилди.

Темурнинг үзи эса шошилмасдан, йүл-йүлакай бир неча марта тұхтаб, Къютаияга етиб келиб, үша ерда бир ой ғалаба нашидасини сурди. Темур вазиру вузаролари билан машварат қилиб, саркардаларига қишки яйловлар, музофотлар ва шаҳарларни тақсимлаб берди; улар үз фавжлари билан қишки қароргоҳларға жұнаб кетдилар.

Қишихирига бориб, Темур насронийлар қалъаси Смирнани қамал қилиш учун Эгей деңгизи соҳилларига қараб силжиди. Мазкур бандаргоҳни 1344 йили Авлиє Иоан тариқати рицарлари венециялыklar ва қибризлиklar ёрдами билан турклар құлдан тортиб олғандилар. Шу тариқа, Смирна насронийларнинг Румдаги сұнгги таянчи, насронийлар учун бошпана, турклар учун эса, Осиёнинг гарбий чегарасидаги «күзга тушган чұп» эди. Усмонли турклар султони Мурод унинг қаршилигини синдиролмаганди, үғли Боязид эса қалъани етти йия муттасил мұваффақиятсиз равишда қамал қылғанди. Қалъа ахлининг бунчалик гердайиб, үзига бино қўйиши Темурнинг уруш очиши учун далил бўлди. Смирнага қарши унинг үюштиражак муҳорабаси коғирларга қарши том маънодаги мұқаддас уруш — жиҳод бўлмоғи лозим эди. У қалъанинг тас-

лим булишини талаб қилиб, элчилар жұнатди — рицарлар бу дағыони рад құлдилар.

Темур қамал мұддатини чұзмаслик учун, қишки қарор-гоҳлардаги құшынларини тұплади. 1402 йил декабрида у на- сронийларнинг бу шаҳрини бутунлай қуршаб олды.

Вазифалар, одатта күра, бир-бирләрі билан рақобатла-шиб ишлайдиган турлы амирлар ва ҳарбий бошлиқлар урта-сіда тақсимлаб берилди. Денгиз томонидан амир Шоҳ Малик дengizga қозық сөкелар қоқиб, улар устига таҳталар ётқи-зиб, кенг супалар қурди. Супалар саҳни шу дараҗала кенг-мұл әдіки, уннің устида пиёда құшынлар худди қуруқлиқда юргандай ҳаракат қилиши мүмкін зди. Шундай қилиб, на- сронийлар Смирнаси ҳам дengиздан, ҳам қуруқлиқдан аж-ратиб қойилди. Қамал қилиш машиналари (манжаниқлар, аррадалар, құчқорбошлар, қоруралар) қурилди. Хандақлар-га туширилған улкан гидравликалық қурылмалар бир кутариш-да иккі юзтагача кишини баланд үйилған тупроқ тепа усти-га чиқарып құярдилар. Ұша ердан туриб, девор устига чи-қишиң учун нарвонлар узатылди. Тупроқдан ҳосыл қилинған сұнный тепаликлар устидан шаҳар марказында ёнар үқлар оти-ли. Истеңкомни заиғлаштириш учун уннің пойдевори ёни-да жуда күп гулалар ва дараҳтлар ёндирилди. Иккі қафтадан кейин асосий ҳужум бошланиши әзілген қилинди. Бироқ ша-ҳарликларнинг қаршилик курсатиши ҳужумкорлар нияти каби шиддатнок кечди. Иккала томон ҳам мардлік намуна-ларини курсатди. Ҳужум қилиш ишларига шахсан Темур-нинг үзи раҳбарлық қилди. Ҳужум пайтида жала қуйиб бер-ди. Шаҳарнинг сувга гарқ булишига бир баҳа қолғандек ту-юларди. Пировард-натижада сапёрлар томонидан очилған рахналар оқибатида деворлар қулади. Темурийлар шаҳарға қуондай бостириб кирдилар.

Салибчиларнинг Яқын Осиёдаги сұнгги соқчилик маска-ни — аванпости қулади. Боязид мұваффақиятсизликка учра-ған жойда Темур зафар қучди.

Боязид тор-мор этилганидан кейин, илгари у босиб олған амирліклар қайта тикланди. Бир пайтлар таҳтдан ағдарилған ва Темур бағрида паноқ топған еттіта бек Соҳибқироннинг тобеинлари сифатида қайтадан үз рутбаларига тикландилар. Уларнинг орасыда Боязид томонидан зиндонға ташланиб, Темур томонидан озод қилинған Қаҳрамон бейи амир Мұ-ҳаммад бор зди. Синоп ва Кастануиах бейи Исфандиёр үзи-нинг Темурға тобе бұлғанлигини изҳор қилиш учун ташриф буюрди.

Смирна қулагандан кейин Левантта боришда зоирлар ва тохирлар учун дengиз бекати вазифасини үтовчи генуялик

хукмдорлар ороли — Хиот таслим бўлди. Шунингдек, уларга Лесбос ороли ҳокими ҳам қўшилди.

Салтанатнинг энг чекка-чекка гўшаларигача жунатилган ошиғич фатҳномалар билан бирга, Константинополь ва Пера ноибуссалтаналарида даъватнома юборилди. Даъватномаларда улардан тобе бўлиш ва ўлпон тўлаш талаб қилинарди. Константинополь ва Перадан жавоб тариқасида йўлга чиққан элчилар сентябрь ойида етиб келдилар. Бу элчиларга венецияликлар ҳам ҳамроҳ бўлган эдилар. Ёзишмаларда икки элчи — Бартоломей Рocco ва Женат Лемеллино номлари сақланиб қолган. Византиянинг сўнгги қолдиги — Константинополь тобелик изҳор этиб, ҳар йили ўлпон тўлаб туришга рози бўлди. Элчилар совфа сифатида қўмматбаҳо тошлар ва тилла флорин танглар келтирган эдилар. Улар бундан бўён усмонли туркларга қарши курашда Темурдан ёрдам сўрадилар. Шу хусусда шартнома тузилди.

Перадаги генуялик фуқаролар ва Константинополдаги византиялик хукмдорлар бир-бирларини кўролмас эдилар. Генуяликларга қарашли кўп эшкакли кемалардан бирининг дарфаси айтган гапларга қараганда, ноибуссалтана Иоан танбал киши бўлиб, уззукун тўшакда ётгани-ётган экан; унинг замонида шаҳарда бошбошдоқликлар ҳукм сурган. Шунга қарамасдан, генуяликлар византияликлар билан биргаликда Темурга баб-баравар буйсундилар. Ва Темурнинг туғи Пера ва Олтин Шоҳ узра ҳилпирай бошлади.

Оврупога қочган Сулаймон Чалабийнинг, шунингдек, Боязиднинг қолган ўғиллари ортидан элчилар юборилди; агар тобе бўлиб, бўйсуниш шартларини қабул қиласалар, улар оталари мулкларига эгалик қилишлари мумкинлиги айтилди. Сулаймон Чалабийга Темурнинг саройига етиб келиш ёхуд ўлпон юбориб туриш хусусида буйруқ берилди, акс ҳолда, уни излаб топиш учун Темурий қушинлар буғознинг нариёғига ўтадилар, деб пўписа қилинди. Орадан бирмунча фурсат ўтгач, жавоб тариқасида Сулаймон Чалабийнинг элчилари келдилар. Элчиларга Боязид даврида хизмат қилган усмонли турклар салтанатининг қозијол-қуззоти ҳамроҳ бўлиб келганди. Элчилар ўзлари билан олиб келган катта миқдордаги совфа-саломлар орасида зотли отлар ва тилла флоринлар бор эди. Сулаймон отасининг Овруподаги мулкларини ўлпон тўлаб туриш шарти билан қабул қилишга рози бўлди. «Азиз қиблагоҳимиз сulton Боязидни ҳурмат-эҳтиром билан кутиб олганлигингиз боисидан, — дейиларди мактубда, — биз ўз жонимиздан заррача бўлсин, чучимасмиз, ҳурматингизни на мойиш этиш ва ўз ҳаётимизни Сизнинг хизматингизга тикиш учун қуай фурсат келишини кутиб турибмиз». Сулаймон

Чалабий Овруподаги турк музофотлари ҳокими этиб тасдиқланди; унга ёрлиқлар, тож ва шоҳона либослар жўнатилди. Андрианополь шаҳри унинг пойтахти булиб қолди.

Онадули яриморолининг шимоли-ғарбий қисмидаги ўсмонлиларнинг илк қавмига мансуб мулклар Исо Чалабий, ўлпон тўлаб туриш шарти билан мулк қилиб берилди. Маҳмуд Чалабий яриморолнинг шимоли-шарқида. Сивашдан шимолроқда қаршилик кўрсатишни давом эттираётганди. Бирошунга қарамасдан, у ҳам Темурга элчи юборди. Шундан сўнг, кўп утмасдан, Темурнинг саройига муҳорабадан жон сақлаф қолган усмонли амирлар номидан, Боязид Йилдиirimни товон тулаб, озод қилиш мақсадида музокаралар слив бориш учун бир шайх ташриф буюрди. Темур турк сultonини тўққиз минг тилла флорин эвазига озод қилишга рози эканилигини айтди. Шайх талаб қилинган товон пулини тўплаш учун жунаб кетди. Боязиднинг ўғилларини бир-бирига атайлаб гиж-гиж латдилар. Улар ўртасида оталарининг илк қавмларига мансуб бўлган, аммо жуда камайиб қолган мулкка ҳукмдорлик қилиш, учун ўзаро низолашиш йиллари бошланди.

Бу пайтга келиб, Темур яна икки элчини — Пайя де Сатомайор билан Ҳерпен Санчасни қабул қилди. Бу элчилар Усмонли турклар ва Темурий ҳукмдорлари куч-кудратини ўрганиш учун Кастилия ва Леон қироли Ҳенрих III томонидан юборилганди. Темур Ибн Халдундан насронийлар Испанияси ва Фарната (Гренада) даги исломий давлат ҳақидаги баъзи бир маълумотларни сўраб билганди. У элчиларни яхши қабул қилди ва Оврупога қайтариб жунатар экан, ўз элчиси Ҳожи Мұхаммадни уларга қушиб юборди. Албатта, Соҳибқирон ҳам элчига худди шундай маълумотларни қулга киритишни тайинлаганди. У қиролга дўстона сўзлар битилган мактуб, совга-саломлар ва Боязиднинг ҳарамидан икки тарсо аёлни жунатди. Клавихонинг сўзларига қараганда, «Темур бу аёлларни энди уларнинг хавфхатардан эмин яшашлари учун қайтариб юборди». Ҳожи Мұхаммад Испанияга етиб келди ва бу мамлакатни келгуси йилц (1404 йилнинг май ойида) тарқ этди. Унга янги испан элчилари ҳамроҳлик қилдилар. Элчилар таркибида Фрай Альфонс Паэз де Санти Мария, фикъ илмининг пири комили Ҳомес де Салазар, Ҳонсалаз де Клавихолар бор эди. Ҳо мес де Салазар йуз азобига бардош беролмай, Нишопурда вафот этди.

Фарангистон қироли Карл VI ҳузурига ғайрат-шижоатлы архиепископ Иоан II Султонли қайтиб келди. У Темурий аъёнлар билан биргаликда бутун Кичик Осиёни то Анқарага до вур кесиб ўтганди. Афтидан, архиепископ узининг тарғиботчилик мақомига Темурдан ҳам кўра купроқ аҳамият берга, бўлса керак. Гарчанд Боязид билан бўлган мажарода ғарб дав-

латлари қиролларининг бетарафлик қилиши ёки ёрдам берishi матлуб ва маргуб иш бўлса-да, амалда хасис, устига-устак, анчагина заиф жангчилар бўлган бу овруполик князлардан кўп нарса кутиб бўлмасди. Испан элчиларидан фарқли улароқ, архиепископ Иоан ҳеч қандай совға-саломларсиз, икки қўлини бурнига тиқиб борди. Туркийларнинг андозасига кўра, у ҳеч қандай муҳим аҳамиятга эга эмасди.

Лекин архиепископнинг узи зиммасига юкланган вазифа туфайли кўп нарсага кўз тикканли: у туркийлар саройида роҳиблар Фрэнсиз ва Александр билан бирга булди; уларнинг архиепископни Темурга таниширишлари туфайли, туркийларнинг насронийларга бўлган муносабати хийла юмшади. «У насронийларга, хусусан, лотин (католик) тарсоларига зиён-заҳмат етказмайди ва уларни яхши қабул қиласди; жумладан, савдогарларга ўз фаолиятларини бемалол бажаришларига, гүё ўз насроний юртларида юрганларидек бемалол тоат-ибодат қилишларига рухсат беради». Бироқ бу гап, архиепископ ва унинг дўстлари Темур томонидан шахсан қабул қилиб турилган, деган маънони билдирамайди; эҳтимол Соҳибқирон бирон марта уларнинг ташрифини қабул қилган булиши мумкин. Иоан йиғган маълумотларнинг ҳаммаси демасак ҳам, купчилиги фақат Чигатой амирлари билан мулоқотларда олинган бўзиши мумкин. У купгина яхши, асосланган умумлашмалар қилди, бироқ айрим ноаниқликларга ҳам йўл қўйган ёки нотўғри маълумот олган эди. Масалан, у Темурнинг чап оёғи оқсоқ, чап қули шикастланган, деб маълумот берали, ҳолбуки у ўнг оёғига оқсар ва ўнг қули мажруҳ эди. У рутбасидан маҳрум этилган шаҳзода Мироншоҳ ҳақида (эҳтимол, у архиепископни қабул қилгандир) барча насронийларнинг пуштипаноҳи деб илова қиларкан, уни Темур вафот этганидан сунг ҳукмдор булади, деб ишонч билдирганди.

Ҳар қалай, роҳиб Иоан узи билан йуқ деганда, Темур саройидан ва шаҳзода Мироншоҳдан биттадан мактуб келтирганди. Фарангийларнинг ҳужжатасровларида сақланиб қолган Темурнинг мактуби бор-йуғи ўн турт сатрдан иборат. Темурнинг номи ва аъмоллари мактубнинг биринчи сатрини тулдирган, фарангий қиролиники эса иккинчи сатрнинг четидан жой олганди. Мактуб мутлақо безаксиз булиб, фақат қиролнинг номлари қизил сиёҳ билан битилиб, бу сўзлар атрофи тилла сувли сиёҳ билан уралганди. Мактубда воиз, роҳиб Фрэнсис қиролнинг мактубини топширганлиги, фарангий қиролнинг буюклиги ва унинг умумий душман устидан қозонгандагалабалари хусусида хабар қилгани, роҳиб Иоан Султонли қайта жўнатилгани ва у юз берган воқеаларнинг ҳаммасини уз оғзидан сузлаб беражаги айтилганди. Мактубда икки мамла-

Чалабий Овруподаги турк музофотлари ҳокими этиб тасдиқланди; унга ёрлиқлар, тож ва шохона либослар жўнатишди. Анирианополь шаҳри унинг пойтахти бўлиб қолди.

Онадули яриморолининг шимоли-гарбий қисмидаги ўсмонлиларнинг илк қавмига мансуб мулклар Исо Чалабийга ўлпон тұлаб туриш шарты билан муъла қилиб берилди. Маҳмуд Чалабий яриморолнинг шимоли-шарқида. Сивашдан шимолроқда қаршилик кўрсатишни давом эттираётганди. Бироғ шунга қарамасдан, у ҳам Темурга элчи юборди. Шундан сўнг кўп ўтмасдан, Темурнинг саройига мұхорабадан жон сақлағ қолган усмонли амирлар номидан, Боязид Йилдиримини төвон тұлаб, озод қилиш мақсадида музокаралар слив борищ учун бир шайх ташриф буюрди. Темур түрк султонини түккүз минг тилла флорин эвазига озод қилишга рози эканлигини айтди. Шайх талаб қилинган төвон пулинин туплаш учун жұнағ кетди. Боязиддинг ўғилларини бир-бирига атайдап гиж-гижатдилар. Улар ўртасида оталарининг илк қавмларига мансуб бўлган, аммо жуда камайиб қолган мулкка ҳукмдорлик қилиш учун үзаро низолашиб йиллари бошланди.

Бу пайтга келиб, Темур яна иккى элчини — Пайя де Сато майор билан Ҳерпен Санчесни қабул қилди. Бу элчилар Усмонли түрклар ва Темурний ҳукмдорлари куч-кудратини урганици учун Кастилия ва Леон қироли Ҳенрих III томонидан юборилганди. Темур Ибн Халдундан насронийлар Испанияси ва Фарната (Гренада) даги исломий давлат ҳақидаги баъзи бир маълуматларни сураб билганди. У элчиларни яхши қабул қилди. Оврупога қайтариб жўнатар экан, ўз элчиси Ҳожи Мұхаммади уларга қушиб юборди. Албатта, Соҳибқирон ҳам элчига худди шундай маълумотларни қўлга киритишини тайинлаганди. У қиролга дўстона сўзлар битилган мактуб, совға-саломлар ва Боязиддинг ҳарамидан икки таркоға аёлни жўнатди. Клавихонинг сўзларига қараганда, «Темур бу аёлларни энди уларнинг хавф-хатардан эмин яшашлари учун қайтариб юборди». Ҳожи Мұхаммад Испанияга этиб келди ва бу мамлакатни келгуси йилц (1404 йилнинг май ойида) тарқ этди. Унга янги испан элчилары ҳамроҳлик қилдилар. Элчилар таркибида Фрай Альфонс Паэз де Санти Мария, фикъ иммининг пири комили Ҳомес де Сала-зар, Ҳонсалаз де Клавихолар бор эди. Ҳо мес де Салазар йўл азобига бардош беролмай, Нишопурда вафот этди.

Фарангистон қироли Карл VI ҳузурига гайрат-шижоатлық архиепископ Иоан II Султонли қайтиб келди. У Темурний айёнлар билан биргаликда бутун Кичик Осиёни то Анқарага до-вур кесиб ўтганди. Айтидан, архиепископ узининг тарғиботчилик мақомига Темурдан ҳам кура курпоқ аҳамият берган бўлса керак. Гарчанд Боязид билан бўлган можарода гарб дав-

латлари қиролларининг бетарафлик қилиши ёки ёрдам бериси матлуб ва марғуб иш бўлса-да, амалда хасис, устига-устак, анчагина заиф жангчилар бўлган бу овруполик князлардан кўп нарса кутиб бўлмасди. Испан элчиларидан фарқи улароқ, архиепископ Иоан ҳеч қандай совға-саломларсиз, иккى қўлини бурнига тиқиб борди. Туркийларнинг андозасига кўра, у ҳеч қандай муҳим аҳамиятга эга эмасди.

Лекин архиепископнинг ўзи зиммасига юқланган вазифа туфайли кўп нарсага куз тикканди: у туркийлар саройида роҳиблар Фрэнсиз ва Александр билан бирга булди; уларнинг архиепископни Темурга таништиришлари туфайли, туркийларнинг насронийларга бўлган муносабати хийла юмшади. «У насронийларга, хусусан, лотин (католик) тарсоларига зиён-заҳмат етказмайди ва уларни яхши қабул қиласди; жумладан, савдогарларга уз фоалиятларини бемалол бажаришларига, гўё ўз насроний юртларида юрганларидек бемалол тоат-ибодат қилишларига руҳсат беради». Бироқ бу гап, архиепископ ва унинг дўстлари Темур томонидан шахсан қабул қилиб турдиган, деган маънени билдирамайди; эҳтимол Соҳибқирон бирон марта уларнинг ташрифини қабул қилган бўлиши мумкин. Иоан йиглан маълумотларнинг ҳаммаси демасак ҳам, купчилиги фақат Чигатой амирлари билан мулоқотларда олинган булиши мумкин. У купгина яхши, асосланган умумлашмалар қилди, бироқ айrim ноаникикларга ҳам йўл қўйган ёки нотуғри маълумот олган эди. Масалан, у Темурнинг чап оёғи оқсоқ, чап қули шикастланган, деб мачъумот беради, ҳолбуки у ўнг оёғига оқсар ва ўнг қули мажруҳ эди. У рутбасидан маҳрум этилган шаҳзода Мироншоҳ ҳақида (эҳтимол, у архиепископни қабул қилгандир) барча насронийларнинг пуштипаноҳи деб илова қиларкан, уни Темур вафот этганидан сўнг ҳукмдор булади, деб ишончи билдирганди.

Ҳар қалай, роҳиб Иоан ўзи билан йўқ деганда, Темур саройидан ва шаҳзода Мироншоҳдан биттадан мактуб келтирдиганди. Фарангийларнинг қужжатасровларида сақланиб қолган Темурнинг мактуби бор-йўғи ўн турт сатрдан иборат. Темурнинг номи ва аъмоллари мактубнинг биринчи сатрини тўлдирдиган, фарангий қиролиники эса иккинчи сатрнинг четидан жой олганди. Мактуб мутлақа безаксиз булиб, фақат қиролнинг номлари қизил сиёҳ билан битилиб, бу сўзлар атрофи тилла сувли сиёҳ билан уралганди. Мактубда воиз, роҳиб Фрэнсис қиролнинг мактубини топширганлиги, фарангий қиролнинг буюклиги ва унинг умумий душман устидан қозонганд ғалабалари хусусида ҳабар қилгани, роҳиб Иоан Султонли қайта жунатилгани ва у юз берган воқеаларнинг ҳаммасини ўз оғзидан сўзлаб беражаги айтилганли. Мактубда икки мамла-

кат ўргасида савдогарлар алмаштириш ҳақида ва уларнині хурмат-әхтиром билан қабул қилиниши хусусида гап борарди. «Ана шу тижорат туфайли дунё янада обод бұлади», — дейилганди. Мактуб тагига юзаки қутловлардан кейин 1402 йил 1 август санаси қўйилганди. Мактуб устида ишлаган Сильвестр де Саки ҳатто энг ўртамиёнан князь ҳам бундай бебезак ва бунингдек узуқ-юлуқ сўзлар билан бузук услубда мактуб ёзмаган бўлур эди, деб шарҳлаганди. Бироқ мактубнинг охирги сатрида Темурнинг муҳри турипти, мактубнинг орқа томонида, варақнинг энг пастига ҳам бирмунча кичикроқ ҳаждидаги муҳр босилган. Учбурчак шаклидаги учта тўгаракча ва унда форсийча ёзилган икки сўз — «Рости — русти»ни ўқиш мумкин. Бу — Темурнинг шиори. У «Куч — адолатдадир» маъносини англатади.

Шу билан биргаликда, ҳужжатасровларда мактубнинг жуда эркин лотинча «таржимаси» ҳам бор. Афтидан, таржима архиепископ Иоан томонидан амалга оширилган. Таржимага «Сиваш ёнида топширилди» деган сўзлар қушилган ва 1402 йил 1 август санаси қўйилган. Чамаси мактуб ёзиш ҳақида Темурнинг котибларидан бирига (Саркарданинг ўзи ёхуд унинг амирларидан бири томонидан) топшириқ берилган бўлса керак. Уша вақтда қўшингоҳ ҳамон Сиваш ёнида эди. Бироқ мактуб Анқара ёнидаги жанг (28 июль) тугагунига қадар ёзилмаган. «Таржима» Фарангистон қироли шаънига аслиятдагидан кўра кўпроқ ҳамду санолар билан бежалган. «Бутун Шарқнинг архиепископи» Иоаннинг ўзи шарафига ҳам мақтов сўзлари битилган; унда Боязид устидан қозонилган буюк ғалаба хусусида ҳам эслатилади. Мазкур жой аслиятда учрамайди. Мактубнинг лотинча андозаси форсча матндан шу қадар фарқланадики, у, эҳтимол, мутлақо бошқа мактубга асослангандир³. Бироқ, шунга қарамай, Иоан таржимасининг аниқлигига ҳеч ким шубҳаланган бўлмаса керак.

Бошқа бир мактубнинг лотинча «таржимаси» фарангийларнинг ҳужжатасровларида сақланиб келади. Афтидан, бу — Мироншоҳнинг номаси бўлса керак. У ўз мазмунига кура, Боязид устидан эришилган ғалаба баён этилган Темур мактубнинг таржимасига уҳшайди; унда, шунингдек, савдогарларга тула ёрдам курсатиш ҳақидаги даъват ҳам бор; шу билан бирга, «таржима» да «Бутун Шарқнинг архиепископи» Иоан илгари Венеция ва Генуянинг элчиси сифатида ишлаб юрган чоғида ҳам ўз хизматини лариг тутмаганлиги эслатилади. Темур ва Мироншоҳ томонидан ёзилган худди шунга уҳшаш мактублар инглиз қироли Ҳенрих IV томонидан ҳам олинганди, чунки бу мактубларга ёзилган жавоблар сақланиб қолган⁴. Эҳтимол, Мироншоҳнинг «фарангийлар ғалийларига, рес-

публикаларига» ирсол қылган — жунатган мактубининг асл нусхаси ягона бўлгандир ва архиепископ лотинча шакл масаласида ўз хоҳишича иш тутгандир. Бу шакл ҳар бир мактуб алоҳида қулга олинган чогда билинади.

Архиепископ Иоан 1403 йил май ойида Парижнинг олий табақага мансуб жамоатчилигида катта таассурот қолдирди. Узунқулоқ гапларга қараганда, Иоаннинг Темурдан олган ваколатномаси зарҷал сиёҳ билан ёзилган экан. У қирол саройидаги черковда қирол ҳамда Беррий, Орле, Бурбон, Британ ҳерцоглари ва бошқа кўпгина аъёнлар ҳузурида ўзининг саёҳатини, умумий душман Боязид устидан қучилган зафарни, шундан сунг усмонлилар асир олган насронийларнинг туркйлар томонидан озод этилганини баён қилиб берди. У Темур салтанати билан савдо-сотиқнинг кенгайтирилишидан келадиган манфаатлар хусусида сўзлади. Архиепископ, шунингдек, Темур ўз ҳаётида эришган муваффақиятлар ҳақида бир хотиранома ҳам ёзгандики, мазкур асар фарангий қироли саройида жуда машҳур булиб кетганди⁶.

Насроний архиепископ Смирна ҳақида лом-мим демаганди. Келгуси йили у Шарқ билан савдо-сотиқ ишларини рафбатлантириш мақсадида лотин тилида савдо карвонлари учун йулкурсаткич тузди.

«Карл Темурга унинг галабаси муносабати билан табрик хати йўллаб, савдогарларнинг саёҳат қилишлари ва ўз ишларини монеликсиз амалга оширишлари лозимлиги ҳақилаги таклифини қутлаб, насронийларга нисбатан кўрсатган меҳрибонлиги учун фотихга миннатдорчилик билдириди». Лотин тилида ёзилган бу жавобга 1403 йил 15 июль санаси қўйилган. Мазкур ҳужжат роҳиб Иоаннинг хотираномасида ҳам келтирилган.

Бундан сал аввалроқ ўз таҳтини қайтариб олган инглиз қироли Ҳенрих IV бошқа ҳокими мутлақлар тарафидан тезроқ тан олиниши орзусида ёнар эди. У Анқара ёнида эришган ғалаба муносабати билан Темурга қутлов мактуби юбориб, икки мамлакат ўртасида савдогарлар айирбошлаш ҳақидағи архиепископ орқали қилинган таклифни табриклади. Ҳенрих IV томонидан Мироншоҳга юборилган бошқа бир самимона руҳда ёзилган мактубда, насроний тожирларга ҳам шахсий хавфсизлиги, ҳам ишлари борасида кўрсатган диккат-эътибори учун шаҳзодага миннатдорчилик билдирилганди. Бу мактуб, унинг услуби ва мазмунига қараганда, архиепископ Иоан томонидан талқин қилинган ёки тузилганга ўхшайди.

Темур салтанатига доир шошилинч бир мактуб (унинг келиб чиқиши ёхуд муаллифи номаълум эди) Мисрга — сulton

Фарожга юборилганди. «Аллоҳнинг инояти бирла, — дейи-
ларди Темур номидан ёзилган бу мактубда, — Онадули сал-
танати тобе булишга мажбур этилди. Биз Сизға Отилимишни
даргоҳимизға қайтариб юборишиңгизни, номимизни танга-
ларга зарб этишни, намози жумада: номимизни хутбага қушиб
үқитишни буюрумиз. Агар Сиз Азозил алайхуллаъна сўзла-
риға кириб, талабимизни ижро этишни пайсалға солиша
журъат қилсанғиз, у ҳолда биз усмонилар еридан қайтиши-
миз ҳамоно музaffer қушинларимизға бош булиб, Қоҳира
қаршисида пайдо бўлурмиз».

Миср ва Сурия султони Малик ан-Носир Фарож Темур-
нинг талабини қондиришга аҳд қилди. Отилимиш озод эти-
либ, Темур ҳузурига юборилди. Унга ҳамроҳлик қилган элчи-
лар ўзлари билан бирга муросаи мадора оҳангидга ёзилган
мактуб ҳам олиб кетдилар. Фарож узининг отаси ва ўзи томо-
нидан содир этилган хатоларни афсус-надомат билан бўйни-
га олиб, ҳар йили ўлпон жунатиб туришга рози бўлди. Темур-
нинг олий рутбалари жума намозида хутбага қушиб үқитил-
ди, унинг номи ёзилган тангалар зарб этилди. Элчилар катта
миқдордаги олтин ва кумуш дирҳамлар, Искандария жавоҳи-
ротлари, Қоҳира шамширлари, учкур арабий аргумоқлар ва
бошқа совга-саломлар олиб келдилар. Қора Юсуф ҳам, Рум-
дан қочиб келган султон Аҳмад Жалойир ҳам Фарож томо-
нидан авахтага ташланди. Уларнинг тақдирни хусусида Темур-
дан йўл-йўриқ кутилди.

Темур кучли бир зарба билан усмонли туркни тор-мор
келтириб, Миср султонини тиз чуктирди. Сўнгги икки буюк
исломий салтанат Соҳибқиронга буйсунди. Темур томонидан
чақирилган император Мануэль Палеолог гарбдан яна Кон-
стантинополдаги ўз тожу таҳтига шитоб билан қайтди. Визан-
тия пойтахти ва насронийлик олами турклардан ярим асрга
озод этилди.

Етти йиллик ҳарбий юришга тупланган Темур қушинлари
беш йилдан камроқ муддат мобайнода бутун гарбни, Самар-
қанддан Эгей денгизигача бўлган Осиёни унинг оёқлари ос-
тига нисор этдилар. Темур бутун Осиёни босиб утиш ва Хи-
тойга қарши янги муқаддас уруш — жиҳод қилиш учун Эгей
денгизи соҳилларидан ортига қайтди.

XV боб

САМОВИЙ САЛТАНАТ

Хитой Чингизхон истилосигача йигирма асрлик тамаддун
йўлини босиб утган булса, шундан бир неча юз йили давоми-

да күчманчи қабилалар орасида тузилган иттифоқлар үзаро можаролар билан алмашиниб турди. Бу қабилалар Хитойнинг шимолий ҳудудларида каттагина қисмни эгаллаш учун даъво килардилар. Дастреб милоддан олдинги III асрда бунёд қилинган Буюк Хитой Деворининг таъсирбахшлиги ҳокимият тепасида турган сулоланинг кучи ва юргизган сиёсатига боғлиқ эди. Милоддан аввалги I асрга келиб, кузатув миноралари, мудофаа қўргонлари ва гарнizon қўнимгоҳлари сирасидан иборат бўлган Девор Сариқ дengиздан то Торим ҳавzasигача бўлган ҳудудга чузилиб кетганди¹.

Биринчи Хитой хоқони томонидан барпо этилган деҳқон лашкарлари, баъзи бир маълумотларга қараганда, ярим миллион кишидан иборат бўлган. Буюк Деворни бунёд этишда ва шу Девор билан боғлиқ йуллар қурилишида эса, юз минглаб мардикорлардан фойдаланилган. Ривоятларга қараганда, Девор қурилишида бир миллион киши ҳалок бўлган. Баъзи бир ҳукмлорлар кўчманчи қабилаларнинг ҳужумларини қайтаришдан кура, уларнинг бошлиқларига чап беришни афзал кургандар. Шимолий үрдалардан ташриф буюрган элчиларга шоҳона иззат-ҳурмат курсатилган. Яйловлар маҳсулоти эвазига кўчманчиларга минг-минглаб урам ипак газламалар, бошқа қимматбаҳо совға-саломлар инъом этилган.

Милоднинг XII асрида ўз ҳукмдорлигининг дастлабки боққичи йилларида шимоли-шарқий ҳудудларда яшовчи қабилалардан омонлик эвазига солиқ тулаб турган Сунь сулоласи кейинги асрларда кинлар сифатида маълум бўлган туркийлар ҳужумларига бардош беролмади. Кин туркийлари салтанатнинг шимолий қисмида қарор топиб, Пекин (Хонбалиқ) шаҳрини ўз пойтахтига айлантирилар. Сунлар эса жанубга сиқиб чиқарилди. Худди мана шу вазиятда Чингизхон үрдалари 1211 йилда Хитойга бостириб кира бошладилар. Бу маҳалға келиб, кин туркийлари кучи бирмунча заифлашганлиги сабабли муғуллар Буюк Девор томон жадал юриш қилиб, 1215 йили Пекинни ишғол қилдилар. Жангю жадаллар чогида собиқ ҳукмдорларнинг саройларига ўт қўйилди. Саройлар бир ой давомида ёрқин аланга таратиб, ёниб турди. 1227 йили Чингизхон вафот этганида, Хуанхэ дараёсидан шимол томонда бўлган бутун ҳудуд босиб олинганди. Ўз отасидан Улуғ Хон рутбасини мерос қилиб олган Ўқтой Хуанхэ дараёсидан жануброқда жойлашган кинларга ҳужумни давом эттириди. Жанубий Сунлар бир пайтлари кин туркийлари ишғол этган ҳудудларни қайтариб олишдан умидвор эдилар, бироқ қаттиқ зарба еб, ҳафсалалари пир бўлди. Муғуллар дарёнинг жануброғидаги ҳулудларда қолдилар. Бу музофотлар устидан ҳукм юргизиш ҳуқуқи Улуғ Хон Мункенинг укаси Ҳубилай қулига ўтди.

Мункенинг бошқа бир укаси Ҳалоку Фарбий Осиёга қарши мұхораба бошлали; Мунке билан Ҳубилай эса жанубдаги Сұнъ вилоятларига қарши тажовуз қылдилар. Ҳарбий юриш чоғида Мунке вафот этиб, Улуғ Хон рутбаси мерос тариқасыда Ҳубилай құлиға үтди. Бироқ бу иш ихтилофсиз битмади: Ҳубилайнинг тұртқынчи укаси қайтадан Сұнъ салтанатини истило қила бошлали. Қаттық қаршилик күрсатилишига қарамастан, 1279 йили мұғуллар Сұнъ салтанатининг сұнгги құрғонини қамал қылдилар.

Күчмәнчилар тарихда биринчи марта бутун Хитойни забт этдилар. Хитой ва Мұғалистон хони сифатида қарор топған Ҳубилай үзининг күчмәнчилік ҳаёти баҳридан үтиб, утроқлашиб қолди. У салтанат қароргохини Қоракурумдан Пекингге күчертириди. Пойтахт-шаҳар Пекиннинг номи Тату (Улуғ Пойтахт) деб үзгартырилди. Бироқ шаҳар күпроқ Ҳонбалиқ, яғни Хон Шаҳри сифатида кенгрөқ танилғанды. У Юанларнинг сулолавий рутбасини қабул қылды, Чингизхон авлодлари құлдаги тұрт салтанат ичиде Ҳубилайнинг давлати әңг катта әди. Жүжи (Олтин Үрдада), Ҳалоку (Эрон ва Ироқда) ва Ҙифатой (Үрта Осиёда) нинг авлодларидан фарқлы ұла-роқ, на Ҳубилай ва на унинг авлодлари дини исломни қабул қылдилар.

XIII асрнинг иккінчи ярмида бутун Осиё мұғулларнинг шоқ йулиға айланды. Мұғул хонлари тижорат маҳсулотларидан манфаатдор булсалар-да, диний ақыдаларға ихлос қўймагандилар, шунинг учун католик Фарбнинг, ислом мамлакатларининг диний тарғиботчилари ва тоғирлари Хитойга ёпирилиб бора бошладилар. Насронийларнинг дастлабки тарғиботчилек саъи-ҳаракатлари умидбаҳш бўлиб чиқмади. Карпини (1245—1247 йиллар) Улуғ Хон — Куюқдан Рим папасига жавоб мактуби олиб келди. 1246 йил санаси қўйилган мактубнинг асл нусхаси Ватикан ҳужжатасровларида сақланиб келади. Мактубда, Куюқ күн чиқардан күн ботаргача булган ерларнинг ҳаммаси Улуғ Мұғул Хонига бўйсундирилган, агар худонинг иродаси булмаса, бунга қандай эришиларди? Шу боис Папага овруполик князларга бош булиб хоқон ҳузурига келиш ва ўз садоқатини изҳор қилиб, онт ичиш таклиф қилинганди. «Бордию парвардигор аҳкомларини тан олмас экансиз ва менинг буйруғимға буйсунмас экансиз, Сизни душманимиз деб санағаймиз».²

Насронийликнинг шаштни қайтарувчи ана шундай диний тарғиботчилек ва сиёсий саъи-ҳаракати эвазига Ҳонбалиқда, жанубдаги бандаргоҳ — Зайтонда католикларнинг епархиялари барпо этилди. Бу епархиялар ҳудуди Юанлар салтанатигача чўзилиб кетганди. Генуя ва Венеция савдогарлари қуруқ-

лик ва денгиз йуллари бўйлаб қарор топиш учун Левантнинг очилганлигидан фойдаланишга уриниб кўрдилар. Генуяликларнинг Хинд океанида ўз флотини ишга солишга бўлган уриниши барбод булди, уларнинг қуруқлиқдаги таъсир доиралари Волга дарассидан нарига ўтмади. Ҳолбуки савдогар Пегалотти берган маълумотномадан овруполик тожирлар доирасининг Хитой билан савдо-сотиқ алоқаларини ривожлантиришдан ниҳоятда манфаатдор эканлиги қуриниб турипти. Хитойнинг бойликлари ва тамаддуни ҳақидаги Марко Полонинг ҳикояларига ўхшаш ҳисоботлар бутун Оврупо бўйлаб эртак сингари қабул қилинар ва тез унутилар эди.

Муғулларнинг диний сиёсатдаги чидаса буладиган асосий жиҳатлари мусулмонлар томонидан узлаштириб олинганди. Милодий VIII асрдан бошлаб, мусулмон тожирлари Хитой билан алоқа урнатдилар ва уларнинг кўпчилиги шу ерда ўрнашиб қолдилар. Хитойга элтувчи йуллар IX асрда араб жугрофииони Ибн Хурдадби томонидан тасвирлаб берилган бўлиб, у денгиз йулларини, шунингдек, Ҳуресон ва Мовароуннаҳр орқали утадиган қитъалараро қуруқлик йулини ҳам чизиб кўрсатган эди. Муғуллар даврида Хитойдаги мусулмон жамоалари ҳам сон, ҳам таъсир жиҳатидан ўси. Бу ҳол, айниқса, Буюк Ипак йулининг негизи ҳисобланган мамлакатнинг ички туманларида яққол кўзга ташланли. Даشت кўчманчилари Хитой иқтисодиётини бошқара олмасдилар, улар фақат хитойлик вазирларгагина суюниб қолишини истамасдан, ажнабий маъмурлар, молияшунослар ва тожирларни хизматга қабул қиласдилар. Бу хизматчиларнинг салмоқли қисми мусулмон булиб, кўпчилиги Урта Осиёдан чиққан эди. Мусулмон аҳолиси тижорат имкониятларидан фойдаланиш учун қулай фурсатни қўлдан чиқармасликка тиришди. Уларнинг катта қисми қитъалараро карвонлар тўпланадиган Гансу музофотининг шимоли-гарбий қисмидаги шароитга мослашдилар. Муғуллар Хитойда ҳукмдорлик қилиб турган даврда бу ерда мусулмонлар тижорат банклари соҳиблари бўлиб турдилар. XIV асрнинг 40-йилларида Деҳли сultonни элчиси сифатида Хитойга сафар қилган Ибн Баттута бу ерда — мулки Чиннинг ҳар бир шаҳрида мусулмонлар маҳалласи булганлигини, бу маҳаллаларда жума намозини адо этиш ва бошқа диний мақсадлар учун мулжалланган масжидлар мавжуд эканлигини курган эди. Мусулмонларни «хурмат қилишар ва шарафлашарди».

Бироқ муғул золагонлари ва мусулмон банк соҳиблари фаровон турмуш кечираётганлари ҳолда, Хитой деҳқонлари ҳамда ҳунармандлари оғир меҳнат ва солиқдан азоб чекардилар. Кўпгина усталардан оқсуяклар, күшинлар ёки ҳукуматнинг «расмий» устахоналари фойдаланар эдилар. Буларга оч-

дан үлмаслик учунгина етадиган озиқ-овқат берилары. Дехк-онлар ер солиғи, жон солиғи ва туты солиғи тұлар өзінде бу солиқтарни кумуш, ипак ва ғалла билан тулардиләр: улар-нинг отлари қүшинлар эхтиёжи учун иусодара Қызынаради. Қашшоқ ҳолга келиб қолған дехқонлардың олардиләр: Мұғул зодагонлари ҳам, мусулмон банкирларын жуда катта фоизлар тұлаш шарти билан бажонидил қар берар әдиләр. Қарздорлар олган қарзларини тұлай олмагы тақдирда үйарнинг үй ҳайвонлари, хотинлари ва фарзандлари тортиб ойнаради. Үлпон тұлаш шарти билан босиб олинғы катта-катта ер-сувлар оқсусыяklар ва амалдорларга берилары. Мұғуллар қишлоқ хұжалигининг ақамиятини ҳаддан ташқан секин тушума бошлидар, сұғорыш ишларини ва сув тошынига қарши чора-лар күришни эса мұтлақо инкор қылардапар. Шимолда мұғул зодагонлари ишлов берилған юз мингиә бір акр^{*} ерларни яйловларга айлантиргандилар. Оқибатда, озиқ-овқат маҳсулотлари тақчиллиги юз береб, очарчилик қа ёппасига құмумли касаллуклар тарқалғанди.

Фуқаролар галаёнлари Юань сулоласыннинг аввали^{ошында} ноқ авж олиб кетганди. Ҳубилайнинг ваярларидан бири жа-нубий музофотлар бүйсундирилганидан кейин орадан үтгап үн йил давомида галаённи бостиришга қеч қачон тұла-ра-вишда мұваффақ булинмаганлығы хусусда арз қылған зди. Марко Поло Хонбалиқнинг шукух-хащматини тас^{вирлар} экан, ахолининг исәнкорлик қайфиятын алоҳида та^{килла-}ганди. У хитойлик оиласаларга қарши ҳисбесиз адолат^{и зилик}лари ва «кишини дағшатга солувчи хусуаты» ҳаддид^{ан ош}ган бир мусулмон вазириға қарши галаён^{күтариған} лигини алоҳида қайд қилиб үтганди. Юань сулоласы аста-секи^{н инк}ирозга юз тутди, XIV асрда уннинг вакилари фақат^{уанжал} ва можаролар биланғина әмас, балки мамлекатни бошқ^{арынша} лаёқатсизлиги билан ҳам машхур булғасылар. Нор^{озилик} маҳфий жамоат ташкилотларида үз ифоясии топд^{и.} «Оқ Нилуфар» номлы будда ташкилоти, «Қызил саллалас^а» деб^{и.} Чу-аталған дехқонлар галаёнлари бунга миссі бўла олад^{и.} Қуийи-нончи: «Қызил саллалар» 1351 йили Яңцз^а дарёсинин^т оқимида күзғолон кутарған әдилар. Мұғуларга қарши^{күзғо-}лон ялпи тус олди. Дехқонларнинг раҳимоси «бадр^и үйгина киши бўлса-да, улкан қобилиятга эга киши^{бўлиб чи} үлди^{и.} У Нанкин шаҳрини босиб олди, рақибларини қириб та^{шлади} ва мұғулларнинг жанубдаги асосий кучларни яксон^и қилди. 1368 йили ана шу дехқон генерали Чу Яңчан^и Нанкин^{иннинг} хоқони деб эълон қилинди (бу шаҳарни үз пойтахти^{га} ай-

* Бир акр — 0,4047 гектар майдонга тенг.

лантирганди). худди ўша йили бу генерал Пекин (Хонбалиқ) ни босиб олиш учун бошланган юришга бошчилик қилди. Мұгул хони қочиб, Мұгулистанда яширинди. Шундан кейинги үн йил давомида хитойліклар мұгулларнинг Хитойдаги қудрати қолдиқтарини вайрон этдилар. Мұгулистанға қилинган юриш Қоракурумнинг күnpаяқун этилишига олиб келди. Шундан сұнг шаҳар ҳеч қачон қайта тикланмади.

Янги хоқон Хун-Ву рутбаси остида мамлакатни бошқарыб, Минь сулоласига асос солди. Мұгул ҳукмдорлари ва уларнинг хуфияларини ҳайдаб чиқарған Хун-Ву Хитой маъмурний девони ва Хитой маъмурлари мақомини тиклади. Қишлоқ хужалигини тиклаш ва шудгорлаб экин экиш учун банд бұлмаган ботқоқ ерларни күритеш чоралари катта муваффақият қозонди.

Хоқон Хун-Ву Хитойнинг аввалги тобеинларини тиклаш ва XIV асрда мұгул салтанатларидаги тартибсизликтер оқибатида таназзулға юз тутган тизим ва алоқаларни кучайтириш учун хорижий давлатларнинг тан олинишини таъминлашга киришди. У узоқ ва яқин мамлакатлардаги ҳукмлорлар әлчилар юборишлари учун уларни таклиф қилиш мақсадида ўз әлчиларини мурожаатнома билан жұнатди.

«Сунь сулоласи ўз таҳтини йүқтөтген, Самовот улар қылған қурбонликлардан юз үгирған вақтдан бери Хитойга кириш ва уни юз йилдан күпроқ мұддат мобайнида бошқарыш учун Юань сулоласи қуруқ саҳрода вужудға келди; сулоланинг ёмон ҳукм юритгани ва бадаҳлоқлигидан чарчаган Осмон, уларнинг тақдирини хок-туробға айлантиришни осон деб ҳисоблади. Хитойдаги ишлар үн саккиз йил давомида тартибсизлик ҳолатида турди. Бироқ қачонки миллат уйғона бошлади, биз, Хуайюнинг оддий деңқонлари, ҳалқни күтказишдек ватанпарварлық ғояси устила уй сурдик. Бизнинг фуқаровий ва ҳарбий амалдорларимиз ўзларининг саъй-ҳаракатларини Дарёнинг чап соҳилига йұналтириларки, бу Яратғаннинг узига хүш келди... Биз салтанатда тинчлик үрнатдик ва уз Ўрта Мамлакатимизнинг эски чегараларини тикладик. Биз Хитой салтанати таҳтини эгаллаш учун ҳалқимиз томонидан сайландик... Биз амалдорларни барча хорижий қиролликларга мурожаатнома билан юбордик... Ваҳоланки биз уз ақл-заковатимиз билан сизларнинг бутун коинотда тан олинган қадимий донишманн ҳукмдорларингиз билан бараварлаша олмаймиз. Биз фақат түрт деңгиз доирасида тинчликни сақлашға бұлған ниятларимиз хусусида билдирув берішимиз мүмкін. Фақат шу асосдагина Биз бу мурожаатноманы қабул қылдик...» Бу мурожаатнома ёзилған «Минь сулоласи солномалари», «Минь Шин»-да құшимча қилинишича, әлчилар тегишли мамлакатларға топ-

ширишлари учун ипак газламалардан совға-саломлар олиб боришиган. Шундан кейин ўша мамлакат «улпон» билан ўз элчиларини юборган.⁴

1370 йили Мовароуннахрнинг янги ҳукмдори Темур элчиларни худди шундай мурожаатнома билан қабул қилганига шубҳаланмаса ҳам булади. Минъ солномаларида қайд қилинишича, Мовароуннахр ҳамиша Хитой билан алоқада булган мамлакат эди. (Ханъ сулоласи замонасидан бери ҳар бир сулола ўзининг хусусий тарихига эга бўлган; бу тарихни ворислар замонавий сарой ёзувларидан тўплаганлар). Алғов-далғов йиллар гўё савдо муносабатларига уз таъсирини утказмагандек эди, чунки Темурнинг вақт-вақти билан Муғалистонга хурж қилиб турганига қарамай, карвонлар шарқдан муттасил келиб туради. Ҳақиқатда эса, Ўрта Осиё ва Хитой уртасидаги карвон савдо-сотифи янги омилга эга бўлганди; йулларни ва масофаларни батафсил тадқиқ қилиш Темурийлар саройи тарихларида пайдо була бошлиганди.

Минъ хоқонининг мактублари уни тан олишни ва «улпон» жўнатишни талаб қиласди. Хитой ёзувларида Темур саройидан элчилар «улпон» билан бир неча марта келганлиги ҳақида маълумотлар учрайди. 1387 йили Мовароуннахрдан мусулмон элчиси Мавлоно Ҳофиз келиб, ун беш бош от ва икки бош тия таклиф қилган. «Шундан кейин, — дейди Минъ Ши, — отлар ва туялар ҳар йили келиб тураверди». 1392 йили Самарқанддан ҳам духоба, қиличлар ва ҳарбий анжом-аслаҳа юборилганди. Хитой хоқони ҳам ўз томонидан Самарқандга қимматбаҳо тошлар ва Хитой қоғоз пулларини жўнатган эди. Бу пайт Темур Олтин Ўрда хони Тұхтамишини тор-мор қилиш билан банд бўлған эди.

Бироқ, афтидан, энди Самарқанддан келаётган савдо карвонларига Хитойда шубҳа билан қаралган бўлса керак. 1388 йилда хитойликларнинг мўгулларга қарши юриши чоғида самарқандлик бир неча юз мусулмон тожирлари Минъ кўмондони томонидан асир олинганида, хоқон Ҳун-Ву уларни Мовароуннахрга қайтариб юбориш хусусида буйруқ берган эди. Лекин бу ноҳуш ҳодиса савдо-сотик ҳаракатларини тұхтатмади, чунки 1392 йилда Темур элчилари ўз духобалари ва қурол-аслаҳаларини хоқонга топширганларида, Мовароуннахрдан Гансуга сотиши учун отлар олиб келган савдогарлар сони яна ҳам кўпайганди. Минъ хоқони буйруғига кура, отлар унинг пойтахтига келтирилди, Гансу ҳокими Юанлар даврида ўша музофотда ҳаддан ташқари кўпайиб кетган мусулмон савдогарларини ҳайдаб чиқариш хусусида қатый буйруқ олди. Хитой солномалари ёзувларига кура, икки мингдан ортиқ савдогар Самарқандга жўнатилганди. Улар Темур элчилари ўз

юртига қайтаётгандарыда бирга йүлга чиққан здилар. Шу мұносабат билан Хитойда мусулмонларнинг сиқувга олинаётгандары ҳақида дағшатли миш-мишлар тарқала бошлиди.

Расмий мубаллиғлар (миссионерлар) ва савдо-сотиқ карвонлари мағфий маълумотларни тұплашда оддий восита булиб хизмат қиласы зор. Мовароуннардан жұнатылған ана шундай одамлар турли-туман мақсадларни үз олдиларига қўйған здилар. 1404 йили Хитайдан Самарқандга элчилар ва умумий сони 800 туядан иборат карвон етиб келди. Темур «ана шу элчилар билан Хонбалиқдан етиб келган кишилардан, шунингдек, туялар карвонига сарбон булған шахслардан Минъ хоқони ҳукмронлик қилаётгандын мамлакатнинг ўзига хос кўпгина ҳайратомуз жиҳатлари хусусида, унинг улкан бойликлари ва хитой халқининг сони ҳақида бутун тафсилотлари билан аниқ ахборот олишга ҳаракат қилди. Жумладан, ижозат олиб, Хонбалиқда олти ой давомида яшаган бир туркӣ тожир, у (Хонбалиқ) «Табриздан Йигирма марта катта» деб айтганди. Шунингдек, ўша одам «хоқон үз қўшинлари билан уруш қилиш учун мамлакатни тарқ этаётганида шунчалик кучли здики, у ўз хоқонлигини муҳофаза этиш учун тұрт юз минг отлиқ ва катта миқдорда пиёда куронларни қолдириши мумкин зор... Хонбалиқ ва Хитой мамлакати хусусида жуда кўп ҳайратомуз далиллар қилинганды...»⁵

Валекин, XIV асрнинг 90-йиллари бошлирида ҳам Темур ҳали ўз душмани Тұхтамишни тор-мор келтирмаган зори ва бу пайтда Соҳибқироннинг хоқон Хун-Вуга жұнаттың мактуби (1394 йили хоқон кулига теккан) зэзу тилакларга тұла зор. Мазкур мактуб иккى юз отдан иборат совға-салом ёхуд «улпон» билан бирга құшиб жұнатылғанди. «Сизнинг ҳукмдорлигиниз шукуҳи, дабдаба нури, — деб ёзған зор Темур Хун-Вуга, — бамисоли самовот кўзгуси янглиғ узоқ ва яқиндаги подшоликларни ёритиб туради... Сиз жаноби олийлари меҳрибонлик билан узоқ мамлакатлар савдогарларининг савдо-сотиқ билан шуғулланишлари учун Хитойга келишига рухсат бердингиз. Ажнабий элчилар Сизнинг шаҳарларингиз бойлиги ва давлатингиз құдратидин завқланиш шарафиға эга бўлдилар. Сизнинг ғамхурлигиниз туфайли, ажнабийларнинг Хитой бирла алоқа боғлашлари учун ёмхона^{*} бекатлари очилди ва бу қулагицлардан барча узоқ мамлакатларнинг миллатлари фойдаланишлариға рухсат этилғондир...»⁶ Бу мактубнинг услуби ва айни шу тақлиддаги дабдабали хушомадлар Минъ хоқонига манзур бўлди ва энди Темур элчилари машхур зор — Аи-Чи-Тао бошчилигидаги Хитой элчилари ҳамроҳлигидан ўз

* Ёмхона — почта.

юртига қайтдилар. Улар Хонтангри (Тиёншон) дан шимолроқдаги йўл бўйлаб, Еттисув орқали ўтдилар.

Элчилар қабул қилинган вақтга келиб, вазият ўзгарғанди. Беш йиллик ҳарбий юриш чоғида Тўхтамиш тор-мор келтирилди. 1396 йили Темур ва унинг қўшинлари уларнинг Эрон, Ироқ ва Дашиб Қипчоқдаги ғалабаларидан сўнг Мовароуннахрга қайтиб келгандилар. Темур фақат ўлжалар билан ўз пойтахтини безабгина қолмай, келгуси юришлар учун фармойишлар ҳам берганди. 1397 йили у ўз Салтанатининг шарқий чеккаларидаги қароргоҳда, Тошкент яқинидаги манзил қурди. Афтидан, у сулолавий ва, шубҳасиз, ҳарбий мулоҳазаларга кура, мўгул хони Хизрхўжанинг қизи этиб келишини кутаётганди. Тўй тантаналари, шоҳона сеп-сидирғаларнинг мўл-кўллиги қўзларни қамаштиради. Янги малика Тўқал хоним Салтанат саройида «Кичик хоним» рутбаси билан сарафroz этилди; у Сарой Мулк хонимдан кейинги иккинчи малика сифатида мақомга эга бўлди.

Тўй тантаналари мұҳим ҳарбий аҳамиятга эга бўлган бир қатор бошқа тадбирлар билан бирга олиб борилди. Темурнинг набираси ва валиаҳд Муҳаммад Султон Мовароуннахрнинг шарқий вилоятлари ҳокими этиб тайинланди. Унга чегара чизиқларини янада шарққа, то Мўғулистонга қалар суриш хусусида тунқол берилди. Чегара ҳудудларидаги ғалаёнлар тинчтилиши, Хитойга элтадиган шимолий йўллар бўйлаб жангу жадаллар ўтказилиши учун тайёргарлик тариқасида ҳужум қилиш таянчлари барпо этилмоғи лозим эди. Самовий Тоғларнинг шимолий этакларидаги нисбатан яҳши даштларга, отларни боқиши учун етарли ем-хашакка эга бўлган бу йўналиш Хитойга элтувчи учта йўл ичидан энг мақбули бўлибгина қолмасдан, балки катта миқдордаги қўшинларни боқа олар эди. Чингизхон томонидан бузиб ташланган, Сирдарё орқали Бинокентга ўтадиган йўл қайта тикланди, бир неча қалъалар қурилди. Ана шундай қалъалардан бири Сирдарё билан Иссиққўл ўртасидаги Ашпарада*, иккинчиси ундан шарқроқда, шундайгина кўл ёнида бунёд этилганди. Шаҳзодага ёрдам тариқасида амирлар: Ҳожиддин, Бердивек, Ҳусайн Худойод ва Шамсiddинлар қирқ минг чоғли қўшин билан юборилганди. Бу таянч масканлари пухта мустаҳкамланди, кейинчалик у ерда, асосан, Ироқ, Озарбайжон, Ҳиндистондан сафарбар этилган аскарлар, яъни сойири сипоҳлар, Эрон ва Хуресондан келтирилган суворийлардан иборат гарнizonлар жойлаштирилганди. Уларни янада кучайтириш учун Чигатой қўшинларидан бир тумани берилганди.

* Ашпара — ҳозирги Тоҷикистон ҳудудидаги Исфара шәҳри.

Аср бошида бу ерда ҳукм сурган тартибсизликлар, шунингдек, мұғулларнинг деҳқончиликка нописандык билан қараши натижасида, инқирозга юз тутган қишлоқ хужалигини ривожлантириш хусусида буйруқ берилди. Қүшинлар йўлда қўшимча озиқ-овқатга эҳтиёж сезгандилар. Шу важдан мұғул хони Хизрхўжага мурожаат этилиб, ёрдам кўрсатиш ҳақида илтимос қилинди.

Темур 1398 йили ана шундай тайёргарликлар билан ҳамда мұғул маликасига уйланиш тантаналари билан банд эди. Хитой элчиси Аң етиб келганида, Темур Тошкент яқинидаги ўз қароргоҳида эди. Аң ва у келтирган совға-саломлар муносиб тарзда қабул қилинган бўлса-да, элчиларнинг юртларига қайтиб кетишлари учун изн берилмади. Бунинг ўрнига Соҳибқирион элчини ҳайратга солиш ва ўзининг буюк давлатини кўз-кўз қилиш учун соқчилар кузатувида элчини ўз мулклари бўйлаб саёҳатга жунатди. Элчи Табриз, Исфаҳон, Шероз, Ҳирот ҳамда бошқа шаҳарларда бўлди ва олти йил деганда Самарқандга қайтиб келди. Сафардан қайтган элчи Аңномаълум сабабга кўра яна ушлаб қолинди. (Аң-Чи, алал-оқибат, орадан ун икки йил ўтибгина уйига қайтганди). У «Фарбга қилинган саёҳат чоғида курилган ҳайратомуз воқеа-ҳодисалар» номли достонлар туркумини ёзди.

Минъ сулоласига нисбатан қилинган бу душманлик ҳаракати Темур билан Хизрхўжа бир битимга келган даврда ягона ҳодиса эмасди. 1397 йили Минъ хоқони Хизрхўжага мактуб йўллаб, Муғулистандаги Хитой элчисининг қамоқда сақланаётганилигидан шикоят қилганди: «Мен таҳтга чиққанимдан бери савдо-сотиқ ишлари билан Хитойга келаётган ажнабий савдогарлар йулига бирон-бир марта бўлсин, монелик қилмадим ва буйруқ бердимки, менинг халқим ажнабийларга ширин муомалада бўлсин. Шу йўл билан хорижлик савдогарлар жуда катта фойда кўрдилар ва чегараларда ҳам безовталик йўқдир. Бизнинг гуллаб-яшнаётган мамлакатимиз мисли курилмаган мулкка эга ва биз Сизнинг мамлакатингизга хустважжуҳ курсатдик. Бас, шундай экан, нега у ҳолда сизлар билан дустона муносабатлар ўрнатиш учун бундан бир неча йил муқаддам мен юборган элчи ушлаб турилипти? Ўтган йили мен то элчим озод қилинмагунига қадар Бешбалиқдан (Муғулистан) Хитойга келган барча мусулмон савдогарлари ни ушлаш хусусида буйруқ чиқардим. Аммо уларнинг мамлакатимизда савдо-сотиқ билан шуғулланишларига изн бердим. Қачонки улар уйда бола-чақалари қолганлиги хусусида шикоят қилдилар, уларнинг уйга қайтишларига рухсат бердим. Менинг хайриҳоҳлигимни билишингиз учун ҳозир яна ўз элчимни Сизга юбораётиман. Бизнинг чегараларимизга йўналган

йўлларни ёпманг, урушнинг келиб чиқишига йўл қўйманг...» Минъ-Ши ёзиб қолдирган маълумотларга кўра, совға-саломларсиз келган, номи тилга олинган элчи озод қилиниб, уйига жўнатилган эди.

Темур Салтанати девони Ҳиндикуш орқали жанубга йўл олганида, унинг ортидан қипчоқ бекларининг элчилари, Хитой таҳтига даъвогар мӯғуллар ҳам йўлга тушганди. Шунингдек, унга мулкларидан мосуво бўлган, дастлабки авлодлари мулкларига эгалик қилиш учун ўзаро низолашаётган Юань аъёнлари ҳам эргашган эди. Ана шундай мӯғул қочоқларидан бири Ўлжой Темур Соҳибқирон Темурнинг саройидан паноҳ топган эди. Яна бир мӯғул беги Тайзи Ўғлон (Ҳиндистон сафарида — Кобулда Темур аъёнларига қўшилганди) 1404 йилда Темур билан бирга Самарқандда бўлди, 1405 йилда эса, у билан шарққа томон сафар қилди.

Ҳиндистонга қилинган юриш узоқ давом этмади. 1399 йилда ортига қайтган Темур иккинчи марта шарқдан юз үгириб, бунинг ўрнига, ўғли Мироншоҳнинг таъзирини бериш, Миср султонидан ва усмонли турк султони Боязиддан интиқом олиш учун гарбга жўнади. Кекса Темур Муҳаммад Султонни вақтинча Самарқанд ҳукмдори сифатида қолдирди, бу пайтда, унинг иккинчи набираси Искандар (Умаршайхнинг ўғли) Фарғонада ҳукмдорлик қилаётганди. Ана шунда Искандар валиаҳддан олдин «отни қамчилаб» Муғулистанга юриш қилган ва шу рафтори билан ўзини шармандаи шармисор қилганди; у ушанда Ашпара ва Фарғона гарнizonлари кучидан фойдаланиб. Торим ҳавзасига бостириб кирган, Қашқар воҳасини, Оқсув ва Хутанинн ўзига буйсундирганди. Ана шу йўл бўйлаб тижорат ишлари яхши ривожланган эди, шу боис, Оқсув оқсоқоллари шаҳарда турган бадавлат хитойлик савдогарлар воситасида жони омонлик товонини тўлаб, ўз ҳаётларини сақлаб қола олгандилар.

Темур 1399 йил охирида Шарқий Кавказдаги Қорабоғ яйловларига етиб келганида умидбахш хабар олди: узоқ йиллар таҳтда утирган, мусулмонларни мудом таъқиб қилган бутпараст Хитой хоқони, солномаларда «Тўнғиз» деб аталувчи Тўнғизхон Аллоҳ ҳузурига риҳлат этибди. Арзномаларда «юз минглаб» муминларнинг оммавий тарзда қирғин қилингани, дини исломнинг Хитойдан сиқиб чиқарилгани ҳақида эслатиларди. Шунингдек, Минларнинг таҳт вориси булиш учун шафқатсиз кураш кетаётгани, мамлакат ғалаёнлар оғушида қолгани ва Хитой салтанатида исён ҳукм сурғани ҳақида хабарлар бор эди.

Минъ сулоласига асос соглан хоқон Хун-Ву 1399 йилда вафот этиб, Самовий салтанатни ўзининг олтмиш икки яшар

набирасига қолдирди. Кекса Минь хоқони ўз ўғиллари ўртасида юз беражак тортишувларни олдиндан билиб, уларни Хитойнинг турли музофотларига ҳоким этиб жұнатыб юборғанди. Бирок тұрткынчи ўғил бөш күтариб чиқиб, тахт вориси Қүшинларига қарши муваффақиятли жанг қилди.

Бу аснода Темур гуржиларга қарши курашни, шунингдек, Сурия ва Миср ҳукмдорлари билан, түрк султони Боязид, Византия ва католик Фарб мамлакатлари ҳамда Леванттинг майда князлари билан музокаралар олиб боришни давом эттириди. У Хитайдаги ахвол янада ёмонлашувини сабртоқат билан күтди. Бирок Анқара ёнида (1402 йил) Боязид устидан эришган ғалабасидан сұнғ у Ҳиндистонга қилингандың чоғида алоҳида жасорат намуналарини күрсатған шаҳзода Халил Султонни шарқий ҳудудлардаги чегара туманлары құмандонлигини қабул қилиб олиш учун яна Мовароуннаұрга жұнатди.

1402 йил охирида Темур Смирнадаги коғирлар қалъасини яксон этиб, ўзининг гарбга юришини поклаб олди. 1403 йил бошланиши билан у Эгей деңгизи соҳилларida туриб, ўзининг аввалги ва охирги гуноҳларини ювиш учун, бойликлари икки минг йил давомида құшни күчманчиларнинг зәтиборини жаңб этиб келаётган Самовий салтанатга юриш қилингандың түгігінде күнглигі түгіб қўйди. Милодий VIII асрға доир Үрхун ёдгорликларida (Кул тигин битиги) хитой халқи ҳақида шундай дейиллади: «Бу ерда үрнашиб, Табғач (Хитой) халқи билан муросага келдім. Олтин, кумуш, ичкилик, ипакни шунча ҳисобсиз бераётган Табғач халқи сүзи шириң, ипак кийими нафис экан. Шириң сүзи, ипак кийими билан алдаб, йироқ халқни шу хилда яқынлаштирап экан...»⁷

Энди туркийлар отларининг бошлари шарққа — Темур ва унинг лашкарлари шу чоққача йиғған жамики бойликлардан ҳам күпроқ үлжалар макони бўлган Хитой томонга қаратилган эди, зеро Хитой XV аср бошларида ер юзидаги энг бой мамлакат ҳисобланарди.

XVI боб

АЗРОИЛ

Темур 1403 йилнинг бошларидан Кичик Осиёнинг ярмини босиб утган чоғида, ўзининг машхур асири султон Боязид Йилдиirimнинг хасталаниб қолгани ҳақида хабарни эшилди. Шунда уни даволаш учун саройдаги энг яхши табиблар жұнатилди.

Боязид Йилдирим Аиқара ёнидаги жангла құлға түширилгандан кейин құғирчоқ Чигатой хони Султон Маҳмуд томонидан Темур хузурига келтирилганди. Соқибқирон ўз асири ёнига келиб, унинг бошига тушган барча жабру жафолар учун ўзи айбдор эканлигини айтди. «Агар иш узгача тус олганда, агар Аллоҳ Сизга фатху зафар ато этганида, мен ва менинг құшинларим тақдирі не кечишин бутун дунё билур. Шунга қарамасдан, Сизға ва Сизнинг одамларингизға ёмон мunoсabatda бұлmasмен». Ривоятлардан бирида келтирилишича, Темур хузурига асирни олиб келгандарыда, Соқибқирон кулиб юборган эмиш. Турк султони унга инсоннинг худо ато этган жисмоний нұқсаны (кузи күрлиги) устидан кулиш яхши эмаслигини айтғанмиш. Шунда Темур: «Аллоҳ Сиздек сұқыр ва мендек оқсоққа дунё устидан ҳұм мөргизишни мunoсib курғанлигидан күлмоқдамен», — деб жавоб берипти.

Боязидни ўғли Мусо билан бирга (у ҳам асир түшган зди) сақлашганди. Икковлонни барлос уруғидан бұлған амирлардан бирига топширишганди. Ғалаба мunoсabati билан баҳаво, мева-чеваларға бой бұлған, шаҳари фаворалар билан безатилған Кьютахия текислигіда байрам тантаналари бир ой давом этди. Босиб олинған бойликлар құшинлар уртасида тақсимланди. Тантаналар мугулларнинг урф-одатларига кура үтказилди, одатдаги қаттиққұллуклар бир четта жиғишириб қүйилди. Таомларни ва қадаҳларни гузал асира қызлар тарқатиши. Боязидни зиёфатға олиб келишди. Сарой солномачилари ёзғанларидек, у ғазаб аламидан кейин зиди дүстликнинг ширин неъматларидан татиб куриши мумкин зди. У шоғона салтанат асоси — дурбош ва тож, ҳұмдorликнинг одаттый нишонларини олди. Буларнинг ҳаммаси унинг диlinи қаттиқ оғритди, бу унинг ярасига малҳам үрнига сепилған таҳқиқ түзи зди. Арабшоҳнинг тасвирашыча, Темур зиёфатда одамлар орасида үтиаркан, ўзи ва Боязид ёнига мулозималар келишини буюради ва «қадаҳ тарқатувчиларнинг юзларидан ҳижоблар олиб ташланғанида... Ибн Усмон (Боязид) уларнинг бари ўз хотинлари ва канизлари эканлигини билди. Ана шунда бутун дунё унинг күзларига қоронғи булиб кетди...» Лекин Арабшоҳнинг бу гапига ишониш учун ҳеч қандай асос жоқдайды. Яна ўша тахминда айтилишича, Темур Боязидни масхаралаш учун уни ҳар куни ёнига келтиришларини буюрган эмиш.

Арабшоҳнинг айтишига қараганда, Боязид қочишиңа бұлған мұваффақиятсиз уринишдан сүнг «бамисоли құш каби қағасга солинган зди».

Бундай миш-мишдан, асирға олинған шаҳzодаларни оттар үрнида Темурнинг аравасига қушишган зди, деган бошқа

сохта гаплар ҳам келиб чиққанди. Юқоридаги тахмин эса Марлоуга ёқиб қолганди:

Эй, сиз, Осиёнинг қирчангилари!
Йигирма мил йўл боссангиз наҳот бир кунда.
Наҳот ифтихор қиласангиз шу араваю
Ҳамда буюк аравакаш Темурланг билан.

Ана шу тахминларга кўра, Боязид Темурнинг оёғига қўйиладиган тиргак вазифасини бажарган. Бироқ амалда эса, Темур учун узининг машҳур асирини бу қадар хўрлашдан ҳеч бир маъни йўқ эди, чунки бу аснода асир ҳам, унинг хўжаси ҳам Боязиднинг амирлари номидан шайхнинг қайтиб келишини кутмоқда эдилар; Темур тўқиз минг олтин флорин олиш, Боязид эса озод булиш лаззатини олдиндан туймоқда эди. Бироқ шайх султоннинг жони омонлиги учун товон пули келтиришни беҳад пайсалга solaётганди.

Воқеан, саёҳат чогида Салтанат карвонида пухта муҳофаза қилинган Боязид хасталаниб қолганди. Уни Темурнинг шахсий табиблари муолажа қилдилар, аммо буларнинг ҳаммаси бефойда булиб чиқди. 1403 йилнинг март ойи бошларида «бобаракот жангчи ва уқубаткаш Боязид Йилдирим Аллоҳ субҳонаҳу ва таолонинг паноҳига кучди». Унинг ӯлими сабаблари сифатида бир неча далиллар келтирилади. Бироқ унинг вафотининг чин сабабларини давр губори биздан пинҳон сақламоқда.

Кўпгина турк манбалари Боязид заҳар ичиб ўлган ёки темир қафас чивиғига бошини уриб ёриб, боқий дунёга риҳлат қилган, деб ишонишни афзал кўради. Бироқ бу Марлоу томонидан ўйлаб топилган сафсатадан бошқа нарса эмас. Дарвоқе, унинг пъесасида Боязиднинг вафодор завжаси Забиға ҳам худди шундай йўл тутади:

•Кузим нелар кўрмоқда? Эрим ўлдими?
Боши икки бўлакми? Мияси ҳарен!
Хукмдорим Боязид маҳв бўлдими?
О, Боязид! Аё, турк! О, шоҳлар шоҳи!

(У қафас чивиғига ташланиб, уз бошини ёради).¹

Темур Боязидни усмонли туркларнинг Бурсадаги шоҳона макбарасига катта дабдаба билан дағн этиш ҳақида амр қилганди.

Ҳозирча ўлим фариштаси — Азроил унинг душманлари жонини олишга алоҳида эҳтирос қўйган эди. Темур рақибларининг кўпчилиги — амалдагилари ҳам, эҳтимол тутилгандар ҳам — Азроилдан омонлик топмади: қипчоқларнинг

ожизу нотавон беги, заифлашган Олтин Үрда устидан ўз ҳукмдорлигини үрната олган Қутлуғ Ўғлон; Миср ва Сурияниңг мамлук султони Барқұқ; мұғул хони ва Темурниң қайнатаси — кичик завжасининг отаси Хизрхұжа; Хитой хоқони Хун-Ву; мана, энди эса султон Боязид...

Бироқ Азроилниң машъум қанотлари туркійларниң қароргоҳи узра ҳам соя сола бошлаганды. Темурниң ҳурматли амирлари ва қоролдош үртоқлари ўз соҳибини бириң-ке-тин тарқ эта бошладилар. Амир Сайфиддин Анқара ёнидаги жанг олдидан боқий дунёга риҳлат қылғанды. Анқара ёнидаги жангдан кейин 1402 йилниң куз фаслида Боязидни асир олған, ажойиб аскар, Чигатай хони Султон Маҳмуд хастала-ниб, вафот этди. У 1388 йилда отаси Суюрготмишдан хонлик рутбасини олған эди. Унинг номи Темурниң номи билан ёнма-ён танталарда зарб қилинар, жума намозларida хутбага қушиб үқилар эди. Султон Маҳмуд вафотидан кейин Темур ҳеч кимни Чигатай хони этиб тайинламади.

Шундан сүнг баҳорда, Боязидниң ўлими ҳақидағи хабар эскирмасдан туриб, Анқара ёнидаги жангдан кейин асоси қүшинларга құшилиш учун шошиб-елиб келаёттан Мұҳаммад Султонниң қароргоҳыдан даҳшатли хабар келди: Салтанат валиаҳди, Жаҳонгир ва Хонзоданиң ўғли бетоб эди. Темур Боязид жасадини дағн этиш маросимларини жойига қыйған ҳолда Бурсага етказиш хусусида амр қилиб, жасадни олиб келаёттан уғруқни Оқ шаҳарда қолдирди-да, ўзи шаҳзода томон елдай учди. Йұлда у туркман қабиласининг ўз мулкиға бостириб кирганини билиб, уларға қарши ҳужум қилиш ҳақида буйруқ берди; улоқтириб ташланған туркманларнинг бола-чақалари асир олинди. Бошқа бир чоповул келди: шаҳзоданиң ахволи ёмонлашган эди. Темир яна олға интилиб, бир зұмда набираси қошиға етиб келганида, Мұҳаммад Султон тилдан қолған, унинг ҳаёт шами тез сұнаётганды. Уни замбилга солиб, уч кун муттасил йүл босиб, Қора Ҳисор ёнидаги қароргоҳа етказиб келишди. Ой охирига бориб, Аллоҳнинг паноҳига күчган Мұҳаммад Султонға фақат доруссалтанагина эмас, қүшинлар ҳам аза тутдилар. Амирлардан ва отлар мушоияти (эскорти)дан иборат давлат мотам ма-росими иштирокчилари валиаҳднинг жасади солинган тобутни уйға қайтиш йулида Арманистондаги Авник деган жойғача ку-затиб бордилар. 1402—1403 йилларни Султонияда үтказған Со-ҳибқиронниң оила аъзолари — бунга Сарой Мулк хоним ва шаҳзоданиң онаси Хонзода ҳам киради — Авникка чақирилдилар. Кекса фотиҳ Авник томон йўл олди, унинг қүшинлари эса форларда, еrostи масканларida жойлашиб олиб, қаршилик курсатаёттан туркманларни таъқиб қилди. Ўзи эса маликалар етиб келгунларига қадар Авникда булишга шошилди. У Арзи-

румга кириб борди. Бу ерда уни бир неча шаҳзодалар кутиб турардилар. Болаларни, айниқса, Мұхаммад Султоннинг уч нора-сіда ўғлидан (етти, тұрт ва уч яшар) иккитасини күриб, кекса Темур күз ёшларини тия олмали.

Юз берган фожианы эшигтан Хонзода хушидан кетиб йи-қилди; хушига келгач, ёқасини чоқ қилди, соchlарини юлди, юзини тимдалади.

Дағы маросими Авникда үтказилди. Бу ерда Осиё мамла-каттарининг ҳукмдорлари тұпланды. Мархұм шаҳзоданинг улкан наққораси сұнгги марта янгради. Уннинг тинимсиз зарблари остида бутун доруссалтана, хотин-халаж, амирлар, шаҳ-зодалар, донишманндар ва Салтанат құшинлари аскарлари фарәл чекдилар, ох-воҳ қилдилар. Шундан сұнг муғуллар ань-анасига күра, наққора бошқа шаҳзода шарафига янграмасли-ти учун, чилпарчин қилиб ташланды.

Кекса Темурнинг бошига тушган мусибат уннинг шарққа томон ҳаракатини тұхтатиша ожизлик қилди, уннинг режа-ларини амалға оширишга бұлған күч-ғайратини сұндира ол-мади. Умаршайхнинг уч ўғли ўлпон тұлаб туриш шарты билан подшоликларга зәға бұлдилар. Илгари үзини атайладаб касал-лика солған Пирмуҳаммад яна Соҳиққироннинг ишончини қозониб, яна Шерозга әгалік қилди. Уннинг укаси Рустам Исфаҳон ҳукмдори бұлди. Соҳиққироннинг ҳұрматини қайта қозона бошлаган уннинг укаси, шижаатли Искандар Ҳама-донни олди. Томас Метсоннинг таъбири билан айтганда, «Куд-ратли жангчи» Абу Бакрга Ироқ ҳадя этилди. Шаҳзода Абу Бакр яғмогар ва тинчликни бузувчиларни кириб ташлаш учун кattагина құшин билан жұнатылди. Үнга Бағдод шаҳрини дини исломнинг табаррүк марказларидан бирига айлантириш учун қайта тиклаш ҳақида буйруқ берилганди, зеро зоирлар кар-вони ҳар йили Маккай мұкаррамага шу ердан йүл оларди. «Осоиышталикни бузган» сұлтон Аҳмад Жалойир ва туркман беги Қора Юсуф бириңчи навбатда янчыб ташланиши лозим эди. Бу икки яғмогар ҳам Темур Кичик Осиёни буйсундира-ётган бир пайтда бу ерларға қайтиб келған эдилар. Сұлтон Аҳмаднинг ўғли Тоҳир (у бир маҳаллари Гуржистон подшоси ҳимояси остида булғанди) Багдодни әгаллаш учун айни кун-ларда үз отаси билан довлашиб турғанди. Дажла дарёси буйла-рида ота ва үгилнинг құшинлари бир-бирига тұқнаш келди. Қора Юсуфдан ёрдам олған Аҳмад дарёни кечиб үтиб, Тоҳир құшинларини тор-мор келтирди. Қочмоқчи бұлған ношуд үғил сувга чүкиб үлди.

Аҳмад Бағдодға шошилди, бироқ мағлубиятта учраб, Фа-роj томонидан зиндонга ташланди. Фароj бу асирни нима қилмоқ түгрисида Темурдан йүл-йўриқ кутаётган эди.

Қора Юсуф туркман Рустам Исфаҳонийдан мадад олган Абу Бакр құшинларига қарши жаңға ташланди. Ақа-уканнинг биргалиқдаги күч-ғайрати туркманни тор-мор келтириб, унинг үрдаси ва саройини құлға кирилди. Эрон манбаларининг таъкидлашича, Қора Юсуф туркман минг нафар отлиқ аскарга эга бўлиб, Абу Бакр ва Рустамнинг ўттис минг нафар суворийларига қарши бир кеча-кундуз мобайннда қаршилик кўрсата олган². «Зафарнома»да кучлар ўртасидаги бу тенгсизлик рад қилинниб, шахзодалар ўз қўл остларидағи уч минг аскар билан ўн мингтадан ўн беш мингтагача бўлган туркманларни қочишига мажбур қылғанликлари ёзилади.

Қора Юсуф ва Аҳмад қалъадаги бир-бирига қарама-қарши турган икки минорада ҳибсда сақланган. Айтишларича, асиrlар бир-бирлари билан учрашиб туришган ва ўз қараашларидаги зиддиятлар масаласида муросага келишган. Худди шу аснода Қора Юсуф ўғил кўрган эди. Аҳмад унга исм қўяди ва чақалоқни ўзининг вориси деб эълон қиласди. Улар эркинликка чиққанларида ҳеч қаҷон ўзаро урушмаслик хусусида гапни бир жойга қўядилар. Келишувга мувофиқ, Озарбайжоннинг шимолий музофотлари Табриз билан бирга Қора Юсуфга ўтиши, Месопотамия Бағдод билан бирга султон Аҳмаднинг қўлида қолиши лозим эди (амалда эса Қора Юсуф кейинчалик Бағдод ва Табризни босиб олиб, султон Аҳмадни құлға туширгач, уни бўғиб ўлдириди)³. Абу Бакр Бағдодда қарор топди.

Авникидан шимоли-шарқий томон йўл олган Салтанат байроғи қўққисдан гуржилар қаршисида пайдо бўлди. Георгий VII аввал тузилган Темур шартларини бажармаганди. Катта ва кичик мамлакатларнинг ҳукмдорлари Анқара ёнида қўлға киритилган галаба муносабати билан Темурга ўз ўлпонлари ва қутловларини юборган бир пайтда, Георгий ваъда қилинган қўшинларни юбормаган ва Темур саройига етиб келмаганди. Амалда туркийлар фавжлари Гуржистоннинг қаҳрлиқирови тоғларига ва тубсиз жарликларига олтинчи марта юборилган эди. Туркийлар тоғларнинг қуи этакларида пишган галла ҳосилини батамом йигиб олдилар ва кўп ўлжалар билан ортларига қайтиб келдилар. Бироқ гуржилар тоғларнинг етиб бориш қийин бўлган жойларида қаршилик кўрсатишида давом этдилар — у ерда кўпгина аркларнинг гарнизонлари ўзларини хавф-хатардан эмин ҳис қилардилар. Шулардан бири пухта мудофааланган, озиқ-овқат билан таъминланган Куртинга қалъасида улкан фулузлар^{*} сувга, ертулалар майларга тула эди. Амалда Куртинга қўл етиши мумкин эмасди, қалъага фақат арқонлар ва нарвонлар ёрдамида чиқиши мумкин эди.

* Фулуз — цистерна.

Қалъага қарши ҳужумга Темурнинг шахсан ўзи раҳбарлик қилди. Тог томонидан, қалъа рўпарасида тошлар ва ёғочлардан баланд ҳавозалар тикланди. У ердан туриб манжаниқлар ва аррадаларни ишга солиш мумкин эди. Соҳибқироннинг қароргоҳи ҳам шунда жойлашганди. Ҳудди шу маҳал тоғлик туркйлардан бири қалъа ичкарисига ўтиш имконини берадиган қоялар орасидаги яширин йўлни топди. Қоя чўққисида ўсган дараҳтга bogланган арқон ва ипакдан туқилган нарвон воситасида эллик киши мудофелар ухлаб ётган бир пайтда қалъа ичкарисига ўтди. Эрта тонгда туркий наққораларининг гумбир-гумбири, карнайларининг ваҳимали fat-фути оламни тутиб кетди, рўпарадаги ҳавозалардан отилган тошлар дарвозани бузиб ташлади. Ичкари ва ташқаридан қилинган ҳужумга қалъа бардош беролмади. Уни ишгол қилиш ишлари тўққиз кун давом этди. Гуржилар сардорининг ва оддий одамларнинг боши кесилди; сардорнинг хотини Темурнинг иттифоқчиси — Дарбанд бегига ҳадя этилди. Қалъа деворида биринчи булиб рахна очган хурросонлик аскарлар мукофот тариқасида ҳазинадан пул билан бирга, сарпо-сүруқ, камарлар, отлар, хачирлар, чўрилар, туялар олдилар, яна ўз ватанларида уларга қишлоқлар, боғ-роғлар суюргол қилинди.

Бутун мамлакат бўйлаб қаршилик кўрсатиш давом этаверди. Гуржистон подшоси Георгий ҳамон Темурнинг ҳузурига келмаётган эди. Фурсат ўтиб борар, Соҳибқирон эса бошқа режаларни миясида пиширмоқда эди. У қурол кучи-ла қиломаган ишни ҳийла билан амалга оширди. Подшо Георгий Темурга асир тушган акобир гуржилардан юборилган бир мактуб олди. Улар ўз подшоларига бўйсунишни маслаҳат берар эканлар, бундан кейинги қаршилик кўрсатиш подшонинг армани табаалари қириб ташланиши деган гап, зеро арманлар ўзлари яшайдиган жанубий водийларда Гуржистоннинг осмонуپар туманларида истиқомат қилувчи аҳолига нисбатан Темурнинг ғазабига учраши осонроқ эканлигидан огоҳлантиридилар. Георгий битимга келишни таклиф қилди. Темур журттага иккilanгандай булиб, кейин амирларига, Георгийнинг илтимосига кўра, воситачилик қилаётган бек — Дарбандлик Шайх Иброҳим Ширвонга, биз Соҳибқиронни кўндиридик, деб айтишга рухсат берди. 1403 йилнинг куз фаслида шартнома тузилди.

Гуржи элчилари Темур номи зарб этилган минг-минглаб тилла тангалар, ўюр-уюр отлар, қимматбаҳо газламалар, кумуш ва биллур идишлар, вазни ўн саккиз қирот келадиган ажойиб ёқут билан етиб келдилар. Лекин улар орасида шоҳнинг ўзи йўқ эди. Туркйлар яна бир галабани байрам қилди-

лар; Темур қолган-қутган черковлар ва дайрларни буздириб ташлаб, Тифлисни тарк этди.

Шарқий Кавказдаги Қорабоғ яйловлари Темурнинг севимили қишики қароргоҳи эди. Бироқ 1403–1404 йилларнинг совуқ ва ёмғирли келган қиши Темур қўшинлари учун жуда оғир кечди. У ерда қадимги новларнинг (ғўлбалар) қолдиқларини кўрган Соҳибқирон Бойлакон (Бойилкон) шаҳрини қайта тиклаш учун ўз қўшинларини жўнатди. Бойлакон XIII асрда Чингизийлар томонидан вайрон этилган, XIV аср охирида Темур томонидан қамал қилинган, эндиликда у ер бойўғиллар ва чаёнлар маконига айланган эди. Соҳибқироннинг буйруги билан қишлоқлар, майдонлар ва боф-роғлар қайта тикланди, бозорлар, карвонсаройлар ва ҳаммомлар қурилди, деворлар ва хандақлар қайта вужудга келтирилди. Янги шаҳарни сув билан таъминлаш учун Арас дарёсидан узунилиги йигирма миля келадиган анҳор (канал) қазилиб, унинг соҳилларида боф-роғлар ва узумзорлар бунёд этилди. Анҳор Темурийлар уруги шарафига Барлосий деб аталди.

Эроннинг жанубий музофотлари Умаршайхнинг ўғилларига суюргол қилинди. Шимолий музофотлар Темурий шаҳзодаларнинг тасарруфига кирмаганди. Темур Анқара ёнидағи жанг олдидан Мұхаммад Султонни яхши ҳордиқ чиқарган қўшинлар билан Самарқанддан чақиритирар экан, бунгача Мироншоҳга тегишли бўлган Ҳалоку тожини шу валиаҳдга ҳадя этмоқчи эди. Клавихо Мұхаммад Султон вафот этгандан кейин Ҳалокулар тожи Мироншоҳнинг тўнғич ўғли Абу Бакрга таклиф этилганини, Бироқ Абу Бакр гүё отасига бўлган ҳурмат юзасидан тожни қабул қилишдан воз кечганлигини ёзди. Шу боисдан, Соҳибқирон бу мулкни иккига бўлганди: у Багдод ва Ироқни Абу Бакрга, шимолни, — бунга Табриз ва Султония ҳам киради, — Мироншоҳнинг иккинчи ўғли, шаҳзода Умарга суюргол қилиб берганди. Шаҳзода Умаршайх Самарқанддан қурултойга чақирилди. Унинг янги рутба олиши муносабати билан чақирилган қурултой 1404 йилнинг бошларида, Темурнинг Қорабоғдан жұнаб кетиши олдидан утказилганди.

Соҳибқироннинг катта мушовури (маслаҳатчиси) ва дусти, шайх Саййид Барака Мұхаммад Султон вафоти муносабати билан таъзия изҳор қилиш учун Самарқанддан етиб келди. Шайх айни фурсатда ташриф буюрганди: у Темурни сунгги марта кўрди, орадан кўп утмасдан, узи ҳам оламдан кўз юмди. Темурнинг ҳамроҳларидан бири, унинг барча ғалабаларидан йўлдоши, уни улуғловчи пири муршиди ёруғ дунёни тарк этганди. Келгуси йили март ойида Султон Мұхаммад вафотига бир йил тўлиши муносабати билан, Темур элни йигиб, набирасини хотир-

лаб барча расм-русумларни адо этди, юртга ош берди. Шаҳзоданинг хоки Авникдан Самарқандга кўчирилди.

Қорабоғни тарқ этиш олдидан Соҳибқирон шоҳона шикор үтказиш учун фурсат топди. Овчиларга мадад бўлсин учун шикорда катта миқдорда тозилар, дод зотидан бўлган инглиз итлари ва қоплонлар қатнашди. Қоплонлар бўйнига тилла зебигардонлар, қимматбаҳо тошлар билан безатилган занжирлар тақилди. Уч кечакундуздан кейин улкан ов ҳалқаси торайиб, шикор бошланди. Овчилар йўлбарслар ва кийикларни, гизолларни ва бошқа ҳайвонларни ов қилишди.

Моҳи Рамазоннинг охирида Низомиддин Шомий берилган ифттор муносабати билан Қуръони карим сураларини ва хутба ўқиди. У ўзига топширилган тарихни ёзиб тугатган, уни фотиҳга тақдим этган эди.

Қорабоғдан Трапезундгача бўлган мамлакатларнинг ҳаммаси шаҳзода Халил Султонга суюргол қилиб берилди. 1404 — Маймун йилида Салтанат қўшинлари Самарқандга қараб йўл олди.

XVII боб

САМАРҚАНДГА ҚАЙТИШ

Анқара ёнида булиб үтган жангдан кейин Темур ўз элчиси Ҳожи Муҳаммадни Испанияга, Кастилия қироли Ҳенрих III ҳузурига юборди; элчи ўзи билан икки насроний аёл ва совға-саломлар олиб борди. Ҳенрих бу ташрифга жавобан Темур доруссалтанасига ўз элчиларини юборди. Элчилар орасида Клавихо ҳам бор эди. Элчилар 1403 йилнинг май ойида Ҳожи Муҳаммад билан бирга Испаниядан жунаб кетар эканлар, Темурнинг ҳузурига у Кичик Осиёдалигига етиб боришини кузлаган эдилар. Лекин элчилар тушган кема Константинополь билан Трапезунд оралиғига ҳалокатга учради. Шундан сунг улар Туркия соҳилларига эсон-омон чиқиб олиб, яна Константинополга қайтиб боришиди ва ўша ерда 1403—1404 йилнинг қишини үтказишиди. Элчилар Константинополь ва Перада туришга мажбур булган пайтларида Боязид томонидан Никополда асир олинган ва 1397 йилда вафот этган Филипп Артурнинг хоки сақланаётган дайрни зиёрат қилдилар. Баҳор фаслида элчилар Темур билан Қорабоғда учрашишдан умидвор булиб, яна йўлга чиқдилар.

Испания элчилари Трапезунд ортидаги тоғларга етишганда, уларни қароқчилар бошлиқлари безовта қилдилар, бироқ Арзинжондан сунг сафар шароити бирмунча яхшиланди. Клавихо чигатой гарнizonлари йулларни муҳофаза қилиб тур-

лар; Темур қолган-күтган черковлар ва дайрларни буздириб ташлаб, Тифлисни тарк этди.

Шарқий Кавказдаги Қорабоғ яйловлари Темурнинг севимли қиши қароргоҳи эди. Бироқ 1403—1404 йилларнинг союқ ва ёмғири келган қиши Темур қўшинлари учун жуда оғир кечди. У ерда қадимги новларнинг (ғўлбалар) қолдиқларини кўрган Соҳибқирон Бойлакон (Бойилкон) шахрини қайта тикилаш учун ўз қўшинларини жунатди. Бойлакон XIII асрда Чингизийлар томонидан вайрон этилган, XIV аср охирида Темур томонидан қамал қилинган, эндиликда у ер бойуғлилар ва чёнлар маконига айланган эди. Соҳибқироннинг буйруғи билан қишлоқлар, майдонлар ва боғ-роғлар қайта тикланди, бозорлар, карвонсаройлар ва ҳамомлар курилди, дөворлар ва хандақлар қайта вужудга келтирилди. Янги шаҳарни сув билан таъминлаш учун Арас дарёсидан узунлиги йигирма миля келадиган анҳор (канал) қазилиб, унинг соҳилларида боғ-роғлар ва узумзорлар бунёд этилди. Анҳор Темурйлар уруги шарафига Барлосий деб аталди.

Эроннинг жанубий музофотлари Умаршайхнинг уғилларига суюргол қилинди. Шимолий музофотлар Темурий шаҳзодаларнинг тасарруфига кирмаганди. Темур Анқара ёнидаги жант олдидан Мұхаммад Султонни яхши ҳордиқ чиқарган қўшинлар билан Самарқанддан чақирилар экан, бунгача Мироншоҳга тегишли бўлган Ҳалоку тожини шу валиаҳдга ҳада этмоқчи эди. Клавихо Мұхаммад Султон вафот этгандан кейин Ҳалокулар тожи Мироншоҳнинг тўнгич ўғли Абу Бакрга таклиф этилганини. Бироқ Абу Бакр гўё отасига бўлган ҳурмат юзасидан тожни қабул қилишдан воз кечганлигини ёзади. Шу боисдан, Соҳибқирон бу мулкни иккига бўлганди: у Бағдод ва Ироқни Абу Бакрга, шимолни, — бунга Табриз ва Султония ҳам киради, — Мироншоҳнинг иккинчи ўғли, шаҳзода Умарга суюргол қилиб берганди. Шаҳзода Умаршайх Самарқанддан қурултойга чақирилди. Унинг янги рутба олиши муносабати билан чақирилган қурултой 1404 йилнинг бошларида, Темурнинг Қорабогдан жўнаб кетиши олдидан утказиланди.

Соҳибқироннинг катта мушовури (маслаҳатчиси) ва дусти, шайх Сайид Барака Мұхаммад Султон вафоти муносабати билан таъзия изҳор қилиш учун Самарқанддан етиб келди. Шайх айни фурсатда ташриф буюрганди: у Темурни сўнгти марта кўрди, орадан кўп ўтмасдан, ўзи ҳам оламдан кўз юмди. Темурнинг ҳамроҳларидан бири, унинг барча ғалабаларида йўлдоши, уни улуғловчи пири муршиди ёруғ дунёни тарк этганди. Келгуси йили март ойида Султон Мұхаммад вафотига бир йил тулишиби муносабати билан, Темур элни йигиб, набирасини хотирлашди.

278

лаб барча расм-руссумларни адо этди, юртга ош берди. Шаҳзоданинг хоки Авникдан Самарқандга қўчирилди.

Қорабоғни тарк этиш олдидан Соҳибқирон шоҳона шикор утказиш учун фурсат топди. Овчиларга мадал бўлсин учун шикорда катта миқдорда тозилар, дод зотидан бўлган инглиз итлари ва қоплонлар қатнашди. Қоплонлар бўйнига тилла зебигардонлар, қимматбаҳо тошлар билан безатилган занжирлар тақилди. Уч кечакундуздан кейин улкан ов ҳалқаси торайиб, шикор бошланди. Овчилар йўлбарслар ва кийикларни, гизолларни ва бошқа ҳайвонларни ов қилиши.

Моҳи Рамазоннинг охирида Низомиддин Шомий берилган ифтор муносабати билан Қуръони карим сураларини ва хутба ўқиди. У узига топширилган тарихни ёзib тутгатган, уни фотиҳга тақдим этган эди.

Қорабогдан Трапезундгача бўлган мамлакатларнинг ҳамаси шаҳзода Халил Султонга суюргол қилиб берилди. 1404 — Маймун йилида Салтанат қўшинлари Самарқандга қараб йўл олди.

XVII боб

САМАРҚАНДГА ҚАЙТИШ

Анқара ёнида бўлиб утган жангдан кейин Темур ўз элчиси Ҳожи Мұхаммадни Испанияга, Кастилия қироли Ҳенрих III ҳузурига юборди; элчи ўзи билан икки насроний аёл ва соғва-саломлар олиб борди. Ҳенрих бу ташрифга жавобан Темур доруссалтанасига ўз элчиларини юборди. Элчилар орасида Клавихо ҳам бор эди. Элчилар 1403 йилнинг май ойида Ҳожи Мұхаммад билан бирга Испаниядан жўнаб кетар эканлар. Темурнинг ҳузурига у Кичик Осиёдалигига етиб боришини кўзлаган эдилар. Лекин элчилар тушган кема Константинополь билан Трапезунд оралигига ҳалокатга учради. Шундан сунг улар Туркия соҳилларига эсон-омон чиқиб олиб, яна Константинополга қайтиб боришиди ва уша ерда 1403—1404 йилнинг қишини утказиши. Элчилар Константинопол ва Перада туришга мажбур бўлган пайтларида Боязид томонидан Никополда асир олинган ва 1397 йилда вафот этган Филипп Артурнинг хоки сақланыётган дайрни зиёрат қилдилар. Баҳор фаслида элчилар Темур билан Қорабогдан учрашишдан умидвор бўлиб, яна йўлга чиқдилар.

Испания элчилари Трапезунд ортидаги тоғларга етишганда, уларни қароқчиликлар бошлиқлари безовта қилдилар. Бироқ Арзинжондан сунг сафар шароити бирмунча яхшиланди. Клавихо чигатой гарнizonлари йўлларни муҳофаза қилиб тур-

279

ганлигини ёзди, чунки Суриядан чиққан күпгина карвонлар айнан шу йүлдан утар эдилар. Гавжум бозорларга, гүзәл хиёбонларга, фаввораларга, ҳорғин саї-хларнинг чанқоғини қондирувчи муздай сувга эга бўлган Табриз шаҳрида испани-яликларга Қоҳирадан чиққан кўп сонли элчилар қўшилди. Бу элчилар ҳам Темур доруссалтанасига йўл олаётган эдилар. Султон Фарож юбораётган күпгина бошқа нодир ҳадиялар ичидаги бир туркум тұяқуш ва заррофа (жирафа) ҳам бор эди. Табризда элчилар Темурнинг ўз пойтахтига йўл олганлигини эшитадилар. Уларнинг Соҳибқирон ортидан йўлга тушишдан узга иложлари қолмаганди.

Элчилар Султонияга етиб келдилар. Бу ерда уларни шаҳзода Мироншоҳ қабул қилди. Қабул маросими саройнинг мевали боғидаги чодирда утказилди. Мироншоҳнинг феълатворидаги қусурлар ҳақидаги хабарлар элчиларнинг ҳам қулогига чалинган эди, бироқ Клавихо маросим чоғида шаҳзоданинг бирон-бир гайритабиий хатти-ҳаракати ҳақида лом-мим демайди. У шаҳзодани урта яшар, чамаси қирқ ёшларга кирган, алпжусса, семиз, никрис дардидан қаттиқ азоб чекаётган ҳолда кўрган эди.

Миср ва Испания элчилари Эльбрус чуққиси этакларидан, Каспий денгизининг жануброғидан утадиган асосий карвон йули буйлаб Хурсонга йўл олдилар. Улар давлатга қарашли ёмхоналар — почта бекатларидан ва у ерлардаги яхши дам олган отлардан фойдаландилар. Шунга қарамасдан, элчилар ҳарчанд уриниб, Салтанат ҳукмдори ортидан ета олмадилар. Ҳолбуки Темир йўл-йўлакай Мозандарон тоғларидаги қалъаларда қароқчиларни жазолаш ишлари билан ҳам шуғулланадиганди. Бильакс, Темур ҳузуридан келган чоповуллар элчиларни шошилишга ундардилар. Сафар испан элчиларидан бири Ҳомес учун ҳаддан ташқари қийин кечди. У беззак хасталигига бардош беролмасдан, ўзининг феруза конлари билан оламга машҳур бўлган Нишопур шаҳрида вафот этди.

Қолган элчилар туркий сипоҳийлари қуршовида жадал суръатлар билан олға босдилар; бироқ шунга қарамасдан, улар адашиб, Қоракум саҳросида ҳалок булишларига бир баҳя қолганди. Саҳродан сунг улар тобора кўпайиб бораётган кўчманчи галаларига дуч келдилар; элчилар Балх ёнида Амударёга чиқдилар. Корнинг эриши оқибатида дарё жуда тошқин эди. Темур гарчи Ҳирот орқали йўл босган бўлса-да, ҳамон элчилардан олдинда борарди. Бу ерда у ўзининг йўқлигидан фойдаланиб, мансабини сунистехмол қилган тўраларни жазолади. Икки амалдор дорга тортилди. Бошқалари Ашпара ва Сабронга сургун қилинди. Мовароуннаҳрнинг Ҳиротга олиб борувчи шарқий чегараларига янги назоратчилар тайинланди.

Салтанат хазинасига етказилган икки миillion динор заарни қоплаш учун уларга қарийб бир ой фурсат керак бўлди.

Элчилар Салтанат вилояти — Мовароуннахрга кириб келдилар. Мовароуннахрга ҳар ким ҳам кириши мумкин бўлсада, у ердан ҳеч ким ва ҳеч нарса чиқа олмасди. Форс тили чигатой-турк тили билан алмашинди. Улар давлатга қарашли йўл бўйлаб, шайх-муршиидлар шаҳри Термиздан Темир дарвоза орқали барлослар уруғи водийсига ва Соҳибқирон Ватани — Шахрисабзга етиб олдилар. Бу ерда улар ҳамон Оқсанойни кенгайтираётган ва безаётган усталарни кўрдилар. Элчилар Шахрисабздан жадал суръатда Самарқанд яқининга етиб бордилар. Улар 1404 Йилнинг август ойи охиirlарида дорус-салтанага кириб келдилар ва Соҳибқироннинг қабул қилишини бир ҳафта кутдилар.

Испан элчилари Темурнинг қабулига киришларидан аввал шаҳар чеккасидаги боғда жойлаштирилдилар. Уларни қалбларга шукуҳ багишловчи Боги Дилкушога олиб боргандариду у ерда ҳуққабозлик қилаётган олтига филни кўрдилар. Элчиларни катда ўтирган кекса киши — улуғ амир ҳузурига олиб бордилар. Шундан сунг улар Соҳибқироннинг набиралари — уч шаҳзода томонидан қабул қилиндилар. Бу шаҳзодалардан бири Халил Султон эди. Шаҳзодалар элчилардан Кастилия қироли Ҳенрихнинг мактубини олдилар. Кейин уларни қасрга элтувчи пештоқ олдида савлат тўкиб ўтирган Соҳибқирон ҳузурига бошлаб бордилар. Темур мавжланиб турган фаввора олдидаги узун катда ҳордик чиқармоқда эди. Ҳовзда нақш олмалар сузуб юради. Аслзода шаҳзодалар ва бошқа юксак мартабали зотлар ерда, Соҳибқироннинг оёқлари ёнида ўтиришарди.

«Ҳазрати олийлари ниқталаб тиқилган, чоғроқ, ипак кашталиқ болопўш ёпилган қаттиқ тушакдан жой олиб, ёнидаги устма-уст таҳланган бир неча ёстиққа ёнбошлаган эди; эгнига каштасиз силлиқ шойидан тикилган қабо, бошига тепасига марварид ва қимматбаҳо тошлар билан зийнатланган ёқут қадалган чўққисимон оқ қалпоқ кийганди. Жаноби олийларининг ҳузурига киришимиз ҳамоно тиззамизни букиб, қўлларимизни кўксимиизда қовуштириб, таъзим бажо айладик. Шундан кейин олға бир одим ташлаб, яна бош эгдик. Биз учинчи марта ҳам худди шундай қилдик. Сунгги марта тиз чўкканимизда, шу алпозда туравердик. Сунгра Темур ўрнимиздан туриб, яқинроқ келишимиз хусусида буйруқ берди. Шу чоққача қўлтиғимиздан тутиб турган турли аъёнлар энди биздан четландилар, чунки улар Жаноби олийларига яқинроқ боришига журъат этолмасдилар». Ўшанда амирлардан Шоҳ Малик, Бурундуқ ва Шайх Нуриддин томонидан Темур ўтирган катта

яқинроқ олиб борилган элчилар яна тиззаларини бүккан эдилар. Темур уларни яқинроқ бошлаб келиш хусусида яна буйруқ берди, чунки, Клавихонинг ёзишича «унинг кузлари хирадашганди, у шу даражада ноустивор ва кексайиб қолган эдики, қовоқлари кўзлари устига тушиб турарди, қараш учун қовоқларини зўрга кўтара оларди».

У элчиларга ўз қулини ўпишни таклиф қилмади. Соҳибқирон «ўз ўғли, яъни қирол»нинг аҳволи билан қизиқди («ўғил» сўзи тобенинларга нисбатан мурожаат шакли эди). Темурнинг набиралари Кастилия қироли мактубини келтирдилар. Фрэй Алонсо мактубни уқиб беришга рухсат суради. Кекса ҳукмдор: «Мактубни кейин уқиймен», — деди. Шундан сунг орқа томонга бошлаб борилган элчилар Соҳибқироннинг ўнг томонилаги катга утқазилдилар.

Темур испаниялик элчиларнинг ўрнини қоидага кўра қўйироқда ўтириши лозим бўлган хитойлик элчи эгаллаганлигини қистириб утди. Меҳтар (сарой ишлари бошқарувчиси) олдинга чиқиб, испан элчилари жойи ўзгартирилиши лозимлиги, Темурнинг дўсти, испан қироли элчилари «қароқчи ва ёмон одам, Темурнинг душмани, Хитойнинг Тўнғиз хоқони элчисидан юқори гуриши лозимлигини, агар Ҳудо хоҳласа, у, Темур ҳали уларни шунчалик қисти-бастига олсинки, ҳеч қачон бирон-бир хитойлик манави тасқарага ухшаб, элчилик вазифаси билан бу юртларга келишга журъат этолмасин», деб айтди.

Испан элчилари Темурнинг элчиси Ҳожи Муҳаммад даврасига қушилдилар. Улар тушган кема Қора денгизда ҳало-катга учраганида, усмонли турклар назорат қиласидаган тор минтақада соҳилга тушиш хавфли эди. Бу туркий одам учун баҳтсизлик келтириши мумкин эди, шу сабабли Ҳожи Муҳаммад ўзининг чигатойча либосини испан гранди^{*} кийими-га алмаштириди. Айрим сабабларга кўра, у ана шу либосни қабул маросимида ҳам кийиб, Клавихо айтганидек, дўстлари ўртасида қаттиқ кулгига қолганди.

Қабул маросимидан сунг зиёфат берилди. Шундан кейин ҳам Кастилия қироли, ҳам Миср сultonи Фарож юборган совға-саломлар куздан кечирилди. Сарой солномачилари сultonнинг қимматбаҳо ҳадялари орасида бир бош заррофа (жирафа) ва түккиз бош африка түяқуши мавжуд бўлганлигини таъкидлайдилар. Улар, шунингдек, кастилиялар томонидан келтирилган гобеленларни**, айниқса, ҳаммани мафтун этган гулдўзи сиймоларни тилга олгандилар. Бу совға-саломлар намойиш этил-

* Гранд — аслзода (испанча).

** Гобелен — деворга осиб қўйиладиган суратли қоқма гилам.

ганидан кейин сарой аєёнларидан бирининг ҳадяси — уч юз бош отдан иборат уюр куздан кечирилди.

Самарқандга қайтаётган Соҳибқирон йўл-йулакай ҳар хил ахборот тўплар, шикоятлар тинглар, исёнларни бостирар, ўлпонларни қабул қилас, маҳаллий амалдорларни ҳисоб беришга даъват этар, дорилалолат (одил судлов) мажлисларида иштирок қилас, жазо чораларини тайинлар, меҳр-мурувват курсатарди. У ўзиға ҳамроҳлик қилаётган уламоларни узларининг зиммасидаги вазифаларни бажармаганликда айблади: улар вилоятларда юз берган хизмат вазифасини сунистеъмол қилишлар ҳақида уни хабардор қилмагандилар. Ҳуқуқбузарлик қилган амалдорлар дорга торғилди, кичикроқ мансабдаги амалдорларнинг боши кесилди. Темур «руйи заминнинг сайқали» бўлган Самарқандга етиб келганида, қушинларни сафарбар этиш, қайта куриш ва курилиш ишларини амалга ошириш билан боғлиқ жараён бошланди. Бу ишларнинг ҳаммаси ҳар кунлик қабул маросимлари ва Соҳибқироннинг кексайиб, қарийб етмиш ёшга тулганлиги га қарамасдан, фавқулодда тезлик билан бажариларди; Темурни давлат ишларидан буш вақларida узининг фақиҳлари билан шатранж доналари суришаётганини куриш мумкин эди. Темур, одатда, ҳар уч-турт кунда бир боғдан иккинчи боқقا, бир саройдан иккинчи саройга, бир жамоат биносидан бошқа бир жамоат биносига ўтиб, ўзининг тураржойини муттасил ўзгартириб турарди. У Клавихони қабул қилган Боги Дилкушо ҳам, Боги Жаҳоннамо, Боги Беҳишт, Боги Зогон ва Боги Шамол* лар ҳам бошқа боғлар қаторида ўша давр манбаларida Темурнинг қароргоҳлари сифатида тавсифланади. Ажнабий элчиларга бу жойларнинг шукуҳ, тароватини куриш учун тула имкониятлар яратиб берилганди; зиёфатларга қилинган барча таклифлардан айнан шу мақсад кузда тутиларди. Айрим боглар янгидан барпо этилаётган ёки ободонлашибирлаётганди. Жумладан, Боги Шамолда Сурия ва Мисрда асир олинган усталар кучи билан бир қаср курилганди. Қасрга нақш-нигорлар ва фавворалар оройиш бағишилаганди. Қасрнинг битказилиши муносабати билан дабдабали зиёфат берилди. Зиёфатга, одатдагидек, жуда куп ажнабий элчилар, шулар қаторида, Кастилиялик элчилар ҳам таклиф этилганди. Афтидан, ўша маҳалда Кастилия элчиларини унчалик қадрламагандилар, чунки сарой солномачилири овруполик элчилар зиёфатга таклиф этилганликларини эслатар эканлар, «ҳатто сомон зарраси ҳам денгизга йул топади», деб қистириб ўтгандилар. Эҳтимол, Ҳожи Муҳаммад насроний қиролларнинг қашшоқлиги хусусида хабар бергандир. Эҳтимол, уларнинг қимматбаҳо совға-саломлари мезбонларга манзур

* Бу богни Ҳильда Ҳукҳэм Боги Шимол деб атаган.

булмагандир. Эҳтимолки, бу ғайридинларнинг хунук хулқ-атвори норозилик келиб чиқишига сабаб булгандир. Бир гал Клавиҳо, азалдан шароббезор одам, расмий зиёфатлардан бирида шароб ичишдан бош тортганди. Бошқа бир дафъа эса унинг гурӯҳи байрамлардан бирига анча кечикиб келганди, чунки элчилар үз таржимонини тополмаганди.

Соҳибқирон Боги Беҳиштда булган чоғда оғриб қолди, бироқ хасталик тез чекинди. Гоҳо Темур, айниқса, қурилиш ишларининг боришини кузатаетган маҳалда, шаҳарда яшарди. Самарқандга етиб келганидан кейин орадан кўп вақт ўтмай, Кўксарой аркини куздан кечириб, силоҳона ишини текшириди. Унга узи сафарда эканлигига асир олинган усталар томонидан ясалган уч мингта зирҳли — қизил карбосга тикилган, бир-бирига ошиқ-мошиқ тарзида кийгизилган пулат таҳтачалардан иборат — либосни кўрсатишиди. Клавихонинг ҳисоблашибча, совутлар сифатли ясалган эди, бироқ унинг фикрига қараганда, бу таҳтачалар жуда нағислиги устига, пуллатлари етарли даражада тобланмаганди. Совутлар билан бирга яхлит ясалган, катта миқдордаги думалоқ ва баланд дубулғалар на-мойини этилди; уларнинг айримлари юзни ҳамда бурунни ҳимоя қилиш учун паствга тушиб турадиган пайкон ва таҳтачалар билан таъминланган эди. Бир қанча совутлар шу заҳотиёқ доруссалтана аъёнлари орасида тақсимилаб берилди.

Савдогарларга қулай шарт-шароит яратиш учун шаҳарнинг у чеккасидан бу чеккасига янги, кенг йўл қурилди. Чойхоналар, карвонсаройлар, дўконлар, чодирлар, тимлар бозорнинг ҳуснига-ҳусн қўшиди. Янги йўлни ўтказиш учун шу ерда мавжуд булган устахоналар, дўконлар ва уйлар бузиб ташланди. Иш кузда, қор тушгунига қадар тўхтовсиз, туну кун давом этди.

Соҳибқироннинг марҳум набираси Мұҳаммад Султон Самарқандда ҳокимлик қиласар экан, сунгги юриш йилларида бу ерда ажойиб мадраса қурдирган эди. Сафардан қайтган Темур ана шу илм масканини келиб қурди. Мадрасанинг ёнидаги майдонда Соҳибқирон шаҳзоданинг сунгги ором жойи булиб қолалиган мақбара қуриш хусусида амр қилди. Бу ердаги уйлар бузиб ташланди. Ҳадемай уларнинг ўрнида феруза, олтин, ганч аралашмасидан иборат тарам-тарам гумбазли нағис маъбад қад кутарди. Мазкур меъморий иншоот янгидан бунёд этилган боғ-роғ билан қуршаб олинди. Темур биринчи бинони ҳаддан ташқари паств деб ҳисоблаб, уни бутунисича баланд кўтаришни буюрди. Буйруқ бажарилди.

Темур Ҳиндистон юришидан сўнг қисқа мuddат пойттаҳтада булган лаврида муazzзам жоме масжиди бунёд этиш ҳақида фармон берганди. Басра ва Бағдод усталари, Озарбайжон

(Мидия), Эрон ва Ҳиндистондан келган ғишт төрүвчилар, биллурлар бүйича дамашқылук мутахассислар Самарқанд усталири билан елкама-елка туриб меңнат қылдилар. Асир тушигун мардикорлар, занжирбанд қилингандар филлар Ислом оламининг энг муаззам масжидларидан бирини бунёд қилиш учун ишладилар. Сидирға рангли сополдан ясалган, нақшу нигорли ложуварддан иборат қадама нақшлар бино сиртини безади. Асосий гумбазнинг теварагидаги нақшинкор безаклар ва зарҳал билан ёзилган Қуръон оятлари шу даражада йирик эди, уларни бир миля масофадан туриб үқиш мумкин эди. Бинонинг ички қисми деворий суратлар билан зийнатланганди. Биринж (бронза) ишлари бүйича усталар маҳсус шамдонлар ва чироқлар ясадилар; тұқувчилар эса пардалар ва ипак гиламлар тұқиб бердилар. Ҳафти жүш — етти металл қоришмасидан улкан дарвоза қурилди.

Янги йил бошларыда Соҳибқирон Самарқандга қайтиб келганида, масжид қурилиши ниҳоясига етган эди. Темур Сарой Мулк хоним мадрасаси рупарасида жойлашган масжид пештоқи мадраса пештоқига нисбатан хиёл кичик эканлигига эътибор берди. Муаззам пештоқлар шу тумандаги саройлар ва масжидларнинг етакчи үнсурлари ҳисобланар, улар кенг-мұл ҳовлиға ва йигинлар үтказиладиган очиқ жойларга бошлаб борарди.

Темур дархол пештоқни бузиб ташлаш, янги пойдевор қазиши хусусида буйруқ берди. У ишни тезлаштириш учун шахсан ўзи бино қурилишини бир томондан кузатиб туражагини эълон қилди; иккинчи томондан эса, қурилишга масъулдор икки сарой амири Темур билан рақобатлашиб ишлайдиган булишди. Мардикорлар янги пойдевор учун чуқур қазишиди. Ҳар куни эрталаб Темурни қурилиш майдонига олиб келишарди. У куннинг аксар қисмини шу ерда үтказарди. Темур ишдан, айниқса, мамнун булган кезларда қурувчилар устидан тилла тангалар сочқи қилинарди. Бу ерда ҳам иш ноябрь ойида ёққан қорға қадар туну кун давом этди. Қуриб битказылган бу масжид ҳақида Клавихо: «Самарқандда биз күрган бинолар ичиде энг айлоси эди», — деб ёзганди.

Халқ тұқыған бир ривоятта айтилишича, масжид Ҳиндистон юришида бұлған Темурға кутилмаган совга бўлиши учун Соҳибқироннинг суюкли завжаси, «Хитой хоқонининг қизи» Бибихоним томонидан қурилған эмиш. Масжид қуриб битказилиши арафасида Темур қайтиб келаётгани ҳақида хабар бериш учун бу ерга чопар етиб келғанмиш. Бибихонимнинг ўзи меъмор ёнига ташриф буюриб, ундан Соҳибқирон етиб келгунига қадар ишлар жадаллаштирилсін, масжид қуриб битказилсін, деб илтимос қылғанмиш. Бироқ маликани се-

вib қолган меъмор ишни тезлаштиришдан эмас, уни пайсалга солишдан манфаатдор экан. Шунга қарамай, у, агар Бибихоним бир бўса берса, ишни айтилган фурсатда бажариши мумкинлигини айтипти... Малика, ҳамма аёллар ҳам бир хил, фақат уларнинг либосларигина турлича эканлигини, бас, шундай экан, у ҳарамдаги истаган аёлни танлаши мумкинлигини қистириб утибди ва бир лаганчада турли рангда буялган тухумларни келтириб, дебди: «Булардан хоҳлаганингни чақиб кўр — сиртидан турлича ранг ва шакл-шамойилга эга бўлғанига қарамасдан, тухум ичидаги мавжуд нарсанинг мазаси бир хилдир». Шунда ёш меъмор мутлақо бир хил куринишга эга бўлган икки косани келтириб, бирига сув, иккинчисига шароб қўйганмиш-да, деганимиш: «Косалар айнан ухаш бўлса-да, моҳият жиҳатидан турличадир. Баъзи аёллар борки, улар муздай совуқ, бошқа бир хил аёлларнинг бағри оловдай иссик, улар бамисоли шаробдай қонга ҳарорат югуртиради». Бундай мантиқ қаршисида лол-ҳайрон қолган Бибихоним шартга кўнади. Алқисса, масжид қуриб битказилипти-ю, меъмор ҳам ваъда қилинган бусани талаб қилиб келипти. Шарму ҳаёдан уртангандан малика ёноқларини кафти билан яширипти. Бироқ бўса шу қадар қайноқ эканки, Бибихонимнинг қули орқали утиб, ёноғини куйдириб юборипти. Сафардан қайтиб келган Темур қуриб битказилган масжидни ва малика ёноғидаги упич изини курити-да, меъморни улим жазосига буюрипти. Бироқ Темурнинг ниятидан воқиф бўлган меъмор ғойиб бўлганмиш.

Шошилинч тарзда қурилган муассзам масжиднинг қафасаси (синчлари) вайронагар зилзилалар (айниқса: 1897 йили) ва бир қатор босқинчиликларни бошдан кечирди. XIX аср охирида масжиддан пахта сотиладиган бозор сифатида фойдаланилди, у бир муддат чор қушиналари зобитлари учун отхона вазифасини ҳам бажарганди. Диаметри 12 метр, баландлиги 30 метр бўлган гумбазнинг бир қисми сақланиб қолган. Баландлиги 33 метр келадиган пештоқнинг баҳайбат девори ҳамон савлат тукиб турипти.* Иншоот Бибихоним масжиди сифатида танилган. Клавихо, у ерда Сарой Мулк хонимнинг онаси дағн қилинган, деб ҳисоблади. Масжиднинг машҳур дарвозаси XIX аср бошларида Бухоронинг очкӯз амири томонидан эритилиб, ундан тангалар зарб қилинганди.

Талабга жавоб бермайдиган эски пештоқ қурилишида айбдор деб топилган икки амир Конигилда дорга тортилганди (Ибн Арабшоҳнинг гувоҳлик беришича, амирлардан бирининг қўл-оёқлари банд этилиб, от думига боғланган ва юзту-

* Хозир масжиз қайта қурилиб, асл ҳолига келтирилиш арафасида.

бан ётқизилиб, нимта-нимта булиб кетганинга қадар судратилған). Янги пештоқ талабға жавоб берарлы қилиб қурилғанди, сарой муаррихлари уни Сомон йўлига қиёс қилишганди. Бино гумбази билан эса фақат осмон тоқигина рақобатлаша оларди.

XVIII боб

КОНИГИЛДА БАЙРАМ

1403 йили Минъ сулоласининг ёш валидаҳи уз амакиси томонидан тор-мор этилди. Уша амаки Самовий салтанатнинг пойтахти Нанкинни эгаллаб, ўзини хоқон Юн-Ло деб эълон қилди. Хитой элчиси Ан ва унинг гуруҳи ҳамон Мовароуннардан қайтмаганди. Минъ сулоласидан чиққан янги хоқон Темур ҳузурига бошқа элчи юбораркан, Анни озод қилишни, анъанавий «улпон юбориш ва уни эътироф этишнинг бошқа чораларини кўриш»ни талаб қилди. Клавихо етиб келганида, элчи ҳамон Самарқандда эди; шубҳасиз, у уша — испанлар қаршисида камситилған ва Темур қабулхонасида энг қуий жойга утқазилған мурсал (элчи) эди. Хитой хоқони улпон талаб қилмоқда ва бу улпонни Соҳибқироннинг ўзи олиб бормоғи лозим эди!

Зарур фармойишлар берилди; масалани фақат расмийлаштириш қолганди. Шу мақсадда Темур улкан қурултой чақириди. Мазкур анжуман бўлажак юришга «оқ фотиҳа» бермоғи, Темур умри давомида қўлга киритган совринларнинг энг буюги — Хитой бўлишини ва уни забт этишга қасд қилишдек жасоратини Осиё ва Оврупога курсатиб қўймоғи лозим эди. Ана унда Темур барча юришлар чоғида қўлга киритган хазинаю ганжиналардан ҳам купроқ хазинани қўлга киритган бўларди. Шунингдек, қурултой туркйларнинг ўзига ҳам Темурнинг қудрати улар олдига қўйилған вазифани бажаришга қодир эканлигини намойиш қилиши лозим эди. Бу воқеа одатдагидан кўра дабдабалироқ тантаналар билан нишонланмоғи, Соҳибқироннинг тўққиздан ўн етти ёшгача бўлган беш нафар набирасининг никоҳ тўйи ҳам ана шу байрам кунлари утказилмоғи лозим эди.

Курултой Самарқанд яқинидаги Конигил яйловида утди. Бундан бир ярим аср муқаддам деярли худди шу кунларда Ўрта Осиё ҳукмдори Маъсүд Ялавоч айни шу ўтлоқда Чингизхон набираси Ҳалокуни қутлаш учун тиллакорий шийпонлар қурдирған эди; Эронни забт этиш учун кетаётган Ҳалоку шу ерлардан утиши керак эди¹. Ӯшанда ҳам байрам тантанадари бир ой даюм этганди. Бу водий шундай жой эдики,

ниб қолган мөммор ишни тезлаштиришдан эмас, уни пайсалга солишдан манфаатдор экан. Шунга қарамай, у, агар Бибихоним бир бұса берса, ишни айттылган фурсатда бажариши мүмкінлігінің айттыпти... Малика, ҳамма аёллар ҳам бир хил, фақат уларнинг либосларигина түрлича эканлыгини, бас, шундай экан, у ҳарамдаги истаган аёлни танлаши мүмкінлігини қистириб утиби үа бир лаганчада түрли рангда буялған тұхымларни келтириб, дебди: «Булардан ҳохлаганингни чақиб күр — сиртидан түрлича ранг үа шақыл-шамойилга эта бұлтанаға қарамасдан, тұхум ичидаги мавжуд нарсанинг мазаси бир хилдір». Шунда ёш мөммор мұтлақ бир хил қуринишга зға бұлған иккى косаны келтириб, бирига сув, иккінчісінша шароб қыйғанмиш-да, деганмис: «Косалар айнан үхашаш бұлса-да, мояхт жиһатидан түрли Chadır. Бәзі аёллар борки, улар мұздай соvuқ, бөшқа бир хил аёлларнинг бағры оловдай иссик, улар бамисоли шаробдай қонға қарорат югуртиради». Бундай мантиқ қаршиисида лол-хайрон қолган Бибихоним шартта күнади. Алқисса, масжид қуриб битказилпіти-ю, мөммор ҳам вадда қилингандын бұсанды тағаб қилип келипти. Шарму ҳәделән ўрттанған малика әноқтарини қафти билан яширипти. Бирок, бұса шу қадар қайнақ эканки, Бибихонимнинг құли орқали утиб, әноғини қуидириб юборипти. Сафардан қайтиб келған Темур қуриб битказилған масжидиң ва малика әноғидеги үпич изини қурипти-да, месъомрни улим жазосыга буюрпти. Бирок Темурпен ниятидан воқиға бұлған мөммор гойиб бұлғанмиш.

Шошилинч тарзда қурилған муazzам масжиднинг қафасаси (синчлари) вайронагар зилзилалар (айниңса: 1897 йили) ва бир қатор босқынчиликтернің бошдан кечириди. XIX аср охирида масжиддан пахта сотиладын бозор сифатыда фойдаланылды, у бир мұддат чөр қүшинләри зобитлардың учун отхона вазифасини ҳам бажарғанды. Диаметри 12 метр, баландлиғи 30 метр бұлған гүмбазнинг бир қисмі сақланып қолған. Баландлиғи 33 метр келадын пештоқнинг баҳайбат девори ҳамон савлат түкіб турипти.* Ишшоott Бибихоним масжиди сифатыда танылған. Клавихо, у ерда Сарой Мұлк хонимнинг онаси дағы қилинганды, деб ҳисоблады. Масжиднинг машхұр дарвозаси XIX аср бошларыда Бухоронинг очқұз амири томонидан әртілиб, ундан тангалар зарб қилинганды.

Талабға жағоб бермайдын экси пештоқ қурилишида ай-бдор деб топтаптылған иккى амир Конигилда дорға тортылғанды (Ибн Арабшохнинг гулохлық берініші, амирлардан бири) күл-оёклары банд этилиб, от думига бөгленганды ва юзту-

* Ҳозыр масжид қайта қурилиб, асл ҳолига келтирилиш арағасыда.

бан ётқизилиб, нимта-нимта булиб кетганига қадар судратылған). Янги пештоқ талабға жағоб берарлы қылғанда, сарой мұаррихлари уни Сомон йўлига қиёс қилишганды. Бино гумбази билан эса фақат осмон тоқигина рақобатлаша оларди.

XVIII боб КОНИГИЛДА БАЙРАМ

1403 иили Минъ сулоласининг ёш валиаҳди ўз амакиси томонидан тор-мор этилди. Уша амаки Самовий салтанатнинг пойтахти Нанкиннің эгальаб, узини хоқон Юн-Ло деб эълон қилди. Хитой элчиси Аң ва унинг гуруҳи ҳамон Мовароуннахрдан қайтмаганды. Минъ сулоласидан чиққан янги хоқон Темур ҳузурига бөшқа элчи юбораркан, Анни озод қилишни, анъанавий «улпон юбориш ва уни эътироф этишининг бөшқа қораларини қўриш»ни талаб қилди. Клавихо етиб келганида, элчи ҳамон Самарқандда эди; шубҳасиз, у ша — испанлар қаршиисида камситилған ва Темур қабулхонасида энг куйи жойга утқазилған мурсал (элчи) эди. Хитой хоқони ўлпон талаб қилмоқда ва бу ўлпопни Соҳибқироннинг ўзи олиб бормоғи лозим эди!

Зарур фармойишлар берилди; масаланы фақат расмийлаштириш қолғанды. Шу мақсадда Темур улкан қурутой чакыртириди. Мазкур анжуман булажак юришга «оқ фотиҳа» бермоғи, Темур умри давомида күлга кирилтган соиринларнинг энг буюғи — Хитой булишини ва уни забт этишга қақд қилишдек жасоратини Осиё ва Оврупога күрсатиб қўймоғи лозим эди. Ана унда Темур барча юришлар ҷоғида қўлга кирилтган ҳазина ганжиналардан ҳам күпроқ ҳазинани қулга кирилтган бўларди. Шунингдек, қурутой түркйларнинг узига ҳам Темурнинг қудрати улар олдига қўйилған вазифани бажарышга қодир эканлыгини намойиш қилиши лозим эди. Бу воқеа одатлагидан кўра дабдабалироқ тантаналар билан нишонланмоғи, Соҳибқироннинг тўққиздан ўн етти ёшгача бұлған беш нафар набирасининг никоҳ тўйи ҳам ана шу байрам кунлари утқазилмоғи лозим эди.

Қурутой Самарқанд яқинидаги Конигил яйловида ўтди. Бундан бир ярим аср мұқаддам деярлі худди шу кунларда Ўрта Осиё ҳукмдори Масъуд Ялавоч айни шу утлоқда Чингизхон набираси Ҳалокуны кутлаш учун тиляқорий шиййонлар курдирған эди; Эронни забт этиш учун кегаётган Ҳалоку шу ерлардан ўтиши керак эди¹. Ҳашанда ҳам байрам тантаналари бир ой давом этганды. Бу водий шундай жой эдик.

«унинг ҳавоси мушқдан муаттарроқ, суви шакардан ширинроқ; бамисоли у беҳиштнинг бир парчаси эди, бу ерда жамики нарса мўл-кўлчилик ва роҳат-фароғат зарофатидан мамнүй эди»². Бироқ Клавихо одамлар ҳаддан зиёд кўп тўпланганилиги учун бу жойни гоятда чанг-тузонли деган эди. Аммо холис кастилиялик Клавихо ҳам, адоватли араб Ибн Арабшоҳ ҳам байрам тантаналари ўтказилганлигини расман тасдиқлайдилар. «Чигатойларнинг барча имтиёзли уруғлари Конигилда тўпландилар, уларнинг ҳар бири ўзларига ажратилган жойни эгаллаб, уз чодирларини ўрнатдилар. Удумга кура. Соҳибқироннинг чодирлари ва шиййонлари ўрнатилиши ҳамоно, ҳамма бу ураб олинган марказий жойларга нисбатан ўзига ажратилган масканни билар ва ҳар бир киши уни энг қатъий тартибда, адашмай-нетмай банд қиласади». Клавихо уч ёки тўрт кун давомида тўғри кўчалар бўйлаб жойлашган, шоҳона саропардаларни қуршаб турган қароргоҳ йигирма мингта чодирни кўрган эди; кун сайин узоқ-узоқ туманлардан янги-янги уруғлар кела бошлаганди. Бутун қароргоҳ бўйлаб, алоҳида алоҳида ажратилган кўчаларда кўчманчилар учун асқатадиган санъат ва ҳунарнинг барча турлари буйича ҳунармандлар ишлардилар: темирчилар ва мискарлар, эгарчилар ва аравасозлар, кулоллар ва этикдўзлар, мевафурушлар, аллофлар шулар жумласидан эди. Шойифурушлар растаси ва либосдўзлар растаси ҳам шу ерда эди. Қовурилган гўшт ва яхна гўшт, тотли афғон таомлари сотувчилар қароргоҳ бўйлаб худди шаҳардагидек, у ёқдан-бу ёққа зир қатнардилар. Тандирлари лахча чуғли нонвойлар пайдарпай ҳамир қориб, сотиш учун нон ёпардилар. Қозонларда ҳаммомда чўмилиш мақсадида сув иситиларди.

Клавихо алал-оқибатда Салтанат қароргоҳини қуршаб турган ўрда эллик мингга яқин чодирдан иборат эканлигини ҳисоблаб чиққанди. Бундан ташқари, урда чегарасидан ташқариди, ўтлоқлар бағрида Зарафшон дарёсининг мўл-кўл сувига қонгган мевали bogларда бошқа бир талай чодирлар ҳам ўрнатилганди.

Ибн Арабшоҳ айтганидек, Соҳибқирон, маликалар ва аслзода шаҳзодалар учун алоҳида иҳота қилинган жойларда бешад нафис зийнатланган кўшк-айвонлар тизими барпо этилганди. Мазкур кўшкларнинг айримлари зар кўшиб ўрилган ичи ва сирти укпар билан безатилган туқима деворларга эга булган; бошқалари нақшинкор, алвон безаклар билан оройиш топган турфа рангдаги шойилардан тўқилганди. Яна бир хил кўшк-айвонлар марваридлар билан музайян этилган ҳарир пардалардан тикланганди; бошқаларида эса зурдузи кимхоблардан иборат пардаларга тизилган талай хилдаги тошлар ял-

тираб, кўзни қамаштиради. •Қоқ марказда улар, шунингдек, кумуш томлар ҳам, юксакликни қучган юлдузлар ҳам, уларнинг уйлари учун эшиклар ҳам ўрнатдилар; баҳузур ёнбошлаш мумкин бўлган юмшоқ нимкатлар ҳам қўйдилар; эшикларнинг нақшу нигорли табақалари, чодирларнинг тилла билан безатилган пардалари ва салқин эпкин бериш учун чиройли матолардан тикилган катта елпигичлари ва қашфиётлари... кўзни қувонтиради... Улар, шунингдек, ноёб жавоҳиротларни ҳам кўрсатдилар... уларнинг орасида сulton Боязиднинг хазинасидан олинган, турли суратлар ва ёзувларга эга газламадан тикилган парда бор эди... Ва улар мазкур ганжиналарни от бир ҳатлашда босиб утадиган масофа узоқлигida қолдирдилар; меҳмонлар ҳамда сарой аъёнлари тупланышлари мумкин бўлган Салтанат чодири юксалиб турарди, унинг чилустун ва баланд оғочлар билан таъминланган панжараси кўкка етарди»³.

Клавихо тўртбурчак шаклидаги улкан ва баланд күшкабулхонани батафсил тасвиirlайди. У ҳар бир томон у бошидан бу бошигача юз одим эканлигини ҳисоблаб чиққанди. Оқ, қора ва сариқ тасмали шойидан тикилган ташқи деворлар пастак устунлар тизими билан ураб олинганди. Булар ҳам оғочлар воситасида тик тутиб туриларди. Ҳар бир бурчак устига яrimойни кўтариб турган ялтироқ курра қўндирилганди. Том гумбаз шаклида тугарак эди; у ҳар бирининг йуғонлиги одам белидек келадиган мовий, тилла ва бошқа рангдаги 12 устун билан тиргакланганди. Гумбаз ипак газламадан тикилган, тишни деворча шаклида қурилган мурабба минорача билан тугалланарди. Ердан минорага қадар кўшкнинг бирон-бир томонини шамол йиқитса асқатадиган нарвон қўйилганди. Иншотни кутариш учун катталиги арава фиддрагидай келадиган гарфара (лебёдка)дан фойдаланилганди. Қизил арқонлар уни таранг ҳолатда сақлаб турарди. Узоқдан, деб хабар берганди элчи, кўшк-айвон бамисоли кўзни қувонтирадиган, ўзининг чиройи билан ажойиб, тасвиirlашга қалам ожизлик қиладиган қалъага ухшаб кўринарди.

Деворлар ички томондан чиройли gobelenлар ва кимхоб ўйлан сирилганди. Гумбаздан кенг, бурма шаклида осилиб ушган қимматбаҳо чойшаблар куббасимон йулак ҳосил қиласанди. Торт бурчакда қанотларини йиғган бургутлар тасвиirlанганди. Кўшкнинг ичидагиламлар ва қаттиқ тушаклар тушалган супа бор эди. Темур ана шу ерда утириб, ҳузурига келган одамларни қабул қиласарди. Қуйида, чап томонда бошқа супалар ҳам бор эди.

Мазкур кўшк, бошқа бирталай шоҳона чодирлар ва шийлонлар ҳамда Темурнинг кўчма масжиди теварагида баланд-

лиги отлиқ одамнинг бўйи баравар келадиган, периметр^{*} бўйлаб узунлиги 300 одимга teng нақшу нигорли шойидан девор қурилганди. Устига тишиимон деворли минора урнатилган айвонча ана шу тусиқ ортига олиб борарди. Ўраб олинган жойнинг бари бир ҳафта ичидаги тикланганди. Клавихо Соҳибқирон оиласи учун ажратилган ўн битта ана шундай қуршаб олинган ўзга хос деворни санағанди. Ҳамма чодирлар ҳам ичкаридан устунлар ва лангарлар воситасида тутиб турilmagанди. Уларнинг кўпчилиги қамишдан тикланган дашт капасига ухшаш булиб, канопдан түқилган пишиқ-пухта матодан иборат баланд деворлар буларни қаттиқ ва туғри тутиб турарди. Шунингдек, улар ишак газламалар, суратлар солинган қизил қоқма гиламлар (гобеленлар), турли-туман рангдаги чий духобалар ва қимматбаҳо тошлар билан мўл-кўл қопланганди. Темурнинг амрига кура, шоҳона чодирлардан баъзи бирларининг ички томони ва сирти олмаҳон ҳамда сувсар мўйнаси билан қопланганди. Бу мўйналар чодирларни ёзда салқин, қишида иссиқ сақлаб турарди.

Зиёфатлар ва диққатга сазовор жойларни кўздан кечириш чогида элчилар Темурнинг ҳарамини зиёрат қилиш имкониятига эга бўлдилар. Малика Сарой Мулк хонимнинг ҳузурига Боязиднинг ҳазинаси билан бирга, Бурсадан келтирилган қуштабақали эшикдан кириб бориларди. Афтидан, мазкур эшиклар Византияда ясалган бўлса керак, чунки улар тилла доналари тиқиб чиқилган мовий сир билан ҳашамдор қилинган, тилла суви югуртирилган кумуш тахтачалар билан қопланганди. Эшикнинг бир томонига Авлиё Пётрнинг, иккинчи томонига Авлиё Павелнинг шамойили туширилганди. Ҳар иккимиз авлиё ҳам қўлларида китоб ушлаган ҳолда тасвиранганди. Етарли даражада баланд бўлган бу эшиклардан отлиқ чигатой бемалол утиши мумкин эди. Клавихо кекса маликанинг кўшкида диққатга сазовор буюмлардан бири — болут шаклидаги, баландлиги одам бўйича келадиган тилла дарахтни кўрган эди. Танаси ва илдизлари тилла товоққа солиб қўйилган ўша дарахтнинг тилладан ясалган барглари, қизил ёқут, зумрад, феруза, кук ёқут, оддий ёқут ва улкан гавҳардан ясалган мевалари бор булиб, тилладан қўйилган турли рангдаги митти қушчалар шоҳларга қуниб турарди; уларнинг айримлари ҳозиргина шоҳга қунгандек эди, баъзилари ноёб меваларни чўқиётгандек, бошқалари эса парвозга чоғланаётгандек. қанотларини ёзиб турарди. Бу тилла дарахти, Багдод ҳазиналари билан бирга қўшиб келтирилган бўлса ажаб эмас.

* Периметр — ясси кўп бурчак ҳамма томонлари ўлчамиининг йиғиндиси.

Зиёфатларга шунчалик күп одам йигиттар эдикі, соқчилар меҳмонларга базур йул очар әдилар. Клавихо осмону фалакка кутарылған, юзлар ва кийим-кечакларни «бир хил рангга солиб қойған», қалин чанғдан шикоят қиласы. Қабул маросимлари ва зиёфатлар ҳар куни бұлиб турарди. Ажойиб айғир оттар минган, әгаллаб турған рутбасига күра, жигаларига кумуш тасма қундирилған мәхтарлар ва сарой амалдорлари бир жойдан иккинчи жойға үтиб турардилар. Күшк-айвонлар ортидаги бүш жойларда май тұла хұмлар, улкан күралар мавжуд әди. Клавихонинг фикрича, ҳар бири 60 галлон^{*} сифимга зға бу идишларга меҳмонлардан бөшқа ҳеч кимса тегишиң жүръат этолмасди. Деворлар ортида ана шу тақиқни бузышға ботинган, соқчиларнинг ёй үқи билан отиб үлдирилған ёки боши чүқмор билан мажақланған одамларнинг жасади ётарди.

Меҳмонлар күшк-айвонларда қатый низомға күра үтирадилар. Овқат ейишдан аввал, одатта күра, ичкилик ичиларди. Туркийлар шу қадар күп май нұш этардиларки, ҳадемай фирт маст бұлиб қолардилар. Агар меҳмонлар маст бұлгунларига қадар ичкилик ичмасалар, уша үтириш ҳақиқий зиёфат ҳисобланмаслигини Клавихога сұзлаб беришганди. Меҳмонларга лиммо-лим тұлдирилған қадаҳшар тутқазилди. Улар ана шу қадаҳшарни охирги томчи қолгунча сипқаришлари лозим әди. Агар меҳмон қадағын рад этса, у мезбонни ҳақорат қылған ҳисобланарди. Қадаҳшар бир ёки иккى сипқаришда буштиларди. Бир мұлозим иккى меҳмондан ортиқ кишиға хизмат қилишға ҳақы йүк әди. Ичкиликни ҳаммадан күп ичган кишини баҳодир, қаҳрамон деб ҳисоблардилар.

Шаҳзодалар каби маликалар ҳам зиёфат берардилар. Ана шундай зиёфатлардан бири «қырқ ёшлардаги, хүшрүй ва туладан келған» Хонзода томонидан берилганди; у оғир жудоликдан кейин анча узига келгандек әди. Бу ердаги зиёфат низоми худди шу хилдаги бөшқа зиёфатларниңдан фарқ қылмасди. Хонандалар ва созандалар күй-қүшиқ ижро этардилар, маликанинг چүрілар маликага ва бөшқа пошшоой-имларға май тутиш учун чиқар әдилар. Эркак хизматкорлар патнисларда қадаҳшарни олиб келардилар, тиз чүкканилари-ча, уларни соқийларға узатардилар. Соқий эса сочиққа үралған қадағын олар экан — бунда унинг қули хизматкорнинг қулиға тегмаслиги керак әди — тиз чүкканича, уни хонимларға тутарди. Шундан сунг у ортиға чекиниб, қулида май билан лиммо-лим тұлдирилған қадаҳ тутганича, қайтиб келарди. •Шу нарсани яхши тушунишингиз керакки,— дейди

* Бир галлон — Инглизистонда ва АҚШда: суюқ модда ёки сочиқма жисмлар уүнүн 4.54 литрли ўлчов бирлигі.

Клавихо,— майлар тез-тез олиб келинмасди». Қадаҳлардаги май ахён-аҳёнда қимиз билан алмаштириб туриларди. Зиёфатда ҳозир бўлган кекса малика Сарой Мулк хоним Клавихонинг ичкилик ичмаётганини пайқаб қолди. «Улуғ малика биз, элчилардан оддинга чиқишимизни суради ва бизга қадаҳ сунди, мени, Рюи Гонзалесни (Клавихо) ичишга мажбур қилмоқчи бўлди, бироқ мен ичкиликтан бош тортдим, хоним менинг умуман май ичмаслигимга ишонмаган бўлса керак. Эндиликда ичкилик ичилгандан кейин орадан анча фурсат ўтгач, зиёфатда ҳозир бўлганларнинг купчилиги узларида мастилик аломатларини кўрсата бошладилар, уларнинг баъзилари фирт маст эдилар. Шубҳасиз, улар бу ҳолатни мардлик аломати деб билдилар».

Ичкиликтан кейин зиёфат бошланди. Улкан супраларда баланд уюлган қовурилган от ва қўй гуштларини даврага олиб кирдилар: улар шу қадар оғир эдик, базур ерда судраб келдилар. Олдиларига пешбанд тақсан, қулларига ёнглик кийган мулоzимлар гуштни тўтрашиб, булакларни тилла, кумуш ёхуд чинни табақчаларга солиши. Отнинг сарпанжасини ва биқин гуштини туркийлар жуда хуш кўриб ейдилар, мулоzимлар, шунингдек, табақчаларга ҳар бири муштдай келадиган отнинг ичак-чавоги солиб пиширилган ҳасип ва бутун бошли қўйнинг каллаларини ҳам солишарди. Ана шу гўшт юми устидан қайнатма шурва қўйиларди. Бу қуюқ таомлар мулоzимлар томонидан кутарилар ва биринчи навбатда Соҳибқироннинг ёхуд уй эгасининг олдига қўйиларди, сўнг меҳмонларга тортиларди; испан элчилари Темур томонидан Боги Дилкушода қабул қилингандарида ана шундай ҳурматга сазовор бўлгандилар. Гўшт тўғралган тахталарда қолган насибаларни меҳмонлар олиб кетардилар. Таомни охиригача емасдан қолдириш одобсизлик ҳисобланарди. Бу асосий таомлардан кейин дастурхонға бошқа овқатлар тортиларди. Булар, асосан, димлама гушт, қиймаланган гуштдан пиширилган кифталар эди. Сунгра кўп миқдорда қовунлар, шафтоли, узум ва бошқа мева-чеваларга навбат келарди. Уларнинг ортидан ажойиб ичимлик — қимиз бериларди. Клавихонинг фикрича, ёз фаслида ичилган қимиз, айниқса, ҳузурбахшdir.

Зиёфатдан кейин Соҳибқиронга ёки уй эгасига ҳар бири тўқиз буюмдан иборат совға-салом улашиларди. Уларнинг айримлари шу заҳотиёқ меҳмонлар ўртасида тарқатилар эди. Темур совға-саломларни обдан текшириб кўрмагунча, уларни қабул этмасди, у одоб низомларига қатъий амал қиласди.

Бундай мул-кўл егулик ва ичкиликлардан иборат зиёфатлар оддий байрамлар муносабати билан ҳам уюштириларди. Бироқ Конигилда Доруссалтана ва раийят учун маҳсус томо-

ша тайёрланган эди. Халқнинг мусиқа, кураш, масҳарабозлик, дорбозлик, ниқоб базми билан кўнгил ёзиши учун саҳналар очилганли. Самарқанднинг усталари ва савдогарларига, «эски-туски билан савдо қилувчиларга ва жавҳарфурушларга», майда-чуйда буюмлар билан чайқовчилик қилувчиларга ва дўкондорларга ошпазлар, қассоблар, нонвойлар, либосдўзлар ҳамда этикдўзлар билан биргаликда^{*} Конигилга етиб келиш ва байрам тантаналарида иштирок этиш хусусида буйруқ берилганди. Ҳунарманд-усталар найчилар, ногорачилар, ёнғоғурушлар ва мевафурушлар билан бирга, уз маҳсулотларини орқалаганларича етиб келдилар. Тукувчилар бошоёқ матодан дагала, яъни ҳарбий либос кийган, қилич, ўқёй билан қуролланган чавандоз ҳайкалини ясадилар. Калавчилар пахтадан минора қурдилар. Минора тепасига қўнлирилган лайлак оқлиқда жаннат ҳурларини ортда қолдидарди; минора шу қадар баланд эдикки, у сайёҳлар учун қарашқа^{**} вазифасини бажариши мумкин эди. Ниқоб базмидан бирбири билан сузишган олтин шохли эчкилар хушбичим қизлар булиб чиқдилар; баъзи бирорвлар фаришталар қиёфасига кирган — қанот қоқиб, кўнгил очишарди. Айрим кишилар қўй, айрим одамлар эса фил сифатида томоша кўрсатиши. Мўйнадўзлар ва тери ошловчилар шер, қоплон, йулбарс, тулки, сиртлон қиёфасида кийингандилар. Тукувчилар қамишдан расм солиб безаб ташланган, аслаҳа-анжомли бир уй ҳайвони ясадиларки, у ҳақиқий тяга ўхшаб юради. Туянинг ичидаги тўқувчи пардани суреб, ўз ишини намойиш қилиши мумкин эди. Сарроҷлар одатий куринишга эга бир жуфт тахтиравон қуриб, уларни тия устига урнатдилар; фақат фарқи шунда эдикки, улар уша тахтиравонга ўтириб олган, халқа узини кўз-кўз қилувчи гўзал қизлар учун очиқ эди. Кўрпайдўз ва мўйнадўз усталар походдан жалий (йирик-йирик ҳарфлар) билан Қуръони каримнинг сураларини тикдилар. Заргарлар ва темирчилар, қуролсозлар ва камонгарлар, бошқа усталар ўзларининг дўконларини ўрнатдилар; гуллар ва шокилалар, тилла ва қимматбаҳо тошлар, хусусан, қизил ёқут, инжу, тог биллури, маржон ва ақиқлар билан безатилган кўргазмаларини намойиш этдилар. Ҳар бир белгиланган ва ўраб олинган юз ўринда сурат солиб безатилган кўшклар мавжуд булиб, у ердаги мўъжаз боғлар ёнғоқлар ва мевалар, писта-бодомлар, шафтоли ва олмалар, анорлар, қовунлар, узумлар билан тўлдирсан гурӯб эди. Мўъжаз боғдан муваттар ҳид тараалиб турарди. Маҳсус жойларда созандалар, масҳарабозлар ва дорбозлар томо-

* Жаөҳарфуруш — қимматбаҳо тошларин сотувчи киши.

** Қарашқа — мўлжал, ориентир.

ша күрсатдилар. Эндиликда Конигил соз тупроқ — гил конигина эмас, балки битмас-туганмас хазиналар масканига айланган эди.

Конигилдаги байрам тантаналарига бутун Осиё ва бошқа қитъалар — Хитой, Мұғалистон ва Ҳиндистондан; Московия ва Даشت қипчоқдан, Сурия ва Мисрдан, Испаниядан, Рум ва Византиядан, Кобул ва Мозандарондан, Хуресон, Эрон ва Бағдоддан шаҳзодалар ва әлчилар таклиф қилинганды. Улар билан бирга, совға-саломлар, үлпон ортилган карвонлар етиб келди. Туманот, ҳазоражот қўшинлари қўмондонлари билан биргаликда, Салтанатнинг улуғ амирлари, барлос ургуинин ҳамма оқсоқоллари, улар қайси лавозимда хизмат қилмасинлар, чақирилган эди. Темурнинг деярли ҳамма қариндош-уруглари, никоҳ тўйлари Конигилда ўтказилиши лозим булган набиралари шу ерда ҳозир эдилар. Бу вақтга келиб, Темурнинг оиласи тирик қолган икки ўғли ва қизидан ташқари, иккинчи ва учинчи авлодга мансуб ўттиз туртта шаҳзода ва ўттиз олтида маликадан иборат эди. Уларнинг купчилиги Конигилдаги байрамда иштирок этаётпандилар. Тантаналарга етиб келганлар ичидаги энг мұтабари Соҳибқироннинг набираси Пирмуҳаммад Жаҳонгирзода эди. Газнада афон музофотлари устидан ҳукмдорлик қилаётган, туялар ва хачирларга юклangan хазинани келтирган Пирмуҳаммад улуғ бобосининг устидан олтин танглар ва қимматбаҳо тошларни сочқи қилиб сочди. У бобоси билан биргаликда Мұхаммад Султоннинг ўлими муносабати билан куз ёши тукишди. Темур Пирмуҳаммадни валиаҳд этиб тайинламоқчи эди.

XIX боб

ҚИШ: ТЕМУРНИНГ ЎЛИМИ

(1404–1405 йиллар)

Конигилда тўй-томушалардан кейин кекса Темур яна давлат ишлари билан банд бўлди; ўйин-кулгилар яна ман этилди.

Расмий ҳарбий машваратда аслзода шаҳзодалар ва амирлар Соҳибқиронга содиқ эканликлари хусусида онт ичишди, дини исломни сиқувга олган Минъ хоқонига қарши урушда, агар зарур бўлса, жонларидан кечишга ваъда бердилар. Агар бундан аввал Темурнинг қудратли қўшинлари жиноят қиличи бўлган бўлса, энди Хитой хоқонотидаги бутхоналарни яксон қилиб, покланиш маросимини ўтказиш ва Аллоҳнинг раҳматига восил булиш учун қулай фурсат вужудга келганди. Мазкур тақводорлик иши ўтмиш хатоларини тузатишда ёр-

дам берган буларди. Ахир үшанды қанчадан-қанча бегуноҳ муминларнинг қони тұқылмади, дейсиз? Бунинг устига, Темур ҳокимият тепасига келган бириңчи күндан бошлаб, Хитойда ҳокимиятни қонунга хилоф равиша тортиб олған шахслар ҳукмронлик қилиб келарди. Етти қаландар бир буйрага сиққани билан икки подшо етти иқлимга сиғмас. Бас, шундан экан, улар уртасида можаро чиқиши муқаррар. Модомики, шаҳарларда яғмогарлар мушугини ҳеч ким «пишт» демас экан, осойишталикка умид боғлаш мүмкінми? Модомики, Хитой йуллари қароқчиларга, ғоратгарларга тұла экан, нечук бу мамлакатдан хавфсизлик кутиш мүмкін бұлсın?

1404 йилнинг октябрь ойида Темур набираси Мұҳаммад Султон мақбараси қуриб битказилғанлыги шарафига утказилажак маросимларда иштирок этиш учун Самарқандға етиб келди. Иншоот аввалининг қараганда анча баланд қилиб қурилғанди. У үзининг нақшу нигорларидан ҳам кура купроқ тархининг нафосати билан күзға ташланыб турарди. Саккиз қиррәли пойдевордан қабариқ чизиқти бурж қад кутариб турарди, асосий кириш йулининг икки томонида икки чиройли минора күзға ташланарди. Бинонинг ички қисміга юпқа кулранг мармар ва ганчдан ишлов берилған, олд томони ложувард ва ферузадан ишланған содда нақш билан безалғанди. Үймакорий юлдузлар, ярим-ой, қадама нақшлі сүяқ ва инжулар билан безатилған ёғоч эшиклар ортида Буюк бобосининг беҳад суюкли набираси Мұҳаммад Султоннинг хокиётитти. Кейинчалик Соҳибқироннинг жасади ҳам худди шу ерга қүйилғанди.

Бу мақбара (Гури Амир) ҳозиргача сақланыб келади. Фақат унинг 1903 йилда қулаган минораларигина бизгача етиб келмади. Мақбаранинг қолған қисми таъмирдан чиққан, яхши ҳолатда. 1905 йилгача унда қуидаги ёзув-лавҳа сақланыб келған: «Бу — Жаҳон султони Темур Курагонийнинг даҳмаси». Ёзув-лавҳа үғирлаб кетилған, кейинчалик Константинополда Берлин дорилосорига (музейиге) сотилған. Дипломатик аралашувлар ва товон тұлаш орқали лавҳа Русияга қайтарилды*.

Темурнинг қабри тепасида унинг нишони — от думидан ясалған түр осиғлиқ турипти. Қабр жуда қорамтири, кулранг-мөвий рангдаги кош-нефритдан ясалған таҳтатош билан қолланған. Кош Темурнинг набираси Улубек томонидан Мұғулистондан — Юлдуз шаҳридан қайтаётганида — олиб келинген зеди. Саркарданинг узи бу мамлакатта борганида дүнёла маълум бүлған ана шу хилдаги тошларнинг энг йиригини — мазкур ажойиб тошни Самарқандға келтирмоқчи бүлған, ле-

* Ҳозир мазкур лавҳа Санкт-Петербургдаги Эрмитажда сақланади.

кин келтиришнинг имкони бўлмаган. XVIII асрда Нодиршоҳнинг қушиналари Самарқандни эгаллаганида, шоҳнинг буйруғига кўра, кош Эроннинг Машҳад шаҳрига олиб кетилган, аммо кейинчалик у жойига келтириб қўйилганди. Сафар чоғида тошнинг ўртасидан дарз кетган.

Клавихо ва унинг гуруҳи мақбаранинг очилиш маросимига таклиф қилинганди. Бу — улар иштирок этган сунгги расмий қабул маросими эди. Шундан сўнг улар Темур ҳузурига олиб кирилгандилар. Элчилар амир Шоҳ Маликдан бош-оёқ сарпо-сурӯқ ва бошқа совға-саломлар олгандилар. Совға-саломлар орасида бир ярим минг кумуш танга солинган тери тўрва ҳам бор эди. Клавихо на Кастилия қироли Ҳенрихномига жавоб мактуби ололди ва на хайрлашув қабулига кира олди. Ҳолбуки унга эртаси куни ёлғиз узининг чақирилишини айтгандилар. Бунинг урнига, элчиларнинг эътиroz билдиришларига қарамай, уларни ҳеч қандай расмий маросимсиз Мовароуннаҳрдан шошилинч жўнаб кетишларини талаб қилишди. Уларга вазиятни тушунтиридилар: Темур ўлим тўшагида ётипти. Элчиларга уларнинг манфаатларини кўзлаб, Соҳибқироннинг вафоти ҳақидаги хабар зълон қилинмасдан олдин мамлакатни тарқ этишни маслаҳат беришди. Миср сultonи Фарожнинг элчиларига эса бошқача муносабатда булишди. Ҳар ҳолда, уларни қудратли ислом давлатининг мурсаллари — элчилари деб ҳисоблашганди. Фарож Бағдод сultonи Аҳмад Жалойир ва Қора қуюнли уруғи сардори Қора Юсуф туркманни ҳибсда ушлаб турганди. Элчилар купгина совға-саломлар. Темурдан ҳусниҳат билан битилган, узунилиги 70 тирысак келадиган мактуб (мактубда сulton Аҳмаднинг қўл-оёғини боғлаб, уни Қора Юсуфнинг кесилган боши билан бирга юбориш талаб қилинганди) билан Мисрга жунаб кетдилар.

Бошқа ҳолларда бўлганидек, Соҳибқирон аслзода шаҳзодаларга ҳали бўйсундириш лозим бўлган ҳудудларни суюрғол қилганди. Шоҳрухнинг икки угли (иккиси ҳам ўн ёшда эди) Хитой чегараларигача бўлган Муғулистонни олиши; Темурнинг суюкли набираси Улуғбек Еттисув ва шимолий музофотларга эгалик қилди, Иброҳим Султонга булса, жанубий музофотлар — Торим воҳаси тегди. Мазкур икки шаҳзода Хитой юришида кекса Темурга ҳамроҳлик қилишлари лозим эди. Улуғбек бир умр Хитойга катта қизиқиш билан қараб келди: бу мамлакатга расмий элчиларни ва дустона ниятда ваколатхона ходимларини жўнатди. Самарқандни Хитой мусаввирлари ишлари билан безатди. Бироқ унинг хитойча қадама нақшлар ва деворий суратлар билан безатилган саройи кейинчалик ўзбекларнинг ҳужумларидан бири чоғида вайрон

этілганди. Қолған шаҳзодаларға эса құшинларға құмандон-
лик қилиш топширилганди: Султон Ҳусайнга чап қанот (жа-
ронғор), Халил Султонга эса ўңг қанот (баронғор) берил-
ганди. Мархұм Мұхаммад Султоннинг амакиваччаси шаҳзода
Пирмуҳаммад Жаҳонгирзода ўзининг Фазнадаги давлатига
жұнатылды. У Қандақорға қараб йүл олди.

Тавочилар аллақачон қүшинлар сонини санаб, аниқлаб
булишган, туман кетидан туманни — уларнинг кучи ва қурол-
аслақаларини текширишганди. Қарийб 200 минглик қүшин
йигилганди. Мұғул тарихчиси Мирза Ҳайдар Дуғлат кейин-
чалик қүшинлар сони 800 минг кишидан иборат эканлиги-
ни, улар етти йилга етадиган озиқ-овқат ва ем-хашак билан
таъминланғанligини таъкидлаганди¹. Мовароуннарх қүшин-
лари ва ажойиб чиғатай фавжлари; Ҳурросон ва Мозандарон
қүшинлари, Кичик Осиё ва бошқа жойлардан олиб кетилган
Қора қүюнлиниң Сейистон ва Афғонистондаги қүшинлари,
шунингдек, Озарбайжон, Эрон ва Ироқдан етиб келган
қүшинлар ҳам шу ерда эди. Мовароуннарх билан Хитой үрта-
с�다 жойлашган Мұғалистон ақолиси сийрак, қишлоқ хұжа-
лиги нұқтаи назаридан ерларға ёмон ишлов берилған мамла-
кат бұлғанлиги учун Соҳибқирон ишлов берилдиган май-
донларни кенгайтириш мақсадида, бундан сал аввалроқ үз
амирларини чегара туманларига юборғанди. Маҳаллий қаби-
лаларни бүйсундириш, фавжларни ҳам ҳужум қилиш чогида,
ҳам орқага қайтаётган чогида захиралар билан таъминлаш учун
Ашпарадан үн кунлик масофада бир қалъа бунёд этиш ҳақида
амир Аллоҳоддога байруқ берилди. Кейинчалик унга диққат-
этиборни озиқ-овқат экинлари етиштириш ва ерларға иш-
лов беришга қаратиш, бу борада деҳқончилиқдан озми-күпми
хабардор бұлған ҳар қандай одамни сафарбар қилиш хусуси-
да фармойиш берилганди. «Ҳар бир кимса үз диққатини экин
экишга қаратиши, зарур ҳолларда эса, дала ишларидан күра
кундалик намознинг баҳридан үтмоғи лозим»². Шунға кура,
«мазкурлар уларнинг мол-ҳолларини ва уларнинг ҳосилини
күпайтиришга тиришдилар, тирикликтан ному нишон бұлма-
ған жамики мавжудотға жон бағишағаш үшін ёз үз гиламини
ийиштиргунига қадар тинимсиз меңнат қылдилар».

Ұнбошилар, юзбошилар, мингбошилар ва туманот бош-
лиқлари үз құллари остидаги қүшин ақволини яхши билмоғи,
әч бир кишининг озиқ-овқат ёки қурол-ярғ етишмаганли-
ги оқибатида чекинишиңға ҳақи йүқ эди. Ҳар бир отлиқ аскар
үн кишига етадиган озиқ-овқат, аслақа-анжомға зәға бўлиши
шарт эди. Аравалар карвони юриш даврида Мовароуннарх ҳуду-
дидан ташқарыда экин экиш мақсадида уруғлик учун галла
олиб юрган. Токи бу етиштирилған, уриб-йигилған ҳосил

юришдан қайтаётган қүшинларни боқиша асқатмоғи лозим эди. Ҳар бир киши үзи билан иккі бөш соғин сиғир ва үн бөш соғин әчки олган. Сутдан чиққан сиғир ва әқилар сүйиб ейилганд. Ҳудди шундай мақсадда минглаб урғочи туялар йигилганд. Отлиқ аскарларга мадад тариқасыда уюр-уюр йилқилар ҳайдаб келтирилганд. Қурол-яроғ ва аслаха-анжом, шунингдек, ем-хашак ортилған угрұқлар ташкил қилинганд. Салтанат хазинаси маҳсус соқчилар томонидан қуриқлаб турилганд. Темурнинг шахсий бовуллари беш юз аравага юланғанды.

Хитойга юриш қилиш учун Салтанат байроби қүшинлар узра ҳилпирай бошлади. Испан әлчиси жұнаб кетгач, орадан бир ҳафта үтиб, Соҳибқироннинг үзи фавжлари билан олға отланды. Клавихо, афтидан, фотиҳни ҳамон үлем тушагида, жон тајласасыда ётилти, деб үйлаган бұлса керак. Бироқ буннинг үрнігі бутун Мовароуннахр араваларнинг шалдирашидан, отлар туёқларининг дупурлашидан, туялар, филларнинг одим отишидан, отлиқ ва пиёда аскарларнинг шовқын-суронидан, карнайларнинг ғат-ғатидан ларзага келганды. Ҳамма шарққа қараб йўл олганды.

Үз әлчиси Аннинг қайтишини сабрсизлик билан кутаётганды Хитой хоқони Темур қүшинлари унинг ҳудудлари томон бостириб келаётгани хусусида маълумот олды. Миш-мишларга қараганда, ғаним лашкарлари Хонтангри тоғининг шимоли буйлаб Мұғалистон орқали үтиши керак эди. Хитой хоқони ўзининг бөш құмандони Кансуга дарҳол урушга ҳозирлик куриш тұгрисида буйруқ берди.

Бироқ қишлоға режаларни бузиб юборди: үша йили зимистан фавқулодда қаҳрли-қировли келди: аввал ёмғир ёғди, кейин кучли шамол эсди, қаттық совуқ тушиб, ҳамма ёқни қалин қор қоплады. Темур Сирдаредан гарброқ томондаги Оқсулот деган жойға етиб келиб, декабрь ойининг күп қисмини үша ерда утказди. Шу ердан Халил унг қанот (баронғор) фавжлари билан Тошкентте жұнатылды. Ҳусайн Султон бошчилигидаги чап қанот (жаронғор) фавжлари эса Яссига юборилди. Темур сафардалиги вақтида Мовароуннахрни бөшқариш учун қолдирилганды ҳокимларга ва амалдорларға сунгги фармойиш юборилди.

Айрим оиласың мұаммолар, шу жумладан, Халил Султоннинг иши ҳам күриб чиқылди. Ҳарб илмігі лаёқати учун бобоси Темурнинг ҳұрматига сазовор булған, ушанда энди йигирма ёшга кирған Халил Султон малика Ҳонзода ва унинг иккінчи эри Мироншоғнинг никоҳидан туғилған, бинобарин, мархұм вали-аҳднинг амакиваччасы эди. У Хитой юришига тайёрғарлап күриши учун Кичик Осиёдан чақирилиб, шарқий чегараларға юборилғанды, сунг қурутойта қайтаётганды бобоси Темурни кутиб олиш

учун Самарқандга келганди. Клавихо Халил Султонни бир неча марта курган, уни «қарийб йигирма ёшга кирган, баданига ғубор құнмаган, отаси (Мироншох)га үхшаб, семиз зди. Үзининг юз бичими билан отасини эслатарди» деб тасвиrlаганди. Хонзода тұнғыч үғли вафот этгани сабабли, мана шу севикли фарзанди Халил Султон валиаңд булади, деган умидни қалбіда ардоқлаb келарди.

У ҳатто Арабшоғнинг андозасига күра ҳам илтифотли йигит зди: құшинлар ўртасида муҳабbat қозонган, «ёлғончилик ёки хиёнаткорлик қилиб, онасининг ҳуснига дөf туширмаганди». Сахий ва меҳридарे бу йигитни унинг сипоҳийлари фалакнинг кажрафторлигидан авайлаб-асрардилар. Бироқ сипоҳийларининг садоқати уни тақдирі азалнинг қылу қолларидан, жумладан, муҳабbat домидан асраб қололмади. Баxтга қарши, шаҳзода Шайх Сайфиддин ҳарамидаги канизлардан бирини — паст табақага мансуб Шоди Мулкни севиб қолғанди. Муҳабbat әхтироси ёш Темурийнинг бошини шу қадар айлантирган зди, у Темур гарб мамлакатларida сафардалиги вақтида ана шу қызға уйланғанди.

Аслзода маликалардан бұлмиш Халилнинг бошқа бир хотини — уша маҳалда бу малика ҳомиладор зди — рашк утида қовурилиб, Соҳибқирон Самарқандга қайтганида, унга Шоди Мулк ҳақида хабар беради. Темур қызни ҳибсга олиш ҳақида фармон чиқаради, бироқ Халил уни яширган зди. Бундан қаттық қаҳрланған Темур қызни қидиришни буюради. Шоди Мулкни топишади; у үлім жазосига ҳукм этилмоги лозим зди, бироқ Пирмуҳаммад Жаҳонгирзоданинг ҳимоячилиги натижасида ҳукм кейинга қолдирилади. Оқсулотта етиб келган кекса Соҳибқирон Халил ҳамон қызни үз паноҳида асраб турганини эшигади. Шоди Мулк яна ҳибс этилади. Бу дафъа уни Сарой Мулк хоним ҳимоя қиласы. Халил томонидан уртага қүйилған бу улуғ малика шаҳзоданинг жонбозлигидан ҳаяжонланиб, улуг амирлардан Нуридин ва Шоҳ Маликнинг күллаб-кувватлашларига эришади. Маликанинг топшириғига күра, улар етти иқлим султони амир Темурга Шоди Мулк Халил міrzодан фарзанд кутаётттанини айтишади. Булажак онага шафқат қилишади. Фарзанди туғилғаниңа қадар маликалардан бирининг васийлигига топширилған Шоди Мулк шундан сунг ҳарам оғалари ихтиёрига топширилиши лозим зди. Халилга ўз қүшини билан Тошкентта бориш хусусида буйруқ берилганди.

Соҳибқирон аҳоли яшамайдыған хилват ҳудудлардан имкони борича тезроқ үтиб кетишга тиришди; тұрт минг миля келадиган бу хатарлы масофани босиб үтишда бир дақиқа ҳам вақтни пайсалға солиб бўлмасди. Қаҳратон совуқ бўлишига қарамасдан, у декабрь ойи охирларida Оқсулотни тарқ

этиб, асосий қүшинлар билан Сирдарё томон силжиди. Чир-силлаган совуқ кун сайин забтига оларди. Сипоҳийларнинг бурунлари ва қулоқларини, сўнгра қўллари ва оёқларини совуқ олди. Одамлар ва отлар совуққа бардош беришиди, аммо аёз чекинмасди. Бутун осмон гумбазини қора булутлар тусиб олган, қор бутун ер юзини оппоқ курпага буркаб ташлаганди. Кекса Соҳибқирон ҳар куни сув, озиқ-овқат таъминоти ва йўл шароитлари ҳақида маълумот олиб турарди. У мудом олга интиларди. Ўша йили декабрь ойидан февраль ойига қадар Амударё ва Сирдарё орқали утадиган ҳамма кечиклар қалин муз қатлами билан қопланганлиги сабабли қўшинлар дарёнинг исталган жойидан ўта олишлари мумкин эди. Сув олиш учун икки-уч газ қалинликдаги музни ўйиш лозим бўларди. Дарёдан ўтган қўшинлар олга силжиди. Кекса Соҳибқирон қишини ортда қолдирмоқчи эди. Бироқ у бунга муваффақ була олмади.

Арабшоҳнинг сўзларига қараганда, шундай қишиш бошландики, инсон нафаси унинг соқоли ва мўйловларида қиров бўлиб қотиб қоларди; туфланган тупук ерга муз бўлиб тушарди. «Шамол инсоннинг нафас олишини қийинлаштириб қўйган, унинг руҳини сўндирганди; у от минганим ё тияда кетяптими, совуқ уни бирдай музлатиб, то баданининг юмшоқ аъзоларини тамоман ҳароб қилмагунча шаштидан қайтмасди. Шунинг учун, унинг қўшинларида жуда кўп одам — хосу авом баравар ҳалок бўлди; қиши катталарниям, кичикларниям аямади. Бироқ Темур ўлганлар ҳақида ўйламас, ҳалок бўлганлар хусусида фам-гусса чекмасди. Кекса Темурнинг ўзи ҳам яхши жиҳозланган тахтиравонда совуқдан қаттиқ азоб чекарди.

Улар январь ойининг ўрталарида Самарқанддан қарийб икки юз миля узоқликда жойлашган Ўтрорга* етиб келдилар. Бу — Еттисув йўли бўйлаб Хитойдан келувчи карвонлар бекати эди. Темур шаҳзодалар ва амирлар билан бирга Ўтрор ҳокими амир Бердібекнинг саройида жойлашди. Осмон уфқнинг у бошидан бу бошига қадар қор таъсирида сим-сиёҳ тусга кирганди. Эрта кўкламда қирмизи лолалар билан қопланадиган даштни муз босганди. Йўл шарт-шароитларини тадқиқ учун олдинга ҳировуллар юборилди. Улар ҳамма ёқни икки найза бўйи қор қоплаганлигини, йўл босишининг сира иложи йўқлигини айтишиди.

Қароргоҳ ва қўшинлар Ўтрорда жойлашганидан кейин орадан кўп ўтмай, бир пайтлари Олтин ўрданинг собиқ хони ва Соҳибқироннинг биринчи тутинган ўғли ҳамда рақиби бўлган Тўхтамишнинг элчилари ташриф буюрдилар. Тўхтамиш узининг Олтин Ўрладаги мағлубияти ва ихтилофлардан

кейин узоқ вақт Даشت қипчоқда тентираб юрганди. Темур әлчилар шарафига дабдабали қабул маросими үтказиб, бу маросимда Осиёнинг кўпгина беклари, шу жумладан, мўғул беки Тайзи Ўғлоннинг иштирок этиши лозимлиги хусусида фармойиш берди. Тұхтамишнинг мактубида шундай дейиларди: «Кўрнамаклигим боис берилган жазодан кўп уқубат чекдим. Хиёнаткорлигим менинг ҳозирги аянчли аҳволга тушибимга сабаб бўлди. Эндиги яккаю ягона умидим Сизнинг кечиришингизга эришмоқлиkdir... Агар кечирилсам, менинг бошим ҳаргиз итоат буйинтуруғидан чиқмас ва оёғим фармонбардорлик йўлидан тоймас».

Элчилар, Соҳибқирон Хитой сафаридан қайтгач, Тұхтамишга, иншоаллоҳ, Жужи улусини қайтариб беражагини айтиши.

Жангчиларнинг Соҳибқиронни совуқдан асрашга қилган саъй-ҳаракатига қарамасдан, кекса ҳукмдор ҳеч ҳам исинолмади. Утрордаги Темур жойлашган ҳовлида олов ёқилди. Темур Утрорга етиб келган куни ҳовлидаги уйнинг юқори қаватларидан бирига ўт кетди. Ҳадемай ут учирилган бўлса-да, бу ҳодиса кўпгина киборларга машъумлик аломати бўлиб туюлди. Улар об-ҳавонинг инжиқликларидан қаттиқ кулфат чекаётган, айримлари эса яқинда ёмон тушлар курганликлари хусусида шикоят қилишганди. Улар Темурдан вазиятни юмшатиши, базми жамшид эълон қилишни сўрашди. Соҳибқирон бу илтимосни маъқуллади.

Базм уч кун давом этди. Темур ўзини иситиш учун яна ва яна май, ўткир ичимликлар ва турфа хил дориворлар буюрарди. Майдан у шаробга ўтди; бироқ овқатларга қўл урмади. У ошқозон ва ичак яллиғланиши хасталиғига учраганди. Аъёнлар унинг ичкиликка ружу қўйишини хасталик оқибати деб баҳоладилар. Соҳибқирон ичкилик ичишини тұхтатмади, бу унинг дардини бадтар зурайтирди. Табиблар унинг боши ва қорнига муз қўйдилар. Саройнинг табиби ҳозиқи мавлоно Фазл Табризий ҳам уларнинг дори-дармонлари билан хасталик жараёнини ўзgartира олдилар. Кун сайин кучайиб бораётган хасталик бошқа касалликларни ҳам келтириб чиқарди.

Бетоблик туфайли заифлашган ва дармонсизланган кекса Соҳибқирон деди: «Мен май лаззатин татиб кўрдим. Бироқ соғлиқ-саломатлик лаззати унинг уқубатлари олдида ҳеч экан. Кимки умрини шу уқубатлар бағрида якунласа, у ҳаётини гулхан алансасида тутатади демакдир». Солномачиларнинг сўзларига қараганда, Темур жон талвасаси ҳолатида экан, жаннат ҳурларининг овозларини эшитмоқдаман, деб ўйлаган. Уша ҳурлар унга қудратли Аллоҳ субҳонаху ва таоло қарши-

сида «Чилёсин» ўқиши лозимлигини айтишган. У ҳамон қўшинларнинг аҳволи, уларнинг қандай ўрнашганлигини сўраб турарди, бироқ, ниҳоят, соҳибқудрат Темур хасталикнинг доридармонлардан кучли эканлигини тушунди.

Тилдан қолган лаҳзалардан бирида у икки бармоғини юқори кўтариб, атрофига тўплланган амирларга қараб, бу билан нима демоқчи эканлигини нигоҳи билан сўраган. Кимдир бу имо-ишора саломатликни билдиришини айтган... Шунда кекса Темур, қисқа муддатга сўзлаш лаёқати тикланганда: «Иуқ, икки кундан сунг сизларнинг орангизда булмайман», — деб айтган. Темур табиблардан үзининг аҳволи ҳақида бор ҳақиқатни айтишни сураган. Табиблар жавоб берид, шундай деганлар: «Аллоҳнинг меҳрибончилиги чексиздир. Иншоаллоҳ, яратганинг қазову қурдати Соҳибқиронни ва бизни узоқ йиллар четлаб утгай. Бироқ тиббиёт қонидаларига кўра, умр якуни Соҳибқирон айтганчалик булиши ҳам мумкин».

Темур үзининг сунгги ҳукмини эълон қиласди: «Куриб турибменким, ҳадемай менинг жон қушим йўқлик дарахти шоҳлариға тайрон қилур. Улимим сабабли ҳеч ким куз ёш тўқмасин, сизлардан сўрайменким, бу — бирон бир тарзда бўлсин, ҳаргиз ёрдам қилолмас. Ҳалигача ҳеч ким куз ёши билан ўлимни чучита олмаган. Ёқа йиртиб, куз ёш тукканлан кўра, Аллоҳдан менинг гуноҳларимни кечиришни суранг; агар руҳимни шод этмоқчи бўлсангиз, дуо ўқинг, Куръони Карим сураларини такрорланг. Эрон ва Турон ҳудудларига яхши қонунлар ва тартиботлар келтирганимдек, улуғ бир кимса бечора бир кишига зулм қилишга журъат этолмаганидек, мен ҳам худо менинг гуноҳларимни кечиришидан умидвормен. Гуноҳларим эса бисёр...

Мен Жаҳонгирнинг угли Пирмуҳаммад ворисим бўлишини, Салтанатнинг қонуний вориси бўлишини эълон қиласмен ва шуни истаймен. У бутун истиқтолияти ва мустақиллиги билан Самарқанд таҳтини уз ҳукми остида тутиб туриши керак, у менинг ҳукмим остидаги Салтанат, қўшинлар ва мамлакатларни бошқармоғи лозим.

Мен ҳаммангизга унинг тұла ҳукмини қувватлаб туриш учун унга бўйсунишни, унга хизмат қилишни, унга жон фидо этишни буюрамен, токи дунё бошбошдоқликларга тушиб қолмасин, токи мен шунча йиллар умримни бағишлилаган иш ҳайф кетмасин... Агар сизлар аҳил бўлсангиз, ҳеч ким сизга қарши чиқишига журъат этолмас, менинг истакларимни баражиш йўлида ғов бўла олмас».

Соҳибқирон барча амирларга ва аркони давлатга қўшинлар бошлиқларига етиб келиш ҳамда у ўлгач, тантанали қаса-

мәд қилем, уннинг ҳамма буйруқларини бажаришни амр қилди. У етиб келиш имкониятига эга бўлмаган барча амирлар ва бошликларга буйруқ юбориб, уларнинг худди шундай қасам мёд қилишларини амр этди. Амирлар ундан: «Халил ва у билан бирга турган амирларни чақиртириш учун Тошкентга буйруқлар юбориш керакми?» — деб сурадилар. Бироқ кекса Соҳибқирон вақт кутиб турмаслигини, бу ерда ҳозир бўлмаганлар ўз вақтида етиб келолмаслигини, энди улар билан дийдорлашиш қиёмат кунига қолганлигини айтди... Даҳлизда туриб бу сўзларни эшитган хонимлар ва шаҳзодалар йигисиги бошладилар.

Темур ёнидаги шаҳзодаларга ўгирилиб, такрорлади: «Халқа қандай муносабатда булиш түғрисидаги сўзларим ёдингизда турсин. Қатъий ва мард булинг. Қиличингизни шижаот билан ушланг. Мен Эронзамин ва Туранзаминни душманлардан тозаладим, уларга адолат ва фаровоилик ато этдим. Сизлар васиятимни бажарган тақдирингиздагина тож ва Салтанат қулингизда қолур».

Шундан сўнг хасталик кучайди. Мавлоно Фазл Табризий хона бурчагида ўтириб, Куръони карим сураларини уқирди. Тун кирди. Хуфтон намози адо этилди. Темур шу сўзларни бир неча марта зурга пицирлаб айта олди: «Ло илоҳа иллалоҳ».

Ўлим қўли унга ажал шаробини сўнгги томчисигача ичиш учун тутди. Бу воқеа 1405 маймун йили 18 февралга ўтар кечаси Сирдарё яқинидаги Ўтрор текисликларида юз берганди.

ТЕМУР ҲАЁТИНИНГ МУҲИМ САНАЛАРИ

- 1336 йил. Қашқадаре воҳасининг Шаҳрисабз туманига қаравали Ҳўжаилғор қишлоғида туғилади.
- 1346 йил. Амир Қозоғон Қозонхонни таҳтдан ағдарили.
- 1358 йил. Амир Қозоғон ўлдирилади. Муғулистон хони Туғлук Темур Мовароуннаҳрга бостириб киради.
- 1360 йил. Темур Туғлук Темур хизматига киради. Туғлук Темур ўз ўғли Илёсхужани Мовароуннаҳр ҳукмдори қилиб тайинлайди. Темур Муғулистон хони билан алоқасини узиб, Балх амири Ҳусайн билан бирлашади.
- 1362 йил. Темур ва Ҳусайн чўлу саҳрого қочади. Илёсхужа отасининг таҳтига ўтириб, хон булади. Темур Ҳусайннинг синглиси Улжой Туркон оғоги уйланади. Темур яранади. Темур ва Ҳусайн Илёсхужани тор-мор қилиб, уни Мовароуннаҳдан сиқиб чиқарадилар.
- 1365 йил. Илёсхужа Мовароуннаҳрга бостириб киради. Жангӣ лой. Темур ва Ҳусайн мағлубиятга учраб, жанггоҳдан қочадилар. Самарқанднинг сарбадорлар томонидан мудофаа этилиши. Илёсхужа тор-мор этилиб, чекинади.
- 1366 йил. Темур ва Ҳусайн Самарқандда сарбадорлар бошлиқларини қўлга туширадилар. Темур билан Ҳусайн уртасида турт йил давом этган адованат. Муғулистонда Илёсхужа ўлдирилади. Унинг рақиби Қамариддин Муғулистон ҳукмдори булади. Темурнинг завжаси Улжой Туркон оғонинг ўлими.
- 1368 йил. Хитойда Юань суоласи ағдариб ташланади. Ҳокимият тепасига Минъ суоласи келади.
- 1370 йил. Темур Балхда Ҳусайнга зарба беради. Ҳусайннинг ўлдирилиши. Балхда ўтказилган қурултойда Темур Мовароуннаҳр ҳукмдори деб эълон қилинади. Темур Ҳусайннинг беваси, Қозонхоннинг қизи Сарой Мулк хонимга уйланади.

- 1372 йил. Темур Хоразмдаги Сүфийлар сулоласига қарши юриш қиласы. Қиётнинг босиб олиниши. Сүфийлар билан битимга келинади. Улар Чингизийлар наслидан бўлган малика Хонзодани Темурнинг ўғли Жаҳонгирга никоҳлаб беришга рози бўладилар. Малика етиб келмайди.
- 1373 йил. Хоразмга қарши қилинган иккинчи юриш. Хонзоданинг етиб келиши.
- 1374 йил. Жаҳонгир билан Ўзбекхон набираси Хонзоданинг никоҳ тўйи. Қишининг қаттиқ келиши муносабати билан жети қабилаларига қарши Мўгулистонга юриш қолдирилади.
- 1375 йил. Мўгулистонга қарши юриш. Қамариддиннинг қочиши. Унинг қароргоҳи ва ҳарами забт этилади. Темур Қамариддин қизи Дилшод оғога уйланади. Темурнинг Самарқандга қайтиб келиши. Жаҳонгир ва Хонзода ўғил кўралилар - Муҳаммад Султон туғилади. Темурнинг тўнғич ўғли Жаҳонгир вафот этади. Хонзода Темурнинг кичик ўғли Мироншоҳнинг никоҳига киради.
- 1376 йил. Темур қўзғолон кўтарган жалойир қабилаларини пароканда қилиб юборади. Темур Олтин Ўрданинг қочоқ валиаҳди Тўхтамишга ёрдам курсатади. Тўхтамиш ўз рақибларидан мағлубиятга учрайди.
- 1377 йил. Тўхтамиш Темурдан янги мадад олади ва яна мағлубиятга учрайди.
- 1378 йил. Темур Тўхтамишни яна қўллаб-кувватлайди. Тўхтамиш муваффақият қозонади ва Олтин Ўрда хони бўлади.
- 1379 йил. Хоразмга иккинчи юриш. Гурганж ишгол этилади. Бу ерлик олимлар ва ҳунармандлар Шаҳрисабзга жўнатилади. Кўрт ва Ҳирот беги Темурга бўйсунганилигини изҳор этиш учун Соҳибқирон ҳузурига чақирилади.
- 1380 йил. Куликово жангига. Москва князи Дмитрий Донской Олтин Ўрда амири Мамайн тор-мор қиласы. Калкадаги жанг. Тўхтамиш Мамайнини тор-мор қилиб, бирлашган Олтин Ўрда (Олтин Ўрда ва Оқ Ўрда) хони

- бұлиб қолади. Мироншоқ Хүросон ҳукмдори деб зылон қилинади.
- 1381 йил. Хүросонга юриш. Құрт ва Ҳирот беги қаршилик күрсатмасдан, Темурға таслим бұлади. Шаҳар хазинаси құлға олинади. Темур Самарқандға қайтади. Доруссалтана қишини Бухоро яқинида үтказади.
- 1382 йил. Мозандаронга юриш. Қаспий бүйідаги ҳамма бекликлар Темурға бүйсунадилар. Темур қишини Самарқанд яқинида үтказади.
- 1383 йил. Мұгулистонға юриш. Қамариддин яна ту-тқунликдан қутулади. Хүросонда құзғолон. Хүросонға юриш. Исфижарнинг босиб олиниши.
- 1384 йил. Сейистон босиб олиниб, талон-торож этилади. Уннің пойтахти — Заранж иш-ол қилиниб, якson этилади. Қандахор қаттиқ ҳужум билан забд этилади. Султон Аҳмад Жалойир қочиб қутулиб қолади. Темур Султонияни босиб олади. Темур Самарқандға қайтиб келади. Мовароуннахр, Хүросон, Афғонистон, Сейистон ва Мозандароннинг то Султонияга қадар ҳудуди Темурға бүйсундирилади.
- 1385 йил. Олтін Үрда хони Тұхтамиш Табризни талон-торож қилади. Ҳалокулар мулки — Эронға қарши қилингандың учы йиллик юриш. Табризнинг босиб олиниши. Музофот ҳукмдорлари таслим буладилар. Гуржистонға биринчи юриш. Тифліс қаттиқ ҳужум билан әгалланади. Қиши: Дарбанд минтақасыда Тұхтамиш фавжлари билан кичик тұқнашувлар.
- 1387 йил. Темурнинг Султон Аҳмад Жалойирнинг иттифоқчилари бұлмиш Қора қуюнлы туркманларға қарши кураши. Арман қальдаларининг олиниши. Жануби-ғарбий Эрон ҳукмдорлари — Музаффарийларға қарши юриш. Исфақонликлар құзғолонидан кейин шаҳар ақолисининг қиличдан үтказилиши. Эрон Темурға тобе бұлади. Шероз таслим булади. Музаффарийлар Темурға тобеин бұладилар. Тұхтамиш Хоразм ҳукмдорлари ёрдамида Мовароуннахрга

- хужум қиласи, Темурнинг ўгли Умаршайхни мағлуб этади. Бухорони қамал қиласи. Воҳаларни талон-торож қилиб, Чигатойнинг Қашқадарёдаги саройига ўт кўяди. Темур Мовароуннаҳрга қайтади. Тұхтамиш Сирдарё ортига чекинади.
- 1388 йил.
Хоразмга қарши жазо фавжлари юборилади. Гурганж ер билан яксон этилади. Тұхтамиш яна Мовароуннаҳрга шимолишарқдан ҳужум қиласи ва чекинади.
- 1389 йил.
Хизрұжа (Түғлұқ Темурнинг ўгли) Қамариддинни қувиб чиқарип, узини Мұғулистон хони деб эълон қиласи. Темур Мұғулистонга қарши янги юриш бошлайди, тор-мор этилган Хизрұжа қочишга мажбур булади. Темур Юлдузда (Хонтангри) ғалабани нишонлайди. Қамариддин үз ҳокимиятини қайтариб олмоқчи булади. Хуросонда кутарилган құзғолон Мироншоҳ томонидан бостирилади.
- 1390 йил.
Қамариддинга қарши юриш. Қамариддин Эртұш (Иртиш) ортига қочади ва орадан уч йил ўтиб, бедарак Йүқолади. Хизрұжа Темур билан сулҳ тузади. Темур үз аҳли аъёнлари билан қишини Тошкент яқинида ўтказади.
- 1391 йил.
Январь: Темур шимолга қараб юриш бошлайди. Тобол дарёсини кечиб ўтиб, гарбга томон бурилади. Ёйиқ (Үрол) дарёсидан ўтади. Июнь ойи ўрталари: Темур Тұхтамиш ва Олтин Үрда билан музокара олиб боради. Қундузча ёнилә жанг. Тұхтамиш мағлуб булади ва қочади. Итил (Волга) дарёси соҳилларида ғалаба тантаналари. Тошкент яқинида қишлиов.
- 1392 йил.
Темур Самарқандга қайтади. Май ойи: Фарбга қилинган беш йиллик юриш бошланади. Мозандарон ва курдларга қарши жазо фавжлари юборилади.
- 1393 йил.
Гуржистонга қарши иккинчи юриш. Музаффарийлар йўлбошчиси Шоҳ Мансур қаттиқ қаршилик кўрсатганидан кейин тор-мор этилади. Шероз иккинчи марта босиб олинади. Бағдод Темурга таслим булади. Такрит қальаси қаттиқ қаршилик

курсатганидан кейин ишғол этилади. Форс қурфази яқинидаги Басра забт этилади. Үмаршайх вафот этади. Темур қүшинлари қишки изгириллар ва жалалар натижасида оғир аҳволда қолади. Миср ва Сурия султони Барқұқ султон Аҳмад Жалойирга бошпана беради, Темур тақлифини рад этиб, унинг элчисини қатл қилади.

1394 йил.

Баҳор фасли: Темур Мардина қалъасига қарши ҳужумини қайта бошлайды. Тұхтамиш билан Барқұқ уртасида иттифоқ тузылади. Барқұқ күч түплаб, шимолга, Да-машққа томон силжийди. Султон Аҳмад Бағдодда қайтадан таҳтга чиқади. Темур Арманистонга юриш қилади. Қора қюонли туркманға қарши ҳужум. Барқұқнинг Ҳалабға юриши. Темур қишки қароргоҳға күчади. Ноябрь: Темурнинг уйға қайтишига ишонған Барқұқ Мисрга йүл олади. Кавказда Тұхтамиш билан туқнашув.

1395 йил.

Апрель: Терек бүйидаги жанг. Тұхтамиш қүшинлари тор-мор келтирилади. Олтін Үрда құлайды. Темур қүшинлари Волга бүйи мінтақаларини талон-торож қила-ди, Тана, Ҳожи Тархон (Астрахань) ва Сарой вайрон этилади. Август: Темур қүшинлари Елеңға қадар етиб боради ва жанубға қайтади. Қиши қаттық келади, Темур қүшинлари оғир аҳволға тушадилар.

1396 йил.

Баҳор фасли: Гуржистонға ҳужум. Ёз фасли: Темур Самарқандға қайтади. Аҳоли уч йил мұддатта солиқдан озод этилади. Қасрлар ва бог-роғлар бунёд қилиниб, Самарқанд күкаламлаштирилади. Никополь ёнідаги жанг: Туркия султони Боязид салибчилар қүшинини тор-мор келтиради. Темур Тошкент яқинида бұлажак рафиқаси, мұғул хони Хизрхұжанинг қизи, малика Тұқал хонимни күтиб олади ва Шарқ томон юришга ҳозирлик куради. Куз фасли: Пирмуҳаммад Жаҳонгирзода жанубға — Панжобға жүнатилади.

1397 йил.

Баҳор фасли: Темур Сирдарёдан Самарқандға қайтиб келади. Март ойы: Темур үз қүшинлари билан жанубға йүл олиб,

1398 йил.

Ҳиндикуш тоғларидан үтади ва Кобулга кириб боради. Архиепископ Иоан Султонияда шу олий диний мансабга тайинланади. Октябрь ойи: олти ойлик қамалдан сұнг Султония қулайди. Декабрь ойи: Декли қулайди ва талон-торж қилинади.

1399 йил.

Темур Ҳиндикушнинг шимолий этаклари орқали уйга қайтади. Май ойи: Темур Самарқандга келади. Бу ерда жоме масжиди қурилиши бошланади. Миср султони Барқуқнинг үлеми. Октябрь ойи: Фарбга бошланган етти Йиллик юриш. Мироншоҳ рутбадан маҳрум этилади. Султон Аҳмад Жалойир султон Боязид паноҳига қочиб боради. Хитой хоқони Миннинг үлеми ҳақидаги хабар. Темур қишини Қорабоғда үтказади. Гуржиларни қириб ташлашга қаратылған жанговар юриш.

1400 йил.

Ез фасли. Сиваш босиб олинади. Октябрь ойи: Ҳалаб (Сурия) қулайди.

1401 йил.

Январь ойи: Дамашқ қулайди ва таланади. Март ойи: Темур шимолга қайтади. Ез фасли: Бағдод шиддатли ҳужум билан олинади ва торож қилинади. Темур қишини Қорабоғда үтказади. Византия ва бошқа Фарбий Оврупо давлатлари билан олиб борилған музокаралар.

1402 йил.

Февраль ойи: Темур аскарлари Фарбга қараб силжиди. Мұҳаммад Султон бошчилигида Самарқанддан мадад кучлари етиб келади. Сивашда Темур құшинлари қуриқдан үтказилади. Июль ойи: Анқара ёнидаги жанг. Турк құшинлари тор-мор келтирилади. Султон Боязид асир олинади. Декабрь: Смирна (Авлө Иоан тариқати рицарларининг қалъаси) қамалға олинади ва талон-торож этилади.

1403 йил.

Темур құшинлари Онадұлы орқали шарққа қайтади. Март ойи: Боязид асирикда вайфот этади; валиаҳд Мұҳаммад Султон қазо қилади. Мироншоҳнинг үгли Абу Бакр Қора қүюнли қабилаларидан Бағдодни тортиб олади. Куз фасли: гуржилар билан сулх тузилади. Қиши фасли: Қорабоғ.

9. М. Герасимов
10. Sharafaddin Yazdi
11. E. G. Browne
12. Sharafaddin Yazdi
13. Ibdal Razzak
14. А. Якубовский
15. Ibn Taghri Birdi
16. В. В. Бартольд
17. Nizamaddin Shami
18. Sharafaddin Yazdi

Как человек выглядел в прошлом 1961 г.
Zafar-Name
Leterary History of Persia, 1920 г.
Zafar-Name
Matla al-sadayn
Тимур. 1946 г.
History of Egypt
Улугбек
Zafar-Name
Zafar-Name

IV бобга

1. Clavijo
2. Carpini
3. Ibn Khaldun and Tambur-laine, tr. Fischel
4. Juvaini
5. A. N. Poliak.
6. Babur
7. Minovi and Minorski
8. Ibn Battuta
9. И. П. Петрушевский
10. Abdal-Razzak
11. R. Patrington
12. E. Razin
13. Carpini
14. Archbishop John
15. Clavijo
16. Ibid.
17. E. Schvler
18. V. V. Barthold
19. Juvaini
20. Carpini
21. T. G. Winner
22. Elliot
23. Glavijo
24. Ibn Arabshah
25. Rubruck
26. Archbishop John
27. E. G. Browne
28. V. V. Barthold
29. М. М. Герасимов
30. Ibn Khaldus and Tamburlaine (see W. J. Fischel's Notes)
31. А. Якубовский

Embassy
tr. Rockhill

Tarihi Jahan-Gusha: history of World Conqueror tr. Boyle
Bulletin of the School of Oriental and African Studies. 1940—42
Memoirs tr. Erskine and Leyden
Bulletin of the School of Oriental and African Studies 1940—1942
Voyges
Вопросы истории. 1947
Matla al-sadayn
History of Greek Fire and Gunpowder, 1960
History of the Art of War. Vol. II, 1940

Memoirs
Embassy

Turkestan 1876
History des Turcs d Asie Centrale.
Tarihi Jahan Gusha

Oral Art and Literature of the Kazakhs, 1957
History of India as told by Its Own Historians 1872

Tamerlaine
tr. Rockhill 1900
Memoirs
Literary History of Persia, 1920
Four Studies
Как человек выглядел в прошлом 1961 г.

Самарканд во времена Тимура и тимуридов, 1933 г.

32. Archbishop John
 33. B. Lewis
 34. Hafizi Abru
 35. Ibn Arabshah
 36. M. M. Герасимов

Memoris
The Arabs History. 1950
Zubdat al Tavarih

Портрет Тамерлана 1947 г.

V бобга

1. Dughlat: Tarikihi-Rashidi
2. Мұғулча номлар таржимаси В. В. Бартольднинг «История Семиречья» китобидан олинди.
3. Pegholotti:
4. E. G. Browne
5. С. П. Толстов
6. R. Hakluyt
7. Ibn Arabshah

Merchants Handbook tr. Yule
Literary History of Persia
 Двадцать лет работы хорезмской экспедиции. 1957
Voyages
Tamerlane

VI бобга

1. Juvaini
2. Ibid.
3. See p. 37.
4. Juvaini
5. B. Lewis
6. Ohsson
7. E. G. Browne
8. Mustawfi Qazwini
9. W. Heyd
10. See p. 40
11. A. K. Lambton
12. G. Le Strange
13. Mustawfi Qazwini
14. Ibn Arabshah
15. Juvaini
16. Мусулмонлар улемни беносита тұлға олишдан үзларини тиядилар. Аэроил — улем фариштаси
17. А. Якубовский
18. Mustawfi Qazwini
19. Sharafaddin Yazdi
20. V. Minorski
21. Sharafaddin Yazdi
22. V. Minorski
23. Ibid.
24. Ibn Arabshah
25. Ibid.
26. Gulatshah

Tarikhi Jahan-Gusha.
Tarikhi Jahan-Gusha
The Arabs in History
History des Mongols.
Literary History of Persia
Nuzhat al— ulud
Commerce du Levant au Moyen Age. 1936

Landlord and Peasant in Parsia, 1953
Lands of the Eastern Caliphate, 1905
Nuzhat al ulub
Tamerlaine
Tarilhi Jahan-Gusha

Тимур
Nuzhat al-Qulub
Zafar-Name
Bulletin of the School of Oriental and African Studies, 1955
Zafar-Name
Bulletin of the School of Oriental and African Studies, 1955
Tamerlaine
Memoirs of the Poets ed. E. G. Browne

VII бобга

1. W. Heyd
2. F. V. Ballod
3. Nizamaddin Shami
4. Ibid.
5. 108-бетга қарант.
6. 94-бетга қарант.
7. Sharafaddin Yazdi
8. Ibn Arabshah

Commerce du Levant, 1923
Old and New Saray, 1923
Safar-Name

Zafar-Name
Tamerlane

VIII бобга

1. G. Le Strange Lands of the Eastern Caliphate
2. Sharafaddin Yazdi
3. Ibn Taghri Birdi
4. Nizam al-din Shami
5. lavijo
6. W. Heyd
7. B. B. Григорьев
8. Al-Omari, quoted by G. Le Strange, and Ibn Battura: Voyages

Zafar-Name
History of Egypt tr. Popper
Zafar-Name
Embassy

Commerce du Levant, 1923
Четыре года археологических работ в развалинах Сарая. 1847 г.

IX бобга

1. M. Minovi and V. Minorsky
2. Ibn Arabshah
3. E. Bretschneider
4. Ibn Arabshah
5. Ibid
6. Clavijo
7. V. V. Barthold
8. Г. А. Пугаченкова, Л. И. Ремпель
9. Chang-Chun
10. Clavijo
11. Ibid.
12. I. Stchoukine
13. Ibn Arabshah
14. I. Stchoukine
15. А. Якубовский
16. Clavijo

Nasir al din Tusi om Finance». Bulletin of the School of Oriental and African Studies. 1940–42

Tamerlaine
Medieval Researches, 1888
Tamerlaine

Embassy
Turkestan
Архитектурные памятники Узбекистана. 1958.
Travels of Alchemist, tr. Waley
Embassy

Les Peintures des Maruscrits Timurides, 1954
Tamerlaines
op. cit.
Самарканд во времена Тимура и тимуридов. 1933
Embassy

X бобга

1. У. Эрскиннинг фикрига қараганда, «Бобурнома» таржимонига

2. Yahiya bin Sirhindi, tr. Basu	Tamerlaine
3. Ibn Arabshah	Decline and Fall
4. Gibbon	Tamerlaine
5. Ibn Arabshah	Дневник индийского похода. (Яздийн фикрича, 40 минг пиеда)
6. Гиясэддин Ати	Tarihi Mubarakshah tr. Basu
7. Yahiya bin Ahmad Sarihindi	Tariki Jahan— usha
8. Gibbon	Zubdat al-Tavarikh
9. Hafizi Abu	
10. Ҳиндушоҳ тарихчи Фариштанинг аждоди эди	Travels and Adventures tr. Letts
11. Pero Tafur	

XI бобга

1. Daulatshah
2. Ibn Arabshah

Memoirs of the Poets ed. E. G. Browne
Tamerlaine

XII бобга

1. Froissart
2. Runciman
3. A. S. Runciman
5. A. S. Atiya
6. J. Froissart
7. Schiltberger
8. Gibbon
9. Firdun Bey

10. Ammales Minorum, rub:
Rome, 1734, and H. Ellis:
Original Letters
11. Chronographia regnum
Francorum, 1403
12. Г. Острогорский
13. Ibn Taghri Birdi

Chronicles of England, France and Spain
History of Crusades
A. History of the Crusades
Crusade of Nicopoli
Chronicle
Bondage
Decline and Fall
Munshaat (state papers), 1574 and
E. G. Browne Literary History of Persia,
vol. VIII

История Византийского государства
History of Egypt

XIII бобга

1. Ibn Taghri Birdi
2. Ibn Arabshah
3. Ibid.
4. Ibn Taghri Birdi
5. Ibn Arabshah
6. Ibn Taghri Birdi
7. Ibid.
8. Ibn Arabshah
9. Ibid.
10. Mignanelli
11. Ibn Taghri Birdi
12. Ibid.

History of Egypt tr. W. Popper
Tamerlaine

Tamerlaine
Ibid.

Vita Tamerlani

13. G. L. Strange
14. P. K. hitti
15. Ibn Arabshah
16. Muhsin Mahdi: Ibn Haldun
17. Ibn Haldun and Tamburlaine: tr. Fischel
18. Ibn Arabshah

Palestine Under Moslems, 1890
History of Syria

XIV бобга

1. Туркийлар ҳамма овруполикларни «фарангийлар» деб атardилар.
2. Marino Sanudo
3. И. Умняков
4. Ibn Arabshah
5. Silvestre de Sacy
6. Qazvini M.
7. H. Ellis
8. Memoire sur Tamerlaine et Sa Cour pub. H. Moranville 1894
9. Libellus de Notitia Orbis, tr. in part by A. Kern, 1938
10. B. Lewis

Vitae Ducum Venetorum, 1421–1439 in L.A. Muratori Rerum Italicarum Scriptores

Малоизвестные французские источники о Тимуре: 1958

Tamerlaine

Memoire dur une Correspondance Lnedita de Tamerlaine avec Charles VI, 1882

Review and Facsimile of Letter to Charles VI, Bombay, 1928

Original Letters Illustrative of English History, 1846

«Muslim Discovery of Europe» Bulletin of the School of Oriental and African Studies, 1957

XV бобга

1. A. Stein
2. C. Dawson
3. J. Needham
4. F. Hirth
5. Clavijo
6. Bretschneider
7. E. D. Ross

Innermost Asia, 1925.

The Mongol Mission, 1955.

Science and Civilisation in China, 1954
China and the Roman Orient, 1885

Мазкур манифест 1371 йилда Фулиннинг гарбий ерларига аталганди. Фулиннин эса Херт Суриядир деб белгилаган эди.

Embassy

Medieval Researches from Eastern Asiatic Sources, 1888

«The Orkhon Inscriptions», Bulletin of the School of Oriental and African Studies, 1928–30.

XVI бобга

1. C. Mariowc
 2. Tariki Qutb-shahi

 3. Thomas of Metsope on the Timurid-Turkman Wars.
tr. Minorski, Lahore, 1955
- Tamburlaine the Great
tr. Minorski Bulletin of the School of Oriental and African Studies, Part I, 1955

XVIII бобга

1. Cm. p.
 2. Ibn Arabshah
 3. Ibn Arabshah

 1. Duglat
 2. Ibn Arabshah
 3. Musavi
 4. Hafizi Abru
 5. Зимин
 6. Thomas of Metsope
- Tamerlaine
Tamerlaine
- XIX бобга*
- Tariki Rashidi
Tamerlaine
Tariki Khairat
Zublat al Tavarikh
Подробности смерти Тимура

МУНДАРИЖА

I боб. Темур ва ушинг даври	3
II боб. Чўл кўчманчилари ва кўхна Ипак Йули	12
III боб. Мовароуннахрнинг янги ҳукмдори	37
IV боб. Соҳибқирон	56
V боб. Чигатой давлати	80
VI боб. Ҳалокунинг тожи ва Эронга қарши уч Йиллик уруш	91
VII боб. Тўхтамиш ва Олтин Үрда	111
VIII боб. Эрон, Месопотамия ва Даشت қипчоққа қилинган беш Йиллик уруш	137
IX боб. Салтанат пойтахти	162
X боб. Хиндистон	186
XI боб. Сулолавий муаммолар	205
XII боб. Сўнгти салиб юриши	216
XIII боб. Сурия ва мамлуклар: Дамашқнинг қулаши	227
XIV боб. Боязид Йилдириим: Анқара ёнидаги жанг	241
XV боб. Самовий салтанат	261
XVI боб. Азроил	272
XVII боб. Самарқандга қайтиш	280
XVIII боб. Конигилда байрам	295
XIX боб. Қиш: Темурнинг ўлими	303
Темур ҳадетининг мұхым саналари	304
Фойдаланилган адабиётлар	310

ХУКХЭМ ХИЛЬДА
ЕТТИ ИКЛИМ СУЛТОНИ

Хүжжатли тарихий қисса

ХАСАН ТҮРАБЕКОВ

Рус тилидан ШЕРАЛИ СОКИН таржимаси

Муҳаррир *Қ. Мирмуҳамедов*
Рассом *А. Баҳромов*
Техник муҳаррир *А. Раҳимов*

Босмахонага 12.05.1999 йилда берилди. Босишига 6.07.1999 йилда
рухсат этилди. Қофоз бичими $84 \times 108^1/$, Босма табоги 10,00. Шартли
босма табоги 16,8. Нашр табоги 19,1. Адади 7000. Буюртма № 7103.
Нархи шартнома асосида.

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги. «Адолат» нашриёти,
700047, Тошкент, Сайилгоҳ кўчаси, 5.

Ижарадаги Тошкент полиграфия комбинати, 700129.
Тошкент, Навоий кўчаси, 30.